

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Муҳаммаджон УСМОНАЛИЕВ

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

(Умумий қисм)

Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари талабалари учун
дарслик сифатида тавсия этилган

Тошкент-2010
«Янги аср авлоди»

**Ушбу китобни мухтарам устозим академик
АНВАРХЎЖА АЪЗАМХЎЖАЕВИЧ АЪЗАМХЎЖАЕВнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман.**

Муаллиф.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими илмий услубий ва ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисининг 2005 йил 12 февралдаги 2- сонли қарори билан тасдиқланган.

Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик.

(М. Усмоналиев.—Т., «Янги аср авлоди», 2010, бет.)

Ушбу жинойт ҳуқуқининг дарслиги 2005 йили нашрдан чиқарилган эди. Аммо ўтган даврдан бери Жинойт қонунига бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, ўлим жазоси Жинойт кодексидан бутунлай чиқариб ташланди. Ўрнига “умрбод озодликдан маҳрум қилиш” тариқасидаги жазо киритилди. Жазо тайинлаш қоидаларида жиддий ўзгартиришлар юз берди. Кўпчилик китобхонларнинг илтимосларини эътиборга олиб жинойт ҳуқуқидаги ўзгартиришларни ҳисобга олиб нашрга таёрланди

Ушбу дарсликнинг қўлёмаси 102 параграфни ўз ичига олган йигирма бобдан иборат бўлиб, етти бўлимга ажратилган. Унда Жинойт ҳуқуқининг умумий қоидалари; жинойт қонуни; жинойт тушунчаси; жинойт жавобгарлик ва унинг асослари; жинойт таркиби, жинойт таркиби турлари ва элементлари; жинойт босқичлари; жинойтда иштирокчилик тушунчаси, иштирокчиликнинг турлари ва шакллари баён қилинган.

Учинчи бўлимида қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг қонунда белгиланган олтита турининг мазмуни очиқ берилган. Дарсликнинг тўртинчи бўлими жазо ва уни тайинлаш деб номланиб, учта бобдан иборат бўлиб, 14-бобида жазо тушунчаси ва мақсади; 15-бобда жазо тизими ва турлари; 16-бобда жазо тайинлаш масалалари баён қилинган.

Бешинчи бўлимда жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш ва унинг турлари баён қилинган.

Олтинчи бўлим вояга етмаганларнинг жавобгарлиги, еттинчи бўлимда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва уларни тайинлаш асосларининг мазмуни очиқ берилган.

Ушбу дарслик “Жинойт ҳуқуқи. Умумий қисм” дастурига ҳамда амалдаги Жинойт кодекси тизимига асосланган ҳолда “Таълим тўғрисида”ги қонунга, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Давлат таълим стандартларига мувофиқ ҳолда ёзилди.

This book creation is caused by the following reasons: the textbooks, published before, don't meet nowadays requirements; they don't include changes and amendments entered in the Criminal Code according to the

liberalization of the criminal-law system. This book consists of 7 parts, 20-sections, 102 paragraphs. This book presents such issues as: General Rules of Criminal Law; Criminal Law; Essence of Crime; Criminal responsibility and its grounds; composition of crime, kinds of the composition of crime and its elements; stages of crime; essence of complicity in crime, its types and forms.

The third part deals with the contents of six kinds of cases envisaged by the law in which criminality of offences is excluded.

The fourth part of the book is named "Punishment and its Infliction" composed of three sections, including the fourteenth section presenting the concept of punishment and its aims, the fifteenth section pointing the composition of punishment and their types, the sixteenth section dealing with the problems of imposition of punishment.

Essence and types of releasing from criminal responsibility and punishment are explained in the fifth part.

The sixth part describes the infliction of punishment for minors.

Compulsory measures of medical character, their grounds and appointment are presented in the seventh part.

This book is based on the "Criminal Law. Common Part" Program, the system of the Criminal Code and in according with the National Program of personal Training, Law on Education, and State Education Standards.

Данный учебник «Уголовное право (общая часть)» был издан в 2005 году. Но за прошедший период в Уголовный Кодекс были внесены существенные дополнения и изменения. В частности смертная казнь, как вид уголовного наказания, была исключена из уголовного кодекса и было введено наказание в виде «пожизненного лишения свободы». В месте с этим существенно изменились правила назначение наказания. Принимая во внимание просьбы многих читателей данный учебник подготовлен с учетом последних изменений и дополнений.

Данный учебник состоит из 7 разделов, включающих в себя 20 глав и 102 параграфов. В ней изложены такие вопросы, как: общие правила уголовного права; уголовный закон; понятие преступления; уголовная ответственность и ее основания; состав преступления, виды состава преступления и его элементы; стадии преступления; понятие соучастия в преступлении, виды соучастия и его формы.

В третьем разделе раскрываются сущность шести видов исключения преступности деяния, которые предусмотрены в законе. Четвертый раздел именуется “Наказание и его назначение”, и состоит из 3 глав, где в 14-главе говорится о понятии и цели наказания, 15-главе — о системе и видах наказания, 16-главе — задачах назначения уголовного наказания.

В пятом разделе излагаются сущность и виды освобождения от уголовной ответственности и наказания.

В шестой разделе раскрываются сущность ответственности несовершеннолетних, в седьмом разделе принудительные меры медицинского характера и об основаниях их назначения.

Данный учебник составлен на основе программы “Уголовное право. Общая часть”, системы Уголовного кодекса и в соответствии с Национальной программой подготовки кадров, Законом “Об образовании”, а также Государственными стандартами образования.

Масъул муҳаррир:

М.Ҳ.РУСТАМБОЕВ,

юридик фанлари доктори, профессор.

Такризчи:

М.А. РАЖАБОВА,

юридик фанлари доктори.

Муҳаррир:

Ш.Т. АКБАРОВ.

© М. Усмоналиев

© «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази, 2010 йил.

ISBN 5-633-00227-x

КИРИШ

Ҳурматли китобхон! Жиноят ҳуқуқи фани икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмини Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми, иккинчи қисмини Махсус қисми дейилади. Уларнинг тушунчалари ва ўзига хос хусусиятлари ушбу китобнинг биринчи бўлимида берилган.

Ўзбекистонда Жиноят ҳуқуқи Умумий қисми бўйича олдин ҳам икки марта дарслик китоби чоп қилинган. Биринчи марта профессор О.Х. Расулов томонидан 1969 йили «Совет жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм)» дарслиги ёзилиб чоп қилинган эди. У дарслик ўша даврда жиноят ҳуқуқи Умумий қисми бўйича чиқарилган ўзбек тилидаги биринчи дарслик эди. У 1959 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси асосида ёзилган бўлиб, ўз даврида анча мукамал, ўша давр талабига тўла жавоб бера оладиган дарслик бўлган.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин барча қонунлар, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва янги бозор иқтисодёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг қонунлари, шу жумладан, Жиноят қонуни ҳам (1994 йил 22 сентябрда) қабул қилинди. 1998 йилда ана шу Жиноят кодекси асосида бир қатор муаллифлар томонидан ҳаммуаллифликда Жиноят ҳуқуқи Умумий қисми дарслиги чоп қилинган эди. Ана шу дарслик чиқарилганидан бери ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо ўша 1998 йилда чиқарилган дарслик ҳозирги кун талабига тамоман жавоб бермай қўйди. Буни қуйидагилар билан асослаш мумкин:

Амалдаги Жиноят кодексининг лойиҳасини тайёрлаш вақтида унинг муаллифлари бозор иқтисодиёти тизимига асосланган жиноят қонуни тўғрисида ҳали етарли даражада тасаввурга эга эмас эдилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки ўн йилида жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин қўйилган эди. Мамлакатимизда эски маъмурий буйруқбозлик тизими ҳукм сурган бошқарув тартиби ва ижтимоий муносабатлар ўрнига янги бошқарув тартиби ва ижтимоий муносабатларни шакллантириш, мамлакатда аҳолининг тинчлик ва осойишталигини сақлаш, мамлакатда ҳудудий яхлитликни сақлаш ва барқарорликни таъминлаш масалалари ғоят долзарб бўлиб турар эди. Айниқса, диний экстремизм, терроризм, коррупция каби жиноятлар Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш ва янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришга жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда эди.

Ана шундай шароитда жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин қўйилган эди. Айтиш керакки, Ўзбекистон бу масалада Президент Ислон Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида намуна бўла оладиган ютуқларга эришилди.

Ана шу айтилганларга кўра, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида қаттиқроқ жазо чораларини қўллашга мойиллик кучлироқ бўлди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш дастурига қатъий амал қилинганлиги туфайли 2000 йилга келиб, Ўзбекистон ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди.

2000 йил июн ойида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури қабул қилинган эди. Ана шу дастурга мувофиқ равишда суд-ҳуқуқ тизимини ҳам либераллаштириш давр талаби бўлиб қолган эди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги олтинчи сессияси Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришда туб бурилиш ясади. Ўзбекистоннинг Жиноят кодексига жиддий қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилди. Жиноятларни таснифлашнинг янги қоидалари қабул қилинди.

Жиноят кодексига оғир ва ўта оғир жиноятлардан айримлари ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига ўтказилди. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги моддаларнинг фақат 15,5 фоизида оғир жиноятлар, 12,2 фоизида ўта оғир жиноятлар қолдирилди холос. Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш мумкин бўлган нормалар доираси ғоят кенгайиб кетди.

Жавобгарликдан озод қилишнинг янги институтлари қабул қилинди. Озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш жуда ҳам чекланди.

Бундан ташқари Ўлим жазосини Жиноят Кодексидан тамоман чиқариб ташланиши ва ўрнига Узоқ муддатли ва умирбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг Жиноят қонунимизнинг катта ютуғи бўлди.

Ана шу ва бошқа қўшимча ва ўзгартиришларнинг Жиноят кодексига киритилганлиги боис 1995 йили чиқарилган Жиноят ҳуқуқи Умумий қисми дарслиги ҳам қайта таёрлашни талаб қилди.

Ушбу дарсликда ҳар бир мавзунини имкони борича кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинди ва 2004 йил 1 сентябргача Жиноят кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳисобга олинди.

Ушбу дарслик юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган китобхонлардан миннатдор бўлар эдик.

Муаллиф

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

***I* БОБ. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ**

1-§. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ва предмети

Жиноят ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг умумий ҳуқуқ тизимига кириши билан бирга ўзининг махсус вазифалари, ўрганадиган соҳаси, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан бошқа фанлардан, шу жумладан бошқа ҳуқуқ тармоқларидан фарқ қилади ва ана шу фарқлар уни мустақил фан тармоғи сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Жиноят ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий Давлат Ҳокимияти органи томонидан ўрнатилган, ҳуқуқ принциплари асосида ижтимоий муносабатлар учун хавфли деб ҳисобланган қилмишлар ва бу қилмишлар учун жазо белгиловчи юридик нормалар йиғиндисидан иборат.

Унинг тушунчасини кенг маънода олганда жиноят ҳуқуқи — Ўзбекистон Республикаси Олий Давлат ҳокимият органи томонидан ўрнатилган, қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазоворлигини белгиловчи жиноий жавобгарлик ва унинг асосларини, жазонинг мақсад ва вазифаларини, жазо тизимини, жазо тайин-лашнинг умумий асосларини, жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашни, тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидан иборат бўлган ҳуқуқ тармоғидир.

Жиноят ҳуқуқининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида мужассамлашган бўлиб, улар Жиноят Кодекси моддаларида белгиланади. Ана шу айтилганларга кўра, Жиноят ҳуқуқи — салбий ижтимоий ҳодиса ҳисобланган жиноятларга қарши кескин кураш олиб боришнинг норматив базаси ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ фанлари тизимида мустақил фан тармоғи эканлиги қуйидаги ўзига хос белгиларда ифодаланади:

1. Фақат жиноят ҳуқуқигина қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини, жиноий жавобгарликнинг асосларини, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилишни белгиловчи юридик база ҳисобланади. Бошқа бирорта фан тармоғига бундай хусусият хос эмас.

2. Жиноят ҳуқуқининг ўзи тартибга соладиган ўз предметига эгаки, бу ижтимоий муносабатлар фақат жиноят содир этилиши муносабати билан вужудга келади. Тўғри, жиноят содир этилиши муносабати билан бир қатор ҳуқуқий фанлар (масалан, жиноят- процессуал, жиноят-ижроия ҳуқуқи) тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар вужудга келади. Аммо жиноят содир этилиши муносабати билан ҳар бир фан тармоғи ўзига тегишли бўлган ижтимоий муносабатни тартибга солади. Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари фақат жиноят ҳуқуқида белгиланади. Бошқа бирорта ҳуқуқ фани бу муносабатларни тартибга солмайди.

3. Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари фақат бир томондан давлат номидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлса, иккинчи томондан жиноят содир қилган шахс ҳисобланади.

4. Жиноят ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, юридик факт ҳисобланган жиноят ҳодисаси содир этилиши муносабати билан унинг нормалари ҳаракатга келади. Жиноят ҳуқуқида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш шакли, жиноят қонунида жиноят деб ҳисобланган қилмишларни белгилаш ва уларни содир этишни тақиқлаш, жиноят содир этилган тақдирда тайинланадиган жазоларни белгилашдан иборатдир. Ижтимоий муносабатларни бундай тартибга солиш шакли бошқа ҳуқуқий фанларга хос эмас.

Жиноят ҳуқуқи (унинг шакли сифатида Жиноят кодекси ҳам) икки қисмдан — Умумий ва Махсус қисмлардан ташкил топган.

Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари ва принципларидан иборат. Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми иккита асосий тушунча билан боғлиқ бўлиб, улар жиноят ва жазо тушунчаларидир. Қонун Жиноят кодексининг вазифалари ва принципларини; жиноят қонунининг ҳудуд ва вақт бўйича амал қилиш кучини; жиноий жавобгарликнинг асосларини белгилайди; ҳар бир фан тармоғи ўзига тегишли соҳага тушунча беради ва

жиноят ҳуқуқи ҳам жиноятларни туркумларга ажратади (таснифлайди); айб ва унинг шакллари белгилайди; жиноий жавобгарликка тортилиш ёшлари ва жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди; қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар доирасини белгилайди ва уларнинг мазмунини очиқ беради; жиноят босқичлари ва иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг таснифини беради; жазонинг мақсади ва ҳар бир жиноий жазонинг тизимини бериб, ҳар бир жазонинг мазмунини очиқ беради; жиноий жавобгарлик ва жазо тайинлаш ҳамда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг мазмунини очиқ беради; вояга етмаганларнинг жавобгарлигини алоҳида ажратиб белгилайди ва ниҳоят тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини белгилайди.

Жиноят ҳуқуқининг Махсус қисми алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларни содир этганлик учун тайинланадиган жазоларни белгилайди. Жиноят ҳуқуқи ана шу икки қисмдан иборат бўлсада Умумий ва Махсус қисмлари бир биридан алоҳида мустақил ҳуқуқ соҳалари бўлмасдан, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган бир бутун ягона жиноят ҳуқуқини ташкил этади. Уларнинг ягоналиги вазифаларининг бирлигида ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигидадир. Жиноят ҳуқуқининг Махсус қисмида алоҳида жиноятлар ва шу жиноятни содир қилганлик учун жазо белгиланган бўлса, Умумий қисми моддаларида Махсус қисми моддаларининг амалда қўлланиш қоидалари ўз ифодасини топган. Қисқа қилиб айтганда, Умумий қисмининг моддалари Махсус қисми моддаларининг амалда қўллашнинг калити ҳисобланади. Улар ҳаётда амалда тадбиқ этишда биргаликда қатнашади. Жиноят кодексининг Умумий қисмининг нормаларига мурожаат қилмасдан Махсус қисмининг нормаларини амалда тадбиқ этиб бўлмайди, Умумий қисмининг нормаларини амалда тадбиқ этилиши эса фақат Махсус қисми нормалари орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқи Умумий ва Махсус қисмларининг ягоналиги уларнинг вазифаларининг бирлигида, яъни шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният ҳавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашдаги вазифаларининг бирлигида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси¹ 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилди. Бунгача амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1959 йил 21 майда қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан амалга киритилган. У Кодекс мустақил Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқич учун тамоман жавоб бермас эди. Чунки у жиноят қонуни ривожланган социализм деб номланган (аслида жамиятда ривожланган социализмнинг ижтимоий муносабатлари шаклланмай, маъмурий буйруқбозлик ҳукм сураб, ўша даврда ишлаб чиқилган ва социалистик ижтимоий муносабатлар ҳисобга олинган эди.)

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят кодекси ишлаб чиқилган ва қабул қилинган вақтда жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин бўлиб турар эди. Ўз ҳаётини тугатган эски жамият билан бозор иқтисодиёти тизимига асосланган янги жамият ўртасидаги зиддият, фақат ўзининг шахсий манфаатини кўзлайдиган кимсаларнинг жиноий фаолият йўлига ўтиб олганлиги, турли диний экстремистик оқимларнинг очикдан-очик иш кўришга ўтиб олганлиги, айрим жойларда ташаббусни ўз кўлига олишга ҳаракатлар қилиши, турли халқаро террорчи ташкилотлар Ўзбекистонда ҳам ўз мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилганлиги ва ҳоказолар жиноятчиликка қарши кураш масаласини энг долзарб вазифаларидан бири қилиб қўйган эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, аҳолининг тинчлиги, осойишталигини, мамлакатда барқарорликни сақлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолган эди.

Ана шундай оғир шароитда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов сабр-тоқат, матонат ва қатъиятлик билан оқилона иш кўрди. Унинг ислохотларни амалга оширишнинг «Беш тамойили²» ва уни қатъиятлик билан амалда тадбиқ этилиши ўша йиллари барқарорликни сақлаш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиши ва бозор иқтисодиёти тизимига босқичма-босқич ўтиш, қонуннинг устуворлиги ва бошқа

¹ Бундан кейин ушбу китобда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ЎЗР ЖК деб ёзилади.

² Каримов И.А. «Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг.-Т., «Ўзбекистон» 1993 й., 5-7-бетлар.

тамойиллар ислохотларни амалга оширишнинг дастури сифатида қабул қилинди. Ана шундай шароитда жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин қўйилган эди. Шунга мувофиқ равишда у даврда оғирроқ жазо чораларини, яъни озодликдан маҳрум қилишни қўллашга мойиллик кўпроқ бўлди.

Мамлакатимизда ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишни қатъиятлик билан олиб борилганлиги туфайли, бозор иқтисодиёти тизимини барпо этиш, ҳуқуқий демократик давлатнинг ижтимоий муносабатларини шакллантириш йўлида жиддий ютуқларга эришилди.

И.А.Каримов XXI асрнинг дастлабки йилларида “мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлардан бири мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини давлат ва жамият қурилишини янада либераллаштиришдир»¹ деб кўрсатиб ўтди. Либераллаштириш сиёсати бевосита суд-ҳуқуқ тизимига ҳам тегишлидир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (2001 йил 29 августда бўлиб ўтган) олтинчи сессияси Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришда туб бурилиш ясади. Президентимиз И.А.Каримов ана шу сессияда «Адолат — қонун устуворлигида» мавзусида қилган маърузасида «Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларини кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур»², деб таъкидладилар. Президентимизнинг ана шу сессияда қилган маърузаларида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида аниқ таклифлар қилинди ва шу таклифлар асосида ЎзР Жиноят кодексига бир қанча қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Бу қўшимча ва ўзгартиришлар ЖК Махсус қисми моддаларида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни чеклаш ва жазони фақат оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга, жиноий фаолият йўлига ўтиб олган шахсларга нисбатангина тайинлаш кераклигидан, айбдор билан жабрланувчи келишганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, келтирилган зарарни айбдор қоплаган ҳолда озодликдан маҳрум қилишни қўлламасликдан иборат бўлди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда –Т: «Ўзбекистон», 1999 й, 15-бет.

² Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида. Халқ сўзи, 2001 йил.

қилинган ишлар туфайли Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи ҳам янги ривожланиш босқичига ўтди.

1959 йил 21 майда қабул қилинган Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари санкциясида асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, ЎзРнинг амалдаги ЖК да озодликдан маҳрум қилишни фақат оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилинган тақдирда ёки жиноий фаолият йўлига ўтиб олган шахсларга нисбатангина тайинланиши мумкин бўлди. Шундай қилиб 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистонда жиноят ҳуқуқи янги ривожланиш босқичига ўтди.

Агар 1959 йилда қабул қилинган ЖК Махсус қисмининг 30 га яқин моддасида ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, босқичма-босқич ўлим жазосини камайтириб борилди ва 2007 йил 11 июл қонуни билан Жиноят Қонунидан бутунлай чиқариб ташланди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодекси бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг Жиноят кодекси сифатида қабул қилинди. Янги Жиноят кодексини Умумий ва Махсус қисмларига олдинги кодексда умуман назарда тутилмаган янги бўлим ва боблар киритилди. Агар олдинги Кодексда жиноятларни таснифлаш умуман назарда тутилмаган бўлса, янги Кодексда жиноятлар тўртта туркумга ажратиб таснифланди. Олдинги Кодексда жиноят қонунининг принциплари назарда тутилмаган бўлса амалдаги Жиноят кодексида унинг еттита принциплари (3-10-моддалар) берилди. Олдинги Кодексда бир қанча жиноятлар тушунчаси умуман назарда тутилмаган бўлса, амалдаги Жиноят кодексида, яъни унинг 8-бобида бир қанча жиноятлар ва уларнинг турлари берилди. Олдинги Кодексда такроран жиноят содир этиш, узоққа чўзилган ва давомли жиноятлар, жиноятлар мажмуи (жами), рецидив жиноят содир қилиш тушунчаси ва турларининг тушунчалари берилмаган эди. Олдинги Кодексда вояга етмаганлар жавобгарлиги алоҳида ажратилмаган бўлса, янги Кодексда вояга етмаганлар жавобгарлиги унинг олтинчи бўлимда алоҳида ажратилиб, назарда тутилди. Шунингдек, янги Кодексда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари унинг Умумий қисми XVII бўлимида берилди. Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари ҳам ўзининг тузилиши жиҳатидан олдинги Кодексдан тамоман фарқ қилади. Шунингдек, олдинги Кодексда умуман назарда тутилмаган янги бўлим ва боблар янги Кодекснинг Махсус қисмида

назарда тутилди. Шу жумладан Махсус қисмининг тизими ҳам янги тартибда берилди.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизимидаги бир қатор фанлар билан бевосита боғлиқдир. Айниқса жиноят-процессуал ҳуқуқи, криминология, криминалистика, жиноят-ижроия ҳуқуқи фанлари билан бевосита боғлиқдир. Бу юқорида айтилган фанларнинг жиноят ҳуқуқи билан боғлиқлиги энг аввало, улар вазифаларининг умумийлигида, яъни жиноятчиликка қарши курашнинг умумийлигидадир. Ана шу юқорида айтилган фанларнинг норма ва қоидалари фақат жиноят факти содир этилиши муносабати билан ҳаракатга келади. Аммо уларнинг ҳар бирининг ўзи тартибга соладиган предмети ва услубига эга. Жиноят ҳуқуқи содир этилган қилмишнинг жиноят эканлигини аниқлаш ва шу жиноят учун жазо тайинлашни тартибга солса, жиноят процессуал ҳуқуқи содир этилган жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов органларининг суриштирув ва тергов ишларини олиб бориш ишни судда кўриш билан боғлиқ бўлган фаолиятини тартибга солади. Жиноят ижроия ҳуқуқи эса, жиноят содир этганлиги муносабати билан жиноий жазога ҳукм қилинганларнинг жазосини ижро этишдан келиб чиққан муносабатларни тартибга солади. Жиноят ҳуқуқи жиноят процессуал, криминология, криминалистика ва жиноят-ижроия ҳуқуқи фанлари учун моддий фан ҳисобланиб, бу фанлар ўз бошланғич асосларини жиноят ҳуқуқидан олади.

Жиноят ҳодисаси жиноят -ҳуқуқий нуқтаи назардан олинганда, бу ҳодиса инсон томонидан жиноят қонуни билан тақиқланган актни содир қилиш деб баҳоланади ва бу фақат жиноят ҳуқуқида ишлаб чиқилади. Содир этилган қилмишга жиноят таркиби қоидалари тадбиқ этилиб, жиноят таркибининг тўртта томони, яъни жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонлари таҳлил қилиниб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддаси белгиларига таққослаб кўрилади ва ўша моддада назарда тутилган жиноят содир этилган деб ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи маълум даражада маъмурий ҳуқуқ билан боғлиқдир. Маъмурий ҳуқуқ маъмурий ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солса, жиноят ҳуқуқи жиноий ҳуқуқ бузишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида муайян қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс яна шундай қилмишни содир қилса қилмиш жиноятга ўсиб чиққан ҳисобланади ва шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқининг предмети жиноят содир этилиши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2-§. Жиноят ҳуқуқининг вазифалари

Ўзбекистон Жиноят ҳуқуқининг вазифалари ЎзР ЖКнинг 2-моддасида баён қилинган. Ушбу моддада белгиланишига кўра Жиноят ҳуқуқининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни инсоният хавфсизлигини жинойий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун Жиноят кодекси жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганлиги, жамият ва давлат ҳаётида туб ўзгаришлар юз берганлиги, жамиятнинг бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик тузумга ўтаётганлиги муносабати билан Жиноят ҳуқуқи олдида тамоман янги вазифалар қўйилдики, янги жиноят ҳуқуқида буларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Жиноят ҳуқуқи жиноятчиликка қарши курашдек ғоят муҳим вазифани бажариш билан бирга, янги шаклланаётган жамиятнинг ижтимоий муносабатларни шаклланишига тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф қилишга ёрдам бериш орқали уларнинг шаклланишини таъминлашдан ҳам иборатдир. Янги жиноят қонуни энг аввало шахсни, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият беради. Агарда 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида давлат ва жамоат мулкни ҳимоя қилинишига алоҳида аҳамият берилган бўлса, амалдаги жиноят қонунида мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, мулк бир хилда ҳимоя қилинадиган бўлди. ЎзР Конституциясининг 53-моддасида «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза

этилишини кафолатлайди» деб ёзиб қўйилган. Демак, жиноят ҳуқуқининг нормалари ана шу конституциявий қоидага мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ва у ана шундай ҳимояни таъминлайди. Жиноят ҳуқуқида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини, Ўзбекистоннинг Конституциявий тузумини, табиий муҳитни, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашга алоҳида аҳамият берилиб, қонун билан қўриқланадиган энг муҳим объекти даражасига кўтарилган. Юқорида айтилганларга кўра жиноят ҳуқуқининг асосий вазифаси жиноят учун жазолаш эмас, балки ижтимоий муносабатларни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишдир. Шундай экан, жиноят ҳуқуқининг энг муҳим вазифаларидан бири жиноятчиликнинг олдини олишдир.

Жиноят ҳуқуқи жиноятчиликнинг олдини олишни асосан икки йўналишда амалда оширади.

Биринчи йўналиш — жиноят қонунида алоҳида жиноий қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилиб жазоланишни белгиланишнинг ўзи, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун қонун-да оғир жазо чораларининг белгиланганлиги жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасини бажариш билан бирга тарбиялаш (жазолаш билан қўрқитиб) функциясини ҳам бажаради.

Иккинчи йўналиш–жиноят содир этишда айбланиб, жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан жазо қўллаш орқали амалга оширилади. Яъни жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жазони тайинлаб уларнинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилинади.

Жиноят ҳуқуқи тарбиявий функцияни ҳам бажаради. Қонунда муайян ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлиги жамиятнинг қонун талабларига риоя қиладиган шахсларнинг ўзларининг шахси, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мулкларининг қонун орқали ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилинганлигини ҳис қилиш, ўз фаолиятларини ҳамда турмуш муаммоларини эркин, беташвиш амалга ошириш имкониятини яратади, ўзини турли тажовузлардан ҳимоя қилинганлигини ҳис қилади. Бунинг ўзи шахсни баркамол шаклланишининг муҳим омилларидан биридир.

Жиноят ҳуқуқининг махсус функциясидан бири рағбатлантириш функциясидир. ЎзР ЖК бутун бир бўлимида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар назарда тутилган бўлиб, шахснинг ўз манфаатлари, ўзгалар, давлат ёки жамоат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш натижасида

қилган ҳаракатлари туфайли зарарли оқибат келиб чиқса ва ҳимоя чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Жиноят қонунда ана шундай нормаларнинг назарда тутилганлиги фуқароларнинг жиноятларни олдини олиш, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан фаол ҳимоя қилишга рағбатлантиради.

Жиноят қонунда буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш, касб ёки хўжалик фаолиятдан келиб чиққан оқибат учун, жиноятдан ихтиёрий қайтганлик, қилмишга чин кўнгилдан пушаймон бўлганлик (масалан, Ҳозирқонуний олинган қуролни, гиёҳванд воситани ўз ихтиёри билан топширганлик, пора берганлик ҳақида тегишли идораларга хабар берганлик ва ҳоказолар учун жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилганлиги жиноят ҳуқуқининг муҳим рағбатлантирувчи функцияларидан ҳисобланади.

Аммо жиноят ҳуқуқининг вазифаларидан бири ҳисобланган жиноятчиликнинг олдини олишдаги функциясига, ҳатто бундай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти анча фаол бўлган тақдирда ҳам тўла унга ишониш ва жиноятчиликка қарши кураш ишини бутунлай унга юклаб қўйиш жуда ҳам тўғри бўлмайди.

Жиноят ҳуқуқининг вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш, энг аввало, жиноятчиликнинг ҳолати ва даражаси билан тўғридан тўғри боғлиқдир. Собиқ Иттифоқнинг охириги ўн йиллик ҳаётини олиб кўрилса, ўша даврда жиноятчиликка қарши кураш кескин қўйилган, жиноят қонунларида жазо кучайтирилган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш ишида жуда катта тажрибага эга бўлсаларда жамиятдаги зиддиятларнинг чуқурлиги, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида инқирознинг чуқурлашиб бориши жиноятчиликнинг йилдан-йилга ўсиб боришига олиб келди. 1988 йилда жиноятчилик 4 фоизга ошган бўлса 1989 йилда 31,8 фоизга кўпайган. Жиноятчилик фақат миқдор кўрсаткичлари жиҳатидангина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгарди. Уюшган жиноятчилик, мансабини суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларда ўсиш юз берди. Замонавий фан-техниканинг ютуқларидан фойдаланиб жиноят содир қилиш кенг тус олди. Уюшган барқарор жиноий гуруҳлар, мафия структуралари давлат ҳаётининг турли соҳаларига суқилиб кира бошлади. Ана шундай ғоят мураккаб бир шароитда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлган эди.

Ана шу айтилганларга кўра жиноятчиликка қарши курашнинг фақат махсус чораларини (жиноят қонуни нормаларини) қўллаш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг учун жиноятчиликка қарши курашнинг умумий чораларини ҳамда (жамият ҳаётининг ҳамма жабҳаларида) ижтимоий муносабатларни ривожлантириш талаб этилади.

Жиноят қонуни жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим воситаси бўлсада, бу ижтимоий салбий ҳодисага қарши кенг доирадаги умумий давлат миқёсида, мукамал ишлаб чиқилган дастур асосида давлатнинг барча идоралари, кенг жамоатчилик оммасини жалб қилиб ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини юқори даражага кўтаргандагина бу салбий ижтимоий ҳодисага қарши мувафақиятли кураш олиб бориш мумкин. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодекси бунинг учун кенг доирадаги ҳуқуқий имкониятлар яратди. Жиноят қонунларини аниқ ва тўғри амалда тадбиқ этишни давлатнинг жиноятчиликка қарши курашда олиб борадиган чоралари билан қўшиб олиб борилгандагина жиноятчиликка қарши курашнинг кўзланган самарали натижаларига эришиш мумкин.

Жиноят ҳуқуқи жиноят сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Жиноят сиёсати жамият ҳаётининг ушбу босқичида жиноятчиликка қарши курашнинг асосий йўналишлари ва йўллари ҳамда воситаларини белгилаб берувчи ғоя ва тасаввурлар мажмуидан иборат. Унинг асосий мазмуни жиноят қонунини амалда қўлланишини ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг тактика ва стратегиясини, вазифаларини белгилаб беришда ифодаланади. Жиноят сиёсатининг асосида жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ётади. Жиноят сиёсати жиноятчиликка қарши кураш қонунга асосланган ҳолда, унинг нормаларига қатъий амал қилинган ҳолда «Қонун ягона ва унинг олдида ҳамма тенгдир», — деган принципга асосланган ҳолда олиб борилиши керак. ЎзР ЖКнинг 5-моддасида жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқедан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар, дейилади.

Жиноятчиликка қарши курашнинг кўп йиллик тажрибаси ва амалдаги Жиноят кодексининг мазмунидан жиноят сиёсатида иккита тенденция амал қилаётганлигини кўрамиз. Булар биринчидан оғир ва ўта оғир жиноятларга, жиноятчиликни касб қилиб олганларга,

уюшган жиноятчилик, уларнинг раҳбарларига, фаол иштирокчиларига, ўта хавфли рецидивистларга қарши жиноят қонуни нормаларидан фойдаланган ҳолда мурасасиз кураш олиб бориш.

Иккинчи тенденцияда жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принциплари мужассамланган. Бу — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлашдан иборат. Ана шу иккита тенденцияни узвий равишда боғлиқ ҳолда амалга оширилгандагина жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш таъминланиши мумкин.

3-§. Жиноят ҳуқуқи фани ва унинг манбалари

Жиноят ҳуқуқи фани юридик фанларнинг таркибий қисми бўлиб, муайян босқичда (ҳозирги бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш босқичида) жамиятда ҳукмрон бўлган жиноят ҳуқуқи ва жиноятчиликка қарши кураш йўли ва воситалари тўғрисидаги қарашлар, ғоялар ва тасаввурлар мажмуи (тизими)дир¹. Жиноят ҳуқуқи фани, энг аввало, жиноят содир этилиши муносабати билан вужудга келадиган иккита институтни жиноят ва жазони ўрганеди. Жиноят ҳуқуқининг бу иккита ва бошқа институтлари бу ҳодисани қотиб қолган ҳодиса сифатида эмас, балки ўзгарувчан ҳодиса сифатида жиноятчиликда бўлаётган миқдор ва сифат кўрсаткичлари доимий равишда ўзгарувчан, жиноятчиликка қарши курашнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишни ўрганеди. Амалдаги жиноят ҳуқуқини олдинги жиноят ҳуқуқи билан солиштириш, уларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги самарадорлиги, социологик тадқиқотларнинг натижалари, жиноят ҳуқуқи жиноят қонуни нормаларини амалда тадбиқ этилишини, уларнинг самарадорлигини, умумлаштириб боради ва бу билан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий аҳволга қараб жиноят қонунининг ривожлантириш йўллари ва усулларини ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқи фанининг предмети — жиноят қонунчилиги ва уларни амалда қўлланиш амалиёти (шу жумладан МДХга кирувчи давлатлар жиноят қонунчилигидаги тажриба-лари), амалдаги жиноят қонуни ва уларни ривожлантириш муаммоларидир.

¹ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М.: «Юристъ», 2001, 15-бет.

Жиноят ҳуқуқи фанининг предмети (ходисаларни ўрганиш доираси) ҳуқуқ тизимининг бир тармоғи сифатида жиноят ҳуқуқининг предметиға нисбатан анча кенгдир.

Жиноят ҳуқуқи фанининг предмети доирасига фақат амалдаги қонунлар ва уларни амалда тадбиқ этилиш амалиётини таҳлил қилиш ва ўрганишнинг ўзи билангина чекланиб қолмасдан жиноят қонунининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини ҳам ўрганади.

Жиноят ҳуқуқи фанининг предмети доирасига МДХ га кирувчи ва бошқа хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилигини солиштириш усулларидан фойдаланган ҳолда уларнинг қонунчилик ва ҳуқуқни амалда қўллаш тажрибасидан фойдаланиш мақсадида уларни ўрганиш ҳам киради.

Жиноят ҳуқуқи фақат жиноят содир этилиши оқибатида келиб чиққан ижтимоий муносабатларни тартибга солса, жиноят ҳуқуқи фани эса содир этилган жиноятлар ва бу жиноятлар учун тадбиқ этилаётган қонун нормаларининг мазмунини тадқиқ қилиш ва жиноят қонунчилигини ривожлантириш учун тавсиялар ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади.

Демак, жиноят ҳуқуқи ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солса, жиноят ҳуқуқи фани ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жиноят содир қилиниши оқибатида келиб чиққан муносабатларни тартибга солмай, уларни ўрганиш, тадқиқ қилиш ва шу асосда жиноят қонунчилигини ривожлантириш учун тегишли тавсияларни ишлаб чиқади.

Жиноят ҳуқуқи амалиёт билан боғланмаган ҳолда ўзи мустақил равишда ривожлана олмайди. Бу боғланишнинг шакли турлича бўлиши мумкин. Булар: жиноят қонунини амалда қўлланишини умумлаштириш; мутахасис олимларнинг ҳуқуқни амалда қўлловчи органлар томонидан амалиётни ўрганиш юзасидан олиб бориладиган умумлаштиришларида қатнашиш; янги жиноят қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалдагисини ривожлантириш; ушбу соҳа олимларининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳамда Республика Бош прокуратурасининг маслаҳат Кенгашида қатнашиш, жиноят қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорлари лойиҳалари юзасидан тегишли хулосалар бериш ва ҳоказолар.

Жиноят ҳуқуқи фани худди жиноят ҳуқуқидек жиноятчилик ва унга қарши кураш муаммоларини ўрганувчи бошқа фанлар билан бевосита боғлиқдир. Жиноят ҳуқуқи фани айниқса, криминология, жиноят-

ижроия ҳуқуқи, статистика, криминалистика, суд психологияси, суд психиатрияси фанлари билан бевосита боғлиқдир.

Ана шу жиноят-ҳуқуқий фанлар учун ягона асос бу жиноятчиликка қарши кураш муаммоларини тадқиқ қилиш ва уни иложи борича қисқартириш йўллари ва усуллари муаммоларини тадқиқ қилишдан иборатдир. Шундай бўлсада, бу ҳуқуқий фанларнинг ҳар бирининг ўз мазмуни, ўзига хос махсус хусусиятлари, ўрганадиган ижтимоий муносабатлар доираси бор.

Агар криминология фанининг предмети жиноятчиликни ижтимоий ҳодиса сифатида унинг шароит ва сабабларини, жиноятчилик динамикаси, жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни энг кам миқдоригача камайтириш йўллари ва усулларини, жиноятнинг шахсини ва жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини ўрганиш бўлса, жиноят ҳуқуқи фанининг предмети жиноят қонунчилигидир. Криминология жиноятчилик билан боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ қилишда жиноят қонунига таянади ва ўрганиш услуби социологик усул ҳисобланади.

Ҳуқуқий статистиканинг предмети–жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичлари, унинг структураси, умуман ёки алоҳида гуруҳдаги жиноятчиликнинг динамикаси бўлса, жиноят ҳуқуқи фани ўз тадқиқотларида жиноят статистикаси маълумотларига таянади.

Жиноят ҳуқуқи фани учун жиноят статистикасининг яна бир аҳамияти шундаки, у ёки бу ижтимоий салбий ҳодисани криминализация қилиш ёки декриминализация қилиш масаласини ҳал қилишда фойдаланилади.

Жиноят ҳуқуқи фани билан бевосита боғлиқ бўлган фанлардан яна бири жиноят-ижроия ҳуқуқидир. Жиноят ижроия ҳуқуқининг предмети жиноий жазоларни ижро этишдан келиб чиқадиган муносабатларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш муаммолари ҳисобланади. Жиноят ижроия ҳуқуқи жиноий жазоларни ижро этиш натижалари самарадорлигининг, жазонинг мақсадига қай даражада эришилганлигини ўрганади.

Жиноят ҳуқуқи фани криминалистика фани билан ҳам боғлиқдир. Криминалистика фанининг предмети содир қилинган жиноятлар юзасидан далилларни аниқлаш ва уларни тадқиқ қилиш, жиноятчини қидириш ва шахсини аниқлаш муаммолари ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи фани амалий аҳамиятга эга бўлган бошқа фанларнинг, масалан, суд руҳиятшунослиги, суд тиббиёти, суд психиатриясининг маълумотларидан фойдаланган ҳолда

криминалистика фанига таянади ва содир этилган жиноятни очиш, жиноят содир этилишининг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш, жиноятчи шахсига аниқ баҳо бериш, жиноят таркибининг барча белгиларини тўғри ва батафсил аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Жиноят ҳуқуқи фани жиноят қонунлари ва уларнинг амалда қўлланишини ўрганишда доимий ўзгаришда, ривожланишда деган назарияга таянади. Жиноят ҳуқуқнинг институтлари ва уларнинг тушунчалари назарий андоза сифатида эмас, балки категориялар сифатида, шундай ҳодисанинг ижтимоий ҳодисалар таъсирида юз берганлиги масалаларини статистика нуқтаи назаридан эмас, балки доимий равишда ўзгартирувчи ҳодиса сифатида тадқиқ қилади. Бундай ҳолат у ёки бу жиноят ҳуқуқий нормасининг ижтимоий зарурлигини, жиноят қонунчилиги нормаларини ривожлантириб бориш, ўзгартиришларнинг зарурлигини асослаш имкониятини беради.

Жиноят ҳуқуқи фани ўзининг предмети ҳисобланган институтлар ва тушунчаларни тадқиқ қилишнинг махсус усулларидан фойдаланади. Булар тизимли тузилиш, ҳуқуқий солиштириш, мантиқий таҳлил кабилардир.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб жиноят ҳуқуқи фанининг ҳозирги даврда олдида турган вазифаларни қисқача қилиб қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш даврида амалдаги жиноят қонунчилиги ва унинг нормаларини давр талабига жавоб бера олиши ва уларнинг самарадорлиги нуқтаи назардан ўрганиш мақсадида кенг доирадаги тадқиқот ишларини олиб бориш;

2. Умуман жиноят қонунчилигини, унинг алоҳида институтлари ва жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг амалда қўлланишини батафсил тадқиқ қилиш ва умумлаштириш асосида у ёки бу салбий ижтимоий ҳодисани декриминализация ёки криминализация қилиш, жиноят қонунини либераллаштириш ҳамда жиноят қонунчилигини ривожлантириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

3. Жиноят қонунчилигини ривожлантиришда олимлар ва расмий идоралар ходимлари кучини бирлаштириш;

4. Ўзбекистон жиноят қонунчилигини ривожлантиришда МДХ га кирувчи ва бошқа давлатларнинг қонунчилигини, айниқса бозор иқтисодиёти тизими инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигини, истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя

қилувчи, экология соҳасидаги жиноят қонуни институтларини амалда қўлланиш тажрибаларни ўрганиш, зарур бўлса, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш;

5. Ҳуқуқий-демократик давлатнинг талабларига принцип жиҳатидан тўла жавоб бера оладиган жиноят қонунини ишлаб чиқиш мақсадида илмий прогноз қилиш ва уни ривожлантириш йўллари белгиловчи концепциясини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқи махсус ўқитиладиган, ўзининг тадқиқ қилиш предметига эга бўлган жиноят ҳуқуқий фанларнинг бир тармоғидир. Унинг асосий мазмунини амалдаги жиноят қонунини, унинг асосий назарий қоидаларини амалда қўлланишини ўрганиш ташкил этади. Шу билан бирга ўқув фани сифатида жиноят ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиш тарихини, шунингдек хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги соҳасидаги тажрибасини ўрганади.

4-§. Жиноят ҳуқуқининг принциплари

Жиноят ҳуқуқининг принциплари деганда, умуман жиноят ҳуқуқининг ва унинг тизимини алоҳида институтларининг мазмунини белгиловчи, унга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган жиноят ҳуқуқининг нормаларида мужассамлашган бошланғич раҳбарий-назарий ғоялари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг принциплари ЎзР ЖКнинг 3-моддасида кўрсатилган бўлиб, булар: қонуний-лик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгар-ликнинг муқаррарлиги принципларидир.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида биринчи марта жиноят ҳуқуқининг принциплари назарда тутилди. Қонуннинг ўзида унинг принципларининг берилиши, аввало бу принципларга мажбурийлик хусусиятини берса, умуман жиноят ҳуқуқи ва унинг институтлари ва алоҳида нормаларини ана шу принципларга мувофиқ равишда ишлаб чиқиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари бўлиб хизмат қилади. Бу принциплар Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг принципларига тўла мувофиқ келади.

Жиноят ҳуқуқининг принциплари бозор иқтисодиёти тизимида асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг жиноят қонуни

нормаларининг ички бирлигини, нормал мувофиқлигини таъминлайди.

Жиноят ҳуқуқининг ҳар бир принципи мустақил мазмунга эга бўлсада, улар бир-бири билан боғлиқ бўлган, ягона тизимдан ташкил топган принциплар мажмуидан иборатдир. Уларда Ўзбекистоннинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати ўз ифодасини топган.

Қонунийлик принципи — ЎЗР ЖК 4-моддасида жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципи берилган бўлиб, содир этилган қилмишнинг жиноийлигини, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмаётган ҳолда жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Жиноят қонуни мамлакатимизда жиноий қилмиш содир қилганлик учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ягона жиноят қонунидир. Бошқа бирон қонун нормасини қўллаб шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Жиноят кодексида жиноят деб ҳисоблаб, жавобгарлик белгиланган, бунинг учун жазо назарда тутилган қилмишларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, Кодексида назарда тутилмаган, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш жиноят ҳисобланмайди ва улар учун жиноят қонуни нормаларини қўллаб жавобгар қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», дейилади. Демак, жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципи энг аввало Конституциявий принцип ҳисобланади ва жиноят ҳуқуқида шундайлигича қабул қилинган. Проф. А.С.Якубов ЎЗР жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципини қуйидаги белгиларда ифодалайди:

а) қилмишнинг жиноийлиги фақат Жиноят кодекси билан аниқланиши; б) жазо ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши; в) Жиноят кодексининг жиноят ҳуқуқи учун ягона манба эканлиги; г) шахснинг жиноятни содир этишдаги айблилиги ёки унга қўйилган айбда айбсизлигини фақат суд

томонидан аниқланиши; д) жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд томонидан қўлланиши; е) жиноятни содир этишда айбдор деб ҳисобланган шахсни ҳуқуқий ҳолати фақат қонун билан белгиланиши; ж) барча ҳуқуқни амалда қўллайдиган идораларнинг жиноят қонунининг мазмунини ўз ваколатлари доирасида ва Жиноят кодексида кўрсатилган аниқ матнга мувофиқ шарҳлаш мажбурдирлар, деган қоидалардан иборат¹.

Шундай қилиб, қонунчилик принципи жиноят содир қилишда айбланаётган, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан жазо қўллаш фақат жиноят қонуни доирасида ва унга мувофиқ равишда амалга оширилади. Шунингдек, жиноят содир қилишда айбланаётган шахсни жавобгарлик ва жазодан озод қилиш ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш фақат жиноят қонуни билан ҳал қилинади. Қонунчилик принципи барча жиноят-ҳуқуқий нормаларга бир хилда тегишлидир.

Қонунда ана шу принципнинг белгиланиши ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни аналогия бўйича жавобгар қилишни истисно қилади.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи — ЎЗР ЖКнинг 5-моддасида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принципи берилган бўлиб, унда жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар» дейилади.

Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принципи Конституциявий принцип бўлиб (ЎЗР Конституциясининг 18-моддаси), бу принцип жиноят ҳуқуқига ҳам шундай ҳолда олинган. Демак, ушбу Конституциявий принцип демократик жамиятда фуқаролар ҳуқуқининг асосий мақоми ҳисобланади.

Ушбу принцип жиноят ҳуқуқининг энг муҳим принцип-ларидан бири бўлиб, жиноят содир этишда айбланаётган шахсни жавобгарликка тортишда ҳеч қандай ҳолат ва омиллар таъсир қила олмайди ва ҳамма қонун олдида тенгдирлар.

Аввало айтиш керакки, жиноят қонунининг структураси ва тизими ана шу принципга мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда жиноий жавобгарлик ЎЗР ЖК нинг 5-моддасида белгиланган белгиларига

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар-Т: «Адолат», 1997, 12-бет.

қараб эмас, балки жиноят қонуни олдида тенгдирлар. Жиноят қонуни нормаларини амалда тадбиқ қилиш вақтида шахснинг бирига юқорида айтилган белгиларига қараб имтиёз берилиши, бошқасига нисбатан эса бошқача муносабатда бўлишига йўл қўймасликнинг ҳал қилувчи шартидир. Шахснинг мансаб мавқеидан қатъи назар, жиноят қонуни олдидаги тенглиги муҳим шартлардан бўлиб, жиноят содир қилишда айбланаётган ҳар қандай мансабдаги шахсларга бирон-бир имтиёз берилмайди. Тўғри, ЎзР ЖК нинг 55 ва 56-моддаларида жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган бўлиб, ЖКнинг 5-моддасида назарда тутилган ҳолатларнинг бирортаси енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолат бўла олмайди. ЖК нинг 55-56-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар шахсга имтиёз бериш ёки бошқа бирини аҳволини оғирлаштириш бўлмасдан, жиноят содир этилиш ҳолатлари сабаби, жиноят содир қилган киши шахсининг жамият учун ижтимоий хавфлилик даражаси, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жиноят ҳуқуқининг одиллик принципини амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги тўғрисидаги Конституциявий принцип анча кенг тушунча бўлиб, фақат жиноят қонунигина эмас, балки барча қонунлар назарда тутилса, жиноят ҳуқуқидаги ҳамманинг қонун олдидаги тенглиги фақат жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга тегишли холос.

Тўғри, айрим туркумдаги мансабдор шахслар (масалан, депутатлар) муайян имтиёзга эгадирлар. Масалан, шахсни депутатлик ваколатидан маҳрум қилмай қамокқа олишнинг тақиқланиши. Аммо ундай имтиёзлар жиноят ҳуқуқий имтиёзлар бўлмасдан уларнинг ўз фаолиятларини нормал олиб боришнинг муҳим шартидир. Улар жиноят содир қилган тақдирда депутатлик ваколати бекор қилиниб умумий тартибда жиноий жавобгар қилинаверади. ЎзР ЖК нинг 16-моддаси 2-қисмида белгиланишича жиноят содир этиш пайтида қонунда назарда тутилган ёшга тўлган ақли расо шахслар ЖК да назарда тутилган жиноятлар таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун ягона асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги фақат жиноят учун тенг жавобгарлик мажбуриятидангина иборат бўлмай, жиноят содир этишда айбланаётган барча шахслар ўз қилмишларини қонунга

мувофиқ равишда баҳоланишини талаб қилиш ҳуқуқига бир хилда эгадирлар.

Демократик принципи — ЎзР ЖК нинг 6-моддасида жиноят ҳуқуқининг демократик принципи баён қилинган. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар жиноят содир этган шахснинг ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

ЎзР Конституциясининг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, дейилади. Шунга кўра, бу принцип бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим принципларидан ҳисобланиб, жиноят қонунининг нормаларини амалда қўлланишида жамоатчиликнинг ёки уларнинг вакилларининг жиноят қонуни нормаларини амалда тадбиқ этишда жамоатчиликнинг қатнашувидир. Айниқса, жазо тайинлаш ва озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазога ҳукм қилинганларни тарбиялашда бевосита жамоатчилик кучидан фойдаланишда жиноят ҳуқуқининг демократик принципи намоён бўлади. Айниқса, вояга етмасдан жиноят содир қилганларни тарбиялашда жамоатчилик фаол жалб қилинади. ЎзР ЖК нинг 87-моддасининг 1-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўллагандан туриб тузатиш мумкин деган хулосага келинса, шахс жавобгарликдан озод қилиниб, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Жиноят ҳуқуқида шартли ҳукм қилиш, муддатидан илгари жазодан шартли озод қилиш ва бошқа жазодан озод қилиш нормалари назарда тутилганки, айрим ҳолларда шахсга нисбатан жиноят қонуни нормаларида назарда тутилган мажбурлов чоралари ёки давлат тузилмалари томонидан қўлланадиган чораларга нисбатан шахснинг ўзи яшаётган ёки ишлаётган жойидаги кишиларнинг таъсири самаралироқ натижалар бериши мумкин.

Инсонпарварлик принципи — ЎзР ЖК нинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли

бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Инсонпарварлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидаёқ белгилаб қўйилган бўлиб, унда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсад қилинади.

Жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципи жиноят содир қилган шахсга ҳам, жабрланувчига ҳам бирдай тааллуқлидир. Жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципи, энг аввало, ижтимоий тузумнинг ижтимоий сиёсий моҳияти, жиноят қонунининг мақсад ва вазифалари билан боғлиқдир.

Жиноят ҳуқуқининг жиноят содир этган шахсларга нисбатан инсонпарварлик принципи, энг аввало, жиноят содир қилган шахсга нисбатан жиноий жазо чораси қўлланилар экан, жисмоний азоб бериш, инсоний қадр-қимматни камситишга асло йўл қўйилмайди.

Ҳар бир фуқаро, жиноят содир қилган ёки умуман жиноят содир қилмаганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон фуқароси ва Ўзбекистон қонунларининг ҳимояси остидаги шахсдир. Ҳар бир жиноят содир қилган шахсга нисбатан қонунда кўрсатилганидан бошқача муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси 2-қисмида «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги қийноққа дучор этилиши мумкин эмас», деб таъкидланган бўлиб, бу жиноят содир қилган шахсларга ҳам тааллуқлидир. ЎзР ЖК нинг 42-моддасида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш, маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишини, шунингдек, бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланишининг ўзи жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принциpidир. Шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, мулкни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш билан фуқароларда тинч, беҳавотир ва осойишта яшашини таъминланишининг ўзи ва бунга фуқароларда ишонч ҳосил қилинганликнинг ўзи жиноят ҳуқуқининг муҳим инсонпарварлик принципи ҳисобланади.

Жиноят қонунини либераллаштириш муносабати билан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни назарда тутувчи жиноят ҳуқуқий нормаларнинг кенгайтирилганлиги инсонпарварлик принципининг янада чуқурлашганлигини билдиради.

Жазолашдан кўзланган мақсадга Жиноят кодекси Махсус қисмининг айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган моддасида назарда тутилган енгилроқ жазони тайинлаш орқали эришиб бўлмайди деган қатъий хулосага келинсагина оғирроқ жазо чораси қўлланиши мумкинлиги жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципининг катта ютуғидир.

Одиллик принципи — Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлишидир. Ушбу принципнинг моҳияти жиноят учун жавобгарликка тортиш тўла исботланган ва бунга ишонч ҳосил қилинган, қонунга мувофиқ келадиган ҳолатларга асосланганлигидадир. Жиноят ҳуқуқининг одиллик принципи ЖК Махсус қисми моддалари санкцияларида жиноят учун тайинланадиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасида ўз ифодасини топади.

Қуйидаги ҳолатлар одиллик принципини амалга оширишнинг мезонлари ҳисобланади:

- а) жиноятнинг оғир-енгиллиги;
- б) айбнинг даражаси;
- в) шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси.

ЎзР ЖКнинг 15-моддасида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигига қараб таснифлаш назарда тутилган бўлиб, барча жиноятлар тўрт туркумга бўлинган. Булар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлардир. Ҳар бир жиноятнинг қайси туркумга кириши ЖК Махсус қисми моддаларининг санкциясидаги жазо тури ва муддати билан белгиланади. Бу масалалар ушбу дарсликнинг жиноятларни таснифлаш бобида батафсил берилган. Суд жазо тайинлашда айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазолардан бирини ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб тайинлаш орқали одиллик принципини амалга оширади.

Айбнинг даражасини эса жиноят содир этишнинг барча руҳий ҳолатлари (айбнинг шакли ва унинг турлари, жиноят содир

қилишнинг мотиви ва мақсади, етказилган зарарнинг миқдори ва ҳоказолар) ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Шахснинг ижтимоий хавфлилиги эса субъектнинг шахсида жиноятчига хос бўлган хусусиятларни қай даражада чуқурлиги ва турғунлиги (жиноятни биринчи марта такроран, бир неча марта содир этилганлиги, жиноий фаолиятга айланганлиги, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист эканлиги) билан белгиланади.

ЖК Махсус қисми моддаларида белгиланган жиноятлар учун жавобгарлик ана шу юқорида айтилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва жиноят ҳуқуқининг одиллик принципи асосида амалга оширилган.

Айб учун жавобгарлик принципи — шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлишидир. Айб ҳар қандай жиноий қилмишнинг субъектив томонининг зарурий белгисидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», дейилади. Демак, айблилик ҳар қандай жиноятнинг зарурий белгиси бўлиб, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг жиноий қилмишини квалификация қилиш ва жазо тайинлашда айбнинг шакли ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айбнинг шакли ва унинг турлари жазонинг миқдори ёки бошқача ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон жиноят қонунида фақат субъектив айблилик қондаси мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, объектив айблиликка (муайян жиноятни содир этилишида шахснинг умуман айби йўқлиги) қатъиян йўл қўйилмайди. Шахснинг қилмиши туфайли қандай оқибатлар келиб чиққанлигидан қатъи назар, агар бу оқибатлар келиб чиқишида унинг айби бўлмаса қилмиши жиноят ҳисобланмайди. Шахснинг муайян оқибатни келиб чиққанлигида айби йўқлиги унинг ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаслиги ва ҳаракатларини бошқара олмаганлиги билан ҳам белгиланади. Шахсни муайян жиноятни содир этишда айбланиш учун фақат ўша жиноятни содир этиш мақсадининг борлиги, яъни ўз ҳаракатларини идора қилиш ва ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган оқибатни англашнинг ўзи етарли бўлмай, қилмишнинг объектив ва субъектив томонларида ўзаро боғлиқлик бўлиши, яъни объектив томони ва субъектив

томонининг бирлиги бўлиши керак. Ана шундагина шахсни муайян жиноятни содир этишда айблаб жавобгар қилиш мумкин.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи — муайян жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноий жавобгарлик шахсининг жиноят ҳуқуқи билан тақиқланган қилмишни содир этишда ифодаланган хулқи учун жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллаб, жавобгар қилишдан иборатдир. Жавобгарлик муқаррарлигининг моҳияти ҳам жиноятчиликка қарши кураш ёки унинг олдини олишнинг муҳим шартларидан бири ҳам, жиноят содир қилган битта шахс ҳам жавобгарликсиз қолмаслигидадир.

Жиноий жавобгарлик фақат шахс билан давлат ўртасида (давлат номидан ҳуқуқни амалда қўлловчи органлар) вужудга келган жиноят ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, жиноят содир қилган шахсда давлат олдида (ҳуқуқни амалда қўлловчи органлар олдида) жавобгар бўлиш, давлатда эса уни жавобгар қилиш мажбурияти вужудга келади. Жиноий жавобгарлик, аввало, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо қўллаш билан боғлиқдир.

Жиноят содир қилган шахсни жавобгарликка тортиш муқаррар бўлиб, аммо ҳар доим ҳам жазо қўллаш билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. ЎзР ЖК Умумий қисмининг 7-бобида жавобгарликдан, 8-бобида жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормалар кўзда тутилган. Демак, жавобгарликка тортиш тушунчаси анча кенг тушунча бўлиб, айбдорга нисбатан жазо қўллаш ёки жавобгарликдан ёхуд жазодан озод қилиш масаласи фақат жиноят учун жавобгарликка тортилганидан кейингина қўлланиши мумкин.

1-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят ҳуқуқи фани қандай фан?
2. Жиноят ҳуқуқининг предметини айтинг?
3. Жиноят ҳуқуқининг вазифалари нималардан иборат?
4. Жиноят ҳуқуқининг манбаларини айтинг?
5. Жиноят ҳуқуқининг принциплари деганда нимани тушунасиш?
6. Жиноят ҳуқуқида қандай конституциявий принциплар мужассамланган?
7. Айб учун жавобгарлик принципини қандай тушунасиш?

8. Жинойт қонунларини шархлаш деб нимага айтилади ва шархлашнинг қандай турларидан кўпроқ фойдаланилади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА УШБУ БОБНИ ЧУҚУРРОҚ ЎРГАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Уголовное право. Под ред. И.Я.Казаченко, З.А.Незманова. М.: “Норма-Инфра”, 1999.
2. Уголовное право Россия. Под ред. Г.М.Минновский и др. М. 1998.
3. Уголовное право. Под ред. Н.И.Ветрова, И.М.Пяткова. 1-2 Т; М. “Зерцало”, 1999.
4. Д.Ш.Фитчер, А.В.Наумов. Основные концепция современного уголовное право. М: “Юристь”, 1998.
5. А.Киболоник, И.Г.Соломененко. О соответствии уголовного законодательства международному стандарту по правом человека. “Государство и право”, 2001, ст.42-48.
6. Актуальные проблемы уголовного право .М.:. 1998.
7. Курс советского уголовного право. В шести томах. Т. 1.М: “Наука”, 1970.
- 7”а” Курс Уголовного права Том 1, Масква “ Зерцало-М” 2002.2л.І
8. О. М.Ведерникова. Современные уголовно-правовые системы: типы, модели, характеристика. М.:. “Государство и право”, 2004, №1, ст.68-76.
9. Жалинский А.И. Уголовное право между символическим и рациональном. М: “Государство и право”, 2004, №3, ст.51-57.
10. К.С.Григорьева, В.К.Кудрявцев. Принципы уголовного право. М.: “Наука”, 1998.
11. В.В.Мальцев. Понятие и место уголовного право в системе отраслей право. М.:. “Государство и право”, 2000, №5 ст. 49.
12. Рустамбоев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Ташкент, “Ўқитувчи”, 2005 г.
13. Рустамбоев М.Х. Жинойт ҳуқуқи. Умумий қисм Тошкент-“ILM ZIYO” 2005 йил 1-боб. 6-47 бетлар.

II БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНИ

1-§. Жиноят қонуни тушунчаси, унинг хусусиятлари ва аҳамияти

Жиноят қонуни — бу мамлакатнинг Давлат Олий органи (Олий Мажлис) томонидан қабул қилинган, халқнинг эрки, иродасини ифодаловчи бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган жиноий жавобгарликнинг принциплари ва умумий асосларини, жиноят қонунининг умумий қоидаларини белгиловчи, қандай қилмишлар жиноят эканлигини ва уни содир қилган шахсларга қўлланадиган жазоларни, жавобгарлик ёки жазодан озод қилишни назарда тутувчи юридик нормалар мажмуидир.

У ёки бу қилмиш криминализация ёки декриминализация қилиниши ёхуд Кодекснинг моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам жиноят қонунининг нормалари ҳисобланади. Лекин улар Жиноят кодексига киритилмагунча амалда тадбиқ этилмайди. Чунки у нормани амалда қўллаш учун Жиноят кодексининг муайян моддасига мувожаат қилинади.

Жиноят қонуни жиноят ҳуқуқи нормаларининг ифодаланиш шакли бўлиб, уларнинг мажмуи жиноят ҳуқуқини ташкил этади. Юридик адабиётларда қонун, ҳуқуқ нормаси, қонунлар мажмуи ва ҳуқуқ нормалари тушунчалари кўп ишлатилади. Бу тушунчалар маълум даражада ўз мазмунига эга бўлсада, шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келаверади.

ЎЗР ЖКнинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборатдир”, дейилади.

Жиноят қонунчилигининг юридик асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларидир. Ўзбекистон бир қатор Халқаро Конвенцияларнинг қатнашчиси бўлиб, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги жиноят қонуни ана шу конвенцияларнинг нормаларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Жумладан, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (141-модда), геноцид (153-модда), ёлланиш (154-модда), қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (176-модда), бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари

турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш (251-модда), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан боғлиқ бўлган жиноятлар (ЎзР ЖКнинг 270, 271, 274-моддалари) ва бошқа жиноятлар халқаро ҳуқуқ нормаларидан олинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима-сидаёқ, «Ўзбекистон... халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда...

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилинганлиги» тўғрисида баён қилинган.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат тузумига босқичма-босқич ўтиб бораётган экан, Конституциянинг муқаддимасидаги юқорида келтирилган сўзлар бевосита жиноят қонунчилигига ҳам тегишли бўлиб, ҳуқуқий демократик давлатнинг ижтимоий муносабатларини шаклланишини таъминлашда жиноят қонуни муҳим вазифани бажаради. Чунки янги жамият ижтимоий муносабатларни шаклланишига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай жиноий қилмишларга қарши кураш ишларида жиноят қонуни асосий восита сифатида фойдаланилади. Мамлакатимизда кенг доирада амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар халқ ҳокимиятини ривожлантириш асосида давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонуннинг устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш механизмини ривожлантиришга қаратилган. Бу бевосита жиноят ҳуқуқига ҳам тегишлидир. Мамлакатимизда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш принципига амал қилган ҳолда ривожлантириш натижасида жамиятда жиддий ўзгаришлар юз берди. Президентимиз И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Адолат — қонун устуворлигида» мавзусида қилган маърузасида «Айниқса, очиқ демократик давлат ва жамият қуриш мақсадида янгича бошқарув ва бозор муносабларига асосланган иқтисодиёт тизими шаклланиши ҳамда ўзимизга мос ва ўзимизга хос мустақил ривожланиш стратегиясини амалга ошираётганимиз, жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътибор қозонганимиз Ватанимизнинг буюк келажаги сари қўйилган муҳим қадамдир»¹, деган эди. Бу даврга келиб, жамиятимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш,

¹ Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида. Халқ сўзи, 2001 йил 30 август.

тубдан янгилашиш жараёнлари қамраб олган бўлиб, бу жараён бевосита жиноят қонунчилигида ҳам юз берди. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин қўйилган бўлиб, жиноят содир қилган шахсларга нисбатан оғир жазо чоралари қўллашга мойиллик кўпроқ эди. Энди жамият ривожланиши шундай даражага келдики, энди тарбиявий хусусияти кўпроқ бўлган, яъни озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларни тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди. Натижада Жиноят кодексига жиддий қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди ва қонунларни либераллаштириш йўлида жиддий қадам қўйилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар доираси анча кенгайтирилди, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш мумкин бўлган нормалар доираси кенгайтирилди. Бу давргача ҳуқуқ, унинг алоҳида тармоқлари ва институтлари давлат машинасининг белгиловчиси (атрибути), давлат аппаратининг муайян қисми сифатида мажуд бўлган бўлса, ҳуқуқий-демократик давлат шароитида ҳуқуқ Олий Давлат Ҳокимияти органи томонидан қабул қилинган, халқнинг эрки, иродасини қонунда ифодаловчи, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув идораларининг фаолиятини тартибга солувчиси бўлиб қолади.

Ҳуқуқий давлатда Қонун давлатнинг пойдевори, фуқаролар-нинг эркинлиги ва тенглигининг ҳимоячиси, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминловчи, ижтимоий адолат принцип-ларининг кафолати бўлиб қолади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, юридик қонунлар табиат ва жамиятнинг табиий қонунларидан фарқ қилиб, жамиятнинг муайян даврдаги манфаатлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда мазмун-моҳияти, мақсад ва йўналишлари жиҳатидан қонун чиқарувчи органнинг иродаси билан боғлиқ бўлади. Чунки юридик қонунлар, шу жумладан жиноят қонуни муайян даврдаги жамиятнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда ишлаб чиқилади. Қонуннинг, шу жумладан жиноят қонунининг мазмунини жамият ҳаётининг моддий шароитлари, унинг манфаат ва эҳтиёжлари белгилайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Давлат Ҳокимияти органининг қонунчилик фаолиятига алоҳида аҳамият бериш ва уни янада яхшилаш талаб қилинади. Бу борада Ўзбекистон Олий Мажлисининг икки палатадан иборат тарзда ташкил қилиниши айни муддао бўлди.

Амалдаги жиноят қонунида унинг принциплари ишлаб чиқилганлиги Ўзбекистон Конституциясига тўла мувофиқ-лигини, ҳуқуқий демократик давлатнинг жиноят қонуни эканлигининг исботи ҳисобланади.

Содир этилган қилмишда қонунда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлгандагина жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди”, деб белгиланган.

Жиноят қонуни фақат жиноят содир қилган шахс билан давлат номидан иш кўраётган ҳуқуқни амалда қўлловчи органлар ўртасида вужудга келган жиноят ҳуқуқий муносабатлар доирасидагина қўлланиши мумкин. Бунда жиноий жавобгарликка тортиш, жиноят ишини кўзғатишдан то ҳукм чиқарилгунча бўлган даврда муносабатлар жиноят-процессуал қонуни билан жазони ижро этишни бошлашдан то жазони ўтаб бўлгунча Жиноят-ижроия кодекси билан ҳамда маълум даражада судланганлик муддати ўтгунча маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Жиноят қонунларини амалда қўллаш барча давлат идоралари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан унинг охириги ҳарфигача қатъий риоя қилган ҳолда сўзсиз бажаришдан иборатдир.

Қонун ижро қилингандагина яшайди. У ҳамма учун бир хилда мажбурийдир. Ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, унинг талабларига барча истисносиз риоя қилиши шарт. Жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи барча давлат органларининг кучи ҳам жамият ва унинг фуқароларини нормал ҳаёт фаолиятини таъминлашнинг асоси бўлган Конституциявий нормаларга тўла риоя қилган ҳолда иш олиб боришларидадир. Жиноят қонунининг талабларидан заррача бўлсада четга чиқиш қонунийлик ва адолатнинг қўпол равишда бузилишига олиб келиши, жиноятда айби бўлмаган шахсларни асоссиз равишда жавобгарликка тортиш, оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган ёхуд шахси жамият учун ўта хавфли бўлган жиноятчига асоссиз равишда жуда енгил жазо берилишига сабаб бўлиб қолиши мумкин.

Жиноят қонуни жиноят ҳуқуқининг ягона манбаидир. Жиноят ҳуқуқининг нормалари фақат жиноят қонуни нормаларида мужассамлашган. Фақат жиноят қонунида қилмишнинг жиноийлиги

ва жазога сазоворлиги белгиланади. Бошқа бирорта давлат органининг ҳуқуқий актида жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган нормалар бўлмайди. Бундай ҳолат жиноят қонунларини ишлаб чиқиш ва жиноят қонунларини амалда қўлланиш принципларидан келиб чиқади. Шунга кўра турли одатлар, анъаналар, суднинг қарори ва ҳал қилув қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари жиноят ҳуқуқининг манбаи бўла олмайди. Чунки улар янги жиноят қонуни нормасини яратмайди, балки мавжуд жиноят-ҳуқуқий нормани амалда қўлланишини тушунтиради холос.

Жиноят қонуни - тарихий ўзгарувчан категория, чунки ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксиз равишда ривожланиши, ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг доимий равишда мукаммаллашиб, ривожланиб бориши, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан ўзгариб бориши ўз навбатида жиноят қонунчилигида ўзгаришлар юз беришига олиб келади.

Ана шу юқорида айтилганларга асосланиб Жиноят қонуни-нинг қуйидаги асосий хусусиятлари ва аҳамиятини қисқача баён қилиш мумкин:

- Жиноят қонуни — бу қонун чиқарувчи Олий Давлат Ҳокимият органининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қабул қилинган ҳуқуқий актидир;

- унинг асосий хусусиятлари унга юклатилган вазифалар билан боғлиқ бўлиб, шахсни, ҳуқуқ ва эркинликларини, табиий муҳит-ни, мулкни, жамият ва давлат манфаатларини ва эҳтиёжларини, бутун ҳуқуқий тартиботни ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлашдан келиб чиқади;

- ҳуқуқий-демократик давлатда жиноят қонуни давлатнинг жамиятни соғломлаштириш, халқнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган ҳақиқий халқ ҳокимиятини шакллантиришга қаратилган жиноят сиёсатининг қуроли бўлиб хизмат қилади;

- жиноят қонуни жиноят ҳуқуқининг ягона манбаи бўлиб ҳисобланади. Чунки жиноят ҳуқуқининг нормалари фақат Жиноят қонунида мужассамлашган ва фақат қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги жиноят қонунида белгиланади.

- жиноий жавобгарликнинг асослари ва принципларини белги-лаб, жиноят ҳуқуқининг умум қоидаларини ишлаб чиқади;

- қандай ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар) жиноят эканлигини ва жиноят содир қилган

шахсларга нисбатан қандай жиноий жазолар тайинланиши мумкинлигини белгилайди, шунингдек, муайян шартлар мавжуд бўлганда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишни кўрсатади;

- жиноят қонуни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ғоявий ҳаётига, унинг эҳтиёжи ва манфаатларига мувофиқ келади; бундай мувофиқлик ўз аҳамиятини йўқотганда муайян жиноят қонуни ёки унинг алоҳида нормалари қонун чиқарувчи орган томонидан ўзгартирилади ёхуд бекор қилинади;

- жиноят қонунини чиқариш ва уни суд амалиётида қўлланишининг ўзи жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонун талабларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий кўпчилик қисми жамият қонуни кўрсатмаларига онгли равишда ўз ихтиёрлари билан риоя қиладилар. Жамиятнинг айрим аъзолари томонидан жиноят қонунини бузадилар. Асосий кўпчилик қисми эса бундай бузишни қаттиқ қоралайдилар.

2-§. Жиноят қонунининг тузилиши, тизими ва нормаларининг тузилиши

Жиноят қонуни тизимида унинг Умумий ва Махсус қисмлардан иборатлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, Жиноят қонунининг Умумий қисми ўз тизимига, Махсус қисми ўзининг тизимига эга.

Жиноят қонунлари нормалари моддалар шаклида ишлаб чиқилган бўлиб, Кодекс шаклига келтирилган. Жиноят Кодексининг ҳар бир моддаси мустақил аҳамиятга эга, лекин шунга қарамай ҳар бир моддаси ягона жиноят қонунининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Жиноят кодекси жиноят ҳуқуқининг принциплари, умумий қоидалари, қандай ижтимоий хавfli қилмишлар жиноят эканлиги, жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланадиган жазо турлари ва чегарасини белгиловчи, шунингдек, жиноят содир қилган шахслар қайси ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниши мумкинлигини белгиловчи бир-бири билан боғлиқ бўлган нормалар тизимидан иборат ягона қонун актидир.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган амалдаги Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмлардан иборат бўлиб, Умумий қисми 7 бўлим, 17 бобдан иборат (1-96

моддалар), Махсус қисми 8 бўлим 24 боб (97-302-моддалар) дан иборат. Биринчи бўлимда жиноят қонунининг умумий қоидалари баён қилинган бўлиб, унда жиноят қонуни, Жиноят кодексининг вазифалари ва принциплари, Кодекснинг амал қилиш доираси институтлари ўз ифодасини топган.

Иккинчи бўлимда жавобгарликнинг асосларини белгиловчи институтлар жойлаштирилган. Унда жиноят ва уларни таснифлаш, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар, айб, тамом бўлмаган жиноятлар, жиноятда иштирокчилик, бир қанча жиноят содир этиш тушунчалари берилган.

Учинчи бўлимда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси ва турлари ўз ифодасини топган.

Тўртинчи бўлимда жазо ва уни тайинлаш институтлари жойлаштирилган.

Бешинчи бўлимда жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш ҳамда судланганлик тўғрисидаги нормалар ўз аксини топган.

Олтинчи бўлимда вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари ва ниҳоят еттинчи бўлимда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва уларни тайинлаш шартлари баён қилинган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бўлим ва боблари тажовуз қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг махсус объектига, яъни ўхшаш бўлган объектлар ва бу объектларнинг аҳамиятига қараб, муайян тизимда жойлаштирилган.

Махсус қисмининг биринчи бўлими шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи етти бобдан иборат бўлиб, унда ҳаётга қарши (I боб), соғлиққа қарши (II боб), ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган (III боб), жинсий эркинликка қарши (IV боб),⁷ оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши (V боб), шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши (VI боб), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (VII боб) жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормалар жойлаштирилган.

Иккинчи бўлими тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлардан иборат бўлиб, унда тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши ҳамда Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалар жойлаштирилган.

Учинчи бўлими иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи институтлардан иборат бўлиб, унда ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган (X боб), ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган (XI боб)

иқтисодиёт асосларига қарши (XII боб), хўжалик фаолияти соҳасидаги нормалар ўз ифодасини топган.

Тўртинчи бўлим экология соҳасидаги жиноятлардан иборат бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар жойлаштирилган.

Бешинчи бўлимда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар назарда тутилган. Шунингдек, одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик ҳам (XV боб) ушбу бўлимда берилган.

Олтинчи бўлим жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик деб номланиб, бу бўлимда жамоат хавфсизлигига қарши (XVII боб), транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши (XVIII боб), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат (XIX боб) жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Еттинчи бўлим ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутди.

Кодекс Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида Жиноят кодексига ишлатилган энг муҳим атамаларнинг ҳуқуқий маъноси берилган.

Амалдаги Жиноят кодексининг 1959 йил 21 майда қабул қилиниб 1960 йил 1 январда амалга киритилган Жиноят кодексидан фарқи нимада?

Айтиш керакки, бу кодекслар ўзларининг мазмун-моҳияти, вазифаси, структураси, нормаларнинг тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. 1959 йили қабул қилинган Жиноят кодекси Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи таркибига иттифокдош республика сифатида кирган вақтда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган эди. У даврда социалистик тузум мавжуд бўлган ва у Кодекс социалистик ижтимоий муносабатлар нуқтаи назардан ишлаб чиқилган эди. Ваҳоланки, жамиятда социалистик ижтимоий муносабатлар шаклланмаган, жамият маъмурий буйруқбозлик асосида бошқарилар эди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодекси эса жаҳон ҳамжамияти давлатлари ичида тенг ҳуқуқли бўлган, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят кодекси бўлиб, у бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий-демократик давлатнинг Жиноят кодекси сифатида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Янги Жиноят кодексига янги бўлим ва боблар ва бир қатор моддалар

киритилганки, улар олдинги Жиноят кодексида умуман назарда тутилмаган эди. Олдинги Жиноят кодексида жиноят қонунининг принциплари умуман берилмаган бўлса, янги Кодексида жиноят қонунининг принциплари ва ҳар бир принципнинг тушунчалари берилди. Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучини назарда тутувчи ҳолатлар доираси кенгайтирилди. (13-модданинг 2-қисми). Жиноятга ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда таъриф берилди. Олдинги Жиноят кодексида жиноятлар таснифланмай, фақат оғир жиноятларнинг рўйхати берилган эди холос. Бундай ҳолат жиноят қонуни нормаларини амалда тадбиқ этишнинг бир қанча муаммоларини келтириб чиқарган эди. Амалдаги Жиноят кодексида жиноятлар тўртта туркумга бўлиб таснифланади. Бундай таснифлаш Жиноят ҳуқуқининг назарий масалаларини ишлаб чиқиш ва жиноят қонуни нормаларини амалда қўлланишини осонлаштирди ва хатога йўл қўйишларнинг олдини олиш имконини яратди.

Олдинги Жиноят кодексининг Умумий қисмида назарда тутилмаган, аммо жиноят ҳуқуқи назариясида ишлаб чиқилган қоидалар Махсус қисмида назарда тутилган эди. Масалан, такроран, рецидив жиноят, мураккаб айбли жиноятлар ва ҳоказолар. Ҳатто ўша Кодексининг 21-моддасида назарда тутилмаган жазолар Махсус қисмининг санкциясида назарда тутилган эди. (масалан, ўша Кодексининг 184, 184¹, 185 ва ҳоказо моддалар).

Амалдаги Жиноят кодексининг Умумий қисмида Махсус қисми моддаларини амалда тадбиқ этишнинг барча қоидалари назарда тутилди. Кодексининг Умумий қисмида тушунчаси берилмаган қоида Махсус қисмининг моддаларида йўқ. Масалан, ЖК нинг 23-моддасида мураккаб айбли жиноятлар тушунчаси берилган, Кодекс Махсус қисмининг бир қанча моддаларида (масалан, 104-модданинг 3-қисми «д», 114 модданинг 3-қисмининг «а» банди ва ҳоказолар) олдинги Кодексида умуман бўлмаган, янги Кодекс Умумий қисмининг 8-бобида бир қанча жиноятлар содир қилиш ва унинг турлари (32-34-моддалар) берилди.

Агар олдинги Кодексида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг учта тури (зарурий муҳофаа, охириги зарурат ва жиноятчини ушлаб туриш) берилган бўлса, янги Кодексида уларнинг доираси кенгайтирилиб, олтига тури (35-41 моддалар) назарда тутилди.

Жазо тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Олдинги Кодексида асосий жазоларнинг ўн биттаси ва фақат қўшимча жазо

сифатида тайинлаш мумкин бўлган иккита жазо тури назарда тутилган эди. Янги Жиноят кодексида асосий жазо сифатида тайинлаш мумкин бўлган саккизта жазо тури назарда тутилди. У Кодекс Махсус қисмининг ўттизга яқин моддасида ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, амалдаги Кодекс Махсус қисмининг моддаларидан . Кодекс қабул қилинган вақтда ЖК Махсус қисмининг 13-моддасида ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, кейинчалик мамлакатимизда юз берган туб ўзгаришлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳисобга олиб, ЖКдан ўлим жазоси чиқариб ташланди.(2007 йил 11 июль қонуни)

Олдинги Кодексда мавжуд бўлган сургун, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаш, жамоат иззаси, тарбия-меҳнат прафилактикасига юбориш жазолари ҳозирги замон талабига бутунлай жавоб бермаслиги, жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш ўрнига, шу жазоларни ўзи янги жиноят содир этиш учун шароит яратадиган бўлиб қолди. Шуларни ҳисобга олиб янги Кодексда бу мажбурият чоралари жиноий жазо сифатида назарда тутилмади. Шу билан бирга олдинги Кодексда назарда тутилмаган хизмат бўйича чеклаш ва қамоқ жазолари жиноий жазо сифатида назарда тутилди. Олдинги Кодексда жазо тизими энг оғиридан энг енгиллигига қараб жойлаштирилган бўлса, янги Кодексда энг енгилдан оғирига қараб жойлаштирилди.

Янги Жиноят кодексида жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг доираси янада кенгайтирилиб, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарлик (65-модда) ва жазодан (70-модда) озод қилиш; айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан (66-модда) ва жазодан озод қилиш (71-модда), ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда) назарда тутилди.

Олдинги Кодексда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги алоҳида берилмаган эди. Янги Кодексда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги алоҳида ажратилиб ЖК Умумий қисмининг олтинчи бўлимида берилди. Шунингдек янги Кодекс Умумий қисмининг еттинчи бўлимида тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари назарда тутилди. Олдинги Кодексда эса умуман назарда тутилмаган эди.

Жиноят кодексининг Махсус қисми бўлим ва бобларида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Унда олдинги Кодексда бўлмаган

тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар (Махсус қисми 8-боби), экология соҳасидаги жиноятлар (тўртинчи бўлим) назарда тутилди.

ЖК Махсус қисми моддаларининг тузилиши ҳам янгича берилиб, жиноятни квалификация қилишнинг ҳар бир белгиси алоҳида берилди.

Шундай қилиб, амалдаги ЖК олдингисидан тамоман фарқ қилиб, бу фарқларнинг энг муҳимлари юқорида баён қилинди.

Амалдаги Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисми бўлимларга, бўлимлари эса бобларга ажратилган; боблар эса объекти жиҳатидан ўхшаш бўлган моддалардан иборат. Ҳар бир бўлим, боб ва модданинг расмий номи ва тартиб рақами бўлиб, уларни ўзгартириш, бошқача талқин қилиш мумкин эмас. Жиноят кодексига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш фақат Олий Мажлиснинг ваколатига киради.

ЖКга янги модда киритилса объекти жиҳатидан ўхшаш бўлган тегишли бобга ва бевосита объекти ва мазмуни жиҳатидан ўхшаш бўлган модданинг тартиб рақами берилиб, унга кўрсаткич рақами қўшиб айтилади ва ёзилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август қонуни билан ЖК Умумий қисмига 66¹-модда (ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш) 1999 йил 15 апрел қонуни билан 184¹-модда (бюджет интизомини бузиш) ва ҳоказо моддалар «1» рақами қўйилган бўлса, аввал модданинг тартиб рақами сўнгра «бир белгили модда», агар 2 рақам қўйилган бўлса, «икки белгили» модда деб айтилади.

Масалан, «бир юз саксон тўртинчи бир белгили модда ёки «икки юз йигирма тўққизинчи икки белгили модда (ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш) ва ҳоказолар.

Муайян тартиб рақамли модда ЖК дан чиқариб ташланса, бошқа моддаларнинг тартиб рақами ўзгармайди. Кодексдан чиқарилган модданинг ўрнига шу моддани Кодексдан чиқариш тўғрисидаги қонуннинг вақти ёзиб қўйилади. Масалан, 187-модда (харидор ва бюртмачиларни алдаш) ЖКдан чиқарилганлиги муносабати билан ўрнига «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни билан чиқарилган», деб ёзиб қўйилган. Қонунда белгиланган бундай тартиб жиноят қонуни нормаларидан фойдаланишни осонлаштиради ва катта қулайликлар туғдиради.

Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисмлари тузилиш (структура) жиҳатидан фарқ қилади. Умумий қисми нормаларида

жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари баён қилиниб, диспозиция ва санкция қисмларига ажратилмаган. Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида муайян жиноят таркиби ва шу жиноят учун тайинланадиган жазо назарда тутилади.

ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган нормалар икки қисмдан иборат бўлиб, «диспозиция ва санкция қисмлари»-дан иборат.

Диспозиция деб жиноятнинг аниқ белгилари кўрсатилган қисмига айтилади.

Жиноят ҳуқуқий нормаларда диспозицияни тўртта тури бўлиб, булар:

1. Оддий диспозиция;
2. Тасвирлов диспозиция;
3. Ҳаволаки диспозиция;
4. Бланкет диспозиция;

Оддий диспозицияда жиноят таркибининг белгилари кўрсатилмай, фақат жиноятнинг номигина ёзилади. Масалан, 97-модданинг 1-қисми, 102-модданинг 1-қисми ва ҳоказолар.

Тасвирлов диспозицияда жиноят таркибининг таърифи берилади ва унинг муҳим асосий белгилари кўрсатилади. Масалан, 104-модданинг 1-қисмида қасддан баданга оғир шикаст етказиш қуйидагича тасвирланган. Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолиятини тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишига ёки умуман соғлиги бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисми доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши, ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, дейилади.

ЖК Махсус қисмининг асосий кўпчилик моддалари тасвирлов диспозиция шаклида қабул қилинган.

Ҳаволаки диспозицияда муайян жиноятнинг белгилари кўрсатилмай, бу жиноятнинг белгиларини кўрсатиш учун бошқа бир жиноятнинг белгиларига ҳавола қилинади.

Масалан, ЖК нинг 107-моддасида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, — дейилади. Демак, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб баданга оғир шикаст етказилганлигини аниқлаш учун ЖКнинг 104-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган белгиларга мурожаат қилинади. Бошқача

қилиб айтганда, қилмишни ЖК нинг 107-моддаси билан квалификация қилиш учун жиноят зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қилинган бўлиши ва 104-модданинг 1-қисмида назарда тутилган белгилардан бири бўлиши керак.

ЖК Махсус қисмининг моддалари бир неча қисмдан иборат бўлса, иккинчи, учинчи ва ҳоказо қисмлари ҳаволаки диспозиция шаклида бўлиб, жиноятнинг номи ҳам, белгилари ҳам кўрсатилмай, шу модданинг 1-қисмидаги таъриф ва белгиларига ҳавола қилинади.

Бланкет диспозицияда жиноят таърифланмай ёки унинг белгилари кўрсатилмай бошқа қонун ёки норматив акт бузганлиги кўрсатилади. Бланкет диспозицияли модда билан айбдорнинг қилмишини квалификация қилиш учун бошқа қонун ёки норматив акт бузилган ва ўша қонун ёки норматив акт бузилганлиги натижасида ЖК нинг бланкет диспозицияли моддасида назарда тутилган оқибатлар юз берган бўлиши керак. ЖКнинг кўпгина моддалари бланкет диспозиция шаклида тузилган. Хўжалик фаолияти соҳасидаги, экология соҳасидаги, жамоат хавфсизлиги соҳасидаги, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларнинг асосий кўпчилиги бланкет диспозиция шаклида тузилган. Масалан, қилмишни ЖК нинг 257-моддаси билан квалификация қилиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ва бунинг оқибатида шу моддада назарда тутилган оқибат юз берган бўлиши керак, ёки қилмишни ЖК нинг 266-моддаси билан квалификация қилиш учун транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида шу моддада назарда тутилган оқибат келиб чиққан бўлиши керак ва ҳоказолар.

Санкция деб Жиноят кодекси Махсус қисми диспозициясида кўрсатилган жиноят учун белгиланган жазо қисмига айтилади.

Жиноят-ҳуқуқий норманинг санкция қисмида жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, жазонинг тури ва муддатлари кўрсатилади. Санкцияда асосий жазоларга қўшимча жазолар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Амалдаги Жиноят кодексидан санкциянинг иккита туридан фойдаланилган. Булар:

1. Нисбий муайян санкция;
2. Альтернатив санкция.

Нисбий муайян санкция деб муайян чегарада белгиланган битта жазо назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий норманинг жазо қисмига

айтилади. Нисбий муайян санкцияда битта жазо турининг энг кам ва энг кўп қисми кўрсатилади. Масалан, 166-модданинг 2-қисмида уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўрсатилган. Айрим моддаларда эса жазонинг энг кўп қисми кўрсатилиб, энг кам қисми кўрсатилмайди. Масалан, ЖК нинг 98-моддаси (кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш) санкциясида беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган бўлиб, бунда жазонинг энг кам қисми кўрсатилмаган. Агар санкцияда кўрсатилган жазонинг энг кам қисми кўрсатилмаган бўлса, ЖК Умумий қисмида унинг энг кам қисми қанча кўрсатилган бўлса, Махсус қисми моддаси санкциясида кўрсатилган жазо муддатининг энг кам қисми шунга мувофиқ бўлади. Масалан, жариманинг энг кам қисми энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий ёки қўшимча жазо тариқасида энг кам муддат бир йил, ахлоқ тузатиш ишлари олти ой, хизмат бўйича чеклаш икки ой, қамоқ бир ой, интизомий қисмга жўнатиш уч ой, озодликдан маҳрум қилиш олти ой белгиланган.

Альтернатив санкцияда асосий жазо сифатида тайинланиши мумкин бўлган икки ёки ундан кўпроқ жазо турлари кўрсатилади. Альтернатив санкция судга муайян жиноят иши учун ҳукм чиқариш вақтида жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб жазо тайинлаш имконини беради.

ЖК Махсус қисмининг асосий кўпчилик моддаларининг санкцияси альтернатив санкция шаклида берилган. Фақат оғир ва ўта оғир жиноятларнинг санкцияларигина нисбий муайян санкция шаклида берилган.

Амалдаги Жиноят кодексимизда мутлоқ санкция назарда тутилмаган. Мутлоқ санкцияда битта жазо турининг қатъий муддати кўрсатилади.

3-§. Ўзбекистон жиноят қонунчилиги тарихидан қисқача маълумот

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олинганча бу минтақа мустақил учта давлатга бўлинган бўлиб, Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларидан иборат эди. Уларнинг ҳар бири мустақил давлат ҳисобланиб, уларда шариат қонунлари амал қилар эди. Россиянинг босқинчилик уруши туфайли Қўқон хонлиги тамоман тугатилиб,

ҳарбий идора қилишга асосланган Туркистон Генерал-Губернаторлиги тузилди¹. Демак, Қўқон хонлигининг ҳудуди Россия империясининг бир губернаси сифатида Россияга қўшиб олинди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўз мустақиллигини йўқотган бўлсада, улар расмий жиҳатдан сақлаб қолинди ва Россиянинг колониясига айланди.

Россия Марказий Осиёни босиб олганидан кейин жаҳон колониал сиёсатининг тажрибаларидан келиб чиқиб ҳамда халқнинг қаҳрини ўзига қарши қўзғатишдан чўчиб маҳаллий амал қилган қонунларни ҳамда суд сифатида фаолият олиб борган қозиларни сақлаб қолди. Қозилар шариат қонунлари асосида иш кўрар эдилар. Лекин уларнинг иш кўриш фаолияти чекланган бўлиб, асосан фуқаролик ишларини кўрар, жиноят ишларидан эса жамият учун деярли хавф туғдирмайдиган майда жиноятлар масалан, майда ўғрилик, ҳақорат қилиш, баданга енгил шикаст етказиш каби жиноятларнигина кўриши мумкин эди.

1865 йилда «Туркистон вилоятини идора қилиш ҳақида вақ-тинча Низом» қабул қилиниб, шу Низомга асосан Туркистондаги ҳамма маъмурий идоралар ва суд Туркистон ҳарбий губернаторига бўйсундирилди. Майда жиноятлардан бошқа барча жиноятлар Чор ҳукуматининг судлари ёки ҳарбий судларда кўрилиб, Чор Россияси жиноят қонунлари асосида ҳал қилинар эди.

Чор Россияси Марказий Осиёда маълум даражада шариат қонунларини сақлаб қолиб, шариат бўйича колониал ҳокимият ва идораларга халқни бўйсундириш учун фойдаланган эди. Айниқса, давлат солиқларини ундириш масаласида шариат қонунларидан кенг фойдаланар эди.

Туркистонда қозоқ ва қирғиз халқи яшайдиган жойларда 1867-1868 йиллардаги Низомга биноан бийлар суди ташкил этилди. Бийларнинг жиноят ишларини кўриш ҳуқуқи чегараланган бўлиб, улар ўз ишларини одат ҳуқуқига асосан олиб борар эдилар. Юқорида айтилган Низомга биноан бий судлари шахсга қарши, мулкка қарши (талончилик ва босқинчиликдан ташқари оилавий можаролардан келиб чиқадиган жиноятлар, мусулмон динига қарши содир қилинган жиноятларнигина кўрар эди. Бошқа барча жиноятлар Россия империяси жиноят қонунлари асосида ҳал қилинган.

¹ Бакиров Х. Чор Туркистонида суд, шариат ва одат.-Т.: «Фан», 1967, 3-бет.

Одат ҳуқуқи қонун тариқасида эълон қилинмай, оғзаки, авлоддан авлодга ўтиб келаётган тартиблардан иборат бўлган.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам қози ва бий судлари вақтинча сақлаб қолинди.

Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлиги янги Советлар давлатининг босқинчилик уруши туфайли 1920 йили тугатилди ва Совет давлати таркибига кирувчи Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ташкил қилинди. Шу вақтгача бу давлатларда шариат қонунлари амал қилиб келган бўлса, энди уларда ҳам совет қонунлари жорий қилинди.

Собиқ Чор Россияси даврида Марказий Осиёнинг бевосита Россия ҳудудига Туркистон губернаси сифатида кирган қисми Октябрь революциясидан кейин Туркистон автоном республикаси сифатида **РСФСР** таркибига кирган бўлиб, РСФСР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг жинойт ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисмига доир декретлари, йўриқнома ва бошқа актлари ўша даврда Туркистон автоном Республикаси ҳудудида автоном Республика Марказий ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг махсус қарори билан ёки тўғридан-тўғри автоном республикага жорий этилаверар эди¹. 1919 йилнинг декабр охи РСФСР жинойт ҳуқуқи бўйича асосий қўлланма чиқарилди. Асосий қўлланма фақат жинойт ҳуқуқининг Умумий қисмига тегишли нормалардан иборат эди. Асосий қўлланма 1920 йил 20 апрелда «РСФСР нинг Туркистон автоном республикаси жинойт ҳуқуқи бўйича Асосий қўлланма» номи билан нашр этилди. Бу асосий қўлланма биринчи жинойт қонуни эди.

1922 йил 24 майда РСФСРнинг Жинойт кодекси қабул қилинди ва бу Кодекснинг Туркистон Республикасида ҳам амал қилиниши тўғрисида 1922 йил 21 июлда Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси қарор қабул қилди. Бу кодекс Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ҳудудига ҳам жорий қилинди².

1924 йили СССР ташкил этилиб, Ўзбекистон иттифоқдош республика сифатида СССР таркибига кирди.

СССР ташкил этилганидан кейин 1924 йил 31 октябр “ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жинойт қонунлари Асосий қоидалари” қабул қилиниб, унда жинойт ҳуқуқи Умумий қисмининг муҳим қоидалари баён қилинган эди. Асосий қоидалар Умумиттифоқ

¹ Расулов О.Х. Совет жинойт ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: «Ўқитувчи», 1969, 26-бет.

² Сулаймонова Х.С. История советского государства и право Узбекистана. Ўз ССР ФА нашриёти Т.; 1960, II жилд, 405-406-бетлар.

қонуни бўлиб, барча иттифоқдош республикалар ҳудудида бирдай амал қилар эди.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилиниб, 1926 йил 1 июлдан амалга киритилди. (Бу Кодекс ўша даврда Тожикистон АССР да ҳам амал қилар эди). Ушбу Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмлардан иборат бўлиб, Умумий қисми тўрт бўлимдан, Махсус қисми ўн бобдан иборат эди. Бу кодекс умумиттифоқ қонуни ҳисобланган, 1924 йил 31 октябрда қабул қилинган «ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари Асосий қоидалар»га мувофиқ равишда қабул қилинган эди.

Умумий қисмининг биринчи бўлимида жиноят қонунининг амал қилиш доираси, яъни СССР фуқаролари ва хорижий мамлакатлар фуқароларининг Ўзбекистон ҳудудида қилган жиноятлари учун жавобгарлик, иккинчи бўлимда Жиноят кодексининг вазифалари, жиноят тушунчаси, ижтимоий муҳофаза чораларининг мақсади, аналогия, айб шакллари, жиноят босқичлари, иштирокчилик, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатлари, судга тушмаган деб ҳисоблаш ва бошқа нормалар баён қилинган эди.

Учинчи бўлимида жиноят содир қилган шахсларни суд йўли билан тузатиш хусусиятлардаги чоралар, тиббий ва тиббий педагогик характердаги чоралар, жавобгарликни енгиллаш-тирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар кўзда тутилганди.

Тўртинчи бўлимида ижтимоий муҳофаза чораларидан муддатидан илгари озод қилиш тартиблари назарда тутилган эди.

Кодекснинг Махсус қисми қуйидаги боблардан иборат эди:

1. Давлатга қарши (контрреволюцион ва идора қилиш тартибига қарши жиноятлар;
2. Ҳарбий жиноятлар;
3. Мансабдорлик жиноятлари;
4. Динни давлатда ажратиш тўғрисидаги қонунларни бузишга оид жиноятлар;
5. Хўжалик жиноятлари
6. Шахснинг ҳаётига, соғлиғига, озодлигига ва обрўсига қарши қаратилган жиноятлар;
7. Мулкӣ жиноятлар;
8. Халқнинг саломатлигини, жамоат хавфсизлигини ва оилавий тартиб сақлаш қоидаларини бузиш;

9. Маҳаллий маиший жиноятлар;

10. Сув жиноятлари.

РСФСРнинг 1922 йили қабул қилинган Жиноят кодекси 1926 йилгача, яъни Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси амалга киритилгунча Ўзбекистон ҳудудида кучда бўлди.

Ўзбекистоннинг бу Жиноят кодекси 1960 йил 1 январгача амалда бўлди. Ушбу Жиноят кодекси асосан давлатни, ўша даврда мавжуд бўлган давлат тузумини ҳимоя қилишга, ўша замон нуқтаи назаридан айтганда синфий душманларга қарши қаратилган эди. Бу Кодекс Умумий қисмининг иккинчи бўлимида аналогия қоидаларини қўллаб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги кўзда тутилган эди. Аналогия қоидасига кўра, ўша давр учун ижтимоий хавfli ҳисобланган, лекин бундай қилмиш учун Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланмаган бўлса, шундай қилмишга ўхшашроқ бўлган Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган муайян моддаси билан айбдорни жавобгар қилиш мумкин эди.

1950 йилларнинг охирига келиб, Совет давлати ўзининг янги ривожланиш босқичига кирган, ўша давр нуқтаи назардан айтганда эксплуататорлар (мулкдорлар) синф сифатида тамоман тугатилган, жамият аъзолари ишчи-деҳқон, зиёлилардан, яъни меҳнаткашлардан иборат эди. Шунга кўра қонунларни, шу жумладан жиноят қонунларини қайта кўриб чиқиш зарурати келиб чиққан эди. 1958 йил 25 декабрда Умумиттифоқ жиноят қонуни ҳисобланган учта қонун қабул қилинди. Булар:

1. ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари асослари:

2. Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги қонун;

3. Ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги қонун.

«ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари Асослари» жиноят ҳуқуқининг Умумий қисмидан иборат бўлиб, барча иттифоқдош республикалар ўзларининг Жиноят кодексларини шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқишлари ва қабул қилишлари керак эди. Давлатга қарши ва ҳарбий жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи Умумиттифоқ қонунлари ҳеч қандай ўзгаришсиз иттифоқдош республикалар Жиноят кодексига киритилиши шарт эди. Бу қонунларга қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритишга Иттифоқдош республика ҳақли эмас эди. Булардан ташқари, Умумиттифоқ қонуни сифатида ССР Иттифоқи манфаатларига қарши

жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи СССР Олий Совет Президумининг фармонлари чиқарилиб, булар ҳам Умумиттифоқ акти ҳисобланиб, иттифоқдош республикалар ҳудудида бир вақтда ва бир хилда амал қилар эди. Буларга, масалан, «Зўрлаб номусга текканлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 1962 йил 20 феврал фармони, «Порахўрлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 1962 йил 20 феврал фармони, «Безорилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 1966 йил 26 июль фармони ва бошқалар. Агар Иттифоқдош республиканинг Жиноят кодексининг моддаси ўша фармонга мувофиқлаштирилса, ЖКнинг ўша моддасини фақат умумиттифоқ акти асосидагина ўзгартириш мумкин эди. Юқорида айтганлардан кўриниб турибдики, собиқ СССР расмий жиҳатдан федератив давлат ҳисобланган бўлсада, аслида унитар давлат сифатида бошқарилар эди. Ҳатто энг чекка қишлоқдаги киноқўрсатув хонасига кириш чиптасининг нархини Иттифоқдош республика мустақил равишда белгилай олмас эди. Ҳар бир совет фуқароси, масалан, Карелияда яшовчи фин ёки Москвада яшовчи рус, Чукоткада яшовчи чукча ёки Туркманистон чўлида яшовчи туркман, Ўзбекистонда яшовчи ўзбек ёки Беларусияда яшовчи белорус бўлишидан қатъи назар, уларнинг тили, дини, урф-одатлари, анаъаналари, тарихий хусусиятлари тараққиёт даражаси ва ҳоказо хусусиятларидан қатъи назар, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида белгиланган хусусиятларга эга бўлиши керак эди.

Умумиттифоқ қонунлари ҳисобланган юқорида айтилган қонунлар асосида 1959 йил 21 майда Ўзбекистоннинг янги Жиноят кодекси қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан амалга киритилди.

Бу Жиноят кодексининг Умумий қисми тўрт бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида жиноят қонунининг умумий қоидалари, иккинчи бўлими жиноят тўғрисида, учинчи бўлим жазо ҳақида, тўртинчи бўлим жазо тайинлаш ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормалардан иборат эди.

Махсус қисми ўн бир бобдан иборат бўлиб:

биринчи боб давлатга қарши жиноятлар;

иккинчи боб шахсининг ҳаётига, соғлиғига, озодлигига ва қадр-қимматига қарши жиноятлар;

учинчи боб социалистик мулкка қарши жиноятлар;

тўртинчи боб фуқароларнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар;

бешинчи боб фуқароларнинг сиёсий ва меҳнат ҳуқуқларига қарши жиноятлар;

олтинчи боб мансабдорлик жиноятлари;

еттинчи боб одил судловга қарши жиноятлар;

саккизинчи боб хўжалик жиноятлари;

тўққизинчи боб идора қилиш тартибига қарши қаратилган жиноятлар;

ўнинчи боб жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар;

ўн биринчи боб ҳарбий жиноятлар.

Бу Жиноят кодекси 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлди. Агар Ўзбекистоннинг 1926 йили қабул қилинган Жиноят кодексига аналогиядан фойдаланилган бўлса, 1959 йил 21 майда қабул қилинган Жиноят кодексига аналогиядан тамоман воз кечилди.

Жиноятчиликнинг сабаблари тўғрисидаги собиқ советлар даврида марксизм назариясига асосланган инсониятнинг қарама-қарши синфларга бўлинишидан келиб чиқилар эди.

Социализмда социалистик ижтимоий муносабатлар ривожланиб борган сари, жамият аъзолар баркамол бўлиб боради ва натижада жиноятчилик борган сари камайиб боради деган назария ҳукмрон эди. 1959 йили қабул қилинган Жиноят кодекси ана шу нуқтаи назардан ишлаб чиқилган эди. Аслида эса собиқ Совет иттифоқида социалистик ижтимоий муносабатлар шаклланимай жамиятда маъмурий буйруқбозлик тизими ҳукмрон эди. Бундай шароитда жиноятчилик камаймади, социалистик ижтимоий муносабатлар ривожланмади. Жамиятнинг инқирози чуқурлашиб борди. Агар ҳозирги бозор иқтисодиёти тизимида «Мулкдорлар синфини шакллантириш» очиқдан-очиқ эълон қилинган ва жамиятда қонуний ҳодиса ҳисобланган сари у даврда бундай ҳолат яширин бўлиб, ўз-ўзидан жиноятни туғдириб турар эди. Ҳатто инсонлар ўртасида асрлар оша бўлиб турган иқтисодий муносабатлар - шахсларнинг хусусий савдо (чайқовчилик) билан шуғулланиши, хусусий шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини қонун йўли билан тақиқлаб қўйилганлигининг ўзи ўз-ўзидан жиноятчиликни туғдириб тураверар эди. Ўша даврдаги бошқарув ва хўжалик юритиш тизими ўз-ўзидан мансабдорлик жиноятларининг, хўжалик жиноятларининг кўпайиб кетишига сабаб бўлган эди.

Йирик рус криминолог олими В.В. Лунеевнинг келтирган маълумотларига кўра, XX асрнинг 60-йилларида собиқ Совет

давлатида ғараз мақсадларда содир этиладиган жиноятлар 40-45 фоизни ташкил қилган бўлса, 1989 йил бу кўрсаткич 70 фоизга кўтарилди.¹

Ўша даврдаги мавжуд бошқарув тизими жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга қодир бўлмай қолди. Натижада жиноят қонуни орқали жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга ҳаракат қилинди. 1961-1991 йиллар мобайнида Ўзбекистон Жиноят кодексига 350 дан ортиқ қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилган эди. Аммо жамиятнинг инқироzi борган сари чуқурлашиб, Совет давлати 1991 йилга келиб ўз ҳаётини тугатди. собиқ совет иттифоқи таркибига кирувчи иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўзбекистон бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлини танлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бошланди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши барча соҳада, шу жумладан янги Жиноят кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун тўла шароит яратиб берди. 1994 йил 22 сентябрда 127 йил қарамликдан кейин мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилди. Ушбу Кодекс ҳақида олдинги параграфда батафсил баён қилинганлиги сабабли бу ерда яна баён қилишни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобладик.

4-§. Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши

Ҳар қандай қонун, шу жумладан жиноят қонуни ўзининг амал қилиш ҳудуди жиҳатидан муайян чегара билан чекланган бўлади.

Жиноят қонунларининг ҳудуд бўйича амал қилиш кучи ҳақидаги масала муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир. Чунки жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги билан боғлиқдир. ЎЗР ЖК нинг 11-моддасида Жиноят кодексининг Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахсларга нисбатан, 12-моддасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарисида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиш қоидалари белгиланган.

¹ Лунеев В.В. Преступность в СССР. Основные тенденции и закономерность. Советское государство и право, 1991, №8. с.94

ЖКнинг 11-моддасида Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахс ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади, дейилади. Демак, ер шарининг Марказий Осиё минтақасида жойлашган Ўзбекистон мустақил ҳудудга эга эканлиги, унинг суверен давлат бўлишини таъминлайди. Ўзбекистон ҳудуди тарихан шаклланиб келган ва халқаро шартномаларда белгиланган, қуруқлик, сув ҳавзаси, ҳаво ва ер ости давлат чегараси билан белгиланадиган ҳудудидан иборат¹. Орол денгизи Қозоғистон ва Қорақалпоғистон ўртасида жойлашган бўлиб, Орол денгизининг Ўзбекистоннинг чегара чизиғи белгиланган қисми Ўзбекистон ҳудуди ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Афғонистон билан ажратиб турувчи чегара Амударёнинг ўртасидан ўтган чегара чизиғи билан белгиланади. Ана шу қуруқлик ва сув чегарасининг вертикалига белгиланган атмосфера ҳавзаси Ўзбекистоннинг ҳаво ҳудуди ҳисобланади. Ана шу чегара чизиғи билан белгиланган ер ости қисми Ўзбекистоннинг ер ости ҳудуди ҳисобланади. Бу ҳудудда жиноят содир қилган ҳар қандай ақли расо, қонунда белгиланган ёшга етган шахс у қайси давлатнинг фуқароси эканлигидан, фуқаролиги бор ёки йўқлигидан қатъи назар, Ўзбекистон жиноят қонуни билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистоннинг ҳудудидан ташқарида бирон-бир давлатнинг ҳудудига кирмайдиган очиқ денгиз, ҳаво ҳавзаси ёки қуруқликдаги Ўзбекистон юк ва йўловчилар ташувчи кема, самолёт ва бошқа объектлар ҳам Ўзбекистон ҳудуди ҳисобланиб, уларда содир этилган жиноят учун Ўзбекистон Жиноят кодекси тадбиқ этилади.

Ўзбекистоннинг ҳарбий самолётлари ва бошқа ҳарбий объектлар қаерда тургани ёки ҳаракатланаётганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудуди ҳисобланади ва фақат Ўзбекистон қонунлари қўлланади. ЎЗР ЖК 11-моддасининг 3-қисмида Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса, бундай жиноят учун ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади, дейилади. Ушбу модданинг 4-қисмида амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят

¹ “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида” ги Қонуни 1999 йил 20 августда қабул қилиниб, 2000 йил 1 январдан амалга киритилган. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 29-сон, 69-88-бетлар.

содир этган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади, дейилади. Бундай шахсларнинг доираси халқаро ҳуқуқ нормаларида, шунингдек, давлатлараро шартномаларда белгиланади.

Шахсий дахлсизлик ва жиноят юрисдикцияси иммунитетидан фойдаланадиган шахсларга:

Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари (элчилар, мухтор элчилар, ишончли вакиллар) маслаҳатчилар, савдо ваколатхона вакиллари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳарбий, ҳарбий ҳаво ва ҳарбий-денгиз атташелари, котиб-архиваруслар ҳамда Ўзбекистон фуқароси ҳисобланмаган улар билан бирга яшовчи оила аъзолари киради. Бундан ташқари, Консуллар (бошқа бир давлатнинг ўз давлати ва фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистонга қўйилган расмий вакили), дипломатик ваколатхоналарининг ходимлари ва бошқа хизмат кўрсатиш ходимлари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдорлари, парламент ва ҳукумат делегатлари иммунитетдан фойдаланадилар. Экстерриториал ҳуқуқдан фойдаланадиган шахсларнинг доираси давлатлараро келишувга мувофиқ кенгайтирилиши ёки торайтирилиши мумкин.

Экстерриториал ҳуқуқ дипломатик ваколатхоналарнинг хизмат ва яшаш хоналарига ҳам жорий қилинади. Аммо бундай иммунитет дипломатик ваколатхона ходимларининг уларга юклатилган вазифалардан ташқари фойдаланиш мумкинлиги дегани эмас.

Шундай қилиб, жиноят учун жавобгарликнинг ҳудудий принципига кўра, ҳар қандай экстерриториал иммунитет ҳуқуқидан фойдаланмайдиган шахслар, улар Ўзбекистон фуқароси эканлиги ёки фуқароси эмаслигидан, фуқароликка эга ёки эга эмаслигидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир қилсалар Ўзбекистон жиноят қонуни билан жавобгар қилинадилар.

Одамларнинг ҳаракатланиш доираси фақат Ўзбекистон давлат чегарасининг ичи билан чекланмай, бошқа барча давлат ҳудудида ҳаракатланиб юрадилар. Агар ҳаракат узоққа чўзилган ёки давомли жиноят бўлиб, жиноятнинг бир қисми Ўзбекистонда ёки бошқа давлат ҳудудида бошланиб, Ўзбекистон ёки бошқа давлат ҳудудида охирига етказилган бўлса, жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилиниши керак, деган ҳақли савол туғилади.

Бу масала ЎзР ЖК нинг 11-моддасида аниқ кўрсатиб қўйилган бўлиб, қилмиш:

а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;

в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят, деб топилади

ЎЗР ЖК 11-моддасининг «б» бандида қилмиш «Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, жиноят Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилиши ҳақида баён қилинган. Аммо ушбу масалани ҳал қилишда асосан жиноят таркибининг барча аломатларини ифодаловчи ҳаракатлар қайси давлатнинг ҳудудида охиригача бажарилганлигига эътибор бериш керак. Масалан, айтайлик, Ўзбекистон фуқароси ўзининг шахсий машинасида Тошкент-Чимкент йўналиши бўйича кетаётганида иккита Қозоғистон фуқароси жанжаллашаётгани, бири иккинчисига пичоқ санчиб ҳаёт учун хавфли бўлган жароҳат етказса, Ўзбекистон фуқароси жабрланувчини дарҳол ўз машинасига олиб, Ўзбекистон ҳудудидаги касалхонага келтирса, шифокорларнинг унинг ҳаётини сақлаб қолиш юзасидан қилган барча ҳаракатларига қарамай жабрланувчи вафот этса, айбдорни Ўзбекистоннинг ёки Қозоғистоннинг жиноят қонуни билан жавобгар қилиш кераклиги муаммоси келиб чиқади. Бу келтирилган мисолда жиноят Қозоғистон ҳудудида содир этилиб, ўлим Ўзбекистон ҳудудида юз берган. Бундай ҳолда жиноят Қозоғистон қонуни билан ҳал қилинади. Чунки ушбу келтирган мисолда одам ўлдириш жиноятининг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг барчаси Қозоғистон ҳудудида охирига етказилган, фақат ўлим (оқибат) Ўзбекистон ҳудудида юз берган. Ўлим (оқибат) юз бериши жиноят объектив томонининг зарурий белгиси бўлсада, унинг юз бериши учун қилинган ҳаракатларнинг барчаси Қозоғистон ҳудудида содир этилган. Шунга кўра ЎЗР ЖК 11-моддаси 2-қисмининг «б» банди бўйича жавобгарликни ҳал қилиш масаласи индивидуал ҳал қилинади.

Бошқа бир мисол. Чимкент-Тошкент йўналиши бўйича келаётган автобусда иккита фуқаро жанжаллашиб, уларнинг жанжали автобус

Ўзбекистон ҳудудига ўтганда ҳам тўхтамай бири иккинчисига ҳаёт учун хавфли бўлган шикаст етказиши натижасида жабрланувчи ўлса, жиноят Ўзбекистон қонуни билан ҳал қилинади. Бундай ҳолда жиноий ҳаракат Қозоғистон ҳудудида бошланган бўлсада, бу ҳаракат Ўзбекистон ҳудудида ҳам давом этган ва оқибат ҳам Ўзбекистон ҳудудида юз берган.

Агар жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиб, гуруҳ аъзолари бир вақтда турли давлатлар ҳудудида жиноий фаолиятни амалга ошираётган, уларнинг бажарувчиси Ўзбекистон ҳудудида ҳаракат қилаётган бўлса жиноят Ўзбекистон жиноят қонуни билан ҳал қилинади.

ЎЗР ЖКнинг 12-моддасида Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиш шартлари белгиланган. Ушбу моддада белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек, Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудида содир этган жинояти учун ўша давлат судининг қонуни билан жазоланмаган бўлмасалар, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар. Лекин худди шундай қилмиш Ўзбекистон Жиноят кодексида ҳам жиноят деб ҳисобланган ва жазо назарда тутилган бўлиши керак.

Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушлаб берилиши мумкин эмас.

Чет эл фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина Ўзбекистон Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Демак, ЎЗР ЖК нинг 12-моддаси бўйича Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноятлар учун Ўзбекистон жиноят қонуни фуқаролик принципига асосланади.

5-§. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши

Ҳар қандай қонун, шу жумладан жиноят қонуни ҳам қонун чиқарувчи Олий Давлат Ҳокимияти томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланганидан

кейин қонун тусини олади. Қонунларни, шу жумладан жиноят қонунини амалга киритиш тартиби ва вақти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан белгиланади. Яъни ана шу қарорда қонунни амалга киритиш вақти кўрсатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган. 1997 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонун” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилди.

Айрим хориж мамлакатларида қонунларни эълон қилиш ва амалга киритиш тартибини белгиловчи махсус қонун қабул қилинган (масалан, Россия Федерациясининг 1994 йил 14 июлдаги «Федерал конституциявий қонунларни, федерал қонунларни, федерал Собрание палатасининг актларини эълон қилиш ва амалга киритиш тўғрисида»ги Қонуни). Ўзбекистонда эса Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август Қонуни қабул қилинган¹.

Ушбу Қонуннинг 17-моддасида «Қонунни қўллаш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларнинг (амалга киритиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатларнинг, ҳукумат ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ва шу кабиларнинг) лойиҳалари, илгари қабул қилинган қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ёки бу қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги таклифлар, қоида тариқасида, қонун лойиҳаси билан бир вақтда ишлаб чиқилади. Бу норматив ҳужжатлар янги Қонун қабул қилиниши билан бир вақтда ёки уни амалга киритгунча ёхуд у қабул қилинганидан кейин мумкин қадар қисқа муддат ичида қабул қилинади», дейилади.

Ижтимоий ҳаёт узлуксиз равишда давом этаверади, қонунлар эса ўзгаради, бекор қилинади, янгиси қабул қилинади. Бундай ҳолат жиноят қонунчилигига ҳам тегишлидир. Агар жиноят бир жиноят қонуни амалда бўлган вақтда содир этилиб, жиноят ишини тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида ўзгартирилса, амал қилиб турган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 237-модда, Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 17-сон, «Адолат», 1998, 78-87-бетлар.

қонун бекор қилиниб янги қонун қабул қилинган тақдирда жиноят содир этишда айбланаётган шахсни қайси қонун билан жавобгар қилиш керак деган савол туғилади.

Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиш тартиби ЎзР ЖК нинг 13-моддасида белгиланган. Ушбу моддада белгиланишича, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Кўпгина жиноятлар бир ёки бир неча дақиқа давом этмасдан, соатлаб, ҳатто ойлаб давом этиши мумкин. Шунга кўра жиноят содир қилиш пайтини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ЎзР ЖК Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган жиноятлар жиноий қилмиш охирига етказилганлик ҳисобидан олиниб, яъни ЖК Махсус қисми моддасида белгиланган ҳаракатларнинг содир этилганлиги ёки муайян оқибат келиб чиқиши билан жиноят тугатилган, деб ҳисобланади.

Масалан, ЖК нинг 168-моддасида фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш, дейилган. Демак, мулк фирибгарнинг қўлига ўтиши билан жиноят тугалланган ҳисобланади. Кодекснинг 164-моддасида босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида хужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлтиш билан кўрқитиб содир этилган бўлса, дейилади. Демак, босқинчилик жиноятида ўзганинг мулки босқинчининг қўлига ўтиши шарт бўлмай, хужум қилишнинг ўзи билан бу жиноят охирига етказилган ҳисобланади.

ЎзР ЖК 13-моддасининг 1-қисмида жиноят содир қилиш пайти аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унда «Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт, деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир этилган вақт, деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти, деб топилади.

Узоққа чўзилган жиноятларда жиноий актнинг бошланғич қисмини содир этилиши биланоқ жиноят тамомланган деб топилади. Давомли жиноятларда эса айбдор томонидан охирги жиноий ҳаракатини содир этиб жиноий ҳаракатни тўхтатиши ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар томонидан тўхтатилиши билан жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

Гуруҳ бўлиб содир этилган жиноятларда эса жиноятнинг бажарувчиси томонидан муайян жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни бажариб бўлиш билан жиноят тугалланган деб топилади. Ана шу юқорида айтилганларга кўра жиноят содир қилиш пайтини тўғри белгилаш, жиноятни олдинги ёки янги қабул қилинган қонун билан жавобгар қилишни аниқлаб беради.

Жиноят қонунининг инсонпарварлик принциpidан бири Жиноят кодексининг 13-моддасининг 2-қисмида жиноят қонунининг орқага қайтиш кучининг белгиланганлигидир.

1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексда қонун фақат икки ҳолда, яъни қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган ва жазони енгиллаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексда жиноят қонунининг орқага қайтиш кучини назарда тутувчи ҳолатлар доираси кенгайтирилди. ЎзР ЖК 13-моддасининг 2-қисмида белгиланганига кўра жиноят қонуни қуйидаги ҳолларда орқага қайтиш кучига эга:

- 1) қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун;
- 2) жазони енгиллаштирадиган қонун;
- 3) шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун.

Олдинги 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексда жиноят деб ҳисобланган олтмишга яқин модда 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексда жиноят деб ҳисобланмайди. Янги Жиноят кодекси амалга киритилиши билан олдинги кодекснинг ўша моддалари билан ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинди ва улар судланмаган, деб ҳисобланди. Суриштирув ва тергов босқичидаги ҳамда судда кўрилаётган ишлар бўйича эса жиноят иши бекор қилинди.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун фақат жиноят иши ҳукм чиқариш босқичигача бўлган ишларга нисбатан тадбиқ қилинадими ёки жазони ўтаётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланадими деган савол туғилади. Бу саволга ЎзР ЖК 13-моддасининг 2-қисмида аниқ жавоб ёзилган бўлиб, унда «..қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга - шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, тадбиқ этилади», дейилади. Демак, олдинги қонун бўйича судланиб, жазони ўтаб чиққан шахслар шундай қилмиш учун янги қонунда жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, у шахслар судланмаган, деб ҳисобланади.

- янги қонунда муайян жазо муддати ёки миқдори камроқ белгиланган бўлса;

- янги қонунда асосий жазо муддати ёки миқдори ўзгармагани ҳолда қўшимча жазо назарда тутилмаган бўлса;

- янги қонунда альтернатив тарздаги жазо белгиланиб, санкциясида бир неча енгилроқ турдаги жазолар назарда тутилган бўлса, жазони енгиллаштирадиган қонун ҳисобланади.

Шахснинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга деганда, муайян жиноят учун жавобгарликни белгиловчи қонун нормаси санкциясидаги жазо муддати ёки миқдори ўзгармасида Жиноят кодексига киритилган ўзгартириш ёки қўшимчалар туфайли маҳкумнинг аҳволи енгиллашадиган бўлса, орқага қайтиш кучига эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг 50-моддасига 1996 йил 27 декабр қонуни билан ўзгартиришлар киритилиб, эҳтиётсизликдан жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этилганлар жазони манзил колониясида ўташ белгиланди. Жазони ўташ колониясидагига нисбатан манзил-колониясида маҳкумнинг аҳволи анча енгиллашади. Демак, бу қонун 1996 йил 27 декабргача эҳтиётсизликдан жиноят содир қилганларга нисбатан тадбиқ этилади. 2001 йил 29 август қонунига биноан ЎЗР ЖКнинг 85-моддасига қўшимча киритилиб, вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланмаслиги белгиланди. Демак, 2001 йил 29 августгача ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни вояга етмаган шахс такроран содир қилган ёки олдин шундай жинояти учун судланганлигидан қатъи назар, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Бундай ҳолда жиноий қилмиш ишни мазмунан ҳал қилиш вақтида кучдан қолган, аммо жиноят содир қилиш пайтида амалда бўлган қонун билан ҳал қилинади.

6-§. Жиноят қонунларини шарҳлаш

Жиноят қонунини шарҳлаш уларни амалда тадбиқ этишда хатога йўл қўймаслик учун ғоят муҳимдир.

Жиноят қонунини шарҳлаш қонун чиқарувчининг иродасига мувофиқ ҳолда қонунни амалда тадбиқ қилиш учун мазмун ва мақсадини ҳар томонлама тушунтириб беришдан иборат.

Жиноят қонунини шарҳлашнинг субъектлари, усуллари ва миқёсига қараб бир неча турга бўлинади.

Жиноят қонунларининг субъектига кўра шарҳлашни легаль шарҳлаш ва илмий шарҳлашга бўлиш мумкин.

Легал ва аутентик шарҳлаш деярли бир-бирига тўғри келадиган шарҳлаш усулидир.

Аутентик шарҳлаш қонунни қабул қилган давлат органи томонидан берилган шарҳлардир. Легал шарҳлаш фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан берилган шарҳлашдир.

Суд томонидан шарҳлаш муайян иш учун қонунни амалда тадбиқ қилиш юзасидан суд томонидан берилган шарҳлашдир. Бундай шарҳлар жиноят ишини амалда тадбиқ қилувчилар учун мажбурийдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари Ўзбекистондаги барча судлар учун мажбурийдир.

Легал (аутентик) шарҳлаш эса барча учун мажбурийдир. Масалан, муайян ҳуқуқий актни амалда тадбиқ қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори.

Илмий шарҳлаш илмий муассасалар, юрист олимлар, ҳуқуқни амалда қўлловчи идораларнинг ходимлари томонидан берилган шарҳлардир.

Илмий шарҳлаш қонун нормаларининг назарий ва амалий масалаларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборатдир. Илмий шарҳлаш юридик фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалардир.

Илмий шарҳлаш мажбурий характерга эга бўлмай, жиноят қонунларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда тўғри тадбиқ қилиш учун аҳамиятлидир.

Шарҳлаш усулига қараб, грамматик (филологик) систематик (тизимли), тарихий шарҳлашларни айтиш мумкин.

Грамматик шарҳлашда қонунлар грамматика, синтаксис ва этимология (сўзларини келиб чиқиш) қоидаларидан фойдаланган ҳолда қонундаги алоҳида атамаларнинг мазмуни тушунтирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июнда «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» ги қарорининг 4-бандида «Судларга тушунтирилсинки, совуқ қурол

деганда, ўз моҳиятига кўра инсоннинг ҳаёти ва соғ-лигига қарши ишлатиш учун мўлжалланган, суд-криминалистик экспертизаси хулосасига мувофиқ совуқ қурол деб топилган нарсалар тушунилади»¹, дейилади.

Тизимли (систематик) шарҳлашда жиноят қонуни нормаларини бошқа қонун нормалари билан солиштириш орқали унинг мазмуни, унинг амалдаги жиноят қонунида тутган ўрни, унга ўхшаш бўлган қонун нормаларидан фарқи аниқланади. Масалан, ЎзР ЖК 107-моддасининг (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш) мазмунини очиқ бериш учун ЖК нинг 104-моддаси (қасддан баданга оғир шикаст етказиш) шарҳи орқали тушунтирилади.

Тарихий шарҳлашда муайян жиноят қонуни нормасининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол туфайли қабул қилиниш сабаблари тушунтирилади.

Жиноят қонунларининг миқёси (ҳажми) жиҳатидан шарҳлашга сўзма-сўз шарҳлаш, тор маънода шарҳлаш, кенг маънода шарҳлашларни киритиш мумкин.

Сўзма-сўз шарҳлаш қонун нормасининг матнига тўла мувофиқ бўлган сўзларда ифодалаб берилган шарҳдир. Тор маънода шарҳлаш қонун матнига нисбатан торроқ ҳажмда шарҳлашдир. Бунда қонун матнидан келиб чиқиб, унинг матнидан ҳам торроқ шарҳ берилади. Масалан, қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорида қасддан одам ўлдириш тўғри қасддан ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин дейилади.

Кенг маънода шарҳлашда эса қонун матнидан келиб чиқиб, унинг матнига нисбатан анча кенг тушунтириш берилади. Масалан, ЎзР Олий суди Пленуми 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорида «Судларга тушунтирилсинки, совуқ қурол деганда, ўз моҳиятига кўра инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ишлатиш учун мўлжалланган, суд-криминалистик экспертизаси хулосасига мувофиқ совуқ қурол деб топилган нарсалар тушунилади. Шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсалар туркумига айбдор томонидан ўша мақсадларда безорилик ҳаракатлари давомида

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги қарорлари. Т. 2002, 8-бет.

фойдаланилган ҳар қандай нарсалар киради¹. Жабрланувчига нисбатан тан жароҳати етказган ёки етказишга қилган ҳоллар тушунилиши лозим дейилади.²

Қонунларни кенг маънода шарҳлаш қонуннинг маъносини анча чуқур ва батафсил очиб бериш имконини беради.

2-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят қонуни нима?
2. Жиноят қонуни ким ёки қайси давлат органи томонидан қабул қилинади?
3. Нима сабабдан Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмларга бўлинган?
4. Жиноят кодекси Умумий қисми нормалари билан Махсус қисми нормаларининг фарқи нимада?
5. Диспозиция нима? Уларнинг турларини айтинг?
6. Санкция нима? Уларнинг турларини айтинг?
7. Ўзбекистон ҳудуди деганда нимани тушунасиз ва Жиноят кодексини ушбу ҳудудда амал қилиш тартибини айтинг?
8. Ўзбекистон фуқаролари чет элда қилган жиноятлари учун жиноий жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилинади?
9. Жиноят қонунларининг вақт бўйича амал қилиш тартиби қандай?
10. Жиноят қонунини орқага қайтиш кучи деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М.: “Юристъ”, 2001.
2. Лунеев В. В. Преступность в СССР: Основные тенденции и закономерности. “Государство и право”, 1991, №8.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги қарорлари. Т. 2002, 8-бет.

² Уголовное право Российской Федерации. Общая часть,-М.: “Юристъ”, 2001, стр 49.

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги қонуни. 1999 йил 20 августда қабул қилиниб, 2000 йил 1 январдан амалга киритилган. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 23-сон. 69-88-бетлар.
4. Ўзбекистон қонунларини тайёрлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 237-модда ёки Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 17-сон, “Адолат”, 1998, 78-87-бетлар.
5. Г.И.Иванов. Парадоксы уголовного закона. “Государство и право”, 1998, №3, ст.50.
6. Э.Х. Норбўтаев. Уголовный закон и его эффективность. Т.: “Меҳнат”, 1991.
7. Н.Н.Вопленко. Официальное толкование норм права. М.: “Юридическая литература”, 1976.
8. М.И.Блум, А.А.Тилле. Обратная сила закона. М.: “Юридическая литература”, 1979.
9. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М.: “Норма-инфра”, 2001.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Т.: “Адолат”, 1997.
11. М.Х. Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм) Тошкент –«ILM ZIYO»-2005, 48-74 бетлар
12. М.Х. Рустамбоев Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига шарҳлар. Тошкент -2007 йил.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

III БОБ. ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ

1-§ Жиноят тушунчаси ва унинг белгилари

Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми иккита асосий тушунча билан боғлиқ бўлиб, улар жиноят ва жазо тушунчаларидир. Шунга кўра жиноят тушунчаси жиноят ҳуқуқининг энг муҳим ва асосий категориясидир.

ЎзР ЖКнинг 2-моддасида Жиноят кодексининг вазифалари белгиланар экан, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатлиги кўрсатилиб, жиноятларнинг доираси умумий тарзда баён қилинади. ЎзР ЖКнинг 14-моддасида эса жиноят тушунчаси берилади. Унда Жиноят кодекси билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади, дейилади. Демак, жазолаш билан қўрқитиб, жиноят қонунида тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизликни айбли содир этиш жиноят деб топилади. Жиноят — инсоннинг онгли фаолияти, алоҳида кишининг онгли қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишидир.

Кишининг ҳуқуққа хилоф қилмиши фаол ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги унинг онги билан бошқарилган бўлиши керак. Ана шундагина унинг ижтимоий хавфли қилмиши жиноят ҳисобланади.

Инсоннинг ҳар бир яхши ёки, ҳуқуққа хилоф ёхуд жиноий қилмиши, аввало, унинг муайян қилмишни содир қилиш фикридан бошланади. Инсон ҳар бир ҳаракатни бажаришдан олдин уни онгида шакллантириб олади. Аммо жиноят содир қилиш ҳақидаги фикрнинг мавжудлиги жиноий қилмиш ҳисобланмайди. Чунки қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун қилмишда қонунда назарда тутилган

шартлар бўлиши керак, яъни жиноят таркибининг барча аломатлари бўлиши керак. Жиноят содир қилиш фикрида эса ҳали шу фикрни амалга ошириш учун шахс ҳеч қандай бирон бир ҳаракат қилмаган ва шу туфайли жиноят таркибининг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар ҳали содир этилмаган бўлади. Яъни жиноят таркибини ифодаловчи белгилар юз бермаган ва қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга хавф солинмаган. Ушбу масалалар жиноят босқичлари мавзусида батафсил таҳлил қилинади. Жиноят содир этиш тўғрисидаги фикрнинг мавжудлиги жиноят ҳисобланмаслигини барча жиноят ҳуқуқларида умумий қоида тариқасида қабул қилинган. Аммо айрим юридик адабиётларда таъкидланишича ҳар доим ҳам шундай бўлмаган. Масалан, қадимги Германлар ҳуқуқида ўғрилик жинояти содир қилиш тўғрисидаги фикр ва содир қилинган ўғрилик ўртасида фарқ ажратилмаган: «Агар сен кўрққанинг туфайли ўғрилик қилиш тўғрисидаги ўз фикрингни амалга оширмаган бўлсанг, бари бир ўғриликни ўз фикринг билан амалга оширгансан», деб ёзилган экан¹.

ЎзР ЖКнинг 14-моддасида жиноятга берилган таърифни таҳлил қилиш орқали унинг белгиларини аниқлаш мумкин ва улар қуйидагилардан иборат:

- 1) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги;
- 2) ижтимоий хавфлилиги;
- 3) айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмиш учун жиноят қонунида жазо белгиланганлиги (жазога сазоворлиги).

Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишда ана шу белгиларнинг барчаси бир вақтда мавжудлиги уни жиноят деб топишга асос бўлади. Ана шу белгилардан биттаси бўлмаса қилмиш жиноят деб топилмайди.

Қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги. ЎзР ЖК нинг Махсус қисми моддаларида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, бу моддаларда айтилган қилмишларни содир қилиш тақиқланади. Уларни содир қилиш эса ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноят деб ҳисобланмаган ва жазо назарда тутилмаган қилмишлар ҳар қандай оқибатга сабаб бўлганлигидан қатъи назар, жиноят ҳисобланмайди. Қилмишни жиноят деб

¹ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М.: «Юристъ», 2001, с. 49.

ҳисоблаш учун албатта, ЖК Махсус қисми моддасида кўрсатилган ва бунинг учун жиноий жазо назарда тутилган бўлиши керак.

У ёки бу қилмишни жиноят деб ҳисоблаш ва Жиноят кодексига киритиш масаласини фақат қонун чиқарувчи орган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси) ҳал қилади. У ёки бу қилмишни криминализация ёки декриминализация қилиш масаласи жамиятда шундай қилмишларнинг мавжуд ижтимоий муносабатлар учун хавф туғдириши, маълум даражада бундай ҳаракатларнинг кўпайиши билан ҳам боғлиқдир.

Жиноят кодексининг Махсус қисмида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, бу жиноятларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) криминологик жиноятлар;
- 2) жиноят-ҳуқуқий жиноятлар;

Криминологик жиноятлар инсоният тарихининг барча босқичларида ижтимоий хавфли ҳисобланиб мавжуд одат, ахлоқ ва қонун нормалари билан доимо таъқиб қилиб келинган. Буларга масалан, одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, ўғрилик, талончилик, босқинчилик ва ҳоказоларни айтиш мумкин. Бу жиноятлар учун жазо муддати ва турлари ҳар хил бўлиб келган бўлсада, улар ҳар доим таъқиб қилинган.

Жиноят-ҳуқуқий жиноятлар эса муайян бир даврда ижтимоий хавфли тус олганлиги муносабати билан жиноят деб ҳисобланади, жиноят-ҳуқуқий норма сифатида Жиноят кодексига киритилади. 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексига жиноят деб ҳисобланган 60 яқин қилмишлар янги Жиноят кодексига киритилмади. Масалан, чайқовчилик учун олдинги кодексда жавобгарлик белгиланган эди. Чайқовчилик учун жавобгарликни назарда тутувчи олдинги кодекснинг 175-моддаси янги Жиноят кодексига киритилмади.

Чайқовчилик энди жиноят эмас, балки тижорат ҳисобланиб, кишиларнинг шуғулланиш фаолият туридан бирига айланди. Шунинг билан бирга олдинги Жиноят кодексига жиноят деб ҳисобланмаган 60 га яқин қилмишлар янги Жиноят кодексига жиноят деб киритилди.

Жиноят қонунининг мазмунига кўра, фақат ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқарган қилмишларгина жиноят ҳисобланмай, балки қонун билан кўриқланадиган объектга реал зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам жиноят ҳисобланади. ЎЗР ЖК нинг 14-моддаси 2-қисмида «Ушбу

Кодекс билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфни келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади» дейилган.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги. ЎЗР ЖК нинг 14-моддасида жиноят ижтимоий хавфли ҳисобланиб қилмишни жиноят деб ҳисоблашнинг белгиларидан бири сифатида кўрсатилган. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг сифат кўрсаткичидир. Айнан қилмишнинг сифат кўрсаткичи уни жиноят деб ҳисоблаш ёки ҳисобламаслик масаласини аниқлаб беради. Демак, ижтимоий хавфлилиги унинг моддий моҳиятини белгилайди ва қонун чиқарувчи орган томонидан жиноят деб ҳисоблаб қонунга киритишнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Қилмишда ижтимоий хавфлиликнинг мавжудлиги унинг ижтимоий муносабатга зарар етказиш ёки зарар етказиш хавфи остида қолдиришини билдиради. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг объектив хусусияти ҳисобланиб, қонун чиқарувчининг онги ва иродасидан қатъи назар, ижтимоий муносабатларга зарар етказди ва ўзининг ички моҳиятига кўра жамиятнинг нормал фаолият кўрсатишига зарар етказди. Қонун чиқарувчи орган ижтимоий хавфли қилмишнинг ана шу хусусиятларини ҳисобга олиб уни жиноятлар доирасига киритиш ёки киритмаслик масаласини ҳал қилади. Бунда қонун чиқарувчи органнинг вазифаси жамият ривожланишининг муайян босқичида жамиятнинг ҳаётини тўғри баҳолаш ва қилмишни жиноят деб ҳисоблаш ёки декриминализация қилишдан иборатдир.

Жиноят шахс учун ҳам, жамият учун ҳам, давлат учун ҳам хавфлидир. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги қонун билан кўриқланаётган объектнинг жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиниши-нинг аҳамияти орқали аниқланади.

Бу объектлар ЖКнинг 2-моддасида белгиланишига кўра шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсониятнинг хавфсизлигидир. Аммо жиноятнинг хавфлилик даражаси фақат қилмиш туфайли тажовуз қилинадиган объектнинг ўзи билангина ифодаланмай содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам белгиланади. Булар жиноят содир қилиш вақти, жойи, усули, содир этиш шароити ва ҳоказолар билан ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, одам ўлдириш жиноятини жабрланувчини қийнаб содир этиш, ўғрилиқ,

талончилик, босқинчилик жиноятларини уй-жой ёки омборхоналарга кириб содир этиш ва ҳоказолар.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи мезонлардан бири жиноят туфайли етказилган зарарнинг миқдоридир.

ЖК Махсус қисмининг кўпчилик моддларида етказилган зарарнинг миқдorigа қараб жавобгарлик белгиланган. Масалан, ЖКнинг 104-моддасида баданга қасдан оғир шикаст етказганлик 105-моддасида ўртача оғир, 109-моддасида эса енгил шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган ёки фирибгарлик туфайли кўп миқдорда мулк талон-торож қилинса 168-модданинг иккинчи қисми билан, жуда кўп миқдордаги мулк талон-торож қилинса, шу модданинг 3-қисми билан жавобгар қилинади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини белгиловчи мезонлардан яна бири жиноятнинг мотив ва мақсадидир. Масалан, ЖКнинг 124-моддасида тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасдан болани алмаштириб қўйиш учун жавобгарлик назарда тутилган ёки 133-моддада шахснинг тириклигида розилигини олмасдан ёки ўлганидан кейин қариндошларининг розилигини олмасдан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш ва ҳоказолар.

Жиноят содир қилган киши шахсининг ўзига хос хусусиятлари ҳам жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилаши мумкин. Масалан, вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланса (ЎЗР ЖК 55- моддасининг 1-қисмининг «ж» банди), хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Юридик адабиётларда жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини сифат ва миқдори томонларга бўлиб таҳлил қиладилар. Ўақиқатдан ҳам ЎЗР ЖКнинг 54-моддасида, «Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини... ҳисобга олади», дейилади. Бунда жиноятнинг хусусияти унинг сифат кўрсаткичи бўлса, ижтимоий хавфлилик даражаси миқдор кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, ЖКнинг мулкни талон-торож қилиш ёки нобуд қилиш учун жавобгарликни белгиловчи моддаларда талон-торож қилганлик ёки нобуд қилинган мулкнинг миқдorigа қараб табақалаштириб жавобгарлик белгиланган. Баданга шикаст етказганлик учун жавобгарликни белгилашда унинг ижтимоий

хавфлилик даражаси баданга етказилган шикастнинг даражаси билан белгиланган. (ЖКнинг 104,105,109-моддалари)

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси маълум маънода Кодекс Махсус қисми тизимидаги жойлашган ўрни билан ҳам белгиланади. Мулкни талон-торож қилишга нисбатан инсон ҳаёти, соғлиги ва бошқа манфаатлари муҳимроқ бўлганлиги учун, бундай жиноятлар учун жавобгарлик ЖК Махсус қисмининг биринчи бўлимига жойлаштирилган.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унинг миқдор кўрсаткичи ҳисобланиб, етказилган зарарнинг даражаси, келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги, жиноий ҳаракатнинг қай даражада амалга оширилганлиги (тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш ёки охирига етказилганлиги), бир неча киши томонидан биргалашиб содир этилганлиги, жиноятнинг содир қилиш усули, жиноят содир этишда қурол ишлатилганлиги, айбнинг хусусиятлари каби омиллар ҳисобга олиниши мумкин.

ЖК Махсус қисми моддаларининг санкциялари жиноят ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи энг муҳим омил ҳисобланади. Одатда, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда моддаларнинг санкциялари солиштирилади. Махсус қисми моддасининг санкцияси қанчалик оғир бўлса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам шунга мувофиқ равишда юқори бўлади. Хусусияти жиҳатидан бир хил бўлган жиноятларнинг фарқи айнан уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси билан белгиланади. ЎзР ЖКнинг 36-моддасида, гарчи ушбу Кодексда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди, дейилади. Демак, жиноят ҳисобланмайдиган ва жиноят ҳисобланадиган қилмишларни ажратиб турувчи мезон ҳам ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобланади. Аммо уларни ажратиб турувчи мезонни аниқлашда шахснинг мақсадини ҳам ҳисобга олиниши керак. Масалан, шахс кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиш ниятида ҳаракат қилган, аммо объектив ёки субъектив сабабларга кўра жуда оз миқдордаги мулкни олган бўлса, кам аҳамиятли қилмиш деб ҳисоблаш мумкин бўлмайди.

Жиноятнинг яна бир белгиси қилмишда айбнинг мавжудлигидир. ЎзР ЖКнинг 14-моддасида жиноятга таъриф берилиб, биринчи марта айб жиноятнинг белгиси эканлиги қонунда мустаҳкамлаб кўйилди.

Жиноят содир этишда айблиликнинг жиноят-ҳуқуқий маъноси жиноятчининг содир қилган ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг ижтимоий хавфли оқибатига қасд ва эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабатидир. Қасддан жиноят содир қилишнинг жиноят-ҳуқуқий маъноси ЎзР ЖК нинг 21-моддасида берилган бўлиб, жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади. Айбнинг қасд шакли ўз навбатида иккига бўлиниб, булар тўғри ва эгри қасддан иборатдир.

Тўғри ва эгри қасдларнинг жиноят-ҳуқуқий тушунчаси ЎзР ЖКнинг 21-моддасида берилган.

Айбнинг эҳтиётсизлик шаклининг жиноят-ҳуқуқий тушунчаси ЎзР ЖКнинг 22-моддасида берилган бўлиб, эҳтиётсизлик шаклидаги айб ўз навбатида ўз-ўзига ишониш ва бепарволик турларига бўлиниб, уларнинг жиноят-ҳуқуқий маъноси ЖК нинг 22-моддасида берилган. Айбнинг шакли ЖК Махсус қисми моддларида кўрсатилади. Агар муайян жиноят тури фақат қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин бўлса, ўша норманинг диспозициясида алоҳида кўрсатилиши шарт эмас. Агарда муайян жиноят қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир қилиниши мумкин бўлса, бундай ҳолда қонунда алоҳида кўрсатилади.

Қилмишнинг жазога сазоворлиги. Жазога сазоворлик деганда ҳар бир содир этилган жиноят учун қонунда жазо белгиланганлиги ва уни жиноят учун тайинланиши мумкинлигидир. Ҳар бир жиноят учун муқаррар равишда жазо тайинланиши шартми? ЎзР ЖК нинг 10-моддасида қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт дейилади. Демак, жиноят учун жавобгарлик муқаррар бўлиб, жазо тайинлаш жавобгарликка тортилганидан кейин тайинланадиган мажбурлов чорасидир. Жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан ҳар доим ҳам жазо тайинланавермайди. ЎзР ЖК нинг 64-68-моддаларида жиноят содир қилган шахсни жавобгарликдан озод қилиш шартлари белгиланган бўлиб, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган ва қилмишда ўша моддаларда кўрсатилган шартлар мавжуд бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Жавобгарликдан озод қилиш шахсни оқлаш бўлмасдан жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда жавобгарликдан озод қилишдир. Демак, ЖК нормаларини қўллаб жавобгарликдан

озод қилиш фақат жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган, тўла исботланган шундай жиноят учун Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноий жазо назарда тутилган қилмишларгагина қўлланади. Шундай экан, ЖК нормаларини қўллаб жавобгарликдан озод қилинган шахсларнинг жинояти ҳам жазога сазовор бўлган қилмиш ҳисобланади.

ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида ҳам (масалан, 155-модданинг 4-қисми, 157-модданинг 2 ва 3-қисмлари, 211-модданинг 4-қисми, 212-модданинг 4-қисми ва ҳоказолар) жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган бўлиб, бундай озод қилиш фақат ўша моддада назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан қўлланади. Демак, бундай қилмиш ҳам жиноят ҳисобланган ва бунинг учун ЖК да жавобгарлик белгиланган жиноий қилмишдир. Шундай қилиб, содир этилган жиноят учун жазо тайинланган ёки ЖК нормаларини қўллаб жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар, ўша қилмишлар жиноят ҳисобланади ва жазога сазовордир. Шундай қилиб, фақат Жиноят кодексида берилиб, жиноий жазо назарда тутилган қилмишларгагина жиноят ҳисобланади.

2-§. Жиноятларни таснифлаш

Жиноят ҳукуқий ҳодиса сифатида ўзининг махсус белгиларига эга бўлиб, бу белгилар ЎзР ЖК нинг 14-моддасида баён қилинган. Аммо бу белгиларнинг ўзи жиноятни квалификация қилиш, жиноят қонунини амалда қўллашнинг қонунийлиги ва адолатлилигини, жавобгарликни табақалаштирган ҳолда амалга ошириш имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам жиноятларни муайян туркумларга ажратиш жавобгарликни табақалаштириш, ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларни ЖК Умумий қисми моддаларига мувофиқ равишда ишлаб чиқиш имконини беради.

Жиноятларни у ёки бу белгиларига қараб туркумларга ажратиш жиноятларни таснифлаш деб айтилади. Жиноятларни жиноят қонунини таснифлаш биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида амалга оширилди. Жиноятларни таснифлаш масаласи жиноят ҳукуқида ҳар доим ҳам бўлган. Аммо уларни таснифлаш жиноят қонунини биринчи марта мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодексида амалга оширилди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида таснифлашнинг икки туридан фойдаланилиб, булар:

- 1) жиноятларни объектига қараб таснифлаш;
- 2) жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлашдан иборат.

Кўпгина ривожланган давлатларда жиноятлар икки ёки учта туркумга бўлиб таснифланади. Масалан, Япониянинг жиноят қонунида жиноятлар иккита туркумга бўлиниб, булар:

- 1) сиёсий жиноятлар;
- 2) бошқа барча жиноятлар.

Англия жиноят ҳуқуқида барча жиноятлар икки гуруҳга бўлинган бўлиб, биринчи гуруҳ жиноятларига жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан айблов актини эълон қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, иккинчи гуруҳга бундай айб эълон қилиш акти тақдим этилиши талаб қилинмайдиган жиноятлар киритилган. Биринчи гуруҳга кирувчи жиноятлар ўз навбатида учта турга бўлиниб, булар:

- 1) treason (тризн);
- 2) felony (фелония);
- 3) misdemeanor (мисдиминор).

«Тризн» туркумига кирувчи жиноятлар давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлигига, қиролнинг шахсига тажовуз қилувчи жиноятлардир. Фелония жиноятлари мол-мулкни мусодара қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар туркумидан иборат. Бошқа барча жиноятлар мисдиминор жиноятлар туркумига киритилган.

Собиқ Совет Иттифоқи таркибига кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноятларни таснифлаш назарда тутилмаган эди. Фақат оғир жиноятларнинг рўйхати берилган эди (7¹-модда). Жиноятларнинг аниқ таснифи берилмаганлиги ва фақат оғир жиноятларнинг рўйхати берилганлиги ва бундан ташқари Жиноят кодексига тез-тез қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб турилганлиги ¹ЖК ни амалда тадбиқ қилиш ва жиноятни квалификация қилишда бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқарар эди.

1926 йилда қабул қилинган ЎзР ЖК да барча жиноятлар икки гуруҳга бўлиниб, булар:

¹ ЎзР ЖКга 1960 йилдан 1990 йилгача 350 мартта қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилган. –Муаллиф.

1) ССР Иттифоқида ўрнатилган ишчи ва деҳқонлар иродасини ифода қилувчи Совет тузуми асосларига қарши қаратилган жиноятлар;

2) бошқа барча жиноятлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи жиноятлар учун жазонинг энг кам қисми қатъий белгиланган бўлиб, суд қонунда белгиланган жазонинг энг кам қисмидан камроқ бўлган жазони ҳар қандай ҳолда ҳам тайинлай олмас эди. Иккинчи гуруҳга кирувчи жиноятлар учун эса жазонинг энг кўп қисми белгиланган эди холос.

1959 йилда қабул қилиниб, 1960 йилда амалга киритилган Жиноят кодексининг умумий қисмида жиноятларни таснифлаш алоҳида моддада назарда тутилмаган бўлсада, ўша Жиноят кодекси моддалари ва жиноят ҳуқуқининг мазмуни таҳлил қилиниб, жиноятларни қуйидагича таснифлаш мумкин эди:

1) кам аҳамиятли жиноятлар;

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар;

3) оғир жиноятлар;

4) барча бошқа жиноятлар.

Кам аҳамиятли жиноятларга содир этилган қилмишнинг хусусияти ва айбдорнинг шахси ҳисобга олиниб, жиноий жазо қўлламасдан жамоатчилик таъсир чорасини қўллаш мумкин бўлган (масалан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ҳақорат қилиш, туҳмат ва ҳоказо) жиноятлар киритилган эди. Бундай ишлар кўпроқ ўртоқлик судларида, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларда кўришга берилар эди.

Шу жойда биз шунини таъкидламоқчимизки, совет тузуми инсоният бошига қанчалик мусибатлар келтирган, миллионлаб инсониятнинг энг яхши қисми қатағон қилинган бўлмасин, халқ ижод қилаверди, тарихий тараққиёт давом этаверди, қонунчилик соҳасида ҳам катта тажрибалар тўпланиб келинаверди. Ўша тажрибалар ҳозирги замон қонунларини ишлаб чиқиш фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлади. 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 7-моддасининг 2-қисмида гарчи расмий жиҳатдан жиноят аломатлари мавжуд бўлсада, лекин ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли жамоат учун хавфли хусусиятда бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб танилмайди, дейилади. Демак, бу ерда ижтимоий хавфлилиги бирон-бир аҳамиятга эга бўлмаган қилмишларнинг жиноят ҳисобланмаслиги ҳақида бормоқда. Кам аҳамиятли жиноятларда эса

жиноятнинг барча белгилари, шу жумладан ижтимоий хавфлилиги мавжуд бўлган жиноятлар ҳақида гап кетади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга жиноий жавобгарликка тортиб жазо тайинлаш ёки кафилликка бериб, ёхуд шартли ҳукм қилиниб жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мумкин бўлган қилмишлар киритилган.

Оғир жиноятлар рўйхати ўша кодекснинг 7-моддасида берилган эди. 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига аслида барча жиноятлар икки гуруҳга: 1) давлатга қарши жиноятлар ва 2) бошқа барча жиноятларга бўлиниб, юқорида баён қилинган таснифлаш бошқа барча жиноятларни таснифлашдан иборат эди.

Давлатга қарши жиноятлар ҳам ўз навбатида иккига бўлиниб, давлатга қарши алоҳида хавфли жиноятлар ва давлатга қарши бошқа жиноятлардан иборат бўлган.

1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига алоҳида нормада барча жиноятларни таснифлаш тартиби белгиланмаганлиги, аввало Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни муайян бобларга киритиш ва ҳар бир жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб муайян тартибда жойлаштириш ва ҳар бир жиноят учун белгиланадиган жазо миқдори ва муддатини муайян тартибда ишлаб чиқиш имконини бермас эди.

У давр Жиноят кодексига барча фуқаролар давлатга, давлат манфаатларига хизмат қилишга қаратилган бўлса, Мустақил Ўзбекистон Конституциясида эса давлат ҳам қонунлар, ҳам инсон учун, инсон манфаатлари учунлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», дейилади.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг жиноят қонуни бўлиб, энг аввало, инсонни, инсон манфаатларини ҳимоя қилади. ЎЗР ЖК нинг 15-моддасида жиноятларни таснифлашнинг аниқ белгиланган қоидаларини ишлаб чиқилганлиги ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, амалдаги Жиноят кодекси институтлари ва нормаларини ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларни аниқ ифодалаш имконини беради:

1) Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмлари бўлим ва бобларини муайян тизимда ишлаб чиқиш ва жойлаштириш;

2) Жиноят кодекси Махсус қисми бобларидаги жиноят учун жавобгарликни белгиловчи нормаларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жойлаштириш;

3) ҳар бир жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазони белгилаш;

4) содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазо тайинлаш;

5) жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мумкин бўлган жиноятларнинг туркумларини аниқлаш;

6) озодликдан маҳрум қилишнинг муайян тури ва жазони ўташ колонияси ёки турма қамоғини тайинлаш шартларини аниқ белгилаш;

7) шартли ҳукм қилиш, енгилроқ жазо билан алмаштириш, муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш, авф этиш, амнистия орқали жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг аниқ мезонларини белгилаш;

8) Жиноят кодекси моддаларини қисқа ва аниқ ифодалаш имконини беради, масалан, ЎзР ЖК 66,66¹-моддаларида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилиш, 71-моддасида эса ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган шахсни жазодан озод қилиш мумкинлиги баён қилинган. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар туркуми ЖК нинг 15-моддасида аниқ белгилаб қўйилган.

Амалдаги жиноят ҳуқуқида жиноятларни таснифлашнинг асосан иккита туридан фойдаланилган бўлиб, булар:

1. Жиноятларни объектига қараб таснифлаш;

2. Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш.

Жиноятларни объектига қараб таснифлаш усули Жиноят кодекси Махсус қисми бўлим ва бобларининг жамиятдаги аҳамиятига қараб муайян бўлимлар ва боблар тизимида жойлаштиришда фойдаланилган.

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш мезонлари ЖК 15-моддасида аниқ белгилаб қўйилган.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлашнинг асосий мезони сифатида Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларидаги жазо тури ва муддати ҳисобга олинган.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлашнинг кўшимча мезони сифатида айб шакли ҳам ҳисобга олинган. Масалан, ЖК 15-моддасининг 3-қисмида унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради, дейилади. Демак, бу нормада қилмишни унча оғир бўлмаган жиноят деб ҳисоблаш учун фақатгина қонунда белгиланган жазо муддатининг ўзигина эмас, балки айб шакли ҳам зарурий мезон сифатида қатнашмоқда.

Жиноятларни ЖК нинг 15-моддасида белгиланган тахлитда таснифлашнинг яна бир қулайлик томони шундаки, ЖК Умумий ва Махсус қисми моддалари тахририни содда ва аниқ ишлаб чиқиш имкониятини беради. ЖКнинг 15-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар қатъий белгилаб қўйилганлиги боис ана шу туркумдаги жиноятлар тўғрисида гап кетганда уларни қонун нормасидаги жиноятлар учун ишлатиладиган атаманинг ўзини айтишнинг ўзи етарлидир. Масалан ЎЗР ЖК Махсус қисмининг 241-моддасида тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик, дейилади. Оғир ёки ўта оғир жиноятлар туркумига қандай жиноятлар кириши эса ЖК нинг 15-моддасида аниқ белгилаб қўйилган.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (64-модда) нормаларини қўллашда ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, 64-модданинг 1-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб уч йил, унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб беш йил ўтиб кетган бўлса, шахсни жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган.

Демак, Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятлар муайян туркумларга бўлинадиган экан, жиноятни у ёки бу туркумга киритишнинг белгилари ҳам кўрсатилган. Бу билан ЖК нормаларини амалда қўлланиши осонлаштирилган.

Агарда қонунларда жиноятларни муайян туркумларга бўлишнинг ўзи билан чекланилиб ё бу жиноятни у ёки бу туркумининг рўйхати

берилмаса, ёхуд у ёки бу туркумининг белгилари берилмаса, жиноят қонунларини амалда тадбиқ этишда катта қийинчиликлар туғдиради, деб ёзганда Загородников Н.И.ҳақ.¹ Ўзбекистон Жиноят кодексида жиноятларни таснифлашда моддаларни санаб кўрсатиш йўлидан эмас, балки жиноятларни белгилари орқали таснифлаш йўлидан фойдаланилди. Чунки, муайян туркумдаги жиноятларни беришга нисбатан унинг белгилари орқали таснифлаш қулай ва ЖК нинг барча моддаларини ҳамма фойдаланиши учун қулай бўлган шаклда тузиб чиқиш имконини беради. Моддаларни санаб кўрсатиш орқали таснифлаш эса, бир қатор ноқулайликларга эга, айниқса ЖК га қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганда кўплаб нормаларни ўзгартиришга тўғри келади. Белгиларига кўра таснифлашда эса ЖК нинг кўплаб моддаларини ўзгартиришга ҳожат қолмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан ЎЗР ЖКга қўшимча киритилиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб қонунда уч йилгача, эҳтиётсизликдан содир этилиб беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар ҳам киритилди.² Бунда ЖК Махсус қисмининг моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга ҳожат йўқ эди. Ваҳоланки, 15-моддага киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар туфайли ЖК Махсус қисмидаги бир қанча жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига ўтиб кетди.

Принцип жиҳатидан олганда жиноятларни таснифлаш турли асосларга биноан амалга оширилиши мумкин. Чунки жиноятларни кўплаб объектив ва субъектив белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Бунда жиноятларни таснифлашнинг мақсадига боғлиқ бўлади.

Жиноятларни таснифлаш жиноят қонунининг ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда барча жойларда, барча судлар томонидан юридик жиҳатдан бир хилда тадбиқ этиш имконини беради. Жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларни жавобгарлик ёки жазодан озод қилишда содир этилган жиноятни, жиноятларнинг қайси туркумига киритишни ҳисобга олган ҳолда қўллаш имконини беради.

¹ Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования. “Наука”, 1987, с.3.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар алоҳида туркумдаги жиноятларга ажратилмаган. ЎзР ЖКнинг Умумий қисмида вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида бўлимда берилган бўлиб, бу бўлимда фақат вояга етмаганларга нисбатан тайинладиган жазо турлари, уларга нисбатан жазо тайинлаш, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормалар баён қилиниб, жиноятга тегишли масалалар баён қилинмаган. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни таснифлаш масалалари ҳам ЎзР ЖК нинг 15-моддаси қоидалари асосида ҳал қилинади.

Аммо вояга етмаганларнинг жиноятларини таснифлашдаги муаммо шундаки, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган моддалардаги санкция миқдори бошқача, яъни вояга етмаганлар учун тайинладиган озодликдан маҳрум қилишнинг муддатлари ЖК нинг 82-моддасида анча қисқартириб берилган. Масалан, ЖК Махсус қисмининг моддалари санкциясида энг оғир жазо сифатида 3 йилдан 5 йилгача муддат назарда тутилган бўлса, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган. ЖКнинг 85-моддасида жиноят содир қилиш пайтида ўн олти ёшга етмаган шахсларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинладиган озодликдан маҳрум қилишнинг максимал муддати уч йилгача белгиланган. Ваҳоланки, ЖК 15-моддасида қонунда қасддан қилинган жиноят учун энг оғир жазо сифатида уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган.

ЖК 85-моддасининг 3-қисмида эса вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди, дейилади. ЖК 15,50,85-моддалари мазмунини таҳлил қилиб, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар ҳам уларнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида назарда тутилган жазо тури ва озодликдан маҳрум қилишнинг муддатига қараб ЖК 15-моддасида белгиланган қоидалар асосида таснифланади.

а) жиноятларни объектига қараб таснифлаш

ЎзР ЖКнинг 15-моддасида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб таснифлаш назарда тутилган бўлиб, ижтимоий хавфлиликини иккита мезон билан белгилаш мумкин. Булар: 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги; 2) қилмишнинг ижтимоий хавфлилики даражаси.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноятнинг сифат кўрсаткичи бўлиб, сифат кўрсаткичлари орқали жиноятларнинг қайси бири оғир ёки қайси бири енгилроқ эканлигини ҳал қилиб бўлмайди. Бу муаммо жиноятнинг миқдор кўрсаткичи орқали, яъни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш орқали ҳал қилинади. Корнеева А.В жиноятнинг миқдор кўрсаткичларини аниқлашда унинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи мезонлар, яъни бир қатор омиллар аниқланиши керак, бундай омилларга; етказилган зарарнинг оғирлиги, тажовузнинг ўзига хос хусусиятлари (жиноятнинг охирига етказилган ёки етказилмаганлиги, бир киши ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, ёки иштирокчиликда содир этилганлиги, жиноят содир қилиш усули ва ҳоказолар), айбнинг хусусияти, жиноят субъектининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳоказолар ҳисобга олинади, деб ёзади.¹ Бу борада унинг фикрига тўла қўшилаемиз. Масалан, ўғрилиқ жиноятига нисбатан талончиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқдир. Ёки ўғрилиқни хавфли рецидивист томонидан содир этилиши ижтимоий хавфлироқдир.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ЖК Махсус қисми моддаларининг санкциясидаги жазо тури ва миқдорида ўз ифодасини топади. Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш учун Махсус қисми моддаларидаги санкциялар солиштирилади. Моддаларнинг санкцияларида жазо оғирлашиб борган сари уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ошиб боради. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси хусусиятларига кўра бир хил бўлган жиноятларни бир-биридан фарқини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Аммо жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларни бўлим ва бобларга ажратиб муайян тизимда жойлаштириш имконини бермайди. Масалан, қасддан баданга шикаст етказганлиги учун ЖКнинг 109-моддасида жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бу модданинг 1-қисмида энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёки уч ойгача қамоқ назарда тутилган бўлса, босқинчилик учун ЖК 164-моддасининг 1-қисмида беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Демак, ЖК Махсус қисми моддаларини бўлим ва бобларга қараб муайян тизимда

¹ Корнеева А.В. Понятие и признаки преступления. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть.-М; “Юристъ”, 2001, с. 152.

жойлаштириш жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, яъни миқдор кўрсаткичлари орқали ҳал қилиб бўлмайди.

Юқорида жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг сифат кўрсаткичи, дедик. Ижтимоий хавфлилиги ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ёки зарар етказиш хавфи остида қолдирувчи қилмишдир. Ижтимоий хавфли қилмиш қонун билан кўриқланадиган қайси ижтимоий муносабатга тажовуз қилган? Тажовуз қилинган объектнинг жамият учун ўрни ва аҳамияти қандай? Демак, жиноятнинг сифат кўрсаткичи, унинг объектида мужассамлашган.

Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти ҳисобланади¹.

Бу тушунча жиноятнинг умумий объектнинг тушунчаси бўлиб, бу тушунча орқали ҳам жиноятнинг бўлим ва бобларга ажратиб таснифлаш имконини бермайди.

ЎЗР ЖКнинг 2-моддасида жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар берилган бўлиб, булар: шахс, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги ва ижтимоий муносабатларнинг рўйхатини беради. Ушбу моддада қонун чиқарувчи орган ижтимоий муносабатларни санаб кўрсатар экан, шу ижтимоий муносабатларнинг жамиятдаги аҳамиятга қараб баён қилган. Ушбу рўйхатни кўрар эканмиз, унинг бошида шахс турибди.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларидаги жиноятларни объектга қараб таснифлаш усулидан фойдаланиш энг қулай ва мақсадга мувофиқдир. Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг объекти уч турга бўлиб таснифланган, булар: умумий объект; махсус объект ва бевосита объектдир. Жиноятнинг объектига тегишли масалалар жиноятнинг объектини ўрганишда таҳлил қилинади. Биз фақат объектнинг ЖК Махсус қисми моддаларини таснифлашдаги аҳамиятига диққатни қаратмоқчимиз, холос.

Жиноятнинг умумий объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир. Жиноят кодексининг барча моддалари йиғиндиси билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг умумий объектини ташкил қилар экан, ана шу жиноятларнинг муайян тизимда таснифлаб жойлаштириш учун умумий объектга кирувчи барча жиноятларнинг бир-бирига объекти жиҳатидан ўхшаш жиноятлар ажратиб олинади. Бунда

¹ Расулов О. Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1969, 100-бет.

объекти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган жиноятлар гуруҳини махсус объект деб аталади. Махсус объект жиноят қонуни билан қўриқланадиган ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва ўхшаш ижтимоий муносабатлар бўлиб, ЖК Махсус қисми моддаларидаги барча жиноятлар объекти жиҳатидан ўхшашлари ажратиб олиниб, сўнг муайян жиноятлар гуруҳига киритилади. Шундай қилиб, умумий объект доирасида объекти жиҳатидан ўхшаш бўлган жиноятлар махсус объектли жиноятлар гуруҳига киритилади. Махсус объектдаги жиноятлардан алоҳида ижтимоий муносабатлар, яъни ЖК Махсус қисмининг алоҳида моддалари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ажратиб олинади ва буни жиноят ҳуқуқида бевосита объект деб айтилади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми бўлимларини жойлаштириш тизимини таҳлил қилиб кўрилса, барча жиноятлар умумий объект доирасида махсус объектларга ажратилганини, махсус объектлар доирасида бевосита объектлар ажратиб олиниб Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари муайян тизимда жойлаштирилганлигини кўрамиз.

Амалдаги Жиноят кодексиди ҳар бир бўлимни муайян тартибда жойлаштиришда қандай мезон ҳисобга олинган?. Нима сабабдан ЖК Махсус қисмининг биринчи бобига давлатга қарши жиноятлар ёки жамият хавфсизлигининг асосларига қарши жиноятлар эмас, балки алоҳида шахсларга қарши қаратилган жиноятлар Махсус қисмининг биринчи бўлимига кўйилган. Юқорида баён қилганимиздек, ижтимоий хавфлилик жиноятнинг сифат кўрсаткичи бўлиб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг қайси бири аҳамиятлироқ. Бу масала аввало давлатнинг Конституциясида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон — суверен демократик Республика эканлиги таъкидланади. Конституциянинг 13-моддасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилади. Шундай экан, ҳуқуқий демократик тузумга асосланган давлатда инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланиб, бу ижтимоий муносабатлар энг аҳамиятли ижтимоий муносабат ҳисобланади. Жиноят қонуни ўзининг бошланғич асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан олар экан, шунга мувофиқ равишда инсон ҳаёти,

соғлиғи, кадр-қиммати ва эркинликларини энг аҳамиятли ижтимоий муносабат деб ҳисоблаб, бу ижтимоий муносабатларга тажовуз қилганлик учун жавобгарликни белгиловчи институт ва нормалар биринчи бўлимда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлимда назарда тутилган ижтимоий муносабатлар шу бўлим доирасида яна бобларга ажратилиб, ана шу боблар ҳам жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти жиҳатидан муайян кетма-кетлик принципига риоя қилинган тизимда жойлаштирилган.

Масалан, ЖК Махсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятлар жойлаштирилган бўлиб, шу бўлим доирасида ҳаётга қарши жиноятлар (1-боб); соғлиққа қарши жиноятлар (2-боб); соғлиқ ёки ҳаёт учун хавfli бўлган жиноятлар (3-боб); жинсий эркинликка қарши жиноятлар (4-боб); оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар (5-боб); шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар (6-боб); фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар (7-боб).

Худди шундай тахлитда бошқа бўлимлар ҳам таснифланган. Жумладан, Кодекс Махсус қисмининг иккинчи бўлими тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар бўлиб, бу бўлим икки бобга бўлиниб, аввал тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, ундан кейин Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар жойлаштирилган. Демак, бу бўлимда Ўзбекистон Республикасига нисбатан умуминсоний ижтимоий муносабатлар ҳисобланган тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги муҳимроқ, деб ҳисобланган.

Жиноят кодекси алоҳида моддаси билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар бевосита объект ҳисобланиб, махсус объекти бўйича муайян бобга киритилган жиноят, алоҳида модда билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатнинг аҳамияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб моддаларни муайян тизимда жойлаштиришдан иборатдир.

Агар ЖК Махсус қисми бўлим ва боблар кетма-кетлик тизимида жойлаштиришда тажовуз объектининг аҳамияти асосий мезон сифатида олинган бўлса, муайян боблардаги алоҳида моддалар билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларни муайян тартибда кетма-кет жойлаштиришда фақат алоҳида модда билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатнинг ўзигина эмас, балки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам ҳисобга олинган. Масалан, соғлиққа қарши жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи

моддаларнинг биринчиси баданга оғир шикаст етказиш (104-модда); ундан кейин қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда); ундан кейин эса кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-модда) ва ҳоказо шундай тахлитда жойлаштирилган.

Айрим бобларда эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги эмас, балки қонун чиқарувчи органнинг иродасига боғлиқ ҳолда моддалар жойлаштирилган. Масалан, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар бобида биринчи ўринга урушни тарғиб қилиш учун (150-модда) жавобгарлик белгиланиб, унинг санкциясида энг оғир жазо сифатида беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш, ундан кейин ўта оғир жиноят ҳисобланиб, ўлим жазоси назарда тутилган агрессия учун 151-моддада жавобгарлик белгиланган. 155-моддада (терроризм) ҳам умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлса ушбу бобнинг охиридаги 156-моддада (миллий, ирқий ёки диний адоват кўзғатиш) эса беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Демак, бу бобдаги жиноятларни таснифлаш мезони сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларидаги таснифлаш қоидаларига амал қилинган.

ЎзР ЖК нинг 2-моддасида қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг намунавий рўйхати берилиб, ана шу рўйхатнинг охирида тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар берилган. Бизнинг назаримизда, ЖК Умумий қисмидаги объектлар тартиби Махсус қисми бўлимларини жойлаштириш тартибига мос бўлиш керак.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддалари икки ёки ундан ортиқ объектли жиноятлар бўлиб, бунда ўша жиноятни Махсус қисмининг у ёки бу бобига киритишда қандай мезонга асосланиш керак? Масалан, босқинчилик жиноятида, ҳам ўзганинг мулкига, ҳам шахснинг соғлиғига тажовуз қилинади. Ушбу модданинг 3-қисми «г» бандида босқинчилик баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилса, дейилади. Демак босқинчилик туфайли баданга оғир шикаст етказилган тақдирда жиноятлар жами тариқасида эмас, балки босқинчилик деб квалификация қилинади. Баданга оғир шикаст етказишни ҳам босқинчилик қоплаб кетаверади. Бундай таркибли жиноятлар ЖК да анчагинани ташкил қилади. Ана шундай жиноятларни ЖК нинг қайси бобига киритиш лозимлиги муаммоси пайдо бўлади. Бу борада олимлар ҳам турли фикрлар билдирганлар. Жумладан Й.М.Каракетов босқинчиликнинг бевосита

объекти, энг аввало, шахс, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғидир, деб ёзади. Чунки босқинчилик жиноятида шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган тажовуз қилишнинг ўзи билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Шунинг учун босқинчилик жиноятини шахсга қарши жиноятлар бобига ўтказиш кераклигини таклиф қилади.¹ Аммо қонун чиқарувчи орган бу жиноятни мулкый жиноятлар туркумига киритган. Бизнинг фикримизча, босқинчилик жинояти, энг аввало, мулкый жиноят. Бу жиноятда шахснинг ҳаёти ва соғлиғи мулкка нисбатан муҳим бўлсада, жиноятчи биринчи навбатда ўзганинг мулкани эгаллаш мақсадида ҳужум қилади. Аммо мулкка эга бўлиш учун унинг эгасини қаршилигини бартараф қилиш керак бўлади. Шунга кўра босқинчилик жиноятини мулкый жиноятлар гуруҳига киритилиб тўғри қилинган.

Ана шу юқорида баён қилинганларга асосланиб айтишимиз мумкинки, ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларни таснифлаш масаласи асосан жиноятнинг махсус ва бевосита объектларига кўра ҳал қилинган.

б) жиноятларни ижтимоий хавfliлик даражасига кўра таснифлаш

Юқорида баён қилганимиздек, ЖК 15-моддасидаги жиноятларни таснифлашнинг ижтимоий хавfliлик даражаси олинган. Ижтимоий хавfliлик даражаси жиноятнинг миқдор кўрсаткичлари бўлиб, жиноятни ижтимоий хавfliлик даражасини оширувчи бир қанча омиллар борки, бу омилларга жиноят натижасида етказилган зарарнинг миқдори тажовузнинг хусусиятлари, айбнинг хусусияти, жиноят содир қилган субъектнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳоказолардир.

ЎзР ЖК 15-моддасига кўра ЖК Махсус қисмидаги барча жиноятлар ижтимоий хавfliлигига кўра тўртта туркумга бўлиниб, булар:

ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятлар;
унча оғир бўлмаган жиноятлар, оғир жиноятлар; ўта оғир жиноятлар.

Қуйида уларга алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

а) ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятлар

¹ Каракетов Й.М. Ответственность за разбой по уголовному законодательству Узбекиской ССР. Нукус, Каракалпакистан. 1990 г. 14-бет.

ЎзР ЖК 15-моддасининг 2-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми берилган бўлиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги олтинчи сессиясида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига бир қанча қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган эди. Ана шундай қўшимча ва ўзгартиришлардан бири ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар доирасини кенгайтиришдан иборат бўлган қўшимча ва ўзгартиришлардир.

15-моддага киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни ҳисобга олиб, бу модданинг 2-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг доираси белгиланади. Бу ерда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради, дейилади. Бунда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумини ифодалашда фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси олинмоқда холос. Ваҳоланки Жиноят кодексига фақат озодликдан маҳрум қилишнинг ўзи эмас, балки бошқа бир қанча жазолар ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўплаб моддалари санкциясида озодликдан маҳрум қилиш умуман назарда тутилмаган. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар назарда тутилган жиноятларни қайси туркумдаги жиноятларга киритиш керак деган ҳақли савол туғилади. Чунки умумий қоидага кўра қонунда йўқ нормани амалда қўллаш мумкин эмас.

Бизнинг назаримизда, ЖК 15-моддасини 2-қисми қайтадан қабул қилиниб, қуйидаги таҳрирда баён қилиниши керак:

«Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган, шунингдек, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, эҳтиётсизлик

оқибатида содир этилиб қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради» деб берилиши керак. Ана шу юқорида баён қилинганларга кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга:

1) Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормаси санкциясида озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазолар назарда тутилган жиноятлар;

2) қасддан содир этилиб, қонунда, яъни Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар;

3) эҳтиётсизликдан содир этилиб, Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг асосий кўпчилик нормаларида альтернатив жазолар назарда тутилган. Масалан, ЎзР ЖК 168-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган фирибгарликни содир қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Бу санкцияда жазонинг энг енгили жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари, энг оғири озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилиб, жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ҳисобланса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар эса унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Бундай ҳолатда шундай савол туғилади: агар санкцияда назарда тутилган альтернатив жазоларнинг энг енгили ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят туркумида, энг оғири унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумида бўлса, бундай жиноятлар жиноятлар таснифининг қайси туркумига киради? Бизнинг назаримизда ҳам жиноятларни у ёки бу туркумига киритишда қонуннинг мазмуни ва амалда қўлланиш амалиётига кўра ҳам санкцияда кўрсатилган альтернатив жазоларнинг энг оғири ҳисобланиб, муайян туркумга киритилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг жиноят ҳуқуқидаги аҳамияти нимада? Унинг ижтимоий аҳамиятини қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

1) Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001йил 29 августда бўлиб ўтган олтинчи сессиясида қабул қилинган суд-ҳуқуқи тизимини либераллаштириш талабларига тўла мувофиқ

келади ва қонунларнинг инсонпар-варлик принципларини амалга оширишнинг муҳим шартини бўлиб хизмат қилади;

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ЖК 66, 66¹-моддаларини қўлланган ҳолда жавобгарликдан озод қилишни қўллаш;

3) ЎзР ЖК 71-моддасини қўлланган ҳолда жазодан озод қилиш;

4) ЎзР ЖК 72-моддасини қўлланган ҳолда шартли ҳукм қилинишини қўллаш;

5) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазонинг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин ЎзР ЖК 73-моддасини қўллаб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш;

6) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин ЖК 74-моддасининг қоидаларини қўллаб жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;

7) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, жазони манзил колониясида ўташни (ЎзР ЖК нинг 50-моддаси) белгилаш;

8) вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди;

9) келтирилган зарарни қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди;

10) шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа имтиёзлар қўлланиши мумкин.

ЎзР ЖК Махсус қисми моддаларини ўрганиб чиқилса, ундаги моддаларнинг ёки муайян модданинг тегишли қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар деб ҳисобланган нормага эга бўлган моддалар 135 дан кўпроқдир. Демак, ЎзР ЖК Махсус қисми моддаларининг тахминан 44 фоиз моддаси ёки моддасидаги муайян норма ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Бу рақамлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодекси том маънода инсонпарвар қонун ҳисобланишидан далолат беради. Иккинчи томондан эса бундай ҳолат ҳар бир жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жавобгарликни ва жазони индивидуаллаштириш имконини беради. Яна бир энг муҳим жиҳати жиноий жазога ҳукм қилинаётган шахсларга асоссиз равишда

озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга имконият қолдирмайди.

б) унча оғир бўлмаган жиноятлар

ЎзР ЖК 15-моддасининг 3-қисмида унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига қандай жиноятлар кириши баён қилинган бўлиб, унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар кириди.

Унча оғир бўлмаган жиноятларнинг ушбу тушунчаси иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган олтинчи сессиясида қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунда берилди. Ушбу қонун қабул қилингунча унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар кирган эди.

Унча оғир бўлмаган жиноятлар тушунчасининг 1994 йил 22 сентябрдаги таҳриридан 2001 йил 29 август қонуни таҳрирининг фарқи нимада?

Уларнинг фарқи қуйидагиларда ифодаланади:

1) унча оғир бўлмаган жиноятларнинг олдинги таҳририда қасддан қилинадиган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати қонунда беш йилгача белгиланган жиноятлар киритилган бўлса, янги қонунда қасддан қилинадиган жиноят учун қонунда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати уч йил белгиланган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига ўтиб кетганлиги муносабати билан қонунда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати уч йилдан беш йилгача белгиланган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилди.

ЎзР ЖК 15-моддаси 3-қисмининг олдинги таҳририда эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш жазоси

назарда тутилган жиноятлар киритилган бўлса, янги қонун бўйича эса эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати беш йилгача белгиланган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириб кетганлиги муносабати билан эҳтиётсизлик орқасида содир қилинадиган жиноятлар учун беш йилдан ортиқ муддат белгиланган барча жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилди. Демак, олдинги қонунда эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар учун муддатидан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлса, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган эди. Бунда озодликдан маҳрум қилишнинг қонунда бир йил ёки ўн йил белгиланганлигидан қатъи назар, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кирган бўлса, янги қонунда беш йилгача муддат белгиланган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга, беш йилдан ортиқ муддат белгиланган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириб кетди.

Маълумки, озодликдан маҳрум қилишнинг муддати йиллар ва кунлар билан ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари санкцияларида аниқ йиллар белгиланади. Агар Махсус қисми моддалари санкциясида уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади дейилган бўлса, бундай жиноятнинг унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши ҳақида низоли фикрлар йўқ. Аммо ЖК Махсус қисми моддасининг санкциясида озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам миқдори кўрсатилмай, фақат энг кўп қисми кўрсатилган бўлса, бу жиноятни қайси туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритиш керак? Масалан, 110-моддасининг (қийнаш) иккинчи қисми санкциясида бошқа жазолар билан бир қаторда альтернатив жазо сифатида беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади дейилади, худди шундай санкция 158-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш) ва бошқа моддаларда назарда тутилган. Бундай санкциялардаги альтернатив жазоларнинг озодликдан маҳрум қилишдан бошқа барчаси ҳамда санкцияда белгиланган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам қисми белгиланмаганлиги туфайли уларни қайси туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритиш керак, деган савол туғилади. Бундан олдинги параграфда айтганимиздек, бундай санкцияли жиноятларни қайси туркумига киритиш масаласини ҳал қилишда ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган альтернатив жазоларнинг энг оғиридан, энг оғир жазо сифатида озодликдан

махрум қилиш ҳам назарда тутилган бўлса, унинг қонунда кўрсатилган энг кўп қисмидан келиб чиққан ҳолда жиноятлар туркумининг у ёки бу гуруҳига киритиш керак.

Мамлакатимизда 2000 йили июн ойида қабул қилинган, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури асосида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришни амалга оширилаётганлиги жамиятда демократик тамойилларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлди. Жиноят кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар озодликдан маҳрум қилишни тайинлашни чеклади.

Бизнинг назаримизда, айрим ҳолларда бунга жамиятда объектив шароитни яратмай туриб, жиноятчиликни касб қилиб олган шахсларга нисбатан содир қилган жиноятига яраша мусибат келтирмаслик, яъни жиноятга яраша жазосини олмаслик, жиноят содир қилган шахсни тавба қилиши ўрнига, қонунда белгиланган бундай имтиёزلардан имкони борича ўзининг шахсий манфаатлари учун фойдаланиб қолиш ҳиссини уйғотади.

ЎЗР ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг 75 фоизидан кўпроғини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилганлигига эътибор берадиган бўлсак, айрим ҳолларда жиноят содир қилишда айбланаётган шахслар етарли даражада айбига яраша жазоланмаётганлигини кўрамиз. Бу суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни тўла маъқуллаган ҳолда жиноят содир қилишни ўзининг фаолиятига айлантириб олган ёки жиноят натижасида олинган жиноий даромадни асосий яшаш манбаига айлантириб олган шахсларни жиноий фаолиятини давом эттира олмайдиган шароитга солиб қўйиш керак.

Ҳозирги кунда ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товлама-чилик, фирибгарлик жиноятларини кўпроқ аҳолининг ишсиз бўлган қисми таркибидан содир қилмоқдалар. Бундан ташқари, амнистия акти ёки бошқа асосларга кўра жазодан озод қилинаётганларнинг миқдори анча юқори. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам иш билан таъминлашнинг иложи йўқ. Бизнинг назаримизда, жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларни жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш масаласи ҳал қилинаётган вақтда уларни иш билан таъминлаш имкониятлари кўриб чиқилиши керак.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди томонидан 2002 йил 6 март куни Қурбонов Р.нинг жиноят иши кўрилиб, тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллиги муносабати билан чиқарилган амнистия акти билан у жазодан озод қилинган. Қурбонов Р. олдин етти марта ўғрилик ва бошқа жиноятлари учун ҳукм қилинган. Унга нисбатан олдин икки марта амнистия акти қўлланилган, бир марта озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган, бир марта муддатида илгари шартли озод қилинган. 2001 йил 14 декабр куни яна янги ЎзР ЖК 169-моддаси иккинчи қисми «а» бандида назарда тутилган (жабрланувчининг кийими, сумкаси, ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан кассавурлик қилиш) жиноятни содир қилган. Суд унга нисбатан ЎзР ЖК 169-моддасининг 2-қисми билан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган.

Ёки бошқа бир мисол. Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятида туғилган Қирғизистон фуқароси Дехқонов И. 2002 йил 19 март куни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман суди томонидан 169-моддасининг учинчи қисми билан ҳукм қилинган. У муқаддам содир қилган ўғрилик жинояти учун (барча жиноятлари 169-модданинг 3-қисми) уч марта ҳукм қилинган. Унга нисбатан икки марта амнистия акти қўлланиб жазодан озод қилинган. 2002 йил 15 феврал куни у яна 169-модданинг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган. Юқорида қайд қилинган амнистия актининг мазмунига кўра, унга яна амнистия акти қўлланилиши мумкин. Дехқонов олдинги жиноятлари учун Чилонзор суди томонидан, охириги жинояти учун эса Шайхонтоҳур туман суди томонидан ҳукм қилинган.

Бу борада мисолларни кўп келтириш мумкин.

ЎзР ЖК 15-моддаси мазмунига кўра Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида жиноятлар объектига кўра таснифланганда объектларнинг аҳамиятига қараб муайян тартибда жойлаштирилган бўлса, ҳар бир бобдаги моддалар ва ҳар бир модданинг қисмлари ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифланган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим масалаларини таҳлил қилиш, бир-бирига солиштириш орқали шундай ҳолат аниқланадики, худди шундай жиноятни такроран, хавфли ёки ўта хавфли рецидивистлар томонидан қилинганлиги учун муайян модданинг битта қисмида жавобгарлик назарда тутилган.

Янги жиноятларни таснифлаш нуқтаи назардан баҳоланганда муайян жиноятни такроран қилганлик, хавфли рецидивист томонидан ва ўта хавфли рецидивист томонидан қилинган жиноятлар битта туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритилган.

Бунга мисол тариқасида ЎзР ЖК 105-моддасида назарда тутилган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини келтириш мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмининг «к» бандига бу жиноятни такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 104-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахс ёхуд 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахс томонидан баданга ўртача оғир шикаст етказиш учун, шу қисмнинг «е» бандида эса баданга қасддан ўртача оғир шикаст етказишни ўта хавфли рецидивист томонидан содир қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Шу қисмнинг санкциясида эса уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Демак, бу жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган.

Бизнинг назаримизда, шу жиноятни такроран, хавфли рецидивист ёки олдин қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда), ёки қасддан одам ўлдириш (97-модда) жиноятини содир қилган шахслар томонидан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишни, шунингдек, ўта хавфли рецидивистлар томонидан содир этилганликни битта туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритиш маълум даражада адолат принципларига тўғри келмайди. Чунки ҳали судланмаган шахсни хавфли ёки ўта хавфли рецидивист билан бир қаторга қўйиш, хавфли рецидивистни ўта хавфли рецидивист билан бир қаторга қўйиш тўғри бўлмайди.

ЎзР ЖК 34-моддасининг мазмунига кўра олдин ЖК 105-моддаси билан иштирокчи сифатида қатнашганлиги учун ҳукм қилиниб, яна 105-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилган тақдирда хавфли рецидивист деб квалификация қилинмоқда. Бундан ташқари, ЖК 34-моддасининг 2-қисми мазмунига кўра 14 ёшдан ошган вояга етмаганлар ҳам хавфли рецидивист бўлишлари мумкинлиги ҳолатини ЖК нинг 104-моддасида ҳам кўриш мумкин.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддаларида, ўша модданинг битта қисмида одамлар ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, жавобгарлик битта қисмда назарда тутилиб олдин одамлар ўлимига, ундан кейин эса бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса дейилади.

«Одамлар ўлимига сабаб бўлса», дейилгани аниқ ва тушунарли, бунда камида иккита одамнинг ҳалок бўлиши назарда тутилади.

Бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, деганда қандай оқибатни тушуниш керак?

Бошқа оғир оқибатлар тушунчаси на ЖК даги атамаларнинг ҳуқуқий маъносида, на бирор моддада берилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига шарҳлар муаллифларнинг ёзишларига кўра бошқа оғир оқибатлар деганда икки ва ундан ортиқ киши баданига оғир шикаст етказилиши назарда тутилади¹.

Кўпчилик муаллифлар бошқа оғир оқибатлар деганда худди шундай тушунчани баён қиладилар. Жумладан проф. М.Х. Рустамбоев ЎЗР ЖК 16-моддаси 4-қисмининг «б» бандида назарда тутилган бошқа оғир оқибатлар деганда икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига оғир шикаст етказилиш тушунилиши кераклиги тўғрисида ёзади².

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг олимлари бошқа оғир оқибатлар юзасидан худди шундай фикрни билдирганлар. А.И. Рарог мулкни қасддан нобуд ёки унга зарар етказиш натижасида бошқа оғир оқибатлар келиб чиқиши деганда одамлар соғлиғига зарар етказиш, уларнинг заҳарланиши, касалланиши, шунингдек, иқтисодий хусусиятдаги оқибатлар-ўта қимматли мулкнинг нобуд бўлиши, корхоналар ишининг тўхтаб қолиши, кўп миқдордаги мулкий санкцияга сабаб бўлувчи шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмай қолиши ва ҳоказолар деб ҳисоблайди³.

Маълумки, ЎЗР ЖК Махсус қисмининг қисмларига бўлинган моддаларида муайян модданинг ҳар бир қисми ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилигига қараб жойлаштирилган (айрим моддалар бундай қоидадан мустасно. Масалан, 158-модда Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш ва бошқа моддалар). Муайян модданинг биринчи қисмида ўша жиноятнинг оддий тури, иккинчи қисмида мураккаб турлари, учинчи қисмида эса жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлари учун жавобгарлик

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Т.:Адолат,1997, 153-бет.

² Рустамбоев М.Х. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть –Т.: Мир экономики и права, 2002,94-бет

³ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М: Норма-Инфра, М. 2001. стр 385.

белгиланган (масалан, 164-модда). Ҳатто Махсус қисми моддасининг битта қисмидаги бандлари ҳам хавфлилик хусусиятлари ҳисобга олиниб жойлаштирилган (масалан, 104-модда 3-қисмининг бандлари).

Бизнинг фикримизча, «одамлар ўлимига сабаб бўлса» деган банддан кейинги бандда қўйилган бошқача оғир оқибатлар деганда камида иккита одам ҳалок бўлганлиги назарда тутилади. Бошқа оғир оқибатлар одамлар ўлимига сабаб бўлса, деган банддан кейин жойлаштирилганлиги сабабли, бизнинг фикримизча, бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, деганда камида бир киши ҳалок бўлган ва камида икки кишининг баданига оғир шикаст етказилиши тушунилиши керак. Чунки икки кишининг баданига оғир шикаст етказишни камида икки кишининг ўлимига сабаб бўлган жиноятларни бир туркумда таснифлаш адолатдан бўлмайди.

Муайян туркумларга ажратилиб таснифланган жиноятлар таснифи тизимида унча оғир бўлмаган жиноятларнинг аҳамияти нимада? Ушбу параграфдан олдинги параграфда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумидаги жиноятлар учун Жиноят кодексида белгиланган имтиёзларни қўллаш мумкинлигининг шартлари баён қилинди. Улар бевосита унча оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳам тааллуқлидир. Жиноят кодексининг бир қанча моддаларида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир қилинган бўлса жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мумкинлиги ёки қонунда назарда тутилган бошқа имтиёзларни қўллаш мумкинлиги кўрсатилган. Жумладан ЎзР ЖК нинг 66-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс агар жиноят содир қилгандан кейин жиноят туфайли келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган. Худди шундай қоида ЎзР ЖК нинг 71-моддасида (айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш) ҳам назарда тутилган.

Шартли ҳукм қилишни ҳам ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят содир қилган шахсларгагина қўлланиши мумкин. Шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг

камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин шахс жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин.

ЎзР ЖКнинг 74-моддасида белгиланганига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин, жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

ЎзР ЖК 31 ва 241-моддаларнинг мазмунига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этилаётганлиги ёки содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаслик, шунингдек, жиноятни, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик ЎзР ЖК 241-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил қилмайди.

Юқорида баён қилинганлардан ташқари унча оғир бўлмаган жиноят учун биринчи марта муайян турдаги жазога ҳукм қилинганларга нисбатан мамлакатимиздаги муҳим воқеа ва саналар муносабати билан чиқарилаётган амнистия актлари қўлламоқдалар.

ЎзР 66-¹моддасида ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган бўлиб, ярашиш мумкин бўлган жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган. Бу жиноятларнинг ҳаммаси ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун қонунда ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг назарда тутилганлиги бу институтни суд амалиётида кенг қўллаш имкониятини бермоқда. Ҳозирги кунда судлар келишилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни кенг қўлламоқдалар.

Юридик адабиётларда қонун бўйича муайян туркумга кирувчи жиноятни суд иш ҳолатларига қараб бир поғона пастроқ туркумга киритиши мумкин деган фикрлар ҳам мавжуд. Жумладан, Загородников Н.И. суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, бир поғона пастга тушириш (енгиллаштирувчи томонга — шарҳ муаллифники) мумкин. Бундай қарор жиноят содир этилишининг шароит ва вазиятларини баҳолаш орқали, масалан, бир неча енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги, айбдор шахсининг алоҳида белгилари, келтирилган

зарарнинг ўз ихтиёри билан бартараф қилганлиги, ўз айбини бўйнига олиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келганлиги ва ҳоказоларни асос қилиб олиши мумкин, деб ёзади.

У ўз фикрини давом эттириб, «Бундай ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўллаш мумкин бўлмаган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг қонунда назарда тутилган турларидан бирини қўллаш мумкин бўлади», — деган деб ёзади¹.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят қонунида бундай қоида назарда тутилмаган. Жиноятни таснифлашнинг муайян туркумига киритиш масаласи фақат Жиноят кодексининг 15-моддасида белгиланган қоидаларга асосланилади.

«Унча оғир бўлмаган жиноят оғир жиноятга нисбатан ижтимоий хавфлилиги камроқ эканлиги билан ифодаланади, бунда фақат етказилган зарарнинг миқдоридагина эмас, балки етказилиши мумкин бўлган зарарнинг миқдори айбнинг шакли ва жазонинг қонунда белгиланган миқдори ҳисобга олинади», — деб ёзади Загородников Н.И.²

ЎзР ЖК 15-моддасининг учинчи қисмида эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятларга киритилган. Бунда жиноят натижасида келтирилган зарарнинг миқдори, айбдорнинг шахсини ифодаловчи хусусиятларни ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олиб, суд ўша жиноятни бошқа туркумга ўтказа олмайди.

Чунки қонун чиқарувчи орган муайян жиноятни жиноятлар таснифининг у ёки бу туркумига киритишда ва ўша жиноят учун жазо тури ва муддатини ҳисобга олиб санкция белгилашда уларни эътиборга олган.

в) оғир жиноятлар

ЎзР ЖКнинг 15-моддаси тўртинчи қисмига биноан оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

¹ Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования. М. Наука, 1987, 54-бет.

² Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования. М. Наука, 1987, 62-бет.

Ушбу тушунчадан кўриниб турибдики, жиноятни оғир жиноятлар туркумига киритиш учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

1) жиноят қасдан содир этилганлиги;

2) бундай жиноят учун қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлиши керак.

Жиноятни оғир жиноятлар туркумига киритишда асосан муайян жиноят учун жавобгарликни белгиловчи модда санкциясида кўрсатилган жазо муддати асосий мезон сифатида олинган. Қонун чиқарувчи орган, жиноят натижасида келтирилган зарарнинг хусусияти, жиноят содир қилиш усули, жиноятни фақат қасд шаклидаги айб орқали содир этилишини жиноятнинг ғараз ёки бошқача паст ниятларда содир этилганлиги, тажовуз қаратилган объектнинг аҳамиятини, айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олган.

Жиноят натижасида келтирилган зарарнинг миқдорини ҳисобга олиб, оғир жиноятлар туркумига киритишда баданга етказилган шикастнинг оғирлиги, талон-торож қилинган мулкнинг ёки жиноят натижасида нобуд қилинган мулкнинг миқдори, жиноят натижасида давлатга корхона, муассасага, жисмоний шахсларга етказилган зиённинг миқдори ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда муайян норма санкциясида жазо муддати белгиланган. Масалан, товламачилик йўли билан ўзганинг мулкни кўп миқдорда талон-торож қилганлик учун 165-модданинг 2-қисмида беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Бу нормада талон-торож қилинган мулкнинг миқдори кўп миқдорини ташкил этиши уни оғир жиноятлар туркумига киритиш учун асос бўлган. Кўп миқдор эса ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида кўрсатилган бўлиб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордир. Демак, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш жиноятларида жиноятни оғир жиноятлар туркумига киритишда фақат талон-торож қилганлик мулкнинг кўп миқдорда эканлигининг ўзигина эмас, балки талон-торож қилиш усули ҳам ҳисобга олинган. Масалан, босқинчилик йўли билан ўзганинг мулкни кўп миқдорда талон-торож қилганлик учун ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутилиб, ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлса, товламачиликда шунча миқдордаги мулкни талон-торож қилишни оғир жиноятлар туркумига киритилган. Талончиликда ҳам шу миқдор оғир жиноятлар туркумига

киритишга асос бўлган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан мулкни кўп миқдорда талон-торож қилиш, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган. Мулкний зарар етказиш жиноятларида эса кўп миқдорда зарар етказиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритишнинг асосий мезони сифатида олинган. Шунингдек, жиноий йўл билан топилган мулкни кўп миқдорда олиш ёки ўтказиш жинояти ҳам ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритиш мезонларидан бири сифатида олинган.

Демак, жиноятни оғир жиноят деб ҳисоблаш мезони сифатида фақат кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилишнинг ўзигина бўлмасдан, жиноят содир қилиш усули ҳам ҳисобга олинган.

Шахснинг соғлиғига қарши жиноятларда ҳам қилмишни оғир жиноят деб ҳисоблашнинг мезони сифатида фақатгина баданга етказилган шикастнинг оғирлигидан ташқари баданга шикаст етказишнинг усули ҳам олинган. Масалан, ўта шафқатсизлик билан баданга ўртача оғир шикаст етказганлик (ЎзР ЖК 105-моддасининг 2-қисми “г” банди) унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган бўлса, баданга оғир шикаст етказиш ўта шафқатсизлик билан содир этилган бўлса, оғир жиноятлар туркумига киритилган.

Айбдорнинг шахсини ҳисобга олиб жиноятни оғир жиноятлар туркумига киритиш ЖК Махсус қисмининг кўплаб моддаларида назарда тутилган. Масалан, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган бўлса, номусга тегиш (118-модда), жиноят ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб Ғайритабиий усулда қондириш жинояти ўта хавфли рецидивист томонидан содир этиш ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган. Демак, бу жиноят ўта хавфли рецидивист томонидан қилинса ўша жиноятнинг жамият учун хавфлилигига қараб таснифланганда ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги ижтимоий хавфлиликнинг миқдор кўрсаткичларини кўпайтиради ва натижада ижтимоий хавфлилик даражасини ошириб, жазо тури ва миқдорини кучайтиришга асос бўлади. Натижада айбдорнинг шахси, жиноятнинг такроран, хавфли рецидивист томонидан, ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги, жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, муайян вақт, шароитда содир этилганлиги (масалан, оммавий тартибсизликлар жараёнида бошқа бир жиноятни содир этиш, масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш ва ҳоказолар). Жабрланувчининг

ҳомиладорлиги, ожиз аҳволдалигини била туриб уларга нисбатан жиноят қилиш, жиноятни ғараз мақсадларда, адоват замирида, безорилик оқибатида, бошқа бир жиноятни яшириш мақсадида, ўз вазифаси ёки бурчини бажараётган шахсга нисбатан жиноят содир этиш ва ҳоказолар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи ҳолатлар ҳисобланади. Ҳатто жиноятни бегона шахсларга нисбатан содир этишга нисбатан яқин қариндошига нисбатан ўша жиноятни содир этиш ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи мезонлар ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш жинояти ўн саккиз ёшдан ошган бегона шахсга нисбатан содир этилса ЎзР ЖК 118-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиниб, қонунда уч йилдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган бўлса, ўша ёшдаги яқин қариндошига нисбатан содир этилса 118-моддасининг учинчи қисми билан квалификация қилинади ва бундай жиноят учун ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Ушбу келтирилган мисолнинг биринчи ҳолатида қилмиш оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлса, иккинчи ҳолатда эса ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган.

Бизнинг назаримизда, ЎзР ЖК нинг 118 ва 119-моддаларининг учинчи қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятларни яқин қариндошларга нисбатан содир қилиш, деб умумий тарзда белгилангани тўғри. ЎзР ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида берилган атамаларнинг ҳуқуқий маъносида яқин қариндошларга ота-она, ака-ука ва фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари кириши назарда тутилган.

Ҳақиқатдан ҳам яқин қариндошларга нисбатан 118-119-моддаларда назарда тутилган жиноятни содир қилиш нафақат қонунга хилоф, балки кўп асрлар мобайнида шаклланиб қолган қариндош-уруғчилик, урф-одат, ахлоқ ҳамда инсоний муносабатларнинг нормаларига хилофдир. Шунга кўра бундай жиноятни фақат қонуннинг ўзигина эмас, бутун жамият қоралайди ва бундай қилмишлар ўта уятсизлик, бутун қариндошчилик муносабатларини ўта оғир ҳақоратлаш бўлиб ҳисобланади.

Шунга кўра ЖК 118 ва 119-моддалари учинчи қисми «б» бандидаги жиноятларни оғир жиноятлар туркумига эмас, балки ўта оғир жиноятлар туркумига киритиб тўғри қилинган. Аммо бизнинг фикримизча, айнан ана шу моддаларда назарда тутилган яқин

қариндошларига эр ва хотин кирмаслиги керак. Чунки, айнан ана шу моддалардаги эр ва хотин ўртасидаги номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб Ҳозиртабийй усулда қондириш жамият томонидан бу жиноятни бошқа яқин қариндошларига нисбатан қаттиқ қораланмайди.

Амалдаги қонун мазмунига кўра умуман бегона аёлнинг номусига тегиш оғир жиноят ҳисобланса, ўз хотинининг номусига тегиш ўта оғир жиноят ҳисобланади, ваҳоланки, эр-хотин кўп йиллардан бери оилавий муносабатлар туфайли жинсий муносабатда бўлиб келганлар. Бизнинг фикримизча, эр ёки хотин 118 ёки 119-моддада назарда тутилган жиноятни бир-бирига нисбатан содир қилган тақдирда умумий асосларда жавобгарликка тортилишлари керак.

Суд амалиётида шундай жиноятлар учрайдики, тергов ҳужжатларида бунини аниқ айтилмаган ёки исбот қилинмаган бўлсада, айрим аёллар эридан қутилиш учун айнан шундай йўлни танлайдилар. Яъни аввал эрларига нисбатан шундай ҳаракатлар қилишга имкон берадилар. Шунга кўра ўзларига нисбатан шундай жиноят содир этилганлиги тўғрисида шикоят аризасини ёзадилар. Бизнинг назаримизда, 118 ва 119-моддалар 3-қисми «б» бандидаги «яқин қариндошларга нисбатан» деган сўзлардан кейин қавс ичида «эр ва хотин бундан мустасно», деган сўзларни киритиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан ЎЗР ЖК моддаларига бир қанча қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шунга биноан ЖК Махсус қисми айрим моддаларидаги санкцияларнинг енгиллаштирилган-лиги сабабли ўша жиноятлар оғир жиноятлар туркумидан унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига, ўта оғир жиноятлардан оғир жиноятлар туркумига ўтказилди. Жумладан, ЎЗР ЖК га юқорида айтилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгунча 104-модданинг учинчи қисми санкциясида ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилиб бу жиноят ўта оғир жиноятлар туркумига кирган бўлса, 2001 йил 29 август қонуни билан киритилган ўзгаришга биноан 104-модданинг 3-қисми санкцияси саккиз йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилиб, ўта оғир жиноятлар туркумидан оғир жиноятлар туркумига ўтказилди. Шунингдек, одамлар ўлимига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган хавф остида қолдириш (ЖК нинг 117-моддаси); жуда кўп

миқдордаги мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш, ўта хавфли рецидивист томонидан ёхуд уюшган гуруҳ томонидан, ёки унинг манфаатларини кўзлаб ўзганинг мулкни ўзлаштириш, ёки растрата қилиш (167-модданинг тўртинчи қисми); фирибгарликни жуда кўп миқдорда, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир қилиш (168-модданинг тўртинчи қисми); сифатсиз маҳсулот чиқариш одамлар ўлимига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган бўлса (ЖК нинг 186-моддасининг учинчи қисми); этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган тақдирда (186-¹ модданинг учинчи қисми); ҳарбий хизматчининг баданига шикаст етказиш жанговар вазиятда содир этилган тақдирда (ЖК 283-модданинг 3-қисми); атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш одамлар ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган (ЖК нинг 297-моддасининг 3-қисми) жиноятлар ўта оғир жиноятлар туркумидан оғир жиноятлар туркумига ўтказилди.

ЎзР ЖК 15-моддасида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлашнинг янги қоидалари қабул қилинганидан кейин бир қанча олдин оғир жиноятлар туркумига киритилган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига ўтказилганлиги муносабати билан ЖК Махсус қисмидаги оғир жиноятларнинг миқдори 2001 йил 29 август қонуни билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганидан кейин анча камайди.

г) ўта оғир жиноятлар

ЎзР ЖКнинг 15-моддаси бешинчи қисмида белгиланишига кўра ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар киради. Демак, қилмишни ўта оғир жиноят деб ҳисоблаш учун:

1. Жиноий қилмиш қасддан қилинганлиги;

2. Бу жиноят учун қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилганлиги.

“Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга

Ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан Жиноят кодексига бир қанча кўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги туфайли ЖК Махсус қисмининг бир қатор моддаларидаги ўта оғир жиноятлар оғир жиноятлар туркумига ўтказилганлиги муносабати билан амалдаги Жиноят кодексига ўта оғир жиноятлар анча камайди. Ҳозирги кунда амалдаги Жиноят кодексининг 38 моддасидагина ўта оғир жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу рақамдан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда Жиноят кодексига ўта оғир жиноятлар барча жиноятларнинг 12,5 фоизини ташкил қилмоқда холос.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса фақат иккита моддада назарда тутилган бўлиб, булар: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми); терроризм (155-модданинг 3-қисми).

1959 йили қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексининг 30 моддасида ўлим жазоси назарда тутилган эди.

Загородников Н.И. ўта оғир жиноятларни учта белги билан ифодалайди. Булар:

- 1) тажовуз қилинаётган объектнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги;
- 2) бу жиноятларнинг фақат тўғри қасддан содир этилиши;
- 3) бу жиноятларнинг айримлари учун ўлим жазосини тайинлаши мумкинлиги¹.

Жиноят кодексига ўта оғир жиноятларга ижтимоий хавфлилик даражаси энг юқори бўлган жиноятлар киритилган. Бу жиноятларнинг ижтимоий қадриятларга қарши қаратилганлиги, жамиятнинг сиёсий тузумига, унинг иқтисодиётига, суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига инсон ҳаётига қарши қаратилган жиноятларнинг анча оғирлари ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган.

Ўта оғир жиноятлар нафақат бирон бир объектга, балки умуминсоний қадриятларга, инсон ҳаётига қарши қаратилгандир. Энг муҳим ва доимий ҳисобланган қадриятларга инсон ҳаёти киритилган. Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига тажовуз қилиш энг оғир жиноятдир» дейилади. Демак,

¹ Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования, — М; «Наука», — с. 61.

одам ўлдириш жиноятининг ўта оғир жиноят эканлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган ва одам ўлдириш жиноятини ўта оғир жиноятлар туркумига киритишда ана шу Конституциявий принципга асосланган. Аммо эҳтиётсизликдан одам ўлдириш жинояти, жиноят содир этиш вазияти жиноятнинг хусусиятларига кўра, оғир ёки ўта оғир жиноятлар туркумига киритилмаган. Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятлар эҳтиётсизликдан содир этилиб, қанчалик оғир оқибатлар келиб чиқишидан қатъи назар улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган.

Жиноятни ўта оғир жиноятларга киритишнинг бир муҳим жиҳати борки, қилмишни ўта оғир жиноят деб ҳисоблаш учун суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг муддати эмас, балки айбдорнинг қилмиши квалификацияси қилинган модда ёки модданинг қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ҳисобга олингандир.

ЎЗР ЖК нинг 30-моддасининг мазмунига кўра ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ЖК Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар. Шу муносабат билан тасаввур қилайлик, қаттиқ қўрқитилганлиги туфайли одам ўлдириш жиноятини содир этилишидан олдин жиноят изларини яширишга ваъда қилган шахс қонунимиз мазмунига кўра жавобгарликдан озод этилмайди, балки суд жазо тайинлашда ЎЗР ЖК 55-моддаси (жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар)нинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидага асосланиб енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиниши мумкин.

Айтайлик, шахс ЖК 97-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни яшириш (жиноят изларини яшириш) тўғрисида олдиндан ваъда берган (у қаттиқ қўрқитилганлиги туфайли тегишли давлат органидан яширса 97-моддаси иккинчи қисмининг тегишли бандлари билан жавобгар қилинади. Суд бундай шахсга жазо тайинлашда бажарувчининг қилмиши квалификация қилинган моддаси билан жавобгар қилади. 97-модданинг санкциясида ўн беш йилдан йигирма йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Демак, суд одам ўлдириш жинояти учун шу муддат доирасида жазо тайинлайди. Айтайлик, яшириш тўғрисида ваъда берган шахсга нисбатан суд иш ҳолатларининг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, ЖК 57-моддасининг қоидаларини қўллаб, (қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш) 3 йил муддатга

озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинласа,бу жиноятни қайси туркумга киритиш керак, деган савол туғилади. Амалдаги Жиноят кодекси 15-моддасининг мазмунига кўра бундай жиноят ҳам ўта оғир жиноят ҳисобланаверади. Чунки 28-97-модданинг иккинчи қисмида озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ўн беш йилдан йигирма йилгача ёки ўлим жазоси белгиланиб ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган.

Ўта оғир жиноятларнинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, бундай жиноятларни содир қилганларга нисбатан ҳар қандай ҳолда ҳам (рухий касаллик бундан мустасно) ЖК 65, 66, 66¹ -моддаларини қўллаб жавобгарликдан озод қилиш қўлланилмайди. Шунингдек, ЎЗР ЖК 71-моддаларини қўллаб жазодан озод қилиш қўлланилмайди.

Шунингдек, ўта оғир жиноят содир этилган тақдирда ҳам шартли ҳукм қилиш қўлланилмайди(ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, аёллар, олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно).

Ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейингина, жазони енгилроғи билан алмаштириш эса суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейингина қўлланиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ЎЗР ЖК 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Демак, юқорида баён қилинганларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳар бир жиноятни, жиноятларни таснифлашнинг у ёки бу туркумига киритишда қонунда(Жиноят кодекси Махсус қисми санкциясида) белгиланган жазо муддатидан олиниши, жиноятларни таснифлаш, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш ҳамда жазо тайинлаш масалаларини жуда ҳам осонлаштиради. Шунингдек, жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўллашни янада осонлаштиради, хатоларга йўл қўйилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган шахс суднинг ҳукми асосида киритилган тақдимномасига биноан махсус унвондан ёки Олий ҳарбий ёки махсус унвон ёки Ўзбекистон республика-сининг Давлат мукофотидан маҳрум қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, жиноятларни ижтимоий хавфлилигига қараб таснифлаш назарий аҳамиятга ҳам эгадир. Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, у ёки бу туркумга киритиш жиноят-ҳуқуқий аҳамиятига эга, яъни жазо турини тайинлаш, озодликдан маҳрум қилиш муассасалари режим турини тайинлаш, жазонинг миқдор ва муддатини тайинлаш, жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаш, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (64-модда), жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш, судланганлик муддатларини ҳисоблаш ва судланмаган, деб ҳисоблаш масалаларида муҳим аҳамиятга эга.

3-§. Жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқи

Ҳуқуқ бузиш ҳаракатлари турли-туман бўлиб, улар ҳуқуқ соҳасининг турли тармоқлари билан таъқиб қилинади. Ҳуқуқбузарлик жиноий, маъмурий, интизомий, фуқаровий, меҳнат, оила, хўжалик, ер, сув, экологик ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Ана шу ҳуқуқбузарликларнинг хусусияти ва улар учун маълум даражада умумий белгиларига қараб, тўртта гуруҳга ажратиб олиш мумкин. Булар: жиноий, маъмурий, интизомий ва фуқаровий ҳуқуқбузарликлардир. Ана шу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари асосан фуқаролар бўлиб, улар ҳуқуқ бузишнинг хусусияти, жавобгарликнинг моҳияти ва мазмуни ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг субъектлари жиҳатидан фарқ қилади. Ана шу ҳуқуқбузарликлар ичида бир-бирига нисбатан ўхшашроқ бўлгани жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлардир. Буларнинг тажовуз қилиш объектлари ҳам кўп ҳолларда бир хил. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектлар кўрсатилган бўлиб, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовуздан қўриқлаш назарда тутилса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасида шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқларига ва эркинлик-ларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи Ғайриқонуний айбли қилмишлар назарда тутилади.

Содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг жуда оз қисмини жиноий қилмишлар ташкил қилсада, жиноий қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан бошқа барча ҳуқуқбузарлик-лардан фарқ қилади. Лекин жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, уларнинг таркибини талқин қилишда ҳам деярли фарқлар йўқ. Жиноий ва маъмурий тартибда таъқиб қилинадиган тажовузларда, тажовузнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонларини таҳлил қилиш масалалари ҳам бир хилдир. Демак, маъмурий қилмиш билан жиноий қилмиш, ўзларининг ижтимоий хавфлилики даражаси билангина фарқ қилади. Бу фарқнинг чегараси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан белгилаб кўйилган. Бу фарқ қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги билан белгиланади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида тухмат қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилган бўлса, ЎЗР ЖК 139-моддасининг биринчи қисмида тухмат қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиш назарда тутилган.

Жазо миқдори ва муддати қилмишнинг ижтимоий хавфлилики даражасини белгиловчи мезон ҳисобланади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблаш масаласини жиноят қонунига асосланган ҳолда фақат суд ҳал қилса, маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисоблаш масаласини маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунга асосланган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар ҳал қилади.

Фақат Жиноят кодексида назарда тутилган ва жиноий жазо белгиланган қилмишлар жиноят ҳисобланса, маъмурий ҳуқуқбузарлик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари ва Тошкент шаҳар кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларини бузишдан иборат бўлиши мумкин.

Интизомий ҳуқуқбузарлик — давлат ва хизмат вазифасини бажариш интизомини бузиш ҳаракатларидан иборат. Интизомий ҳуқуқбузарлик қилинган деб ҳисоблаш масаласи интизомни бузган шахс ишлаётган корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ва ҳарбий қисмларда қисм кўмондонлари томонидан ҳал қилинади.

Фуқаровий ҳуқуқбузарликлар мулкӣ, шахсий ва бошқа мулкӣ ҳисобланмаган муносабатларни бузишдан иборатдир.

Фуқаровий ҳуқуқбузарлик содир этилганда, асосан, етказилган зарарни ундириш ва хўжалик ҳуқуқи соҳаси бузилган бўлса, жарима тўғрисидаги санкциялар қўлланиши мумкин.

Кўпгина ҳуқуқшунос олимлар жиноий қилмишнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқини учта мезондан иборат белги билан ифодаладилар. Булар:

1) объекти жиҳатидан;

2) қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра;

3) ҳуқуқбузарликнинг турига қараб ажратадилар¹.

Объектига кўра фарқи шундаки, жиноятнинг умумий объекти бошқа ҳуқуқбузарликнинг объектига нисбатан кенгрок бўлиб, бунга давлатнинг хавфсизлиги асослари, инсон ҳаёти, соғлиғи ва ҳоказолар бўлиб, фақат жиноят қонунининг ўзи билан кўриқланадиган объектларни қамраб олади.

Ижтимоий хавфлилик даражасига қараб фарқи шундаки, жиноий қилмишнинг хусусияти етказилган зарарнинг миқдори, мотиви ва мақсади, жиноятни амалга ошириш усуллари ва ҳоказолар бўлади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қатор моддаларида ўша қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий қилмиш сифатида жавобгарлик назарда тутилган маъмурий жавобгарлик ва жиноий жавобгарлик ўхшаш бўлган қилмишлардаги фарқ ижтимоий хавфлилик даражаси бўлиб, айниқса, бундай ўхшашликлар, бошқарув тартибига, жамоат тартибига, жамоат хавфсизлигига, атроф табиий муҳитга, табиий бойликларга қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларда яққол намоён бўлади. Айниқса, хизмат вазифаси муносабати ёки ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларда интизомий жавобгарлик ва жиноий жавобгарликлар жуда ўхшаш бўлиб, уларнинг фарқи ҳам ижтимоий хавфлилик даражаси билан белгиланади.

Фуқаровий-ҳуқуқӣ ҳуқуқбузарликлар ва мулкка қарши жиноятлар иқтисодий соҳада зарар етказилганлиги билан боғлиқ бўлиб, зарар

¹ Қаранг: Денисов Ю. А. Общая теория правонарушения и ответственность. Л., 1983, с. 21.; Кузнецова Н.Ф. Понятие преступления. Советское уголовное право. Общая часть; МГУ. 1988, — с.54.

фақат ҳуқуқ бузиш орқали етказилиши ёки жиноий қилмиш туфайли етказилиши мумкин.

Жиноий ҳуқуқбузарликнинг бошқа ҳуқуқбузарликдан муҳим фарқи айб шаклидир. Айнан айб шакли ҳам жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи муҳим мезондир. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилашда қилмишнинг мотиви ва мақсади ҳам муҳим аҳамиятга эга.

4-§. Жиноят ва жиноятчилик, унинг сабаблари

Жиноят ва жиноятчилик бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳодиса бўлиб, жиноят — жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят қонунида тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни айбли содир этишдан иборат бўлган ҳодиса бўлса, жиноятчилик муайян вақт мобайнида содир этилган барча турдаги жиноятларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Жиноятчилик ғоят мураккаб ижтимоий ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг кенгроқ таърифини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Жиноятчилик кишилик жамиятида мавжуд бўладиган ўзининг қонуниятларига, сифат ва миқдор тавсифига эга бўлган, жамият ва кишилар учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва унинг устидан давлат ва жамиятнинг махсус назорат чоралари ўрнатишни талаб қиладиган салбий, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

Алоҳида ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят эканлиги масаласи жиноят ҳуқуқида ўрганилади. Криминология фани эса қилмишнинг жиноят ва жиноят эмаслигини эмас, балки жиноятчиликни кишилик жамиятида мавжуд бўладиган салбий ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади.

Жиноят ҳуқуқи жиноятга юридик факт сифатида қараса, криминология жиноятни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади. Шунга кўра жиноят ҳуқуқи билан криминология фани бир-бири билан узвий боғлиқ эканлиги жиноят ҳуқуқида белгиланади. Шунга кўра криминология ўзининг бошланғич асосларини жиноят ҳуқуқидан олади.

Жиноят ҳодисаси жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назаридан ўрганилганда, бу ҳодиса инсон томонидан жиноят қонуни билан тақиқланган актни содир этиш, деб баҳоланади. Жиноятга жиноят ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳо бериладиган тушунча жиноят ҳуқуқи назариясида ишлаб чиқилган. Жиноят ҳуқуқида содир этилган ижтимоий хавфли

қилмишга жиноят таркиби қоидалари тадбиқ этилиб, жиноят таркиби тўртта томондан, яъни жиноятнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони таҳлил қилиниб, қилмишнинг жиноят ёки жиноят эмаслиги аниқланади, Жиноят кодексидаги муайян моддасининг белгиларига таққосланиб кўрилади ва ўша моддада назарда тутилган жиноят содир этилган, деб топилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблаш масаласи тўртта белги билан, яъни қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуққа хилофлиги, жазога сазоворлиги ва айбнинг мавжудлиги белгилари билан ифодаланса, жиноят криминология нуқтаи назардан ўрганилганда икки жиҳатдан ёндашилади, яъни:

- биринчидан — жиноят содир қилган шахснинг ўзини тавсифи ва уни ўраб турган атроф муҳит нуқтаи назардан;

- иккинчидан — жиноятга бир марта содир қилинган алоҳида акт сифатида эмас, балки вақт ва маконда содир этилган жараён нуқтаи назардан ўрганилади.

Демак, жиноят ҳодисаси жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинганда, шахсни жиноят қонунининг муайян моддаси билан жавобгар қилиш учун зарур бўлган белгилар тизими таҳлил қилинади. Криминология нуқтаи назардан қаралганда эса жиноят содир қилишнинг шароит ва сабаблари, жиноят содир этган кишининг ўзига хос шахсий хусусиятлари ва жиноий хулқнинг оқибатлари ўрганилади. Шунга кўра жиноят ҳодисаси криминология нуқтаи назардан таҳлил қилинганда ушбу шахс томонидан жиноий фаолиятни давом эттириши ёки янги жиноят содир этиш мумкинлигининг олдини олиш учун қандай ҳаракатлар қилиш кераклиги ва бошқа шахслар томонидан ҳам шундай қилмиш содир этилишининг олдини олиш учун қандай чоралар ишлаб чиқиш кераклиги назарда тутилади. Бундан ташқари, жиноят содир қилган шахсга қонун доирасида жиноятнинг олдини олишнинг қандай аниқ чорлари кўриш мумкинлигини ҳам белгилайди.

Жиноят ҳуқуқи жиноятни жиноят содир қилиш пайтида қонунда белгиланган ёшга етган ақли расо шахс томонидан содир этилган юридик факт сифатида ўрганса, криминологияда жиноятчилик қуйидаги белгиларда ифодаланадиган ҳодиса деб ўрганилади:

1. Жиноятчилик — жамиятда мавжуд бўладиган ҳодиса.

2. Жамият ва кишилар учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва унинг устидан давлат ва жамиятнинг махсус назорат чораларини ўрнатишни талаб қиладиган салбий ижтимоий ҳодиса;

3. Жиноятчилик—ўзгарувчан ҳодиса;
4. Жиноятчилик—ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса.

Жиноятчилик кишилик жамиятида мавжуд бўладиган ўзгарувчан ҳодисадир. Жиноятчиликнинг ҳолати, даражаси, структураси инсон таракқиёти давомида сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгариб боровчи ҳодисалиги шундаки, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқий ўзгаришларга қараб ўзгариб боради. Сифат жиҳатидан содир этиш усули, уюшган гуруҳ бўлиб содир этилиши, замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб содир этилиши ва ҳоказоларда ифодаланади.

Жиноятчиликнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги шундаки, жиноятларнинг субъектлари жамият аъзоларининг ўз ичидаги шахслар бўлиб, улар ўзлари билан бирга яшаб турган жамиятдаги ижтимоий муносабатларга ва жамият аъзоларига тажовуз қиладилар. Жиноятчилик ҳодисанинг шароит ва сабаблари ҳам ижтимоий сабаблар туфайли юз беради.

Жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида бошқа ҳар қандай ижтимоий муносабатлардаги иқтисодий, сиёсий, ғоявий, руҳий бошқарув, ҳуқуқий ва ҳоказо муносабатлар билан боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг ўсиши, хусусиятлари, ижтимоий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги қарама-қаршиликлар, криминологик вазиятларнинг миқёси билан белгиланади.

Жиноятчилик содир этилган жиноятларнинг оддий йиғиндисидан иборат бўлмай, бир бутун ижтимоий ҳодисани ташкил қилувчи жиноятлар тизимидан иборат. У ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўзининг ижтимоий муносабатлар билан боғланиб кетган. Шунинг учун унинг сабаблари ҳам ана шу ижтимоий муносабатларда ётади.

Жиноятчилик муайян ҳудудда, муайян вақт мобайнида содир этилган жиноятлар жамидан иборат экан, жиноят ва жиноятчиликнинг алоқадорлиги бир қисмдан бир бутунга, алоҳидаликдан умумийликка эга бўлган умумий қонуниятларга асосланади. Жиноятчиликнинг қонуниятлари алоҳида турдаги жиноятлар орқали эмас, балки уни бир бутун салбий ижтимоий ҳодиса сифатида таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Жиноятчиликни оддий рақамларда ифодалаб, унинг мазмун ва моҳиятини очиб бериб бўлмайди. Шунга кўра, жиноятчилик криминологияда сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичлари унинг

даражаси ва динамикаси бўлса, сифат кўрсаткичлари унинг структураси ва хусусиятларидаги ўзгаришлардир.

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти тизимига ўтиши жараёнида уюшган жиноятчилик, гиёванд воситалар билан Ғайриқонуний муомала қилиш, коррупция жиноятларининг ўсганлиги куза-тилди. Булар жиноятчиликдаги сифат ўзгаришлардир.

Жиноятчиликнинг сабаблари ғоят мураккаб мавзулардан бири ҳисобланиб, инсониятнинг кўп минг йиллик тарихида бу салбий ижтимоий ҳодиса одамларнинг энг илғор қисмини ҳар доим ташвишга солиб келган. Нима сабабдан одамларнинг муайян қисми жиноят содир қилади? Жиноят содир қилишнинг сабаби қаерда ётади? Бу муаммо фанларнинг турли тармоқлари мутахассислари томонидан жиддий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда ва ҳозирги кунда ҳам олимлар бу борада бир фикрга келган эмаслар. Жиноятчиликнинг сабаблари тўғрисидаги масалалар криминология дарслиги III бўлимида, яъни 5 ва 6-бобларда батафсил баён қилинган¹.

3-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят деб нимага айтилади?
2. Жиноятнинг белгиларини айтинг?
3. Жиноятнинг таснифлаш деб нимага айтилади? Унинг турларини айтинг?
4. Жиноятларни сифат кўрсаткичларига кўра таснифлаш нима?
5. Жиноятларни миқдор кўрсаткичларига кўра таснифлаш нима?
6. Жиноятларнинг таснифлашнинг аҳамияти нималарда ифодаланади?
7. Жиноий қилмишни бошқа ҳуқуқбузишлардан фарқи нима?
8. Жиноят ва жиноятчилик нима?
9. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қандай жиноятлар киради?
10. Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлашда қандай мезон асос қилиб олинган.

Фойдаланилган ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

¹ Қаранг: Усмоналиев М. Каракетов Й. Криминология, Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2001 й. 79-138-бетлар.

1. Уголовный закон: Опыт теоретического моделирования. М: “Наука”, 1987.
2. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М: “Юристъ”, 2001.
3. Рустамбоев М.Х. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Т.: 2002.
4. Ю.А.Денисов. Общая теория правонарушения и ответственность. М.: 1983.
5. Кузнецова Н.Ф. Понятие преступления. Советское уголовное право. Общая часть. МГУ, 1988, ст-54.
6. Усмоналиев М, Каракетов Й.М. Криминология. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001. 79-138-бетлар.
7. Зарипов З.С. Понятие преступности, её элементы и виды. “Высшая школа МВД Республики Узбекистан”. 1993.
8. Н.Ф.Мурашов, И.И.Шумилова. Преступления: вопросы и ответы. М: 2001.
9. И.А.Клепицкий. Преступление, административное правонарушение и наказание в России в свете Европейской конвенции о правах человека. “Государство и право”, 2000, №4 ст. 99.
10. Г.А.Зорин, О.В.Понкевич. Понятие и основные признаки транснациональной преступности. Гродно: изд. “Гроднинского филиала негосударственного ИСЛ” 1997, ст. 56.
11. Ю.М.Антонян, С.В.Бородин. Преступность и психические аномалии. М: “Наука”, 1987, ст. 206.
12. В.В.Лунеев. Преступность XX века: мировые, региональные и российской тенденции. М: “Норма”, 1997, ст. 525.
13. В.М.Савицкий. Презумпция невиновности. М.: “Норма”, 1997.

IV БОБ. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ

1-§. Жиноий жавобгарлик тушунчаси

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус тури бўлиб, Жиноят кодексида тақиқланган қилмиш содир этилган тақдирдагина қўлланадиган жавобгарликнинг энг оғир туридир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 16-моддаси биринчи қисмида жиноят учун жавобгарликнинг таърифи берилган бўлиб, жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноий жавобгарлик шахснинг Жиноят кодекси билан тақиқланган қилмишнинг содир қилганлиги учун шахс ва давлат ўртасида вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий муносабатдир.

Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бир томондан давлат бўлса, иккинчи томондан жиноят содир қилган шахсдир. Шахс томонидан жиноят содир қилиниши муносабати билан давлатда жиноят ҳуқуқида назарда тутилган мажбурлов чораларини шахсга нисбатан мажбурий тарзда қўллаш, суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш мажбурияти вужудга келади. Шахсда эса содир қилган жинояти учун жавоб бериш, жиноят ҳуқуқида белгиланган тартибда унга нисбатан қўйилган талабларга жавоб бериш мажбурияти вужудга келади. Жиноий жавобгарлик масаласи фақат жиноят ҳуқуқи доирасида белгиланган асосларга биноан амалга оширилади.

Жамият ўз аъзоларини муайян ҳуқуқлар билан таъминлаш билан бирга, берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш талабини ҳам қўяди.

Жиноят қонунида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, фақат Жиноят кодексида тақиқланган қилмишни содир қилганлик учун шахс жиноят қонуни нормалари асосида жавобгарликка тортилади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун қуйидаги асослар бўлиши керак:

а) содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят деб кўрсатилиб, жиноят қонунида тақиқланган бўлиши;

б) жиноят қонунида шундай қилмиш учун жазо ёки бошқача таъсир чорасининг белгиланганлиги;

в) ана шундай ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда шахснинг айбли эканлиги.

Жиноий жавобгарликнинг оқибатлари эса куйидагиларда ифодаланади:

а) шахснинг содир қилган жинояти учун давлат олдида ва бунга ваколатли органлар олдида жавоб бериш мажбуриятининг пайдо бўлиши;

б) содир этилган жиноий қилмишни суд ҳукмида ифодаланган салбий баҳо беришдан иборат;

в) содир этилган жиноий қилмиш учун жазо ёки бошқача таъсир чорасини қўлланиши;

г) жазога ҳукм қилинганлигининг оқибати сифатида шахснинг судланган, деб ҳисобланиши.

Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноий қилмишларнинг қатъий рўйхати берилган экан, Кодексида кўрсатилмаган ҳар қандай қилмиш жиноят ҳисобланмайди ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Яъни ЖКда жиноий қилмишларнинг қатъий рўйхати берилиб, бу қилмишларни содир этишни тақиқлайди ва ижтимоий хавфли қилмишларни содир қилмаслик учун огоҳлантириб туради.

Маълумки, жиноят ҳуқуқи содир этилган жиноятни юридик факт сифатида ўрганади. Жиноят содир этилиши муносабати билан жиноят-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади. Жиноий қилмиш содир этилмаса жиноят-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлмайди, шахснинг жиноят содир қилиши муносабати билан давлат олдида жавобгар бўлиш мажбуриятининг вужудга келишидир. Шахс жиноят қонунида тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиб, ўзида ана шундай муносабатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Жиноий жавобгарлик жавобгар бўлиш мажбурияти туфайли келиб чиқади. Агар шахс жиноятни содир қилиб, яширинса, унда жавобгар бўлиш мажбурияти пайдо бўлган бўлсада, яширинганлиги туфайли жавобгарликка тортилмай қолиши мумкин.

Муайян шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун содир қилган жиноятини исботловчи ҳужжатлар етарли, асослантирилган, юридик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган бўлиши керак. Шахсни жиноий жавобгарликка тортилган деб ҳисоблаш учун суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми бўлиши керак. Шахсни жиноий жавобгарликка тортилган деб ҳисоблашнинг ягона юридик асоси қонуний кучга

кирган суднинг айблов ҳукмидир. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган бўлиб, Конституциянинг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади»», — дейилади. Суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунча шахс жиноий жавобгарликка тортилган ҳисобланмайди.

Ана шу юқорида баён қилинганларга кўра, жиноий жавобгарлик жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан, жиноят ҳуқуқий нормасида назарда тутилган, қонуний кучга кирган суднинг айблов ҳукмида мужассамлашган давлатнинг мажбурлов чорасини қўллашдан иборатдир.

Давлатнинг бундай мажбурлов таъсир чораси фақат тайинланган жиноий жазода ифодаланадими ёки жиноий жавобгарлик ва жазода ифодаланадими? Жиноий жавобгарлик ва жазони таҳлил қилишдан улар бир хил тушунча эмаслиги аниқланади.

Жиноят кодекси нормаларининг амалда қўлланиш амалиётини таҳлил қилишдан шундай хулосага келиш мумкинки, жазо қўлланмаган жавобгарлик, (масалан, жиноят содир қилишда айбланаётган шахс ЎЗР ЖКнинг 65, 66, 66¹ моддалари асосида жавобгарликдан озод қилинган бўлса) судланган ҳисобланмайди. Агар шахс ЎЗР ЖК 70-71-моддалари асосида жазодан озод қилинган бўлса, мажбурлов чораси қўлланганлиги туфайли у судланган ҳисобланади, аммо мажбурлов чораси унга нисбатан тадбиқ этилмайди. Шахс ЎЗР ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси билан ҳукм қилиниб жазо тайинланган бўлса, жазони ҳақиқатдан ўтайди ва судланган ҳисобланади.

ЎЗР ЖКнинг 87-моддасига мувофиқ вояга етмаган шахсга нисбатан тарбиявий хусусиятдаги мажбурлов чоралари (ЖКнинг 88-моддасида назарда тутилган мажбурлов чоралари) ни қўллаб жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноий жазодан бошқа турдаги мажбурлов чораси қўлланганлиги туфайли шахс судланмаган ҳисобланади.

Бундай ҳолда жиноий жазо сифатидаги мажбурлов чораси қўлланмаган жиноий жавобгарлик ҳисобланади ва шунга мувофиқ шахс судланмаган ҳисобланади. Юқорида айтилганларга асосланиб жиноий жавобгарликнинг қуйидаги турларини келтириш мумкин:

1) давлатнинг жиноий жазо чораси қўлланмаган жавобгарликдан озод қилиш;

2) давлатнинг жиноий жазо туридаги жазо қўлланиб, жазони ўташдан озод қилиш тарзидаги жавобгарлик;

3) жавобгарликка тортиб жиноий жазо тарзидаги жазо қўллаш ва жазони ҳақиқатдан ўташ билан боғлиқ бўлган жавобгарлик;

4) жиноий жазо ҳисобланмаган бошқача мажбурлов чорасини қўллаш билан боғлиқ бўлган жавобгарлик.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, жиноий жавобгарлик жазо қўллаш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазо қўллаш билан боғлиқ бўлган жиноий жавобгарликлардан иборат экан. Шунга кўра жиноий жавобгарлик тушунчаси жиноий жазо тушунчасига нисбатан анча кенг тушунча бўлиб, жиноий жавобгарлик ва жазонинг мақсади ҳам бир хил. ЎЗР ЖК 42-моддасининг 2-қисмида жазонинг мақсади айтилган бўлсада, жазонинг мақсадига жазо тарзидаги мажбурлов чораларни қўлламасдан ҳам эришиш мумкин деган қатъий хулосага келинса, жазо қўллаш билан боғлиқ бўлмаган жавобгарликка тортилади. Жавобгарликдан озод қилиш муайян жазо тури, жазо муддати ёки миқёси билан чегараланмаган. Чунки шахсга жазо тайинланмай жавобгарликдан озод қилиш қўлланган бўлса, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаслиги ёки унча оғир бўлмаган жиноят эканлиги билан боғланган.

Жиноий жазо қўллаш билан боғлиқ бўлган жавобгарлик эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда тайинланган жазо тури ва жазонинг ўталган қисмининг муддатлари билан боғлиқ ҳолда судланганлик муддати келиб чиқиши билан боғлиқдир. Жазо қўллаш билан боғлиқ бўлган жавобгарлик анча оғир бўлиб, бундай қилмишни баҳолашда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноят натижасида етказилган зарарнинг миқдори ва айбдорнинг шахси ҳисобга олинади.

Жиноий жавобгарликнинг вақт бўйича чегараси борми? Агар бор бўлса, қачон бошланади ва қачон тугайди? Жиноий жавобгарлик шахснинг содир қилган жинояти учун мажбурлов чорасини қўллашда ифодаланган жавобгар бўлиш мажбуриятидан иборат экан, ана шу мажбурият қачондан бошланади? Бу борада юридик адабиётларда ягона фикр йўқ. А.А.Пионтковский жиноий жавобгарлик жиноят содир қилинган пайтдан бошланади деб ёзади¹.

¹ Курс советского уголовного право в 6 томах. Общая часть. М., 1970, 9-бет.

Я.М. Браинин эса муайян шахснинг жиноят содир қилганлиги тергов органлари томонидан аниқланган пайтдан бошланади, деб ҳисоблайди¹.

Жиноий жавобгарликнинг вужудга келиши ва тугагунча бўлган вақт жиноий жавобгарликни амалга ошириш вақти ҳисобланади. Жиноий жавобгарликни амалга ошириш эса, жиноят содир қилганлиги муносабати билан шахсга нисбатан суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш (гумондорни қўлга олиш, унга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш), ишни судда кўриш, айблов ҳукми чиқариш, жазони ижро этишдан иборат. Судланганлик муддатининг тугаши билан жиноий жавобгарликни амалга ошириш батамом тўхтатилади деб ҳисоблайди кўпчилик муаллифлар.

Бизнинг фикримизча, шахс жиноят содир қилиши биланоқ, у қўлга олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар, унда қилмиши учун давлат олдида жавобгар бўлиш, давлатда эса муайян давлат идоралари орқали Жиноят процессуал кодекси нормаларини қўллаш вазифаси пайдо бўлади. Демак, жиноят-ҳуқуқий муносабатлар жиноят содир қилиш пайтдан бошланади ва шунга мувофиқ жавобгар бўлиш мажбурияти ҳам шу пайтдан бошланиб, ҳукм қонуний кучга кириши билан тугайди. Чунки жиноий жазони ўташ ва судланганлик оқибатлари, жиноий жавобгарликнинг оқибатлари ҳисобланади. Чунки жиноий жавобгарлик, жазо қўллаш билан боғлиқ бўлган ва жазо қўллаш билан боғлиқ бўлмаган жавобгарликдан иборат. Айнан айблов ҳукмининг қонуний кучга кириши билан шахс судланган ҳисобланади².

Жиноий жавобгарлик фақат унинг ўзигагина хос бўлган белгиларга эга бўлиб, бу белгилари орқали маъмурий интизомий фуқаровий жавобгарликлардан фарқ қилади.

1) қўлланиш асослари бўйича: жиноий жавобгарлик қилмишида Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлсагина қўлланади. Жавобгарликнинг бошқа турлари (интизомий, фуқаровий жавобгарлик) да жиноят муносабати билан келтирилган зарар ёки бошқача ҳуқуқбузарлик учун қўлланади;

¹ Браинин Я.М. Уголовная ответственность и ее основание в Советском уголовном праве, М: 1963, стр. 27.

² Шундай фикрни 1994 йилда чоп этилган “Уголовная право Российской Федерации. Общая часть” ва 2001 йилда чоп этилган “Уголовная право Российской Федерации. Общая часть” дарслигининг муаллифлари ҳам баён қилганлар.

2) қўллашнинг мазмуни бўйича: жиноий жавобгарлик содир этилган жиноий қилмиш учун фақат давлат номидан суд томонидан айблов ҳукми чиқариш билан боғлиқ бўлган, Жиноят кодексида назарда тутилган жиноий жазо ёки бошқача мажбурлов чорасини қўлланиши билан боғлиқ бўлиб, шахснинг ҳуқуқий ҳолатини жиддий чеклашдан иборатдир. Жавобгарликнинг бошқа турларида эса, ҳатто суд томонидан тайинланган мажбурлов чораси ҳам давлат номидан тайинланмайди. Демак, жиноий жавобгарлик, ўз мазмунига кўра жавобгарликнинг энг оғир тури ҳисобланади;

3) жавобгарликнинг қўлланиш субъекти бўйича фарқи: жиноий жавобгарлик фақат суд томонидан тайинланади ва қонуний кучга кирган айблов ҳукмида ифодаланади. Бошқа бирорта орган ёки мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортишга ҳақли эмас.

Жавобгарликнинг бошқа чораларини суд томонидан ҳам бошқа идора ва мансабдор шахслар томонидан ҳам қўлланиши мумкин;

4) қўлланиш тартиби бўйича фарқи: жиноят процессуал қонунида жиноий жавобгарликка тортишнинг махсус тартиби белгиланган бўлиб, фақат Жиноят процессуал кодексида тергов органлари ва суднинг жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги фаолияти тартибга солинади. Бошқа жавобгарлик турлари юзасидан жавобгарликка тортиш тартиби бошқа ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади;

5) жавобгарликка тортиладиган субъектларнинг доираси бўйича фарқи: жиноий жавобгарлик шахсий хусусиятга эга бўлиб, фақат жисмоний шахсларгина жиноий жавобгарликка тортилади. Масалан, корхонадан чиқаётган ифлос сувлар сув ёки атроф муҳитни ифлослантирса ва бунинг учун ЖК да назарда тутилган оқибат юз берса, корхона эмас, балки корхонадаги бунинг учун масъул бўлган жисмоний шахслар жавобгарликка тортилади.

Бошқа турдаги жавобгарлик, масалан, фуқаровий жавобгар юридик шахслар бўлиши мумкин¹.

2-§. Жиноий жавобгарликнинг асослари

ЎзР ЖК 16-моддасининг иккинчи қисмида белгиланишига кўра, Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча

¹ Бу ҳақда қаранг: Курс советского уголовного право в 6 томах. Том III. М. стр 7-18. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть, М., «Юристь», 2001, стр. 70.

аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Ушбу тушунча жиноий жавобгарликнинг ягона норматив асоси ҳисобланади.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган қилмиш содир этилган бўлиши керак. Буни жиноят ҳуқуқида жиноий жавобгарликнинг фактик асоси дейилади. Аммо қилмишни ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси билан квалификация қилиш учун, қилмишда ўша моддада назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари бўлиши керак. Жиноят ҳуқуқида бундай асосни норматив асос деб айтилади. Ана шу фактик ва норматив асослар жиноий жавобгарликнинг умумий асослари ҳисобланади. Қилмиш ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида кўрсатилган белгилар билан таққосланади, таққослаш туфайли қилмиш билан қонунда назарда тутилган белгилар ўртасида тўла мувофиқлик вужудга келса, давлатнинг тегишли ваколатли идораларида айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш мажбурияти пайдо бўлади.

Жиноят таркиби қилмишни батафсил талқин қилиш имконини берадиган томонлари (элементлари) дан иборат бўлиб, улар жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонлари ҳамда ушбу томонлар (элементлар) белгиларининг мажмуидан (йиғиндисидан) иборатдир.

ЎзР ЖКнинг 14-моддасида қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун унинг тўртта белгиси, яъни ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуққа хилофлиги, айбнинг мавжудлиги ва жазога сазоворлиги белгиларининг бўлиши талаб қилиниб, бу белгилар қилмишнинг жиноят эканлигини белгиловчи белгилари ҳисобланади, холос. Бу белгилар қилмишни ЖКнинг қайси моддаси билан квалификация қилиш кераклигини, қилмишда ЖК Махсус қисмининг қайси моддасида назарда тутилган жиноятнинг белгилари бор эканлигини ҳал қилиб бера олмайди. Қилмишда муайян жиноят таркибининг барча белгилари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун унинг жиноят таркиби таҳлил қилинади. Айнан қилмишни жиноят таркибини таҳлил қилиш орқали, аввало, юқорида баён қилинган жиноятнинг тўртта белгиси аниқланади, сўнгра ЖК Махсус қисмининг муайян моддасидаги белгилар билан таққосланади. Таққослаш натижасида қилмиш билан ЖК Махсус қисми муайян моддасидаги жиноят таркибининг белгилари мувофиқ келса, жиноят содир қилишда айбланаётган шахс ўша норма билан жавобгар қилинади. Аммо

қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги объектив категория бўлиб, айнан ижтимоий хавфлилиқ ва жиноятнинг бошқа белгилари аниқланиши керак бўлади. Қонунда муайян қилмишни жиноят деб ҳисоблаб, қонун қилмишни ижтимоий хавфлига айлантирган эмас, аксинча, қонун чиқарувчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ижтимоий хавфлилиги қонунда белгилаб қўйилган. Агарда қилмишда ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган белгилари мавжуд бўлсада, аммо ижтимоий хавfli бўлмаса, бундай қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Бундай ҳолда жиноят таркиби йўқ ва жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос йўқ. Бунга қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Демак, жиноий жавобгарликнинг асослари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун содир этилган қилмиш ЖК нинг муайян моддасига солиштирилади, агар қилмишда ўша моддада назарда тутилган белгилар мавжуд бўлса, жиноят таркиби бор ва шунга мувофиқ жиноий жавобгарликнинг асослари ҳам бор. Аксинча, қилмиш ижтимоий хавfli бўлатуриб, ЖК Махсус қисмининг бирорта моддасида назарда тутилган белгилар бўлмаса қилмишда жиноят таркиби йўқ ва жиноий жавобгарликнинг асослари ҳам йўқ. Масалан, қонунда ўзини ўзи ўлдиришга далолат қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Ваҳоланки, бундай қилмиш ижтимоий хавfli ҳисобланади. Демак, бундай ҳолда ҳам жиноий жавобгарликнинг асослари йўқ. Амалдаги жиноят қонунида аналогиядан фойдаланиб жавобгарликка тортиш қатъиян ман қилинади.

XX асрнинг ўрталарида айрим Совет юридик адабиётларида содир этилган ижтимоий хавfli қилмишда фақат жиноят таркибининг томонлари мавжудлиги жиноий жавобгарликнинг ягона асоси бўла олмайди, деган фикрлар ҳам мавжуд эди¹. Уларнинг фикрига кўра жиноят таркиби томонлари (элементлари)дан ташқари жиноятчи шахсини ифодаловчи хусусиятлар, ҳаракатларнинг хусусиятлари, жиноят содир қилиш шароитлари, жиноий оқибат ва бошқа бир қатор ҳолатларни ҳам жиноий жавобгарликнинг асослари бўлиши тўғрисида айтилган эди.

Аммо ушбу айтилган ҳолатлар ҳам жиноят таркиби доирасига кирувчи жиноят таркибининг зарурий ёки факультатив белгиси ҳисобланган ҳолатлардир.

¹ Уголовное право. Общая часть М: 1966, стр. 41.

Жиноий жавобгарликнинг асосларига жиноят таркиби доирасига кирмайдиган ҳолатларни ҳам киритиш жиноий жавобгарлик асосларини кенгайтириб юборади ва натижада жиноий жавобгарликнинг асослари тушунчаси, жиноий жавобгарликнинг мақсадга мувофиқлиги тушунчаси билан сунъий равишда алмаштирилади.

Бу ўз навбатида одил судлов принципларининг бузилишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунга кўра жиноий жавобгарликнинг ягона асоси фақат ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркибининг мавжудлигидир.

ЎзР ЖКнинг 66 ёки 66¹-моддалари асосида жавобгарликдан озод қилиш ёки Кодекснинг 87-моддаси асосида вояга етмаганга жиноий жазо ўрнига бошқача мажбурий чоралар қўланилган тақдирда ҳам жиноят таркибининг бирор элементи ёки белгиси етарли эмаслиги учун эмас, балки қилмишда муайян жиноятнинг жиноят таркиби томонлари ва белгилари тўла бўлган, жинояти етарли даражада исботланган шахсларга нисбатан қўлланади. Бундай ҳолда шахс жиноий жавобгарликнинг асослари бўлмаганлиги учун эмас, балки жиноий жазо чорасини қўлламаздан ҳам шахсни тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келинганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилинган. Жиноят қонуни нормаларини қўллаб жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш фақат жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асослар мавжуд бўлган жиноий қилмишларгагина қўлланади. Жиноий жавобгарликнинг асослари етарли бўлмаган, яъни қилмишда жиноят таркибининг бирор элементи ёки белгиси бўлмаган қилмишлар эса жиноят ҳисобланмайди. Агар ана шундай ишлар судгача етиб келган бўлса, суд оқлов ҳукми чиқаради.

Шунингдек, жиноят таркиби доирасидан ташқарида бўлган ҳолатлар ҳам қилмишни жиноий қилмишга, жиноят ҳисобланмаган қилмишни жиноятга айлантира олмайди. Жиноят таркибидан ташқаридаги ҳолатлар фақат жазо тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Жиноий жавобгарлик Конституциявий принцип бўлиб (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси), фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принципига (ЎзР ЖК нинг 5-моддаси) асосланади.

ЎзР ЖКнинг 5-моддасида жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди,

шахсий ва ижтимоий мавқедан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар, дейилади.

Ушбу Конституциявий принципга кўра, одамлар қонун ва суд олдида тенгдирлар. Шунинг учун ҳам бирон бир шахсни жиноий жавобгарлигида Ҳозирқонуний имтиёзларга эга бўлиш ёки унинг аҳволини оғирлаштирилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилмайди, деган принципга (ЖКнинг 8-моддаси) асосланилади. Битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортиш тақиқланади. Аммо жиноий жавобгарлик бошқа ҳуқуқий жавобгарлик билан бир вақтда тайинланиши мумкин. Масалан, жиноят содир қилиш натижасида моддий зарар етказилган тақдирда суд айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш билан бирга, фуқаровий ҳуқуқий жавобгарликка тортиши мумкин ёки жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортилиши муносабати билан у ишлайдиган корхона маъмурияти уни ишдан ҳам бўшатиб, интизомий жазо чорасини қўллаши мумкин.

4-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари кимлар?
2. Жиноий жавобгарликнинг асоси нима?
3. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун қандай асослар бўлиши керак?
4. Жиноятларнинг рўйхати қаерда берилган ва бу рўйхат қатъийми ёки тахминийми?
5. Жиноий жавобгарлик нима?
6. Жиноий жазо қўллаш нима?
7. Жиноий жавобгарликнинг вақт бўйича чегараси борми?
8. Жиноий жавобгарликнинг интизомий, маъмурий жавобгарликдан фарқи нимада?

Фойдаланилган ва ушбу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Курс советского уголовного право в 6 томах. Т. 2, М: “Наука”, 1970.

2. Брайнин Я.М. Уголовная ответственность и ее основание в Советском уголовном право.М: 1969.
3. Т.А.Лесниевский-Костарева. Дифференциация в уголовном ответственности.М: “Норма”, 2000.
4. Л.В.Багри-Шахматов. Уголовная ответственность и наказание. Минск. 1976.
5. Ю.М.Антонян. Преступность среди женщин.М: 1992.
6. И.Я.Казаченко. Вопросы уголовной ответственности и наказания лиц, страдающих психическими расстройствами не исключающими вменяемости. “Государство и право”, 2001. №5, ст.75.
7. М.Х. Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Тошкент- “ILM ZIYO” -2005 96-103 бетлар.

V БОБ. ЖИНОЯТ ТАРКИБИ

1-§. Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг аҳамияти

Жиноят қонунида кўзда тутилган муайян ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жиноийлигини ифодаловчи томонлар (элементлар) йиғиндисига жиноят таркиби деб айтилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига биноан жиноий жавобгарликнинг ягона асоси ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркибининг барча томонлари (элементлари)нинг мавжудлиги экан, жиноят таркиби томонларини батафсил таҳлил қилмасдан, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмайди. Чунки қонунда жиноий жавобгарликнинг ягона асоси сифатида шахснинг содир қилган қилмишида Жиноят кодекси Махсус қисмининг аниқ бир нормасида назарда тутилган ҳуқуқий актнинг белгилари бўлиши кераклиги талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, ҳар бир моддада муайян жиноят таркибининг белгилари кўрсатилади. Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва муайян жиноятни содир этишда айбдор деб топилиши учун жиноят ҳуқуқи қоидаларига мувофиқ равишда шахснинг қилмишида муайян жиноят таркиби борлиги аниқланади. Одил судлов органлари ўз ихтиёрлари ёки хоҳишларига кўра агар қилмишларда жиноят таркиби бўлмаса, шахсни жиноий жавобгарликка торта олмайдилар. Аналогия бўйича жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Инсоннинг ижтимоий хавфли қилмиши аниқ ҳақиқат бўлса, жиноят қонуни нормасининг диспозициясида шундай қилмиш жиноят деб ҳисобланиб, юридик жиҳатдан баҳо берилади.

Жиноят таркиби жиноий жавобгарликнинг ягона асоси ҳисобланар экан, шахснинг ҳаракатида муайян жиноят таркибини аниқлашнинг ўзи тайинланадиган жазо муддатини белгилаб бера олмайди.

Жиноий жавобгарликнинг асослари деганда, қонуний асосларга кўра шахсни жиноий жавобгарликка тортилаётганлиги, қандай асосларга кўра шахсни жиноят содир этишда айбланаётганлиги ва қандай асосларга кўра жиноят қонунида назарда тутилган жазога тортилаётганлиги ҳақида сўз кетади. Судья шахсни ижтимоий хавфли деб ҳисоблаганлиги учун эмас, балки шахснинг ижтимоий хавфли

қилмишида қонунда белгиланган муайян жиноят таркибини аниқлаганлиги учун уни жиноят содир этишда айбли деб топади.

Шахснинг содир қилган ижтимоий хавфли қилмиши жиноий жавобгарликнинг фактик асоси бўлса, жиноят таркиби эса, жиноят-ҳуқуқий норманинг диспозициясида бундай қилмишни жиноят деб ҳисоблаш, юридик тушунча беришдан иборат бўлган норматив асосдир. Масалан, содир этилган қилмишда ЎзР ЖК нинг 168-моддасида фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Агар содир этилган қилмишда фирибгарлик жиноят таркибининг белгилари бўлса, қилмиш фирибгарлик жинояти деб топилади. Қилмишни жиноят деб ҳисоблаб жиноят қонунида белгиланишнинг ўзи жиноий жавобгарликнинг ягона асоси бўлмасдан, балки шахс шундай ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган бўлиши керак. Шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши бўлмаса жиноий жавобгарликнинг асослари ҳам йўқ. Демак, жиноий жавобгарликнинг асоси илмий абстракция сифатидаги жиноят таркиби эмас, балки у ёки бу жиноят таркибининг аниқ белгилари бўлган қилмиш муайян жиноят учун жавобгарликнинг асослари бўлади.

Қилмишга жиноят сифатида ҳуқуқий баҳо беришда ана шундай бир қанча қилмишлар (масалан, одам ўлдириш)нинг энг муҳим белгилари умумлаштириб, қонун чиқарувчи орган унинг энг муҳим белгиларини ажратиб олади ва ўша жиноятнинг моделини қонунда ишлаб чиқади. Одам ўлдириш жиноятининг энг муҳим белгилари сифатида, қонун чиқарувчи орган айбнинг хусусияти ва ўлим келиб чиқиши тарзидаги оқибатни ҳисобга олган. Одам ўлдириш ҳаракати содир этилиб, шахснинг ҳаёти учун муҳим бўлган аъзоларига жароҳат етказилишида ифодаланган ҳаракатларни ҳисобга олган. Бошқа ҳолатлар, масалан, жиноят жойи (уйда) кўчада (ва ҳоказо жойда), вақтни (кечаси, кундузи), жабрланувчининг ёши, жинси, аёл ёки эркаклиги ва ҳоказоларни ҳисобга олмаган. Қонунда муайян қилмишнинг муҳим белгиларини баён қилиниши билан бу қилмиш жиноят ҳисобланади ва бу белгилар ўша ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят таркиби томонлари бўлади.

Жиноят кодекси Махсус қисми нормаларида муайян жиноят таркибининг энг кам (минимал) белгилари квалификация қилишнинг зарурий белгилари сифатида олинади. Содир этилган қилмишлар ана шу қонунда назарда тутилган жиноят таркибининг минимал белгилари мавжуд бўлса, шахс ўша норма билан жавобгар қилинади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ана шу аниқ жиноятлар таркибининг белгилари асосида жиноят таркибининг умумий тушунчаси ишлаб чиқилган. Жиноят таркибининг умумий тушунчасида Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятлар таркибининг умумлаштирилган таркибий тушунчаси берилди.

Жиноят таркиби ҳақидаги масалалар Ўзбекистонда О.Х.Расулов¹, А.С.Якубов² ва бошқа олимларнинг илмий ишларида баён қилинган ва ривожлантирилган.

Олимлар ўртасида жиноят таркиби тўғрисида турли фикрлар билдирилганлигига қарамай, уларнинг кўпчилиги жиноят таркиби тушунчасининг объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборат эканлигини тан оладилар. Жиноят таркиби ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида аниқлашга хизмат қилади деб таъкидлайдилар.

Жиноят таркиби-ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят деб ҳисоблашнинг қонунда белгиланган зарурий объектив ва субъектив белгилари йиғиндисидир.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида муайян қилмишни жиноят деб ҳисоблаш билан бирга жиноят таркибининг муҳим белгиларини ва шундай жиноят учун тайинланадиган жазо тури ва жазонинг миқдор ва муддатлари доираси кўрсатилади. Шахсни муайян жиноятни содир этишда айбдор деб топиш масаласини фақат суд ҳал қилади. Суддан бошқа бирорта давлат органига ёки мансабдор шахсга бундай ваколат берилмаган.

ЎзР Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин. Ушбу Пленум қарорларининг 2-бандида судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо Жазо қўлланиши шартлигини билдирмайди-дейилади.

Жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо тушунчалари ўз ҳуқуқий табиатига кўра бир-биридан фарқ қилишини инобатга олган ҳолда Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган

¹ Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм., Т. «Ўқитувчи», 1969.

² Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учета о преступлениях. Т., 1996.

жавобгарликнинг муқаррарлиги тамайили жазонинг ҳам шартлигини тақозо этмаслиги суд ва тергов ходимларига тушунтирилсин, дейилади¹. Шундай қилиб, содир этилган жиноий қилмишнинг белгиларини ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноят таркиби белгилари билан солиштириб, қандай жиноят содир этилганлиги аниқланади. Буни жиноят ҳуқуқида жиноятни квалификация қилиш деб айтилади. Айнан ана шу йўл билан қандай жиноят содир қилинганлиги аниқланади. Бу белгиларнинг хусусияти шундаки, улар фақат қонунда белгиланади ва жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгилари бўлиб, терговчи ёки суд томонидан уларни ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Агар солиштирилаётган қилмишнинг белгилари Махсус қисми муайян моддасига айнан мос келса, демак, жиноят тўғри квалификация қилинган ҳисобланади.

Жиноятни тўғри квалификация қилиш, одил судловни амалга ошириш ва адолатли жазо тайинлашни таъминлаш ҳамда жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга жазо тури ва муддатларини тўғри белгилашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Бу принципдан заррача бўлсада четга чиқиш қонунчиликнинг бузилишига, адолатсиз жазо тайинланишига, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг муҳим асосларидан бири инсон ҳуқуқи ва эркинликларини олий қадрият деб тан олиш ва уларни ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», дейилади.

Шундай қилиб, жиноятни квалификация қилиш алоҳида содир этилган ижтимоий хавfli қилмишнинг белгиларини ЖК Махсус қисмининг муайян нормасида назарда тутилган жиноят таркибига солиштириш орқали қандай жиноят эканлигини аниқлашдан иборатдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралги қарорлари., Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорлари Тўплами 1991-2006 йиллар. Тошкент “Адолат” 2006 йил, 223 бет.

Жиноят ва жиноят таркиби. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят тушунчаси ва жиноят таркибининг умумий тушунчаси энг мураккаб бўлган масалалардан биридир. Жиноят тушунчаси ЖК нинг 14-моддасида берилган бўлиб, Жиноят кодекси билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади, дейилади. Бу жиноят тушунчаси ва жиноят таркиби тўғрисида гап кетганда битта ҳодиса, яъни жиноят ҳодисаси содир этилганлиги тўғрисида гап боради. Жиноят ва жиноят таркиби ўхшаш тушунчалар бўлсада, аммо улар мазмун ва моҳияти жиҳатидан айнан бир хил тушунчалар эмас.

Жиноят ва жиноят таркиби содир этилган объектив ҳақиқат бўлиб, инсон хулқининг юридик акти ҳисобланади.

ЎзР ЖК нинг 14-моддасида жиноят тўғрисида умумий тушунча берилган бўлиб, жазолаш таҳдиди билан жиноят қонунида тақиқланган қилмишни айбли содир қилишдан иборатлиги айтилади ва бу тушунчада ҳар бир жиноятнинг белгилари ифода этилмайди, балки жиноят тўғрисида умумий тушунча берилади, холос. Жиноят кодекси Махсус қисмининг ҳар бир моддасида эса алоҳида бир жиноятнинг жиноят таркибини ифодаловчи аосий белгилари берилади. Ҳар қандай жиноят инсоннинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида содир қилган ижтимоий хавфли қилмишидир. Чунки бундай қилмиш туфайли шахс ва жамиятнинг манфаатларига тажовуз қилинади. ЖК Махсус қисмининг моддаларида эса, шундай қилмишнинг содир этишни қонунда тақиқланганлиги, бундай тақиқларини бузиб содир этилганда шундай қилмишни содир этганликда айблилик ва жазога сазоворлик белгиланади.

Жиноятнинг умумий тушунчаси жиноятнинг ижтимоий-сиёсий мазмунини очиб беради, унинг ижтимоий хусусияти бўлган ижтимоий хавфлилигини кўрсатиб беради. Жиноят тушунчаси унинг белгиларини кўрсатиб, қилмишга тавсиф беради. Ижтимоий хавфли эканлигини белгилайди ва бу билан жиноий қилмишни бошқа ҳуқуқбузишлардан фарқини ҳам аниқлаб беради. Жиноий қилмишни квалификация қилишда фақатгина Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларигина эмас, балки Умумий қисми моддаларидан ҳам фойдаланилади. ЖК Махсус қисми нормаларини амалда тадбиқ қилишнинг умумий қоидалари ЖК нинг Умумий қисми моддаларида белгиланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормаларини ишлаб чиқишда қонун чиқарувчи орган муайян жиноят таркибнинг

белгиларини имкони борича аниқ қилиб белгилашга ҳаракат қилади. Жиноят таркибининг умумий тушунчаси эса жиноят таркибининг томонларини умумлаш-тирилган ҳолда ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда барча жиноятлар таркиби юзасидан абстракт (мавхум) тасаввур ҳосил қилади, холос. Бунда жиноят ҳуқуқи фақат Махсус қисми нормалари қоидаларидагина эмас, балки ЖК Умумий қисми қоидаларидан ҳам фойдаланади.

Шундай қилиб, жиноят таркибининг умумий тушунчаси бирон-бир нормада эмас, балки жиноят ҳуқуқи назариясида ишлаб чиқилади ва жиноятнинг юридик тавсифини ўзида ифода этади.

Жиноят таркибининг умумий тушунчаси илмий билишнинг муҳим босқичи ҳисобланиб фақат ўқув жараёнидагина эмас, балки дастлабки тергов органлари ва суд фаолиятида содир этилган жиноятни назарий жиҳатдан тўғри квалификация қилишнинг назарий базаси бўлиб ҳисобланади.

2-§. Жиноят таркибининг белгилари ва томонлари (элементлари)

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноят таркибининг назарий модели ишлаб чиқилган бўлиб, жиноят таркиби томонлари (элементлари) ва белгиларини ҳам алоҳида-алоҳида фарқини кўрсатиб беради. Уларни бир-бири билан алмаштириш, бирининг ўрнига бошқасидан фойдаланиш мумкин эмас. Шунга кўра, уларнинг ҳар бирининг тушунчасини алоҳида-алоҳида бериш керак бўлади.

Жиноят таркибининг белгилари — жиноятнинг энг муҳим хусусиятларини қонунда аниқ кўрсатилган тавсифидир.

Жиноят таркибининг томони (элементлари) эса, қонунда жиноят деб топилган ижтимоий хавfli қилмишнинг муайян томони (элементи) доирасига кирувчи белгилар гуруҳини ўз ичига олган жиноят таркиби структурасининг таркибий қисмидир. Ҳар бир жиноятнинг жиноят таркиби унинг объектив ва субъектив томонларини ифодаловчи белгилари йиғиндисидан иборат бўлиб, объектив томони белгилари жиноятнинг объекти ва объектив томонини ифодаловчи белгилари йиғиндисидан, субъектив томонини ифодаловчи белгилари жиноятнинг субъекти ва субъектив томонини ифодаловчи белгилари йиғиндисидан иборатдир.

Демак, жиноят таркиби тўртта томондан (элементлардан) иборат бўлиб булар жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва

субъектив томонидан иборат бўлиб, бу томонларнинг ҳар бирининг ўзига хос белгилари бўлиб, бу белгилар йиғиндиси жиноят таркибини ташкил қилади. Жиноят объекти ва объектив томони объектив ҳақиқатни ўзида мужассамлаштиради, субъекти ва субъектив томони жиноят содир қилган шахснинг субъектив хусусиятларини ифода қилади. Масалан, ўғрилик жиноятининг объекти мулк бўлса, объектив томондан ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торожд қилишда ифодаланса, бу жиноятнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган ҳар қандай шахслар бўлса, субъектив томондан қасддан қилинадиган жиноятдир. Талончилик жиноятининг объекти мулк бўлса, объектив томондан ўзганинг мулки очикдан-очик талон-торожд қилинади, субъекти ўн тўрт ёшга тўлган шахслар бўлса, субъектив томондан қасддан содир этилади.

Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб ҳисоблаш ва ЖК Махсус қисми муайян моддаси билан квалификация қилиш учун жинорий қилмишнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони таҳлил қилинади.

Жиноятнинг объекти — жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабат бўлиб, жинорий қилмиш туфайли ана шу ижтимоий муносабатга тажовуз қилинади ва унга зарар етказилади. Ҳар қандай жинорий тажовуз орқали бирон-бир ашёга, пулга ёки нарсага тажовуз қилинмай, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга тажовуз қилинади. Жиноятнинг объекти ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки фақат жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатдир.

ЎзР ЖК нинг 2-моддасига мувофиқ жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсониятнинг хавфсизлигидир.

Ижтимоий муносабат-одамлар ўртасидаги ташкилотлар, давлат ва фуқаролар ўртасидаги, кадриятлар юзасидан бўладиган муносабатдир. Ана шу муносабатларни амалга ошириш жараёнида моддий неъматлар ва бошқа қимматликлар ёки кишилар эҳтиёжларини қондирадиган моддий ёки моддий бўлмаган бойликлар яратилади. Ушбу муносабатлар жиноятнинг объекти ҳисобланиб, улар қонунларнинг муайян тармоқлари билан тартибга солинади. Жиноят қонуни эса ана шу объектларни ҳар қандай жинорий тажовузлардан ҳимоя қилади. Тажовуз қилинган объектнинг аҳамияти жамият учун қанчалик юқори бўлса, содир этилган

жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам юқори бўлади. Айнан жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабат жиноят объектининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноятнинг объектидан жиноятнинг предметини фарқлай билиш талаб қилинади. Жиноятнинг предмети жиноятчи бевосита таъсир қиладиган нарса, ашё бўлиши мумкин. Жиноятнинг предмети ижтимоий муносабат бўла олмайди, аммо ижтимоий муносабатнинг бир элементи бўлади. Масалан, жиноятчи велосипедни ўғрилаб кетса, велосипед ўғрилиқ жиноятининг предмети, шу велосипедга бўлган эгасининг эгалик ҳуқуқи эса ижтимоий муносабат ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноятнинг объекти учта турга бўлиб тавсифланади. Булар: умумий объект, махсус объект ва бевосита объектлардир.

Умумий объект барча жиноятлар учун умумий ҳисобланган объект бўлиб, унинг тушунчаси ЖК нинг 2-моддасида берилган.

Ҳар қандай алоҳида жиноят содир қилинганда, энг аввало, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга таъвоуз қилинади. Ана шу юқоридагиларга кўра, умумий объект-жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир.

Махсус объект — алоҳида гуруҳдаги жиноятлар учун умумий бўлган объектлардир. Махсус объект бир-бири билан ўхшаш бўлган объектлар гуруҳи (масалан, шахснинг ҳаётига қарши жиноятлар-нинг объекти шахснинг ҳаёти бўлиб, ЖКнинг 97-103-моддаларини ўз ичига олади) ёки фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларнинг объекти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бўлиб, ЖК нинг 141-149-моддаларини ўз ичига олади.

Махсус объект Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятларни муайян гуруҳга киритиб таснифлаш ва объектнинг ижтимоий аҳамиятига қараб бу бўлим ва бобларни ЖКдаги тартибдаги тизимда жойлаштириш имконини беради.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми бўлим ва бобларга бўлинган бўлиб, махсус объектни ҳам иккига бўлиб ифодалаш мумкин. Махсус объект ўз навбатида яна объектнинг турларига қараб гуруҳларга бўлинади. Жумладан, ЖК Махсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятлар жойлаштирилган. Демак, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ичида шахс

энг муҳим объект сифатида ЖК Махсус қисмининг биринчи бўлимига жойлаштирилган. Шахсга қарши жиноятлар ҳам ўз навбатида ҳаётга қарши, соғлиққа қарши, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавф туғдирувчи, жинсий эркинликка қарши, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши, шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга ажратилган. Демак, ЖК Махсус қисми биринчи бўлим учун умумий бўлган объект шахс бўлса, шахсга қарши жиноятлар ўз навбатида объектларнинг айнан ўхшашига қараб бобларга бўлинган ва энг муҳим объект сифатида инсон ҳаётига қарши жиноятлар шахсга қарши жиноятлар тизимида биринчи ўринга қўйилган ва объектнинг аҳамиятига қараб шахсга қарши жиноятлар гуруҳи муайян тизимда жойлаштирилган.

Бевосита объект-жиноят айнан қайси ижтимоий муносабатга бевосита қаратилган бўлса ана шу ижтимоий муносабат бевосита объект ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг ҳар бир моддасида алоҳида бир ижтимоий муносабатни ҳимоя қилади. Шунга кўра, ЖК Махсус қисмининг алоҳида моддаси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат бевосита объект ҳисобланади. Масалан, ЖК 97-моддаси (қасддан одам ўлдириш)нинг бевосита объекти инсон ҳаёти бўлса, 104-моддаси (қасддан баданга оғир шикаст етказиш) нинг бевосита объекти шахснинг соғлиғидир.

Жиноятнинг объектларини таснифлашда умумийликдан махсусликка, махсусликдан алоҳидаликка деган қоидага асосланилади. Яъни умумий объектдан махсус объектлар гуруҳи ажратилади, махсус объектлар эса алоҳида объектларга ажратилади ва ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятлар объектига кўра тавсифланади.

Жиноят таркибининг яна бир муҳим томони (элементи) жиноятнинг объектив томонидир.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қилинган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ташқи ҳолатларини ифодаловчи белгилар жиноятнинг объектив томони деб айтилади.

Жиноятнинг объектив томони кишининг сезги аъзолари (эшитиш, кўриш, англаш, мазаси ва ҳидини билиш) орқали киши биладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ташқи ҳолатларини ифодаловчи ташқи томонидир. Ҳар қандай инсон томонидан қилинадиган қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар) ички ва ташқи моҳиятга эга бўлиб, объектив томони қилмишнинг ташқи ҳолатидир. Жиноий қилмиш ҳам ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали

содир этилиб, жиноятни содир этишда ишлатилаётган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг усули, ҳаракат қилиш шароити, вақти, жойи, жиноят натижасида келиб чиққан оқибат ва ҳоказоларда намоён бўлади. Жиноят натижасида шахсга, давлатга, жамиятга зарар етказилади. Ана шу етказилган зарар жиноятнинг объектив томонининг белгиси сифатида муайян ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб ҳисоблашнинг асоси сифатида олинади ва қонунда жиноят деб белгиланади.

Жиноятнинг объектив томони ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дан ижтимоий хавфли оқибат, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан келиб чиққан оқибати ўртасида сабабий боғланиш, жиноят содир қилиш усули, вақти, жойи, шароити, жиноят содир қилиш қуроли ва воситалари жиноят субъектив ва объектив томонининг белгилари ҳисобланади. Қонунда бу белгиларнинг барчаси, барча жиноятлар учун зарур бўлган белгилар эмас. Ҳар бир жиноят ўзига хос белгилари орқали бир-биридан фарқ қилади. Бу белгиларнинг бир қисми Жиноят кодексида назарда тутилган барча жиноятлар учун зарурий бўлса, бир қисми фақат бу жиноятларнинг бир қисми учунгина зарурий белгилардир.

Барча жиноятлар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилганлиги, жиноят натижасида муайян оқибатлар юз берганлиги, келиб чиққан оқибат билан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ўртасидаги сабабий боғланиш ЖК да назарда тутилган барча жиноятлар учун жиноят объектив томонининг зарурий белгилари ҳисобланса, жиноят содир қилиш усули, шароити, вақти, жойи, қуроли, воситаси ва бошқа белгилари ҳам жиноят объектив томонининг қонунда назарда тутилган белгилари ҳисобланади. Лекин бу белгилар барча жиноятлар учун зарурий белгилар бўлмай, балки бир қисм жиноятлар учунгина зарурий белгилар ҳисобланади. Шунинг учун бу белгилар жиноят объектив томонининг факультатив белгилари деб айтилади.

ЖК Махсус қисмининг ҳар бир моддасида ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи белгилари кўрсатилади. Айрим моддаларда бу белгилар умумлаштирилган шаклда ифода этилса, (масалан ЖКнинг 102-моддасида — эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш деб ифодалаш билан чекланилган), 104-моддасида қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг объектив томонини ифодаловчи белгилар батафсил кўрсатилган. Айрим моддаларда эса жиноят қонунидан бошқа қонун нормаларида назарда тутилган қоидалар бузилганлигига ҳавола қилинади (масалан, қилмишни ЎЗР ЖК нинг

266-моддаси билан квалификация қилиш учун ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузиш натижасида ЖКнинг муайян моддасида назарда тутилган оқибатнинг келиб чиққанлиги талаб қилинади. Бир қатор моддаларда жиноят объектив томонини ифодаловчи белгилар жиноят натижасида келиб чиққан оқибатнинг даражаси (масалан 170-модда ва ҳоказолар) билан боғланса, айрим моддаларида олдин маъмурий таъсир чораси қўлланилганидан кейин шундай қилмишни содир қилиш жиноий қилмишга асослангани билан боғланади. Масалан, 139 ва 140-моддаларида тухмат ёки ҳақорат қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий қилмиш эканлиги назарда тутилган.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида жиноятнинг объектив томони қандай ифода этилган бўлмасин, қонун билан қўриқланадиган объектга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфи остида қолдириш мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жиноят деб ҳисоблашга асос бўладиган юридик шаклидир.

Жиноят таркибининг яна бир муҳим томони (элементи) жиноятнинг субъектив томонидир.

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг ўз ижтимоий хавfli ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавfli оқибатларга бўлган руҳий муносабатидир.

Юқорида баён қилганимиздек, жиноятнинг объектив томони қилмишнинг ташқи ҳолатларини ифодаловчи аломатлари бўлса, субъектив томони қилмишнинг ички моҳиятини ифодаловчи томонидир. Жиноятнинг объектив томони шахснинг онги ва иродасида содир бўладиган руҳий жараёнлар ҳисобланади. Жиноятнинг субъектив томони жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлган ёки жиноят содир қилиш вақтидаги руҳий фаолияти билан боғлиқдир.

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг тафаккурий ва иро-давий жараёнлар бирлигидан иборат бўлиб, шахс хулқининг жи-ноий қилмиш ҳисобланган қилмишини объектив томонида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда жиноят объектив томонини ифода-ловчи белгиларни таҳлил қилиш орқали субъектив томони аниқланади.

Шахсда жиноят содир қилиш вақтидаги тафаккурий ва иродавий жараёнлар жиноятда айбли эканликни ифодалайди. Содир этилган қилмишга ва ундан келиб чиққан оқибатга нисбатан шахснинг

муносабати унинг айбини белгилайди. Шунга кўра, айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Қонунда айбнинг иккита шакли назарда тутилган бўлиб, булар қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айбдир. (ЖКнинг 20-моддаси). Қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айб жиноятчи руҳий фаолиятининг тафаккурий ва иродавий жараёнларнинг турли кўриниши бўлиб ҳисобланади.

Шахснинг тафаккурий ҳолати унинг онгини белгилаб, қуйидаги хусусиятларда ифодаланади:

а) шахснинг ўз жисмоний хулқининг ва бу хулқнинг ижтимоий хавфлилигини англаши;

б) ижтимоий хавфли оқибатнинг муқаррар келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлигини англаши;

в) енгилтаклиги ёки бепарволиги туфайли ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини, ёки келиб чиқишини англай олмаслиги, аммо англай олишининг зарурлиги.

Иродавий ҳолат эса қуйидагиларда ифодаланади:

а) шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида оқибат келиб чиқишини истаганлиги;

б) шундай оқибат келиб чиқишини хоҳламаган бўлсада, шундай оқибатнинг юз беришига бепарво муносабатда бўлганлиги;

в) келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни бартараф қилиш тўғрисидаги фикрининг хом хаёллиги¹.

Айб шакллариининг тушунчалари ЎЗР ЖК нинг 21,22-моддаларида умумлаштирилган ҳолда баён қилинган.

Амалда жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганини қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи белгиларини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Бундан ташқари, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкинлиги кўрсатилади. Агарда Жиноят кодекси моддасида ўша жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган бўлса, демак ўша жиноят содир этиш шаклига кўра фақат қасддан ёки фақат эҳтиётсизликдан содир этилади ва бу барча учун маълум бўлганлиги учун модда диспозициясида махсус кўрсатишга ҳожат қолмайди. Масалан, одам ўлдириш қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноят бўлганлиги туфайли 97-моддада одам ўлдириш фақат қасддан содир этилиши, 102-моддада

¹ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть., М. "Юристъ", 2001, стр. 89.

фақат эҳтиётсизликдан содир этилиши махсус кўрсатилган. Босқинчилик жинояти (164-модда) фақат қасддан содир этиладиган жиноят бўлганлиги учун бу жиноятни қасддан содир этилишини ушбу моддада махсус кўрсатишнинг ҳожати йўқ. Транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш фақат эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноят бўлганлиги туфайли бу ерда эҳтиётсизликдан қилинишини махсус кўрсатишга ҳожат йўқ.

Айрим қасддан содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддаларда жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган айб шаклидан ташқари, жиноятнинг мотиви ва мақсади ўша жиноят таркиби учун квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилади. Масалан, ЖК 124-моддасида тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш учун жавобгарлик белгиланган, ёки 237-модданинг (ёлғон хабар бериш) 2-қисми «б» бандида ғаразгўйлик ниятларида ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноятдаги айб шаклини тўғри аниқлаш қилмишнинг тўғри квалификация қилиш ва одил судловни амалга оширишнинг энг муҳим шартидир.

Жиноят таркибининг яна бир томони (элементи) жиноятнинг субъектидир. Жиноят содир қилиш пайтида қонунда кўрсатилган ёшга тўлган ақли расо шахслар жиноятнинг субъекти бўлади. (ЖКнинг 17-моддаси) Демак, жиноятнинг субъекти жиноят содир этишда айбланиб, давлат олдида ўз жинойий қилмиши учун жавоб бериш мажбуриятига эга бўлган шахсдир.

Жиноятнинг субъекти Ўзбекистон ёки чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар агар улар қонунда назарда тутилган ёшга етган бўлсалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жиноятнинг субъекти бўла оладилар. (Бундан экстерриториал ҳуқуқдан фойдаланадиган шахслар мустасно)

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига биноан фақат жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти бўладилар. Юридик шахслар (корхона, муассаса, ташкилотлар), шу жумладан нодавлат ташкилотлар жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар. Юридик шахс томонидан шахсларга ёки бошқа юридик шахсларга зарар етказилса, юридик шахслар эмас, балки шундай зарарнинг етказилишида айбдор бўлган корхона раҳбарлари, яъни жисмоний шахслар жинойий жавобгар бўладилар.

Жиноятнинг субъекти ҳар қандай шахслар эмас, балки ўз ҳаракатларини идора қила оладиган, ҳаракати туфайли келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни англай оладиган ақли расо шахсларгина жиноятнинг субъекти бўла оладилар. Ўз ҳаракатларини идора қила олиш ва оқибатини англаш тушунчалари ЎЗР ЖК нинг 21 ва 22-моддаларида берилган.

Шахснинг қонунда белгиланган ёшга етганлиги тушунчаси эса ЖКнинг 17-моддасида кўрсатилган бўлиб, жиноят содир қилиш пайтида 16 ёшга тўлган шахслар жиноятнинг субъекти бўла оладилар. Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган) жиноятни содир этганлиги учун ўн уч ёшга тўлганлар, шундай қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини, жиноят эканлигини ҳам билиши мумкин бўлган бир қатор (17-модданинг 3-қисмида кўрсатилган) жиноятларнинг субъектлари 14 ёшга тўлган шахслар бўла оладилар. Шу модданинг 4-қисмида 18 ёшга тўлганлар субъекти бўла оладиган жиноятларнинг рўйхати берилган.

ЖК 17-моддасида белгиланган жиноят субъект ёши қатъий бўлиб, бу ёшга тўлмаганлар муайян жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиш учун шахснинг қонунда белгиланган ёшга етганлиги ва ақли расолиги етарли бўлмай, яна бошқа белгиларнинг бўлиши ҳам талаб қилинади. Бундай белгилар шахснинг мансабдорлиги, ҳарбий хизматчи эканлиги, олдин судланганлиги, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист эканлиги ва ҳоказо махсус белгилари бўлиши ҳам талаб қилинади. Жиноят ҳуқуқида бундай субъектларни махсус субъектлар деб топилади.

3-§. Жиноят таркибининг зарурий ва факультатив белгилари

Жиноят таркибининг томонлари ва ЖК Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган жиноятлар таркибининг бир хил эмаслигини кўрамиз. ЖК Махсус қисмининг айрим моддаларида ўша жиноят таркибининг барча белгилари батафсил кўрсатилган бўлса, бошқа бир моддасида ўша жиноят учун зарур бўлган энг асосий белгилари кўрсатилган. Жиноят ҳуқуқида алоҳида жиноятлар таркибини таҳлил қилиб ва умумлаштириб жиноят таркиби тўғрисидаги умумий таълимот ва ана шу асосида жиноят таркиби тўғрисидаги умумий қоидалари ишлаб чиқилган.

Жиноят таркиби тўғрисидаги қоидалар жиноят ҳуқуқининг бош масалаларидан бири бўлиб, қилмишни жиноят деб ҳисоблашнинг, жиноий қилмишни тўғри квалификация қилишнинг, жавобгарликнинг асосларини белгилашнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Шунга кўра ҳар бир ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва ҳуқуқни амалда қўлловчи органлар ходимлари жиноят таркибига тегишли масалаларни чуқур ўзлаштириб олишлари керак.

Жиноят таркибининг умумий белгиларини иккига бўлиш мумкин булар:

- а) жиноят таркибининг зарурий белгилари;
- б) жиноят таркибининг факультатив белгилари.

Жиноят таркибининг зарурий белгилари ЖК да назарда тутилган барча жиноятлар учун зарур бўлган белгилардир. Бу белгилар барча жиноятлар таркиби учун шарт бўлган энг кам белгилардир. Ҳар қандай жиноят таркибини ишлаб чиқишда ана шу белгилар асосий белги сифатида олинади. Кўпчилик жиноят таркиблари учун ана шу зарурий белгиларидан бошқа белгилар жиноят таркибидан ташқарида бўлган белгилар бўлиб қолади. Зарурий белгилар барча жиноятлар учун шарт бўлиб, ЖК Махсус қисми моддаларида ёки ЖК Умумий қисмида асосий қоида тариқасида назарда тутилади.

Жиноят таркиби барча томонлари (элементлари) учун зарурий бўлган белгилар қуйидагилардир:

- а) жиноятнинг объектини — ижтимоий муносабатни тавсифловчи белгилар;
- б) объектив томонини, яъни ижтимоий ҳавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликни тавсифловчи белгилар;
- в) субъектив томонини, яъни айбни тавсифловчи белгилар;
- г) субъектни, яъни жисмоний шахснинг ақли расолиги, муайян жиноят учун жавобгарликка тортилиш ёшини тавсифловчи белгилар.

Жиноят таркибининг факультатив белгилари барча жиноятлар учун зарурий бўлмаган, аммо ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида назарда тутилган жиноят таркиблари учунгина зарурий ҳисобланган белгилардир.

Жиноят кодекси Махсус қисмида шундай жиноятлар борки, қилмишни ўша модда билан квалификация қилиш учун жиноят таркибининг умумий белгилари камлик қилади.

Қонун чиқарувчи орган ана шундай таркибли жиноятларни ажратиб, яна бошқа белгиларнинг ҳам бўлиши кераклигини кўрсатиб,

ўша моддани тузиб чиққан. Факультатив белгилар қандайдир қўшимча белги бўлмасдан, бу белгиларсиз қилмишни ўша модда билан квалификация қилиб бўлмайди. Демак, факультатив белгилар ҳам муайян жиноятлар учун жиноят таркиби доирасига кирадиган, қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Масалан, қилмишни ЖК нинг 210-моддаси (пора олиш) билан квалификация қилиш учун субъект мансабдор шахс бўлиши керак. Уй-жойга кириб талончилик қилишда (166-модданинг 3-қисми «б» банди) айбланиш учун шу жиноят таркиби объектив томони учун факультатив белги ҳисобланган жиноят жойи, яъни уй-жойга кириб, талончилик қилиш содир этилган бўлиши керак. Демак, жиноят таркибининг факультатив белгилари жиноят таркибининг умумий белгилари нуқтаи назардан олганда факультатив белги, бир норма жиноят таркиби нуқтаи назардан олганда факультатив белгилар зарурий белги сифатида жиноят таркиби доирасига киради.

Жиноят таркибининг факультатив белгилари:

а) жиноятнинг объектини тавсифловчи белгилар, яъни қўшимча объектли жиноятлар (масалан, босқинчилик, безорилик ва ҳоказолар);

б) объектив томонини тавсифловчи белгилар, яъни жиноят жойи, усули, шароити, қуроли ва ҳоказолар;

в) субъектив томонини тавсифловчи белгилар, яъни жиноятнинг мотиви, мақсади;

г) жиноят субъектини тавсифловчи белгилар, яъни махсус субъектлар, (мансабдор шахс эканлик, ўта хавфли рецидивистлик ва ҳоказо).

Жиноят ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида содир этилиши мумкин ва шунга кўра бу жиноятлар мазмунига кўра етказилган зарарнинг миқдори турлича, ижтимоий муносабатнинг аҳамияти жиҳатидан ҳам ҳар хил бўлади. Жиноий тажовуз бир вақтнинг ўзида бир неча ижтимоий муносабатга (объектга) нисбатан тажовуз қилиниши, бу ижтимоий муносабатлар бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда тажовуз қилинган ижтимоий муносабатларнинг бири асосий объект, бошқаси эса қўшимча объект бўлиши мумкин. Масалан, босқинчилик жинояти (ЖК 164-моддаси) шахснинг ҳаёти ёки соғлиққа хавфли бўлган зўрлик ишлатиб содир этилади. Аммо қонун чиқарувчи орган бу жиноятни мулкий жиноятлар гуруҳига киритган. Чунки шахс ўзганинг мулкини **Ғайриқонуний** равишда эгаллаш учун ҳужум қилади. Субъектнинг асосий мақсади шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ёки баданига шикаст

етказиш эмас, балки ўзганинг мулкани **Ғайриқонуний** йўл билан эгаллашнинг энг хавфли усулини танлаган ва бунда мулк эгасининг қаршилигини синдириш мақсадида унинг ҳаёти ёки соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатади. Шунга кўра босқинчилик жиноятида мулк асосий объект сифатида қатнашади. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиги учун хавфли бўлмаган ҳужум босқинчилик жиноятини ташкил қилмайди ва ҳоказолар.

ЖК Махсус қисмида шундай жиноятлар борки, бу жиноятлар таркиби учун жиноят предмети ушбу жиноят таркиби учун зарурий белги сифатида жиноят таркиби доирасига киради. Масалан, ЎзР ЖК 176-моддасида қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш жиноятларида бу нарсалар жиноятнинг предмети сифатида шу жиноят таркиби доирасига кирувчи зарурий белги ҳисобланади.

ЖК Махсус қисмидаги бир қатор жиноятлар таркиби учун жиноят содир қилиш вақти, жойи, усули ва ҳоказолар жиноят таркиби доирасига киритилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган.

Жумладан, ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» бандида ўта шафқатсизлик билан, «л» бандида безорилик оқибатида одам ўлдириш назарда тутилиб, усул зарурий белги сифатида қатнашмоқда. Одам ўлдиришни («е» банди) оммавий тартибсизликлар жараёнида содир қилганлик учун жавобгарлик белгиланиб, вақт зарурий белги сифатида қатнашмоқда, уй-жойга кириб босқинчилик, талончилик ёки ўғрилик жиноятини содир қилиш жиноятида жиноят жойи жиноят таркиби доирасига киритилиб қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида қатнашмоқда.

ЖК Махсус қисмининг асосий кўпчилик моддаларида жиноий оқибатнинг миқдори ёки даражаси жиноят таркиби доирасига зарурий белги сифатида киритилган. Масалан, талончилик (ЖК 166-моддаси) анча миқдорда қилинса, ушбу модданинг 2-қисми («б» банди), кўп миқдорда қилинса, 3-қисми («в» банди), жуда кўп миқдорда қилинса, 4-қисми («а» банди) билан жавобгарлик белгиланган.

ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида жиноят субъектив томонининг факультатив белгиси ҳисобланган жиноятнинг мотиви ва мақсади зарурий белги сифатида жиноят таркиби доирасига зарурий белги сифатида киритилган.

Жумладан 97-модданинг 2-қисми «и» бандида ғараз мақсадларда одам ўлдириш, 133-модданинг 2-қисми «а» бандида ўлган одамнинг аъзоларини ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда ажратиб олиш учун, 139-модданинг 3-қисмининг «г» бандида тухмат, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир қилганлик учун жавобгарлик белгиланган ва ҳоказолар.

Субъектнинг факультатив белгилари сифатида шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниши мумкин. Масалан, субъектнинг тиббиёт ходими, мансабдор шахс эканлиги, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист эканлиги ва ҳоказолар.

Юридик адабиётларда жиноят таркиби факультатив белгилар аҳамиятининг уҳта жиҳатини кўрсатадилар¹.

Биринчи жиҳатдаги аҳамияти- бу белгилар қонун чиқарувчи орган томонидан ўша норманинг асосий таркиби доирасига киритилиб, ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган белгилар (масалан, 205,206 фақат мансабдор шахслар томонидан содир қилиниши) шу моддаларнинг диспозициясида кўрсатилади. 192-моддада эса рақобатчининг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон маълумотларни тарқатиш учун жавобгарлик назарда тутилиб, бу «мақсад» субъектив томонининг белгиси сифатида шу модданинг диспозициясида кўрсатилган.

Иккинчи жиҳатдан аҳамияти шундан иборатки, бу белгилар жиноят таркиби доирасида жазони оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. ЖК Махсус қисмининг деярли кўпчилик моддаларида ўша жиноятнинг оғирлаштирувчи турлари сифатида назарда тутилиб, оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи белгилар кўрсатилган.

Учинчи жиҳатдан аҳамияти шундаки, бу белгилар жиноят таркиби доирасига кирмайдиган ва қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайдиган белгилар бўлиб, булар кўшимча белгилар бўлиши мумкин. Аммо қонунда бу белгиларга бефарқ қаралмай суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар ҳисобланади.

Бундай ҳолатлар ЎзР ЖК нинг 55 ва 56-моддаларида назарда тутилган бўлиб, 55-моддада суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобга олиниши мумкин бўлган белгиларнинг энг асосийлари назарда тутилган. 56-моддада эса жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб

¹ Бу ҳақда қаранг: Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М.: «Юристь», 1999, стр. 95-97.

ҳисобга олинадиган белгиларнинг қатъий рўйхати берилган. Ушбу белгилар қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига (ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ёки оширувчи) таъсир қиладиган бўлса, суд жазо тайинлашда ҳисобга олиши мумкин.

ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати қатъий бўлмай, ушбу рўйхатда кўрсатилмаган, аммо жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг камайишига таъсир қилувчи бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиш мумкин.

ЖК нинг 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, суд жазо тайинлашда шу моддада кўрсатилгандан бошқа ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиш мумкин эмас.

4-§. Жиноят таркибининг турлари

Жиноят таркибини турларга ажратиш учта мезонга асосланган ҳолда амалга оширилади:

- а) жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра;
- б) жиноят таркибининг тузилиши (структураси)га кўра;
- в) жиноят таркибининг объектив томонининг тузилиши (оқибати)га кўра:

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлашни тўртта турга бўлиш мумкин:

- 1) асосий (оддий) таркибли жиноятлар;
- 2) енгиллаштирувчи таркибли жиноятлар;
- 3) оғирлаштирувчи таркибли жиноятлар;
- 4) алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноятлар.

ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг ҳар хиллигини ҳисобга олиб, алоҳида моддаларда (масалан, ЖК нинг 104,105,109-моддалари) ёки муайян модданинг турли қисмларида назарда тутилади (масалан, бир неча қисмлардан иборат бўлган жиноятлар).

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи мезонлар ё унинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтиради ёки оширади. Бунда жиноят ижтимоий хавфлилик даражасининг сифат кўрсаткичлари (масалан, жиддий зарар, кўп ёки жуда кўп миқдордаги зарар) ёки миқдор кўрсаткичлари (биринчи марта содир қилинганлиги, такроран қилинганлиги ва ҳоказолар) олинади.

Жумладан ЎзР ЖК нинг 104-моддасида баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ўта шафқатсизлик билан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда 2-қисмининг «в» банди) тамагирлик ниятларида («д» банди) ва ҳоказолар баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи сифат кўрсаткичлари бўлса, шундай жиноятни бир гуруҳ шахс томонидан (2-қисми «к» банди), икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан (3-қисмининг «а» банди), такроран (3-қисмининг «б» банди) содир қилинганлиги ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи миқдор кўрсаткичларидир.

ЖК Махсус қисмининг айрим моддаларида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи мезонлар назарда тутилади. Буларга ЖКнинг 106-моддасини (кучли) руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасини (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш) ва ҳоказо моддаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Жиноят таркибининг тузилиши (структурасига қараб учта таркибдаги жиноятларга ажратиш мумкин: а) оддий таркибли; б) мураккаб таркибли; в) альтернатив (муқобил) таркибли жиноятлар.

Оддий таркибли жиноятларда жиноят таркибининг мураккаблаштирувчи ёки оғирлаштирувчи белгилари бўлмайди. Бундай таркибли жиноятларда объекти ҳам фақат битта, ҳаракатлар ҳам битта, ижтимоий хавфли оқибат ҳам битта бўлади. Субъектив томондан фақат ё қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. Оддий таркибли жиноятларга ЖК нинг 97-моддасининг биринчи қисмини (қасддан одам ўлдириш) ёки 102-моддасининг биринчи қисмини (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришни) мисол тариқасида келтириш мумкин, яъни субъектив томондан айб шакли ҳам битта бўлади.

Мураккаб таркибли жиноятларда бир неча объектлар ёки бир неча ҳаракатларнинг белгилари кўрсатилади. Масалан, босқинчилик жиноятида жиноий тажовуз туфайли мулкка ва шахснинг соғлиғига тажовуз қилинади. Номусга тегиш жинояти (118-модда) эса икки ҳаракатдан иборат бўлиб, биринчи ҳаракати зўрлик ишлатиш ёки кўрқитиш бўлса, иккинчи ҳаракати жабрланувчи билан жинсий алоқада бўлиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса (104-модданин 3-қисмининг

«д» банди) ва ҳоказо жиноятларни мураккаб таркибли жиноятлар сифатида кўрсатиш мумкин.

Альтернатив таркибли жиноятлар ҳам мураккаб таркибли жиноятларнинг бир кўриниши бўлсада, ўша модданинг диспозициясида бир нечта ҳаракатлар кўрсатилиб, улардан бири содир қилинишининг ўзи билан, шахсни ушбу норма билан жавобгар қилиш мумкин. Масалан, ЎзР ЖК нинг 157-моддасида давлатга хоинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисми диспозициясида душман томонга ўтиш, жосуслик, давлат сирларини чет эл давлатига етказиш; Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда чет эл давлатига ёрдам кўрсатиш ҳаракатлари давлатга хоинлик қилиш жинояти деб кўрсатилган. Демак, бу моддада бир нечта мустақил таркибига эга бўлган альтернатив ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ана шулардан бирини содир қилишнинг ўзи давлатга хоинлик қилиш деб ҳисобланаверади. Қилмишни ЎзР ЖК нинг 248-моддаси билан квалификация қилиш учун қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тайёрлаш, олиш, олиб юриш, сақлаш, олиб ўтиш ёки жўнатиш ҳаракатларидан бирини содир қилишнинг ўзи етарлидир.

Жиноят таркибининг объектив томонининг тузилишига (оқибатига) кўра тури. Жиноят ҳуқуқи бундай таркибли жиноятларнинг иккита тури назарда тутилган бўлиб, булар:

- а) моддий таркибли жиноятлар;
- б) формал таркибли жиноятлар.

Айрим муаллифлар булардан ташқари ҳам шу туркумдаги жиноятларга кесик таркибли жиноятларни ҳам киритадилар. Кесик таркибли жиноятларнинг оқибати моддий маънодаги зарарнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Чунки кесик таркибли жиноятларда жиноятнинг тамом бўлиш вақти унинг бошланишига яқинроқ бўлган вақтга кўчирилиб, жиноий оқибат жиноят таркиби доирасига киритилмаган, ҳам жиноят таркиби жиҳатдан бошқа таркибли жиноятлардан фарқ қилади.

Жиноятларни моддий ва формал таркибли жиноятларга ажратиш фақат жиноят ҳуқуқи фанида ўрганилади. Аммо улар жиноят таркибининг айрим жиҳатлари туфайли бир-биридан фарқ қилади.

Моддий таркибли жиноятлар — қонун чиқарувчи орган жиноят объектив томонининг белгиларинигина эмас, балки шундай қилмишнинг ижтимоий хавfli оқибатини ҳам кўрсатади. Ижтимоий

хавфли оқибат жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида Махсус қисми моддасининг диспозициясида кўрсатилади. Жумладан, ЖК 167-модданинг биринчи қисмида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан анча миқдордаги мулкни, иккинчи қисмида кўп миқдордаги мулкни, учинчи қисмида жуда кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган ёки 266-модданинг биринчи қисмида транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш қоидаларини бузиш жабрланувчининг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказганлик учун, иккинчи қисмида бир кишининг ҳалок бўлганлиги учун, учинчи қисмида эса одамлар ўлимига сабаб бўлганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Бунда ушбу жиноятнинг объектив томонининг зарурий белгиси сифатида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш ёхуд бир кишининг ўлими келиб чиқиши ёки одамлар ўлимига сабаб бўлган оқибатлар жиноят таркиби доирасига зарурий белги сифатида киритилган. Ушбу жиноят таркибида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, ундан келиб чиққан оқибат ҳамда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгилари ҳисобланади.

Формал таркибли жиноятларда келиб чиққан зарарли оқибат жиноят таркиби доирасига жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида киритилмаган ва Махсус қисми моддаси диспозициясида кўрсатилмаган бўлади. Бундай таркибли жиноятларда фақат қилмишнинг ўзи кўрсатилади. Бундай таркибли жиноятларга масалан, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (128-модда), давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш (215-модда), Халқаро учиш қоидаларини бузиш (265-модда) ва ҳоказоларни айтиш мумкин.

Кесик таркибли жиноятларда жиноят таркиби объектив томонини ифодаловчи қонунда белгиланган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ўзигина эмас, балки ижтимоий хавфли оқибатнинг аниқ келиб чиқиши учун хавф туғдирувчи, аммо ушбу оқибат жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилмаган жиноятлар киради. Айрим муаллифлар кесик таркибли жиноятларни формал жиноятларнинг бир

кўриниши деб ҳисоблайдилар¹. Масалан, босқинчилик (164-модда), товламачилик (165-модда), жиноий уюшма тузиш (242-модда) ва ҳоказолар.

Кесик таркибли жиноятларда жиноий ҳаракатнинг тамом бўлиш вақти олдинроққа сурилиб, ушбу жиноятни тамом бўлган, деб ҳисоблаш учун ЖК Махсус қисмининг шундай таркибли жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддасининг диспозициясида кўрсатилган ҳаракатни содир қилишнинг ўзи етарлидир. Жумладан, босқинчилик жинояти ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитишнинг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланади.

Бунда жиноятчи мулкни қўлга киритган ёки киритмаганлиги-нинг аҳамияти йўқ. Мулкни қўлга киритганлик оқибати жиноят таркиби доирасидан ташқарида қолмоқда. Қилмиш эса тамом бўлган жиноят (босқинчилик) деб квалификация қилинаверади.

Жиноят таркибини ана шу учта (моддий, формал, кесик) таркибли жиноятларга бўлиш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир жиноятнинг белгиларини тезда аниқлаш ва қонунга мувофиқ равишда квалификация қилиш имконини беради.

Улар жиноятнинг тамом бўлиш вақтини тўғри белгилаш ва қилмишни жиноят босқичлари нуқтаи назардан квалификация қилиш учун ғоят муҳимдир. Жиноят кодекси Махсус қисмининг барча моддаларидаги жиноятлар тамом бўлган жиноят деб ишлаб чиқилган ва унда шу жиноят учун шарт бўлган жиноят таркибининг барча белгилари назарда тутилган (шу жумладан кесик таркибли жиноятларда ҳам). Шунга кўра жиноий қилмишда ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг зарурий белгиларининг барчаси бўлиши керак. Моддий жиноятларда ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган жиноий оқибат юз берсагина жиноят тамом бўлган ҳисобланади.

Формал таркибли ва кесик таркибли жиноятларда эса ЖК Махсус қисми моддасида назарда тутилган ҳаракатни содир этишнинг ўзи билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Формал ва кесик таркибли жиноятларда жиноий оқибат келиб чиққан тақдирда ҳам қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Моддий жиноятларда эса

¹ Қаранг: Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М.: «Юристь», 2001, стр. 101.

қонунда назарда тутилган оқибат юз бермаса, қилмиш ЖК Умумий қисмининг 25-моддаси орқали квалификация қилинади.

5-§. Жиноят таркибининг жиноятни квалификация қилишдаги аҳамияти

Жиноятни квалификация қилиш содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг белгиларини ЖК Махсус қисмининг муайян нормасида назарда тутилган. Жиноят таркиби белгиларига солиштириб, уларнинг мослигини аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлашдир¹.

Содир этилган жиноятни тўғри квалификация қилиш, энг аввало, одил судловни амалга ошириш ва жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айбига яраша жазо тайинлашнинг асосий шarti ҳисобланади ва бу ўз навбатида муҳим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Суд жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан ҳукм чиқариш вақтида, содир этилган ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркиби борлигини, агар муайян жиноят таркиби бўлса, судловга тегишлилик масалалари (ЎЗР ЖПК нинг 396-моддаси) ҳал қилиши керак. Жиноят қонуни нормасини нотўғри қўлланиши ҳукмни ўзгартиришга ёки бекор бўлишига сабаб бўлади. (ЎЗР ЖПКнинг 83 ва 401-моддалари)

Жиноятни тўғри квалификация қилиш ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида шундай турдаги жиноятларнинг барчаси учун типик бўлган норманинг белгиларига содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг белгиларини тўғри аниқлаш ва солиштиришдан иборатдир. Жиноятни квалификация қилиш ишдаги ҳақиқий ҳолатларни ўрганиш, жиноят ҳуқуқий норманинг мазмунини ва маъносини аниқлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб иш жараёнидир. Чунки бунда ишдаги ҳақиқий ҳолатлар ўрганилиб, жамият учун хавф туғдирувчи инсон хулқининг конкрет актига ҳуқуқий (юридик) баҳо берилади.

Жиноятни квалификация қилиш бир неча босқичлардан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

1) ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонунини қўллаш (ЎЗР ЖКнинг 13-моддаси);

¹ Бу борада қаранг: Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификация преступлений.-М: 1972; Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. М. Изд-во МГУ. 1984; Тарарухин С.А. Теория и практика квалификации преступлений, Киев, 1978 г.

2) Жиноят кодексининг муайян моддаси ёки муайян қисмини, агар қилмиш бир неча жиноятлардан иборат бўлса, содир этилган конкрет ижтимоий хавфли қилмишнинг қонунда белгиланган белгилари бўйича бир неча моддаларни қўллаш;

3) агарда жиноят охирига етказилмаган бўлса ЖК Махсус қисми моддалари билан бирга Умумий қисми моддасини (25-модда) ёки жиноят иштирокчиликда содир қилинган бўлса (28,29-моддалар) бу нормаларнинг белгилари солиштирилиб, Махсус қисми моддалари билан биргаликда қўллаш;

4) бу нормаларнинг белгиларини конкрет содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга солиштириш.

Жиноятларни квалификация қилишнинг бу босқичлари фақат битта мақсадга, содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни тўғри квалификация қилишга қаратилган бўлиб, ҳаётда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг белгиларини қонундаги (ЖК Умумий ва Махсус қисми моддаларида назарда тутилган) нормаларга солиштиришдан иборатдир.

Шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмишида муайян жиноят таркибининг асосий ва қўшимча белгилари: жиноятнинг объектини ва айрим жиноятларда жиноятнинг предметини; жиноятнинг объектив томонини (зарурий ва факультатив) белгилари; субъектив томонининг белгиларини ҳамда жиноят субъектининг белгиларини тўғри аниқланиб, ЖК муайян моддаларига тўғри солиштирилса, жиноят тўғри квалификация қилинган ҳисобланади. Жиноятни тўғри квалификация қилишнинг ягона юридик асоси конкрет жиноят таркибидир. Агарда жиноий қилмишда қонунда назарда тутилган белгилардан кўпроқ белгилар бўлса, суд бу белгиларни жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олиши мумкин.

Жиноятни квалификация қилиш жараёнида инсоннинг конкрет ижтимоий хавфли хулқи туфайли содир этилган актга жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳо берилади. Бу баҳо бериш тегишли жиноят-процессуал ҳужжатларда (ҳукмда ёки қарорда) қайд қилинганидан кейин, жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жиноий жазо ёки мажбурий хусусиятдаги бошқача таъсир чораси қўлланади.

Жиноятни нотўғри квалификация қилиш, жиноятда айбланаётган шахсга нисбатан асоссиз равишда оғир жазо чорасини тайинланиши ёки асоссиз равишда енгил жазо чорасини тайинланишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида маҳкум учун ҳам, жамият учун ҳам салбий

оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, жиноятни нотўғри квалификация қилиш энг аввало, маҳкумнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига, бошқа шахсларнинг манфаатига, умуман олганда давлат манфаатларига путур етказди.

5-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят таркиби деб нимага айтилади ва жиноят таркибининг аҳамияти қандай?
2. Жиноят таркибининг элементлари (томонлари) ни айтинг.
3. Жиноят таркибининг белгиларини айтинг. Зарурий белгилари нима, факультатив белгилари нима?
4. Жиноят таркибининг турларини айтинг.
5. Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлашнинг турларини тушунтиринг.
6. Жиноятларни объектив томонига кўра таснифлашнинг турлари ва мезонларини тушунтиринг.
7. Формал таркибли жиноятларга қандай жиноятлар киради?
8. Моддий таркибли жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда ифодаланади?

Фойдаланилган ва ушбу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учета о преступлении. Т: 1996.
2. Ўзбекистон Республика Олий суди Пленумининг 2006-йил 3-февралдаги судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. ЎзР Олий суди пленуми қарорлари тўплами 1991-2006 йиллар. Т.”Адолат” 2006. 225-бет.
3. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М: “Юристь”, 2001.
4. В.Н.Кудрявцев. Общая теория квалификации преступлений. М: 1972.
5. Б.А.Куринов. Научные основы квалификации преступлений. М: МГУ, 1984.
6. С.А.Тарарухин. Теория и практика квалификации преступлений. Киев, 1978.

7. Мельников Ф. Квалификация преступлений с альтернативными составами. “Государство и право”, 2001, №10 ст.77.

8. Е.О.Алауев. Квалификация хищений, совершенных по подложным документам. Т. “Адолат”, 1994.

9. Н.Ф.Мурашов, И.И.Шумилова. Преступления: вопросы и ответы. М: 2001.

10. Л.В.Инагамова-Хегай. Конкуренция норм об освобождении от наказания. “Государство и право”, 2000, №2 ст. 54-64.

11. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М: “Норма-Инфра”, 2001, ст.35-58.

12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар.Т: “Адолат”, 1997, 37-46-бетлар.

VI БОБ. ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИ

1-§. Жиноятнинг объекти тушунчаси ва жиноят таркиби томонлари (элементлари) тизимида тутган ўрни

Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти бўлади. Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ЎзР ЖК нинг иккинчи моддасида берилган бўлиб, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг Конституциявий тузуми жиноятнинг объекти бўлади. Фақат жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларгина жиноятнинг объекти бўлади. Жиноят қонуни билан кўриқланмайдиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти бўла олмайди.

ЎзР ЖКнинг 2-моддасини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, бу моддада қонун билан кўриқланадиган энг муҳим ижтимоий муносабатлар умумий тарзда кўрсатилган ва унда объектнинг ижтимоий аҳамиятининг юқорилигига қараб кетма-кет баён қилинган. Объект аҳамияти жиҳатидан кетма-кет баён қилинар экан, демак шахс жамиятимизнинг қонун билан кўриқланадиган энг муҳим объекти ҳисобланади. Лекин шунга қарамасдан қонун билан кўриқланадиган объектларнинг барчаси жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали кўриқланади.

Жиноят ҳуқуқи жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг бир қисминигина ҳар қандай ижтимоий хавfli тажовузлардан ҳимоя қилади. Ижтимоий муносабатларнинг асосий кўпчилик қисми бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Масалан, қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасидаги муносабатлар фуқаровий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Қонун чиқарувчи орган ЎзР ЖКнинг 2-моддасининг 1-қисмида жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларни умумий тарзда баён қилиб, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектларни аниқлаш учун ЖК Махсус қисмининг барча моддаларида назарда тутилган объектларни таҳлил қилиш керак бўлади. Чунки ЖК Махсус қисмининг ҳар бир моддаси орқали ижтимоий муносабатларнинг муайян бири ҳимоя қилинади. Жиноят қонуни ушбу ижтимоий муносабатларни доимий равишда ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиб туради ва ана шу объектларга тажовуз қилинса жиноят ҳисобланади. Жиноят туфайли

ана шу ижтимоий муносабатларга зарар етказилади ёки зарар етказиш хавфи остида қолдирилади.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг рўйхати қатъий бўлсада, жамиятда юз берадиган ўзгаришлар ва жараёнлар жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар доирасининг ҳам ўзгариб туришига сабаб бўлади. Муайян бир ҳаракатлар жамият учун ижтимоий хавф туғдирган вақтда қонун чиқарувчи орган шундай муносабатга тажовуз қилганликни жиноят деб, Жиноят кодексига киритиши ёки ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган тақдирда ЖК дан чиқариб ташлаши мумкин. Олдинги, 1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексига жиноят деб ҳисобланган олтмишга яқин жиноят янги, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига киритилмади. Шунингдек, олдинги Жиноят кодексига жиноят деб ҳисобланмаган олтмишга яқин ижтимоий хавфли қилмиш янги Жиноят кодексига жиноят деб киритилди. Шунингдек, Жиноят кодексига янги моддалар (масалан, 184¹-модда — Бюджет интизомини бузиш — 1999 йил 15 апрел қонуни билан киритилган; Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш — 216²-модда 1998 йил 1 май қонуни билан киритилган ва ҳоказолар) киритилди. Айрим қилмишлар эса декриминализация қилиниб, Жиноят кодексидан чиқариб ташланди. (масалан, 187-модда — Харидор ва буюртматчиларни алдаш 2000 йил 15 декабрь қонуни билан Жиноят кодексидан чиқарилган ва ҳоказолар). Демак, вақт ўтиши билан айрим қилмишлар ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган тақдирда қонун чиқарувчи орган уни Жиноят кодексидан чиқариб ташлаб, декриминализация қилади. Ижтимоий хавфли тус олган қилмишларни Жиноят кодексига киритиб, криминализация қилади.

Жиноятнинг объекти — бу ижтимоий муносабатдир. Жиноятнинг предмети эса ижтимоий муносабат бўла олмайди.

Жиноят-ҳуқуқий муносабат шахснинг жиноят содир қилиши муносабати билан давлат ва жиноятчи ўртасида вужудга келадиган муносабатдир. Айнан ана шу муносабат бевосита жиноят ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабат ҳисобланади. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, жиноятнинг объектини ҳуқуқий норма билан аралаштириб юбормаслик керак. Агарда бирор шахс қонунни бузишда айбланар экан, ушбу шахс томонидан содир этилган

қилмиш қонунга хилофдир. Аммо бу тажовуз туфайли қонунга зарар етказилмайди, балки ушбу қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилади ёки зарар етказиш хавфи остида қолдирилади. Шу жойда шундай ҳолатни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим ҳолларда қонун билан қўриқланадиган объектга зарар етказилса, ёки зарар етказиш хавфи остида қолдирилса, қонунда улар жиноят ҳисобланмайди. Бундай қилмиш кам аҳамиятли қилмиш эканлиги ёки жиноят таркибининг бирор томонининг белгиси йўқлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди. Жиноят ҳуқуқида бундай қилмишларни “Қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатлар” деб ҳисобланади (ЎЗР ЖК нинг 36-41-моддалари). Айрим ҳолларда бундай қилмишлар жамият учун фойдали бўлган ҳаракатлардир.

Жиноятнинг объекти ижтимоий муносабатлар экан, ижтимоий муносабатларнинг мазмуни нималардан иборат? Ижтимоий муносабатларнинг мазмунини, унинг ички структурасини назарий жиҳатдан белгилаш, қуйидаги таркибий элементлардан иборат эканлигини кўрсатади:

1. Тажовуз қаратилган ижтимоий муносабатнинг предмети;
2. Ижтимоий муносабатнинг субъекти;
3. Ижтимоий фаолият билан белгиланадиган ижтимоий муносабатнинг мазмуни сифатидаги ижтимоий боғлиқлик.

Ижтимоий муносабатларнинг мазмуни очиб берилар экан, ижтимоий муносабатларнинг предмети ва жиноятнинг предмети бир хил тушунча эмаслигини ҳисобга олиниши керак. Ижтимоий муносабатнинг предмети ижтимоий муносабат ўзининг шакли ва мазмуни жиҳатидан жиноят предмети билан мос тушгандагина жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Айнан ана шундагина ижтимоий муносабатнинг предмети ўз мазмунининг ижтимоий табиатини тўғри ва тўла аниқлаш мумкин бўлади ва шунга кўра, жиноят-ҳуқуқий нормалар билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар аниқланади. Ижтимоий муносабатларнинг моддий предмети ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши, муайян ижтимоий вазифани бажариши керак.

Ижтимоий муносабатларнинг предмети ижтимоий муносабатларнинг бошқа элементлари ижтимоий муносабатнинг субъектлари ва ижтимоий алоқалари билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий муносабатларнинг субъектларини белгилаш жиноятнинг объекти сифатида қандай ижтимоий муносабатлар жиноятларнинг

объекти сифатида қатнашаётганлигини бу муносабатларнинг миқёсини ва шунга мувофиқ равишда жиноят қонунининг амал қилиш чегарасини аниқлаш имконини беради. Яна шуни ҳам эътибордан қолдирмаслик керакки, ижтимоий муносабатларнинг субъектлари жиноятнинг субъектлари билан муайян шароитда бир хил бўлиб қолиши мумкин, масалан, кўпгина иқтисодий жиноятлардаги мансабдорлик жиноятларида.

Жиноятнинг объекти ҳар бир жиноят таркибининг зарурий белгисидир. Жиноят қонуни билан кўриқланмайдиган объектга тажовуз қилиш жиноят ҳисобланмайди. Жиноятнинг объекти ҳар бир таркибининг зарурий белгиси бўлиш билан бирга, муайян жиноятнинг моҳияти ва унинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам белгилайди. Айнан жиноятнинг объекти орқали одам ўлдириш ёки ҳақорат қилиш ёхуд мулкни талон-торож қилиш жиноятларининг бир-биридан фарқини ажратиш мумкин.

Ҳар бир жиноят таркиби қилмишни юридик жиҳатдан баҳолашнинг асосий мезонидир. Аммо шуни назарда тутиш керакки, жиноят қонунда барча ҳолларда ҳам жиноят таркибининг объекти кўрсатилмавермайди. Жиноят кодекси Махсус қисмининг ҳамма моддаларида ҳам жиноятнинг объекти кўрсатилмаган. Агарда ЖК Махсус қисми моддасида жиноят таркиби объекти кўрсатилмаган бўлса, шундай қилмишларга қарши курашнинг ижтимоий-сиёсий мазмунига қараб аниқланади.

Айрим моддаларда муайян ижтимоий муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг бузилганлигига ҳавола қилинади. (Масалан, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, 146-модда), экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш, 193-модда; транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қонунларини бузиш, 266-модда ва ҳоказолар).

Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабат жиноятнинг объекти сифатида тан олинар экан, ҳар қандай ижтимоий муносабатнинг тажовуз қилувчиси инсон бўлиб, у бошқа муносабатларнинг субъектлари билан бевосита боғлиқда бўлади. Ижтимоий алоқалар ижтимоий муносабатларнинг элементи сифатида унинг мазмунини белгилайди.

Жиноят умумназарий қоидалар нуқтаи назардан ифодаланганда кўпинча «Манфаатлар» деган тушунча ҳам кўп ишлатилади. Бундай

ҳолда манфаатлар қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар доирасига киритилади.

Шундай қилиб, жиноятнинг объекти жиноят таркибининг битта томони (элементи) бўлганлиги туфайли жиноий жавобгарликнинг асослари доирасига киради. Шунга кўра шахсни муайян жиноятни содир қилишда айбланиш учун, тажовуз қайси объектга қаратилганлиги, яъни қайси объектга зарар етказишга ёки зарар етказиши мумкинлиги аниқланиши керак бўлади.

Тажовуз объектини тўғри аниқлаш муайян жиноятнинг юридик табиатини аниқлаш имконини беради. Агар шахс инсонга ҳужум қилиб уни ўлдирса, жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилади. Бу жиноятда жиноятнинг объекти шахснинг ҳаётидир. Агар тажовуз мулкни эгаллашга қаратилган бўлса, бундай жиноятнинг объекти ўзганинг мулкидир.

Тажовузнинг объектини тўғри аниқлаш, айниқса, ўхшаш бўлган жиноятларда улар объектлари ўртасидаги фарқни аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилишнинг муҳим шартидир. Масалан, субъект жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказади. Бир неча кундан кейин жабрланувчи вафот этади. Бунда тажовуз жабрланувчининг ҳаётига қарши қаратилганми ёки соғлиғига қарши қаратилганми, деган савол туғилади. Айнан ана шундай ҳолда жиноятнинг объектини тўғри аниқлаш жиноятни баданга шикаст етказиш деб, ёки одам ўлдириш деб квалификация қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ва ниҳоят, жиноят объектининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, жиноий қилмишни бошқа қилмишлардан (масалан, маъмурий жавобгарликдан) фарқини аниқлашда ҳам муҳимдир. Бунинг учун муайян ижтимоий муносабат жиноят ҳуқуқий норма билан ҳимоя қилиниши ёки қилинмаслигини аниқлаш керак. Жиноий тажовузнинг объектини аниқлаш ўхшаш таркибли жиноятлар ичидан қилмишни квалификация қилиш учун зарур бўлган нормани топиш дастури ҳисобланади. Агарда қилмишни квалификация қилиш учун ЖК Махсус қисмининг моддаларида тегишли норма топилмаса, бундай тажовузни жиноят деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолда юридик жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун бошқа турдаги юридик жавобгарликни белгиловчи (фуқаровий-ҳуқуқий, маъмурий ёки интизомий жавобгарликни белгиловчи) ҳуқуқ тармоқларидан қидириш керак бўлади.

Шундай қилиб, жиноятнинг объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган, жиноят натижасида зарар етказилиши ёки зарар етказиш хавфи остида қолдириладиган ижтимоий муносабатлардир.

2-§. Жиноятнинг объектларини таснифлаш

Жиноят ҳуқуқида жиноятларни таснифлашнинг иккита тури назарда тутилган бўлиб, булар:

а) жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш;

б) жиноятларни объектига кўра таснифлаш. Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш шу китобнинг иккинчи бўлими III бобида батафсил баён қилинган.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш учун ЖК Махсус қисми моддаларидаги санкциялар солиштирилади ва моддаларнинг санкциялари оғирлашиб борган сари уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ошиб боради.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражаси ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларни бўлим ва бобларга ажратиб, муайян тизимда таснифлаб жойлаштириш имконини бермайди.

Жиноятларнинг сифат кўрсаткичи уларнинг ижтимоий хавфлилигидир.

Жиноятларнинг миқдор кўрсаткичлари эса уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасида мужассамлашган.

Демак, жиноятнинг сифат кўрсаткичи уларнинг объектида мужассамлашган.

Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноятларнинг умумий объекти бўлиб, бу тушунча ҳам жиноятларни бўлим ва бобларга ажратиб муайян тизимда таснифлаб жойлаштириш имконини бермайди. Аммо ЎзР ЖК нинг 2-моддасида жиноятларнинг объектлари берилган бўлиб, булар: шахс, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги деб жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг асосий тизими берилган. Қонун чиқарувчи орган ушбу моддада ижтимоий муносабатларни умумий тарзда санаб кўрсатар экан, шу ижтимоий муносабатларнинг жамиятдаги аҳамиятига қараб баён қилган. Ушбу рўйхатни кўрар эканмиз, рўйхатнинг бошида шахс турибди.

Объектларни ЖКнинг 2-моддасида шундай тарзда баён қилиниши уларни маълум даражада таснифлаш учун қулайлик туғдиради. ЖК Махсус қисми моддаларида эса, ҳар бир жиноий тажовуз қаратилган объектлар назарда тутилиб, уларнинг аҳамияти ва ўхшашлигига қараб муайян тизимда таснифлаш имкони вужудга келади.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларни объектига қараб таснифлаш усулидан фойдаланиш жиноятларни таснифлашнинг энг қулай ва мақсадга мувофиқ бўлган усулидир.

Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг объекти учта турга бўлиб, таснифланган. Булар:

- а) жиноятларнинг умумий объекти;
- б) жиноятларнинг махсус объекти;
- в) жиноятнинг бевосита объекти.

Жиноятларнинг умумий объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир. Яъни бошқача қилиб айтганда Жиноят кодексининг барча моддалари йиғиндиси билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноят кодексининг барча моддалари йиғиндиси билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг умумий объектини ташкил қилар экан, ана шу жиноятларни муайян тизимда таснифлаб жойлаштириш учун умумий объект таркибига кирувчи барча жиноятларнинг объекти жиҳатидан бир-бирига ўхшашлари ажратиб олинади ва муайян гуруҳдаги жиноятлар таркибига киритилади. Бунда объекти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган жиноятлар гуруҳини махсус объектли жиноятлар деб топилади.

Махсус объект — жиноят қонуни билан кўриқланадиган, ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва ўхшаш бўлган ижтимоий муносабатлар бўлиб, ЖК Махсус қисмидаги барча жиноятларнинг объекти жиҳатидан ўхшашлари ажратиб олиниб, сўнг муайян гуруҳдаги жиноятлар туркумига киритилади.

Махсус объектли жиноятлардан алоҳида ижтимоий муносабатлар, яъни ЖК Махсус қисмининг алоҳида моддаси билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ажратиб олинади ва буни жиноят ҳуқуқида бевосита объект деб айтилади.

Амалдаги ЎЗР ЖК Махсус қисми бўлимларини жойлаштириш тизими таҳлил қилиб кўрилса, барча жиноятлар умумий объект доирасида махсус объектларга ажратилганини, махсус объектлар доирасидан ҳар бир модда билан кўриқланадиган бевосита объектли

жиноятлар ажратиб олинганини ва шу асосда Жиноят кодекси Махсус қисмидаги барча жиноятлар бўлимларга, бўлимлар эса бобларга, боблар моддаларга бўлинганини кўрамиз. Ана шу бўлимлар, боблар ва моддалар объектнинг аҳамиятига қараб муайян тизимда жойлаштирилганини кўрамиз.

Амалдаги Жиноят кодексида ҳар бир бўлим, боб, моддаларни муайян тартибда жойлаштиришда қандай мезон ҳисобга олинган? Нима сабабдан ЖК Махсус қисмининг биринчи бобига давлатга қарши ёки жамият хавфсизлигига қарши жиноятлар эмас, балки алоҳида шахсларга қарши қаратилган жиноятлар Махсус қисмининг биринчи бўлимига қўйилган? Юқорида баён қилинганимиздек ижтимоий хавфлилиги жиноятнинг сифат кўрсаткичи бўлиб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг қайси бири аҳамиятлироқ? Бу масала аввало давлатнинг Конституциясида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон суверен демократик республика эканлиги таъкидланади. Конституциянинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», дейилади. Шундай экан, ҳуқуқий демократик тузумга асосланган давлатда инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланиб, бу ижтимоий муносабатлар энг аҳамиятли ижтимоий муносабат ҳисобланади.

Жиноят қонуни ўзининг бошланғич асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан олар экан, шунга мувофиқ равишда инсон ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати ва эркинликлари энг аҳамиятли ижтимоий муносабатлар деб ҳисобланиб, бу ижтимоий муносабатларга тажовуз қилганлик учун жавобгарликни белгиловчи институт ва нормалар Жиноят кодекси Махсус қисмининг биринчи бўлимига жойлаштирилди. Ҳар бир бўлимда назарда тутилган жиноятлар, шу бўлим доирасида яна бобларга ажратилиб, ана шу боблар ҳам жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти жиҳатидан муайян кетма-кетлик принципига риоя қилинган тизимда жойлаштирилган. Масалан, ЖК Махсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятлар жойлаштирилган бўлиб, шу бўлим доирасида ҳаётга қарши жиноятлар 1-бобда; соғлиққа қарши жиноятлар 2-бобда; соғлиқ ёки ҳаёт учун хавфли бўлган жиноятлар 3-бобда; жинсий эркинликка

қарши жиноятлар 4-бобда; оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар 5-бобда; шахсинг озодлиги, шаъни, кадр-қимматига қарши жиноятлар 6-бобда; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга қарши жиноятлар 7-бобда берилган. Худди шундай тахлитда бошқа бўлимлар ҳам таснифланган. Жумладан, Кодекс Махсус қисмининг иккинчи бўлимида тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар жойлаштирилган бўлиб, ушбу бўлим иккита бобга ажратилган. Саккизинчи бобида тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши, тўққизинчи бобида эса Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар жойлаштирилган. Демак, бу бўлимда Ўзбекистон Республикасига нисбатан умуминсоний ижтимоий муносабатлар ҳисобланган тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги муҳимроқ деб саккизинчи бобда берилган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг алоҳида моддаси билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар бевосита объект ҳисобланиб, махсус объектлар доирасида бевосита объектнинг аҳамиятига қараб ҳар бир модда кетма-кет жойлаштирилган. Аммо муайян боб доирасидан жиноятлар объектнинг аҳамияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, муайян тизимда жойлаштирилган.

Агар ЖК Махсус қисми бўлим ва бобларни муайян тизимда кетма-кет жойлаштиришда тажовуз объектнинг аҳамияти асосий мезон сифатида олинган бўлса, боблардаги алоҳида моддалар билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларни муайян тартибда кетма-кет жойлаштиришда, фақат алоҳида модда билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамиятининг ўзигина эмас, балки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам ҳисобга олинган, масалан, мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарликни белгиловчи моддалар худди юқорида айтилган тахлитда жойлаштирилиб, шу бобда биринчи бўлиб босқинчилик, кейин товламачилик, кейин талончилик ва ҳоказо жиноятлар жойлаштирилган.

Айрим бобларда эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эмас, балки қонун чиқарувчи орган иродасига боғлиқ ҳолда жойлаштирилган. Масалан, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар бобида биринчи ўринга урушни тарғиб қилиш 150-моддасида жавобгарлик белгиланиб, унинг санкциясида энг оғир жазо сифатида беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан махрум қилиш, ундан кейин эса 155-моддада терроризм учун **умрбод**

озодликдан маҳрумқилиш жазоси назарда тутилган. Бу бобдаги жиноятларни таснифлаш мезони сифатида, халқаро ҳуқуқ нормаларидаги таснифлаш қоидалари асос қилиб олинган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида икки объектли жиноятлар учун жавобгарлик белгиланиб, бунда ўша жиноятни ЖК Махсус қисмининг у ёки бу бобига киритишда (масалан, босқинчилик, мансабдорлик жиноятлари ва ҳоказолар). Бундай икки объектли жиноятларни Жиноят кодексининг қайси бўлими ёки бобига киритиш кераклиги масаласи ушбу жиноят таркибида қайси объект асосий ва қайси бири кўшимча объект эканлигига қаралади. Масалан, босқинчилик жинояти туфайли ҳам шахснинг соғлигига, ҳам мулкка тажовуз қилинади. Қонун чиқарувчи орган бу жиноятни мулкый жиноятлар бобига киритган. Босқинчиликда кишининг соғлиғи мулкка нисбатан муҳим бўлсада, субъект биринчи навбатда ўзганинг мулкини **Ғайриқонуний** равишда эгаллаш мақсадида ҳужум қилади. Аммо мулкни эгаллаш учун мулк эгасининг қаршилигини синдириш керак бўлади. Жиноятчининг асл мақсади мулкни эгаллашга қаратилган. Шунинг учун қонун чиқарувчи орган босқинчиликни шахсга қарши жиноятлар гуруҳига эмас, балки мулкка қарши жиноятлар бобига киритган.

Ана шу юқорида баён қилинганларга асосланиб, айтишимиз мумкинки, ЖК Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган жиноятларни таснифлашнинг мезони сифатида махсус ва бевосита объектларнинг аҳамиятига қараб ҳал қилинган.

3-§. Жиноятнинг предмети

Жиноятнинг предмети - у туфайли ёки унинг муносабати билан жиноят содир қилинадиган объектив ҳаётда мавжуд бўлган моддий маънодаги нарсалардир. Шунга кўра жиноятнинг предмети жиноят таркибининг факультатив белгиси сифатида жиноят таркибида муҳим аҳамиятга эга.

Жиноятнинг объекти ва предмети бир хил тушунча бўлмай жиноятнинг объекти қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабат бўлса, жиноятнинг предмети ижтимоий муносабат ҳисобланмайди. Жиноятнинг предмети турли ашёлар, нарсалар, пул, қимматли қоғозлар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Жиноятчи айнан жиноят предметиға зарар етказиш ёки зарар етказиш хавфи остида қолдириб, ижтимоий муносабатга тажовуз қилади. Демак,

жиноятнинг предмети ижтимоий муносабат мавжуд бўлган жойда ва вақтдагина бўлади ва ана шундагина жиноят ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Масалан, ўғрилик жиноятининг предмети пул, турли буюмлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, яъни эркин муомалага чиқарилган (олиш-сотиш, алмаштириш, ҳадя қилиш ва ҳоказолар бўлган) ҳар қандай нарсалар бўлса, ушбу нарсаларга бўлган эгалик ҳуқуқи ижтимоий муносабат ҳисобланади. Демак, ўзганинг мулки ўғрилик йўли билан талон-торож қилинганда ўша мулкка бўлган эгалик ҳуқуқига, яъни мулкка тажовуз қилинади. Жиноятнинг предмети ижтимоий муносабатларнинг муҳим элементи бўлсада, жиноят таркибининг зарурий белгиси доирасига киритилмаган. Жиноятнинг предмети жиноят таркибининг факультатив белгиси бўлиб, амалдаги Жиноят кодексининг кўплаб моддаларида жиноятнинг предмети жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган. Айниқса, мулкий жиноятларда турли мулк шаклидаги нарсалар жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган. Жиноятнинг предмети доирасига ноёб тарихий буюмлар, зеби-зийнат буюмлари, шунингдек ғоят муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, илмий, бадиий, маданий аҳамиятга эга бўлган қимматликлар, санъат асарлари ҳам жиноятнинг предмети бўлиши мумкин. Жиноий йўл билан топилган мулк ёки даромадлар, яъни бошқа жиноятларнинг предмети ҳисобланган нарсалар ҳам жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Агарда жиноятнинг предмети жиноятлар таркиби доирасига зарурий белги сифатида киритилган жиноятнинг предмети бўлмаса, қилмишни ўша норма билан квалификация қилиш мумкин бўлмайди.

ЖК Махсус қисмининг бир қатор моддаларида ўша жиноятнинг предмети аниқ кўрсатилади, сўнгра жиноятнинг ўзига қонуний тушунча берилади. Масалан, ЎЗР ЖК нинг 176-моддасида «Ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет валютасидаги қимматли қоғозлар яшаш ёки уларни ўтказиш, дейилади. Ўқи 186¹-моддасида «Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда содир этилса», дейилади ва ҳоказолар. Айрим жиноятларнинг предмети ҳарбий анжомлар ёки эркин муомалага чиқарилмаган нарсалар, айрим жиноятларнинг предмети эса хатлаб қўйиладиган ҳужжатлар ёки буюмлар (ЎЗР

ЖПКнинг 166-моддаси) бўлиши ҳам мумкин. Айрим жиноятларнинг предмети эса эркин муомаладан чиқарилган контрабанда (ЎзР ЖК 246-моддаси) буюмлари бўлиши мумкин.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг анчагина моддаларида (масалан, 247-255-моддалар, 270-276-моддалар) жиноятнинг предмети аниқ ва қатъий белгиланган бўлиб, ана шу моддаларнинг диспозицияларида кўрсатилганидан бошқа нарсалар шу жиноятларнинг предмети бўла олмайди. Ҳозирги замон жамият ҳаётида компьютерларнинг аҳамияти беқиёсдир. Шунга кўра компьютерлардаги ахборотлар ҳам (ЎзР ЖК 174-моддаси) жиноятнинг предмети бўлади. Алоҳида жиноятларда, агарда улар давлат сири ҳисобланган маълумотларни ўзида сақлаган бўлса (ЖК 163-моддаси), бундай ҳужжатлар ҳам жиноятнинг предмети бўлади. Шунингдек, расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар ҳам (ЎзР ЖК 227-модда) жиноятнинг предмети бўлиши мумкин. Ўсиб ётган экинзор, дов-дарахтлар (ЎзР ЖК 198-моддаси) ҳам жиноятнинг предмети бўлади. ЎзР ЖК 215-моддасида белгиланишича шу моддада назарда тутилган жиноятнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси бўлиши мумкин. Лекин бунда, албатта, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилинганлиги аниқланиши шарт.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қатор моддаларида шахсга жисмоний ёки маънавий зарар етказилади. Бундай жиноятларнинг предмети нима деган савол туғилади. Юқорида жиноятнинг предмети жиноят таркибининг факультатив белгиси дедик. Демак барча жиноятлар учун жиноятнинг предмети зарурий белги бўлмайди. Бу, айниқса, шахсга қарши жиноятларда жиноятнинг предмети масаласи муаммолидир. Юридик адабиётларда айрим муаллифлар шахсга тажовуз қилиш жиноятларининг предмети “Одам тирик биологик мавжудот сифатида жиноятнинг предмети бўлади”, деб ҳисоблайдилар.¹

Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал ҳуқуқида шахсга тажовуз қилинганда қонун шахсга нисбатан жиноятнинг предмети сифатида эмас, балки жабрланувчи сифатида баҳолайди.

Жиноятнинг предмети ва жабрланувчи тушунчалари ҳар хил тушунча бўлиб, уларни бир-бири билан алмаштириш ёки аралаштириш тўғри бўлмайди. Жабрланувчи ва жиноятнинг

¹ Бу борада қаранг: Коржанский Н.И. Предмет преступления. Волгоград, 1998, стр. 133.

предмети ижтимоий муносабатларнинг алоҳида-алоҳида мустақил тушунчалари бўлиб, инсон ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлса, жиноят предмети жиноят таркибининг бир элементи холос. Аммо айрим ҳолларда (масалан, ЎзР ЖК 134-моддаси) ўлган жасад жиноятнинг предмети бўлиши мумкин.

Жиноятнинг предметида жиноят содир қилиш қуроли ва воситасини бир-биридан фарқлаш керак. Муайян бир жиноятни содир қилишда бирон-бир предмет ишлатилса (ҳар қандай нарса) жиноят содир қилиш қуроли бўлади. Масалан, ўқ отар қуролдан одам ўлдириш ёки баданга шикаст етказишда фойдаланилса, жиноят қуроли бўлади. Ўқ отар қурол талон-торож қилинса, жиноят воситаси бўлади. Пул талон-торож қилиш жиноятида жиноятнинг предмети бўлса, пора олиш бериш жиноятида жиноят воситаси бўлади. Агар жиноят предмети муайян жиноятнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига кирган бўлса, жиноятнинг предмети, албатта, аниқланиши керак. Баъзи жиноятларда жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш ва квалификация қилиш учун таъсир қилади. Баъзи жиноятларда жиноят қуроли қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ошириб юборади. Масалан, ЖК 164-моддасининг 2-қисмининг «а» бандида қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб, босқинчилик қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу нормада жиноят қуроли қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киради.

Шундай қилиб, жиноятнинг предмети - бу у туфайли ёки унинг муносабати билан жиноят содир қилинадиган ташқи дунёнинг моддий маънодаги нарсаларидир. Жиноий тажовуз туфайли ҳар доим жиноятнинг объектига зарар етказилади, кўп ҳолларда жиноят предметига эса зарар етказилмайди. Фақат айрим ҳоллардагина қонунда жиноятнинг предметига зарар етказиш назарда тутилган бўлса, шундагина жиноят предметига зарар етказилиши мумкин. Масалан, мулкни талон-торож қилишда жиноятнинг предметига зарар етказилмаса, мулкка зарар етказиш жиноятларида жиноят предметига зарар етказилиши мумкин.

6-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноятнинг объекти деб нимага айтилади? Жиноят таркиби томонлари тизимидаги аҳамияти нимада?

2. Жинойт объектининг турларини айтинг?
3. Жинойт объектларини таснифлашнинг аҳамияти нималарда ифодаланади?
4. Жинойтларнинг махсус объекти деганда нимани тушунаси?
5. Жинойтларнинг бевосита объекти нима?
6. Жинойтларнинг предмети нима ва жинойт объектидан фарқи нима?
7. Жинойт предметини жинойтни квалификация қилишдаги аҳамияти нимада?

Фойдаланилган ва ушбу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Н.И.Коржанский. Предмет преступления. Волгоград, 1988.
2. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М. “Юристъ”, 2001, ст.105-121.
3. Курс уголовного право. Под ред. Н.Ф.Кузнецова, И.М.Тяжкова. Т.1. М. “Зерцало”, 1999.
4. Б.С.Никифоров. Объект преступления. М: 1960, ст.29-121.
5. Н.И.Коржанский. Объект и предмет уголовно-правовой охраны.М: “Юридическая литература”, 1980, ст.41.
6. Н.И.Каиржанов. Интересы трудящихся и уголовный закон. Алма-Ата.1973, ст.56-57.
7. Курс советского уголовного право в 6 томах. Т.2. М: “Наука”, 1970, ст.111-130.
8. Т.А. Лесниевский-Костарева. Дифференциация в уголовном ответственности. М: “Норма” 2000.
9. И.А.Клепицкий. Недвижимость как предмет хишение и вымогательство. “Государство и право”, 2000, №12. ст.11-19.
10. В.Шелельков. Квалификация преступлений с альтернативными составами. “Государство и право”. №10. 2001, ст.71.
11. И.Л.Петрухин. Человек как социально-правовая ценность. “Государство и право”. №10. 1999, ст.83.
12. И.А.Клепицкий. Документ как предмет подложного в уголовном право. “Государство и право”, №5. 1998, ст.68.

VII БОБ. ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ

1-§. Жиноятнинг объектив томони тушунчаси ва аҳамияти

Инсоннинг ҳар бир онгли ҳаракати ва ҳаракатсизлиги икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, булар бевосита жиноий қилмишларга ҳам тегишлидир. Булар қилмишнинг ички хусусиятлари ва ташқи хусусиятларидир. Қилмишнинг ички хусусиятлари кишининг онгидаги хусусиятлари бўлиб, қилмишнинг субъектив томони деб айтилади. Қилмишнинг ташқи хусусиятлари эса киши онгидаги хусусиятларнинг унинг бевосита ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланган кўринишдаги ташқи хусусиятлари бўлиб, қилмишнинг объектив томони деб айтилади. Ушбу бобда жиноятнинг ташқи хусусиятлари, яъни объектив томони баён қилинади.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қилинган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ташқи ҳолатини ифодаловчи белгилар жиноятнинг объектив томони деб айтилади¹.

Жиноятнинг объектив томони муайян вақт ва маконда, муайян усулда содир этиладиган, айрим ҳолларда, муайян шароитда қурол воситаларидан фойдаланиб, жиноят содир этиш вақтида объектив ҳақиқатга айланадиган ижтимоий хавфли, жиноят ҳуқуқига хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборат бўлган қилмишдир. Жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи бу белгилар жиноят юзасидан суриштирув, тергов ва суд муҳокамаси вақтида аниқланади. Жиноят туфайли келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибат ҳам жиноят объектив томонининг белгилари доирасига киради.

Академик Кудрявцев В.Н. жиноят объектив томонига таъриф берар экан, «Жиноятнинг объектив томони қонун билан қўриқланадиган манфаатларга Ҳозирқонуний равишда тажовуз қилишнинг ижтимоий хавфли жараёни бўлиб, унинг ташқи томони нуктаи назардан қараганда, субъектнинг жиноий ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) бошланиши ва тамомланиб, жиноий оқибат келиб чиқиши билан яқунланадиган муайян тартибда содир этиладиган воқеа ва ҳодисадир» деб ёзган эди.² Ушбу таърифни

¹ Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент, «Ўқитувчи», 1969, 107-бет

² Кудрявцев В.Н. Объективная сторона преступления. М., 1960 9-бет.

Россия Федерацияси жиноят ҳуқуқи Умумий қисмининг муаллифлари ҳам тўла қувватлайдилар.

«Бу ҳақиқатдан ҳам шундай. Инсон хулқининг ташқи томонини ифодаловчи хусусиятлари жиноят объектив томонини ташкил қилади ва бу, энг аввало, ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф бўлиши керак», деб ҳисоблайдилар¹.

Қонун чиқарувчи орган бундай ижтимоий хавфли ҳуқуққа хилоф қилмишларнинг қатъий рўйхатини Жиноят кодекси Махсус қисмида берган. Қилмишни жиноий деб ҳисоблаш учун фақат унинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатишнинг ўзи етарли эмас. Инсоннинг ижтимоий хавфли акти муайян вақт ва маконда содир этилганлиги боис, жиноят объектив томонининг мазмунини очиб бериш учун объектив томонининг белгилари гуруҳини ҳам кўрсатилади. Жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи белгилар Жиноят кодекси Махсус қисмининг диспозициясида кўрсатилади. Аммо қонун чиқарувчи орган барча моддаларда ҳам жиноят объектив томонини ифодаловчи белгиларни батафсил кўрсатиб ўтирмай, ўша жиноятни содир қилишнинг усулини кўрсатиб қўя қолади. Чунки бундай жиноятнинг содир қилиш усулини кўрсатишнинг ўзи унинг объектив томонини барча учун тушунарли қилиб қўяди. Масалан, ўғрилик жиноятида мулкнинг яширин равишда, талончилик жиноятида очикдан-очик, фирибгарликда алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш кўрсатилади. Айрим моддаларда эса жиноятнинг номинигина айтиш билан кифояланилган. Масалан, ЖК 97-моддасининг 1-қисми диспозициясида қасдан одам ўлдириш, 102-моддада эса эҳтиётсизликдан одам ўлдириш деб айтишнинг ўзи билан чекланилган. Чунки бундай жиноятларни номини айтишнинг ўзи билан унинг объектив томони белгиларини барча билади. Демак, жиноят содир қилиш усули бир қанча жиноятлар объектив томонининг зарурий белгилари доирасига кириб, ўша жиноятда айблаб квалификация қилишнинг энг асосий белгиларидан бирига айланади.

Жиноят содир этиш қуроли ёки воситаси айрим жиноят объектив томонининг белгиларидан бўлиб, жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят объектив томони белгилари доирасига киради. Масалан, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш (ЖК 139-моддаси) ёки ҳақорат қилиш (140-моддаси).

¹ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М., «Юристь», 2001, стр. 222.

Жиноят объектив томонининг зарурий белгиларидан бири қилмишнинг ижтимоий хавфлилигидир. Қилмиш туфайли қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилиши ёки зарар етказиш хавфи остида қолдирилиши унинг ижтимоий хавфлилигидир. Етказилган зарар (келиб чиққан оқибат) ҳам жиноят объектив томонининг зарурий белгиси бўлиб, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва ундан келиб чиққан оқибат ўртасидаги боғланишни сабабий боғланиш деб, сабабий боғланиш ҳам жиноят объектив томонининг белгилари доирасига киради.

Шундай қилиб, жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи белгилар жиноят объектив томонининг белгиларини ташкил этади. Бу белгилар доирасига: ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); туфайли ижтимоий муносабатга етказилган зарар (жиноий оқибат); қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш; ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш жойи, вақти, шароити; жиноят содир қилиш усули, жиноят содир қилиш қуроли ва воситалари киради.

Маълумки, жиноят объектив томони жиноят таркибининг битта томони (элементи) бўлиб, ЖК Махсус қисмининг барча моддаларини таҳлил қилиб, бу белгиларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Юридик адабиётларда ва қонун мазмунига кўра бу белгиларни жиноят объектив томонининг зарурий ва факультатив белгиларга ажратилади.

Жиноят таркибининг зарурий белгиси — бу ижтимоий хавфли қилмишдир. Бошқа барча белгилари жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгиларидир. Ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг жиноят объектив томонининг зарурий белгиси эканлиги шундаки, ЖК Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятлар жиноят таркибининг объектив томони учун ижтимоий хавфли қилмиш эканлиги шарт. Бошқа белгилари эса факультатив белгилар бўлиб, ЖК Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятларнинг жиноят таркиби доирасига кирмай, фақат бир қатор жиноятлар учунгина объектив томонининг белгилари доирасига киради.

Жиноят объектив томонининг жиноят таркиби томонлари (элементлари) тизимида аҳамияти нимада? ЎзР ЖКнинг 16-моддасига кўра, Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади, дейилади. Демак, шахсни муайян бир

жиноятни содир қилишда айбланиш учун жиноят таркибининг барча томонлари ва томонларни ифодаловчи белгилар тўла аниқланиши керак. Демак, жиноят таркиби жиноятни квалификация қилишнинг юридик асоси ҳисобланади. Шунга кўра, жиноятни тўғри квалификация қилиш учун муайян жиноятнинг жиноят таркиби белгилари тўла ва тўғри аниқланиши керак. Аммо ЖК Махсус қисмининг барча моддаларида жиноят таркиби томонларининг барча томонларини ифодаловчи белгилари тўла кўрсатилмаган. Кўпчилик моддаларда ўша жиноятнинг субъекти ҳамда субъектив томон кўрсатилмайди. Аммо ЖК Махсус қисмининг моддалари диспозициясида жиноят объектив томони анча тўлароқ кўрсатилади ва ўша жиноятнинг ўзи ҳам объектив томонини ҳисобга олган ҳолда номланган. Махсус қисми моддаларида жиноятнинг объекти, субъекти ёки субъектив томони кўрсатилмаган бўлса, улар жиноят объектив томонини таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Масалан, ЖК 127-моддасида (вояга етмаганни **Ғайриижтимоий** ҳаракатларга жалб қилиш) субъект кўрсатилмаган. Унинг субъектини объектив томонини таҳлил қилиш орқали аниқланади. ЎзР ЖКнинг 172-моддасида мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлишнинг субъектив томони шу модданинг диспозициясида берилмаган. Демак, бу жиноятнинг субъектив томони объектив томонини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Кўп ҳолларда жиноят объектив томонининг белгиси ҳисобланган жиноят содир қилиш усули фақатгина тажовуз объектинигина эмас, балки айб шаклини ҳам аниқлаш имконини беради. Масалан, талончилик (ЖК 166-моддасида) ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш деб ифодаланган. Бунда жиноят содир қилиш усули жиноятнинг объектини ва субъектив томонининг хусусиятини объектив томони орқали аниқланади. «Жиноят объектив томонининг хусусиятлари содир этилган жиноий тажовузнинг субъектив томонининг мазмунини тажовуз қаратилган ижтимоий муносабатлар доирасини у ёки бу даражада аниқроқ белгиланиш имконини беради», деб ёзган эди Кудрявцев В.Н.¹

Жиноят кодексининг 164-169-моддаларида ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг шаклига қараб жавобгарлик белгиланган. Бу жиноятлар жиноятнинг объекти, субъектив томони, субъекти бир хил бўлсада, уларнинг қандай жиноят эканлиги жиноят таркиби объектив томонини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Ушбу

¹ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. М., 1972, стр. 161.

жиноятнинг объектив томонини таҳлил қилиш орқали, улар фақат тўғри қасддан содир этилиши ва қандай шаклдаги (шахсий ёки хусусий ёхуд давлат мулки эканлиги) мулк эканлиги аниқланади. Шунингдек, жиноятларнинг бир-биридан фарқи келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибатнинг даражаси орқали ҳам аниқланади. Жиноий оқибат ҳам объектив томонининг белгиси ҳисобланади. Масалан, баданга оғир шикаст етказиш ЎзР ЖК 104-моддасида назарда тутилган жиноятни ташкил қилса, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш 105-модда, қасддан баданга енгил шикаст етказиш 109-моддада назарда тутилган жиноятни ташкил қилади. Ушбу моддалардаги жиноятлар объекти, субъекти ва субъектив томондан фарқ қилмайди. Уларнинг бир-биридан фарқи жиноят туфайли келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибатнинг даражаси билан белгиланади «Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир гуруҳи реал ҳаётда бир неча жиноий қилмишларнинг объекти бўлиши мумкин. Бу жиноятлар ўртасидаги фарқ жиноятнинг объекти бўйича эмас, балки жиноий тажовузнинг усули, зарарли оқибатнинг хусусиятлари, айб шакли, жиноят субъектининг ўзига хос хусусиятлари орқали аниқланади»¹.

Айрим ҳолларда муайян жиноятнинг объектив томони жиноий қилмишнинг бошқа турдаги ҳуқуқ бузишлардан фарқ қилишнинг мезони ҳам ҳисобланади. Масалан, ЖК нинг 148,182,183,184 ва ҳоказо моддаларда назарда тутилган жиноятлар ўша қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилсагина жиноий қилмиш ҳисобланади. Бундай жиноятларда олдинги қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганлиги маъмурий ва жиноий қилмиш деб ҳисоблашнинг асосли мезони ҳисобланади.

Ана шу юқорида баён қилинганларга асосланиб жиноят таркиби томонлари ичида жиноятнинг объектив томонининг аҳамиятини қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

1) объектив томони жиноят таркибининг бир томони (элементи) сифатида жиноий жавобгарликнинг асослари доирасига киради;

2) жиноятни квалификация қилишнинг юридик асоси ҳисобланади;

3) муайян гуруҳга кирувчи (объекти жиҳатидан бир хил бўлган) жиноятларнинг бир-биридан фарқини аниқлаб беради;

4) жиноий қилмишнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқини белгиловчи мезон ҳисобланади.

¹ Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. М., 1984, стр. 61.

2-§. Ижтимоий хавфли қилмиш тушунчаси ва унинг шакллари

Юқорида баён қилганимизга кўра, ижтимоий хавфли қилмиш жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгисидир. Жиноят объектив томонининг бу белгиси тушунчаси ва мазмуни унинг жиноят-ҳуқуқий характердаги хусусияти ва белгилари йиғиндисиде ифодаланади.

Қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ўз мазмунига кўра ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, онгли ва иродавий, мураккаб ва аниқ бўлиши керак. ЎзР ЖК нинг 14- моддасида қонунда тақиқланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлиги тўғридан-тўғри кўрсатилган. ЖКнинг 2-моддасида қандай қилмишлар жиноят ҳисобланиш кераклиги умумий тарзда баён қилинган.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигининг мазмуни қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфи остида қолдиришда ифодаланади. Агарда қилмиш кам аҳамиятли бўлса, у кам аҳамиятли эканлиги туфайли, қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга жиддий зарар етказа олмайди ва бундай қилмишларда жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфлилиги бўлмайди. Шунинг учун ҳам кам аҳамиятли қилмишлар, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар гуруҳига киритилган ва унда жиноят объектив томонининг ижтимоий хавфлилик белгиси бўлмайди.

Қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги шундаки, ЖК Махсус қисмида кўрсатилган барча жиноятлар жиноят қонуни билан тақиқланган бўлиб, уни содир қилиш жиноят қонуни нормаларини бузиш ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф бўлган қилмиш шахснинг онги билан бошқарилган бўлсагина жиноят объектив томонининг белгиси бўла олади. Инсоннинг онги билан бошқарилмаган (уйкудаги, гипноз ҳолатидаги, онг билан бошқарилмаган фавқулодда юз берган тасодифлар ва ҳоказо) ҳаракатлар киши онгида ўз ифодасини топилмаганлиги туфайли жиноят объектив томонини ташкил этмайди. Жиноят қонуни айбсиз ҳолда зарар етказишни (ЖКнинг 24-моддаси) айнан ана шундай ҳолатда зарар етказиш билан боғлайди. Агарда шахс иш ҳолатларига кўра ўз қилмишларининг ижтимоий хавфлилигини англамаган ва англаши мумкин ҳам

бўлмаган бўлса, бундай қилмишлар айбсиз ҳолда содир этилган, деб ҳисобланади ва шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Жиноят объектив томонини ифодаловчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ижтимоий хавфли бўлиши билан бирга иродавий ҳам бўлиши керак, яъни киши иродаси шундай қилмишни содир этишга йўл қўйган бўлиши керак. Агарда шахснинг қилмиши унинг онги билан бошқарилган бўлмаса, оқибат унинг иродасининг натижаси бўла олмайди. Масалан, потологик аффект ҳолатида касал бўлган (эплексия — тутқаноқ касали хуруж қилган ёки кишининг алаҳлаши туфайли) шахснинг қилмиши жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди. Амалда шундай ҳолатлар бўладики, шахс ўз ҳаракати ва ундан келиб чиқадиган оқибатни англайди, аммо унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда энгиб бўлмайдиган жисмоний ёки руҳий зўрлик туфайли унинг иродаси бирор ҳаракат қила олмай қолади. Бундай қилмишлар ҳам жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди. Жиноят ҳуқуқида энгиб бўлмайдиган куч шундай кучки, ўшандай вазиятда уни бартараф қилиш умуман мумкин бўлмайдиган фавқулодда ҳолатдаги куч ҳисобланади. Масалан, жиноятчи ўқ отар куролни кассирнинг пешонасига тираб, кассадаги пулларни олиб беришни талаб қилса, энгиб бўлмайдиган куч бўлганлиги туфайли кассирнинг қилмишида жиноят объектив томонининг белгиси бўлмайди ва бундай ҳолда жиноий жавобгарликни истисно қилади. Табиий офатлар (ер кимираш, сув тошқини, сел, ёнғин ва ҳоказолар) энгиб бўлмайдиган куч ҳисобланиши мумкин. Масалан, ёнғин туфайли дўхтир касал ётган жойга ўта олмаганлиги туфайли касал вафот этса дўхтирни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмайди.

Жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиб ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга мажбур қилиш, агарда бундай мажбур қилиш шахснинг иродасини унга боғлиқ бўлмаган ҳолда синдирилган ва жиноятнинг олдини олишнинг у ёки бу варианты умуман қолмаган бўлса ва шундай вазиятда ижтимоий хавфли қилмишни содир этишга мажбур бўлиш жиноят объектив томонини истисно қилади. Бундай мажбур қилиш туфайли муайян ҳаракатли қилмишни жиноят ҳуқуқида «Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар» ҳисобланади.

Аммо мажбур қилганлик туфайли муайян қилмишни содир этиш ҳар доим ҳам қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш натижасида ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказганлик учун жавобгарликни истисно қиладиган ёки жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилишда олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти, хавфлилик даражаси, хавфнинг ҳақиқатдан мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, юз бериш вақтининг яқинлиги, вужудга келган вазият ҳамда шундай вазиятда шахснинг мавжуд имкониятлари ва бошқа ҳолатлар ўрганилади.

Руҳий мажбурлаш туфайли содир этилган қилмишни баҳолашда ҳам худди шундай ҳолатлар аниқланади.

Агарда жисмоний ёки руҳий зўрлик шахснинг иродасини тўла синдирмай у ёки бу ҳаракатни қилиш имконияти қолган бўлса, бундай ҳолда қилмишга жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳо берилади. Масалан, мансабдор шахснинг, суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарорини бажаришга тўсқинлик қилиш, мансабдор шахсни шарманда қилиш билан боғлиқ бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб қилинган бўлса (232-модда), суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасдан бажармаган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Чунки, бундай ҳолда шахсда муайян ҳаракатлардан бирини танлаш, яъни шарманда бўлишдан қўрқиб суднинг ҳукмини бажармаслик ёки бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришдан бирини танлаш имкониятлари бор.

Жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатилиб, шахсда у ёки бу вариантни танлаш имконияти бўла туриб, мажбур қилинган ҳаракатларни бажарса, шахснинг қилмишида жиноят таркиби объектив томонининг белгиси бўлади. Аммо бундай ҳолатни суд жазо тайинлашда ҳисобга олиб, енгиллаштирувчи ҳолат деб шахсда ўз ҳаракатларини бошқара олиш қобилияти сақлаб қолинган ва иродаси ҳам шундай қилмишни содир қилишга йўл қўйган бўлади.

Гипноз таъсири остида муайян ҳаракатларни содир қилинган бўлса, бундай ҳаракат шахснинг онги билан бошқарилмаган ва унинг иродасига боғлиқ бўлмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди.

Гипноз — бу руҳий мажбурлашнинг алоҳида шакли бўлиб, гипноз таъсири остида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг иродаси синдирилади ва бундай ҳолда содир этилган қилмишни иродавий қилмиш деб бўлмайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида ўз мазмунига кўра аниқ ва мураккаб бўлиши керак. Ҳар бир

қилмиш инсон аъзоларининг бир қанча ҳаракатлари туфайли содир этилади. Масалан, номусга тегиш жиноятида аввало жабрланувчига зўрлик ишлатилиб, унинг қаршилигини синдириб, сўнг жинсий алоқа қилинади. Пичоқ ишлатиб одам ўлдиришда, аввало, жабрланувчига яқинлашилади, пичоқ уриш мумкин бўлган ҳаёт учун муҳим бўлган аъзо танланади ва пичоқ тегишли йўналиш бўйича санчилади ва ҳоказолар.

Жиноят ҳуқуқий нормаларнинг айримлари диспозициясида қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгилаш учун айбдорнинг бир қанча ҳаракатларининг йиғиндиси олинади. Масалан, ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК нинг 103-моддаси) учун муттасил равишда камситиш, қийнаш (110-модда) жиноятида жабрланувчини мутассил дўппослаш, ёки бошқача йўллар билан қийнаш назарда тутилади.

Шахс томонидан содир этилган қилмиш аниқ мазмунга эга бўлиши керак. Қилмишда жиноят таркиби объектив томонининг белгиларини тўғри ва тўла аниқлаш талаб қилинади. Айниқса, Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддалари бланкет диспозицияли нормалар бўлиб, ЖКнинг ўша моддасида бошқа қонун ёки норматив акт бузилганлигига ҳавола қилинади. Бундай ҳолда ўша қонуннинг қайси нормаси бузилганлиги аниқланиши керак. Бу туркумдаги нормалар ЖК да анчагинани ташкил қилади. Масалан, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (177-модда); божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (182-модда); қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш (185-модда); транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (266-модда) ва ҳоказолар.

ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг объектив томонини ифодаловчи белгилар таҳлил қилинганда барча жиноий қилмишларни ҳаракат орқали содир этиладиган ва ҳаракатсизликдан содир этиладиган жиноятларга бўлиш мумкин.

Жиноят-ҳуқуқий ҳаракат қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга фаол ҳаракатлар орқали таъсир қилади. Масалан, ўғрилиқ жинояти ўзганинг мулкани яширин равишда эгаллашга қаратилган, безорилик жамоат тартибини бузишдан иборат бўлган фаол ҳаракатлар орқали содир этилади. Жиноий ҳаракатлар турли-туман курул сифатида ишлатиш мумкин бўлган нарсалардан техника воситалари, транспорт воситалардан фойдаланиб содир қилиниши,

субъектнинг ўз аъзолари (кўл, оёқ, гавда ва бошқа аъзолари) ҳаракати туфайли бажарилиши, жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахсларни ёки бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ҳаракатнинг яна бир шакли оғзаки ёки ёзма равишда бажариладиган ёки турли имо-ишора орқали амалга ошириладиган ҳаракатлар бўлиши мумкин. Масалан, тухмат (139-модда) ва ҳақорат қилишни (140-модда) нашр қилиш ёки кўпайтирилган матнда ёки омавий ахборот воситалари орқали содир этилиши мумкин. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (112-модда), ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз — бузуқ ҳаракатлар қилиш (129-модда) ва ҳоказо жиноятлар турли имо-ишоралар орқали содир этилиши мумкин.

Ҳаракатсизлик — шахснинг пассив хулқ-атворидир.

Ҳаракатсизлик кўпинча ўз вазифасига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиш ёхуд ўз мажбуриятларини қасддан бажармасликдан иборат бўлади.

Ҳаракатсизлик ҳам худди ҳаракат каби ижтимоий хавфли, онгли ва ҳуқуққа хилоф бўлиши керак. Аммо ҳаракатсизлик учун бу белгиларнинг ўзи етарли эмас. Ҳаракатсизлик шахснинг қилиши лозим ва мумкин бўлган ҳаракатни қилмаганлиги натижасида жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар келтирилганликда ёки зарар келиб чиқиш хавфи остида қолдирилганида ифодаланади.

Ҳаракатсизликнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини аниқлаш учун қуйидаги белгилари аниқланиши керак:

1) ҳаракатсизлик нималарда ифодаланган, айбдорнинг айнан қандай ҳаракатларни бажармаганлиги;

2) шахс айнан қандай ҳаракатларни бажармаганлиги аниқланиши;

3) бажарилиши лозим бўлган аниқ ҳаракатни бажариш имкониятлари аниқланиши керак¹. Масалан, ЎзР ЖК нинг 117-моддасида хавф остида қолдириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Касалга ёрдам кўрсатиши керак бўлган дўхтир қайси ҳолларда ёрдам кўрсатилмаганлиги учун жавобгар бўлиши керак? Бунда касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган қандай ҳаракатларни дўхтир бажармаган, унинг касалга шундай ёрдам кўрсатиш мажбурияти борлиги аниқланиши керак. Муайян шахсга ёрдам кўрсатиш мажбурияти қонун ёки махсус қоидалар орқали юкланади.

¹ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М:Юристъ, 2001, стр. 131.

Шундай ҳолатлар аниқланганидан кейин шахснинг беморга ёрдам кўрсатиш имкониятлари аниқланади ва имкониятлар бўла туриб ёрдам кўрсатмаганлигининг сабаблари аниқланади.

ЎзР ЖКнинг 208-моддасида ҳокимият ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик кўзда тутилган. Муайян шахсни ушбу модда билан жавобгарликка тортиш учун, биринчи навбатда, мансабдор шахс томонидан айнан қандай ҳаракатлар бажарилмаганлиги, сўнгра, бу ҳаракатларни бажариш унинг ваколат доирасига кириш ёки кирмаслиги ва ниҳоят, шундай ҳаракатларни бажаришга мансабдор шахснинг аниқ имкониятлари бор ёки йўқлиги аниқланади. Ҳаракатсизлик фақат ана шундай мазмунга эга бўлсагина айбдорни жавобгарликка тортиш мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ҳаракатнинг муайян шаклини бажариш мажбурияти вужудга келади:

1) шундай ҳаракатни бажариш тўғридан-тўғри қонунда белгиланган бўлса, масалан, транспорт воситасини бошқараётган шахснинг ҳаракат хавфсизлигига ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишга мажбурлиги;

2) шартнома бўйича юклатилган мажбуриятларни бажаришга мажбурлиги;

3) шахснинг мансаб ваколати ёки вазифаси туфайли бажариши шарт бўлган мажбуриятлари;

4) оилавий муносабатлар туфайли бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлар; масалан, ота-онанинг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-модда) ёки вояга етган фарзанд томонидан ота-онани таъминлашдан бўйин товлаш (123-модда). Қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бундай ҳолда ота-она ёки фарзандлар, ўзларига суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармайди;

5) шахснинг ўз ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган мажбуриятлар. Масалан, транспорт воситасини ҳайдашга ўргатаётган ёки сузишга ўргатаётган шахснинг ёки болани қараб туриш топширилган шахснинг мажбурияти оғир касалга, ожиз аҳволдаги шахсларга қараб туриш мажбурияти юклатилган шахсларнинг мажбуриятлари. Ана шу мажбуриятларни бажармаслик ҳаракатсизликдан қилинадиган қилмишлар туркумига киради. Бундай ҳолдаги ҳаракатсизликни ижтимоий хавфли қилмиш деб ҳисоблаш учун, аввало, шахснинг муайян тартибда ҳаракат қилишининг

зарурлиги ва ўша ҳаракатларни бажаришга имкониятларининг мавжудлиги аниқланиши керак.

Мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларини бажармаслиги ЎЗР ЖК нинг 208-моддасида аниқ ифодаланган бўлиб, шахсни ушбу модда билан жавобгар қилиш учун, энг аввало, хизмат вазифаларини бажармаганлигининг объектив ва субъектив омиллари аниқланиши керак. Объектив омиллар ташқи сабаблар бўлиб, улар шахснинг хизмат фаолиятига боғлиқ бўлган омиллар, субъектив омиллар (унинг маълумоти, малакаси, иш тажрибаси ва ҳоказолар) ҳисобга олинади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш ҳуқуқий демократик жамиятни қуриш жараёнида Ўзбекистонда кўплаб мансабдор шахсларнинг ҳозирги замон талаби доирасига жавоб берадиган билим ва тажрибасининг етишмаслиги маълум даражада ислохотларни амалга оширишни янада жадаллаштиришга салбий таъсир қилмоқда. Жиноят ҳуқуқида мураккаб ижтимоий хавфли ҳаракатларда содир этиладиган тушунчалар борки, булар бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлган қилмишлар, давомли қилмишлар, узоққа чўзилган қилмишлар тушунчалари борки, бундай таркибли жиноятларда объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган ижтимоий қилмиш бир неча ҳаракатлардан, бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан (давомли жиноят), вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлган бир жиноятнинг узлуксиз таркибни ташкил қилувчи (узоққа чўзилган) ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин. Давомли ва узоққа чўзилган жиноятлар тушунчаси ушбу дарсликнинг бир қанча жиноятлар бўлимида берилганлиги туфайли, бундай ҳаракатларни бу бобда беришни лозим топмадик.

Амалдаги ЖК да ҳаракатсизликдан содир қилинадиган жиноятлар асосан келиб чиққан жиноий оқибатга қараб шахс жавобгарлика тортилади, масалан, ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик учун жиноий жавобгарликка тортишда ёрдам кўрсатмаслик туфайли шахснинг баданига энг камида ўртача оғир шикаст етказилиши; (ЖК нинг 117-моддаси) касб юзасидан ўз вазифасини лозим даражада бажармаслик туфайли камида шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказилганлиги, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганни ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашни суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан уч ой муддат мобайнида тўламаслик (ЖКнинг 122-123-моддалари);

ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК нинг 208-моддаси) фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган бўлса ва ҳоказо ҳаракатсизликлар жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Юридик адабиётларда ҳаракатсизликдан содир этиладиган жиноятларда жиноят босқичлари бўлмайди, деган фикрлар¹, бошқа бир адабиётларда эса, моддий жиноятларда улар ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан қилинганлигидан қатъи назар, жиноят босқичлари бўлади, деб ёзганлар². Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексидаги ҳаракатсизликдан содир этиладиган жиноятларнинг асосий кўпчилиги моддий маънодаги зарарнинг келиб чиқиши билан боғланган бўлиб, моддий жиноятлар ҳисобланади. Шунга кўра, ҳаракатсизликдан қилинадиган жиноятларда жиноят босқичлари бўлади, деган фикрга келиш мумкин.

Шундай қилиб, жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган қилмиш ижтимоий хавфли, қонунга хилоф, онгли, иродавий, мураккаб, мазмунига кўра аниқ хулқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборат бўлган киши хулқинининг акти ҳисобланади.

3-§. Ижтимоий хавфли оқибат тушунчаси ва унинг турлари

Инсон томонидан содир этиладиган ҳар қандай ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан маълум даражада зарарли оқибат келиб чиқади ёки зарарли оқибат келиб чиқиш мумкин бўлади. Бундай зарарли оқибат жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга етказилса, оқибат жиноят-ҳуқуқий оқибат ҳисобланади. Ижтимоий хавфли зарар қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларига етказилиши мумкин. Бу соҳалар шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ва жамият манфаатларига, мулкка, табиий муҳитга, тинчликка, инсоният хавфсизлиги бўлиши мумкин. Шунингдек, зарар қонун билан кўриқланадиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий соҳаларга етказилиши мумкин. Аммо бундай зарар жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳоланади.

¹ Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т: «Ўқитувчи» 1969, 189-бет.

² Уголовное право Российской Федерации. Общая часть, –М: “Юристь”, 2001, стр. 217.

Жумладан, шахсга қарши аниқ бир жиноят содир қилинган бўлса, ўлим келиб чиққанлиги, шахснинг соғлиғига зарар етказилганлиги, кадр-қиммати камситилганлиги каби зарар етказилган бўлиши мумкин. Мулкка қарши жиноятларда мулккий зарар етказилса, бошқа иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларда эса иқтисодий асосларга зарар етказилиши мумкин. Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг диспозицияларида тажовуз туфайли келтириладиган зарарнинг хусусияти, даражаси кўрсатилади. Айрим моддаларда жиноят натижасида келиб чиқадиган оқибат кўрсатилади. Масалан, мулкни талон-торож қилиш жиноятларида, талон-торож қилинган мулкнинг миқдorigа қараб жавобгарлик белгиланган бўлса, мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган мулккий жиноятларда келтирилган зарарнинг миқдори, соғлиққа қарши жиноятларда баданга етказиладиган шикастнинг даражаси кўрсатилади. Яъни айрим нормаларда келиб чиқадиган оқибатни аниқ кўрсатиб қўйилса, айрим нормаларда муқобил оқибатлар кўрсатилиб, шахсни ўша норма билан жавобгар қилиш учун қонунда назаарда тутилган альтернатив оқибатлардан бирининг келиб чиқишининг ўзи етарлидир. Масалан, ЎзР ЖК 186-моддасининг иккинчи қисмида сифатсиз маҳсулот чиқариш одамлар ўлимига (“а” банди) (“б” банди) ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, дейилади.

ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида зарарни келиб чиқиши эмас, балки муайян ҳаракатни содир қилишнинг ўзи етарли, деб ҳисобланган. Масалан, ЖК 135-моддасида одамларни шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдов йўли билан ёллашнинг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланиб, бирон-бир моддий маънодаги оқибатнинг келиб чиқиши шарт эмас. Қонун чиқарувчи орган жиноий оқибатни ифодалар экан жиноятнинг хусусияти ва турига қараб, турли атамаларни ишлатган. Масалан, мансабдорлик жиноятларида кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш дейилган. Оқибатни қонунда бундай ифодаланиши маълум маънода мушоҳада қилишни талаб қилади. Ушбу ЖК нинг атамаларнинг ҳуқуқий маъноси бўлимида зарар энг кам ойлик иш ҳақининг муайян баравари миқдorigа ҳисобланишининг аниқ мезонлари белгилаб қўйилган. Шунга кўра жиноят туфайли етказилган зарарнинг миқдорини ана шу мезонлар асосида ҳисоблаб, етказилган зарарнинг миқдorigа қараб жавобгарлик масаласи ҳал қилинади.

Жиноий оқибат сифатида жиддий зиён деганда нимани тушуниш керак? Қонун чиқарувчи орган бундай ҳолда қандай оқибатни назарда

тутмоқда? Зиён жиноят натижасида жабрланувчига тўғридан-тўғри етказилган зарарнинг миқдори билан эмас, балки жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарар туфайли унинг шу зарар туфайли оладиган даромаддан маҳрум бўлганлиги ва бошқа зарарлар йиғиндисиدير.

Агар ижтимоий хавфли оқибат шахснинг ўлими билан боғлиқ бўлса, шахсга нисбатан ташқи томондан ишлатилган жисмоний таъсирнинг натижасидир.

Шундай қилиб зарар аниқ ўлчовларда белгиланадиган жиноят натижасида етказилган зарар бўлса, зиён жиноят натижасида жабрланувчининг олиши керак бўлган даромад ёки бошқача фойдани ололмаган миқдори билан белгиланади.

Жиноятни тўғри квалификация қилиш учун зарарнинг миқдоринигина эмас, балки турини ҳам ҳисобга олиниши керак бўлади. Айнан ана шундай ҳисобга олиш усули шахснинг баданига етказилган шикаст даражасини аниқлаб жавобгарликни ҳал қилиш мулкни талон-торож қилиш жиноятларида, талон-торож қилинган мулкнинг миқдorigа қараб жавобгар қилиш имкониятини беради.

Жиноят натижасида етказилган зарар ёки зиённинг миқдори жиноят содир қилинган вақтдаги баҳоларда ифодаланадиган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян миқдorigа белгиланади.

Ижтимоий хавфли қилмишнинг оқибатларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: а) моддий оқибатлар; б) моддий бўлмаган оқибатлар.

Моддий оқибатли жиноятлар ҳам ўз навбатида иккига бўлиниб, мулкий ва шахсий хусусиятдаги оқибатлардир.

Моддий бўлмаган оқибатлар ташқи дунёнинг моддий ҳисобланмаган ижтимоий муносабатларнинг бузилишига сабаб бўладиган қилмишлар натижасида вужудга келади. Моддий хусусиятга эга бўлмаган оқибатлар сиёсий ёки ижтимоий ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиниш натижасида юз беради. Аммо қонун чиқарувчи орган кўп ҳолларда ЖК Махсус қисмининг моддаси диспозициясида бундай зарарни кўрсатмайди. Масалан, ЎзР ЖК нинг 150-моддасининг диспозициясида «Урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан кўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш», дейилади. Айрим нормаларда эса жиноий оқибат жиноят таркиби доирасига киритилмаган. Чунки бундай жиноятларда ижтимоий

хавфли оқибатнинг миқдорини аниқлашнинг ёки унинг мазмунини белгилашнинг иложи йўқ. Масалан, бундай жиноятлар га тухмат ва ҳақорат қилишни кўрсатиш мумкин. Ушбу жиноятлар содир этилганда кишининг шаъни ва кадр-қиммати таҳқирланади. Шахснинг ҳақорат қилинганлиги ёки унга нисбатан тухмат қилинганлиги туфайли жабрланувчининг қон босими ошиб оғир касал бўлиб қолганлиги учун кўшимча равишда баданга шикаст етказишда айблаб квалификация қилиш мумкин бўлмай, ҳақорат қилиш ёки тухмат қилишнинг айбни оғирлаштирувчи тури сифатида квалификация қилинаверади.

Кўп ҳолларда қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга тажовуз қилиш турли оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, номусга тегиш жиноятининг жабрланувчиси бўлган аёл шарманда қилинганлиги туфайли унинг шахсий ва оилавий ҳаётида ёмон оқибатларнинг юз беришига сабаб бўлиши мумкин. Аммо бу оқибатларни номусга тегиш жинояти таркиби доирасига киритишнинг иложи йўқ. Бу жиноятнинг ана шундай ижтимоий хавфлилилик даражасини қонун чиқарувчи орган ҳисобга олиб, номусга тегиш ҳаракатларини содир қилишнинг ўзи учун жавобгарликни белгилаб қўйган.

Жиноят ҳукуқида барча таркибдаги жиноятларни моддий ва формал жиноятларга бўлиш қабул қилинган. Жиноятнинг моддий ёки формал эканлиги қонун чиқарувчи орган томонидан муайян норманинг объектив томонини қандай тарзда ишлаб чиққанига боғлиқ. Жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида фақат ижтимоий хавфли қилмишни содир қилишнинг ўзидан иборат бўлган жиноятлар формал жиноятлар деб қабул қилинган. Агарда жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) билан бирга шу қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибати ҳам киритилган бўлса, бундай жиноят моддий таркибли жиноят деб айтилади. ЎзР ЖК Махсус қисмида формал таркибли жиноятлар анчагина, масалан, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (112-модда); номусга тегиш (118-модда); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб Ҳозиртабийй усулда қондириш (119-модда); фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (125-модданинг 1-қисми); ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (128-модда); тухмат (139-модданинг 1-қисми); ҳақорат қилиш (140-модда) ва ҳоказолар.

Моддий жиноятларда қонун чиқарувчи орган жиноят туфайли моддий маънодаги оқибат келиб чиқишини жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритган. Масалан, ЖК нинг 144-моддасида фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузиш фуқароларнинг жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказилишини назарда тутди. Ўқи 139-моддада ахборотлаштириш қоидаларини бузиш — анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса дейилади ва ҳоказолар.

Жиноятларни моддий ва формал таркибли жиноятларга бўлишнинг амалий аҳамияти борми? Аввало жиноятларни бундай бўлиниши жиноятнинг тамом бўлиш вақтини аниқлаш ва келиб чиққан оқибатнинг даражаси ёки миқдорига қараб квалификация қилишда муҳимдир. Масалан, одам ўлдиришда жабрланувчи ҳаётдан маҳрум этилганидан кейин тамом бўлган ҳисобланади. Агар одам ўлдириш ҳаракатлари қилинган, аммо объектив ва субъектив сабабларга кўра жабрланувчи ўлмай қолса, айбдорнинг қилмиши одам ўлдиришга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Қонун чиқарувчи орган эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар объектив томонини субъектив томонининг белгиларига боғлаб қўйган. Яъни жиноят ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик туфайли содир этилиб, келиб чиққан оқибат айбдорнинг ўз-ўзига ишониш ёки бепарволиги туфайли келиб чиққан бўлиши керак.

Формал жиноятларда жиноят таркиби тузилиши жиҳатидан ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини назарда тутмайди.

Аммо субъектнинг содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга бўлган рухий муносабатлари аниқланиши керак. Масалан, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (141-модда) жиноятида субъектнинг ўзининг қилмишига бўлган рухий муносабатни аниқлашнинг ўзи етарлидир.

Қонунда жиноий оқибатнинг келиб чиқишини ўша жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган бўлиб, аммо объектив ёки субъектив сабабларга кўра жиноий оқибат келиб чиқмаган бўлса, бундай ҳолда қилмишни формал жиноятлар гуруҳига киритиш керакми ёки моддий жиноятлар гуруҳига киритиш керакми, деган савол туғилади.

Жиноий қилмишни моддий ёки формал таркибли жиноятлар гуруҳига киритиш масаласи жиноят туфайли келиб чиққан оқибатга қараб эмас, балки қонун чиқарувчи орган қонун нормасини ишлаб

чиқиш вақтида белгилайди. Шунга кўра қонун нормасида жиноят объектив томонининг зарурий белгиси доирасига жиноий оқибат зарурий белги сифатида киритилган, аммо жиноят охирига етказилмаганлиги туфайли жиноий оқибат келиб чиқмаган тақдирда ҳам моддий жиноят ҳисобланаверади.

Кесик таркибли жиноятларда ҳам жиноий оқибат жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига кирмаганлиги туфайли, бу жиноятларни ҳам формал жиноятлар гуруҳига киритиш мумкин.

Шундай қилиб, ижтимоий оқибат деганда қилмиш туфайли жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга етказиладиган зарар ёки зиён тушунилади.

Оқибат моддий ёки моддий бўлмаслиги мумкин. Моддий оқибат жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида ЖК Махсус қисми моддасининг жиноят таркиби доирасига киритилган белгиси ҳисобланади. Формал жиноятларда эса келиб чиққан оқибат жиноят таркиби белгиларидан ташқарида ётади.

4-§. Сабабий боғланиш ва унинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти

Сабабий боғланиш — ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан оқибат ўртасида объектив равишда мавжуд бўлган жиноят таркиби объектив томонининг белгисидир. Сабабий боғланиш моддий таркибли жиноятларнинг объектив томонининг жиноят таркиби доирасига кирувчи зарурий белги ҳисобланади. Сабабий боғланиш моддий жиноятларда жиноят таркиби объектив томонининг учинчи зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқида сабабий боғланиш сабабийлик категорияси назариясига асосланади. Сабабийлик тўғрисидаги назарий қоида ижтимоий хавфли қилмиш туфайли келтирилган зарар учун жавобгарлик масаласини ҳал қилишда қўлланади. Шунга кўра субъектнинг ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ва юз берган зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш жиноий жавобгарликни белгилашда ҳал қилувчи омиллардан биридир. Сабаб ва оқибат фалсафий категория бўлиб, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сабаб бўлса, ундан келиб чиққан натижа оқибат бўлади. Улар ўртасидаги боғланиш эса сабабий боғланишдир. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ифодалаганда, муайян бир жиноий

оқибатнинг келиб чиқишида субъектнинг қилмиши сабаб бўлгандир. Жиноят ҳуқуқида сабабий боғланишни юзаки ёки умумий тарзда аниқлаш тўғри бўлмайди. Балки аниқ содир бўлган ҳодиса билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги ўзаро муносабати аниқланиши керак.

Кўп ҳолларда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш қийин бўлмайди. Аммо айрим ҳолларда сабабий боғланишни аниқлаш анча қийин бўлиб, ишнинг барча ҳолатларини чуқур ва батафсил таҳлил қилишга тўғри келади, айрим ҳолларда эса сабабий боғланишни аниқлаш учун суд экспертизаси мутахассислари хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Айниқса, транспорт воситаларининг ҳалокати (аварияси) содир бўлиб, бу ҳодиса тасодифий ҳодисами ёки жиноий ҳодисами, деган масалани ҳал қилишда, мансабига совуққонлик билан қараш туфайли корхонада юз берган бахтсиз ҳодисани тасодиф ёки жиноий қилмиш эканлигини аниқлашда мутахассисларнинг ёрдамсиз сабабий боғланишни аниқлаш қийин бўлади. Шахснинг ҳаракати ва келиб чиққан оқибатни аниқлаш агарда бу ҳодисага яна учинчи шахс ҳам аралашиб қолган бўлса, сабабий боғланишни аниқлаш янада қийинлашади.

Сабабий боғланиш вақт бўйича ўтадиган жараён дир. Муайян оқибатни келиб чиқишида шахс қилмиши сабаб бўлган экан, вақт бўйича улар бир-бирига мувофиқ бўлиши керак. Шунга кўра жиноят ҳуқуқида сабабий боғланиш масаласини ҳал қилишда айбдорга нисбатан қўйилаётган айбда қилмиш ва оқибат вақт бўйича бир-бирига мувофиқ келмоқдами деган масала аниқланиши керак. Агарда содир этилган қилмиш ва келиб чиққан оқибат вақт бўйича бир-бирига мувофиқ келмаса, демак сабабий боғланиш бўлмайди.

Аммо шахс ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ва келиб чиққан оқибатнинг вақт бўйича кетма-кетлиги улар ўртасида сабабий боғланиш борлигини кўрсатмайди. Ҳодисаларнинг кетма-кетлигини вақт бўйича сабабий боғланиш билан аралаштириш тўғри бўлмайди. Бундай аралаштириб юбориш айрим ҳолларда муайян оқибатни келиб чиқишида айби бўлмаган шахсни жавобгарликка тортишга сабаб бўлиб қолиши мумкин. Айниқса, транспорт ҳалокати билан боғлиқ бўлган оқибатларнинг келиб чиқишида, вазифасига совуққонлик билан қараш туфайли корхоналарда содир бўладиган ҳодисаларда сабабий боғланиш тўғри аниқланмаса, айбсиз киши жавобгар бўлиб қолиши мумкин. Б. исмли қурилишда техник бўлиб

ишлайдиган шахс кўп қаватли иморат қурилишида сув ўтказгич қувурларни тўртинчи қаватга кўтариш тўғрисида ишчиларга топшириқ бериб, кўтаришнинг барча қоидаларини тушунтириб, ўзи бошқа объектни текшириш учун кетади. Аммо ишчилар бу вазифани тезроқ бажариш мақсадида унинг айтган қоидаларига риоя қилмай қувурларни тўртинчи қаватга кўтара бошлайдилар. Аммо ишчилар томонидан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги сабабли ишчи К. тўртинчи қаватдан йиқилиб, ҳаёт учун хавфли бўлган жароҳат олади ва касалхонада вафот этади. Суд Б. нинг қилмишини ЎзР ЖК 207-моддасининг учинчи қисми билан ҳукм қилади. Суд уни ҳукм қилишда Б. воқеа жойида шахсан ўзи бўлиши керак ва қувурларни кўтариш қоидаларига риоя қилинишини кузатиб туриши керак эди деб ҳисоблади. Юқори инстанция суди Б.нинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш йўқ деб ҳукмни бекор қилади ва бунда у ўзига боғлиқ бўлган вазифани бажаргани, хавфсизлик қоидадини бузиш эса ишчининг ўз ташаббуси билан қилинганлигини асос қилиб кўрсатади.

Баданига шикаст етказилган шахснинг касалхонада вафот этиши субъектни одам ўлдиришда айбланиш учун ҳали етарли бўлмайди. Айбдорни одам ўлдиришда айбланиш учун жабрланувчини касалхонага олиб келиш вақтида бошқа бир омил таъсир қилмаганлиги, дўхтирларнинг ҳаракатларида ўлимга олиб келадиган ҳаракатларнинг (дўхтирнинг вазифасига совуққонлик билан қарамаганлиги, ёрдамсиз қолдирмаганлиги, касби жиҳатидан маълумотининг етарли эканлиги, даволаш муолажаларини тўғри ташкил қилинганлиги ва ҳоказо омиллар текшириб кўрилиши) йўқлиги текшириб кўрилиши шарт. Ана шундагина айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлади.

Шахснинг қилмиши ва ундан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш қуйидаги мезонлар орқали аниқланади:

биринчи мезон — қилмишнинг ва келиб чиққан оқибатнинг вақт бўйича мувофиқлиги. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун жиноятнинг объектив томонини ташкил қилувчи қилмиш вақт бўйича келиб чиққан оқибатга мувофиқ келиши керак¹;

сабабий боғланишнинг иккинчи мезони содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш аниқ бир оқибатни келтириб чиқариш имкониятига эга бўлиши керак.

¹ Курс советского уголовного права 6 томах, Т. I, М.: «Наука», 1970 г.стр. 189.

Айбдор томонидан содир этилган қилмиш ижтимоий муно-сабатга зарар етказувчи асосий шартир. Бу шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир қилиб, объектив равишда ҳақиқатдан ҳам ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси ёки муайян нормаси диспозициясида назарда тутилган оқибатни келтириб чиқариши учун реал имкониятга эга эканлиги аниқланиши керак, деганидир.

Демак , ҳодисаларнинг вақт бўйича оддий кетма-кетлиги ҳали сабабий боғланишни ташкил қилмай, қилмиш айнан ана шу оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлганлигини аниқланиши керак. Ана шундай ҳолатни ҳисобга олиб ЎзР ЖКнинг 104 ва 105-моддаларида «Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган (104-модда) ёки ҳаёт учун хавфли бўлмаган баданга шикаст етказиш тўғрисида айтилган.

Муайян оқибатнинг келиб чиқишида қилмиш ва келиб чиққан оқибатнинг вақт мобайнида кетма-кетлиги фақат вақт мобайнида боғлиқ эканлиги, бошқа бир қилмиш туфайли эмас, айнан ўша оқибатнинг келиб чиқишига таъсир қилган сабаб аниқланиши керак. Яъни сабабий боғланишнинг учинчи мезони келиб чиққан оқибат ўша қилмиш туфайли муқаррар келиб чиқиши лозим бўлган эканлиги аниқланади. Масалан, айтайлик, К. кўчада қаттиқ маст ҳолда ётган одамни кўриб, унга раҳми келади ва турғизиб кетади. Маст одам бир неча қадам ташлаб йўлга йиқилади. Шу вақтда келаётган автомобил уни босиб кетади ва у ўлади. Суд К. нинг ҳаракати билан ўлган шахснинг ўлими ўртасида сабабий боғланиш бор, деб ҳукм қилади. Юқори инстанция суди К. нинг ҳаракати билан келиб чиққан ўлим ўртасида сабабий боғланиш йўқ деб ҳисоблайди. Унинг ўлими К. нинг ҳаракати туфайли эмас, балки бошқа сабабларга кўра юз берди, деб ҳисоблайди. Аммо ўлим келиб чиқишида К.нинг ҳаракати сабаб бўлди. Аммо бу бош сабаб эмас, келиб чиққан оқибат билан К.нинг ҳаракати ўртасидаги сабабий боғланиш тасодифийдир. Шунга кўра зарурий ва тасодифий сабабий боғланишларнинг бир-биридан фарқини билиш керак. Зарурий ва тасодифий боғланишларнинг бир-биридан фарқи шундаки, зарурий сабабий боғланиш ҳодисанинг моҳиятини белгиласа, тасодифий сабабий боғланиш эса сабабий боғланишнинг шаклидир, холос. Моддий таркибли жиноятлар объектив томони учун албатта сабабий боғланиш зарурий бўлиши керак.

Айрим ҳолларда қонун чиқарувчи орган жиноят объектив томонини белгилар экан, ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан келиб

чиққан оқибат юз бериши мумкинлигини ҳам истисно қилмайди. Жумладан, ЎзР ЖКнинг 104-моддаси 3-қисмининг «д» бандида баданга оғир шикаст етказиш ўлимга олиб келганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Қилмишни айнан ана шу норма билан квалификация қилиш учун эҳтиётсизликдан келиб чиққан ўлим билан баданга оғир шикаст етказиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши, яъни ўлим келиб чиқишида баданга оғир шикаст етказиш сабаб бўлган бўлиши керак.

А. ва Б. шахслар ўзаро спиртли ичимлик ичиб, суҳбат қилиб ўтирганларида ўртада гап чиқиб жанжалга айланади. Натижада А. Б. нинг болдир қисмига пичоқ санчади ва йўғон қон томири қирқилиши натижасида кўп қон кета бошлайди. «Тез ёрдам» етиб келгунча кўп қон кетиши оқибатида Б. вафот этади. Суд ушбу қилмишни ЎзР ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «д» банди билан ҳукм қилади.

Ушбу келтирилган мисолда айбдорнинг ҳаракати фақат жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказибгина қолмасдан балки ўлим келиб чиқишини реал хавф остида қолдирди.

Ҳаракатсизликдан содир қилинадиган жиноятларда сабабий боғланиш жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси доирасига киради. Масалан, шахснинг ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги фуқароларнинг, давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилса ёки жиддий зиён етказилса, ушбу келиб чиққан оқибат билан шахснинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги ва ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаганлиги ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлади.

Бир неча киши биргалашиб жиноят содир қилган вақтда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ҳаракати ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш анча мураккаб ишдир.

Айниқса, бир неча киши биргалашиб одам ўлдириш жиноятини содир қилганда гуруҳ аъзоларининг барчаси одам ўлдиришда айблансада, ўлим қайси бирининг ҳаракати туфайли келиб чиққанлигини аниқлаш жазо тайинлаш вақтида муҳимдир.

Шундай қилиб, жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган сабабий боғланиш деганда, қилмиш ва оқибат вақт бўйича бир-бирига мувофиқ келган, оқибатнинг келиб чиқишининг асосий шарти бўлган, ижтимоий хавфли қилмиш ва келиб чиққан оқибат ўртасида объектив равишдаги алоқадорлик тушунилади.

5-§. Жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули воситаси,

шароити ва бу белгиларнинг аҳамияти

Жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, воситаси, шароити жиноят таркибининг факультатив белгилари бўлсада айрим жиноят таркиби объектив томони белгилари сифатида жиноят ҳуқуқида муҳим жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Тергов органлари ходимлари содир этилган жиноятни тўғри квалификация қилиш ва жавобгарликка тортиш учун тақдим қилишда жиноят объектив томонининг белгилари ҳисобланган бу белгиларни тўғри ва батафсил аниқлашлари керак.

Бундан олдинги параграфда жиноий оқибат ва сабабий боғланишни жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгилари дедик. Аммо уларни ушбу параграфда баён қилинадиган объектив томони факультатив белгиларидан алоҳида ажртиб олиб баён қилдик. Бунинг боиси шундаки, жиноий оқибат ва сабабий боғланиш моддий таркибли барча жиноятлар объектив томонининг зарурий белгилари доирасига кирган бўлса, жиноят жойи, вақти, усули, воситаси, шароити айрим моддий жиноятларнинг ҳам, айрим формал жиноятларнинг ҳам объектив томонининг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасидаги белгилар таркибига киритилган. Бу белгилар жиноят қонуни нормаси диспозициясида кўрсатилган бўлсагина ўша норма жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноят содир қилиш жойи. ЖК Махсус қисми нормаси диспозициясида кўрсатилган бўлсагина ўша жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноят содир қилиш жойини кенг маънода олганда мамлакатнинг чегараси билан белгиланган қуруқлик, сув ва ҳаво ҳавзаси назарда тутилади. Шу нуқтаи назардан олганда Ўзбекистон жиноят қонуни билан жавобгарликка тортиладиган ҳудуд, шунингдек, бирон-бир давлатнинг ҳудуди ҳисобланмайдиган очик денгизларда ёки Ўзбекистон фуқаросининг хориж давлатлари ҳудудида содир қилган жиноят учун жавобгарликни белгилашда муҳимдир.

Аммо жиноят содир қилиш жойи ЖК Махсус қисмида муайян жой қилмишни квалификация қилишда зарурий шарт сифатида назарда тутилган бўлса, ўша модданинг жиноят таркиби объектив томони белгилари доирасига киради. Масалан, ЖК 114-моддасида даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила тушириш; 164-

моддаси (босқинчилик) 3-қисмининг «в» бандида уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга Ҳозирқонуний равишда кирган ҳолда босқинчилик қилиш, худди шундай нормалар 166-модданинг 3-қисми «б» бандида (талончилик); 169-модданинг (ўғрилиқ) 2-қисми «г» бандида назарда тутилган ва ҳоказолар.

Жиноят содир қилиш вақти — агар ЖК Махсус қисмининг нормаси диспозициясида вақт муайян жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, демак вақт ўша жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида қатнашади. Одатда, суд-тергов амалиётида ҳар қандай жиноятни содир қилиш вақти аниқ кўрсатилади. Аммо бу кўрсатилган вақт жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмай, содир этилган жиноят ҳодисасини исботлашнинг бир элементи сифатида кўрсатилади.

ЖК Махсус қисмининг бир қатор моддаларида вақт ўша жиноят таркибининг объектив томони белгилари доирасига киритилган. Масалан, одам ўлдиришни оммавий тартибсизликлар жараёнида содир қилиш (97-модда, 2-қисмининг «е» банди); баданга қасддан оғир (104-модданинг 2-қисми «г» банди), ўртача оғир (105-модданинг 2-қисмининг «д» банди) шикаст етказиш жиноятларини оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган тақдирда фақат ушбу нормалар билан квалификация қилинади. Онанинг чақалоғини ўлдириш (99-модда) жинояти содир қилинган деб ҳисоблаш учун чақалоқ туғилиш вақтида ёки туғилган вақтнинг ўзида ўлдирилган бўлиши керак. Агар чақалоқ туғилганидан кейин маълум вақт ўтганидан кейин ўлдирилса, қилмиш 99-моддада назарда тутилган жиноят таркибини ташкил қилмай, 97-моддада назарда тутилган жиноятни ташкил этади. Маъмурий назорат қоидаларини бузишда айбланиш учун фақат маъмурий назорат остига олинган вақтдагина (226-модда) бундай қоидаларни бузганлик учун жавобгарликка тортилади; 256-моддасида эса, илмий тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишига сабаб бўлсагина, қилмиш ушбу норма билан квалификация қилинади ва ҳоказолар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар эса фақат ҳарбий хизматни ўташ вақтида содир этилади.

Жиноят содир қилиш усули айбдор ижтимоий хавфли қилмиш содир қилишда фойдаланадиган усуллар йиғиндисидан иборатдир.

Жиноят содир қилишда қурол воситаларидан фойдаланиш ҳам жиноят содир қилиш усули доирасига киради.

ЎзР ЖК Махсус қисми моддаларини таҳлил қилишдан кўринадики, қонунда жиноят содир қилиш усули қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўп моддаларда назарда тутилган. Албатта, ҳар бир жиноятни содир қилишнинг ўзига хос усуллари бор. Агарда муайян жиноятни содир қилиш усули бўлмаса қилмишни ўша модда билан квалификация қилиш мумкин бўлмайди. Масалан, босқинчилик ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиш орқали содир этилса, талончилик очикдан-очик талон-торож қилиш, ўғрилиқ яширин йўл билан содир этилади. Жиноят содир қилиш усулининг жиноят объектив томони факультатив белгиси эканлиги ҳам ҳар бир жиноятни содир қилишнинг ўзига хос усулда содир қилинишидадир. Шунинг билан бирга ЖК Махсус қисмининг бир қатор моддаларида ўша жиноят таркиби объектив томони белгиларидан бошқа яна алоҳида бир усул ажртиб кўрсатилади ва муайян норма диспозициясида назарда тутилган жиноят содир қилиш усули ўша норма учун зарурий белгиси сифатида қатнашади. Масалан, ЎзР ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «ж» бандида қасдан одам ўлдириш ўта шафқатсизлик билан содир қилинганлиги учун жавобгарлик назарда тутилади. Худди шундай усул орқали баданга шикаст етказиш ЖК 104-моддаси 2-қисми «в» бандида, 105-моддасининг 2-қисми «г» бандида ўша жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган. Шунингдек, номусга тегиш (118-моддаси 2-қисми «г» бандида) шундай жиноятни ўлдириш билан кўрқитиб содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

ЖК Махсус қисмининг моддаларида ўша жиноятни содир қилиш усулини алоҳида ажратиб жавобгарлик белгиланган нормаси жавобгарликни оғирлаштирувчи тури сифатида назарда тутилади.

Жиноят содир қилиш воситаси ва қуроли бир қатор жиноятлар таркиби объектив томонининг зарурий белгилари доирасига киритилган. Бунда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жиноят воситаси ва қуролидан жиноят предметини фарқлай билиш керак. Жиноятнинг предмети — ўша нарса муносабати ёки ўша предмет туфайли жиноят содир қилинса, жиноят воситаси жиноят содир қилишда фойдаланадиган ҳужжат, пул, ер майдони ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Масалан, фирибгарликда ҳужжат жиноят воситаси,

пора олиш-беришда пул пора олиш-беришнинг воситаси бўлиши мумкин.

Жиноят содир қилиш қуроли — жиноятни амалга оширишда қурол сифатида ишлатиш мумкин бўлган ҳар қандай нарсалар бўлиши мумкин.

Айрим моддаларда ўша жиноятни қурол ишлатиб содир қилиш жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгилари доирасига киритилган. Масалан, босқинчилик жиноятини қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб содир қилганлик учун ЖК 164-моддасининг 2-қисми «а» бандида назарда тутилган ва ҳоказолар.

Жиноят содир қилиш шароити — жиноят содир қилиш шароити-ижтимоий хавfli қилмиш содир қилиш вақтида мавжуд бўлган вазият бўлиб, бундай вазият объектив равишда мавжуд бўлиши, жабрланувчи ёки жиноятчи томонидан яратилган бўлиши мумкин. Масалан, кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдиришни (98-модда) жабрланувчи томонидан қилинган **Ғайриқонуний** зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек, унинг бошқа **Ғайриқонуний** ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида содир қилиш; оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш (198-модда); тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш (218-модда) ва ҳоказолар. Айбдорни ушбу нормалар билан жавобгарликка тортиш учун ўша жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгилари доирасига жиноят содир қилиш шароити ёки вазият киритилган бўлиши керак.

Жиноят содир қилиш шароити (вазияти) муайян жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, ўша жиноятнинг ё енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи белгиси сифатида назарда тутилган бўлиши мумкин. Улар жиноят таркиби доирасига киритилмаган бўлса ЎзР ЖК нинг 55 ва 56-моддаларига биноан суд жазо тайинлаш вақтида жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиши мумкин.

Шундай қилиб, жиноят объектив томонининг белгилари, зарурий ва факультатив белгиларга бўлиниб, улар зарурий ва факультатив белгиларидан иборатдир. Ижтимоий хавfli қилмиш- ЖК Махсус

қисмининг барча моддаларида назарда тутилган жиноятлар объектив томони учун зарур бўлганлиги учун ҳам зарурий белги дейилади. Факультатив белгилари эса барча жиноятлар объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланмай, фақат айрим жиноятлар учунгина зарурий бўлиб, ўша белгисиз қилмишни ўша норма билан квалификация қилиб бўлмайди.

Агар факультатив белгилар ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида ўша жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, суд жазо тайинлашда шундай жиноят учун ўша норма санкцияси доирасида умумий асосларда жазо тайинланаверади. Агарда бу белгилар ўша норма диспозициясида кўрсатилмаган бўлса, аммо қилмишда шундай белги мавжуд бўлса суд жазо тайинлаш вақтида жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олади.

Ниҳоят, жиноят объектив томони объектлари ўхшаш бўлган жиноятларда қандай жиноят содир этилганлигининг фарқини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

7-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноятнинг объектив томони деб нимага айтилади?
2. Жиноят таркиби элемент (томон)лари тизимида объектив томоннинг аҳамияти нимада?
3. Жиноят объектив томонининг белгиларини айтинг.
4. Жиноят объектив томонининг зарурий белгилари ва уларнинг аҳамиятини айтинг.
5. Жиноят объектив томони факультатив белгиларининг аҳамияти ва зарурий белгилардан фарқи нимада?
6. Ижтимоий хавfli қилмишни жиноий деб ҳисоблашнинг юридик белгилари нималарда ифодаланади?
7. Ҳаракат нима ҳаракатсизлик нима?
8. Ижтимоий хавfli оқибат нима?
9. Жиноий оқибатни жиноятларни квалификация қилишдаги аҳамияти нималарда ифодаланади?
10. Сабабий боғланишнинг жиноят ҳуқуқий аҳамиятини тушунтиринг.
11. Жиноят объектив томони факультатив белгиларини жиноятни квалификация қилишдаги аҳамияти нималарда ифодаланади?

Фойдаланилган ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М: “Юристъ”, 2001, ст.122-154.
2. Курс уголовного право в 6 томах. Том 2. М: “Наука”, ст.131-204.
3. В.Н.Кудрявцев. Объективная сторона преступления. М: 1960, ст.9.
4. Б.А.Куринов. Научные основы квалификации преступлений. М: 1984.
5. Уголовное право. Под ред. Н.И.Ветрова, Ю.И. Лапунова. М: “Юриспруденция”, 2000.
6. Н.А.Чертова. Объективные признаки преступление против экологической безопасности водной среды и пути их совершенствования. М: “Государство и право”, №8, 2004 ст.67-72.
7. В.М.Савицкий. Презумпция невиновности.М: “Норма”, 1997.
8. Г.В.Тимейко. Общее учение об объективной стороне преступления. Ростов. 1977.
9. Т.В.Церетели. Причинная связь в уголовном праве. М: “Госюриздат”, 1963.
10. А.Н.Трайнин. Общее учение о составе преступления. М: “Госюриздат”, 195
11. М.З.Муқимов **Жиноят таркиби Тошкент. “Адолат” 2008 й.**

VIII БОБ. ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ

1-§. Жиноятнинг субъектив томони тушунчаси ва аҳамияти

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг ўз ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатига бўлган руҳий муносабатидир¹. Демак, жиноятнинг субъектив томони жиноятнинг субъектив (руҳий) мазмунини белгиловчи томонидир.

Бундан олдинги бобда жиноят таркибининг объектив томонини баён қилиб, объектив томони қилмишнинг ташқи мазмунини ифодаловчи томонидир деган эдик. Жиноятнинг субъектив томони қилмишнинг ички мазмунини ифодаловчи томонидир.

Жиноятнинг субъектив томонининг мазмуни айб, мотив, мақсад каби юридик белгилари ёрдамида очиб берилади. Айб, мотив ва мақсад бир-бири билан узвий боғланган тушунчалар бўлиши билан бирга уларнинг ҳар бири мустақил мазмунга эга бўлиб, жиноят субъектив томонининг юридик белгиларини ташкил қилади.

Жиноятнинг субъектив томони қилмишнинг жиноят эканлиги ёки жиноят эмаслигини, агар жиноят бўлса, айб шакли қасддан ёки эҳтиётсизликдан эканлигини аниқлаб берувчи асосий мезон ҳисобланади.

Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси айбдир. Шунга кўра, ижтимоий хавфли қилмишга бўлган шахснинг руҳий муносабати жиноят субъектив томонининг марказий масаласидир. Аммо айб шахс нима сабабдан жиноят содир қилди деган саволга жавоб бера олмайди. Бу саволга жиноятнинг мотиви ва мақсадини таҳлил қилиш орқали жавоб топилади. Аммо жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгилари ҳисобланади. Жиноят субъектив томонида ҳиссиёт (ички ҳис-туйғу, ғазаб, нафрат, қониқиш ҳосил қилиш ва ҳоказолар) муҳим аҳамиятга эга бўлсада, бундай ҳолатлар жиноят субъектив томонининг белгилари бўла олмайди. Лекин ҳиссиёт жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир қилиш жараёнида жиноят-нинг мотивини ташкил қилувчи, мотивнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга ҳиссиёт ЖК Махсус қисмининг айрим моддалари субъектив томонининг зарурий белгилари доирасига

¹ Расулов О.Х. Совет жиноят ҳукуки. Т.: «Ўқитувчи», 1969, 144-бет.

киритилган. Жумладан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (98-модда), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-модда) ва ҳоказолар.

Жиноятнинг субъектив томонининг аҳамиятини қуйидаги-ларда ифодалаш мумкин:

1) жиноятнинг субъектив томони қилмишнинг жиноят эканлиги ёки жиноят эмаслигини аниқлаб беради. Шахснинг ўзи англамаган ва англаши мумкин бўлмаган, яъни онги билан бошқарилмаган қилмиши жиноят ҳисобланмайди. Ҳар қандай қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинган қилмишлар субъектнинг онги билан бошқарилган, ёки ўзининг ҳаракати, ёки ҳаракатсизлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни англаган, ёхуд иш ҳолатларига кўра, англаши зарурлиги талаб қилинади;

2) объектив томондан ўхшаш бўлган жиноятларни бир-биридан фарқини ажратиб беради. Жумладан, қасддан одам ўлдириш (97-модда)дан эҳтиётсизликдан одам ўлдириш (102-модда) ни қасддан одам ўлдиришдан жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган баданга оғир шикаст етказиш (104-модданинг 3-қисми «д» банди)нинг фарқлари асосан субъектив томонини таҳлил қилиш орқали аниқланади;

3) жиноят субъектив томонининг мазмуни қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда ҳам муҳимдир. Шунингдек, шахснинг ўзини ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам субъектив томони орқали аниқланади. Шунга кўра, жиноят субъектив томони жавобгарликнинг хусусияти ва жазо миқдорига ҳам таъсир қилади. Яъни жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат (55-56-моддалар) деб жазо тайинлаш, ёки қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш (57-модда) да жиноят субъектив томонининг жиноят таркиби доирасига кирадиган ва кирмайдиган белгилари муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, жиноятнинг субъектив томони жиноий жавобгарликни асослантириш, жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

2-§. Айб тушунчаси ва унинг шакллари

Айб жиноят ҳуқуқининг энг муҳим мавзуларидан бири бўлишига қарамасдан фақат ЎзР нинг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида ўз ифодасини топди (20-модда).

Айб — жиноятчининг содир қилган ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳамда унинг ижтимоий хавфли оқибатига қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабатидир. Жиноят ҳуқуқида шахснинг қилмиши учун жавобгарлик белгиланар экан, бунда шахс ўзининг ижтимоий хавфли хулқининг ижтимоий сиёсий моҳиятини англаган ва онги билан бошқариб, ўз эрки-иродаси билан боғлиқ ҳолда содир этганлигига асосланади.

Руҳий муносабат сифатидаги айбнинг мазмунини онг ва ирода ташкил этади. Демак, айб иккита элементнинг, яъни тафаккурий ва иродавий ҳолатларнинг бирлашишидан шаклланадиган элемент ҳисобланади. Айбнинг тафаккурий ва иродавий ҳолатлари бирлашиб, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айбни ташкил қилади. Демак, айб қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айблар учун умумий бўлган тушунчадир. Шунга кўра, шахсни жиноят содир қилишда айбланиш учун қилмиш қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганлиги аниқланиши керак. Уни аниқлаш эса қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятнинг иш ҳолатларига тегишли барча ҳолатларини аниқлаш ва баҳолаш орқали исботланади.

Жиноят ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланганлиги боис, шахснинг ўз қилмиши ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатини англаганлиги айбнинг ижтимоий-сиёсий мазмунини ташкил этади ва уни таҳлил қилиш орқали айбнинг ижтимоий моҳияти очиқ берилади.

Айб ижтимоий ҳодиса категориясидир, чунки муайян ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганда энг муҳим ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинади.

Онг ва ирода қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги инсон руҳий фаолиятининг элементлари бўлиб, уларнинг йиғиндиси айбнинг мазмунини ташкил қилади. Онг ва ирода руҳий фаолиятнинг тафаккурий ва иродавий элементлари бўлиб, улар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Лекин шунинг билан бирга уларнинг ҳар бири мустақил тушунчалардир. Уларнинг ҳар бирининг мазмуни муайян жиноят учун жавобгарликни белгиловчи норманинг тузилишида баён қилинади.

Айбнинг тафаккурий элементи инъикос этувчи ва англаш хусусиятига эга бўлиб, объектнинг ва содир этилган қилмишнинг

хусусиятини ҳамда жиноят содир қилиш жойи, вақти, шароити ва ҳоказолар, жиноят-объектив томонининг зарурий ва факультатив белгиларини ҳам агар улар жиноят таркиби доирасига киритилган бўлса, қамраб олади. Моддий таркибли жиноятларда эса келиб чиқадиган оқибатни ҳам қамраб олади. Чунки шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ва ундан келиб чиқадиган оқибатни олдиндан англайди.

Айбнинг иродавий элементининг мазмуни ЖК Махсус қисмининг моддаси тузилишида баён қилинади. Субъектнинг иродавий муносабати жинойий қилмишнинг қонунда белгиланган юридик мазмунга эга бўлган ҳақиқий ҳолатларни ҳам қамраб олади. Қасддан жиноят содир қилишда иродавий жараённинг моҳияти шахснинг ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англагани, унинг юз беришини истаганида ҳамда шундай оқибатга эришиш учун интилишидадир. Эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда эса, қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилганлигида ёки қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмасада, лекин кўзи етиши лозим ва мумкинлигида ифодаланади.

Жиноят субъектининг руҳий ҳолатида юз берадиган тафак-курий ва иродавий жараёнларнинг жадаллиги асосидаги айб шаклларга бўлинади. Булар қасд шаклидаги айб ва эҳтиётсизлик шаклидаги айбдир. Ҳар бир шаклдаги айб ўз навбатида турларга бўлинади.

Қасд шаклидаги айбнинг тушунчаси ЖКнинг 21-моддаси, эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг тушунчаси ЖКнинг 22-моддаси-да берилган.

Айбнинг қонунда белгиланган шакл ва турларидан бошқа шакл ва турлари йўқ. Айбнинг шакли ЖК Махсус қисми моддасининг диспозициясида кўрсатилади ёки диспозициянинг мазмунига қараб аниқланади. Кўпгина моддаларда айб шакли жиноятнинг мақсадига қараб аниқланади. Масалан, талончилик, ўғрилик ва ҳоказолар қонунда ҳаракатнинг хусусиятига қараб аниқланади. Масалан, номусга тегиш, тухмат, ҳақорат, қилиш, пора олиш ва ҳоказолар. Жиноят қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир қилиниши мумкин бўлган жиноятларда ўша норма диспозициясида, албатта, қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир қилиниш кўрсатилади.

Масалан, одам ўлдириш қасддан ҳам, эҳтиётсизликдан ҳам содир қилиниши мумкинлиги туфайли ЖК 97-моддасида одам ўлдириш фақат қасддан содир қилиниши кўрсатилган бўлса, 102-моддасида фақат эҳтиётсизликдан содир қилиниши ўша моддалар диспозициясида айтилган. Махсус қисми моддаси диспозициясида айб шакли аниқ кўрсатилмаган бўлсада, айбнинг қасд ёки эҳтиётсизликдан содир қилиниши аниқ кўрсатилмаган бўлса, ўша норманинг диспозицияси мазмунига кўра, аниқланади. Масалан, ЖК 116-моддасида «Шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса», дейилади. Ушбу норманинг диспозицияси мазмунидан кўриниб турибдики, бу жиноят эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятлар гуруҳига киради. Бепарволик эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятнинг белгиси ҳисобланади.

Юридик адабиётларда айб шаклининг аҳамиятини қуйидагиларда ифодалядилар:

биринчидан — айб шакли жиноий қилмишдан жиноят ҳисобланмайдиган қилмишнинг фарқини аниқлаб беради. Бундай фарқни аниқлаб бериш фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда намоён бўлади;

иккинчидан — агарда қонунда содир этилган объектив белгиларига кўра, ўхшаш бўлган, аммо айб шакли бўйича фарқ қиладиган ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарлик белгиланган бўлса, айб шакли жиноятни квалификация қилишни белгилайди. Жумладан, ЖК 97-моддасидаги қасддан одам ўлдириш билан 102-моддада назарда тутилган эҳтиётсизликдан одам ўлдиришни квалификация қилишда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда) ва қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда)дан эҳтиётсизликдан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш жиноятларини квалификация қилишнинг асосий шarti ҳисобланади;

учинчидан — айб шакли кўп ҳолларда қасддан қилинадиган жиноятларга қонунда эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларга нисбатан оғирроқ жазо белгилашнинг асоси бўлиб, хизмат қиладди;

тўртинчидан — қасднинг турлари ва эҳтиётсизликнинг турлари қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмасида, жиноий жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Тўғри қасддан содир этилган жиноят эгри қасддан қилинган

жиноятга нисбатан ижтимоий хавфлироқ ҳисобланади. Чунки қасдда шахс муайян мақсадга эришиш учун ўз иродаси ва ҳаракатларини шу мақсадга етишишга бўйсундиради ва қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга тажовуз қилиб, унга зарар етказди. Эгри қасдда эса, қилмишнинг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл кўйган ва кўпинча, оқибатига нисбатан бефарқ равишда ҳаракат қилади.

Шунингдек, эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш тури бепарволикка нисбатан хавfliроқ ҳисобланади. Чунки ўз-ўзига ишонишда шахснинг қилмиши ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик-нинг чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш ҳисобланади.

Ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб чиқаришига кўзи етмасда, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади;

бешинчидан — айб шакли қилмишнинг ижтимоий хавfliлик даражасига мувофиқ равишда ЎзР ЖКнинг 15-моддасига мувофиқ равишда жиноятларни таснифлашнинг қонунда белгиланган мезони бўлиб, хизмат қилади;

олтинчидан — айб шакли озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ турини белгилайди. Қасддан содир этилган ижтимоий хавfli катта бўлмаган жинояти учун уч йилгача ва эҳтиётсизликдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар бу жазони манзил колонияларда, оғир ва ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилинганларга умумий ёки қаттиқ тартибли жазони ўташ колонияларларда жазони ўтайдилар (ЎзР ЖК нинг 50-моддаси)¹.

Қасддан жиноят содир қилиш шакли бир қатор жиноят-ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Бу оқибатларни қуйидагиларда ифодаланишини кўрсатиш мумкин:

- шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади;

¹ Қаранг: Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М: «Юристъ», 2001, стр. 160.

- шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан олдинги жиноятга ўхшаш жиноятни содир қилиш хавфли рецидив жиноят деб топилади;

- беш йилдан кам бўлмаган муддатга қасддан қилган оғир ва ўта оғир жинояти учун бир неча марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса шахс ўта хавфли рецидивист деб топилади;

- илгари қасддан жиноят содир этган шахснинг яна ўша жиноятга ўхшаш жиноятни содир этиши такроран жиноят содир этиш деб топилади (ЖК 32-моддаси);

- илгари қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан яна жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. (ЎзР ЖК 56-моддаси 1-қисмининг «н» банди);

- оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ЖКнинг 66-моддаси (айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш), 66¹-моддаси (ярашганлиги муносабати билан жавобгар-ликдан озод қилиш) қоидаларини қўллаш мумкин бўлмайди;

- оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга нисбатан 71-модда (айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги) муносабати билан жазодан озод қилиш)нинг қоидаларини қўллаш мумкин бўлмайди;

- оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга нисбатан 72-модда (шартли ҳукм қилиш) нинг қоидалари қўлланмайди. (Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно);

- оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун жазони ўтаётган шахсларнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда, жазонинг ўталган қисмининг камида ярмини ўтаб бўлганлиги талаб қилинади (73-модда);

- ва ҳоказо қонунда назарда тутилган бошқа оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

3-§. Қасд тушунчаси ва унинг турлари

Айбнинг қасд шаклида содир қилинадиган жиноятлар суд амалиётида кўриладиган жиноят ишларининг асосий кўпчилигини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг 1926 йилда ва 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексларида қасднинг тушунчалари алоҳида-алоҳида берилмаган эди. 1994 йил 22 сентябрда қабул

қилинган Жиноят кодексида биринчи марта қасднинг турлари алоҳида-алоҳида тушунчаларда берилди. ЎзР ЖКнинг 21-моддасига кўра, қасднинг турлари — тўғри қасд ва эгри қасддан иборатдир.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади. (ЎзР ЖКнинг 21-моддаси 3-қисми).

Содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан билиш инсон онгида юз берадиган жараён бўлиб, тўғри қасднинг тафаккурий ҳолати ҳисобланади. Жиноий оқибатнинг келиб чиқишини руҳий фаолиятнинг иродавий ҳолати ташкил қилади ва тўғри қасднинг иродавий элементиدير. Демак, қасднинг иккита ҳолати назарда тутилган бўлиб, булар тафаккурий ва иродавий ҳолатидир.

Тафаккурий ҳолат — жиноят содир қилган шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг жамият учун хавфлилигини англагани, унинг жамият учун хавфли оқибатлар юз беришига кўзи етганлигидир.

Иродавий ҳолат — шахс шундай оқибатни истаган ва шу оқибатларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйганлигидир.

Содир этиладиган қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини англаш қилмишнинг ҳақиқий мазмунини, ижтимоий хавфли аҳамиятини тушунишдан иборатдир. Бундай тушуниш қонун билан қўриқланаётган объектга тажовуз қилинаётган-лигини, амалга оширилаётган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг мазмунини, шунингдек, жиноят содир қилиш вақти, жойи, усули, шароитини қамраб олган жиноят содир қилишнинг ҳақиқий ҳолатларини олдиндан билганлигидир. Шахс жиноятни содир қилар экан, ана шу ҳолатларнинг барчаси унинг онгида ўз аксини топади. Бу компонентларнинг барчасини айбдор онгида акс этиши, унинг қилмишининг ижтимоий хавфлилигини олдиндан англаганлигини билдиради. Шахснинг олган билими, тажрибаси, ўз қилмишининг ижтимоий аҳамиятини англаши ҳар бир кишига тегишли бўлган қобилиятдир.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш билан унинг жиноят қонуни билан тақиқланган қонунга хилофлигини англашни бир хил тушунча деб тушуниш тўғри бўлмайди. Кўпчилик ҳолларда қасддан жиноят содир қилган шахс ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англайди. Аммо қонунда айбнинг бу шаклидаги жиноятларнинг субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида,

шахснинг ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаши ўша нормага киритилмаган. Айрим ҳолларда шахс ўзининг қилмишини қонунга хилофлигини англамаслиги ҳам мумкин. Аммо англаши зарур бўлади.

Олдиндан билиш — келажакда содир бўладиган, содир бўлиши мумкин бўлган воқеа ёки ҳодисаларнинг киши онгида акс этишидир.

Шунга кўра, олдиндан англаши туфайли жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга келтириши мумкин бўлган зарарни фикран тасаввур қилишдан иборатдир. Тасаввур қилиш қилмишнинг барча ҳолатларини қамраб олиши мумкин.

Тўғри қасдда олдиндан англаш (билиш) қуйидагиларни қамраб олади:

биринчидан — тажовуз қилинадиган объектда бўладиган ўзгаришларнинг ҳақиқий мазмунини англаш;

иккинчидан — қилмишнинг ижтимоий аҳамиятини, яъни жамият учун зарарли эканлигини англаш;

учинчидан — ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни англаш (билиш).

Тўғри қасднинг иродавий ҳолати шахснинг муайян оқибатни юз беришини истагани ва шу оқибатнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйганлиги экан, истагани нима?

Исташ — бу муайян мақсадга эришишга йўналтирилган ирода орқали муайян натижага эришишга бўлган интилишдир. Исташ — тўғри қасднинг элементи сифатида айбдорнинг кўзлаган мақсадга эришишга ёки эришишга шароит яратувчи вазиятни келтириб чиқаришга қаратилган бўлиши мумкин.

Моддий жиноятларнинг асосий қисми тўғри қасддан содир этилади. Шунга кўра, исташ ижтимоий хавфли оқибат билан боғлиқдир. Аммо ЖКда назарда тутилган кўпгина жиноятлар формал таркибли бўлиб, келиб чиққан оқибат жиноят таркиби доирасидан ташқарида туради.

Бундай жиноятларда исташ ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ўзига сингдирилади. Масалан, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда) да жабрланув-чини ана шундай қўрқитишнинг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланиб, қўрқитишнинг ўзи билан жиноят тугалланган ҳисоб-ланиб, субъектнинг исташи қўрқитишнинг ўзига сингдирилган. Қўрқитиш натижасида бирон бир моддий маънодаги оқибат келиб чиқса (Масалан, қўрққанидан қон босимининг кўтарилиб кетиши туфайли

оғир касал бўлиб қолиши ва бошқа оқибатлар) айбдор-нинг қасди қамраб олмайди.

Демак, формал таркибли жиноят содир этилганда иташнинг предмети ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик) бўлиб, келиб чиққан оқибатнинг келиб чиққанлиги ёки чиқмаганлиги иташнинг предмети доирасига кирмайди.

Шундай қилиб, тўғри қасд қуйидаги учта белги билан ифодаланади:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш;
- 2) қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатини олдиндан билиш;
- 3) ижтимоий хавфли оқибатнинг юз беришини иташ.

Тўғри қасддан содир қилинган жиноятларда ана шу учта белгининг барчаси бирданига мавжуд бўлади ва улардан бирининг етишмаслиги қилмишни тўғри қасддан содир қилинган деб топишга асос бўлмайди. Тўғри қасддан содир этиладиган формал жиноятларда эса содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликни англашнинг ўзи етарлидир ва буни истаб ҳаракат қилганликнинг ўзи етарлидир.

ЎзР ЖК 21-моддасининг 4-қисмида эгри қасднинг тушунчаси берилган бўлиб, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади.

Эгри қасд билан тўғри қасда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш элементи бўйича фарқ қилмайди. Аммо келиб чиққан оқибатга бўлган муносабат бир хил эмас, яъни тўғри қасда субъект ижтимоий хавфли оқибат юз беришини истайди. Эгри қасда эса ижтимоий хавфли оқибатни юз бериши мумкинлигини англайди, оқибатни юз беришини истамасада унга онгли равишда йўл қўяди. Шунга кўра, тўғри ва эгри қасдлар бир-бири билан иродавий хусусиятига кўра, фарқ қилади.

Шундай қилиб, эгри қасднинг тафаккурий ҳолатининг элементлари содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш ва ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан билишдан иборат.

Эгри қасднинг иродавий ҳолати — ижтимоий хавфли оқибатнинг юз беришини хоҳламасада, оқибатга нисбатан бефарқлик билан қараб, ижтимоий хавфли ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик)га онгли равишда йўл қўйишдан иборатдир. Эгри қасда ижтимоий хавфли

оқибатни хоҳламаслигини, ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини умуман хоҳламаслиги, унинг келиб чиқишини бартараф қилишга интилиш деб қараш керак эмас. Бундай қараш эгри қасдни тўғри тушунмасликка олиб келади. Ҳақиқатда эса келиб чиқадиган оқибатни келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиш, маълум маънода оқибатнинг келиб чиқишига пассив муносабатда бўлишдан иборат. Бундай ҳолда ҳам шахс ижтимоий хавфли оқибат муқаррар равишда юз беришини олдиндан биледи ва оқибатнинг келиб чиқишига қаратилган фаол қилмишни содир қилади. Шунга кўра, айбдор эгри қасдда ҳам шундай оқибат келиб чиқишига тайёр. Шунга кўра, онгли равишда жиноий қилмишга йўл қўйиш ўз мазмунига кўра ва руҳий хусусиятга кўра, ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини исташга яқинроқ туради. Айнан келиб чиқадиган оқибатга бўлган муносабат тўғри ва эгри қасднинг бир-биридан фарқини белгилаб бериш билан бирга уларни бир-бирига яқинлаштиради.

Эгри қасднинг мазмуни ҳам келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатга бўлган бефарқлик билан муносабатда бўлишда ифодаланади.

Эгри қасдда онгли равишда йўл қўйиш келиб чиққан оқибатга нисбатан бефарқлик билан муносабатда бўлиш бир-бирига яқин тушунчалардир. Бунда шахс ўз ҳаракатининг бутун оқибатини англайди, аммо келиб чиққан оқибатга бефарқ муносабатда бўлади. Масалан, икки бир-бири билан эскидан таниш бўлган кишилар спиртли ичимлик истеъмол қилиб туриб, ўртада гап таллашиб қолади ва бири иккинчисини мушт билан урганда жабрланувчи иккинчи қаватдан пилапоя орқали юмалаб кетиб, баданига оғир шикаст етказилади. Субъект ўз рақибини мушт билан урар экан, жабрланувчига айнан оғир шикаст етказишни мақсад қилмайди. Субъект жабрланувчининг баданига енгил, ёки ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига бефарқ муносабатда бўлади. Шунга кўра, эгри қасддан содир этилган қилмиш ҳар доим келиб чиққан оқибатга қараб квалификация қилинади. Тўғри қасдда айбдор аниқ мақсад йўлида ҳаракат қилганлиги туфайли, мақсад қилмишни квалификация қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, эгри қасдда келиб чиққан оқибат муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунга кўра, эгри қасддан қилинадиган жиноятлар фақат моддий таркибли жиноятлардагина бўлиши мумкин. Бундан ташқари, эгри қасддан қилинадиган жиноятларда, жиноятларга тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш босқичлари бўлмайди. Чунки айбдор олдиндан тайёргарлик кўриб

қатъий бир мақсад йўлида жиноят содир қилмай, фавқулодда вужудга келган вазият туфайли содир қилинади. Шунингдек, жиноятнинг ташкилотчиси, далолатчиси ёки ёрдамчисининг ҳаракати фақат тўғри қасддан содир қилинади.

Тўғри ва эгри қасд — қасд шаклидаги айбнинг турлари бўлиб, улар ўртасидаги умумийлик анча юқори. Шунинг учун ЖК Махсус қисмининг моддаларида жиноятни тўғри ёки эгри қасддан содир этилиши алоҳида ажратиб кўрсатилмаган. Жиноятни тўғри ёки эгри қасддан содир этилганлигини ЖК 21-моддасининг мазмунига асосланган ҳолда Махсус қисми моддаси диспозициясининг мазмунига қараб аниқланади.

Жиноятни тўғри ёки эгри қасддан қилинганлиги қилмишнинг квалификациясини ўзгартирмасда тўғри қасдга нисбатан эгри қасднинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда субъект шахсининг ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ бўлганлиги туфайли суд жазо тайинлашда қилмишни тўғри ёки эгри қасддан қилинганлигини, албатта, ҳисобга олади.

Демак, тўғри ва эгри қасдлар айбнинг қасд шаклидан иборат бўлсада, улар ўзларига хос хусусиятларга кўра, бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқларни қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

1) тўғри қасдда келиб чиқадиган ижтимоий хавfli оқибатнинг келиб чиқиши муқаррарлигини, бундай оқибатнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан билади. Эгри қасдда ҳам бундай оқибатнинг келиб чиқишини олдиндан билади;

2) келиб чиқадиган оқибатга бўлган муносабатнинг фарқи билан ҳам ифодаланади, яъни тўғри қасдда ижтимоий хавfli оқибатнинг келиб чиқишини субъект истайди. Эгри қасдда эса ижтимоий хавfli оқибатнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди ёхуд оқибатга нисбатан бефарқ муносабатда бўлади.

Қасдни тўғри ва эгри қасдларга бўлиниши шахсининг руҳий ҳолатининг мазмунига асосланган. Қасднинг бундай бўлиниши фақат назарий жиҳатдан аҳамиятга боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Уларнинг фарқини аниқ белгилаш, энг аввало, бир қатор жиноят-ҳуқуқий институтларни амалда тўғри қўлланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар эгри қасддан содир этилмайди, Шунингдек, субъектнинг айби даражасини, қилмишнинг ва айбдор шахсининг ижтимоий хавfliлик даражасини аниқлаш ҳамда жиноий

жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Юридик адабиётларда қасддан содир этиладиган жиноятларни уларнинг руҳий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларига кўра, бошқа белгиларга кўра турларга бўлиш учрайди¹. Жумладан, жиноий ниятнинг пайдо бўлиш вақтига қараб қасдни олдиндан ўйлаб қилинган қасд ва тўсатдан пайдо бўлган қасдга бўлиш мумкин.

Олдиндан ўйлаб қўйилган қасдда шахс жиноятни амалга оширишдан анча олдин ўйлаб қўяди. Олдиндан ўйлаб қўйилган қасднинг ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги шундаки, бунда шахс жиноий қилмишни бошламасдан анча олдин содир этиладиган жиноятнинг барча жиҳатларини олдиндан ўйлаб қўяди. Кўзлаган мақсадга эришишнинг барча воситаларини, жиноят изларини яшириш йўллари пухта ўйлаб қўяди. Аммо олдиндан ўйлаб қўйилган қасдда шахс қилмишининг жиноят содир қилиш вақти ва қасд пайдо бўлиш вақти ўртасида ўтган муддатнинг умуман аҳамияти йўқ, олдиндан ўйлаб қўйилган қасд шахс жиноий ниятини дарҳол амалга оширмай қулай вазиятни кутиши ҳам мумкин. Аксинча, ана шу вақт мобайнида шахсдаги ички қарама-қаршилик, келиб чиқадиган оқибатга нисбатан эмоционал муносабат қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини оширувчи омиллар бўла олмайди. Иккинчи томондан субъект ана шу вақтдан жиноий ниятни амалга оширишга тўсиқ бўладиган вазиятларни бартараф қилиш, жиноятни амалга оширишнинг пухта режасини ишлаб чиқиш, жиноят изларини яшириш усулларини ишлаб чиқиш вақти сифатида фойдаланиши, жиноятни амалга оширишнинг қулай усулларини ишлаб чиқиш, жабрланувчини алдаб унга нисбатан жиноят содир қилиш вазиятини яратиши, жиноятни амалга ошириш, қурол, турли қурилмалар, портлатиш воситалари ва қурилмаларини тайёрлаш ва ҳоказолар сифатида фойдаланиши мумкин. Шунга кўра, тўсатдан пайдо бўлган қасдга кўра, олдиндан ўйлаб қўйилган қасднинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқдир.

Тўсатдан пайдо бўлган қасдда субъектнинг жиноий нияти пайдо бўлиши билан ёки шундай қасд пайдо бўлганидан кўп вақт ўтмасдан жиноий ният амалга оширилган қасддир. Тўсатдан пайдо бўлган қасдни иккига, яъни оддий тўсатдан пайдо бўлган ва аффект

¹ Бу ҳақда қаранг: Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т: «Ўқитувчи» 1969, 151-152-бетлар; Курс советского уголовного права в 6 томах. Т. II. М. 1970, стр 309-310; Уголовного право Российской Федерации, Общая часть. М: «Юристь», стр. 201, 168-169.

ҳолатидаги қасдларга бўлиш мумкин. Оддий тўсатдан пайдо бўлган қасдда шахснинг руҳий ҳаяжонланиш ҳолатининг нормал вақтда жиноят содир қилиш тўғрисида туғилган ниятидир.

Аффект ҳолатидаги қасднинг пайдо бўлиш вақти шахс руҳий ҳолатида аффект ҳолатининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Аффект ҳолатида жиноят содир қилиш тўғрисидаги қасд жабрланувчи томонидан қилинган **Ғайриқонуний зўрлик** ёки оғир ҳақорат, ёхуд бошқа **Ғайриқонуний** ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида пайдо бўлган қасддир. Аффект ҳолатидаги қасд субъектда кучли руҳий ҳаяжонланиш натижасида пайдо бўлар экан, шахснинг ўз иродасини назорат қилиш қобилияти пасаяди. Аффект ҳолатида содир этилган жиноятларда айбдорнинг жамият учун ижтимоий хилоф қарашлари бўлмасдан, жиноят содир этишга ташқи таъсир, яъни вазият сабаб бўлиб қолади. Шунинг учун қонунда аффект ҳолатида содир қилинган жиноятлар жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган (ЎзР ЖК 55-моддасининг 1-қисми «д» банди).

Олдиндан ўйлаб кўйилган қасд ва тўсатдан пайдо бўлган қасд ўзининг руҳий мазмунига кўра, тўғри ёки эгри қасддан бўлиши мумкин.

Шахснинг содир қиладиган жиноятининг ҳақиқий ҳолатлари ва ижтимоий хусусиятларини тасаввур қилишига қараб тўғри қасдни икки гуруҳга, яъни муайян ва номуайян қасдларга бўладилар. Муайян қасд ҳам ўз навбатида оддий муайян қасд ва альтернатив қасдларга бўлинади.

Оддий муайян (аниқ) қасдда шахс ўз қилмиши туфайли қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга етказиладиган зарарнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлади, яъни субъектнинг нияти ҳам аниқ, жиноятнинг натижаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Альтернатив қасд — муайян қасднинг кўринишларидан бири бўлиб, шахс бир неча муайян мақсадлардан бирига эришишни ният қилади. Альтернатив қасд билан содир этилган қилмиш ҳар доим келиб чиққан ҳақиқий оқибатга қараб квалификация қилинади. Масалан, шахс ўзганинг мулкни талон-торож қилишни мақсад қилган экан, унинг нияти мулкни қўлга киритишнинг очикдан-очик тортиб олиш ёки яширин равишда қўлга киритишни ният қилиб, қайси бир усули орқали талон-торож қилиш учун вазият мавжуд бўлса, ўша усулни танлайди. Ана шунда ўз ниятини амалга ошириш

учун қайси йўлни танлаган бўлса, ўшанга қараб квалификация қилинади.

Номуайян қасдда шахс ўз ҳаракатларидан қандай оқибатлар келиб чиқиши тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиб, келиб чиқадиган зарарнинг даражасини аниқ билмайди. Масалан, айбдор шахснинг баданига шикаст етказар экан, жабрланувчининг ўлиб қолиши ёки баданига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши мумкинлигини аниқ билмайди.

4-§. Эҳтиётсизлик тушунчаси ва унинг турлари

Эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятлар қасддан қилинадиган жиноятларга нисбатан анча кам содир қилинадиган жиноят бўлсада, айрим ҳолларда жиноий эҳтиётсизлик туфайли жамиятга келтириладиган зарарнинг миқёси жуда катта бўлиши мумкин. Айниқса, илмий-техника тараққиёти, қудратли энергия манбаларнинг яратилганлиги, ишлаб чиқаришнинг ғоят йириклашиб, корхоналарнинг бир-бири билан боғланиб кетганлиги, корхоналарда минглаб ишчи кучларнинг меҳнат қилиши эҳтиёткорлик чораларининг энг замонавий чораларини ишлаб чиқишни талаб этади. Йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситалари оқимининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги, йўлларни замон талаби даражасида қуриш, ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишни ҳар бир транспорт ҳайдовчиси ва пиёда йўловчининг эътиқодига айлантиришни талаб қилади.

Темир йўл транспорти, ҳаво кемалари ва сувда сузадиган кемаларнинг ҳалокати қандай оғир оқибатлар келтириб чиқариши ҳаммага маълум. “Курск” атом сув ости кемасининг ҳалокати, юз минглаб тонна нефт маҳсулотларнинг денгизга оқиб кетиши натижасида келиб чиқаётган экологик оқибатлар инсоният қандай жиддий хавфлар олдида турганлигини кўрсатади. Битта Чернобиль атом электр станциясидаги ҳалокат инсониятга қанчалик қимматга тушгани барчага маълум.

Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этиш асосан айрим шахслар интизомсизлиги, бепарволиги, ландавурлиги бош-бошдоқлик, касб ёки хизмат вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлмаслик, шахснинг билими ёки малакасининг етишмаслиги, тажрибасининг

йўқлиги ёки етишмаслиги соғлигининг ёмонлиги ва хоказолар туфайли содир бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда ҳар бир оилада турли механизмлар, асбоб-ускуналардан, энергия, газ, сувдан фойдаланадиган мослама ва техника воситалари кенг доирада ишлатилади. Демак, оилада ҳам ҳар бир шахс улардан фойдаланиш қоидаларини билиши ва уларни ишлатиш қоидаларига қатъий риоя қилиши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар муайян оқибатнинг келиб чиқиш принципига асосланган бўлиб, ЖК Махсус қисми моддасида шундай қилмиш учун жавобгарлик белгиланган бўлсагина, шахс эҳтиётсизликдан жиноят содир қилишда айбланиши мумкин. Шунга кўра, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган қилмиш учун муайян оқибат келиб чиқсагина жиноят эҳтиётсизликдан содир этилган деб топилади. Агар эҳтиётсизлик туфайли қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан бирон-бир оқибат келиб чиқмаса ундай қилмиш эҳтиётсизликдан содир этилган жиноят деб топилмайди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида эҳтиётсизликнинг иккита турининг алоҳида-алоҳида тушунчалари берилди. Бундан олдинги ЎзР ЖК ларида эҳтиётсизликнинг турлари алоҳида-алоҳида берилмай, фақат жиноят ҳуқуқида унинг тушунчалари ишлаб чиқилган эди.

Амалдаги Жиноят кодексининг 22-моддасида эҳтиётсизлик-нинг иккита тури назарда тутилиб, уларнинг ҳар бирининг тушунчалари ЎзР ЖКнинг 22-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида берилган. Эҳтиётсизликнинг бу турлари жиноят ҳуқуқи назариясида ва амалиётда ҳар доим фойдаланилган бўлсада, фақат амалдаги Жиноят кодексида қонуний тушунчаларга эга бўлди.

Эҳтиётсизликнинг турлари ўз-ўзига ишониш ва бепарволикдан иборат.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади.

Жиноят содир этган шахснинг ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етиши ўз-ўзига ишонишнинг тафаккурий

элементи ҳисобланади. Эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилиш, ўз-ўзига ишонишнинг иродавий элементи ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи орган ўз-ўзига ишонишнинг тафаккурий элементини ифодалар экан, ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқаришига кўзи етиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ҳаракат ёки ҳаракатсизликка бўлган руҳий муносабатни тушириб қолдирган. Аммо ўз-ўзига ишониш, одатда, эҳтиёткорлик қоидаларини онгли равишда бузиш билан боғлиқдир. Ўз-ўзига ишониб ҳаракат қилган шахс ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни жамият учун зарарли эканлигини билади ва шунинг учун шундай зарарли оқибат келиб чиқмаслигига умид қилади ва унинг олдини оламан деб ўйлайди. Шунга кўра, ўз-ўзига ишонишда айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфлилигини англайди. Ана шу ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфлилигини англаши ўз-ўзига ишонишни эгри қасдга яқинлаштириб қўяди. Агарда эгри қасдда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатини аниқ билсада, ўз-ўзига ишонишда айбдор муайян оқибат келиб чиқиши мумкинлигини билади, аммо шундай оқибат келиб чиқмайди деб хом хаёллик билан ҳаракат қилади.

Эгри қасдда оқибатни англаш аниқ бўлиб, айбдор муайян оқибатни муқаррар равишда келиб чиқишини билади. Ўз-ўзига ишонишда эса оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаш, абстракт англаш бўлиб, ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли келиб чиқадиган оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқ тасаввур қила олмайди, аммо ўзининг руҳий ҳолати бўйича уни тасаввур қилиши зарур бўлади. Айбдор ўзининг хусусиятлари ва шу вақтдаги вазиятни баҳолашда енгилтаклик билан муносабатда бўлади. Натижада келиб чиқадиган оқибатнинг олдини ололмайди.

Ўз-ўзига ишонишнинг эгри қасддан энг асосий фарқи иродавий элементнинг мазмуни билан белгиланади. Эгри қасдда айбдор ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйса ва муқаррар равишда келиб чиқишига бефарқ бўлса, ўз-ўзига ишонишда шундай оқибатнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиш айбдорнинг хоҳиши ва онгли равишда йўл қўйиши эмас, балки субъект оқибат келиб чиқишини хоҳламайди ва оқибатга нисбатан салбий муносабатда бўлади.

Ўз-ўзига ишонишда айбдор келиб чиқадиган оқибатнинг олдини олишга ҳаракат қилади ёки иродаси бундай оқибатнинг келиб чиқмаслигига қаратилади. Эгри қасдда эса келиб чиқадиган оқибатнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар қилинмайди. Ўз-ўзига ишонишда қонун айбдор иродасининг мазмунини оқибатлар келиб чиқмаслигига фақатгина умид қилибгина қолмасдан, оқибат келиб чиқмаслигининг ҳисобини ҳам қилади. Аммо бундай ҳисоблаш етарли бўлмайди. Бунда айбдорнинг фикрича, хавфли оқибатнинг олдини олишга унда ишонч бўлади (бундай вазиятда айбдор кучи, чаққонлиги, тажрибаси, билими ва ҳоказоларга ишонади.

«А» қасддан одам ўлдиришда айбланиб судга берилган. Иш ҳолатларининг мазмунига кўра, «А» балиқ етиштириш хўжалигида ишлаган.

Балиқларни кўлдан ўғрилаб кетиш тез-тез содир бўла бошлаган. Кўриқлашнинг бошқа йўлини топа олмаган А. кўл атрофига сим тортиб кечалари электр токига улаб қўядиган бўлган. «А» симда 220 вольт кучланишда электр токи борлиги, симга одамлар ва ҳайвонларнинг тегиши мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантирувчи белгилар қўяди. Одамларга бу ҳақда тушунтиради ва кечаси болаларни кўл атрофига келишларига йўл қўймасликлари тўғрисида огоҳлантиради. Ҳатто бир неча марта симда одамни дарҳол ўлдириши мумкин бўлган кучланишдаги электр токи борлигини амалда кўрсатади. Уйига ҳам сим тортиб, кўнғироқ ўрнатади, яъни эҳтиёткорликнинг барча чораларни кўриб қўяди. Бундан ташқари, симни электр токига фақат кечаси улаб қўяди. Вояга етмаган С. кечаси балиқ ўғрилагани келиб симни ушлаб олади ва электр токи уриб вафот этади. Суд ушбу жиноятнинг иш ҳолатларини батафсил ўрганиб, қасддан одам ўлдиришнинг белгилари йўқ деб қилмишни ЎзР ЖК 102-моддасининг 1-қисми билан (эҳтиётсизликдан одам ўлдиришнинг ўз-ўзига ишониш тури деб) ҳукм қилади.

Эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг иккинчи тури бепар-воликдир. Агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмасада, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

Бепарволикнинг ўзига хос хусусияти шундаки, жиноят содир этишда айбланаётган шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни ҳақиқатдан ҳам,

ҳатто абстракт ҳолда ҳам англай олмайди. Аммо келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни англамаслик, шахснинг келиб чиққан оқибатга нисбатан умуман руҳий муносабати йўқ дегани эмас. Бепарволикда шахснинг ўз қилмиши ва ундан келиб чиқадиган оқибатига нисбатан муносабати алоҳида мазмунга эга бўлиб, келиб чиқадиган оқибатни англамасида, англаши шарт ва зарур бўлади. Бепарволикда шахснинг ўз қилмишининг оқибатини англамаслиги айбдорнинг қонун талабларини менсимаслиги, унинг талабларини бажармаганлиги бошқа шахсларнинг, давлат ва жамият манфаатларини менсимаслигини кўрсатади.

Эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг бу турининг моҳияти шундаки, айбдор қилмиши натижасида келиб чиқадиган оқибатларни англаши мумкин бўлган имкониятлари бўла туриб, англаш учун зарур чораларни кўрмайди, эътиборли бўлмайди, бор имкониятни ҳақиқатга айлантира олмайди. Келиб чиқадиган оқибатни англа-маганлиги туфайли маълум маънода келиб чиққан оқибатга нисбатан иродавий элемент ҳам ўз аҳамиятини йўқотиб қўяди. Агарда шахснинг ўз қилмиши туфайли келиб чиқадиган оқибатни англамаса ва англаши ҳам мумкин бўлмаса, келиб чиққан оқибатга нисбатан руҳий муносабатнинг тафаккурий элементи ҳам, иродавий элементи ҳам, бўлмайди ва қилмиш жиноят ҳисобланмайди.

Бепарволик иккита белги билан ифодаланади:

- 1) шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англамаслиги;
- 2) бундай оқибатнинг келиб чиқиши мумкинлигини англаши зарурлиги.

Ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англамаслиги ўзида иккита ҳолатни ифодалайди: биринчидан — содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англашнинг йўқлиги; иккинчидан — жиноий оқибатни англамаслик.

Ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши мумкинлигини англашнинг зарурлигида эса айбдор қилмиши туфайли келиб чиқадиган оқибатни англаши зарур ва тегишли эҳтиёткорлик чораларини кўришининг зарурлигидир. Айнан ана шундай ҳолат бепарволикни жиноят-ҳуқуқий айбнинг бир тури сифатида тушунишга олиб келади.

Бепарволикни ҳам ана шу юқорида айтилганларга кўра, иккита мезон билан ифодалаш мумкин: оқибатни англаши зарурлиги — объектив мезон, англаши мумкинлиги — субъектив мезон.

Оқибатни англаши зарурлиги ҳисобланган объектив мезон норматив хусусиятга эга бўлиб, келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши мумкинлигига шахснинг кўзи етиши лозимлиги мажбуриятдан келиб чиқади. Бу мажбурият айбдорнинг мансаб ваколати, касби ёки умумий яшаш қоидаларига риоя қилиши ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо бу мажбуриятларнинг ўзи шахсни жиноят содир қилишда айблаш учун ҳали етарли бўлмайди. Ана шундай мажбурият (объектив мезон) туфайли келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етиши зарур бўлади (субъектив мезон).

Бепарволикнинг субъектив мезони–шахснинг муайян вазиятда, айбдорнинг шахсий сифатларига кўра, ижтимоий хавфли оқибатларни англаши қобилиятидир. Бунда вазият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этилаётган вақтда вазиятнинг хусусиятлари ва айбдорнинг индивидуал хусусиятлари (жисмоний сифатлари, ақлий ва жисмоний ривожланганлик даражаси), маълумоти, касбий ва ҳаётий тажрибаси, соғлиғи, воқеа-ҳодисаларга нисбатан рухий муносабати, қилмиш содир этилаётган вақтдаги вазиятда тегишли хулосалар қилиш ва вазиятга асосли баҳо бера олиш қобилиятига боғлиқ ҳолда вазиятни тўғри баҳолай олиш.

Ўз-ўзига ишониш ва бепарволик эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг алоҳида-алоҳида ўз белгиларига эга бўлган турлари бўлиши билан бирга уларнинг ўхшашлик томонлари ҳам бор. Яъни тафаккурий элементлари жихатидан анча ўхшашдир. Ҳар иккала турида ҳам айбдорнинг ижтимоий хавфли оқибатнинг аниқ келиб чиқиши мумкинлигини аниқ билмаслиги, шундай оқибат келиб чиқишига кўзи етиши мумкинлиги, уларнинг ўхшашлигидир. Ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини истамаслиги уларнинг фарқини ифодалайди.

Айб шакллари ва турларнинг мазмунини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин.

Айб,
унинг шакллари ва турлари

қасд

эхтиётсизлик

тўғри қасд

эгри қасд

ўз-ўзига
ишониш

бепарволик

1. Шахснинг ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши.
2. Унинг ижтимоий хавфли оқибатига кўзи етиши.
3. Оқибат юз беришини ис-таши.

1. Шахснинг ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаш.
2. Унинг ижтимоий хавфли оқибатига кўзи етиши.
3. Оқибатнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйиши.

1. Шахснинг ўз қилмиши қонунда назарда тутилган ижтимоий-хавфли оқибат келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етиши.
2. Эхтиёткорлик чораларига онгли равишда риоя этмаслик.
3. Оқибат келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилиш.

1. Шахснинг ўз қилмиши қонунда назарда тутилган ижтимоий-хавфли оқибат келтириб чиқаришига кўзи етмаслиги.
2. Лекин кўзи етиши лозим ва мумкинлиги.
3. а) ижтимоий-хавфли оқибат келиб чиқишини билишнинг зарурлиги:
б) ижтимоий хавфли оқибатни келиб чиқиши мумкинлигини билиш имкониятлари мавжудлиги.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида биринчи марта айбсиз ҳолда зарар етказиш тушунчаси берилди (24-модда). Унга кўра, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра, кўзи етиши лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади.

Айбсиз ҳолда зарар етказишнинг формал таркибли қилмишларга нисбатан тадбиқ қилганда ижтимоий хавfli қилмиш содир қилган шахс мавжуд вазиятга кўра, ўз қилмишининг ижтимоий хавfli эканлигини англамайди. Моддий таркибли қилмишга нисбатан тадбиқ қилганда ижтимоий хавfli қилмиш содир қилган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англамаган, англаши лозим ва мумкин бўлмаганлигидир. Айнан англаши мумкин ва лозим бўлмаганлиги айбсиз ҳолда зарар етказишни эҳтиётсизликнинг бепарволик туридан фарқлаб турувчи мезон ҳисобланади.

Бир ҳафта олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб келган А. кеч соат 22 да ўз таниши К. билан уйида суҳбат қилиб ўтирар эди. Эшикнинг қўнғироғи чалинади. А. ўрnidан туриб бориб эшикни очиши билан уч киши шашт билан уйга киришади. А. ўзининг рақиблари ўч олгани келди деб хаёл қилиб К.га ёрдам беришни сўраб бақиради. К. ўз ўрnidан туриб, ўзи ўтирган стулни олиб уйга бостириб кирганларнинг бирининг бошига уриб баданига ўртача оғир шикаст етказди. Тергов органи К. ва А.ларнинг қилмишини ЎзР ЖК 105-моддаси 2-қисми «в» банди билан айб эълон қилиб, ишни судга чиқаради. Суд иш ҳолатларини батафсил таҳлил қилиб, А. ва К. ларни ЎзР ЖК 24-моддасининг қоидаларига асосланиб, оқлов ҳукми чиқаради. Суд шундай қарорга келишига ана шу қилмиш содир этилган вақтда уйга бостириб кирган киши милиция ходими эканлигига қарамасдан (А. нинг устидан маъмурий назорат ўрнатилган), кириб келганларнинг бири профилактика инспектори ва икки киши маҳалла посбони бўлиб, уларнинг бирортасида уларнинг фарқини кўрсатиб турувчи белги йўқ эди. Бундан ташқари, маҳалла посбонларининг бирини қўлида таёқ ҳам бўлган. Суд ана шундай вазиятда А. ва К. лар ўзларига ҳужум қилинганини ўйлаб ҳаракат қилган, деб топган.

Суд ана шундай вазиятни ҳисобга олиб, уларни тўғри оқлаган.

5-§. Мураккаб айбли жиноятлар

Мураккаб айбли жиноятлар тушунчаси биринчи марта 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎзР ЖК да берилди. 1926, 1959 йилларда қабул қилинган ЎзР ЖК ларнинг Махсус қисми моддаларида мураккаб айбли жиноятлар назарда тутилган бўлсада, аммо Умумий қисмида унинг тушунчаси берилмаган эди. Юридик адабиётларда мураккаб айбли жиноятлар турлича, яъни «айбнинг аралаш шакли», «икки шакли айб», «мураккаб айбли жиноятлар» атамалари орқали ифодаланиб келинди. Ўзбекистон жиноят қонунида «мураккаб айбли жиноят» атамаси қабул қилинган.

ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятлар ё қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. Аммо шундай жиноятлар борки, бундай жиноятлар битта жиноят таркибини ташкил қилсада, унда ҳам қасд шаклидаги, ҳам эҳтиётсизлик шаклидаги айб мавжуд бўлади. Бундай жиноятлар қасддан содир этилади, аммо айбдор мўлжаллаганидан ҳам оғирроқ бўлган оқибат эҳтиётсизликдан келиб чиқади. ЖКнинг 23-моддасида бундай жиноятлар учун умумий бўлган қуйидаги тушунча берилган: «Агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган, деб топилади».

Бундай жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қилмиш қасддан содир этилади, аммо оқибатга нисбатан субъектнинг айби эҳтиётсизлик шаклида бўлади. Агар уларни бир-биридан ажратиб қасддан ва эҳтиётсизликдан қилинган жиноятлар деб жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинса, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан эҳтиётсизликнинг айнан ўзидан иборат эмас. Чунки бу эҳтиётсизлик қасддан қилинган жиноий ҳаракатнинг оқибати ҳисобланади. Келиб чиққан эҳтиётсизлик оқибати билан қасддан бошланган жиноий ҳаракат ўртасида жиноят таркиби объектив томонининг белгиси ҳисобланган сабабий боғланиш бор. Шунга кўра, қонун чиқарувчи орган бундай жиноятларни мураккаб айбли жиноятлар деб, алоҳида таркибда квалификация қилишнинг белгиси сифатида назарда тутиб, алоҳида ажратиб жавобгарликни белгилаган. Бундай жиноятларда қасддан қилинган қилмишнинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик орқасида келиб чиққан оқибати оғирроқ бўлади. Аммо ана шу оғирроқ оқибат

субъектнинг онги билан қамраб олинмайди, лекин шахс ўшандай оқибат келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етишининг лозимлиги зарур. Келиб чиққан эҳтиётсизлик оқибатининг асосий сабаби қилмишнинг қасддан бошланган-лигидир. Шунинг учун ҳам бундай жиноятлар қасддан қилинган жиноятлар туркумига киритилган. Мураккаб айбли жиноятларнинг қонунда белгиланган ўзига хос хусусияти шундаки, қонун чиқарувчи орган қасд шаклидаги айб билан эҳтиётсизлик шаклидаги айбни битта нормага бирлаштириб, битта жиноят сифатида жавобгарликни белгилайди. Айбнинг ҳар иккаласи қўшилиб махсус мазмунга эга бўлган айбнинг шаклини ташкил қилади. Шунга қарамасдан битта жиноят таркибида қасд ва эҳтиётсизлик шаклидаги айблар бир бирини тўлдиради. Мураккаб айбли жиноятлар туфайли битта объектга ёхуд икки ёки ундан ортиқ объектга тажовуз қилиниши мумкин. Жумладан, жиноий равишда ҳомила тушириш жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказишига сабаб бўлса, битта объектга тажовуз қилинса (114-модданинг 2-қисми «б» банди), қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса иккита объектга, яъни жабрланувчининг соғлиғи ва ҳаётига тажовуз қилинади (104-моддаси, 3-қисмининг «д» банди).

Мураккаб таркибли жиноятларда қасд ва эҳтиётсизлик шаклидаги айблар тенг даражада ҳар бири мустақил равишда қатнашиб мураккаб айб шаклини ташкил қилади ва уларнинг бири ўз жиноий аҳамиятини йўқотиб қўймайди, фақат ҳар иккала айб шакли битта жиноий қилмишда мужасамлашиб, мураккаб айбли жиноят таркибини ташкил қилади.

Демак, мураккаб айбли жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи жиноят қонуни нормалари шундай тузилганки, қилмишда айб шаклининг бири бўлмаса қилмишни шундай норма билан квалификация қилиш мумкин бўлмайди. Масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш ўлимга олиб келганлиги учун жавобгарликни белгиловчи ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «д» банди билан қилмишни квалификация қилиш учун жабрланувчи-нинг баданига қасддан оғир шикаст етказишда айбдор бўлган шахс, қилмиш ва ундан келиб чиққан оқибатга нисбатан тўғри ёки эгри қасд шаклидаги руҳий муносабатда бўлса, ўлим келиб чиқишига нисбатан эса, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик билан руҳий муносабатда бўлади.

Жиноят кодекси Махсус қисмида мураккаб айбли жиноятлар унча кўп эмас. Айб шакли ўша жиноят таркибида мустақил равишда қатнашсада, аммо юридик жиҳатдан аҳамиятига кўра ёки келиб

чиққан оқибатига қараб квалификация қилишда асосий аҳамиятга эга бўлади. Масалан, ўлимга олиб келган баданга оғир шикаст етказиш жиноятида (104-модданинг 3-қисми «д» банди) айбнинг қасд шакли қилмишни квалификация қилишда кўпроқ юридик аҳамиятга эга бўлса, жиноий равишда ҳомила туширишда (114-модданинг 3-қисми «а»-банди) эҳтиётсизлик шаклидаги айб (келиб чиққан оқибат) қилмишни квалификация қилишда муҳимроқ аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки:

а) мураккаб айбли жиноятларда турли шаклдаги айб шакллари бирлашиб, бир жиноят таркибини ташкил қилади;

б) бундай айбли жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражаси юридик жиҳатдан турли аҳамиятга эга бўлган айб шаклидаги жиноятлардир;

в) мураккаб айбли жиноятларда фақат айб шаклининг жиноий эҳтиётсизликдан иборат бўлган оқибати квалификация қилишнинг асосий белгиси ҳисобланади;

г) ҳар иккала шаклдаги айб бирлашиб ўша норманинг квалификация қилишнинг асосий шarti бўлиб қолади;

д) мураккаб айбли жиноятлар қасддан қилинадиган жиноятлар туркумига киритилган. Мураккаб айбли жиноятлар маълум даражада фақат қасддан ёки фақат эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларни фарқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

6-§. Жиноятнинг мотиви ва мақсади

Инсоннинг онги билан бошқариладиган ҳар бир ҳаракат муайян мотивда ва муайян мақсадга қаратилган бўлади. Инсоннинг ҳар бир ҳаракатини тўғри баҳолаш учун, энг аввало, унинг мотиви ва мақсади аниқланади. Шу жумладан, қилмишни жиноий деб ҳисоблаш учун шахс қилмишининг мотиви ва мақсадини аниқлаш керак.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгиси бўлиш билан бирга қасддан содир этиладиган бир қанча жиноятлар таркиби субъектив томони белгилари доирасига киритилган зарурий белгиси ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноят процессуал қонуни жиноятнинг мотиви ва мақсадини аниқлаш талабларини қўяди. ЎзР ЖПКнинг 82-моддасида жиноятнинг мотиви ва мақсади айблаш ва ҳукм қилишнинг асосларидан бири сифатида назарда тутилган.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади шахснинг руҳий ҳодисаси бўлиб, айб билан биргаликда жиноят таркиби субъектив томонини ташкил қилади.

Жиноятнинг мотиви — шахсда муайян талаб ва манфаатларни қондиришга қаратилган жиноят содир этишга журъат туғдирувчи ва жиноят содир қилишда унга амал қилинадиган ички кўзғатувчи куч (ният) дир.

Жиноятнинг мақсади — жиноят содир қилиш орқали келажакда муайян натижага эришишга қаратилган шахснинг онгидаги фикрий интилишидир.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади руҳий тушунча сифатида бир-бири билан бевосита боғланган бўлиб, шахснинг талаб ва эҳтиёжлари асосида, аввало, мойиллик пайдо бўлади. Сўнгра ушбу талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун онгли равишда интилиш пайдо бўлади ва шу асосда мақсад шаклланади.

Шундай қилиб, жинойий мотив асосида жиноятнинг мақсади шаклланади. Мотив ва мақсад бирлашиб, субъектнинг жиноят содир қилиши билан боғлиқ бўлган тафаккурий ва иродавий фаолият учун асос яратилади.

Фақат қасддан содир қилинадиган жиноятлардагина жиноятнинг мотиви ва мақсади бўлади. Чунки фақат қасддан қилинадиган жиноят туфайли келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни мотив ва мақсад қамраб олади. Эҳтиётсизлик орқасида келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни мотив ва мақсад қамраб ололмайди. Чунки шахсда шундай оқибатни келтириб чиқаришга талаб ҳам йўқ, субъектнинг манфаатларига ҳам хилоф, шундай натижани келтириб чиқариш учун субъектда фикрий интилиш ҳам бўлмайди. Шунинг учун эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят таркиби доирасига киритилмайди.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади ЖК Махсус қисмининг қасддан содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалари диспозициясида кўрсатилади.

Жиноятнинг мотиви ғаразгўйлик, рашк, кўролмаслик, мансабпарастлик, душманлик, адоват ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Лекин айнан жиноят қандай мотивда содир қилинганлиги ЖК Махсус қисми нормасида аниқ кўрсатилади. Жумладан, 97-модданинг 2-қисми «з» бандида қасддан одам ўлдириш диний таассублар замирида содир этилганлиги; 125-модданинг 2-қисми «б» бандида ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда фарзандликка олиш сирини

ошкор қилиш учун; 133-модда 2-қисми «а» бандида ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда инсон аъзолари ва тўқималарини ажратиб олиш учун; 137-модда 2-қисми бандида ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда одам ўғрилиш учун; 173-модданинг 2-қисми «а» бандида миллатлараро ёки ирқий адоват, ёхуд диний таассублар замирида мулкни қасддан нобуд қилиш, ёки унга зарар етказиш учун ва ҳоказо нормаларда жавобгарлик белгиланган.

Жиноятнинг мақсади эса мулкни эгаллаб олиш, бошқа бир жиноятни яшириш ёки қилмишни енгиллаштириш, ҳокимиятни босиб олиш, кўрсатув беришга мажбур қилиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Жумладан, ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «о» бандида бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида қасддан одам ўлдирганлик учун; 104-модда 2-қисмининг «и» бандида киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат мақсадида қасддан баданга оғир шикаст етказганлик учун; 135-моддада шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллаш ва ҳоказо нормаларда жавобгарлик белгиланган.

Жиноятнинг мотиви ва мақсадини қонунда аниқ кўрсатилган ҳоллардагина эмас, балки мотив ва мақсад ўша норманинг мазмунига кўра, бўлиши шарт бўлган ҳолларда унинг мазмуни, албатта, аниқланиши ва исботланиши керак.

Жиноятнинг мотив ва мақсадини аниқлаш унинг ҳақиқий мазмунини аниқлаш учун зарурдир. Жиноят мотиви ва мақсадини таснифлаш унинг ҳуқуқий мазмунини ҳамда ахлоқий мазмунини очиқ беришда муҳим аҳамиятга эга.

Юридик адабиётларда жиноят мақсад ва мотивларини икки гуруҳга, яъни паст ниятлар (масалан, ғараз, жиноятни яшириш ёки содир этишни енгиллаштириш ва ҳоказолар) ва паст ният бўлмаган (масалан, рашк, мансабпарастлик ва ҳоказолар) мотив ва мақсадга бўладилар.

ЖК Махсус қисми моддасида жавобгарликни оғирлаш-тирадиган ёки ЖК Умумий қисми 56-моддасида оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланадиган мотив ва мақсадлар паст ниятли жиноятлар ҳисобланади. Бундай жиноятлар ЖК Махсус қисмида анчагинани ташкил қилади.

Паст ниятли ҳисобланмайдиган мотив ва мақсадли жиноят-ларда қонунда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилмайди.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади муайян норма жиноят таркибидаги ролига қараб, турли жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Унинг жиноят ҳуқуқий аҳамиятини қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

биринчидан — агарда қонун нормасида мотив ва мақсад жиноят таркиби субъектив томони белгилари доирасига киритилган бўлса, ушбу белгисиз қилмиш ўша жиноят таркибини ташкил қилмайди. Масалан, одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш (135-модда), шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан содир этилган бўлиши керак. Агар шундай қилмишда шахвоний ёки бошқа мақсадлар бўлмаса, қилмиш ЖК 135-моддада назарда тутилган жиноятни ташкил қилмайди;

иккинчидан — мотив ва мақсад муайян жиноят таркибининг оғирлаштирувчи белгиси сифатида қонунда назарда тутилган бўлади. Масалан, ЖК 104-моддаси 2-қисмида баданга оғир шикаст етказиш ғараз ниятларда содир этилганлик учун жавобгарлик белгиланган;

учинчидан — мотив ва мақсад ЖК Махсус қисми моддасида жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилмаган бўлса, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат сифатида суд жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олиши мумкин. Масалан, жабрланувчининг Ҳозирқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида (55-модда 1-қисмининг «и» банди) жиноят содир қилиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланса, ғараз ёки бошқача паст ниятларда ҳар қандай қасддан жиноят содир этиш (56-модда 1-қисмининг «к» банди) оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланиши мумкин.

Жиноят содир қилиш мотиви ва мақсади алоҳида ҳолларда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирса, шахсга нисбатан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш ёхуд қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш учун асос бўлиши мумкин.

7-§. Хато ва унинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти

Хато шахснинг ўз ижтимоий хавфли ҳаракати ёки хавфсизлигининг ва унинг оқибатларининг юридик ва фактик хусусиятини нотўғри тасаввур этишидир.

Хато муайян вазиятда ҳақиқий ҳолат ҳақида аниқ маълумотга эга эмаслиги туфайли содир этилиши, шахснинг ўз қилмишининг

жиноятми, ёки жиноят эмасми эканлигини билмаслиги, қўрқинч, кучли ҳаяжон туфайли юз бериши мумкин.

Жиноят ҳуқуқида хато содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи ҳақиқий ҳолатларни нотўғри тасаввур қилишдан ёки қилмишнинг юридик тавсифини (жиноят ёки жиноят эмаслигини, агар жиноят бўлса, қандай жазога лойиқлигини) нотўғри тасаввур қилишдан иборатдир.

Жиноят ҳуқуқи назариясида хато шахснинг ўз қилмиши ва унинг оқибатлари ҳақидаги нотўғри тасаввурига қараб икки турга бўлинади. Булар жиноят ҳуқуқида а) юридик хато ва б) фактик хатога бўлинади.

Юридик хато — шахснинг содир этган қилмишининг юридик моҳиятини ёки юридик оқибатини хато тасаввур қилишидир. Бошқача қилиб айтганда, шахснинг ўз қилмиши жиноят ёки жиноят эмаслигини, унинг қилмиши жиноят бўлса, қайси қонун билан жавобгар қилинишини, қандай жазо тайинлашини хато тасаввур қилишдан иборат.

Юридик адабиётларда юридик хатони қуйидаги турларга бўладилар:

1) шахс ўз қилмишини жиноят деб ҳисобламайди. Аслида ушбу қилмиш жиноят қонунида жиноят ҳисобланиб, жиноий жазо назарда тутилган бўлади. Бундай хато қасддан содир этиладиган ёки эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда ҳам юз бериши мумкин. Чунки қонунни билмаслик шахсни оқлаш учун, яъни қилмишни жиноят ҳисобламаслик учун асос бўла олмайди;

2) шахс ўз қилмишини жиноят деб ҳисоблайди. Аслида шундай қилмиш учун жиноят қонунида жавобгарлик белгиланмаган бўлади. Бундай қилмиш қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилмаганлиги туфайли жиноят даражасидаги ижтимоий хавфлилик даражасига эга эмаслиги, ижтимоий муносабат жиноят қонуни билан қўриқланмаганлиги боис жиноят ҳисобланмайди. Шунга кўра, шахс ўз қилмишини жиноят деб ҳисобласада субъектив айбловга йўл қўйилмайди. Масалан, ҳосилни йиғиб олган деҳқон дала хирмонидан олиб кета олмаганлиги туфайли озгина қисмини хирмоннинг ўзида ундан тамоман воз кечиб, ташлаб кетса, уни олган шахсни ўғрилик жиноятида айблаш мумкин бўлмайди. Чунки қолдирилган маҳсулотдан унинг эгаси тамоман воз кечганлиги унга мулк сифатидаги эгалик муносабати бўлмайди;

3) шахснинг содир этилган жиноятининг юридик оқибати ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишидир. Қилмишини қайси қонун билан квалификация қилинишини, тайинланиши мумкин бўлган жазо тури ва муддатини нотўғри тасаввур қилишдан иборатдир. Бундай тасаввур қилиш қасд мазмуни даражасига кирмайди, улар онгнинг зарурий белгиси бўла олмайди, шунинг учун ҳам уларни нотўғри тасаввур қилиш айб шаклига таъсир қилмайди ва жиноий жавобгарликни истисно қилмайди. Масалан, сунъий равишда ҳомила туширишга (аборт) ҳуқуқи бўлмаган шахснинг сунъий ҳомила тушириши натижасида жабрланувчи ўлса, айбдор ўз қилмишини қасддан одам ўлдириш (97-модда) деб ҳисоблайди, аслида эса унинг қилмиши ЖКнинг 114-моддаси 3-қисмининг «а» бандидаги жиноятни ташкил қилади. Шахс ўн тўрт ёшга етмаган қизнинг номусига тегишни оддий номусга тегиш жинояти деб ҳисоблайди. Аслида унинг қилмиши ЎзР ЖКнинг 118-моддасининг 4-қисми билан жавобгар қилинади.

Демак, юридик хатода шахс қилмишининг юридик хусусият-лари ва юридик оқибатларини нотўғри тасаввур қилганлиги, субъектнинг тасаввурига асосланган ҳолда эмас, балки шундай қилмиш учун қонунда белгиланган норма асосида жавобгар қилинади.

Фактик хато — ўша жиноятнинг хусусиятлари ва ижтимоий хавфлилиги даражасини белгиловчи объектив белгиларига тегишли ҳолатларни нотўғри тасаввур қилишдир. Нотўғри тасаввур қилишнинг мазмуни, яъни жиноят предметини нотўғри тушуниш ва нотўғри баҳолаш; жиноят объектини нотўғри тасаввур қилиш, ҳаракат қилиш ёки ҳаракатсизликнинг хусусиятларини нотўғри тасаввур қилиш келиб чиққан оқибатнинг оғирлигини, сабабий боғланишнинг ривожини, оғирлаштирувчи ҳолатларни нотўғри тасаввур қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида фактик хатонинг ҳуқуқий асослари назарда тутилмаган. Унинг назарий асослари жиноят ҳуқуқида ишлаб чиқилган. Шунга кўра жиноят ҳуқуқида муайян жиноят таркиби учун аҳамиятли бўлган, айбнинг шакли ва мазмунига, жиноят-ҳуқуқий жавобгарлик шакли ва доирасига таъсир қилувчи фактик хатоларгагина аҳамият берилади. Унча жиддий бўлмаган хато, масалан, талон-торож қилинган мулкнинг ҳақиқий баҳосида хатога йўл қўйиш фактик хато сифатида қаралмайди.

Жиноятнинг объектига нисбатан хато қилиш — тажовуз қилинаётган объектнинг ижтимоий ва юридик моҳияти ҳақида

нотўғри тасаввур қилишдир. Юридик адабиётларда объектга нисбатан хатони иккига ажратадилар.

Биринчидан, шахс муайян бир объектга тажовуз қилмоқдаман, деб ўйлайди. Аслида эса тажовуз субъект ўйлаганидан бошқа объектга нисбатан тажовуз қилинади. Масалан, субъект дорихонадан гиёҳванд воситани ўғрилаяпман деб ўйлайди, аслида эса ўғриланган дори муайян касалликни даволаш учун мўлжалланган дори бўлади. Бундай хатога йўл қўйилганда қасднинг йўналтирилганлигига қараб квалификация қилинади. Юқорида келтирилган мисолда, шахс шифобахш дорини эмас, балки гиёҳванд воситани талон-торож қилишга тажовуз қилганлиги учун жавобгар қилинади. Аммо бунда шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, субъектнинг қасди билан қамраб олинмаган объект билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Бундай ҳолда шахснинг субъектив онги билан қамраб олинмаган жиноят охирига етказилган объект бўйича эмас, балки айбдорни қасди қаратилган объектга тажовуз қилишда, ўша жиноятни содир қилишга суиқасд қилишда айблаб жавобгар қилинади.

Демак, юқорида келтирилган мисолимизда шахс шифобахш дорини талон-торож қилишда айблаб эмас, балки гиёҳванд воситаларни талон-торож қилишга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади. Фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятлардагина объектига нисбатан хато қилиш юз бериши мумкин.

Объектига нисбатан хато қилишнинг иккинчи тури, қонунда объектнинг ижтимоий ва юридик баҳолашнинг ўзгарганлиги туфайли ҳақиқий аҳволни билмаганлик туфайли хато қилишдир.

Жумладан, ҳомиладор аёлни ўлдириш ёки вояга етмаганни номусига тегиш бу жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи тури ҳисобланади. Айнан аёлнинг ҳомиладорлиги ёки аёлнинг вояга етмаганлиги ушбу жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасини ошириб юборади ва квалификация қилишнинг белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига кирувчи белги ҳисобланади. Агарда субъект аёлнинг ҳомиладорлигини ёки вояга етмаганлигини билмаса, қилмиш ўша жиноятларнинг оддий тури сифатида квалификация қилинади. Агарда субъект аёл ҳомиладор деб ёки жабрланувчи вояга етмаган деб ўйлаган, аммо аслида ҳомиладор бўлмаган ёки вояга етган бўлса, айбдор ҳомиладор аёлни ўлдиришга суиқасд қилиш деб (ЎзР ЖКнинг 28-97-модда 2-қисми «б»-банди) иккинчи мисолимизда эса ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегишга суиқасд

қилиш деб (ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «а»банди) квалификация қилинади.

Жиноятнинг объектига нисбатан хато қилишни жиноятнинг предметиға нисбатан хато қилишдан фарқ қилиш керак. Тажовузнинг предметиға нисбатан хато қилишда, айбдор мўлжалланган предметга эмас, бошқа бир предметга таъсир қилинади. Бунда ҳар икки предметнинг объекти битта мулк. Масалан, ўғри А.нинг уйига кириб ўғрилиқ қилмоқчи бўлади. Аммо хато қилиб Б. нинг уйига кириб ўғрилиқ қилади. Ў А. ни ўлдиришни мақсад қилган шахс адашиб Б. ни ўлдириб қўяди. Бундай хато жиноят таркиби белгиси сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди ва шунга кўра, бундай хато айб шаклига ҳам қилмишни квалификация қилишга ҳам, жиноий жавобгарликка ҳам таъсир кўрсата олмайди. Аммо айрим ҳолларда жиноятнинг предметиға хато қилиш, жиноят объектига нисбатан хато қилинишига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Масалан, тиқилинч автобусда бировнинг чўнтагида қурол (тўппонча) бор деб ўйлаб уни ўғрилайди. Автобусдан тушиб ўғриланган нарсасини кўрса тўппонча ўйинчоқ бўлиб чиқади. Бундай қилмиш ўқ отар қуролни талон-торож қилишга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Агарда субъект бир одамни ўлдириш мақсадида ҳаракат қилиб, адашиб бошқа одамни ўлдириб қўйса, айбдорнинг адашганлиги қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Содир этиладиган ҳаракат (ёки ҳаракатсизликнинг) хусуси-ятига кўра, хато қилиш икки ёқлама хусусиятга эга бўлади.

Биринчидан, шахс ўз ижтимоий хавфли ҳаракатини нотўғри баҳолайди, аслида қилмишда у ўйлаган ижтимоий хавфлилик бўлмайди. Бундай хато айб шаклига таъсир қилмайди, қилмиш эса қасддан қилинганлик шаклини сақлаб қолади. Бундай ҳолда жиноий ният амалга оширилмаганлиги туфайли қилмиш муайян жиноятни содир қилишга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади. Чунки субъектнинг нияти амалга ошмай қолади. Масалан, шахс чет эл валютасини сохта ҳисоблаб, бировга ўтказди. Аслида валюта ҳақиқий бўлиб чиқади.

Иккинчидан, шахс хато қилиб қонуний ҳаракат қилмоқда-ман деб ўйлайди ва қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англамайди. Масалан, шахс тўлов сифатида бераётган пулнинг сохталигини билмайди, аслида эса у сохта бўлиб чиқади. Бундай қилмишда қасд бўлмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди. Агарда қилмиш эҳтиётсизликдан содир этилган бўлса, шахс ўз қилмишининг

ижтимоий хавфлилигини англаши мумкинлигини англамасада, англаши зарур бўлсагина жиноий жавобгарлик вужудга келади.

Агар жиноятнинг объектив томони қонунда жиноят содир қилиш усули, жойи, шароити ва жиноят содир қилиш вақти билан боғланган бўлса, бу белгиларга нисбатан хато қилинган бўлса, содир этилган қилмишга нисбатан хато қилишнинг турларидан бири бўлади. Масалан, шахс дўкондан ҳеч ким кўрмаяпти деб мулкни олса, лекин унинг ҳаракатини бошқалар кузатиб турган бўлса, қилмиш ўғрилик деб квалификация қилинади. Аксинча, очикдан-очик олаётган бўлса, аслида ҳеч ким кўрмай қолган бўлса, талончилик деб жавобгар қилинади.

Қилмишнинг ижтимоий хавfli оқибатига нисбатан хато қилиш бу жиноят объектив томонининг ёки сифат, ёхуд миқдор кўрсаткичига тегишли бўлади.

Ижтимоий хавfli оқибатнинг сифат кўрсаткичига кўра, хато қилиш, шундай оқибатни келиб чиқишини олдиндан англаган бўлсада, ҳақиқатда бу оқибат келиб чиқмайди ёки аксинча, оқибат келиб чиқмайди, деб ўйлайди, аслида оқибат келиб чиқади. Бундай хато қасддан қилинадиган жиноятларда бўлмайди. Агарда қонунда шундай оқибат учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, шахс шундай оқибат учун эҳтиётсизликдан жиноят содир қилишда айбланиб жавобгар қилинади.

Қасддан қилинадиган жиноятларда субъектнинг онги қамраб ололмаган оқибат учун хатога йўл қўйган тақдирда қилмиш муайян жиноятга суиқасд қилиш деб, эҳтиётсизликдан қилинадиган жиноятларда эса келиб чиққан оқибатга қараб жавобгар қилинади. Масалан, қасд олиш мақсадида бировнинг уй-жойига ўт қўйиб нобуд қилмоқ мақсадида ёкиб юборилган, аммо ёнғин ўчирилиб сақлаб қолинган бўлса, ўт қўйиш йўли билан мулкни нобуд қилишга суиқасд қилиш деб жавобгар қилинади. Агар шахс уйга ўт қўяр экан, уйда одам йўқ деб ҳисоблаган, аслида эса одам бўлган бўлса, жиноятлар жами тариқасида уйга ўт қўйиш йўли билан нобуд қилиш ва эҳтиётсизликдан одам ўлдиришда айблаб жавобгар қилинади.

Агарда қилмиш субъектнинг нуқтаи назаридан унинг қасдининг мазмунига мос бўлган оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлган, аммо оқибат бошқа қонун нормаси билан баҳоланадиган бўлса, жиноят субъект қасдининг йўналтирилганлигига қараб квалификация қилинади. Масалан, жанговар тўппонча деб ўғриланган қуроли мусобақага старт бериш қуроли бўлиб чиқса айбдор жанговар

тўппончани ўғрилашга суиқасд қилишда айбланиб жавобгар қилинади.

Ижтимоий хавfli оқибатнинг оғирлигига нисбатан хато қилиш хатонинг миқдор кўрсаткичидир. Бунда субъект назарда тутган ижтимоий хавfli оқибат унинг мўлжалидан кам ёки кўп бўлиши мумкин. Агарда келиб чиққан оқибат қонунда белгиланган миқдор доирасидан четга чиқмаган бўлса, бундай хато айб шаклига ҳам, жиноятни квалификациясига ҳам таъсир қилмайди. Масалан, айбдорнинг мақсади камида энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баровари миқдоридаги мулкни талон-торож қилишга қаратилган, аммо ҳақиқатда олинган мулк энг кам ойлик иш ҳақининг юз бароваридаги миқдорни ташкил қилса, қилмиш кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиш деб квалификация қилинаверади. Шунингдек, қонунда зарар ёки зиённинг миқдори кўрсатилмаган ҳолларда ҳам миқдorigа нисбатан хато қилиш жиноятнинг квалификациясини ўзгартирмайди.

Агар жиноий жавобгарлик келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги билан боғланган бўлса, айбдорнинг жавобгарлиги унинг қасдига, яъни етказилиши мўлжалланган зарарнинг миқдorigа қараб квалификация қилинади. Масалан, айбдор кўп миқдордаги мулкни қасддан нобуд қилиш мақсадида ҳаракат қилган, аммо етказилган зарар анча миқдордан ҳам кам бўлса, қилмиш кўп миқдордаги мулкни нобуд қилишга суиқасд қилиш деб (ЎзР ЖК 25-173-моддасининг 2-қисми «в» банди билан) квалификация қилинади.

Агарда қонунда қасддан қилинган жиноий оқибат учун жавобгарлик белгиланиб, эҳтиётсизлик оқибатида оғирроқ зарар етказилса, қилмиш жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинади. Масалан, талончилик қилиш вақтида эҳтиётсизликдан шахснинг баданига шикаст етказилса, қилмиш ҳам талончилик қилишда ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида баданга етказилган шикастнинг даражасига қараб, жиноятлар жами тариқасида жавобгар қилинади.

Сабабий боғланишнинг ривожланишини хато тасаввур қилишда қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни хато тасаввур қилади.

Агар шахснинг жиноий ҳаракати туфайли айбдор ният қилган оқибат келиб чиққан бўлса, сабабий боғланиш тўғрисидаги нотўғри тасаввур айб шаклига таъсир қилмайди.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларда шахс оқибат келиб чиқиши мумкин ва зарур бўлган ҳоллардагина сабабий боғланишда хато қилган ҳолда ҳам жавобгарлик вужудга келади. Аксинча, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни билмас ва билиши мумкин ва зарур бўлмаса бунда хато билан келиб чиққан оқибатга нисбатан айб бўлмайди.

Агарда айбдорнинг қасди ҳақиқий келиб чиққан оқибатни қопласа, аммо келиб чиққан оқибат айбдорнинг ҳаракати туфайли эмас, бошқа сабабга кўра, келиб чиққан бўлса сабабий боғланиш тўғрисидаги хато қилмишнинг квалификациясини ўзгартиради.

Масалан, А. ва С.лар ўғрилиқ қилиш мақсадида бировнинг уйига кирадилар. Уйда касал ётган қариянинг гувоҳлигидан қутилиш мақсадида кўкрагига икки марта пичоқ санчиб, қимматбаҳо нарсаларни олиб, уйга ўт қўйиб чиқиб кетадилар. Экспертларнинг хулосаларига кўра, касал ётган қариянинг ўлими унинг баданига етказилган жароҳат туфайли эмас, балки куйиш оқибатида юз берган. Бундай ҳолда келиб чиққан оқибат билан айбдорнинг ҳаракати ўртасида сабабий боғланишнинг ривожланиши бошқача бўлиб кетганлиги учун айбдорлар фақат қасддан одам ўлдиришдагина эмас, балки бошқа бир жиноятни яшириш мақсадида одам ўлдиришга суиқасд қилишда (ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «о» банди) ва эҳтиётсизликдан одам ўлдиришда, ўғрилиқда мулкни қасддан нобуд қилишда айбланиб жавобгар қилинади.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда хато қилиш шундай ҳолатларни йўқ деб тасаввур қилиш ёки бўлмаса бор деб тасаввур қилишдан иборат. Бундай ҳолда қасднинг йўналиши мазмунига қараб жавобгарлик белгиланади. Агар айбдор ўз қилмишида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар йўқ деб ҳаракат қилган бўлса, жавобгарлик ўша қилмишнинг ўзи учун вужудга келади. Масалан, ҳомиладор аёлни ўлдирган шахс аёлнинг ҳомиладорлигини ҳақиқатдан билмаган бўлса, айбдорнинг қилмиши 97-модданинг 2-қисми «б» банди билан эмас, балки бошқа квалификация қилиш белгиларига кўра, жавобгар қилинади, аксинча, айбдор ўз қилмишида жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилари бор деб ҳисоблаган, аслида бундай белги бўлмаса, қилмиш жиноятнинг оғирлаштирувчи нормасидаги жиноятга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши керак.

Агарда айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда тажовуз қилинаётган шахсга эмас, бошқа бир шахсга зарар етказиш ҳам

фактик хатога ўхшайди. Масалан, айбдор бировни ўлдириш мақсадида қуролдан ўқ узади, ўқ эса бошқа одамга тегиб ўлади. Бундай ҳолда айбдорнинг қилмиши қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш ва эҳтиётсизликдан одам ўлдириш деб квалификация қилинади. Демак, ҳаракатда мўлжалланган ҳаракатдан четга чиқиш бўлса жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинади. Бунда, албатта, оқибатга нисбатан ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик белгилари бўлиши керак.

8-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят объектив томони деб нимага айтилади?
2. Жиноят субъектив томонининг жиноят таркиби элементлари тизимидаги аҳамияти нималарда ифодаланади?
3. Жиноят субъектив томонининг белгиларини айтинг?
4. Айб деб нимага айтилади, унинг шаклларини айтинг?
5. Қасд деб нимага айтилади, қасддан содир этилган жиноятларнинг турларини айтинг?
6. Тўғри ва эгри қасднинг фарқлари нимада?
7. Эҳтиётсизлик ва унинг турларини айтинг?
8. Қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларнинг фарқларини тушунтиринг?
9. Жиноятларнинг мотиви ва мақсаднинг ҳуқуқий аҳамияти нимада?
10. Эгри қасд билан ўз-ўзига ишонишнинг фарқлари нималарда ифодаланади?
11. Мураккаб айбли жиноятлар деганда қандай жиноятлар тушунилади?
12. Жиноят ҳуқуқида хато деганда нималарни тушунаси?

Фойдаланилган ва ушбу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. О. Ғ. Зокирова. Рашқ туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш муаммолари. Автореферат. ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун . Т: Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги академияси.Т. 2004.

2. О.Ф.Зокирова. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. Т: ТДЮИ.2004.
3. В.А.Нерсисян. Неосторожная вина: проблемы решения. “Государство и право”. 2000, №4. ст.59-70.
4. Женская преступность. Энциклопедия преступлений и катастроф. Минск. 1996, ст. 295-315.
5. А.Н.Агибоев. Ответственность за неосторожные преступления: состояния и пути совершенствования. “Государство и право”. 2002, №3, ст. 33.
6. В.М.Савицкий. Презумпция невиновности. М: “Норма”, 1997.
7. П.С.Дагель, Р.И.Михеев. Установление субъективной стороны преступления. Владивосток. 1972.
8. П.С.Дагель. Субъективная сторона преступления и её установления. Воронеж.1974.
9. П.С.Дагель. Неосторожность. Уголовно-правовые и криминологические проблемы. М. 1977.
10. В.Н.Кудрявцев. Природа преступного поведения и его механизм. М. 1981.
11. С.А.Тарарухин. Установление мотива и квалификация преступления. Киев. 1977.
12. В.А.Серебрякова, В.Н.Зирянов. Корыстные преступления, совершаемые женщинами. М: 1990.

IX БОБ. ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ

1-§. Жиноятнинг субъекти тушунчаси

Жиноятнинг субъекти — ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган, қонунга мувофиқ равишда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахсдир.

ЎзР ЖК 17-моддасида белгиланишича жиноят содир этгунга қадар жиноят қонунида назарда тутилган ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти бўладилар.

ЎзР ЖКнинг 11-моддасининг мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир қилган Ўзбекистон фуқаролари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жиноятнинг субъекти бўладилар. ЖК 12-моддасининг мазмунига кўра, Ўзбекистон фуқароси ёки Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар хориж давлатлар ҳудудида жиноят содир этиб, ўша давлат қонунлари билан жавобгарликка тортилмаган бўлса, Ўзбекистон жиноят қонуни бўйича жиноятнинг субъекти бўлишлари мумкин.

Амалдаги жиноят қонунига биноан фақат жисмоний шахсларгина жиноятнинг субъекти бўладилар. Жисмоний шахс ҳисобланмайдиган шахслар (юридик шахслар) бошқа тирик мавжудот (ит, хўкиз, ваҳший ҳайвонлар), жисмлар жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар. Масалан, рақибдан ўч олиш мақсадида қопоғон итини қўйиб юбориш натижасида жабрланувчининг баданига шикаст етказилса, жиноятнинг субъекти ит эмас, балки унинг эгаси жиноятнинг субъекти бўлади. Эгаси йўқ ёки қутурган ит кишини тишлаб жароҳат етказса, у ит ўлдирилса, жиноятнинг субъекти сифатида эмас, балки бошқа кишиларга ҳам жароҳат етказмаслиги ёки қутуриш касаллигини тарқалишининг олдини олиш мақсадида йўқ қилинади.

Судлов тарихида ҳайвонлар ёки жисмоний шахсларни жиноятнинг субъекти сифатида жавобгарликка тортилганлик ҳодисаси кўплаб учрайди. Ўрта асрларда одамни сузиб жароҳат етказган хўкизни, болаларни ғажиб қўйган чўчқани, экинзорларни нобуд қилган чигирткаларни, меваларни нобуд қилган ҳашаротларни жиноятнинг субъекти сифатида суд қилиниб, ўлимга ҳукм қилинганлиги ҳодисалари маълум. 1474 йилда тухум тукқан хўрозни «нопок кучлар» билан алоқада бўлганликда айблаб, Базеле суди хўрозни куйдириш йўли билан ўлимга ҳукм қилган. 1553 йилда Россиянинг

Углич шахрида бутхонанинг кўнғироғини чалиб деҳқонлар кўзғолонга чақирилганлиги учун кўнғироқни давлатга қарши жиноят содир қилишда айбланиб, кўзғолончи деҳқонлар билан бирга Сибирга сургун қилинган ва Угличдан Тоболск шахригача арқон билан боғлаб судраб борилган. Францияда 1710 йилда буғдойзорларга зарар етказгани учун сичқон ва каламушларга қарши суд процесси бўлган эди.¹

Ҳайвонлар ва нарсаларни жиноий жавобгарликка тортишни ўша давр судларининг хатоси ёки адашиш деб қараш керак эмас, балки ўша даврда жиноий жавобгарлик муайян қилмишни жиноят деб ҳисоблаб айблаш нуқтаи назаридан эмас, балки ҳар қандай хавфли ва зарарли ҳаракатлар нуқтаи назардан баҳолангани билан боғлиқдир. Ҳар қандай хавфли ҳаракатлар эса одамлар, ҳайвонлар, нарсалар томонидан бўлиши мумкин. Шунга кўра, жавобгарлик фақат жисмоний кишиларгагина эмас, балки ҳайвонлар ва нарсаларга ҳам жорий қилинган.

Судлов тарихида юридик шахсларни жиноятнинг субъекти сифатида жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи қонунлар кўплаб учрайди. Масалан, 1670 йилда Францияда махсус чиқарилган ордонанс (буйруқ)да корпорациялар ва жамоаларга содир этилган жиноят учун жазо тайинланар эди. ХУШ асрда юз берган Франция революцияси юридик шахснинг жиноий жавобгарлигини тақиқлади.

1917 йил Октябрь революциясига қадар Россияда ҳам ҳарбий қочоқларни яширган еврей жамоаларини жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган эди. (1885 йилги «Уложение» (Низом) нинг 530-моддаси). АҚШ, Англия ва бошқа давлатлар тарихида ҳам юридик шахсларнинг жиноятнинг субъекти бўлиши назарда тутилган. Ҳозирги замон халқаро жиноят ҳуқуқида фақат жисмоний шахсларгина халқаро жиноятларнинг субъекти бўлади.²

Ўзбекистон тарихида фақат жисмоний шахсларгина жиноятнинг субъекти бўлган. Шунингдек, 1926, 1959, 1994 йилларда қабул қилинган Жиноят кодексларида ҳам юридик шахслар жиноятнинг субъекти бўла олмаган. Агарда муайян юридик шахсда бирон-бир жиноят содир бўлса ёки ўша юридик шахснинг айби билан атроф табиий муҳитга жиддий зарар етказилса, корхона эмас, балки

¹ Қаранг. Курс советского Уголовного права в 6 томах. Том 2. М.: «Наука», 1970. 217-бет.

² Ҳозирги даврда Англия, АҚШ, Франция жиноят қонунларида юридик шахсларнинг экология соҳасидаги жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган.

корхонанинг иш фаолиятига раҳбарлик қилувчи ва бунга масъул бўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Яъни мансабдор ёки бунга масъул шахслар меҳнат хавфсизлиги қоидаларини (техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва бошқа қоидаларни) таъминламаганлиги учун, соғлиқ учун ёки атроф табиий муҳит учун зарарли ишлаб чиқариш корхоналарида белгиланган қоидаларнинг ижросини таъминла-маганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Юридик адабиётларда таъкидланишича юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгиланиши, жиноят ҳуқуқининг энг муҳим принципи ҳисобланган айблилик принципига хилоф деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам ЎзР ЖКнинг 16-моддасида «Жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир» деб таъкидланади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиб, жазолашдан мақсад маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш, маҳкум томонидан янги жиноят содир этишининг олдини олиш, бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган. Юридик шахсларга нисбатан эса, бундай мақсадларни қўйиб бўлмайди, уларга ана шу мақсадларни амалга оширишнинг таъсир чораларини ҳам қўлланиши мумкин эмас. Бундай мақсадлар фақат жисмоний шахсларгагина қўйилиши мумкин.

Ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаш ва ўз ҳаракатларини бошқара олиш фақат жисмоний шахсларгагина хосдир. Демак, жиноят субъекти бўлишнинг биринчи белгиси жисмоний шахс эканлигидадир.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига биноан ўз ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги)нинг ҳақиқий хусусиятини, ижтимоий хавfliлигини англаган, ўз ҳаракатларини бошқара олган ақли расо шахслар жиноятнинг субъекти бўлади. Ўз ҳаракатлари ва унинг ижтимоий хавfli оқибатини англай олмайдиган, ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган шахслар ақли норасо ҳисобланиб, улар жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар.

Жисмоний соғлом бўлган кишиларда ўз қилмиши ва унинг оқибатларини идора қила олиш қобилияти муайян ёшга етганидан кейингина шаклланади. Бу ёшга етгунча шахсда маълум ҳаётий

тажриба тўпланади. Уни ўраб турган муҳитни қабул қилиш ва баҳолаш мезонлари шаклланади. Ўз хулқининг хусусиятини, унинг жамият учун фойдали ва зарарли жиҳатларини англаш, муайян қилмишнинг зарарли эканлиги ва уни содир этишни тақиқланганлигини англаш, ана шу тақиқлашни билгани ҳолда ҳаракатнинг қайси вариантини қўллашни танлаш қобилияти шаклланади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, шахс 16 ёшга тўлганидан кейин ана шу юқорида айтилганларни англаш қобилияти шаклланади. Шахс (ўсмир) бу ёшга етганида шундай ижтимоий етукликка эришадики, ўз хулқининг хусусиятини, қилмиши жиноят эканлигини, бундай қилмиш учун жиноят қонунига биноан жавоб бериш зарурлигини англайди. Ҳатто айрим қилмишларнинг жиноят эканлигини анча олдин, яъни 16 ёшга етмасдан ҳам англай бошлайди. Шундай қилиб, жиноятнинг субъектини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1-гуруҳга умумий субъектлар, 2-гуруҳга махсус субъектлар киритилади.

Умумий субъектлар қуйидаги белгилар билан ифодаланади.

1) фақат жисмоний шахсларнинг жиноятнинг субъекти бўлиши;

2) шахснинг ақли расолиги;

3) қонунда белгиланган аломатларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлсагина, шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Махсус субъект бўлиш учун ана шу белгиларнинг барчасидан ташқари яна бошқа махсус белгилари бўлиши талаб қилинадиган субъектлар назарда тутилади (Масалан, мансабдор шахс эканлик, ҳарбий хизматчи эканлик, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист эканлик ва ҳоказолар).

Жиноятнинг махсус субъекти белгиси ЖК Махсус қисмининг моддалари диспозициясида кўрсатилади.

2-§. Ақли расолик ва ақли норасолик тушунчаси

Шахс жиноятнинг субъекти бўлиши учун ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш пайтида ақли расо бўлиши керак. Шахснинг ақли расо эканлигининг мезонлари ЎЗР ЖКнинг 18-моддаси 1-қисмида кўрсатилган. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ақли норасо бўлган шахслар жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар. Уларнинг ижтимоий хавфли қилмишлари жиноят ҳисобланмайди. Бундай шахслар ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган тақдирда,

уларга нисбатан суд томонидан жиноий жазо ҳисобланмайдиган тиббий йўсиндаги мажбурий чоралар қўлланиши мумкин.

Ақли расолик — шахснинг жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши ва ўз ҳаракатларини бошқара олишидир. Шахснинг ўз ижтимоий хавфли хусусиятини англаш деганда, ўз қилмишининг фактик томонлари (объектив томони) нигина эмас, балки ижтимоий моҳиятини ҳам англаши назарда тутилади. Бунда онг билан ирода инсон хулқининг руҳий функциясини белгилайди. Онг ва ирода эса, индивид яшаётган объектив ҳақиқат ҳисобланган жамиятнинг моддий ҳаёт шароити ва ижтимоий муҳит билан боғлиқдир. Аммо айтиш керакки, атроф муҳит инсон қилмишларини унинг тақдири сифатида белгилай олмайди. Ташқи муҳит таъсири ҳар доим инсон онги орқали ўтади. Инсон фикр қилувчи мавжудот сифатида муайян қарор қабул қилар экан, у ўз ҳаракатининг ҳақиқий ҳолатларини ҳамда ўз қилмишининг хусусияти ва аҳамиятини баҳолаш орқали ҳаракат қилади ва ўз мақсадига эришишнинг у ёки бу вариантини ўз эрки ва иродаси билан танлайди.

Шахснинг содир этган қилмишининг моҳияти ва мазмунини, унинг ижтимоий аҳамиятини англаши, уни қасддан ёки эҳтиётсизликдан жиноят содир этишда айблаш учун асос бўлади. Бу ўз навбатида содир қилган ижтимоий хавфли қилмиши учун давлат олдида жавоб бериш қобилиятига эга, у ҳар бир ҳаракати учун қандай мақсадга эришиш мумкинлигини олдиндан онгида шакллантириб олади ёки шакллантириб олиш қобилиятига эга бўлади.

ЎзР ЖК 18-моддасининг 2-қисмида ақли норасолик тушунчаси берилган бўлиб, ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқача тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Жиноят ҳуқуқида ақли норасолик тушунчаси очиб берилар экан, ақли норасоликни иккита мезон билан белгилайди. Булар:

- 1) ақли норасоликнинг тиббий (биологик) мезони;
- 2) ақли норасоликнинг юридик мезони.

Ақли норасоликнинг тиббий мезони психиатрия фанининг қоидаларига асосланилади. Тиббиёт фани шахснинг қандай турдаги

руҳий касаллик билан касалланганлигини аниқлайди. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаслик психитрия фанининг қоидалари асосида аниқланади. Шахснинг ана шундай касаллик ҳолатига тушиб қолганлигини тиббиёт фани ўрганганлиги ва бошқа бирорта фаннинг ёрдамида шахснинг ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатини аниқлашнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун бундай ҳолатни тиббий мезон дейилади. Тиббий мезон орқали шахснинг қандай турдаги руҳий касаллик билан касалланганлиги аниқланади ва қонунда тўртта белги билан ифодаланади:

- а) сурункали руҳий касаллик;
- б) руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилганлиги;
- в) ақли заифлиги;
- г) бошқа тарздаги руҳий касаллик.

Сурункали руҳий касаллик — узоқ давом этадиган даволаш ва бошқа чоралар билан тузалмай, тобора оғирлашиб борадиган руҳий касалликдир. Бундай руҳий касалликларга, масалан, шизофрения (ўз-ўзидан кўрқиш), психоз (жиннилик), параной, эпилепсия (тутқаноқ), прогрессив паралич, қариганда ақлнинг заифлашуви, таносил (сифилис) касаллигининг мияга таъсири туфайли миянинг шол (паралич) бўлиб қолганлиги ва бошқа руҳий касалликларни айтиш мумкин.

Руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилганлиги нисбатан узоқ давом этмайдиган тезда тузалиб кетадиган руҳий касаллик. Бундай ҳолатдаги руҳий бузилишларга (алкоголли ичимлик таъсиридаги психоз ҳолати — паталогик мастлик ҳолати), паталогик аффект ҳолати, яъни **Ғайри**қонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат туфайли пайдо бўлган паталогик аффект ҳолати.

Ақли заифлик инсон тафаккурининг бузилганлиги туфайли руҳий фаолият фикрлаш қобилиятининг бузилганлигидир. Ақли заифлик шахснинг фикрлаш қобилиятининг жиддий пасайиб кетганлиги билан боғлиқ. Ақли заифлик шахсда туғма ёки туғилганидан кейин мия касалликлари (менингит, энцефалит, бош мия чайқалиши) нинг асорати бўлиши мумкин. Ақли заифлик доимий касаллик ҳисобланади. Ақли заифликни учта даражага бўлиш мумкин:

- а) ақли заифликнинг енгил шакли (дебиллик);
- б) ақли заифликнинг ўртача шакли;
- в) ақлий фаолиятининг чуқур даражада бузилганлиги (жиннилик).

Бошқа тарздаги руҳий касаллик шахснинг фақат руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли келиб чиққан руҳий касаллик бўлмасдан

шахс рухий ҳолатида вақтинча бузилишлар туфайли ўз ҳаракати ва унинг оқибатларини англай олмаслик ҳолатидир. Масалан, ич терлама, тошма терлама, микроблар таъсирида миянинг жароҳати, мия шиши, гиёҳвандлик воситасига кучли эҳтиёж сезиш ва бошқа сабабларга кўра, кучли алаҳсираш каби ҳолатлардир.

Ақли норасоликнинг юридик мезони шахснинг ўз ҳаракатларининг, ҳаракатсизлигининг аҳамиятини англай олмаслиги ва ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатидир. Шахснинг ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаслиги тафаккурий ҳолат, ўз ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлигини) бошқара олмаслик иродавий ҳолатдир. Тафаккурий ҳолатнинг мазмуни шундан иборатки, шахс ўз қилмишининг жамият учун хавфли эканлигини англамайди.

Шахс тафаккурининг бузилганлиги унинг иродасининг ҳам бузилишига олиб келади ва натижада у ўз ҳаракатларини бошқара олмайди. Айрим ҳолларда шахс ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигининг аҳамиятини англаши мумкин (Масалан, гиёванд воситага кучли эҳтиёж сезилганда) аммо ўз ҳаракатларини бошқара олмаслиги мумкин. Чунки шундай ҳолатда гиёванд воситага эҳтиёж шунчалик даражада кучайиб кетадики, ирода сусайиб, шахс ўз ҳаракатларини бошқара олмай қолади.

Шахсни ақли норосо деб топиш учун ҳам ҳам тиббий мезон, ҳам юридик мезон бир вақтда мавжуд бўлиши керак. Бунда тиббий мезон белгиларидан бирининг мавжудлиги ва юридик мезоннинг ҳар иккала белгисининг бир вақтда мавжуд бўлиши талаб этилади.

Шахс қонунга мувофиқ равишда ақли норосо деб топилган бўлса, жиноятнинг субъекти бўла олмайди ва шунга мувофиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлигида жиноят таркиби бўлмайди. Шунга кўра, ақли норосо ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бундай шахсларга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган ақли норасоликда гумон қилинаётган шахслар, албатта, ЎзР ЖПКнинг 173-174, 567, 568-моддаларида белгиланган қоидалар асосида суд психиатрия экспертизасидан ўтказилади. Ана шу экспертиза хулосасига асосланиб, суд шахсни ақли норосо деб топади ва шахснинг қилмишида жиноят таркиби йўқ деб ишни бекор қилади ҳамда ушбу шахсга нисбатан мажбурий даволаш чорасини қўллаш юзасидан ажрим чиқаради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий

хавфли қилмиш содир қилган ақли норасо шахс атрофдагиларга нисбатан хавф туғдирадиган бўлсагина, суд унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлар экан, руҳий касалнинг касаллик хусусиятлари содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг аниқ турини (ЎзР ЖК 93- моддаси) кўрсатади.

Айтиш керакки, алкоғолли ичимлик гиёванд восита ва бошқа маст қиладиган воситаларни истеъмол қилган ҳолда жиноят содир этиш шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилмайди. Аксинча, Ўз Р 56-моддаси 1-қисмининг “о” бандида белгиланишига кўра, мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари психотроп ёхуд кишининг маст қиладиган бошқа воситаларни истеъмол қилган ҳолда жиноят содир қилиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади. Бунда мастлик даражасининг аҳамияти йўқ. Шахс физиологик мастлик ҳолатида жиноят содир қилганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб топилиши мумкин. Аммо шахс патологик мастлик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган бўлса, қилмишда жиноят таркиби бўлмайди. Патологик мастлик ҳолатида шахснинг гуруҳий ҳолати бузилади, патологик мастлик ҳолатида шахс ўз ҳаракати (ёки ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англамайди. Вақтинчалик ақли норасо бўлиб қолади. Аммо шахс ўз қилмишининг хусусияти ва унинг оқибатини қисман англаса ва ҳаракатларини идора қила олса ақли норасо деб топилмайди. Аммо суд жазо тайинлашда руҳий ҳолатида бузилиш юз берганини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаши мумкин.

3-§. Жиноят субъекти ёши

Юқорида таъкидланганидек, жиноят содир қилиш пайтида қонунда белгиланган ёшга етган шахсларгина жиноятнинг субъекти бўладилар. Демак, шахснинг муайян ёшга етганлиги уни жиноий жавобгарликка тортиш шартларидан бири ҳисобланади. Қонунда белгиланган ёшга етмаган кичик ёшдагилар ўзларининг ёши, руҳий ва жисмоний ривожланиши жиҳатидан ўз қилмишлари учун ҳали тўла жавоб бера олмайдилар, ўз ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлик) ларини тўла бошқара олмайдилар. Чунки улар онгининг ривожланиши даражаси ҳали бу даражагача ривожланмаган бўлади.

Жиноят субъекти бўла олиш ёши асосан вояга етмаган онгининг ривожланганлик даражаси, содир этилаётган ҳодиса ва жараёнларни

англаш, шунга мувофиқ равишда ҳаракат қила олиш қобилияти шаклланган даврдаги ёшидан ҳисобланди. Кичик ёшдагиларда бундай қобилият ҳали шаклланмаганлиги туфайли улар жиноят субъекти бўла олмайдилар.

Шахснинг ўз хулқининг ижтимоий хавфли хусусиятда эканлигини англаши, тарбия, ҳаётни кузатиш, атрофдагиларнинг таъсирида аста-секин шаклланади. Шахс қандай ҳаракатларни қилиш ёки қилмасликни, яхши ва ёмон эканлигини аста-секин ажратиб боради ва бу масалаларни ажратишда оила тарбияси ғоят муҳимдир. Шахс муайян ёшга етганидан кейин муайян ҳаёт тажрибаси тўпланади, яхши ва ёмонни ажратиш қобилияти шаклланади, ўз ҳаётий эҳтиёжини қондиришда ҳаракатнинг у ёки бу вариантыни танлаш, муайян муаммони ҳал қилишнинг у ёки бу йўлини танлаш қобилияти шаклланади. Ана шундай қобилият ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганларда шаклланади деб ҳисоблаб ЎзР ЖКнинг 17-моддасининг 1-қисмида 16 ёшга тўлган ёш жиноятнинг субъект ёши сифатида белгиланган. Демак, ЎзР ЖК 17-моддасида белгиланганига кўра, Ўзбекистонда 16 ёшга тўлган шахслар жиноят субъекти ёшига тўлган ҳисобланадилар. Аммо шундай жиноятлар борки, уларни 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар ҳам жиноят эканлигини, бундай қилмишлар учун жиноят қонунида жазо белгиланганлигини биладилар. Шунини ҳисобга олиб ЖК 17-моддасининг 2-қисмида фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятлари учун (Ўз ЖК 97-моддасининг 2- қисми) ўн уч ёшга тўлган вояга етмаганлар шу жиноятнинг субъекти бўлишлари назарда тутилган. ЖК 17-моддасининг 3-қисмида ўн тўрт ёшга тўлганлар субъект бўла олиши мумкин бўлган жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган. Булар 97-модданинг 1-қисми (қасддан одам ўлдириш), 98-модда (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш : 104-модда (қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 105-модда (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) 106-модда (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш); 118-модда (номусга тегиш), 119-модда (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб Ҳозиртабiiй усулда қондириш, 137-модда (одам ўғирлаш), 164-модда (босқинчилик), 165-модда (товламачилик), 166-модда (талончилик), 169-модда (ўғрилиқ), 173-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 220-модда (озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муассаларининг ишини издан чиқариш), 222-

модда (озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш), 247-модда (ўқ отар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш), 252-модда (радиактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш), 263-модда (темирйўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўллари яроқсиз ҳолатга келтириш), 267-модда (транспорт воситаларини олиб қочиш), 271-модда (гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш), 14 ёшга тўлганлар субъект бўла оладиган жиноятларнинг ушбу рўйхати қатъий бўлиб, ана шу рўйхатда кўрсатилганидан бошқа бирорта жиноят учун шахс ўн тўрт ёшдан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексидаги нисбатан амалдаги 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида ўн тўрт ёшга тўлганлар субъект бўла оладиган жиноятларнинг рўйхати қисқартирилган. Жумладан, 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (86-модда) учун ўн тўрт ёшга тўлганлар ҳам жиноий жавобгарликка тортилган.

Айрим амалиёт ходимлари ҳатто айрим юристлар ўртасида айрим оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан белгиланган деб ҳисоблайдилар. Бундай деб ҳисоблаш тўғри эмас. Агар қонун чиқарувчи орган оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёшини ўн тўрт ёшга тўлганлик ҳисобидан олинганда эди, ўта оғир жиноят ҳисобланган терроризмга, давлатга хоинлик қилиш, жосуслик, жиноий уюшма тузиш ва ҳоказо жиноятлар учун ўн тўрт ёшдан жавобгарликни белгилаган бўлар эди. Ваҳоланки қонунда 14 ёшга тўлганлар субъекти бўла оладиган жиноятлар рўйхатида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ҳам (Масалан, 169-модданинг 1-қисми), унча оғир бўлмаган жиноятлар (Масалан, 104-модданинг 1-қисми) ҳам бор.

Ушбу рўйхатдаги жиноятлар учун ўн тўрт ёшга тўлганларнинг жиноят субъекти бўла олишида асосан шу ёшдагиларнинг ана шу қилмишларни жиноят эканлигини билганлиги, қонунда уларни содир этиш тақиқланганлигини билганлиги асос қилиб олинган.

Жиноят кодекси Махсус қисмида шундай жиноятлар борки, уларни фақат ўн саккиз ёшга тўлганларгина содир қила оладилар. 1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексида ўн саккиз ёшга тўлганлар субъект бўла оладиган жиноятлар рўйхати ЖК Умумий

қисми моддасида (10-модда) берилмаганлиги туфайли субъект ёшига қараб жавобгар қилиш масаласида хатога йўл қўйишлар бўлар эди. Амалдаги Жиноят кодексида ўн саккиз ёшга тўлганлар субъект бўла оладиган жиноятларнинг рўйхати берилиб, бу борада йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларга чек қўйилди.

Ўн саккиз ёшга тўлганлар қуйидаги жиноятларнинг субъекти бўла оладилар:

122-модда (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш); 123-модда (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш); 127-модда (вояга етмаган шахсни Ҳозирижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш); 144-модда (фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш); 146-модда (сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш); экология соҳасидаги айрим жиноятлар (193-195-моддалар); айрим мансабдорлик жиноятлари (205-210-моддалар); одил судловга қарши айрим жиноятлар (230-232, 234-235-моддалар); барча ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган жиноятлар (279-302-моддалар).

Суд шахсни муайян жиноятни содир этишда айблар экан, у айбланаётган жиноятчининг субъекти ёшига етганлигини тўғри аниқлаб олиши керак. Агар жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг туғилган вақти аниқ бўлса, жиноят субъекти ёшига тўлган деб ҳисоблашда 13,14,16 ёки 18 ёшга тўлган деб ҳисоблаш учун туғилган куни эмас, балки туғилган кунидан ҳисоблаб, ана шу ёшга тўлган куни тўла ўтиб бўлганидан кейин (яъни кеч соат 24.00 ўтганидан кейингина) субъект ёшига етган ҳисобланади. Демак, шахс ўзи туғилган куни жиноят содир қилса, у ҳали субъект ёшига етмаган ҳисобланади ва фақат эртасига, яъни соат кеч 24.00. дан кейин содир қилган жинояти учун жиноят субъект ёшига етган ҳисобланади.

Айрим ҳолларда жиноят содир қилган вояга етмаганларнинг ёши аниқ бўлмайди. Бундай ҳолда унинг ёшини аниқлаш экспертларига юборилади.

Бу борада собиқ СССР Олий судининг 1976 йил 3 декабрдаги «Вояга етмаганлар жиноят ишлари тўғрисидаги қонунларни, уларни жиноятга ва бошқа **Ғайриижтимоий** фаолиятга жалб қилиш тўғрисидаги қонунларни судларда қўлланиш амалиёти тўғрисида» ги Пленум қарорининг 6-бандида қуйидагича тушунтириш берилган эди:

«Шахсинг туғилган йили суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқлаб берилган бўлса, ўша йилнинг охири куни (31 декабр) туғилган куни деб олинади. Агар экспертлар энг кам ва энг кўп муддат (масалан, 15 ёш билан 17 ёш ўртасида) кўрсатиб аниқлаб берган бўлса, энг кам белгилаб берилган ёш миқдоридан олиниб туғилган йили белгиланади».¹ Ҳозирги кунда ҳам ёши аниқ бўлмаган шахсларнинг жиноят субъекти ёшига етган ёки етмаганлиги ана шу қоидага амал қилинган ҳолда аниқланмоқда.

Айрим ҳолларда ақлий ривожланиш даражаси жисмоний ривожланиш ёшига нисбатан орқада қолиб кетган шахслар ҳам ижтимоий хавфли қилмиш содир қиладилар.

Жисмоний ривожланиш ёши муайян жиноят субъекти ёшига етган, аммо ақлий ривожланиш даражаси орқада қолиб кетганлар жиноятнинг субъекти бўла оладими, деган савол туғилади.

ЎзР ЖК 17-моддасининг мазмунига кўра, жиноят субъекти бўлиш учун шахсинг қонунда кўрсатилган ёшга тўлмаганлиги ва ақли расо бўлиши талаб қилинади. Ақлий ривожланиш даражаси орқада қолиб кетган шахслар ақли норасолар билан тенглаштирилмайди. Уларнинг ақли ривожланиши орқада қолиб кетган бўлсада, ақли расо ҳисобланади ва шунга кўра, улар муайян жиноятнинг субъекти бўлаверади. Аммо судлар бундай шахсларга жазо тайинлашда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг асосларини кўриб чиқишлари керак. Лекин бундай шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилишда суд унинг ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олиш ва ҳаракатларини бошқара олиш қобилиятидан келиб чиқишлари керак.

4-§. Жиноятнинг махсус субъекти

Жиноятнинг махсус субъекти деб жиноятнинг махсус хусусиятини ифода этувчи, жиноят ҳуқуқий норманинг диспозициясида назарда тутилган, жиноят субъектининг умумий белгилари (ақли расолиги, қонунда белгиланган ёшга етганлиги) дан ташқари кўшимча махсус белгига эга бўлган шахсга айтилади.

ЖК Махсус қисмида шундай нормалар борки, шахсинг ақли расо ва муайян ёшга етганлигининг ўзи, ўша жиноятнинг субъекти деб ҳисоблашга асос бўла олмайди. Ўша жиноятнинг асосий белгиларидан ташқари қонун талаб этган яна бошқа махсус

¹ Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР. 1924-1986. М.1987, 740-бет.

белгисининг бўлиши зарур. Масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги учун 104-модданинг 3-қисми «б» бандида, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этганлик учун 104-модданинг 3-қисми «в» бандида жавобгарлик назарда тутилган. Қилмишни ушбу бандлар билан квалификация қилиш учун шахс албатта, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист бўлиши керак, булардан бошқа шахслар бу жиноятларнинг субъекти бўла олмайдилар.

Шахсни 118-модданинг 3-қисми «б» банди билан жавобгар қилиш учун (номусга тегиш) жабрланувчи, албатта, жиноятчининг яқин қариндоши бўлиши керак. Мансабдорлик жиноятида айбланиш учун шахс, албатта, қонунга мувофиқ мансабдор бўлиши керак. Шахсни ҳарбий жиноятларда айбланиш учун у, албатта, ҳарбий хизматчи бўлиши керак.

Жиноятнинг махсус субъекти ўз мазмунига кўра, турли-тумандир. Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмидаги жиноятларнинг 40 фоизга яқинининг субъектлари махсус субъектлардир. Махсус субъектлар содир қиладиган жиноятларда бошқа шахслар жиноятнинг бажарувчиси сифатида жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар. Бошқа шахслар Махсус субъектлар томонидан содир этиладиган жиноятларда иштирокчи сифатида қатнашишлари мумкин.

ЖК Махсус қисмининг айрим моддалари диспозициясида махсус субъект белгиси кўрсатилмайди. Аммо улар жиноят ҳуқуқий нормани системали, мантикий, грамматик шарҳлаш орқали аниқланади. Масалан, ЎЗР ЖК 127-моддасида вояга етмаган шахсни **Ғайриижтимоий** хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу норманинг мазмунини мантиқан шарҳланса, субъекти фақат вояга етган шахсларгина вояга етмаганни **Ғайриижтимоий** ҳаракатга ёки жиноятга жалб қилади. Вояга етмаган шахс бошқа бир вояга етмаганни, жиноятга ёки бошқа **Ғайриижтимоий** хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг субъекти бўла олмайдилар. Қонунда махсус субъектнинг айнан ўзи айтилмасда, унинг махсус белгиларига, яъни шахснинг мажбуриятига, бажарадиган вазифасига, мансабдор эканлигига ва ҳоказо белгиларига ҳавола қилинади. Масалан, ЖК Махсус қисмининг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган шахсларгина шу жиноятларнинг субъектлари бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Касб юзасидан қандай вазифа

юклатилганлиги конкрет иш ҳолатларига кўра, аниқланади. Масалан, касалга ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилган шахснинг ўз вазифасини бажармай узрсиз сабабларга кўра, касалга ёрдам кўрсатмаганлиги шахснинг баданига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, мазкур жиноятнинг субъекти бўлади.

Айрим моддалар диспозициясида эса ўша жиноятнинг махсус субъекти аниқ кўрсатилади. Масалан, жинсий ҳомила тушириш-нинг (114-модданинг 1-қисми) субъекти шифокор акушер гинекологларгина бўлиши мумкин. ЖКнинг 230-моддасида айбсиз кишини жавобгарликка тортишнинг субъектлари фақат суриштирувчи, терговчи бўлиши мумкин ва ҳоказолар.

Умумий қоидага кўра, Ўзбекистон ҳудудида жиноят қилган ҳар қандай Ўзбекистон ёки чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар жиноятнинг субъекти бўладилар. Аммо ЖК Махсус қисмининг айрим нормаларининг субъектлари фақат Ўзбекистон фуқаролари бўлса (масалан, давлатга хоинлик қилиш 157-модда), айрим моддаларида назарда тутилган жиноятнинг субъектлари фақат чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар (масалан, жосуслик, 160-модда) бўлиши мумкин. Юридик адабиётларда махсус субъектларни белгиларига қараб кўпроқ қуйидагича таснифлайдилар:

1) давлат-ҳуқуқий аҳволига қараб (Ўзбекистон ёки чет эл фуқаролигига қараб, масалан, ЖК 157 ва 160-моддалари;

2) демографик белгиларига қараб эркаклар, аёллар ёки вояга етганлар (масалан, онанинг ўз чақалоғини ўлдиришнинг субъекти фақат аёл киши, яъни чақалоқнинг онасининг ўзи) бўлади. Бесоқолбозлик жиноятининг (120-модда) субъекти фақат эркаклар бўла оладилар. Вояга етмаган шахсни **Ғайриижтимоий** хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг (127-модда) субъекти фақат вояга етганлар бўла оладилар;

3) оилавий қариндошлик муносабатларига кўра, субъект бўла оладиганлар. Масалан, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни (122- модда ёхуд ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш 123-модда) яқин қариндошининг номусига тегиш (118-модда 3-қисмининг «б» банди), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб **Ғайритабиий** усулда қондириш (119-моддаси 3-қисмининг “б” банди) яқин қариндошига нисбатан содир этиш ва ҳоказолар);

4) ҳарбий мажбур эканлигига қараб, масалан, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (125-модда) муддатли ҳарбий хизматга чақирувчилар ушбу жиноятнинг субъектлари бўла оладилар;

5) мансаб ваколати юзасидан жиноятнинг субъекти бўла оладиганлар: (ЎзР ЖКнинг 205-211-моддалар, 167-модда 2-қисмининг «г» банди ва ҳоказолар);

6) давлатнинг махсус тизимида ишлайдиганлар — масалан, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, милиция ходимлари (230, 231, 235, 239 ва ҳоказо моддалар);

7) касби юзасидан субъект бўла оладиганлар: масалан, тиббиёт ходимлари (114, 116- моддалар);

8) бажарадиган ишининг хусусиятига кўра субъект бўла оладиганлар: масалан, давлат сирларини ошкор қилиш (162-модда), давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш (163-модда), темир йўл, денгиз, ҳаво, транспортларнинг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (260, 261, 262, 265, 266 ва ҳоказо моддалар);

9) давлатга нисбатан фуқароларнинг мажбуриятлари юзасидан жиноятнинг субъекти бўла оладиганлар: гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, таржимонлар ва ҳоказолар;

10) жабрланувчилар ўзларининг ижтимоий аҳволига кўра, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахслар субъект бўла оладиган жиноятларнинг субъектлари: масалан, (121,122, 123 ва ҳоказо моддалар);

11) олдин жиноят содир қилганлиги учун судланган шахслар, такроран жиноят содир қилганлар, хавфли ва ўта хавфли рецидивистлар, маъмурий назорат остига олинганлар ва ҳоказолар;

12) бошқа асосларга кўра, жиноятнинг субъекти бўла оладиганлар¹.

Жиноятнинг махсус субъектларини ушбу таснифлаш қатъий ва ягона усул бўлмасдан, тахминий тавсиядир. Юридик адабиётларда жиноят субъектларини таснифлашнинг турли вариантлари тавсия қилинади. Аммо юқорида баён қилинган таснифлаш кенгрок тарқалган.

Жиноят махсус субъектининг белгилари жиноят таркиби субъектининг белгилари доирасига кирувчи субъектнинг зарурий белгиси бўлиб, қилмишни ЖКнинг муайян нормаси билан квалификация қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жиноятнинг махсус субъекти белгиси жиноят субъектининг факультатив белгиси бўлиб, бу белгилар ЖК Махсус қисмининг

¹ Бу ҳақда қаранг: Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М. “Юристь”, 2001, 208-209-бетлар.

барча моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун зарур бўлмай, фақат қонунда зарурий белги сифатида назарда тутилган жиноят таркиблари учун шартдир.

Жиноятнинг махсус субъектларининг аҳамиятини қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

биринчидан — махсус субъектнинг белгиси муайян жиноят таркиби доирасига киритилган бўлса, бу белги ўша жиноятларни квалификация қилишнинг асосий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилади (масалан, мансабдорлик жиноятлари, харбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган жиноятлар ва ҳоказолар;

иккинчидан — жиноят махсус субъектининг белгиси ўша жиноят таркибида асосий белги сифатида эмас, балки жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиси сифатида киритилган бўлса, фақат ўша норманинг ўзи учун жиноят субъектининг зарурий белгиси ҳисобланади. Масалан, ЖК Махсус қисмининг кўплаб моддаларида ўша жиноятни хавфли ёки ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги учун алоҳида қисмда жавобгарлик белгиланган бўлиб, фақат хавфли ва ўта хавфли рецидивистларгина ўша норманинг субъекти бўла олади;

учинчидан — жиноят махсус субъекти белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида киритилмаган субъектнинг белгилари ЎзР ЖК 56-моддасига кўра, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин. Масалан, ЖК 56-моддаси 1-қисмининг «о» бандида мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психатроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган.

Шундай қилиб, жиноятнинг махсус субъекти белгиларининг аҳамияти учта жиҳати билан ифодаланар экан. Булар:

1) махсус субъекти жиноят таркиби субъектининг асосий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига жиноятни квалификация қилишнинг асосий зарурий белгиси сифатида киритилган белгилар;

2) жиноят таркиби доирасига жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиси сифатида киритилган белгилар;

3) жиноят таркиби доирасига киритилмаган, аммо суд жазо тайинлаш вақтида жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиши мумкин бўлган белгилар.

5-§. Жиноят субъекти ва жиноятчининг шахси

Ҳуқуқ назариясида, жумладан, жиноят, жиноят-процессуал, криминология, жиноят ижроия ҳуқуқи фанларида жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан «жиноят содир қилишда айбли шахс», «айбланувчи», «судланувчи», «махбус», «махкум», «жиноятнинг субъекти» атамалари ишлатилади. Шунга мувофиқ равишда айбланувчининг шахси, айбдорнинг шахси, судланувчининг шахси, маҳкумнинг шахси, жиноятчининг шахси каби атамалардан фойдаланилади. Бу тушунчалар шубҳасиз бир-бирига яқин, бир-бири билан боғлиқ бўлсада, аммо уларнинг ҳар бири алоҳида мазмунга эга. Уларнинг ҳар бири алоҳида тушунчага эга бўлсада, аммо бунда фақат битта шахс, яъни жиноят содир қилган шахс устида гап боради.

Бу атамалар жиноят содир қилишда айбланаётган шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий томонларини ифодаловчи тушунчалар бўлиб, содир этилган жиноят юзасидан тергов ишлари олиб бориш, суд тергови олиб бориш, суд қилиб, муайян жазога ҳукм қилиш, жазони ижро этиш ва жазони ўташ вақтида ишлатиладиган ҳуқуқий атамалар тушунчасидир. Бу тушунчалар жиноят содир қилишда гумон қилинаётган ва айбланаётган шахсга нисбатан босқичма-босқич ифодалаш атамаларидир.

Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг субъекти ва жиноятчининг шахси тушунчалари ҳуқуқий тушунчалар сифатида кўп ишлатилади. Жиноятнинг субъекти ва жиноятчининг шахси бир-бири билан боғлиқ тушунчалар бўлсада, улар мазмуни ва моҳияти жиҳатидан фарқ қилади.

Жиноятнинг субъекти–жиноят содир қилиш пайтида қонунда назарда тутилган ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир.

Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятларнинг субъекти бўлишнинг энг кам белгилари жисмоний шахснинг ақли расолиги ва қонунда белгиланган ёшга етганлиги-нинг ўзи етарлидир. Фақат махсус субъектли жиноятлардагина бу белгилардан ташқари яна ЖК Махсус қисмининг моддаси диспозициясида кўрсатилган белги бўлиши талаб қилинади. Шу белгилардан бирининг бўлмаслиги қилмишда жиноят таркибининг мавжудлигини истисно қилади.

Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг субъекти устида гап борар экан, ана шу белгиларнинг ўзи (ақли расолиги, қонунда кўрсатилган ёшга етганлиги) тадқиқ қилинади, ҳолос. Шунга кўра, жиноятнинг

субъекти тушунчаси жиноятчининг шахси тушунчасига нисбатан тор тушунча ҳисобланади. Шахсининг муайян жиноятнинг субъекти (умумий субъект) бўлиши учун унинг ақли расолиги, муайян ёшга етганлигидан бошқа белгилари жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмай қолади (махсус субъект белгисидан бошқа белгилари). Аммо ҳар бир жиноят содир этишда айбланаётган субъект унинг ўзигагина хос бўлган биологик руҳий (ақлий); ижтимоий хусусиятларга эга бўлади. Биологик белгилари — шахсининг ёши, соғлиғи бўлса, руҳий хусусиятлари — ақлий ривожланганлиги, ўзига хос темпераментлари кирса, ижтимоий хусусиятларига оиладаги хулқи, меҳнатга муносабати, ижтимоий яшаш қоидаларига муносабати ва ҳоказолар киради. Қонун чиқарувчи орган жиноятнинг махсус субъекти белгиларини ишлаб чиқар экан индивиднинг шахсини ифодаловчи барча индивидуал хусусиятларни ҳисобга ололмайди. Қонун чиқарувчи орган жиноятнинг умумий ва махсус субъектлари белгиларини ишлаб чиқар экан, шахсининг жиноят содир этишига ўз таъсирини кўрсата оладиган энг муҳим белгиларни жиноят таркиби субъектининг умумий ва махсус белгилари сифатида олган. Қонун чиқарувчи орган шахс индивидуал хусусиятларининг жиноят таркиби субъектининг белгилари доирасига киритилмаган белгилари суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

Жиноятчи шахсининг ижтимоий-руҳий ҳолати нуқтаи назардан қаралганда, унинг шахси жамиятдаги салбий ҳодисаларнинг умумлашган кўринишида ифодаланиши бўлиб, ҳуқуққа хилофлик, айблилик, зарарлилик ва ижтимоий хавфлилик унинг шахсининг муҳим элементлари бўлиб, ҳисобланади¹.

Шундай қилиб, жиноятчининг шахси жиноят содир қилган шахсининг жиноят ҳуқуқий воситалар (жиноий жазо ва бошқа жиноят — ҳуқуқий таъсир чоралар) орқали тузатиш имкониятлари бўлган, ижтимоий аҳамиятли хусусиятлари тизимига эга бўлган киши шахсидир.

Жиноятчи шахсининг кўшимча белгилари жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайдиган, жиноят таркиби субъектининг белгилари доирасидан ташқарида бўлган белгилари бўлиб, суд жазо тайинлаш вақтида жазо тури ва муддатларини белгилашда жазо тайинлаш қоидаларига амал қилган ҳолда ЖК Махсус қисми модда (норма)си санкцияси доирасида жазо

¹ Усмоналиев М. Каракетов Й. Криминология, Т: «Янги аср авлоди», 2001й., 172-бет.

тайинлайди. Жумладан, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда жиноят содир қилган шахсга нисбатан суд жазо тайинлаш вақтида ЖК 56-моддаси 1-қисмининг «о» бандига биноан Махсус қисми санкцияси доирасида, аммо оғирлаштирилганроқ ҳолда жазо тайинлаш мумкин. Бу айнан суднинг қонун нормасининг санкцияси доирасида жазо тайинлаши бўлиб, ҳисобланади. Аммо жиноят содир қилган шахснинг ЖК 56-моддасида кўрсатилмаган шахсий хусусиятларини суд жазо тайинлашда ҳисобга олиши мумкин эмас. Аммо шахсни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласи кўрилади вақтда суд томонидан бу белгилар муҳокама қилиниши мумкин. Айниқса, жазони енгиллаштиришга асос бўладиган белгилари — вояга етмаганлиги, биринчи марта жиноят қилганлиги, чин кўнгилдан қилмишига пушаймон бўлиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берганлигини ҳисобга олади.

Жиноятчининг шахсини ифодаловчи хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қонун талабларига қатъий риоя қилиб, жазо тайинлаш, адолатли жазо тайинлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

9-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноятнинг субъекти деб нимага айтилади?
2. Жиноят субъектининг жиноят таркиби тизимида тутган ўрни нималарда ифодаланади?
3. Жиноят субъектининг белгиларини айтинг?
4. Ақли расолик деб нимага айтилади?
5. Ақли норасолик деб нимага айтилади? Унинг мезонларини айтинг?
6. Ўзбекистон Республикаси ЖКда жиноят субъекти ёши неча ёшдан белгиланган? Шахсни муайян ёшга етган деб ҳисоблаш тартиби қандай?
7. Жиноятнинг махсус субъекти деб нимага айтилади?
8. Жиноятнинг субъекти ва жиноятчи шахси тушунчаларининг фарқи нимада?

Фойдаланилган ва ушбу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. А.Г.Бестаева. Аффект как обстоятельство, смягчающий уголовной ответственности при умышленном убийстве. Т: ТДЮИ. 2000.
2. К.Е.Игошев. Типология личности преступника и мотивация преступного поведения. Горький. Горьковская высшая школа МВД СССР.1974.
3. Назначение судами видов исправительного учреждения лицам осужденным к лишению с свободы. “Российская юстиция”. 2002 , №2, ст. 2-6.
4. В.Н.Савин. Ответственность государственной власти перед обществом. “Государство и право”. 2000, № 12. ст.64.
5. А.С.Никифоров. Юридическое лицо как субъект преступления. “Государство и право”. 2000, №8. ст.18.
6. И.Л.Петрухин. Человек как социальная ценность. “Государство и право”.1999, № 10. ст.83.
7. В.А.Закс. Социакультурные предпосилки коррупции. “Государство и право”.2001, №1. ст.52.
8. И.Я.Казаченко. Вопросы уголовной ответственности и наказания лиц, страдающих психическими расстройствами не исключающими вменяемости. “Государство и право”. 2001, № 5. ст.75.
9. Ю.М.Антонян, С.В.Бородин. Преступность и психические аномалии. М. “Наука”, 1987 ст.206.
10. Саидазимов М. Ахроров Б. Тожибоев Қ. Вояга етмаганларнинг жиной жавобгарлиги. Т: “Халқ мероси”, 2001.
11. А.Павлинов. Круг субъектов должностных преступлений требует уточнения. “Российская юстиция”. 2001, № 9, ст.63.

Х БОБ. ЖИНОЯТ БОСҚИЧЛАРИ

1-§. Жиноят босқичлари тушунчаси ва унинг турлари

Қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларни ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ва жамият манфаатларини кўриқлаш мақсадида фақат содир этилган жиноятларнинг ўзи учунгина эмас, балки қасддан содир этиладиган жиноятни содир қилиш жараёнида, кўп ҳолларда ҳатто қасддан қилинадиган жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун айбдор жиноий жавобгарликка тортилади. Яъни жиноят содир этишга суиқасд қилиш ёки унга тайёргарлик кўриш ижтимоий хавфли ва жиноий қилмиш ҳисобланади.

Инсон ўз олдига муайян мақсадни кўяр экан, ўзининг иродасини, ўз хулқини ана шу мақсадга бўйсундиради. «Ўргимчак ўз тўрини тўқир экан, тўқувчи бажарадиган операцияларни бажаради. Асалари ўз инини қураб экан, архитектор бажарадиган операцияларни бажаради. Аммо энг уста ўргимчакдан энг ёмон тўқувчининг, энг уста асаларидан энг ёмон архитекторнинг фарқи шундаки, тўқувчи ва архитектор қилиши керак бўлган ишларни олдиндан онгида бажариб олади¹. Бундай ҳолат фақатгина ишлаб чиқаришгагина тааллуқли бўлмай, инсонларнинг ҳар қандай бошқа фаолиятларига, шу жумладан, қасддан содир этадиган жиноятга ҳам тегишлидир.

Қасддан содир этиладиган жиноятларда жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилинганда шахснинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари мулк, ижтимоий тартибот ва жамоат хавфсизлиги, ЎЗР нинг Конституциявий тузуми ва бошқа қонун билан кўриқланадиган объектлари зарар етказилиш хавфи остида қолади ёки қисман зарар етказилади. Қасддан содир этиладиган жиноятларда субъект жиноий мақсадни дарҳол амалга ошириши ёки уни содир қилиш учун тайёргарлик кўриши мумкин. Дарҳол содир этиладиган жиноятларни айбдор вазиятга қараб дарҳол амалга оширса, бошқа бир ҳолатда жиноятни содир қилиш учун тайёргарлик кўради (масалан, уйга кириб ўғрилик қилиш учун калит тайёрлайди, тўсиқларни бартараф қилиш режасини тузади, уй эгаси қайси вақтларда уйида бўлмаслигини аниқлайди ва ҳоказолар. Дарҳол амалга ошириладиган қасддан қилинадиган жиноятларда ҳам,

¹ К. Маркс И. Ф. Энгельс. Сочинение. Т. 23, 189-бет.

олдиндан тайёргарлик кўриб, содир этиладиган жиноятларда ҳам объектив ёки субъектив сабабларга кўра, шахс жиноий ниятини охирига етаказолмай қолиши мумкин. Бундай ҳолда жиноят айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказилмайди. Жиноят ҳуқуқида бундай жиноятлар тамом бўлмаган жиноятлар деб айтилади. ЎзР ЖКнинг VI бобида тамом бўлмаган жиноятлар тушунчаси ва уларнинг турлари назарда тутилган.

ЎзР ЖК 25- моддасининг мазмунига кўра, шахс томонидан содир этилган қилмишда муайян жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлса, тамом бўлган жиноят деб топилади.

Ана шу юқорида айтилганларга ва ЎзР ЖКнинг 25-модда-сининг мазмунига кўра, қасддан содир этиладиган жиноятлар учта босқичдан иборат бўлиши мумкин. Булар: жиноятга тайёргарлик кўриш; жиноятга суиқасд қилиш ва тамом бўлган жиноят.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноятга тайёргарлик кўриш ва содир этишга суиқасд қилиш ва уларни содир этиш қонун билан кўриқланадиган манфаатларни аниқ хавф остида қолдиради. Шунга кўра, бундай жиноятларда тамом бўлмаган жиноят таркиби, яъни жиноятга суиқасд қилиш таркиби мавжуд бўлади.

Жиноятга тайёргарлик кўришни умумий тарзда ифодалаганда, жиноятни содир қилиш учун аниқ шароит яратади. Айбдор бунда жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томонини бажаради.

Жиноятга суиқасд қилишда эса, бевосита жиноятни амалга ошириш ҳаракатлари бошланади ва жиноий мақсадни қисман амалга оширган бўлиши мумкин. Аммо айбдор ўзининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятни охирига етказа олмайди. Тамом бўлган жиноятда эса муайян жиноят таркибининг барча белгилари тўла амалга оширилади.

Жиноят босқичларининг дастлабки иккита босқичини, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд қилишни жиноят ҳуқуқи назариясида, «дастлабки жиноий фаолият» деб умумлаштирган ҳолда ифодалядилар. Чунки бу босқичларда жиноят охирига етказилмайди, субъект ўз жинояти мақсадларини амалга ошира олмайди. Жиноят босқичлари жиноятни амалга оширишнинг босқичлари бўлиб, ЖК Махсус қисмида назарда тутилган бир қатор жиноятларда жиноят босқичлари бўлмайди. Фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятлардагина жиноят босқичлари бўлади. Қуйидаги жиноятларда жиноят босқичлари бўлмайди:

а) эгри қасддан содир этиладиган жиноятларда;

б) эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда.

Тўғри қасддан содир этиладиган жиноятга олдиндан тайёргарлик кўрилганлиги, айбдорнинг ҳаракатлари муайян мақсадга йўналтирилганлиги, иродаси ва унинг ҳаракатлари шу мақсадга эришиш учун бўйсундирилганлиги туфайли жиноят босқичма-босқич амалга оширилади. Эгри қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда бундай белгилари бўлмай тасодифан содир этилганлиги туфайли жиноят босқичлари бўлмайди. Жиноят босқичлари жинойий ниятни амалга ошириш босқичларидир. Жиноят босқичларининг имкониятлари чекланган бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўриш умумий қоидага кўра, моддий таркибли жиноятлардагина уни содир қилиш шакли (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дан қатъи назар, мавжуд бўлади.

Бундай қоида жиноятнинг суиқасд қилиш босқичига ҳам тегишли бўлиб, фақат моддий жиноятлардагина қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан содир этилганлигидан қатъи назар, жиноят босқичлари бўлади. Масалан, ўғри мулкни талон-торож қилиш мақсадида омборхонага киради, она боласини ўлдириш мақсадида чақалоқни эмизмайди ва ҳоказолар.

Формал таркибли жиноятларда эса, фақат ҳаракат орқали содир этиладиган жиноятлардагина жиноят босқичлари бўлиши мумкин. Назарий жиҳатдан олганда ҳаракатсизликдан содир этиладиган формал таркибли жиноятларда тайёргарлик кўриш босқичи бўлиши мумкин, аммо амалда деярли учрамайди. Чунки уни аввало исбот қилиш жуда қийин ва айбдор ўз жинойий қилмишини содир этишга тайёргарлик кўриши қонун билан кўриқланадиган манфаатни хавф остида қолдириш имконияти жуда кам. Чунки формал таркибли жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг тузилишининг ўзи ҳам ҳаракатни бошлашнинг ўзи билан тамом бўлган ҳисобланади.

Аммо ҳаракат орқали содир этиладиган формал жиноятларда жиноят босқичлари бўлиши мумкин. Лекин бунда тайёргарлик кўриш ва жиноятни амалга ошириш ўртасида маълум вақт ўтган бўлиши керак. Масалан, товламачилик қилиш учун (Ўзр ЖК 165- моддаси) сохта ҳужжат тайёрлаш, келишилган пора (210-модда) предметини воситачи ёки почта орқали жўнатиш ва ҳоказолар.

Жиноят босқичлари содир этилган ҳар қандай жиноятлар учун деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Аммо жиноят объектив ёки субъектив сабабларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмишни

квалификация қилишда муҳимдир. Агар жиноят тайёргарлик кўриш босқичида тўхтатилган бўлса, жиноятга тайёргарлик кўриш деб (ЖК 25-моддасининг 1-қисми) топилади, жиноят суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган бўлса, жиноятга суиқасд қилиш деб (25-модданинг 2-қисми) топилади.

Жиноят босқичлари содир этилган қилмишнинг босқичларига кўра, ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил эмас. Умумий қоидага кўра жиноятга тайёргарлик кўришга нисбатан суиқасд қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқдир, жиноятга суиқасд қилишга нисбатан тамом бўлган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқдир. Демак, жиноят бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиб бориши билан охирига етказиш томонга қараб ривожланиб бориши билан ижтимоий хавфлилик даражаси ортиб боради. Шунга кўра, жиноятнинг ҳар бир босқичини аниқлаш, жиноий ҳаракатнинг хусусиятларини ва мазмунини аниқлаш ҳамда жиноят қайси босқичда тўхтатилганлигига қараб квалификация қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган муайян жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида тўхтатилган бўлса, қилмиш ЎзР ЖК 25-моддасининг 1-қисми, сўнг Махсус қисмининг тегишли нормаси билан квалификация қилинади. Жиноят суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган бўлса, ЖК 25-моддасининг 2-қисми, сўнг Махсус қисмининг тегишли нормаси билан квалификация қилинади. Масалан, кўп миқдордаги ўғрилиқ жинояти суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган бўлса, 25-169 моддаси 3-қисми тарзида квалификация қилинади. Тамом бўлган жиноятлар эса фақат ЖК Махсус қисмининг тегишли нормаси билан квалификация қилинади.

2-§. Жиноятга тайёргарлик кўриш

ЎзР ЖК 25-моддасининг 1-қисмида «Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади», дейилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятлардагина бўлади. Жиноятга тайёргарлик кўриш қасддан содир этиладиган жиноятни содир этиш учун аниқ шароитни яратиб қўйишдан иборатдир. Бу босқичда ҳали жиноий қилмишнинг

Ўзини содир этиш, яъни жиноят объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар ҳали бошланмайди-да, уни содир этиш учун зарур бўлган барча тайёргарлик кўриш ишлари бажарилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида муайян жиноятга тайёргарлик кўриш жиноятнинг таркиби бўлиб, тайёргарлик кўриш объектив томондан қуйидаги ҳаракатларда ифодаланиши мумкин:

а) жиноят содир қилиш қуроли яшаш;

б) бундай восита ва қуролларни тайёрлаш;

в) бундай восита ва қуролларни мослаш;

г) жиноят иштирокчиларини қидириш;

д) жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа шароитларни қасддан яратиш.

Жиноят содир қилиш қуроли ёки воситаларини қидириш ҳар қандай йўллар билан қонуний (сотиб олиш, қарзга олиш фойдаланиб туриш учун масалан, босқинчилик қилиш мақсадида шахс пичоқ сотиб олади ёки қонуний асосда газ пистолети олади) ёки қонунга хилоф равишда (ўғрилиқ, талончилик, товламачи-лик, босқинчилик ва ҳоказо йўллар билан) қурол ёки жиноят воситаларига эга бўлиш тушунилади.

Жиноят содир қилиш қуроли ва воситаларини тайёрлаш, саноат асосида ёки косибчилик орқали ёхуд қўлда яшаш (масалан, ўқ отар қурол, совуқ қурол, калит, сохта ҳужжатлар ва ҳоказо-ларни яшаш) дан иборат.

Жиноят воситаси ёки қуролларини мослаш, унинг ёрдамида жиноятни амалга ошириш мумкин бўлган нарсалар шаклини ўзгартириш орқали мослаш назарда тутилади, масалан, ўғрилиқ мақсадида хонага кириш учун калитни эговлаб қулфга тушадиган қилиб мослаш. Жиноят ҳуқуқида умумий тушунча сифатида жиноят қуроли деб айтилади. Жиноят қуроли жиноятни тўла ёки қисман амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ҳар қандай нарса тушунилади. Қурол ёрдамида жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар тўла ёки қисман бажарилади. Жиноят қуроли сифатида кейинги йилларда гранатометлар, миналар, турли портлатиш қурилмалари, заҳарли моддалар, кучли таъсир қилувчи воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Жиноят қуроли сифатида ҳар қандай (масалан, шиша (бутилка), ойна синиғи, таёқ, арқон, хўжалиқ мақсадларида фойдаланиладиган ҳар қандай кесувчи-санчилувчи) нарсалардан фойдаланиш мумкин. Жиноят содир қилиш воситаси жиноят қилиш қуроли билан бир хил тушунча эмас. Жиноят қуроли

жиноятни амалга оширишда бевосита ишлатилса, жиноят воситаси жиноят содир қилиш вақтида восита сифатида фойдаланилиши мумкин. Жиноят содир қилиш воситаси жиноят қилиш қуроли билан бир хил тушунча эмас. Жиноят қуроли жиноятни амалга оширишда бевосита ишлатилса, жиноят воситаси жиноят содир қилиш вақтида восита сифатида фойдаланиш мумкин. Битта нарса сифатида ўзи бир ҳолатда жиноят воситаси сифатида жиноятни амалга ошириш вақтида фойдаланилса, бошқа бир ҳолда шу нарса сифатида ўзини жиноят қуроли сифатида ишлатилиши мумкин. Масалан, автомобил ўғриланган нарсаларни олиб кетиш воситаси сифатида фойдаланилган бўлса, автомобил ўғрилик жиноятининг воситаси, одамни бостириб ўлдириш мақсадида фойдаланилган бўлса, жиноят қуроли бўлиши мумкин. Агар шахс муайян ухлатадиган доридан фойдаланиб жабрланувчини ухлатиб, сўнг унинг мулки ўғриланса, бу дори жиноят воситаси бўлади. Агар ундан одамни ўлдириш мақсадида фойдаланилса, жиноят қуроли бўлади.

Жиноят воситаси жиноят содир этилишига ёрдам беради ёки жиноят содир этилишини енгиллаштиради. Жиноят қуроли эса жиноят объектив томонини тўла ёки қисман бажариш учун бевосита фойдаланилади. Жумладан, сохталаштирилган ҳужжатдан фойдаланиб мулк талон-торож қилинса, бу ҳужжат жиноят воситаси бўлади. Алкоголли ичимликлар, гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар, жабрланувчининг содир бўлаётган ҳаракатларни англаш қобилиятини йўқотиш ҳолатига олиб келадиган воситалар жиноят воситалари бўлиши мумкин.

Жиноятда иштирок этувчиларни қидириш ҳар қандай йўллар билан жиноятда иштирок этишга розилик берувчи шахсларни қидириб топиш ва розилигини олиш ҳаракатларида ифодаланади. Қидиришда турли ваъдалар бериш орқали кўндириш, кўрқитиш, товлаш (шантаж), жиноят натижасида қўлга киритилган нарсаларнинг муайян қисмини бериш ва ҳоказо ваъдалар бериш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бунда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жиноятда иштирок этишга кўндириш иштирокчиликнинг муайян бир шаклини ташкил этади. Жиноятда иштирок этишда тил бириктирган шахслар ҳам биргаликда тайёргарлик кўриш ишларини бажаришлари мумкин. Бундай ҳолдаги тайёргарлик кўриш икки босқичдан иборат бўлади. Жиноят содир этилишига шароит яратувчи бошқа барча шароитларга жиноят содир этилишига шароит яратувчи бошқа барча қонунда

кўрсатилмаган жиноятга тайёргарлик кўриш нинг барча шакллари дир. Улар шунчалик турли-туманки, уларнинг ҳатто тахминий рўйхатини тузиб чиқишнинг иложи йўқ. Булар ният қилинган жиноятни амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш, уй эгасининг қайси вақтда уйда бўлиш-бўлмаслигини аниқлаш, ўғрилиқ қилиш учун кириш-чиқиш жойларини белгилаш, сигнализация мосламалари бор ёки йўқлигини аниқлаш, уларни ўчириш йўллари ва ҳоказолар дир.

Субъектив томондан жиноятга тайёргарлик кўриш фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятлардагина бўлади.

Эгри қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноят-ларга йўл қўйилганлиги туфайли амалда улар учун тайёргарлик кўриш мумкин бўлмайди. Тайёргарлик кўриш эса муайян мақсадга эришишга қаратилган фаолият бўлиб, шахс ўз қилмишининг хавфли хусусиятини олдиндан англайди, унинг хавфли оқибатлари келиб чиқишини истаган ҳолда ҳаракат қилади.

Инсон ишни бажаришдан олдин уни онгида бажариб олади. Шунга кўра, жиноят содир қилиш тўғрисидаги фикр жиноят босқичи бўла олмайди. Чунки ҳар қандай жиноят таркиби тўртта томондан иборат бўлиб, (объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони) жиноят содир қилиш тўғрисидаги фикр қонун билан кўриқланадиган манфаатга ҳали хавф туғдирмайди. Ҳар қандай хавф эса объектив томонини ифодаловчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар орқали туғдирилади. Жиноят содир қилиш тўғрисидаги фикрда бу белгиларнинг бирортаси ҳам йўқ. Шунга кўра, жиноят содир қилиш тўғрисидаги фикр жиноят босқичини ташкил қилмайди.

ЎЗР ЖК 25-моддасининг 1-қисми мазмунига кўра, ижтимоий хавфлилик даражаси (15-модда) қандай бўлишидан катъи назар, тўғри қасддан содир этиладиган ҳар қандай жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган айрим давлатларнинг Жиноят кодексларида (Масалан, РФ ЖК 30-моддасининг 2-қисми) фақат оғир ва ўта оғир жиноятга тайёргарлик кўрганлик учунгина жиноий жавобгарлик белгиланган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

3-§. Жиноятга суиқасд қилиш

Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд қилиш деб топилади.

Жиноятга суиқасд қилиш бевосита жиноятни содир қилиш-нинг бошланиши ҳисобланади. Жиноятга суиқасд қилиш босқичида қонун билан кўриқланадиган объектга тажовуз қилиш бошланади, муайян жиноят объектив томонининг бир қисми бажарилади.

Жиноятга суиқасд қилиш бевосита жиноий ҳаракатларни бошланғич қисмини бажариш билан боғлиқ бўлганлиги боис унинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш зарурати келиб чиқади. Жиноятга суиқасд қилиш энг аввало, бевосита жиноятни содир қилишга қаратилган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан) иборат бўлади. Яъни жиноятга суиқасд қилишда муайян жиноятнинг объектив белгиларини ифодаловчи ҳаракатлар бошланган бўлади. Айбдор аниқ бир объектга тажовуз қилади ва бу объектга аниқ зарар етказиш хавфини туғдиради ёки қисман зарар етказади. Жиноятга суиқасд қилишнинг асосий объектив белгиси ЖК Махсус қисми моддасида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи модда диспозициясида назарда тутилган муайян жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлардан бир қисмини бажариб кўяди. Масалан, уй-жойга кириб ўғрилик қилиш мақсадида уйга кирган шахс уй эгаси томонидан ушланса, ўғрилик жиноятига суиқасд қилиш деб квалификация қилинади. Чунки шахс ўғрилик қилиш мақсадида уй-жойга кириши, бу жиноят объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар бошланган қисми ҳисобланади.

Юридик адабиётларда жиноятга суиқасд қилиш ҳаракатсиз-ликдан ҳам содир этилиши мумкинлиги ҳақида ёзилади. Жумладан, кўзи ожиз киши ҳаёти учун хавфли бўлган жар ёқасида ёки сув ҳавзаси ёнида кетаётганида, унга ғамхўрлик қилиш шахснинг зиммасида бўлсада, ундан қутулиш мақсадида ҳаёти хавф остидаги шахсни қайтармай, унинг жарга ёки сувга йиқилиб ўлишини кутиб турганида жабрланувчи сувга йиқилса ва бошқа бир шахс томонидан у қутқариб қолинса, ўз чақалоғини ўлдириш мақсадида уни эмизмаса, бундан огоҳ бўлган кишилар чақалоқни қутқариб қолса, жиноятга ҳаракатсизликдан суиқасд қилиш деб топилади.

Жиноятга суиқасд қилишда муайян жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар охирига етказилмайди. Айнан ана шу белгиси жиноятга суиқасд қилишни тамом бўлган жиноятдан фарқини кўрсатиб туради. ЖК Махсус қисми моддаларида назарда

тутилган ҳар бир жиноят тамом бўлган жиноят деб ҳисобланиб, тамом бўлиш вақти қонунда кўрсатиб қўйилган. Демак, ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган оқибат ҳали юз бермаган бўлса, жиноят тамом бўлмаган ҳисобланади.

Айниқса, моддий таркибли жиноятларда жиноятнинг тамом бўлиш вақти аниқ кўриниб туради. Чунки моддий жиноятларда муайян жиноий оқибатнинг келиб чиқанлиги ўша жиноят объектив томонининг зарурий белгилари доирасига киритилган бўлади. Жиноятга суиқасд қилишда ҳам қисман зарар етказилган бўлиши мумкин, лекин етказилган зарар жиноят таркиби доирасига кирадиган зарар миқдоридан анча кам бўлиши мумкин. Масалан, жуда кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиш мақсадида сейфни очган жиноятчи сейфда оз миқдордаги пул борлигини кўради ва уни олади. Бундай ҳолда айбдорнинг ҳаракати жуда кўп миқдордаги пулни талон-торож қилишга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Формал таркибли жиноятларда ҳам айбдор муайян жиноят таркибини ифодаловчи барча ҳаракатларни бажаришга улгурмайди. Масалан, пора берувчи пора предметини мансабдор шахснинг столи устига қўяди. Аммо мансабдор шахс порани олмай тегишли идораларга хабар беради. Бундай ҳолда айбдорнинг ҳаракати пора беришга суиқасд қилиш деб топилади.

Жиноятга суиқасд қилишда айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг охирига етказилмаганлигидир. Айнан ана шу айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган объектив ва субъектив сабабларга кўра, жиноятни охирига етказилмаганлиги жиноятдан ихтиёрий равишда қайтишдан фарқини билдириб туради.

Айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятни охирига етказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар шахснинг жиноят содир этишга пухта тайёргарлик кўра олмаганлиги (тажрибаси, билими етишмаслиги, ҳақиқий вазиятни тўғри тасаввур қила олмаганлиги) ва ҳоказолар. Масалан, ўғри сейфни очиш учун калит ясайди. Бу калит билан сейфни оча олмайди. Бировни ўлдириш мақсадида ўқ отар қурол ясайди, аммо бу қуролни ишлатиш вақтида отилмай қолади. Айбдорнинг ўз айби билан жиноятни охирига етказа олмаганлиги субъектив сабабларга кўра, охирига етказилмаган ҳисобланади.

Бошқа шахслар туфайли ёки объектив сабабларга кўра жиноят охирига етказилмаган бўлса, объектив сабабларга кўра жиноят охирига етказилмаган ҳисобланади. Масалан, ўғрилик жиноятини содир қилиш мақсадида уйга кирган шахсни уй эгаси ушлаб олади. Номусга тегиш жиноятини содир қилиш мақсадида зўрлик ишлатаётган шахсни бошқа кишилар келиб қолиб жиноятчини ушлаб тегишли давлат органига топширадилар ва ҳоказолар.

Жиноятни охирига етказа олмаганликдан жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг фарқини аниқ билиш талаб қилинади. Айрим ҳолларда муайян сабабга кўра айбдор жиноятни охирига етказа олмай қайтиб кетади. Масалан, сейфни очиб пулни олишни мақсад қилади, аммо сейфни очолмай қайтиб кетади. Шундай ҳолатни жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисоблаш мумкинми? Албатта, йўқ. Чунки сейфни очиш имконияти бутунлай бўлмаганлиги учун жиноятни давом эттирмаган. Агарда сейфни очиш учун тўла имкониятлари бўла туриб, жиноий фаолиятни давом эттирмаганда жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисоблаш мумкин бўлар эди. Жиноятдан ихтиёрий қайтишда жиноий фаолиятни давом эттириш учун имконияти бўла туриб, жиноий фаолиятни давом эттирмаса жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисобланади. Жиноий ҳаракатни давом эттириш имконияти қолмаганлиги туфайли охирига етказа олмаса жиноятга суиқасд қилиш деб топилади.

Жиноятга суиқасд қилиш субъектив томонидан фақат тўғри қасд орқали содир этилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ҳам, суиқасд қилиш ҳам муайян мақсадга йўналтирилган ва кўзланган мақсадни амалга оширишга қаратилган жиноят босқичлари ҳисобланади. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади ва ният қилинган оқибатнинг юз беришини истайди, аммо ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, жиноятни охирига етказа олмайди. Жиноят содир этишга суиқасд қилиш фақат тўғри қасддан содир қилинадиган жиноятларда бўлади. Тўппончадан шахс жабрланувчини ўлдириш мақсадида отар экан, муқаррар равишда жабрланувчининг ўлишини билади ва шуни истайди. Аммо **ўқ** жабрланувчининг ҳаёт учун хавфли бўлган аъзосига тегмаганлиги туфайли ўлмай қолади. Бунда айбдорнинг онги жабрланувчини ўлмай қолиши мумкинлигини ҳам қамраб олади. Жиноятга суиқасд қилишнинг тамом бўлган жиноятнинг субъектив томонининг ҳам фарқи ана шунда ифодаланади. Бундай ҳолда айбдор

ўйлаган оқибат келиб чиқмайди. Яъни қилмиш туфайли субъектнинг ният қилган қилмишини ифодаловчи жиноят таркибининг барча белгилари юз бермайди.

Жиноят қонунида жиноятга суиқасд қилиш турларга бўлинмайди. Аммо ҳуқуқ назариясида жиноятга суиқасд қилишни иккита турга бўладилар. Булар:

- а) тамом бўлмаган суиқасд;
- б) тамом бўлган суиқасд.

Айрим муаллифлар бундай бўлинишнинг асоси сифатида субъектив мезонини олсалар, бошқалар объектив мезонини оладилар¹.

Жиноятга суиқасд қилишнинг субъектив мезони айбдорнинг ўзининг ҳаракати билан жиноят охирига етказилмайди (масалан, ўлдириш мақсадида ўқ отар қуролдан отмоқчи бўлади, аммо қурол отилмайди. Уйга ўғрилиқ қилиш мақсадида кириш учун калит ясайди, аммо бу калит билан эшик очилмайди ва ҳоказо). Суиқасд қилишнинг субъектив мезони шахснинг тажрибаси етишмаслиги, пухта режа туза олмаганлиги, жиноят қилиш қуролини текшириб кўрмаганлиги, вазиятни яхши билмаганлиги, жиноят жойи ҳақида етарли маълумотларга эга эмаслиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Демак, жиноятнинг субъектив мезонида айбдор ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни бажаришга улгурмайди.

Жиноятга суиқасд қилишнинг объектив мезонида шахс ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни қилади, аммо бошқа шахснинг (жабрланувчининг, ҳар қандай учинчи шахснинг) ҳаракати ёки бошқа объектив сабабга кўра, жиноят охирига етказилмайди.

Шундай қилиб, субъектив мезони туфайли охирига етказилмаган суиқасдни тамом бўлмаган суиқасд деб айтилади.

Тамом бўлган суиқасдда шахс жиноятни охирига етказиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни бажарган ҳисоблайди ва жиноятни охирига етказиш учун ана шу ҳаракатларнинг ўзи етарли деб ҳисоблайди ва яна бирон-бир қўшимча ҳаракатларни бажариш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Аммо объектив сабабларга кўра, жиноят охирига етказилмайди. Масалан, ўқ отар қуролдан отаётганида бошқа бир шахс унинг қўлига уради ва қурол унинг қўлидан чиқиб кетади. Талончилик қилиш мақсадида мулкни тортиб олмоқчи бўлган шахсни жабрланувчининг ўзи ушлаб, ички ишлар органига топширади ва ҳоказолар.

¹ Бу ҳақда қаранг: Курс Советского уголовного праве в 6 томах. Т. II, М. Наука, 1970, с. 427.

Суиқасд қилишни қонунда ана шу иккита турга бўлмай, жиноят ҳуқуқи назариясида бўлинганлиги бирон-бир амалий аҳамиятга эгами? Ушбу мавзунини тадқиқ қилган муаллифлар амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам суиқасд қилишни иккита турга бўлиниши қонунларни амалда қўлланишида аҳамиятлидир.

Биринчидан, тамом бўлган суиқасднинг ижтимоий хавфлилик даражаси тамом бўлмаган суиқасдга нисбатан юқорироқдир. Чунки, шахс жиноятни амалга ошириш учун пухта тайёргарлик кўрган ва жиноятни охирига етказиш учун ишонч билан ҳаракат қилади. Агар бирор объектив сабаб бўлмаганда эди, муқаррар равишда жиноят охирига етказилган бўлар эди. Шахсда ҳам маълум даражада жиноят содир қилишнинг анча пухта йўллари шаклланган бўлади. Тамом бўлган суиқасд тамом бўлган жиноятга яқинроқ бўлганлиги боис ижтимоий хавфлилик даражаси тамом бўлмаган суиқасдга нисбатан юқорироқдир.

Иккинчидан, шахсни жиноятдан ихтиёрий қайтиш масаласини ҳал қилишда муҳимдир.

Юридик адабиётларда яроқсиз суиқасд тури ҳақида ҳам айтилади. Яроқсиз суиқасдни ўз навбатида яроқсиз объект (ёки предмет)га ва яроқсиз воситалар билан суиқасд қилишга бўладилар. Яроқсиз объект (предмет)га суиқасд қилишда шахс ўзининг хатога йўл қўйганми ёки объектив сабабга кўра, шахс ўзи тажовуз қилмоқчи бўлган объект (предмет) ўрнига бошқа объект (предмет)га тажовуз қилади. Масалан, ухлаб ётибди деб жабрланувчига пичоқ санчади. Аммо жабрланувчи олдинроқ юрак хуружидан вафот этган бўлади. Чўнтак ўғриси ўзганинг чўнтагидан пулни ўғрилаш мақсадида чўнтакка қўл тиқиб унинг ичидаги нарсаларни олади. Аммо чўнтакда умуман эски қоғозлар тахлаб солиб қўйилган экан. Ушбу келтирилган мисолларнинг биринчисида одам ўлдириш мақсадида ҳаракат қилганлиги учун одам ўлдиришга суиқасд қилиш, иккинчи мисолда эса ўғрилиқ жиноятига суиқасд қилиш деб квалификация қилинади. Объектга нисбатан хато қилиш дейилсада, аслида айбдор жиноятнинг предметига нисбатан хато қилади.

Яроқсиз воситалар билан суиқасд қилишда субъектнинг жиноятни амалга оширишда ишлатган қуроли ёки воситаси ишламай қолади, ёки яроқсиз бўлиб чиқади. Масалан, жабрланувчини ўлдириш мақсадида заҳар беради. Аслида заҳар деб берилган нарса шифобахш дори бўлиб чиқади. Субъект жабрланувчига қарата қуролдан отади,

аммо қурол отилмайди. Сейфни очиш учун калитнинг нусхасини ясайди, аммо бу калит билан сейф очилмайди.

Қоронғи кечаси полизда кўриқчи сифатида эски кийимлар кийдириб тиклаб қўйилган кўриқчига қарата отиш одам ўлдиришга суиқасд қилиш, деб ҳисоблаш керакми ёки йўқми? Суиқасд фақат қонун билан кўриқланадиган объектга нисбатан қилинаётган жиноят ҳисобланади. Полиз кўриқчиси сифатида тиклаб қўйилган нарса эса қонун билан кўриқланмайди. Шунга кўра, одам ўлдиришга суиқасд қилиш, деб ҳисобланмайди.

Яроқсиз суиқасдни тадқиқ қилган барча муаллифлар бундай қилмишда жиноят таркибининг суиқасд қилиш босқичи бор деб ҳисоблайдилар. Чунки бундай суиқасдларда субъектнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят охирига етказилмайди. Шунга кўра, жиноятга суиқасд қилиш босқичининг тўғри аниқланиши жиноятни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинлашда муҳимдир.

ЎзРнинг амалдаги ЖКда тамом бўлган жиноят тушунчаси берилмаган. Шахснинг содир этган қилмишида жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлса, жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Демак, жиноят таркибининг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонини ифодаловчи барча белгилар юз берган бўлса, жиноят охирига етказилган, деб ҳисобланади.

Жиноятнинг тамом бўлганлиги жиноят объектив томони ва субъектив томони тўла амалга оширилганлиги билан белгиланади

Ҳар бир жиноятнинг тамом бўлиш вақти ЖК Махсус қисми моддаларининг диспозициясида белгилаб қўйилади. Шунга кўра, ҳар бир жиноятнинг тамом бўлиш вақти Махсус қисми моддасининг тузилишига қараб алоҳида ҳолда аниқланади.

Моддий жиноятларда ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида кўрсатилган оқибатнинг келиб чиқиши билан ёки унинг мазмунидан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатнинг (одамнинг ўлиши, баданига шикаст етказилиши ва ҳоказолар) юз бериши билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Айнан худди шундай оқибатнинг келиб чиқишини субъект ният қилган ва шу ниятининг объектив томонини ифодаловчи оқибатлар юз берган бўлиши керак. Агарда ЖК Махсус қисми моддасида назарда тутилган оқибат келиб чиқмаган бўлса, жиноятга суиқасд қилиш, деб топилади.

Формал таркибли жиноятларнинг тамом бўлиш вақти ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлар тўла бажарилганда жиноят тамом бўлган, деб топилади.

Бунда муайян бир оқибатнинг келиб чиққанлиги жиноят таркиби белгилари доирасидан ташқарида бўлади. Масалан, номусга тегиш жинояти бевосита икки босқичда содир этилиб номусга тегиш жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш босқичида тўхтатилган бўлса, бу жиноятга суиқасд қилишда, жинсий алоқа қилиниши билан бу жиноят тамом бўлган, деб топилади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим нормалари шундай тузилганки, бундай жиноятни тамом бўлган жиноят деб ҳисоблаш учун муайян оқибатнинг келиб чиққанлиги эмас, балки шундай оқибат келиб чиқиши учун аниқ хавф туғилган тақдирда ҳам жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Масалан, ЎзР ЖК 113-моддасининг 1-қисмида била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш, ушбу модданинг 4-қисмида била туриб бошқа шахсни ОИТС касаллигини юқтириш хавф остида қолдирганлик учун жавобгарлик назарда тутилади. Бунда шундай касалликни юқтирганидан кейин эмас, балки юқтириш хавфи остида қолдирганлигининг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланади. Босқинчилик жинояти эса (164- модда) ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитишнинг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланаверади. Товламачилик жинояти (165-модда) жабрланувчини ўз мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқни беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиши билан жиноят тамом бўлган жиноят деб топилади.

ЎзР ЖКнинг 242-моддасида ҳали бирон бир жиноят содир қилмасдан жинойий уюшма ташкил этишнинг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланади. Бундай жиноятларни жиноят ҳуқуқи назариясида кесик таркибли жиноят деб топилади.

4-§. Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш учун жавобгарликнинг асослари

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг 16-моддасига кўра, жинойий жавобгарликнинг ягона асоси, қилмишда ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгиларининг мавжудлигидир. Ушбу қоида тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятларга бирдек тегишлидир. Шунга кўра, тамом бўлмаган (тайёргарлик кўрилган ёки суиқасд қилинган) жиноятларда тамом бўлмаган жиноятнинг таркиби мавжуддир. Агар жиноят тайёргарлик

кўришда тўхтатилган бўлса, тайёргарлик кўриш жиноятининг таркиби мавжуд бўлади. Қилмиш суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган бўлса, жиноятга суиқасд қилишнинг жиноят таркиби мавжуд бўлади.

ЎзР ЖК Махсус қисмида дастлабки жиноий фаолият (жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилганлик) учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаган. Жиноятга тайёргарлик кўрилгани, суиқасд қилингани ёки охирига етказилганлигидан қатъи назар, суд жазо тайинлаш вақтида айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкцияси доирасида жазо тайинланаверади. Жиноят охирига етказилмаганлиги туфайли тамом бўлмаган жиноятнинг тамом бўлган жиноятга нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ бўлади. Суд айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкцияси доирасида, жиноятга тайёргарлик кўрганга суиқасд қилинганга нисбатан енгилроқ, суиқасд қилинганга, шу жиноятни охирига етказганга нисбатан енгилроқ жазо тайинлайди.

Тамом бўлган жиноят таркибига нисбатан тамом бўлмаган жиноят таркиби бир-биридан фарқ қилиб, тамом бўлган жиноят фақат ЖК Махсус қисмининг ўзи билан тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд қилиш эса ЖК Умумий қисмининг 25-моддаси ва Махсус қисми муайян моддаси билан квалификация қилиниб жавобгар қилинади. Уларга нисбатан жазо тайинланганда суд жазо тайинлашнинг умумий асосларига қатъий риоя қилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи бир қатор давлатлар Жиноят кодексларида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят ҳисобланмайди, фақат оғир ва ўта оғир жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, суд оғир ёки ўта оғир жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкцияда энг оғир жазо сифатида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган муддатнинг ярмидан, жиноятга суиқасд қилганлик учун эса тўртдан уч қисмидан ошмаган муддатда жазо тайинлайди¹. **ЎзР Жиноят кодексининг 58-моддасида белгиланишига кўра, “Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазо муддатининг тўртдан уч қисмида ошмаслиги керак.**

Бундай ҳолда:

¹ Жумладан, РФ ЖКнинг 66-моддаси.

а) Ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан.

б) Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар учун, шунингдек ЖК 58-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятлар учун мазкур қоида жазо тайинлашда қўлланилмайди.

5-§. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш

Айрим ҳолларда жиноят содир қилишни бошлаган шахс жиноятни охирига етказишга тўла имконияти бўла туриб, уни охирига етказишдан бош тортади. Буни жиноят ҳуқуқида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб айтилади.

ЎзР ЖК 26-моддасига мувофиқ шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек, жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади. Демак, қонуннинг бу мазмунига кўра, шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида кўзланган жиноий ниятни амалга ошириш учун тўла имконияти бўлгани ҳолда, жиноий қилмишини ўз ихтиёри билан тўхтатади. ЎзР ЖК 26-моддасининг 2-қисмига биноан жиноятдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилади, яъни шахс жиноий жавобгар-ликдан тўла озод қилинади.

Айнан ана шу жиноят-ҳуқуқий институтда Ўзбекистон жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципи аниқ ифодасини топган. Ваҳоланки, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш жиноят ҳисобланади. Шунга қарамай, жиноятнинг ана шу босқичларини бажариб, уни охирига етказиш учун тўла имконият бўлишига қарамай, ўз жиноий фаолиятини тўхтатилганлигига қонун чиқарувчи асосий аҳамиятни қаратади.

Шахсни жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтганлик деб ҳисоблаш учун қуйидаги иккита шарт (белги) бўлиши керак:

а) шахс жиноятни охирига етказишдан ўз ихтиёри билан қайтган бўлиши;

б) ихтиёрий қайтиш уни давом эттиришнинг иложи бўлмаганлигидан эмас, балки ихтиёрий қайтиш қатъий ва давом эттиришдан тамоман воз кечилган бўлиши керак.

Ўз ихтиёри билан қайтиш деганда жиноий фаолиятни давом эттиришга тўла имконият бўлганига қарамай ўз хоҳиши билан уни тўхтатиш тўғрисида қарор қилган бўлиши керак. Муҳими, шахс жиноятни охирига етказиш мумкинлигини англагани ҳолда уни давом эттиришни тўхтатганлиги ихтиёрий қайтишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Шахс жиноий фаолиятини давом эттиришга бирон-бир тўсиқ йўқлигини англаган бўлиши керак. Масалан, уйга ўғрилиқ қилиш учун кирган шахс уйда ҳеч ким йўқ деб ўйлайди. Аммо уйнинг бошқа хонасида уйнинг эгаси бўлиб, кўрққанидан яшириниб олади. Бундан беҳабар ўғри уйдаги аҳволни кўриб, ҳеч нарсани олмай чиқиб кетади. Шундай ҳолда жавобгарликдан ва жазолашдан кўрқиб жиноятни давом эттиришдан воз кечиб чиқиб кетса, жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб топилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг шартлари бўлган бўлса, ихтиёрий қайтишнинг мотиви аҳамиятга эга эмас. Шахс жабрланувчига раҳми келганлигидан, фош бўлишидан, жиноий жавобгарлик ва жазодан кўрққанидан ва ҳоказо мотивларда ихтиёрий қайтган бўлиши мумкин. Жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг мотиви турли-туман бўлишидан қатъи назар, муҳими жиноятдан қайтиш ихтиёрий бўлиши керак. Бунда жиноий фаолиятни тўхтатишни бошқа шахс томонидан талаб қилинганлиги туфайли эмас, онгли равишда шахснинг ўз ихтиёри билан қайтган бўлиши керак. Шахс қариндошларининг, дўстларининг илтимоси билан жиноий фаолиятни тўхтатса, жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисобланиши мумкин. Аммо жиноят ҳақида хабар топган ички ишлар органи ходимининг талаби билан жиноий фаолиятни тўхтатса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилмайди. Шунингдек, жиноятни давом эттиришга бирон-бир тўсиқ вужудга келиб қолганлиги туфайли жиноий фаолиятни давом эттира олмаслигини англаб жиноий фаолиятни тўхтатса, жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтиш деб топилмайди. Масалан, эшикни ёки сейфни оча олмаслиги, фош бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хавфнинг яқинлашиб келаётганлиги ва ҳоказолар. Тунда ўғрилиқка келган шахс дўкондаги сигнализацияни ўчира олмай жиноий фаолиятини тўхтатади, суд уни жиноятдан ихтиёрий қайтган деб жиноий жавобгарликдан озод қилмайди. Ушбу иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилиб, айбдор ўз ихтиёри билан жиноятни давом эттиришни тўхтатган эмас, балки жиноий фаолиятни давом эттиришнинг иложи қолмаганлиги туфайли жиноий фаолиятни

тўхтатган, деган хулосага келади ва айбдор жиноий жавобгарликка тортилади.

Шахсни жиноят содир этишдан қайтганлиги аниқ ва қатъий бўлиши керак. Агарда фош бўлиш вазияти яқинлашиб қолганлиги туфайли жиноятни тўхтатган бўлса, ихтиёрий қайтиш деб топилмайди.

Жиноят содир этишдан қайтиш ихтиёрий ва қатъий бўлиши керак деганда шахс жиноятни вақтинча тўхтатган бўлмай уни содир этишдан бутунлай воз кечган бўлиши керак. Агарда жиноят қуроли ёки воситасини алмаштириш мақсадида, бошқа қулайроқ вазиятни кутиш, уй эгаларини узоқроқ вақт уйида бўлмаслигини кутиб, талон-торож қилиш мўлжалланган жиноят предметига жабрланувчи муҳим ўзгартиришлар киритиши, тузатишини кутиб ва ҳоказо сабабларга кўра, жиноятни тўхтатса, жиноятдан ихтиёрий қайтиш, деб топилмайди.

Жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтган деб ҳисоблаш учун шахс ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни бажаришни бутунлай тўхтатган бўлиши керак. Субъектив томондан эса, энди уни амалга оширишни истамаган-лигидир. Шунинг натижасида жиноятнинг асосий белгиси ҳисобланган ижтимоий хавфлилиги ўз аҳамиятини йўқотади. Демак, қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини йўқотади.

Жиноятдан ихтиёрий қайтиш фақат жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш босқичларидагина бўлиши мумкин. Демак, жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтиш бевосита жиноят босқичлари билан боғлиқдир.

Жиноятдан ихтиёрий қайтиш фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятлардагина бўлиши мумкин. Ҳар қандай жиноятга тайёргарлик кўришда уни содир қилишдан ихтиёрий қайтиш мумкин. Жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида ихтиёрий қайтиш фаол ҳаракатлар орқали (тайёрланган қуролни синдириб, яроксиз ҳолатга келтириш, тайёрланган захарни тўкиб ташлаш, тайёрланган ҳужжатларни йўқ қилиш ва ҳоказолар) ихтиёрий қайтиш мумкин. Аммо шахсни жиноятга тайёргарлик кўришдан ихтиёрий қайтган деб ҳисоблаш учун тайёрлаган қуролларни ёки бошқа жиноят содир этишда фойдаланиши мумкин бўлган воситаларни йўқ қилган бўлиши шарт эмас. Балки бунда жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини тўхтатганликнинг ўзи етарлидир. Яъни шахс

жинойй ниятини амалга оширишни тўхтатиш тўғрисида қарор қилган бўлиши керак.

Жиноятга суиқасд қилиш босқичида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топиш асосан жиноятга суиқасд қилишнинг тури билан боғлиқдир. Тамом бўлмаган суиқасд қилишда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш мумкин. Бунда жиноятни давом эттиришдан ўз ихтиёри билан тўхтатганлигининг ўзи етарлидир. Яъни шахс жиноятни давом эттириш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмайди. Масалан, шахс бировни ўлдириш мақсадида қулай вазиятни кутади. Аммо шундай вазият вужудга келганида жазодан кўрқиб жиноий ниятни амалга оширишдан воз кечади.

Тамом бўлмаган суиқасдда жиноят содир этишдан қайтиш фаол ҳаракатлар орқали ҳам содир этилиши мумкин, лекин бундай турдаги суиқасдда фақат фаол ҳаракатлар орқали жиноят содир этишдан қайтиш шарт бўлмай, жиноий ҳаракатни давом эттиришдан воз кечганлигининг ўзи етарлидир.

Юридик адабиётларда тамом бўлган суиқасдда ҳам жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Аммо бундай ҳолда жиноятдан ихтиёрий қайтиш жуда кам учрайди. Тамом бўлган суиқасдда жиноятдан ихтиёрий қайтган деб ҳисоблашнинг айрим шартлари бўлиб, булар: биринчидан, шахс фаол ҳаракатлар қилиб жиноятни охирига етказилишининг олдини олади. Моддий жиноятларда қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишига фаол ҳаракатлар орқали йўл қўймасликдан иборат. Иккинчидан, тажовуз қилган шахс содир этаётган жиноятнинг объектив томонининг ривожланишига йўл қўймайди. Учинчидан, шахснинг фаол ҳаракатлари туфайли жиноий оқибатнинг келиб чиқишининг олди олинади. (Масалан, айбдор жабрланувчининг бошига оғир предмет билан бир неча бор уради, аммо кўрққанидан “Тез ёрдам” чақириб, ўзи жабрланувчининг жароҳатини боғлаб, унга ёрдам бера бошлайди ва келиб чиқадиган оқибатнинг олди олинади.

Формал таркибли жиноятларда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган деб ҳисоблаш учун шахс жиноий ҳаракатни охирига етказилишига йўл қўймаслиги керак. Масалан, пора бериш тўғрисида мансабдор шахс билан келишган киши пора предметини мансабдор шахснинг столи устига қўяди, лекин жиноятдан ихтиёрий қайтиб дарҳол стол олдига қайтиб келади ва пора предметини олиб кетади.

Тамом бўлган суиқасдда шахс фаол ҳаракатлари билан жиноий оқибатнинг келиб чиқишини (объектив томонининг ривожланиши)ни тўхтата олмаса, унинг иложи бўлмаса ва шунга қарамай, оқибат келиб чиқса, жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб топилмайди.

Масалан, қуролдан отиб, сўнг уни ҳаётини сақлаб қолиш юзасидан шахснинг барча ҳаракатларига қарамай ўлим юз берса, уйга ўт қўйиб юбориб, сўнг ўтни ўчиришга қарата қилинган барча ҳаракатларга қарамасдан ўтни ўчиришнинг иложи бўлмаса, жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб бўлмайди.

Юқорида баён қилганимиздек, жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтиш жиноий жавобгарликни истисно қилади. Аммо айрим ҳолда шахс жиноятдан ихтиёрий қайтиш вақтигача бошқа жиноятнинг таркибининг барча аломатлари бўлган жиноятни содир қилади. Бундай ҳолда шахс ЎзР ЖК 26-моддаси 3-қисмининг мазмунига кўра, қилмишда қандай жиноят таркибининг белгилари мавжуд бўлса, ўша жиноятда айбланиб жавобгар қилинади. Масалан, шахс ғараз мақсадларда қасддан одам ўлдириш учун **Ғайриқонуний** равишда тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида жиноий ниятдан воз кечади. Бундай ҳолда шахс одам ўлдиришга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш жиноятини содир этишдан қайтганлиги учун жавобгарликка тортилмайди. Аммо шахс жиноятга тайёргарлик қилиш вақтида қурол олганлиги учун **Ғайриқонуний** равишда ўқ отар қуролни эгаллашда (ЎзР ЖК 247-моддаси) айблаб жавобгар қилинади.

Агар шахс шундай жиноятни содир қилиш мақсадида дўкондан болта ёки хўжалик пичоғи сотиб олиб, сўнг жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтса, умуман жиноий жавобгарликка тортилмайди. Чунки болта, хўжалик пичоғини сотиб олиш, сақлаш жиноят ҳисобланмайди.

Агарда жиноят иштирокчиликда содир қилиниб жиноятнинг бажарувчиси жиноят содир этишдан қайтса, иштирокчиликнинг ташкилотчиси, далолатчиси ёки ёрдамчиси, бажарувчиси содир қилиш мўлжалланган жиноятга суиқасд қилишда айбланиб жавобгар қилинади. Жиноятнинг ташкилотчиси, далолатчиси ёки ёрдамчиси жиноятдан ихтиёрий қайтса ва унинг ҳаракатлари туфайли жиноий оқибат келиб чиқмаган бўлса, у жиноятдан ихтиёрий қайтган деб жавобгарликдан озод қилинади. Бажарувчи эса, жиноятга суиқасд қилишда айбланиб жавобгар қилинади. Жиноятнинг ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилари жиноятдан ихтиёрий қайтиб, жиноий

оқибатнинг олдини олиш учун ҳаракат қилганларига қарамай (ўз кучлари ёки милицияга хабар бериб), жиноий оқибат келиб чиқса, уларнинг ҳаракатини жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб топилмайди. Балки суд бундай ҳолатни жазо тайинлашда ҳисобга олади. Чунки жиноятдан ихтиёрий қайтиш қонунда назарда тутилган оқибат келиб чиққунча бўлган бўлиши керак. Шунга кўра, жиноят иштирокчиликда содир қилинганда ундан ихтиёрий қайтишдан алоҳида бир шахснинг жиноятдан ихтиёрий қайтиши фарқ қилади. Жиноят иштирокчиликда содир этилиб, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг жиноятда ихтиёрий қайтиши дифференцияланган. Иштирокчилар ичида энг хавфлиси гуруҳнинг ташкилотчисидир. Ташкилотчи жиноятни ташкил қилади ва раҳбарлик қилади. Далолатчи жиноятга қизиқтиради, ёрдамчи эса жиноят содир этилишига шароит яратади. Жиноят иштирокчиларининг ҳар бирининг ҳаракат қилиш мазмуни бир хил бўлмай, ташкилотчи иштирокчилар ичида энг хавфли шахс ҳисобланади. Шунга кўра, қонунда бажарувчи жиноятдан ихтиёрий қайтганда бошқа иштирокчилари жавобгарликдан озод қилинмайди. Уларнинг қилмишида жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноятга суиқасд қилиш жиноят таркибининг белгилари бўлади.

10-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят ҳуқуқида дастлабки жиноий фаолият деганда нимани тушунасиз?
2. Жиноят босқичлари нима?
3. Қандай жиноятларда жиноят босқичлари бўлмайди?
4. Жиноятга тайёргарлик кўриш деб нимага айтилади?
5. Жиноятга суиқасд қилиш деб нимага айтилади?
6. Жиноятга суиқасд қилиш билан тамом бўлган жиноятларни квалификация қилишдаги ўзига хос хусусиятларни айтинг.
7. Жиноятдан ихтиёрий қайтиш деганда нимани тушунасиз?
8. Бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи иштирок этган жиноятда ихтиёрий қайтиш масаласи қандай ҳал қилинади?

Фойдаланилган ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Курс уголовного право. Под ред. Н.Ф.Кузнецова. И.М.Тяжкова. Т.1.М: “Зерцало”, 1999.
2. Курс советского уголовного право в 6 томах. Т.2. М: “Наука”, 1970, ст.402-444.
3. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. Под ред. Б.В.Здравомыслова. М: “Юристь”, 2001, ст.215-239.
4. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации.М: “Норма-инфра”, 2001, ст.47-59.
5. В.Ф.Каракулов. Стадия совершения преступления. М: “Вюзи” 1982.
6. А.А.Тер-Акопов. Добровольный отказ от совершения преступления. М: “Юридлит” 1982.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар. Т: “Адолат”, 1998, 44-46-бетлар.
8. В.Вирастайкин. Добровольный отказ от преступления и явка с повинной. Российская юстиция. 2001, №9, ст.57.

XI БОБ. ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК

1-§. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси, унинг белгилари ва аҳамияти

Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноят бир киши томонидан содир этилган бўлса, жиноятни квалификация қилиш ва айбдорга жазо тайинлаш масалалари жиноят қонунида назарда тутилган умумий асосларда ҳал қилинаверади. Аммо муайян бир жиноят икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан иштирокчиликда содир этилса, иштирокчилик муайян гуруҳдан, уюшган гуруҳдан ёки жинойий уюшмадан иборат бўлса, жавобгарлик масалалари қандай ҳал қилиниши керак? Жиноятни иштирокчиликда ёки ана шу юқорида айтилган гуруҳлар томонидан содир этилса, жиноятнинг моҳияти ва мазмуни ўзгаради. Чунки муайян жиноят икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан содир этилса, жиноятда қатнашаётган кишилар ҳаракати бирлашади, улар ўртасида келишув юз беради. Натижада бир киши томонидан содир этишнинг иложи бўлмаган жиноятлар содир этилади. Жиноятни тез ва пухта амалга ошириш имконияти вужудга келади. Чунки иштирокчиликда жиноят содир этаётган шахслар жинойий қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг муайян қисмини ҳар бир иштирокчи бажариши мумкин. Шахслар биргалашиб жиноят содир этган вақтда уларда жиноятни амалга ошириш учун шижоат, қатъиятлик, журъат кучаяди. Иштирокчиликда жуда хавфли жиноятлар содир этилиши, жиноятни амалга ошириш режасининг пухта ишлаб чиқилганлиги, жиноятни фош қилишнинг қийинлиги ва бошқа қатор муаммолар келиб чиқади.

Қонун чиқарувчи орган иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг ана шундай хусусиятларини ҳисобга олиб иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг алоҳида қоидаларини ишлаб чиққан.

ЎзР ЖКнинг 27-моддасида иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг умумий тушунчаси берилган бўлиб, «Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади».

Иштирокчиликка қонунда берилган ушбу таърифидан кўриниб турибдики, иштирокчилик икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг оддий биргалашиб жиноят содир қилишининг ўзидангина иборат

бўлмасдан, иштирокчилар ўртасидаги узвий боғлиқлик бўлиб, жиноят объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни икки ёки ундан ортиқ шахслар ҳаракатларининг бирлашиши билан ифодаланади. Шунга кўра, жиноят ҳуқуқи назариясида иштирокчилар ўртасидаги боғлиқликни объектив ва субъектив боғлиқликдан иборат бўлган белгиларга бўладилар.

Иштирокчиликнинг субъектив боғлиқлик белгиси икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг муайян жиноятни содир этишда қасддан иштирок этишидир. Объектив боғлиқлик белгиси эса жиноятни амалга оширишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қатнашаётганлигидир.

Жиноятни иштирокчиликда содир этилган деб ҳисоблаш учун жиноят ҳуқуқида махсус белгилар ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилар:

а) жиноятни содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг иштирок этаётганлиги;

б) жиноятда иштирок этаётган шахсларнинг ақли расолиги ва жиноят субъекти ёшига етганлиги;

в) улар ўртасида объектив ва субъектив боғлиқликнинг мавжудлиги.

Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг муайян жиноятда иштирок этиши деганда, фақат қасддан содир этиладиган жиноятда камида икки киши қатнашиб, бири бажарувчи, иккинчиси ташкилотчи ёки далолатчи, ёхуд ёрдамчи сифатида қатнашган тақдирда ҳам жиноят иштирокчиликда содир этилган деб топилади. Жиноятни содир этишда камида икки киши бажарувчи сифатида қатнашган тақдирда ҳам жиноят иштирокчиликда содир этилган деб топилади.

Жиноят содир этишда иштирок этаётган шахсларнинг барчасини жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етганлиги ва ақли расо бўлиши кераклиги деганда, жиноятда бажарувчи, ташкилотчи ёки далолатчи, ёхуд ёрдамчи сифатида иштирок этаётган шахсларнинг барчасини ЖКнинг 17-моддасида назарда тутилган ёшга етганлиги ҳамда 18-моддасида назарда тутилган жиноят содир қилиш пайтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган ҳолда бўлганлиги тушунилади.

Агар жиноятда фақат икки киши бажарувчи сифатида қатнашиб, улардан бири ўша жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлган бўлса, жиноят иштирокчиликда содир этилган деб топилмайди.

Шунингдек, бири бажарувчи, иккинчиси ташкилотчи ёки далолатчи, ёхуд ёрдамчи сифатида иштирок этиб бири жавобгарликка тортиш ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлган тақдирда ҳам жиноят иштирокчилиқда содир этилган деб топилмайди. Фақат қасддан содир этиладиган жиноятларгина иштирокчилиқда содир этилади. Бундай талаб ЎзР ЖК 27-моддасининг мазмунининг ўзидан келиб чиқади. Икки ёки ундан ортиқ шахслар жиноят содир этишда иштирок этганлари тақдирда ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли хусусиятда эканлигини англаши билан бирга бошқа иштирокчиларнинг (ҳеч бўлмаганда улардан бирининг) қилмишининг ҳам ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаши керак. Буни жиноят ҳуқуқида иштирокчилар ўртасидаги субъектив боғлиқлиги деб ҳисобланади. Муайян жиноятни содир қилишда улар ҳаракатларининг бирлашганлиги иштирокчилар ўртасидаги объектив боғлиқлик деб ҳисобланади. Ана шу иккита объектив ва субъектив боғлиқлик қасддан содир этиладиган жиноятларда иштирокчилар ўртасидаги тафаккурий боғлиқлик ҳисобланади. Барча иштирокчиларнинг (камида икки кишининг) кучларининг бирлашиши туфайли улар ният қилган оқибатнинг келиб чиқишига нисбатан иштирокчиларнинг мақсади айнан бир хил бўлиши шарт эмас.

Маълумки, Жиноят кодексининг 27-моддасида иштирокчи-лик тушунчаси берилган, Кодекснинг Махсус қисми моддаларида эса «жиноят иштирокчилиқда содир этилса» дейилмаган, балки «бир гуруҳ шахслар томонидан», айрим моддаларида эса «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса» дейилган. Уларнинг ҳар иккаласи бир хил тушунча эмас. Иштирокчилиқ тушунчаси анча кенг тушунча бўлиб, умуман иштирокчилиқни қамраб олиб, бунда фақатгина жиноят бажарувчиларнигина эмас, балки ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилар ҳам қатнашган иштирокчиларни ҳам қамраб олади. ЖК Махсус қисми моддаларидаги «бир гуруҳ шахслар» тушунчаси фақат бажарувчиси камида икки кишидан иборат бўлган иштирокчилиқни назарда тутди. Шунинг учун ҳам муайян бир жиноятда фақат икки киши айбланиб, бири бажарувчи, иккинчиси ёрдамчи сифатида квалификация қилиниб жавобгар қилинган бўлса, ЖК Махсус қисми моддасидаги бир гуруҳ тушунчасини бермайди.

Чунки бир гуруҳ шахслар деганда жиноятнинг бажарувчиси сифатида камида икки киши қатнашиб, шу жиноятнинг объектив

томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳаммасини ёки ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажаришда қатнашганлиги назарда тутилади. Жиноятнинг ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилари эса муайян жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажаришда қатнашмайди. Шунинг учун ҳам жиноятнинг ташкилотчиси ёки далолатчиси, ёхуд ёрдамчисини квалификация қилишнинг қонунда алоҳида қоидалари белгиланган бўлиб, бу қоидалар ЎзР ЖКнинг 30-моддасида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунида иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда гуруҳнинг уюшганлик даражасига қараб унинг шакллари белгиланган бўлиб, улар ЎзР ЖКнинг 29-моддасида берилган.

Иштирокчиларнинг турлари ЖКнинг 28-моддасида берилган. Уларнинг жиноятда иштирок этганлик даражаси ва хусусиятига қараб бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчиларга бўлинган. Агар ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ҳеч бўлмаганда жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг бир қисмини бажарган бўлса ҳам жиноятда иштирокчи, ҳам бажарувчи деб квалификация қилинмай, бажарувчи деб квалификация қилинаверади.

ЎзР ЖК 56-моддасининг 1-қисми «м» бандига кўра, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма шаклидаги иштирокчиликда содир этилган жиноят жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Бунда бажарувчи ёки ташкилотчи, ёхуд далолатчи ёки ёрдамчи сифатида иштирок этганлигининг аҳамияти йўқ.

2-§. Жиноят иштирокчиларининг турлари

Жиноят иштирокчиларининг жиноятда иштирок этаётганлик даражаси уларнинг жиноятни содир этишда бажарадиган вазифасига қараб жиноят иштирокчилари турларга бўлинади. Жиноят иштирокчилари-бажарувчи (бирга бажарувчи), ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилардан иборат бўлиб, улар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг ҳар бирининг жиноятда иштирокининг турига қараб, жавобгарликни белгилашда улар ўртасидаги фарқни, ҳар бирининг вазифаси ва айби даражасига қараб жавобгарликни белгилаш муҳимдир.

Қонунда иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар иштирокчиларнинг жиноятни амалга оширишдаги ҳаракатлари

хусусиятлари, жиноятни содир этишда объектив равишда бажарадиган вазифасига қараб таснифланади ва жиноят иштирокчилари бажарувчи (бирга бажарувчи), ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчиларга бўлинади. Жиноят иштирокчиларини бундай таснифлашда жиноятда иштирок этаётган шахсларнинг ҳар бирининг вазифасининг ўзигина эмас, балки уларнинг ҳар бирининг иштирок этиш даражаси ва хусусияти ҳам мезон сифатида олинади. Чунки жиноят иштирокчиларининг турларига қараб квалификация қилиш ва ҳар бир иштирокчининг жиноятда иштирок этиш турига қараб жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Шунга кўра, иштирокчиликда содир этилган жиноятни амалга оширишдаги розилигигина эмас, балки унинг жиноятни амага оширишда қатнашганлик даражаси ва хулқининг фаоллиги ҳам ҳисобга олинади.

Жиноят иштирокчилари ичида жиноятнинг бажарувчиси алоҳида ўринда туради. ЎзР ЖК 28-моддасининг 2-қисмида бажарувчи тушунчаси берилган бўлиб, унга қуйидагича таъриф берилган:

«Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади». ЎзР ЖК 28-моддаси 2-қисмининг мазмунига кўра, жиноятни бевосита бажарган шахснинг ўзигина эмас, балки жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган (жиноят субъекти ёшига етмаган ёки ақли норасо шахслардан) фойдаланиб жиноятни амалга ошириш ҳам бажарувчи деб топилади. Шунингдек, жисмоний шахс ҳисобланмайдиган воситалардан (хайвонлардан, бошқа техника воситаларидан) фойдаланиб жиноятни амалга оширган шахс ҳам бажарувчи деб топилади.

Бажарувчиларни жиноят иштирокчисига деб топиш учун икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг барчаси жиноят қонунида назарда тутилган ёшга етган, ақли расо бўлган бўлиши, яъни жиноят субъектининг барча белгиларига эга бўлиши керак. Агар қонунда Махсус субъектларнинг иштирокчилигида содир этилган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, жиноятда иштирок этаётган шахсларнинг барчаси шундай махсус белгиларга эга бўлиши керак. Мансабдорлик жинояти бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, жиноят бажарувчиларининг барчаси мансабдор бўлиши керак. Бир неча шахс томонидан муайян жиноятни бирга бажарувчи сифатида содир этаётган вақтда жиноятнинг объектив томонини

ифодаловчи ҳаракатларни бажаришда бирга қатнашган бўлиши керак, бунда бажарувчи-ларнинг барчаси жиноятни амалга оширишнинг барча ҳаракатларини бажарган бўлишлари шарт эмас, балки бири барча ҳаракатларни бажаришда қатнашган, бошқа бири жиноий ҳаракатларнинг бир қисмини бажаришда қатнашган бўлиши мумкин.

Бунда жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичидагина эмас, балки жиноятни бевосита амалга ошириш вақтида гуруҳга қўшилиб, жиноят объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни бажарган шахслар ҳам бирга бажарувчи деб квалификация қилинади.

Агарда шахс жиноят субъекти ёшига етмаган ёки ақли норасо шахсни жиноят содир этишини ташкил қилган, қизиқтирган, ёки ёрдам берган бўлса улардан жиноий ниятни амалга оширишда фойдаланган деб ҳисобланиб бажарувчи деб квалификация қилинади. Шунингдек, турли жониворлардан (ит, хўкиздан ва ҳоказолардан)фойдаланиб, жиноят амалга оширилган тақдирда ҳам шахс бажарувчи деб жавобгар қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28-моддасининг 3-қисмига биноан жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади. Аммо ташкилотчининг қилмишини квалификация қилиш вақтида унинг жиноятда иштирок этганлик даражасини ҳисобга олиниши керак. Кўп ҳолларда шахс жиноятни ташкил қилиш билан бирга жиноятни амалга оширишга ҳам раҳбарлик қилади. Агарда шахс жиноятни ташкил этишнинг ўзи билан чекланиб, жиноятни содир этилишига раҳбарлик қилмаган ёки жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажаришда қатнашмаган бўлса, ташкилотчи деб унинг қилмиши ЎзР ЖК 28-моддасининг 3-қисми орқали ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси билан квалификация қилинади. Ташкилотчи, одатда, гуруҳ аъзоларини учраштириб, тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиш, зарур бўлса воситалар бериш, жиноят содир қилишнинг қулай усуллари юзасидан тегишли маслаҳатларни бериш билан чекланиб, жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларда бевосита қатнашмайди.

Ташкилотчининг ҳаракатлари қасддан содир этилиб унинг қандай мақсадларда жиноятни ташкил қилганлиги жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Унинг мақсади ўч олиш, кўролмаслик ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Агарда шахс жиноятни ташкил қилиш билан бирга уни содир этилишига раҳбарлик қилган бўлса, энди у гуруҳ раҳбари бўлиб, бутун жиноий фаолият унинг иродасига бўйсундирилади ва бундай ҳолда ташкилотчининг қилмиши ЖК 28-моддаси орқали эмас, балки гуруҳ раҳбари сифатида тўғридан-тўғри гуруҳ аъзолари билан бирга бажарувчи деб квалификация қилинади. Аммо бунда гуруҳнинг барча аъзолари томонидан содир этилган жиноятлар ҳақида унинг онги қамраб олган бўлиши керак.

Жиноятнинг ташкилотчиси гуруҳнинг энг хавфли аъзоси бўлиб, у жиноят содир этилишини ташкил қилади, жиноятни содир қилаётганларнинг ҳаракатларига раҳбарлик қилади. У жиноятнинг асосий ташаббускори бўлади.

ЎзР ЖК 29-моддасининг мазмунига кўра, оддий ва мураккаб иштирокчиликда жиноятнинг раҳбари, ташкилотчиси бўлмайди. Гуруҳга раҳбарлик қилувчи ташкилотчи ҳар доим тўғри қасдан ҳаракат қилади.

Аммо оддий иштирокчилик ёки мураккаб иштирокчиликда жиноятни содир этилишига раҳбарлик қилмаган, жиноят объектив томони ҳаракатларини бажаришда бевосита қатнашмаган бўлса, ташкилотчи бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ташкилотчининг ҳаракати ЖК 28-моддасига ҳавола қилинган ҳолда Махсус қисмининг бажарувчилар квалификация қилинган моддаси билан жавобгар қилинади.

ЎзР ЖК 28- моддасининг 4- қисмига кўра, жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади. Ушбу нормада далолатчининг умумий тушунчаси берилган бўлиб, жиноят содир этишга қизиқтириш ҳаракатларининг қатъий рўйхатини беришнинг иложи йўқ. Ҳар бир далолатчилик ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, кўпроқ қизиқтираётган кишининг шахсий хусусиятларига боғлиқ. Далолатчиликнинг у ёки бу усулини танлаш, содир этилиши мўлжалланган жиноятнинг хусусияти, жиноят содир этилиши учун вазиятнинг ҳолати ва ҳоказоларга боғлиқдир. Далолатчи далолат қилинувчининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, жиноят содир этишга қизиқтириши, илтимос қилиши, турли ваъдалар бериши, моддий рағбатлантириш, турли алдов йўлларида фойдаланиши, кўрқитиши, жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатиши ва ҳоказо усуллардан фойдаланиши мумкин. Далолатчилик фақат ҳаракат орқали содир этилиши мумкин. Шунга кўра, жиноят

бажарувчисининг жиноий ҳаракатларини маъқуллаш далолатчиликни ташкил қилмайди.

Далолатчилик буйруқ бериш ёки фармойиш бериш орқали ҳам содир этилиши мумкин. Агарда буйруқ ёки фармойишнинг жиноийлигини била туриб, шахс бу буйруқни бажарса ЖК 40-моддасининг 2-қисмига биноан жавобгарликка тортилади. Жиноий буйруқ ёки фармойиш берган шахс, агар ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажарган бўлса, далолатчи эмас, балки бирга бажарувчи деб жавобгарликка тортилади.

Агарда шахс пора олиш ёки пора беришга далолат қилиб, яна порани олиш ёки бериш ҳаракатларини ҳам бажарган бўлса, пора олиш ёки беришда далолатчи деб эмас, балки пора олиш ёки беришда иштирокчи деб квалификация қилинади. Агарда шахс пора беришга алдов йўли билан далолат қилиб, пора предметини ўзи ўзлаштирган бўлса, унинг қилмиши ҳам фирибгарликда айбланиб жавобгар қилинади.

Аниқ бир шахсни муайян бир жиноятни содир этишга қизиқтирилсагина далолатчилик деб топилади. Муайян бир жиноятни содир этишга қаратилмаган умумий чақириқларни жиноят содир этишга далолат қилиш деб топилмайди. Бундай чақириқлар учун жиноят қонунда жавобгарлик белгиланган бўлса, масалан, урушни тарғиб қилиш (150-модда) миллий ирқий ёки диний адоват кўзғатиш (156-модда) қилмиш ўша модда билан квалификация қилинади.

Далолатчилик субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади. Далолатчи бошқа бир шахсни жиноят содир этишга қизиқтираётганлигини билади, шуни истаб ҳаракат қилади.

Далолатчи шахсни муайян жиноятни содир этишга далолат қилса ва бунда далолат қилишнинг барча белгилари бўлсада, аммо далолат қилинувчи жиноятни содир этишга кўнмаса, яъни жиноятни содир қилмаса, қизиқтирувчи шахснинг ҳаракатларини далолатчи деб квалификация қилиш мумкинми? Далолатчи тўғри қасддан содир этилганлиги туфайли жиноят ҳуқуқи назариясига биноан, бундай қилмишларда жиноят босқичлари бўлади. Шунга кўра, амалга ошмаган далолатчиликни, агар қилмишда бошқа бир жиноятнинг таркиби бўлмаса, бундай ҳолда иштирокчи-ликнинг белгилари бўлмаганлиги туфайли далолатчининг ҳарака-тини муайян жиноятга тайёргарлик қилиш деб квалификация қилиниши мумкин.

Далолатчилик бошқа бир шахснинг аниқ бир жиноятни содир этишга истагини туғдирганлиги далолатчи бажарувчи амалга оширган жиноятда иштирокчи деб квалификация қилинади. Шунга кўра, жиноят субъекти ёшига етмаган ёки ақли норасо шахснинг жиноят содир этишга далолат қилиш далолатчилик деб топилади. Жиноят содир этишга далолат қилинган жиноят субъекти ёшига етмаган ёки ақли норасо шахснинг ҳаракатлари туфайли қонун билан қўриқланадиган объектга зарар етказилган бўлса, далолатчининг қилмиши ўша жиноятда бажарувчи деб квалификация қилиниши керак.

Агарда далолат қилинувчини алдаб, сохта далолат қилинган ва далолат қилинувчининг хатосидан фойдаланиб, далолатчи ўз жиноий мақсадини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланган бўлса, далолатчилик деб топилмайди. Далолатчи деб топилмаган жойда иштирокчилик ҳам бўлмайди. Бундай ҳолда шахснинг қилмиши содир этилган жиноятининг хусусиятига қараб квалификация қилинади.

Агарда жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиб шахснинг жиноят содир этишга далолат қилган ва далолат қилинган шахс охириги зарурат ҳолатида жиноятни содир қилган бўлса, бундай ҳолда ҳам иштирокчиликнинг белгилари бўлмайди ва далолатчи ўша жиноятнинг бажарувчиси сифатида квалификация қилинади.

Далолатчи ҳар доим бажарувчи содир қилган жиноятда иштирокчи деб ҳисобланиб, бажарувчининг қилмиши квалификация қилинган нормада назарда тутилган санкция доирасида жазо тайинланади.

ЎзР ЖК 28-моддасининг 5-қисмига мувофиқ жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек, жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритган нарсаларни яширишга, Шунингдек, бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади.

Юридик адабиётларда ёрдамчининг ижтимоий хавфлилик даражаси иштирокчиликнинг бошқа турларига нисбатан камроқ деб ҳисоблайдилар. Ёрдамчи жиноий фаолиятни амалга оширишда бевосита қатнашмайди, жиноят объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажармайди. Ёрдамчи ўзининг ҳаракатлари орқали жиноят содир этилишга шароит яратади холос.

Ёрдамчилик жисмоний ёрдам бериш ёки руҳий ёрдам беришдан иборатдир. Жисмоний ёрдам бериш олдиндан ваъда берган воситалар бериш, масалан, транспорт воситасини, жинойт содир этиш қуролини бериш, пул маблағлари бериш, тўсиқларни йўқотишга кўмаклашиш, жинойт қуроли, жинойт воситаси, жинойт изларини, жинойт натижасида қўлга киритилган нарсаларни, жинойтчини яшириш ҳаракатларида ифодаланadi.

Руҳий ёрдамчилик эса бажарувчининг онги ва иродасига таъсир қиладиган жинойтни амалга оширишнинг йўллари ва жинойтнинг фoш бўлишининг олдини олишга қаратилган турли маслаҳатлар бериш, кўрсатмалар бериш, жинойтчини, жинойт содир этиш қуроли, излари ва воситаларини, жинойт йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда беришдан иборатдир.

Ёрдамчининг бундай жисмоний ва руҳий ёрдами шахсда жинойтни пухта амалга ошириш ва жинойт содир этишга журъатни янада кучайтиради.

Ёрдамчи бажарувчида жинойт содир қилиш истагини қўзғатмайди, балки жинойтни бажарувчиси томонидан жинойт мақсадга эришишини осонлаштиради.

Агарда далолатчи муайян бир жинойт юзасидан ўз маслаҳатлари ёки ЖК 28-моддасининг 5-қисмидаги ҳаракатларни ҳам содир қилса, унинг қилмиши ҳам, далолатчи ҳам ёрдамчи деб квалификация қилинмай, ЎзР ЖК 33-моддасининг 2-қисмига асосланиб далолатчи деб квалификация қилинади. Чунки далолатчи ёрдамчиликка нисбатан оғирроқ қилмиш ҳисобланади.

Бажарувчига муайян ахборотларни бериш ҳам ёрдамчилик деб квалификация қилиниши мумкин.

Жинойтда ёрдамчилик қасдан содир этилади. Чунки ёрдам ўз ҳаракатлари туфайли жинойт содир этилишига ёрдам бераётганини англайди, ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган оқибатларни олдиндан билади.

ЎзР ЖК 28-моддасининг 5-қисмининг мазмунига кўра, ёрдамчилик, у жисмоний ёки руҳий ёрдамчилик бўлишидан қатъи назар, фақат ҳаракат орқали содир этилади. Шундан келиб чиқиб, жинойтга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёки содир қилинаётганлигини аниқ била туриб тегишли давлат идораларига хабар бермаслик ҳақида олдиндан ваъда берган бўлса ва хабар бермаса, ёрдамчи деб ҳисоблаш мумкинми? ЎзР ЖКнинг 31-моддасининг

(жиноятга дахлдорлик) мазмунига кўра, жиноятга тайёргарлик кўрилатганлиги, жиноят содир этилатганлиги ҳақида аниқ билгани ҳолда ҳокимият органларига хабар қилмаслик ҳақида олдиндан ваъда берган бўлса, қилмиш далолатчилик деб топилмайди. Тўғри, тегишли давлат органларига хабар қилмаслик ҳаракатсизликдан содир этиладиган қилмиш ҳисобланади. Аммо жиноят ҳақида хабар бермаслик тўғрисида ваъда бериш ҳаракат орқали содир этилади. Жиноят ҳақида хабар бермаслик тўғрисида олдиндан ваъда бериш, агарда бу ваъда жиноий қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар бошланмасдан олдин берилган бўлса, ёрдамчи сифатида жиноятга иштирокчи деб квалификация қилиниши керак. Чунки олдиндан ваъда бериш иштирокчилиكنинг бир тури бўлиши мумкин.

3-§. Иштирокчилиكنинг шакллари

Жиноятда иштирокчилик оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 29-моддасида иштирокчиликда содир этиладиган жиноятда иштирок этувчи шахсларнинг уюшганлик даражасига қараб гуруҳлар тўрт тоифага бўлиниб, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ бўлган шакли оддий иштирокчиликдир. Оддий иштирокчилиكنинг муҳим белгилари: жиноятнинг объектив томонини бажаришда икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалашиб қатнашиши; муайян жиноятни содир қилиш учун уларнинг олдиндан тил бириктирмаганлиги; оддий иштирокчиликда жиноятнинг ташкилотчиси, далолатчиси ёки ёрдамчилар бўлмай, барча иштирокчиларнинг жиноятни амалга

оширишда биргаликда қатнашиши; олдиндан тил бириктирмаган бўлсада муайян жиноятни содир қилиш учун икки ёки ундан кўп кишиларнинг кучларининг бирлашганлигидир.

Оддий иштирокчиликда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилари бўлмаслигининг боиси шундаки, бунда иштирокчилар ҳам қатнашган бўлса, улар ўртасида, албатта, олдиндан тил бириктирилган бўлади. Оддий иштирокчиликда эса олдиндан тил бириктирилмайди.

ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида ўша жиноятни оддий иштирокчиликда содир қилинганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Булар жумласига 97-модда 2-қисмининг «п» банди, 104-модда 2-қисмининг «к» банди, 105-модда 2-қисмининг «и» банди, 118-модда 2-қисмининг «в» банди, 119-модда 2-қисмининг «в» банди, 277-модда 2-қисмининг «б» банди, 279-модда 2-қисмининг «а» банди, 281-модда 2-қисмининг «а» банди, 283-модда 2-қисмининг «а» банди, 285-модда 2-қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноятлардир.

Ушбу жиноятларда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргалашиб жиноят содир этишида «олдиндан тил бириктириш» талабини қўйишнинг ўзи тўғри бўлмайди. Чунки бундай жиноятларни содир этилиш вазияти олдиндан тил бириктириш талабини қўйишни тақозо қилмайди.

Қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга шикаст етказиш, юқорида қайд қилинган жиноятларнинг қайси бири содир этилаётган бўлмасин, жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан қилинган деб топишнинг энг кам квалификация қилиш белгиси, икки ёки ундан кўп кишиларнинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир қилишидир.

Агарда ушбу жиноятлар олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан, ёхуд жинойий уюшма томонидан содир этилиб, ўша модданинг тегишли қисми ёки бандида бу белгилар квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилмаган бўлса, оддий иштирокчилик деб квалификация қилинади. Масалан, ЖК 104-моддаси 2-қисмининг «к» бандида қасддан баданга оғир шикаст етказишни оддий иштирокчиликда, учинчи қисмининг «г» бандида уюшган гуруҳ аъзоси ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб қасддан баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Демак, бу моддада оддий иштирокчиликда қилинганлик билан уюшган гуруҳ ажратилган бўлиб, шу жиноят мураккаб иштирокчиликда, яъни олдиндан тил бириктириб содир этилган

тақдирда ҳам 104-модданинг 2-қисмининг «к» банди билан квалификация қилинаверади.

118-модданинг 2-қисми «в» бандида номусга тегиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу моддада номусга тегишнинг мураккаб иштирокчиликда, уюшган гуруҳ томонидан ёки жиноий уюшма томонидан содир этилганлиги учун алоҳида нормада жавобгарлик назарда тутилмаган. Демак, бу жиноят олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан, ёхуд жиноий уюшма томонидан содир қилинган тақдирда ҳам агарда қилмишда бошқа оғирроқ квалификация қилиш белгиси бўлмаса, 118-модданинг 2-қисми «в» банди билан квалификация қилинади. Бундай жиноят жиноий уюшма томонидан содир этилган тақдирда 242-модда билан ҳам жиноятлар жами тариқасида жавобгар қилинади.

Ана шу юқорида баён қилинганларга кўра, юқорида санаб келтирилган моддалар бўйича олдиндан тил бириктирмасдан ўша жиноятларни содир қилиш бир гуруҳ шахслар томонидан қилинган деб ҳисобланади.

Ушбу қоида олдиндан тил бириктирмасдан бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган барча моддаларга тааллуққидир. Судда кўрилган қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

А. исмли шахснинг уйига Г. ва С. исмли танишлари меҳмон бўлиб келади. Меҳмондорчилик вақтида мезбон ва меҳмонлар спиртли ичимликлар истеъмол қилишади. Мезбоннинг хотини спиртли ичимликларни ичиб, маст бўлиб қолади. Унинг эри хотинини ётоғига олиб кириб ётқизиб қўяди. Меҳмондорчилик давом этади. Кўп ўтмай ароқ тугайди. Меҳмонлар мезбондан спиртли ичимлик камлик қилгани ва яна топиб келишни сўрайди. Мезбон ароқ топиб келиш учун чиқиб кетганидан кейин меҳмонлардан бири аёл ётган хонага кириб кетади. Улар ўртасида ҳеч қандай келишиш ва тил бириктириш бўлмаган. Хонага кириб кетган шахс чиқиб келганидан кейин иккинчи меҳмон ҳам хонага кириб кетади.

Суд уларнинг жиноий қилмишини “Бир гуруҳ шахслар томонидан жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб номусга тегиш” деб ЖК 118-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ҳукм қилади. Бизнингча, суд бу жиноят ишини тўғри ҳал қилган.

ЎзР ЖК 29-моддасининг 3-қисмининг мазмунига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Мураккаб иштирокчилик куйидаги белгилари билан ифодаланади: муайян бир жиноятни содир этишда икки ёки ундан кўп кишиларнинг қатнашганлиги; гуруҳ аъзоларининг олдиндан тил бириктирганлиги; мураккаб иштирокчиликда бажарувчилари билан бир қаторда ташкилотчи ёки далолатчининг ёхуд ёрдамчининг ҳам иштирок этишининг мумкинлиги, лекин жиноятни мураккаб иштирокчиликда содир қилинган деб ҳисоблаш учун барча ҳолда ҳам ташкилотчи ёки далолатчи, ёхуд ёрдамчининг иштирок этиши шарт эмас. Фақат бажарувчилардан иборат бўлган жиноят ҳақида олдиндан тил бириктирилган гуруҳни мураккаб иштирокчилик деб топилаверади.

Фақат бажарувчилардан иборат бўлган иштирокчиликнинг муҳим хусусияти шундаки, гуруҳ аъзоларининг бирортаси гуруҳнинг жиноий фаолиятига раҳбарлик қилмайди, унинг иродасига бошқа иштирокчиларнинг иродаси бўйсундирилган бўлмайди. Тўғри, гуруҳ аъзоларидан бирининг шу жиноятда айби кўпроқ бўлиши мумкин, аммо бошқа иштирокчилар унинг кўрсатмалари асосида эмас, балки гуруҳ аъзоларининг тенглиги принципига асосланилади. Бунда муҳими, гуруҳ аъзолари муайян бир жиноятни содир қилиш учун олдиндан тил бириктирган бўлишлари кифоя. Муайян бир жиноятни содир қилишни таклиф қилишнинг ўзи ва бунга бошқасининг рози бўлганлиги уюшган гуруҳ эмас, балки олдиндан тил бириктириб жиноят содир қилиш деб топилади.

Мураккаб иштирокчиликда гуруҳ аъзолари ўртасида вазифалари тақсимланган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолда ҳам гуруҳнинг бир аъзосининг иродасига бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари бўйсундирилмай, гуруҳ аъзолари тенглик принципи асосида жиноятни амалга оширадилар.

Мураккаб иштирокчиликда фақатгина олдиндан тил бириктирилганликнинг ўзи билан чекланмай, гуруҳ аъзоси амалга ошираётган жиноятни содир қилишда олдиндан тил бириктирган шеригининг ҳам шу жиноятни содир қилишда қатнашаётганлигини билади. Гуруҳ аъзоси муайян жиноятни содир қилар экан, гуруҳнинг барча аъзолари билан тил бириктирган бўлиши шарт бўлмай, гуруҳнинг камида битта аъзоси билан тил бириктир-ганлигининг ўзи етарлидир. Аммо гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг онги бошқа аъзолари томонидан қилинаётган жиноий ҳаракатлар ва унинг оқибатларини қамраб олган бўлиши керак.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг анчагина моддаларида гуруҳнинг олдиндан тил бириктириб (мураккаб иштирокчиликда) жиноят содир қилинганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Мураккаб иштирокчиликда содир этилган жиноят оддий иштирокчиликда содир этилган жиноятга нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқдир. Чунки олдиндан тил бириктириб жиноят содир қилишда гуруҳнинг уюшганлик даражаси юқорироқ бўлиб, гуруҳ аъзолари ўртасида олдиндан тил бириктирганлик улар ўртасида бир-бирига нисбатан ишончни кучайтиради, кучларни мустаҳкамроқ бирлаштиради ва жиноятни охирига етказишга бўлган журъат ва ишончни янада кучайтиради.

ЖК Махсус қисмининг моддаларида (масалан, мулкни талон-торож қилиш жиноятлари) икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир қилиши ўша жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи тури сифатида кўзда тутилган.

Агар ЖК Махсус қисмининг моддасида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этиши гуруҳ бўлиб жиноят содир этишнинг энг кам белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, ўша жиноятни оддий иштирокчиликда, яъни икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай биргалашиб жиноят содир этиши жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб ҳисоблашга асос бўлмайди. Буни қуйидаги мисолда асослаш мумкин. А. ва С. исмли шахслар кеч соат 18.00. да пахта даласидан чиқиб келаётган Б. исмли шахснинг хирмони устидан чиқиб қоладилар, уларнинг ҳар бири хирмонда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб қоплаб қўйилган шолидан бир қопдан олиб кетадилар. Терговчи уларнинг қилмишини ЎзР ЖК 169-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан квалификация қилиб, ишни судга чиқаради. Суд А. ва С. ўртасида олдиндан тил бириктирмай ўғрилиқ қилинган ва шунга кўра, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўғрилиқ қилишнинг белгиси йўқ деб уларнинг қилмишини алоҳида-алоҳида ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан қайта квалификация қилиб ҳукм чиқаради. Бизнинг фикримизча, суд бу жиноятни тўғри квалификация қилган.

Агарда ЖК Махсус қисмининг моддасида шу жиноятни мураккаб иштирокчиликда содир этганликдан бошқа шаклларида қилганлик учун жавобгарлик (масалан, уюшган гуруҳ томонидан) назарда тутилмаган, аммо жиноят уюшган гуруҳ томонидан ёки жиноий уюшма томонидан содир этилган бўлса ва қилмишда квалификация

қилишнинг бошқа оғирроқ тури бўлмаса, қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қилинса, деган нормаси билан квалификация қилинади. Масалан, ЎзР ЖКнинг 119-моддасининг 2-қисми “в” бандида мазкур жиноят “бир гуруҳ шахслар томонидан қилинса” дейилган. Бу моддада бундай жиноятни уюшган гуруҳ, жиной уюшма ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги учун алоҳида нормада жавобгарлик белгиланмаганлиги туфайли, бу жиноят уюшган гуруҳ ёки жиной уюшма томонидан содир этилган тақдирда ҳам мазкур модданинг 2-қисми “в” банди билан жавобгар қилинаверади. Агар жиной қилмишда бошқа оғирлаштирувчи белгиси бўлмаса шу норманинг ўзи билан квалификация қилинади. Аммо бу жиноят жиной уюшма томонидан содир этилган бўлса, жиноятлар жами тариқасида ЖКнинг 119 -моддаси 2-қисмининг «в» банди ва 242-модданинг 1-ёки 2-қисми билан квалификация қилиниб, жавобгар қилинади.

ЎзР ЖК 29-моддасининг 4-қисмида икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиной фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилиши айтилган.

Уюшган гуруҳ иштирокчиликнинг нисбатан хавфли шакли ҳисобланади. Уюшган гуруҳ ўзининг уюшганлик даражаси, гуруҳ аъзоларининг гуруҳда тутган ўрни, гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг жиной фаолиятда вазифасининг белгиланганлиги билан мураккаб иштирокчиликдан фарқ қилади. Иштирокчиликнинг барча шаклларида жиноят содир қилишда камида икки киши қатнашганидек, уюшган гуруҳда ҳам жиноятнинг бажарувчилари сифатида энг камида икки киши иштирок этган бўлиши керак.

Уюшган гуруҳ куйидаги белгилар билан ифодаланади:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиной фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши; б) гуруҳнинг ўз раҳбарига эга бўлиши; в) гуруҳ аъзоларининг жиноятни амалга ошириш юзасидан фаолияти гуруҳ раҳбари томонидан тартибга солиб турилганлиги; гуруҳнинг барча аъзоларининг харакати гуруҳ раҳбарининг иродасига бўйсундирилганлиги; гуруҳ аъзоларининг ҳар бирининг жиной фаолиятни амалга ошириш юзасидан вазифаларининг олдиндан белгилаб қўйилганлиги.

Уюшган гуруҳ бир ёки бир неча жиноятни содир этиш учун ташкил этилган бўлиши мумкин. Гуруҳнинг барқарорлиги гуруҳ аъзолари томонидан келишилган жиноятни ёки жиноятларни содир этгунча давом этиши мумкин. Уюшган гуруҳга гуруҳ томонидан бир

ёки бир неча жиноятни содир этганидан кейин аъзо бўлиб кириши бу шахснинг ўзи аъзо бўлиб кирганидан кейин содир этилган жиноятларнинг ўзи учун жавобгар бўлишига олиб келади.

Гуруҳга бевосита аъзо бўлиб кирган, аммо жиноятни амалга оширишда бевосита қатнашмаётган бўлсада, ўзининг ҳаракатлари билан жиноятнинг бажарилишини таъминлаб турган (гуруҳ раҳбари, алоқачи ва ҳоказолар) шахслар ҳам бирга бажарувчи деб квалификация қилинади. Чунки булар ҳам ўз ҳаракатлари билан улар томонидан содир этилаётган жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг бир қисмини бажаради.

Қилмишни уюшган гуруҳ томонидан қилинган деб ҳисоблаш учун гуруҳ аъзоларининг барчаси жиноят содир қилишнинг режасини, жиноятда иштирок этаётган шахсларнинг барчасини албатта, билиши шарт эмас, балки ҳеч бўлмаганда гуруҳ раҳбарини ёки гуруҳнинг бирор аъзосини билган бўлишининг ўзи етарлидир. Аммо уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир қилаётганлигини, уюшган гуруҳнинг ёки унинг раҳбарининг топшириғига биноан унга топширилган вазифани билган бўлиши керак.

Агар шахс уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир қилаётганини билмаса ва билиши мумкин ҳам бўлмаса, унинг қилмишини уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир қилиши деб квалификация қилиб бўлмайди. Бундай ҳолда иш ҳолатларига қараб мураккаб иштирокчилик деб квалификация қилиниши мумкин.

Жиноят қонунида уюшган гуруҳ ташкил этганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи алоҳида норма кўзда тутилмаганлиги учун ҳали жиноятни амалга оширишга киришилмаган ва фақат гуруҳ уюштирилган бўлса, жиноятга тайёргарлик кўриш деб квалификация қилинади. Масалан, айтайлик, ўғрилиқ жиноятини содир қилиш учун уюшган гуруҳ тузилган, аммо жиноятни амалга ошириш бошланмасдан гуруҳ фош этилган бўлса, гуруҳ аъзоларининг қилмиши ЎзР ЖК 169-моддаси 4-қисми «в» банди билан ЖК 25-моддаси 1-қисми орқали квалификация қилинади.

Уюшган гуруҳ таркибига билимнинг турли соҳаларини яхши билган мутахассисларнинг жалб қилинганлиги уюшган гуруҳнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини янада ошириб юбориши мумкин. Чунки билимнинг муайян соҳаларини яхши билган мутахассис фан-техника тараққиётининг энг янги ютуғларидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиши, ўзининг билимидан жиноят содир қилишнинг мукамал усулларида фойдаланиши жуда кўп миқдордаги мулк

талон-торож қилиниши ёки жабрланувчига жуда кўп миқдорда зарар етказилиши мумкин. Шунингдек, бундай мутахассислар томонидан содир қилинган жиноятларни очиш ҳам анча қийин бўлади ва жиноятчиларни фош қилиш учун ўша соҳанинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилишга тўғри келади. Уюшган гуруҳнинг маълум даражада барқарорлиги ва гуруҳ аъзолари ўртасидаги алоқаларнинг яхши йўлга қўйилганлиги, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан унга юклатилган вазифани аниқ ва пухта бажариши, жинойий фаолиятга кўплаб одамларни жалб қилиниши, гуруҳга давлат идораларида ишлаётган мансабдор ва бошқа шахсларни, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимини жалб қилиниши уюшган гуруҳнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ошириб юборади. Чунки бундай ҳолда уюшган гуруҳда жинойий фаолиятни пухта амалга ошириш учун етарли маълумотлар бўлади ва жиноятнинг фош этилишининг олдини олишнинг мукаммал усулларида фойдаланилади.

ЎзР ЖКнинг 29-моддаси 5-қисмида икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жинойий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жинойий уюшма деб топилиши баён қилинган. ЎзР ЖКга мувофиқ жинойий уюшма фақат 29-модданинг 5-қисмида кўрсатилган шаклининг ўзидангина иборат бўлмай, ЎзР ЖК Махсус қисмининг 242-моддаси 2-қисмида назарда тутилган уюшган курулли гуруҳ тузиш, шунингдек, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш шаклидан ҳам иборатдир. Демак, жинойий уюшманинг битта шакли ЖК Умумий қисмининг 29-моддаси 5-қисмида назарда тутилган бўлса, иккинчи шакли 242-модданинг 2-қисмида кўзда тутилган. Бу жинойий уюшмалар гуруҳнинг структураси, уюшма аъзоларининг миқдори жиҳатидан ва бошқа жиҳатлари орқали бир-биридан фарқ қилади.

Жинойий уюшма иштирокчиликнинг ўта хавфли тури бўлиб, у ўта хавфли жиноятларни содир қилиш ёки узоқ муддат жинойий фаолият олиб бориш учун тузилади.

Жинойий уюшманинг ЖК 29-модданинг 5-қисмида назарда тутилган шаклида энг камида иккита уюшган гуруҳнинг жинойий фаолият олиб бориши учун бирлашиши, бирлашган уюшган гуруҳнинг барқарорлиги билан ифодаланиши мумкин. Бунда ҳар бир уюшган гуруҳнинг раҳбари жинойий уюшманинг бош раҳбари кўрсатмалари ёки топшириғи асосида иш олиб бориш, яъни поғонали бўйсунтириш принципига риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Иштирокчиликнинг бу шаклида уюшган гуруҳлар қуролланган ёки қуролланмаганлигининг аҳамияти йўқ. Агар уюшган гуруҳ ташкил этиш ҳали жиноятга тайёргарлик кўриш, деб ҳисобланса, жиноий уюшма тузишнинг ўзи тамом бўлган жиноят деб топилаверади. Жиноий уюшма тузишнинг ўзи мустақил жиноят таркибини ташкил қилганлиги боис, шундай деб квалификация қилиш учун асос бўлаверади. Агарда жиноий уюшма ҳали жиноий фаолиятни бошламасдан фош этилган бўлса, жиноий уюшма тузиш тамом бўлган жиноят деб, улар ният қилган жиноятни содир қилишга тайёргарлик кўриш деб жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинади. Жиноий уюшма жиноий фаолиятни амалга оширган бўлса, жиноятлар жами тариқасида 242-модданинг 1-қисми ва уюшма томонидан содир қилинган жиноятда ҳам айбланиб жавобгар қилинади.

Жиноий уюшма аъзолари томонидан вазифалар тақсимланади. Вазифаларни тақсимлашда жиноий уюшма аъзосининг билими, мутахассислиги, жиноий мақсадга эришишда унинг бошқа хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Жиноий уюшманинг барқарорлиги шундаки, гуруҳнинг жиноий мақсадга эришгунча гуруҳ аъзоси ёки уюшган гуруҳнинг жиноий уюшма таркибидан ўз хоҳиш эрки билан хоҳлаган вақтда чиқиб кета олмаслигидир. Шунингдек, жиноий уюшманинг доимий фаолият олиб бориши ва фаолиятининг узоқ муддатга чўзилиб кетиши, жиноий фаолиятнинг пухта режалангани ва унга пухта тайёргарлик кўрилганлиги, уюшма қатнашувчиларининг қатъий бўйсунуш асосида поғонани ташкил қилинганлиги, бошқарув ядросига эга эканлиги, қаттиқ интизом ўрнатилганлигидир. Жиноий уюшманинг уюшганлик даражаси ҳам ҳар хил бўлиб, оддий структурали жиноий уюшма, ўртача даражада уюшган жиноий уюшма, юқори даражада уюшган жиноий уюшма бўлиши мумкин. Лекин жиноий уюшманинг бундай уюшганлик даражаси жиноятни квалификациясига таъсир қилмайди ва суд жазо тайинлашда ҳисобга олади. Жиноий уюшма тузилиши билан унинг жиноий иш режаси ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Бу режага қатъий риоя қилинган ҳолда жиноий фаолият олиб борилиши билан бирга шароитнинг ўзгариши ва вазиятга қараб, режага ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ҳозирги даврда наркобизнес, қурол-яроғлар, нодир буюмлар, автомобиллар, инсон аъзолари билан савдо қилиш, фоҳишабозлик соҳалари жуда катта даромад берганлиги туфайли,

жиноий уюшмалар ўз фаолиятларини шу соҳаларда ташкил этишга ҳаракат қиладилар.

Жиноий уюшма ўқ-отар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалардан жиноий фаолиятни амалга оширишда сақлаган ёки фойдаланган бўлса, жиноий уюшмага кирган кишилар ҳам жиноий уюшма тузишда ёки унга аъзо бўлишда, ҳам қурол, ўқ дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари қонунга хилоф равишда сақлаганлик ва бошқа белгилари бўйича ҳамда содир этилган жиноятларда ҳам жиноятлар жами тариқасида жавобгар қилинади.

4-§. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар.

Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади.

Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги, жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади.

Жиноятда иштирокчи сифатида қатнашган шахснинг жавобгарлигининг асослари ҳам худди алоҳида шахснинг жавобгарлигининг асослари каби муайян жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этганлигидир.

ЎзР ЖК 30-моддаси 1-қисмининг мазмунига кўра, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам бажарувчининг қилмиши квалификация қилинган моддаси ёки модданинг тегишли қисмининг тегишли банди билан жавобгарликка тортилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида иштирокчиликда содир этилган жиноятларни фақат бажарувчилардан иборат бўлган иштирокчиликка ва бажарувчиларидан ташқари ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилардан иборат бўлган иштирокчиликка бўлинган. Фақат бажарувчилардан иборат бўлган иштирокчиликда гуруҳ аъзоларининг барчаси улар ният қилган жиноятни бажаришда, яъни ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракат-ларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажарган бўлади. Шунга кўра, жиноятда биргалашиб қатнашган барча иштирокчилар (гуруҳ аъзолари) ўзлари содир этган жиноятда айбланиб тўғридан-тўғри ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси билан жавобгар қилинадилар.

Бажарувчиларидан ташқари ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилар ҳам қатнашган иштирокчиликда эса, аҳвол бироз бошқачароқ бўлиб, бажарувчи ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни амалга оширса, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажаришда ҳам қатнашмайди. Булар фақат жиноятни содир этиш учун шароит яратиб беради ҳолос. Шунинг учун ҳам ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи қатнашган жиноят иштирокчилигининг алоҳида шакли ҳисобланади. Шунга кўра, иштирокчилигининг бундай шаклини квалификация қилиш, фақат бажарувчилардан иборат бўлган иштирокчилигини квалификация қилишдан фарқ қилади. Бундай иштирокчилигини квалификация қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, жиноятни бажарувчиси бевосита ўзи жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни бажарганлиги учун ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси билан, бошқа иштирокчилари эса (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилар) ЖК 28-моддаси ва Махсус қисмининг муайян моддаси билан жавобгар қилинади. Агар жиноят иштирокчилари фақат икки кишидан иборат бўлиб, улардан бири бажарувчи, иккинчиси ёрдамчи ёки далолатчи сифатида жавобгарликка тортилган бўлса, ЖК Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган бир гуруҳ шахсларни ташкил қилмайди. Чунки ЖК Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган «бир гуруҳ шахслар» тушунчаси камида икки кишининг бажарувчи сифатида қатнашганлигини кўзда тутаяди. Жиноятда икки киши айбланиб, бири бажарувчи, иккинчиси ёрдамчи ёки далолатчи сифатида жавобгар қилинган бўлса, булар ҳам бажарувчи жавобгар қилинган норма билан жавобгар қилинади.

ЖК 30-моддаси 2-қисмининг мазмунига кўра, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳам гуруҳ аъзолари томонидан содир этилган барча жиноятларда бажарувчи сифатида жавобгар қилиниб, ЖК 28-моддаси орқали квалификация қилинмайди. Чунки бундай гуруҳнинг ташкилотчиси, гуруҳни ташкил қилишдан ташқари, гуруҳ томонидан содир этиладиган жиноятга ёки жиноий фаолиятга раҳбарлик қиладилар. Гуруҳ аъзоларининг бутун жиноий фаолияти ташкилотнинг раҳбари иродасига бўйсундирилганлиги туфайли улар гуруҳ раҳбари сифатида гуруҳнинг асосий фигураси деб ҳисобланади. Аммо гуруҳ раҳбари билмаган ва унинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган жиноят учун гуруҳ ташкилотчиси ёки гуруҳнинг бошқа аъзолари жавобгар қилинмайди. Бундай ҳолда гуруҳнинг фақат ўша жиноятни содир қилган аъзосининг ўзи жавобгар бўлади. Жиноят ҳуқуқи назариясида гуруҳнинг бундай аъзосини эксцесс бажарувчи деб топилади.

Масалан, жиноий уюшма аъзоси С. га К. ни ўлдириш топширилади. С. К. ни ўлдириш мақсадида унинг уйига киради, аммо бу вақтда К. уйида бўлмайди. Бундан фойдаланган С. К. нинг уйдан умумий қиймати кўп миқдорни ташкил қилган мулкни ўғрилаб чиқиб кетади. Ушбу ҳолатда ўғрилик жиноятини жиноий уюшманинг бошқа аъзолари билмаганлиги ва уларнинг нияти билан қамраб олинмаганлиги туфайли С. ҳам одам ўлдиришга тайёргарлик кўриш, ҳам ўғрилик жиноятида жавобгар қилинади. Гуруҳнинг раҳбари ва бошқа аъзолари эса фақат одам ўлдиришга тайёргарлик кўришда жавобгар қилинадилар. Жиноий уюшма тузиш ва унда қатнашганликда жиноий уюшмага кирган барча шахслар жавобгар қилинадилар.

Агар ташкилотчи ёки далолатчи, ёхуд ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрган ва жиноятнинг олди олинган бўлса, жиноятда иштирокчиликни истисно қилади. Аксинча, бажарувчи жиноятдан ихтиёрий қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўрган бўлса, унинг қилмиши жиноятда иштирокчи деб топилмайди. Бундай ҳолда жиноят ташкилотчиси ёки далолатчиси, ёхуд ёрдамчиси бажарувчи амалга ошириши керак бўлган жиноятга тайёргарлик кўришда айбланиб жавобгар қилинади.

Бажарувчининг жиноятдан ихтиёрий қайтишидан ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг ихтиёрий қайтиши маълум даражада фарқ қилади. Бажарувчини жиноятдан ихтиёрий қайтган деб

ҳисоблаш учун у тажовуз қилинаётган объектга зарар етказилмасдан олдин ўз ихтиёри (эрки, иродаси) билан жиноий ҳаракатини тўхтатганлигининг ўзи етарли бўлса, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг ўз ҳаракатларини оддий тўхтатишнинг ўзи билан жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисоблашга асос бўлмайди. Уларни жиноятдан ихтиёрий қайтган деб ҳисоблаш учун бажарувчи томонидан амалга оширилаётган жиноий оқибат келиб чиқишининг олдини олиш учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чораларни кўришлари керак. Бундай чоралар бажарувчини жиноятдан қайтаришнинг, жиноий фаолиятга қаршилик қилиш, тайёрланаётган жиноят ҳақида ҳокимият идораларига хабар бериш, яъни улар жиноятни амалга оширилишининг олдини олишга фаол аралашилари зарур. Жумладан, ёрдамчи бажарувчига олдиндан жиноят ҳақида хабар бермаслик ҳақида берган ваъдасидан воз кечиши, берган жиноят қуроли, жиноят воситасини тортиб олиши ёки бошқача йўллар билан жиноятнинг олдини олишга ҳаракат қилиши керак. Демак, ташкилотчи ёки далолатчи, ёхуд ёрдамчиларнинг ҳаракатлари туфайли жиноятнинг олди олинган бўлса, уларни жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб жавобгарликдан озод қилинади. Уларнинг барча қилган ҳаракатларига қарамай жиноий оқибат юз берган бўлса, ихтиёрий қайтиш деб эмас, балки енгиллаштирувчи ҳолат деб топилиши мумкин. Бундай ҳолда суд ЎЗР ЖКнинг 66-моддаси асосида ёки бошқа асосларга кўра, жавобгарликдан озод қилишни қўллаши ҳам мумкин.

Амалга ошмаган иштирокчилик масаласи қандай ҳал қилиниши керак? Яъни ташкилотчи ташкил қилишга ҳаракат қилган, далолатчи далолат қилган ёки ёрдамчи ёрдам бериш ҳақида ваъда қилганлигига қарамай, бажарувчи деб мўлжалланган шахсни кўндиролмаган тақдирда иштирокчилик деб ҳисобланадими? Бундай ҳолда иштирокчилик йўқ. Чунки иштирокчилар ўртасида олдиндан тил бириктирганлик ва улар ўртасида боғлиқлик бўлмаганлиги сабабли ҳам бундай ҳолатни иштирокчилик деб бўлмайди. Амалдаги жиноят қонунида амалга ошмаган иштирокчилик тушунчаси назарда тутилмаган. Аммо юридик адабиётларда бундай ҳолда жавобгарлик индивидуал ҳолда белгиланиши, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг ҳаракатлари жиноятга тайёргарлик кўришда квалификация қилиш зарурлиги тўғрисида фикрлар билдирилган¹. Ушбу масалада ҳам иккита ҳолатни кузатиш мумкин:

¹ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть; М «Юристь», 2001, 264-бет.

биринчи ҳолат–бажарувчи розилик бермади;
иккинчи ҳолат–бажарувчи розилик берди, аммо жиноий фаолиятни амалга оширмади.

Биринчи ҳолатда бажарувчи нафақат жиноятни амалга ошириш учун киришмади, балки розилик ҳам билдирмади. Бундай ҳолда, ёрдамчи жиноятга тайёргарлик кўришда жавобгар қилинади. Иккинчи ҳолатда эса, иштирокчиликнинг белгилари борлиги туфайли бажарувчи жиноятдан ихтиёрий қайтган ҳисобланади. Бошқа иштирокчилари эса, жиноятга тайёргарлик кўришда айбланиб жавобгар қилинади. Бундай жавобгарлик ЖК 25-моддасининг 1-қисми мазмунидан келиб чиқади. Шундай қилиб, амалга ошмаган иштирокчилик, шахс жиноятга далолат қилинганда унга кўнмаган, жиноятга ёрдам беришга ваъда қилинганда ваъдани қабул қилмаган, жиноятни ташкил қилганда гуруҳга кирмаган бўлса, амалга ошмаган иштирокчилик ҳисобланади ва бундай ҳаракатларда иштирокчиликнинг белгилари бўлмайди.

Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайин-лашда суд жазо тайинлашнинг умумий ва махсус қоидаларига қатъий риоя қилади. Ҳар бир иштирокчига жазо тайинлашда ЖК 54-моддасида кўрсатилган умумий қоидаларига риоя қилган ҳолда иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг ҳар бир иштирокчисига унинг қилмиши квалификация қилинган моддасининг санкцияси доирасида, ЖК Умумий қисмининг қоидаларига риоя қилгани ҳолда, жиноятнинг хусусияти ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Агарда ЖК Махсус қисмининг муайян моддасидаги жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса, қилмишни квалификация қилишнинг бошқа оғирроқ белгиси бўлмаса, барча иштирокчилар, шу жумладан, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилари ҳам жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги учун жавобгарликни белгиловчи нормаси билан жавобгар қилинади. Иштирокчиларнинг барчаси муайян модданинг муайян қисми билан квалификация қилинар экан, суд жазо тайинлашда ҳар бир иштирокчининг иштироки ва айби даражасини, гуруҳда тутган ўрнини, жиноятни амалга оширишдаги бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлайди.

Иштирокчиликнинг махсус қоидаларига риоя қилиб жазо тайинлашда эса иштирокчиларнинг қайси тури сифатида қатнашганлиги (бажарувчи ёки ташкилотчи ёхуд далолатчи, ёки ёрдамчи сифатида қатнашганлигини) иштирокчиликнинг қандай шаклда (оддий **ёки мураккаб** иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма) эканлигини ҳисобга олади. Агар иштирокчиликнинг бу шакллариининг ҳар бири Махсус қисмининг моддасида қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, ўша норма билан жавобгар қилинади. Масалан, ЖК 104-моддасининг учинчи қисми «г» бандида, 105-моддасининг 2-қисми «и» бандида 164 -моддасининг 4-қисми «в» бандида ва ҳоказо моддаларда жиноятни уюшган гуруҳ томонидан қилинганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Агар ўша жиноятларни жиноий уюшма томонидан қилинганлиги белгиланмаган бўлса, бу жиноятни жиноий уюшма томонидан қилинган тақдирда ҳам агар квалификация қилишнинг бошқа оғирроқ белгиси назарда тутилмаган бўлса, уюшган гуруҳ томонидан қилинганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормаси билан жавобгар қилинаверади.

Жиноятда иштирок этганликнинг хусусияти деганда шахснинг жиноятда бажарувчи ёки ташкилотчи ёхуд далолатчи ёки ёрдамчи сифатида иштирок этганлиги назарда тутилса, иштирок этганлик даражаси деганда жиноятни амалга оширишда унга юклатилган вазифанинг аҳамияти, жиноятни амалга оширишдаги фаоллиги, жиноий фаолиятда унинг ўрни ва ҳоказолар тушунилади. Масалан, ташкилотчи жиноятни ташкил қилишдан ташқари яна унга раҳбарлик қилса, у бу гуруҳнинг асосий ташаббускори ва раҳбари сифатида энг оғир жазо тайинланиши, ҳар бир аъзосига жазо тайинлашда ана шу юқорида айтилган ҳолатлар ҳисобга олинади. Олдиндан иштирокчиларнинг бажарувчисига энг оғир жазо берилади дейиш тўғри бўлмайди. Масалан, жиноятнинг бажарувчиси энди ўн олти ёшга тўлган ўсмир, далолатчиси эса хавфли ёки ўта хавфли рецидивист бўлиши мумкин. Бундай ҳолда энг оғир жазо бажарувчига нисбатан тайинланади дейиш тўғри бўлмайди.

Шундай қилиб, иштирокчиликда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда, барча иштирокчиларнинг қилмиши ЖК Махсус қисмининг битта нормаси билан квалификация қилинсада, жазо тайинлашда шу норманинг санкцияси доирасида индивидуал равишда жазо тайинланади. Иш ҳолатлари тақозо қилса

иштирокчиларнинг айримларига ЖК даги айрим имтиёзларни ҳам қўлланиши мумкин.

5-§. Жиноятга дахлдорлик

ЎзР ЖК 31-моддасида белгиланишича, жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда ҳокимият органларига хабар қилмаслик, ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди.

Жиноятга дахлдорлик иштирокчилик институтининг бир элементи бўлмай, жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти ҳисобланади.

Дахлдорлик — бошқа шахслар томонидан содир этиладиган ёки содир этилган жиноятда умуман иштирок этмаган, аммо уларнинг жиноятга тайёргарлик кўраётганлиги, жиноят содир этганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда ҳокимият органларига хабар қилмаслик, шунингдек, жиноятчини, жиноят қуролини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганликдан иборатдир.

ЎзР ЖК да дахлдорликнинг икки тури назарда тутилган бўлиб, булар жиноят ҳақида тегишли идораларга олдиндан ваъда бермасдан хабар бермаслик ва олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятни яширишдан иборат. Айрим муаллифлар жиноятга йўл қўйишни ҳам дахлдорликнинг алоҳида бир турига киритадилар¹. Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноятга йўл қўйишни дахлдорликнинг алоҳида тури сифатида назарда тутилмаган. Бизнинг назаримизда, бундай ҳолатни дахлдорликнинг бир тури сифатида

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Т.: «Адолат», 1997, 54-бет.

қонунда назарда тутилмаганлиги тўғри. Чунки йўл қўймаслик агар йўл қўяётган шахснинг вазифаси доирасига кирса, вазифасига совуққонлик билан қарашда айблаб жавобгар қилиниши мумкин. Вазифаси доирасига кирмаса, ҳар бир фуқарога жиноятнинг олдини олиш бурчи юклатилган. Агар фуқаро ўзига нисбатан юклатилган ана шу бурчини бажармаса ва содир этилган қилмиш оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, фуқаро ЎзР ЖК 241-моддасига биноан жиноят ҳақида хабар бермасликда айбланиб жавобгар қилинади.

Хабар қилмаслик — ҳаракатсизликдан содир этиладиган жиноятлардан бўлиб, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят ҳақида жиноятчига олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар бермаса ўз фуқаровий бурчини бажармайди. Агар содир этилаётган ёки содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлса, бу ҳақда олдиндан ваъда бермай хабар бермаса, шахс ўзининг фуқаровий мажбуриятини бажармаган бўлади. Чунки қонун ҳар бир фуқарога оғир ва ўта оғир жиноят ҳақида хабар бериш мажбуриятини юклаган. Шахс ўзининг ана шу мажбуриятини бажармаса, ЎзР ЖКнинг 241-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилади.

Жиноят ҳақида хабар бермасликни дахлдорлик деб ҳисоблашнинг муҳим шарти шахс ҳали жиноят содир этилмасдан олдин, яъни жиноятга тайёргарлик кўриляётган вақтда, содир этилган вақтда, содир этилганидан кейин ҳам бу ҳақда аниқ билгани ҳолда жиноят ҳақида тегишли давлат идораларига хабар бермаган бўлиши керак.

Агар шахс жиноят содир этилмасдан олдин ёки жиноятга суиқасд қилиш босқичида хабар бермаслик ҳақида жиноятчиларга ваъда берса, дахлдорлик деб эмас, балки жиноятда иштирокчи деб жавобгар қилиниши керак. Чунки шахс хабар бермаслик ҳақида жиноятчига олдиндан ваъда бериб жиноятчини жиноятни содир этишга рағбатлантиради. Бажарувчи ишонч билан жиноятни амалга оширади.

Бундай хабар бермаслик бевосита жиноят содир этилишига шароит яратади. Шунинг учун хабар қилмаслик ҳақида олдиндан ваъда беришни дахлдорлик деб эмас, балки жиноятда иштирокчилик деб топилади. Бу ҳақда иштирокчиликка берилган мавзуда батафсил тушунтириш берилган. Агар шахс жиноят содир этилганидан кейингина бу ҳақда билган бўлиб, хабар бермаслик ҳақида ваъда берса ва ўз ваъдасини устидан чиқиб хабар бермаса, бундай хабар бермасликни дахлдорлик деб ҳисоблаш керакми? Жиноятда иштирокчи деб ҳисоблаш керакми?

ЎзР ЖК 28-моддасининг 5-қисмининг мазмунига кўра, жиноят содир этилганидан кейин хабар бермаслик ҳақида ваъда бериш иштирокчилик ҳисобланмай дахлдорлик деб топилади. Бундай ваъда бериш содир этилган жиноятга шароит яратиш ёки жиноятчида жиноят содир этишига журъат туғдиришда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки жиноят содир этилиб бўлинган. Шунга кўра, бундай ҳолда ҳам қилмиш дахлдорлик деб топилади.

Шахсни жиноят ҳақида хабар бермасликда айблаш учун у жиноят ҳақида аниқ билган ва бу ҳақда хабар бермаганлигини аниқлаши ёки англаши мумкинлиги зарур. Шунга кўра, хабар қилмаслик қасддан қилинадиган жиноят ҳисобланади.

Агар жиноят содир этилиши ёки этилганлиги тўғрисидаги маълумот (хабар) бермаган шахсдан бошқа манбалар орқали тегишли давлат идораларига маълум бўлган бўлса, хабар қилмаган шахсни дахлдорликда айблаш мумкинми? Айблаш мумкин, чунки шахс жиноят ҳақида хабар бериш зарурлигини англайди. Хабар бермаслик формал таркибли жиноят бўлиб, оқибатидан қатъи назар, хабар бермасликнинг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланади.

Шахсни хабар бермасликда айблаш учун унинг жиноят ҳақида хабар бериш имкониятларидан келиб чиқиш керак. Агарда шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра, хабар қилмаган бўлса, яъни хабар беришга қаратилган ҳаракатларнинг барчасини қилган бўлсада, ахборот унга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли тегишли идораларга келиб тушмаган бўлса, дахлдорлик жиноятини ташкил қилмайди.

Жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда тегишли идораларга хабар бермаган вақтдаёқ бу жиноят тамом бўлган ҳисобланади.

Жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни жиноят содир этилмасдан олдин яшириш тўғрисида ваъда берилса, бундай қилмиш дахлдорлик эмас, балки жиноятда иштирокчилик деб топилади. Бу ҳақда иштирокчиликнинг шарҳида батафсил баён қилинган.

Дахлдорликнинг бу тури фақат ҳаракат орқали содир этиладиган қилмиш ҳисобланиб, олдиндан ваъда бермай, жиноятчини жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширганликда ифодаланади. Жиноят содир этилганидан кейин бу айтилганларни яшириш тўғрисида ваъда берилган ҳолда жавобгарлик масаласи қандай ҳал

қилиниши керак? Бундай ваъда жиноят содир этилганидан кейин берилганлиги туфайли айбдорнинг қилмишини иштирокчиликда айблаш тўғри бўлмайди ва қилмиш дахлдорлик деб топилади.

Қилмишни дахлдорлик деб ҳисоблаш учун ЎзР ЖК 31-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлардан бирини (масалан, жиноят қуролини) яширишнинг ўзи билан тамом бўлган ҳисобланади.

Жиноят содир этилганидан кейин яширишга ваъда беришни ҳам дахлдорлик деб ҳисоблашнинг боиси шундаки, бундай ваъда жиноятни содир этилишига умуман таъсир кўрсата олмайди ёки жиноят содир этилишига шароит яратиб бера олмайди. Демак, жиноят содир этилганидан кейин яшириш ҳақида ваъда бериш қилмишнинг моҳиятини ўзгартирмайди ва дахлдорлик деб топилаверади. Айбдорнинг жиноятни яширганлиги учун моддий рағбатлантирилганлиги ҳам жиноятни квалификация қилишни ўзгартирмайди. Аммо шахс жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсалар ҳисобидан рағбатлантирилган бўлса, бундай қилмиш ҳам дахлдорликда (ЖКнинг 241-моддаси), ҳам жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишда (ЖКнинг 171-моддаси) жиноятлар жами тариқасида жавобгар қилинади.

ЖК 31-моддасининг мазмунига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилганда уни яшириш, агар қилмишда бошқа жиноятнинг жиноят таркиби белгилари бўлмаса, жиноят ҳисобланмайди. Агар содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят бўлиб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда ЖК 248-моддасида назарда тутилган қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини яширса, қилмишни фақат 248-модданинг ўзи билан, жиноят натижасида қўлга киритилган нарсаларни яширса (масалан, гиёҳвандлик воситаларни яширса 273-модданинг ўзи (гиёҳвандлик воситаларни сақлаш) билан жавобгар қилинади.

Агарда содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлиб, қурол ёки жиноят натижасида қўлга киритилган нарсаларни яширса, қилмиш ҳам дахлдорликда, ҳам ўша нарсани (масалан, гиёҳванд воситани) сақлаганликда жиноятлар жами тариқасида жавобгар қилинади. Шахс жиноятни яшириш билан бирга қўлга киритилган мулкдан олса ҳам дахлдорликда, ҳам жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсани олишда айбланиб жиноятлар жами тариқасида жавобгар қилинади.

Шахс оғир ва ўта оғир жиноят ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлганлигига қарамай бу ҳақда хабар бермаётганлигини билади ва оқибатини англайди. Жиноятни яшириш жиноят содир этилганидан кейин қилинганлиги туфайли жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яшириб, ушбу жиноятга дахлдор бўлиб қолади.

Оғир ёки ўта оғир жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар бермаслик ёки жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик фақат қасддан содир этилиб, ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин.

ЎзР ЖК 31-моддасининг учинчи қисмининг мазмунига кўра, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди. Бунда содир этилган жиноятнинг оғир ёки ўта оғир эканлигининг аҳамияти йўқ. Яқин қариндошларга кимлар кириши ЎзР ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимидаги атамаларнинг ҳуқуқий маъносида берилган. Олдиндан ваъда бермай жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яширганлик учун яқин қариндошларнинг жиноятга дахлдор ҳисобламаслиги, энг аввало, яқин қариндошлар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини, оилада оилавий муносабатларни сақлаб қолиш ҳамда яқин қариндошлар ва оила аъзоларининг бир-бирлари олдидаги бурч ва мажбуриятлар масъулиятини сақлаб қолишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

11-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Иштирокчилик деб нимага айтилади?
2. Иштирокчилиكنинг белгиларни айтинг?
3. Иштирокчилар ўртасидаги объектив ва субъектив боғлиқлик деганда нимани тушунасиз?
4. Иштирокчиларнинг турларини айтинг?

5. Иштирокчилик ва гуруҳ тушунчаларини ва уларнинг фарқини айтинг?
6. Қандай жиноятлар иштирокчиликда содир этилмайди?
7. Оддий ва мураккаб иштирокчилик ва уларнинг фарқини тушунтиринг?
8. Уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма деганда нимани тушунасиз ва уларнинг фарқини тушунтиринг?
9. Бир киши томонидан ва иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилишдаги фарқлар қандай?
10. Жиноятда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчиларнинг жавобгарлиги қандай ҳал қилинади?
11. Жиноятга дахлдорлик деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ниёзова С. Иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари ва жавобгарлик масалалари. Т: ТДЮИ, 2003.
2. П.Ф.Тельнов. Ответственность за соучастие в преступление. М: “Юридическая литература”, 1974.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т: “Адолат”, 1997, 54-бет.
4. Курс уголовного право. Под ред. Н.Ф.Кузнецова. Й.М.Тяжкова. Т 1,2. М: “Зерцало”, 1999.
5. Актуальные проблемы уголовного право. М: 1998.
6. А.Ф.Залинский. Соучастие в преступление. Волгоград, 1971.
7. Н.Т.Иванов. К вопросу о понятие группы в российском уголовном праве. “Государство и право”. 2000, №11. ст.44-51.
8. В.Вирастайкин. Добровольный отказ от преступления и явка с повинной. “Российская юстиция”. 2001, №9. ст-57.
9. В.В.Лунеев. Преступность XX века: мировые, региональные и российский тенденции: мировой криминологический анализ. М: “Норма”, 1997 ст. 525.
10. Курс советского уголовного права в 6 томах . Т. 2. М: “Наука”, ст.445-504.
11. А.Артюнов. Ошибки при квалификации содеянного группой по предварительному сговору. М: “Российской юстиция”, 2001, №9,ст.65
12. мМ.Х.Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи (умумий қисми) Тошкент “Илм Зиё” 2005-йил 236-360 бетлар.

ХII БОБ. БИРҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ

1-§. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва унинг алоҳида жиноят содир этишдан фарқи

ЎзР жиноят қонунида бир қанча жиноятлар содир қилиш тушунчаси берилмаган бўлсада, бир қанча жиноятлар турларига алоҳида-алоҳида тушунчалар берилган. Булар такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи, рецидив жиноятлардир. ЖК 32-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида давомли ва узоққа чўзилган жиноятларнинг тушунчалари берилган.

Бир қанча жиноятлар Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида нисбатан янги тушунча бўлиб, 1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексида бир қанча жиноятлар содир қилиш юзасидан ҳар хил атамалар ишлатилган бўлиб, булар такроран, бир неча марта, муттасил равишда, касб сифатида, олдин судланган шахс томонидан янги жиноят содир қилиш каби ҳуқуқий тушунчаларнинг кўп ишлатилганлиги ҳам бир қанча жиноятларга тушунча беришнинг иложи бўлмаганлиги туфайли, юридик адабиётларда бир қанча жиноятларга олимлар ҳар хил таърифларни берган ва бу тушунчалар ҳар хил эди.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида бир қанча жиноятлар содир қилишнинг аниқ турлари ва атамалари берилиб, унга умумий тушунча бериш имконияти вужудга келди. Бир қанча жиноятларга лўнда ва тушунарли қилиб қуйидаги таърифни бериш мумкин:

Бир вақтда ёки турли вақтларда икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноят таркибини ташкил қилувчи жиноятларни ёхуд олдинги ҳукм бўйича судланганлик муддати ўтмасдан, ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этиш бир қанча жиноят содир этиш деб топилади.

Бир қанча жиноят содир этилган деб топиш учун қилмишларда қуйидаги шартлар бўлиши керак.

1. Шахс томонидан ҳар бири мустақил жиноят таркибини ташкил қилувчи икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилган бўлиши керак;

2. Бунда жиноятларнинг бир вақтда (жиноятларнинг идеал жами) ёки ҳар хил вақт (реал жами)да содир этилганлигининг аҳамияти йўқ.

3. Дастлабки содир этилган жиноят билан кейинги содир этилган жиноят ўртасида ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлиши керак.

4. Шахс ушбу жиноятларда бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида қатнашганлиги, жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш босқичида тўхатилганлиги ёки охирига етказилганлигининг аҳамияти йўқ.

5. Агарда шахс ЎзР ЖКнинг 64-68-моддалари асосида жавобгарликдан, 69-моддаси асосида жазодан озод қилинган бўлса (150-156-моддалар бундан мустасно), жиноят ҳуқуқида назарда тутилган бир қанча жиноятларни ташкил қилмайди.

6. Олдинги жиноят учун судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этиш ҳам бир қанча жиноят содир этиш ҳисобланади.

Бир қанча жиноят содир этиш ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси жиҳатидан ЖК Махсус қисмининг битта нормасида назарда тутилган жиноятдан фарқ қилади. Шахснинг кетма-кет бир неча жиноятларни содир этиши жиноятнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўзгартириб юборади ҳамда шахс хулқининг бузилишининг борган сари чуқурлашиб бораётганлигини ва шунга мувофиқ киши шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини ошиб бораётганлигини кўрсатади. Шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этилиши унинг онгида жамиятга хилоф қарашларнинг турғун бўлиб қолганлиги, ижтимоий салбий руҳий ҳолатининг шаклланиб қолганлиги, ўз эҳтиёжларини қондиришда жиноий йўлни танлашдек ички кучнинг ҳукмрон бўлиб қолганлигини билдиради. Шунга кўра, айнан ана шундай сифатларнинг шаклланиб қолганлиги бир қанча жиноятлар содир қилган шахсларга нисбатан оғирроқ жазо чораларини тайинлашни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этилганликни квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари ишлаб чиқилган.

Бир қанча жиноятларни содир этиш қуйидаги жиноят ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради:

а) кетма-кет содир этилган, лекин бир-бири билан жиноят таркиби жиҳатидан бир хил бўлган, аммо ҳар бири мустақил жиноятлар таркибидан иборат бўлган жиноятларни содир қилиш, қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда эса ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган (масалан, 104,105,118,119,164 ва

ҳоказолар) жиноятларни содир қилиш такроран жиноят содир қилиш деб топилиб, ЖК Махсус қисмининг кўплаб моддаларида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган;

б) бир вақтда ёки турли вақтларда ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир қилиш ЎЗР ЖК 56-моддаси биринчи қисмининг «н» бандида белгиланишича жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва қонунда жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари ишлаб чиқилган (59-модда);

в) олдинги қасддан қилган жинояти учун судланганлигидан кейин қасддан ҳар қандай жиноятни содир қилиш ЖК 56-моддаси 1-қисмининг «н» бандига кўра, жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (рецидив жиноят);

г) олдинги жиноят учун судланганидан кейин қасддан айнан ўша жиноятга ўхшаш жиноятни содир қилиш хавфли рецидив жиноят деб топилади ва ЖК Махсус қисмининг кўплаб моддаларида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган;

д) олдинги қасддан қилинган жинояти учун судланганидан кейин қасддан ЖК 34-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган жиноятларни қасддан содир этиш ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади ва ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган;

е) турли вақтларда содир этилган (лекин ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмасдан) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар содир этилган бўлса, бундай жиноят содир қилганларга нисбатан ЖКнинг 66- моддаси (айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши мумкин) асосида ҳамда ЖК 66¹-моддаси (ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш) асосида жавобгарликдан озод қилишни қўллаш масаласига алоҳида ёндошилади;

ж) жиноят қонунида назарда тутилган бошқа жиноят-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бир қанча жиноятларни алоҳида жиноятлардан фарқи. Бир қанча жиноятларнинг алоҳида бир жиноятдан фарқи энг камида иккита жиноятни содир қилганлиги билан изоҳланади. Қилмишни ёки қилмишларни қайси ҳолатларда камида иккита моддаси билан квалификация қилиш ва жазо тайинлаш кераклиги масаласи айнан шу бир қанча жиноятлар тушунчасини ЎзР ЖК Умумий қисмининг 8-бобини (бир қанча жиноят содир этиш) пухта ўрганиш орқали билиб олиш мумкин бўлади.

ЖК Махсус қисми моддаларининг тузилиши асосан жиноят таркибининг турларига боғлиқ бўлиб, улар оддий таркибли, мураккаб таркибли, кесик таркибли, мураккаб айбли тузилишда ишлаб чиқилган.

Оддий таркибли жиноятлар, одатда, бир ҳаракат билан қонун билан кўриқланадиган битта объектга тажовуз қилинади (масалан, 97-модданинг 1-қисми, 102-модда, 104-модданинг 1-қисми, 169-модданинг 1-қисми ва ҳоказолар). Оддий таркибли жиноятларни турли вақтларда икки ёки ундан ортиқ марта жиноят содир қилиш эса бир қанча жиноятлар содир қилиш деб топилади. Мураккаб таркибли жиноятлар эса айбдорнинг бир қанча ҳаракати орқали ёки бир ҳаракат билан камида иккита объектга тажовуз қилиниши билан ифодаланади. Мураккаб таркибли жиноятлар айбдорнинг бир қанча ҳаракати билан содир этилган бўлишига қарамай, қилмиш битта модда билан квалификация қилинаверади. Масалан, 103-модданинг 1-қисми, 110-модданинг биринчи қисми (қийнаш) ва ҳоказолар. Бундан ташқари, ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин янгидан ўша қилмишни содир қилганлик жиноят ҳисобланади, масалан, 109-модданинг 1-қисми, 127-модданинг 1-қисми, 132-модданинг 1-қисми ва ҳоказолар. Бу юқорида баён қилинган жиноятлар бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлсада, қилмиш битта жиноят ҳисобланади. Бир ҳаракат билан жиноят қонуни билан кўриқланадиган икки ёки унда ортиқ объектларга тажовуз қилиш ҳам мураккаб таркибли жиноят ҳисобланади. Масалан, 164-моддасининг 1-қисми, 116-модданинг 1-қисми ва ҳоказолар.

Босқинчилик ҳужуми туфайли жабрланувчининг соғлиғига ва мулкига тажовуз қилинади. Лекин қилмиш битта жиноят ҳисобланиб ЖК 164-моддасининг ўзи билан квалификация қилинаверади. Демак, мураккаб таркибли жиноятлар бир қанча жиноятларни ташкил қилмайди.

Мураккаб айбли жиноятларда шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфлироқ оқибат юз беради. Масалан, ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг “д”банди (баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса), 114-модданинг 3-қисми “а”банди (жиноий равишда ҳомила тушириш(аборт) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса)ва ҳоказолар. Мураккаб айбли жиноятларда жиноят қасддан содир этилиб, айбдор назарда тутмаган бошқа оқибат келиб чиқади ва бу эҳтиётсизликдан келиб чиққан оқибат билан айбдорнинг қасддан қилган ҳаракати ўртасида боғланиш бўлиб, қонун чиқарувчи бундай ҳолда оғирроқ жазо билан боғлаб битта модда билан квалификация қилиш зарурлигини кўрсатган. Демак, мураккаб айбли жиноятлар ҳам бир қанча жиноятни ташкил этмайди.

Ҳар бир ҳаракатни алоҳида ажратиб олинган тақдирда мустақил жиноят таркибини ташкил қилувчи, аммо умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган ҳаракатлар давомли жиноят ҳисобланиб, давомли жиноятлар ҳам бир қанча жиноятларни ташкил қилмайди. Қилмишларни давомли деб ҳисоблаш учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

а) қилмишлар айнан бир-бирига ўхшаш бўлган бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлиши;

б) айбдорнинг барча ҳаракатларининг битта объектга тажовуз қилишга қаратилганлиги;

в) айбдорнинг барча ҳаракатлари бир мақсадга қаратилганлиги ва ҳар бир ҳаракати унинг ягона мақсадининг бир қисмини ташкил этганлиги.

Ана шу шартларнинг барчасининг бир вақтда мавжуд бўлиши жиноий қилмишни давомли жиноят деб ҳисоблашга асос бўлади. Давомли жиноятлар жиноий фаолият тўхтатилган вақтдаги натижага қараб квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорининг 5-бандида ўзганинг мулкини талон-торож қилишдан иборат бўлган айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда унинг содир этиш усулига аҳамият бериш зарурлиги уқтирилиб «Давомли талон-торож содир этилган ҳолларда айбдорнинг

ҳаракатлари талон-торож қилинган суммани ҳисобга олган ҳолда тавсифланиши зарур», дейилади¹.

Масалан, омборхонага кириб ўғрилик қилган шахс, омборхонадаги нарсаларни бир неча марта олиб чиқиб, машинасига ортиб кетса, ҳар бир омборхонага кириб, нарсаларни олиб чиқиши мустақил ўғрилик жиноятларини ташкил қилсада, жиноятчининг умумий мақсади билан қамраб олингани, ягона мақсадга қаратилганлиги, барча ҳаракатлари бир хил жиноят таркибини ташкил қилганлиги, битта манба битта объектга тажовуз қилинганлиги туфайли бундай ўғрилик давомли жиноят деб топилади ва бир қанча жиноят деб ҳисобланмайди.

Давомли жиноятлардан «муттасил равишда» деган атаманинг фарқини ажратиш керак. Давомли жиноятда айбдорнинг ҳар бир ҳаракатини ажратиб олганда муайян қилмишнинг жиноят таркибини ташкил қилаверса, «муттасил равишда» деган тушунчада қилмишни жинойий ҳаракат деб ҳисоблаш учун ўша ҳаракат кўп марта, яъни мутассил равишда қилинган бўлиши керак. Масалан, кишини ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда) жиноятида айблаш учун жабрланувчининг шаъни ва кадр-қиммати муттасил равишда камситиш ҳаракатлари содир этилиши керак. Ёки бошқа бир мисол: айбдорни қийнаш жиноятида айблаш учун у жабрланувчига нисбатан муттасил равишда дўппослаш ҳаракатларини содир қилган бўлиши керак(110-модданинг 1-қисми). Демак, ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилишда айблаш учун шахс ўша модда диспозициясида назарда тутилган ҳаракатни кўп марта, яъни муттасил равишда содир қилиб келган бўлиши керак. Бундай ҳолда ҳам қилмиш бир қанча жиноятлар содир қилиш деб топилмай битта норма билан жавобгар қилинади.

Давомли жиноятлар фақат ҳаракат орқали қасдан содир этилади.

Жиноят ҳуқуқида бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган қилмиш узоққа чўзилган жиноят деб топилади. Масалан, ҳарбий хизматга чақирилишдан қочиб юриш, қамоқдан қочиб юриш, суднинг ҳал қилув қарори бўлишига қарамай вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш мақсадида қочиб юриш. Узоққа чўзилган жиноятларда жинойий қилмиш узоқ муддатга чўзилишига қарамай, узлуксиз ягона жиноят таркибини ташкил этади. Жиноятчи қўлга олинган ёки ҳуқуқни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги қарорлари - Т.: 1998, 7-бет.

муҳофаза қилувчи органга ўз ихтиёри билан келган вақтдан бошлаб жиноят тўхтатилган деб баҳоланади. Шундай қилиб, узоққа чўзилган жиноятлар ҳам бир қанча жиноят содир қилиш тушунчаси доирасига кирмайди.

Шундай қилиб, бир қанча жиноятлар содир қилинганда ҳар бири мустақил жиноят таркибидан иборат бўлган ЖК Махсус қисмининг моддаларида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган икки ёки ундан кўп жиноят-ларни содир қилишдан иборат.

Амалдаги жиноят қонунида бир қанча жиноятларнинг такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи (жами), рецидив жиноят шакллари назарда тутилган.

2-§. Такроран жиноят содир этиш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида биринчи марта жиноятларнинг барчаси учун умумий бўлган такроран жиноят содир этиш тушунчаси берилди. ЎзР ЖКнинг 32-моддасида белгиланишига кўра, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнаи бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек, иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб айтилади.

Агар шахс илгари содир қилган қилмиши учун жавоб-гарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Такроран жиноят содир этиш бир қанча жиноят содир этишнинг бир шакли бўлиб, унинг тушунчаси ЎзР ЖКнинг 32-моддасида

берилган. Ушбу моддада такроран жиноят содир этишнинг учта турининг тушунчаси берилган бўлиб, булар:

а) ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлиши;

б) ЖК Махсус қисмининг бир моддасининг айнан бир қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслиги;

в) Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда назарда тутилган Махсус қисмининг турли моддаларида шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун судланган бўлмаса, жиноят такроран содир этилган деб топилади.

Такроран жиноят содир қилишнинг ана шу ҳар учта тури учун умумий бўлган белгилар борки, булар қуйидагилардан иборат:

а) турли вақтларда Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноят содир этилганлиги;

б) жиноятларнинг, албатта, турли вақтларда содир этилганлиги;

в) жавобгарликка тортиладиган биринчи жиноят билан кейинги содир қилинган жиноят ўртасида ЖК 64-моддасида назарда тутилган (жиноий жавобгарликка тортиш) муддатлари ўтиб кетмаган бўлиши;

г) шахс содир этилган жиноятларнинг бирортаси учун ҳам ҳали судланмаган бўлиши керак. Бу шартлар такроран жиноят содир этишнинг ҳар учала тури учун зарурий белги бўлиб, улардан бирортасининг этишмаслиги қилмишларни такроран қилинган деб ҳисоблашга асос бўлмайди.

ЖК Махсус қисмининг биттта моддасида назарда тутилган жиноятларни турли вақтда содир этиш деганда шуни назарда тутиш керакки, ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида айнан шу жиноятни такроран содир этганлик қилмишларни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида махсус назарда тутилмаган (масалан, аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш — 115-модда, бесоқолбозлик — 120-модда), болани алмаштириб қўйиш — 124-модда ва ҳоказолар). Бунда жиноятларни турли вақтларда содир этиб, уларнинг бирортаси учун шахс судланган бўлмаслиги тушунилади. Бундай ҳолда турли вақтда содир этилган айнан бир хил жиноят учун икки марта жавобгар қилмасдан муайян модданинг ўзи билан квалификация қилинади. Аммо суд жазо тайинлашда ЖК 56-моддаси 1-қисмининг «н» бандига

биноан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топади ва шунга мувофиқ жазо тайинлайди. Бундай ҳолда бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари қўлланилмайди.

Масалан, айтайлик, олдин болани алмаштириб қўйиш жиноятини содир қилган шахс томонидан ЖК 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан яна худди шундай жиноятни содир этса қилмиш такроран қилинган деб ЖК 124-моддасининг ўзи билан квалификация қилинади.

ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этишни такроран содир этилган деб ҳисоблаш шундан иборатки, ЖК Махсус қисми моддаларида жиноятни такроран содир этиш ўша моддада квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган.

Масалан, шахс олдин ЖК 169-моддаси иккинчи қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир қилган, кейинроқ эса шу модданинг иккинчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир қилган бўлса, бу жиноятларнинг ҳар бири учун алоҳида жавобгар қилинмасдан, шу модданинг учинчи қисми «а» бандида такроран қилинганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормаси билан жавобгар қилинади.

Такроран жиноят содир қилишнинг бу юқорида баён қилинган иккита тури учун жазо тайинлашда ЖК 59-моддасининг (бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш) қоидалари қўлланилмайди.

Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда турли моддаларда назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни турли вақтда содир қилинган ҳолларда қилмишни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш масаласи бошқачароқ назарда тутилган. Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда қилмишни такроран содир этилган деб ҳисоблаш масаласи ЖК Махсус қисми моддасининг ўзида кўрсатилади ва бундай ҳолат ЖКнинг бир қанча моддаларида назарда тутилган. Масалан, булар жумласига ЖК 104-моддаси (қасддан баданга оғир шикаст етказиш) 3-қисмининг «б» банди, 105-моддаси (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) иккинчи қисмининг «к» банди, 118-моддаси (номусга тегиш) иккинчи қисмининг «б» банди, 119-моддаси (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб **Ғайритабиий** усулда қондириш) иккинчи қисмининг «б» банди, 164-моддаси (босқинчилик) учинчи қисмининг «а» банди ва ҳоказолар. ЎЗР ЖК

104- моддаси учинчи қисмининг «б» бандида қасддан баданга оғир шикаст етказиш «Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан» содир этилганликни назарда тутилади.

Масалан, айтайлик, 2003 йил 5 февраль куни қасддан одам ўлдириш жиноятини содир қилган шахс (бунда ЖК 97-модда-сининг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган одам ўлдиришни содир қилинганлигининг аҳамияти йўқ) 2003 йил 20 март куни ЖК 104-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилса ва бу жиноятларнинг бирортаси учун айбдор судланмаган бўлса, баданга оғир шикаст етказиш жиноятини такроран содир этилган деб топилиб, ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилинади. Бу жиноятлар учун жазо тайинлашда ЖК 97-модданинг тегишли қисми ва банди билан, 104-модданинг учинчи қисмининг «б» банди билан жиноятларнинг реал жами тариқасида жазо тайинланади. Қонунда кўрсатилган ҳолларда жиноятни такроран деб ҳисоблаш масаласи ана шундай тахлитда ҳал қилинади. Яъни такроран жиноят содир қилиш деб ҳисоблаш масаласи кейинги содир қилинган жиноятга нисбатан тадбиқ этилади ва жазо тайинлаш масаласи ЖКнинг 59-моддасида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

ЖК 32-моддасининг иккинчи қисмида шахснинг илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги баён қилинган. Демак, қуйидаги ҳолларда жиноят такрор содир этилган деб топилмайди:

а) илгари содир қилган жинояти учун жиноий жавобгарлик-дан озод қилинганлиги. Бунда содир этилган жиноят тўла исботланган ва ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноят содир этилган бўлиши керак;

б) илгари содир қилган жинояти учун жиноий жазодан озод қилинганлиги.

Илгари содир қилган жинояти учун жавобгарликдан озод қилинган шахс яна ўша жинояти учун суд томонидан Жиноят кодексининг 64, 66, 66¹, 67-моддалари асосида жазодан озод қилинган ёки ЖК Махсус қисмининг фақат ўша моддасига кўра, тааллуқли бўлган масалан, терроризм, (155-модданинг 4-қисми) давлатга хоинлик қилиш (157-модданинг 2-қисми); жосуслик(160-модданинг 2-қисми) ва ҳоказолар. Жавобгарликда озод қилишни кўллаб озод қилинган бўлса, кейинги

содир этилган жиноят такроран қилинган деб ҳисобланмайди. Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турларини қўллаб фақат суд озод қилади. Шунингдек, шахс Президент томонидан чиқарилган амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинган бўлса ҳам жиноят такроран содир этилган деб ҳисобланмайди. Шахснинг илгари содир қилган жинояти учун жазодан озод қилингандан кейин янги жиноят содир этганлигини такроран содир этиш деб ҳисобланмаслигининг боиси шундаки, шахс илгари жазодан озод қилинган бўлса, суд жазодан озод қилиш билан бирга судланганликни ҳам олиб ташлай олмайди. Судланганликни олиб ташлаш масаласи фақат суд томонидан ЖК 79-моддаси асосида ҳал қилинади. Шунга кўра, жазодан озод қилинган шахс ЎзР ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар мобайнида судланган ҳисобланади. Ана шу айтилганларга кўра, жазодан озод қилинган шахсга нисбатан аввал жазо тайинланиб, сўнгра жазодан озод қилинган бўлса, янги қасддан қилган жинояти такроран жиноят содир қилиш деб эмас, балки рецидив жиноят содир этилган деб топилади. Агар Президентнинг фармони билан авф этиш ёки амнистия акти орқали жазодан озод қилиш билан бирга судланганлик ҳам олиб ташланган бўлса, қасддан янги содир этилган қилмиш рецидив жиноят деб топилмайди.

Давомли ва узоққа чўзилган жиноятларни такроран содир этилган деб топилмаслиги бир қанча жиноятлар содир этишнинг умумий қоидалари мазмунини очиб беришда баён қилинганлиги боис, бу ерда яна тўхталиб ўтирмадик.

3-§. Жиноятлар мажмуи (жами) тушунчаси

ЎзР ЖКнинг 33-моддасида жиноятлар жами (мажмуи) тушунчаси берилган бўлиб, «Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар жами (мажмуи) деб топилади.

Жиноятлар жамига берилган ушбу таърифдан кўриниб турибдики, жиноятлар жами қуйидаги учта белги билан ифодаланади:

а) шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этилганлиги;

б) ҳар бир алоҳида жиноятнинг ЖК Махсус қисми турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилганлиги;

в) барча жиноятларнинг ҳукмгача содир этилганлиги.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, содир этилган жиноятлар учун ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлиши керак.

Юридик адабиётларда шахс бир хил жиноятни турли вақтларда содир этиб, улардан бири учун жиноятга тайёргарлик кўрганлиги ёки суиқасд қилганлиги учун ёхуд иштирокчиликда айбланиб жавобгарликка тортилаётган тақдирда ҳам жиноятлар жами деб топилиши тўғрисида ёзилган¹. Бу борада собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1981йил 31 июлдаги «Бир неча жиноятлар содир қилганлик ва бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 5-бандида шахс томонидан бир хил жиноятлар содир этилиб, улардан бири тамом бўлган, иккинчиси эса охирига етказилган тақдирда ҳам жиноятлар жами сифатида жазо тайинлаш кераклиги тўғрисида тушунтириш берилган эди².

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006-йил 3-февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 49-бандида бир неча жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари берилган. ЎЗР ЖК 32-моддасининг мазмунига кўра, шахс турли вақтларда ЖКнинг битта моддаси ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган бўлса, қилмиш такроран содир этилган деб ҳисобланиши керак. Аммо бири охирига етказилган, иккинчиси тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган айнан бир хил жиноятлар содир этилган бўлса, нима сабабдан такроран ҳисобланиши керак? Бизнинг назаримизда, масалани шундай йўсинда ҳал қилинишининг боисини қуйидагича тушунтириш мумкин:

Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятлар тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади. Шундай экан, бири охирига етказилган, иккинчиси, тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёки иштирокчиликда содир этилган бир хил жиноятлар бир-бири билан айнан ўхшаш эмас. Улар

¹ Ткаченко В. И. Множественность преступлений в кн: Уголовное право Российской Федерации М: «Юристь», 1999, 277-бет.

² Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР. 1924- 1986, М: 1987. 563-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами, 2006-йил 2-том. 338 бет.

жиноятларни квалификация қилиш юзасидан, шунингдек, ижтимоий хавфлилик даражаси жиҳатидан ҳам айнан бир хил эмас. Жиноятда иштирокчи сифатида квалификация қилинганда шахс жиноятнинг бажарувчиси сифатида қатнашмаган. Ва ниҳоят, жиноятни такроран содир этишганига нисбатан жиноятлар жами (мажмуи) тариқасида жазо тайинлашда муайян модданинг енгилроқ жазони назарда тутувчи қисми билан квалификация қилиб жазо тайинлаш имконияти бор.

Бундай жиноятларни такроран содир этилган, деб ҳисобланган тақдирда эса ЖК Махсус қисми моддаларининг оғир жазо назарда тутилган қисми билан квалификация қилишга тўғри келади. Буни қуйидаги мисолни келтириш орқали асослаш мумкин.

Айтайлик, шахснинг биринчи ўғрилиқ жинояти ЎЗР ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган тамом бўлган жиноят, иккинчиси эса 25 169-моддасининг 1-қисми билан жиноятга суиқасд қилишда квалификация қилиш белгиси бор. Агар ана шу жиноятларни такроран қилинган, деб ҳисобланса, айбдорнинг қилмиши ЎЗР ЖК 169-моддасининг 3-қисми санкциясида фақат беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

Агар юқорида келтирилган мисолни жиноятлар жами, яъни 169-модданинг 1-қисми тариқасида квалификация қилинганда санкциядаги энг оғир жазо ҳисобланган озодликдан маҳрум қилишни жазолар жами тариқасида тайинланганда ҳам шу модданинг 3-қисмида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам қисмидан ҳам камроқ бўлиши мумкин.

Ана шу юқорида айтилганларга кўра, ЎЗР ЖК Махсус қисмининг бир моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган жиноятлар содир этилиб, улардан бири учун жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилишда ёхуд иштирокчиликда квалификация қилинганлигини такроран жиноят содир этиш деб эмас, балки жиноятлар жами деб квалификация қилиш, аввало жиноят қонунининг инсонпарварлик принципига тўғри келса, иккинчи томондан жиноят қонунини либераллаштириш сиёсатига ҳам тўғри келар эди.

Айрим муаллифлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасининг битта қисми турли бандларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этилган тақдирда ҳам жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар ва бунга 97-модданинг 2-қисми, 104-модданинг 2-қисми, 169-

модданинг 2-қисмини келтирадилар¹. Биз бу фикрга қўшилмадик. Чунки ЎзР ЖК 32-33-моддаларининг мазмунига кўра, битта модданинг битта қисмининг турли бандларида назарда тутилган жиноятлар такроран жиноят содир этиш ҳисобланиши айтилмаган қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган.

Айтайлик, шахс олдин ЖК 97-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилиб, яна худди шундай жиноятни содир қилса, жиноят такроран содир этилган, деб квалификация қилиниб, жазо тайинланади. Агар олдинги жинояти 97-модданинг 1-қисми, кейингиси шу модда иккинчи қисмининг муайян бандида назарда тутилган жиноят бўлса, 97-модданинг 1-қисми ва 97-модданинг 2-қисмининг тегишли банди билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниб, жазо тайинланади. Агарда содир этилган одам ўлдиришнинг ҳар иккаласи 97-модданинг 2-қисмининг тегишли бандларида назарда тутилган жиноятлар бўлса, 97-модда 2-қисми «р» банди ва тегишли квалификация қилиш бандлари билан жавобгар қилинади. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди суднинг 2004-йқбк24-сентябрдаги 13-сонли «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Пленум қарорининг 21-бандида Қасддан одам ўлдириш жиноятини такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор тамом бўлган қотиллик жинояти ёки одам ўлдиришга суиқасд содир этганлигининг жиноятнинг бажарувчиси ёки бошқа иштирокчиси бўлганлигининг ахамияти йўқ,**”-деб тушунтириш берилади. Шундай қилиб, жиноятлар жами (мажмуи) бир қанча жиноятлар тизимидаги унинг бир тури ҳисобланади. Бир қанча жиноятлар тушунчаси ғоят мураккаб бўлиб, бир гуруҳ жиноятлар ҳақида гап кетмайди, шунингдек, бир неча жиноятларнинг альтернативи ҳам эмас. Аммо айрим муаллифлар бир қанча жиноятларни жиноятлар жамининг альтернативи деб ҳисоблайдилар. Жиноятлар жами ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, уларнинг бирортаси учун ҳам шахс ҳали судланмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни жамлашнинг ўзи бўлса, бир қанча жиноятлар эса бир қанча жиной ҳаракатлардан ёки мустақил жиноят таркибини ташкил қилувчи бир қанча

¹ Ткаченко В.И. Множественность преступлений в кн Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М. “Юристъ”, 1999г.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплаши 1991-2006 йиллар, 2-том “Адолат”, 2006 й 199-бет

жиноятлардан иборат бўлган такроран давомли, жиноятлар жами, рецидив жиноятни, маълум даражада уларнинг мураккаб айбли, таркибли, узоққа чўзилган жиноятлардан фарқларини ҳам кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади.

Жиноятлар жами жиноят қонунида турларга бўлинмаган бўлсада, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг идеал жами ва жиноятларнинг реал жамига бўлиб ўрганилади.

Жиноятларнинг идеал жами. Жиноятларнинг идеал жами амалдаги жиноят қонунида норматив асосга эга эмас. Чунки Жиноят кодексида жиноятларнинг идеал жами тушунчаси алоҳида берилмаган.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётида жиноятларнинг идеал жами деганда шахснинг бир ҳаракати туфайли ЖК Махсус қисмининг камида иккита моддаси билан кўриқланадиган объектга тажовуз қилиш тушунилади. Бунда Махсус қисми моддасининг ягона таркибига кирувчи объектнинг қисмига эмас, балки муайян моддада назарда тутилган жиноят таркибининг объекти қамраб ололмайдиган бошқа бир объектга ҳам тажовуз қилинган бўлиши керак. Масалан, босқинчилик қилиш вақтидаги ҳужум туфайли қасддан жабрланувчини ўлдириш, босқинчилик қилиш вақтида эҳтиётсизликдан одам ўлдириш, безорилик ҳаракатлари вақтида шахснинг баданига оғир шикаст етказиш ва ҳоказолар.

Жиноятларнинг идеал жамининг шартлари:

- а) фақат битта жинойий ҳаракатнинг содир этилганлиги;
- б) шу ҳаракат билан ЖК Махсус қисмининг камида иккита моддаси билан жавобгар қилинадиган жиноятларнинг содир этилганлигидир.

Ю.А. Красиков жиноятларнинг идеал жамида шахснинг бир ҳаракати билан икки ёки ундан ортиқ объекти жиҳатидан ушбу модда объектнинг бир қисмини ёки бир бутун объектни ташкил қилмайдиган ҳар хил ёки бир-бирига ўхшаш оқибатлар келиб чиқадиган жиноятлардир, деб ёзади¹.

Битта жинойий ҳаракат туфайли ЖКнинг турли қисмларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқса, жиноятларнинг идеал жамини ташкил қиладими, деган савол туғилади. Бу масалада Ткаченко В.И. шахснинг бир ҳаракати билан ЖКнинг турли қисмларида назарда

¹ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. - М: Норма - инфра. М. 2001. С. 24-25.

тутилган жиноий оқибатлар келиб чиққан тақдирда жиноятлар жамини ташкил қилмайди, деб ёзади. Биз унинг бу фикрига тўла қўшилган ҳолда, бу масала ЎзР ЖК 33-моддасининг 2-қисмида аниқ ёзиб қўйилганлигини таъкидлаймиз. Ушбу модданинг 2-қисмида «Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айтилган бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади», дейилади. Бунга қуйидаги мисолни келтириш мумкин: А. ва С. исмли вояга етмаганлар ўзлари яшайдиган маҳалладаги ў.нинг уйига деразадан кириб, уйдан магнитофонни ўғрилайдилар. Суд уларнинг қилмишини ЎзР ЖК 169-моддасининг 3-қисми «б» банди билан (2001 йил 29 август қонуни билан киритилган ўзгартиришларгача бўлган тахририда) квалификация қилиб ҳукм қилган. А. ва С. ларнинг ушбу жиноий қилмишида 169-модданинг учта қисмида назарда тутилган белгилар мавжуд. Бу жиноят талон-торож қилинган мулкнинг суд томонидан белгиланган баҳога кўра, 169-модданинг 1-қисмида назарда тутилган миқдорни ташкил қилади. Жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун 169-модда 2-қисмининг «в» бандида назарда тутилган квалификация қилиш белгиси бор. Уй-жойга кириб содир этилганлик, шу жиноят учун жавобгарликни белгиловчи оғирроқ жазо белгиланган қисми бўлганлигидан (169-модданинг 3-қисми) суд айбдорлар қилмишини тўғри квалификация қилиб, ҳукм қилган. Аммо суд амалиётида айрим судлар томонидан ушбу норма нотўғри талқин қилиниб, Жиноят кодексининг битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар турли вақтларда содир этилган тақдирда ҳам содир этилган жиноятларнинг энг оғири билан ҳукм қилиб, жазо тайинламоқдалар. Ваҳоланки, ЎзР ЖК 33-моддасининг 1-қисмида Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддалари ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

ЎзР ЖК 33-моддасининг мазмунига кўра, шахс турли вақтларда ЖК битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир қилган бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

В. П. Малков жиноятларнинг идеал жами сунъий равишда тузилган юридик конструкция бўлмасдан, шахснинг бир ҳаракати

билан, икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлган реал ҳақиқатнинг натижасидир, деб ёзади.¹ Биз унинг бу фикрига тўла қўшилаемиз. Чунки жиноятларнинг идеал жами шахснинг битта ҳаракати билан жиноят қонунининг икки ёки ундан ортиқ нормаларини, оддий бузишнинг ўзи бўлмай, икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятларни содир қилишдан иборатдир.

Агарда биз жиноятларнинг идеал жами жиноят қонунининг икки ёки ундан ортиқ нормаларини бузишдан иборат десак, бундай тушунча жиноятларнинг идеал жамини ташкил қилмайди. Чунки бунда шахснинг бир ҳаракати билан битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган оқибатлар юз беришини ҳам тушуниш мумкин. ЖК Махсус қисми моддаларининг ҳар бир қисми мустақил таркибли жиноятлар ҳисобланади. Бундай ҳолда ЖК 33-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган қоидалар тадбиқ қилинмайди.

Юридик адабиётларда жиноятларнинг идеал жамига турлича тушунтиришлар берилган. Жумладан, А.Н.Трайнинг «Жиноятларнинг идеал жами шахснинг бир ҳаракати билан Жиноят кодексининг бир неча нормасини бузишдир», деб ёзган². Биз бундай фикрга қўшилмаслигимизни юқорида баён қилдик. М.М. Исаев, Н.Д.Дурмановлар жиноятларнинг идеал жами айбдорнинг бир ҳаракати билан икки ёки ундан ортиқ жиноят таркибларини бажаришдир. А. А.Пионатковский эса, жиноятларнинг идеал жами бир неча жиноятларни содир қилишдан иборатдир, деб ёзади³. В. И. Ткаченко эса ЎЗР ЖКнинг 33-моддасида берилган таърифнинг айнан ўзини баён қилган. Ю.А. Красиков Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддалари билан кўриқланадиган турли объектларга зарар етказиш ёки ҳар хил ёхуд бир неча оқибатларни келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган ягона жиноий қилмишдир, деб ёзади. Жиноятларнинг идеал жамига бундай айрим ҳоллардан унинг ҳақиқий маъносини ифодалай олмайдиган тушунчаларнинг олимлар томонидан берилганлиги қонунда унинг ягона тушунчасининг ишлаб чиқилмаганлигидадир.

Жиноятларнинг реал жами. Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда

¹ Малков В.П.Совокупность преступлений. Изд-во Казанского Университета 1974.С.146.

² Трайнин А. Н. Уголовное право. Общая часть М.: 1929. с. 370.

³ Исаев М.М. Назначения наказания присовокупности преступлений “Советская гюстиция” 1938. №18.

тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни турли вақтларда содир қилиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятларнинг реал жами деб топилади. Демак, жиноятларнинг реал жамида шахс турли вақтларда бир-бирига боғлиқ бўлмаган алоҳида-алоҳида мустақил жиноий қилмишларни содир этади. Бундай жиноятлар ЎзР ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар содир этилган ва бундай жиноятлар учун ЖКнинг 59-моддасида кўрсатилган қоидаларга асосланиб жазо тайинланадиган бўлиши керак.

Жиноятларнинг реал жамида аввал содир этилган жиноят билан кейинги содир этилган жиноят ўртасида қанча вақт ўтганлигининг аҳамияти йўқ. Бу вақт бир соат, бир неча соат, бир кун, бир неча кун, ой ёки йил бўлиши мумкин, яъни дастлабки содир қилинган жиноят билан кейинги содир қилинган жиноят ўртасида ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлиши керак.

Суд амалиётида кўриладики, бир неча жиноятларнинг асосий кўпчилик қисмини жиноятларнинг реал жами тарикасида содир этилган жиноятлар ташкил қилмоқда. Булар, айниқса ўғрилик, фирибгарлик, талончилик жиноятлари туркумида кўпроқ учрамоқда.

Жиноятларнинг идеал жамига нисбатан жиноятларни реал жамини квалификация қилиш анча осондир. Чунки, жиноятларнинг идеал жамида бир ҳаракат туфайли бир неча модда билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга тажовуз қилинади ва ана шу тажовуз қаратилган объектларни тўғри белгилаш ва ажратиб олиш, шунингдек, бу объектлар Жиноят кодексининг қайси моддаси билан кўриқланишини тўғри аниқлаш керак. Жиноятларнинг реал жамида эса алоҳида ҳаракатлар билан алоҳида-алоҳида жиноятлар содир этилганлиги боис уларни квалификация қилишда жиддий қийинчиликлар бўлмайди. Аммо айрим ҳолларда жиноят шундай содир қилинадики, улар ўртасидаги вақт жуда қисқа, бир жиноий ҳаракат иккинчи бир жиноий ҳаракатни содир қилишнинг воситаси бўлиб қолади. Ана шундай ҳолда қилмишни жиноятларнинг идеал жами деб топиш керакми ёки реал жами деб топиш керакми, деган муаммо келиб чиқади. Бунга судда кўрилган П. ва бошқаларнинг жиноий қилмишларини мисол тарикасида келтириш мумкин.

П. ва унинг шериклари С.нинг ҳовлисида «Жигули» автомашинасини ҳайдаб қочадилар. Машинани ҳайдаб қочиш вақтида уларда машина ва унинг қисмларини талон-торож қилиш

мақсади бўлмайди. Машинани анча вақт ҳайдаб юрганларидан кейин П.нинг таклифи билан магнитофони ва айрим қисмларини ечиб оладилар. Жиноят изларини йўқотиш мақсадида машинани ёқиб юборадилар.

Суд П. ва бошқаларнинг қилмишини ЎЗР ЖК 267-моддаси (транспорт воситасини ҳайдаб қочиш) нинг 2-қисми «б» банди, 169-моддасининг 2-қисми «в» банди ва 173-моддасининг (мулкни қасддан нобуд қилиш) 2-қисмининг «в» банди билан квалификация қилиб, ЖКнинг 59-моддаси қоидалари асосида жазо тайинлаган. П. ва бошқаларнинг қилмишларини жиноятларнинг идеал жами деб ҳисоблаш керакми ёки реал жами деб ҳисоблаш керакми? Бизнинг фикримизча, П. ва бошқаларнинг қилмиши жиноятларнинг реал жами деб ҳисобланиши керак. Чунки содир этилган ушбу жиноятлар бири-бири билан боғланган бўлсада, жиноятларнинг бажарилиши алоҳида-алоҳида ҳаракатлар орқали содир этилган.

Суд амалиётида давомли ёки узоққа чўзилган жиноятлар мобайнида яна бошқа бир жиноят содир этилади. Масалан, қонунга хилоф равишда қурол сақлаётган шахс бошқа бир шахснинг баданига шу қуролдан фойдаланиб оғир шикаст етказган бўлса, жиноятларнинг идеал жами дебми ёки реал жами деб ҳисоблаш керакми? Чунки, бундай ҳолда узоққа чўзилган жиноят билан баданга шикаст етказиш жиноятлари муайян вақт билан ажратилмаган. Бизнинг фикримизча ҳам бундай ҳолда жиноятларнинг реал жами деб ҳисобланиши керак. Чунки баданга шикаст етказиш давомли жиноят мобайнида содир этилган бўлсада, жиноий ҳаракатлар алоҳида-алоҳида содир этилган. Жиноятларнинг идеал жамида эса битта жиноий ҳаракат туфайли икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилган бўлиши керак.

ЎЗР ЖК 33-моддаси мазмунига кўра, ЖК Махсус қисми битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир қилиш ҳам жиноятларнинг реал жамини ташкил қилади. Юридик адабиётларда ўхшаш бўлган, аммо муайян модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг бири тамомланган, икинчиси эса тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёхуд иштирокчи деб жавобгарликка тортилган бўлса, жиноятларнинг реал жами деб эмас, балки такроран содир этилган деб ҳисоблаш кераклиги тўғрисидаги фикрлар ҳам йўқ эмас¹. Кўпчилик муаллифлар эса бундай фикрга қарши чиқиб, бундай ҳолда

¹ · Блум М.И. Понятия и признаки совокупности преступлений. - сб. Вопросы уголовного права и процесса. Рига, 1969 с.41.

жиноятларнинг реал жами деб квалификация қилиш кераклигини баён қиладилар¹. Биз ҳам иккинчи гуруҳдаги муаллифларнинг фикрларини тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1964 йил 25 мартдаги 7-сонли «Номусга тегиш ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги қарорининг 7-банди «Икки ёки ундан ортиқ номусга тегиш жиноятлари содир этилиб, улар номусга тегиш учун жавобгарликни белгиловчи моддасининг (118-модда) турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар бўлиб, бири номусга тегишга суиқасд қилиш ва иккинчиси тамом бўлган номусга тегиш бўлса, айбдорнинг ҳар бир ҳаракати алоҳида-алоҳида (жиноятларнинг реал жами тариқасида) квалификация қилиниши керак», деб тушунтириш берилган эди².

Бизнинг назаримизда, худди шунга ўхшаш тарзда жиноятларда айбланиб, жиноятларнинг бири учун шахс иштирокчи, иккинчиси учун бажарувчи деб квалификация қилинган тақдирда ҳам жиноятларнинг реал жами тариқасида квалификация қилиниши керак.

Жиноятларнинг идеал жами ва реал жами тариқасида квалификация қилишнинг фарқи йўқ экан, бир неча жиноятларни ана шу иккита турга ажратиб ўрганишнинг бирор аҳамияти борми? Бор.

Юридик адабиётларда жиноятларни турларга ажратиш тажрибаси ҳам мавжуд. Жиноятларнинг идеал жамида бундай бўлиш учрамайди.

А. М. Яковлев жиноятларнинг реал жамини иккита турга ажратади:

1) бир-бири билан маълум даражада боғлиқ бўлган жиноятларнинг реал жами;

2) бир шахс томонидан содир этилган, фақат содир этиш факти билан ўзаро боғлиқ бўлган жиноятларнинг реал жами³.

Жиноятларнинг реал жамининг биринчи турида содир этилган жиноятларнинг бири бошқа бир жиноятни содир қилишнинг шароити, воситаси, жиноят содир қилишнинг усули сифатида ёки улардан бири бошқасини яширишнинг воситаси ёки усули сифатида қатнашади. Жиноятларнинг реал жамининг иккинчи турида

¹ Малков В.П. Ўша асар. 198-199-бетлар.

² Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР. 1924-1986. М. 1987, с. 618.

³ Яковлев А.М. Совокупность преступлений по советскому уголовному праву, - М.: 1960, с. 82.

жиноятлардан бири иккинчисини содир этиш ёки яширишнинг воситаси ҳам, шароити ҳам, содир қилиш жойи, вақти жиҳатидан бир-бири билан боғланмаган бўлади. Масалан, ўғрилиқ қилган шахснинг яна бир безорилиқ жиноятини содир этиши. Бизнинг фикримизча, жиноятларнинг реал жамининг бундай бўлиниши амалий аҳамиятга эгадир. Айнан шундай бўлиниш мураккаб таркибли, мураккаб айбли жиноятларни жиноятларнинг жамидан фарқлаш имконини ҳамда жазони индивидуаллаштириш имконини беради.

Жиноятларнинг идеал жами бир ҳаракат билан содир этилганлиги туфайли ЎзР ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди. Жиноятларнинг реал жами эса турли вақтларда содир этилганлиги туфайли жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Жиноятларнинг идеал жами икки ёки ундан ортиқ жиноят бўлсада, бир ҳаракат орқали содир этилганлиги туфайли, шахс жиноятларни биринчи марта содир қилган ҳисобланади. Жиноятларнинг реал жамида эса олдин жиноят содир қилган шахс томонидан янги жиноят содир этилган, деб ҳисобланади.

Жиноятларнинг идеал жамида жиноятлар биринчи марта содир этилган деб ҳисобланганлиги туфайли, агар бунга асослар мавжуд бўлса, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги (65-модда), айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши; шахснинг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини йўқотиши (70-модда) ва чин кўнгилдан қилмишига пушаймон бўлганлиги муносабати билан (71-модда) ҳамда ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда) қўлланиши мумкин.

Жиноятларнинг реал жами эса оғирлаштирадиган ҳолатлар бўлганлиги туфайли, юқорида айтилган асосларга кўра, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш қўлланмаслиги мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, жиноятларнинг идеал жамида шахс биринчи марта жиноят содир этган, деб ҳисобланганлиги туфайли, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг шахси жиноятларнинг реал жами тариқасида содир қилган кишиларнинг шахсига нисбатан ижтимоий хавфлилиги камроқ ҳисобланади. Судлар айбдорларга жазо тайинлаш вақтида, албатта, юқорида айтилган ҳолатларни ҳисобга олади.

4-§. Рецидив жиноят

Амалдаги 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида рецидив жиноят тушунчасининг берилганлиги ва бу туркумдаги жиноятларни аниқ таснифланганлиги жиноят ҳуқуқида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексининг Умумий қисмида рецидив жиноят тушунчаси берилмаганлиги туфайли олимлар ушбу тушунчани турлича талқин қилиб келдилар.

ЎзР ЖК 34-моддасида рецидив жиноят учта туркумга бўлиниб таснифланди. Ушбу модданинг биринчи қисмида рецидив жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий умумий тушунчаси берилди. Унга кўра, «Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади».

Рецидив жиноят бир қанча жиноятлар тизимида энг хавфли шакли бўлиб, илгариги қасддан қилган жинояти учун шахс муайян турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир қилганликдан иборатдир. Рецидив жиноят тушунчаси жиноят-ҳуқуқий тушунча бўлиб, унга тўлароқ таъриф бериб, қуйидагича ифодалаш мумкин.

Шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Рецидив жиноят асосан учта аспектда ўрганилиб, булар:

- а) жиноят-ҳуқуқий аспектда;
- б) криминологик аспектда;
- в) пенитенциар аспектда.

Рецидив жиноятнинг жиноят ҳуқуқий, криминологик ва жиноят-ижроия ҳуқуқий (пенитенциар) тушунчалари бир-биридан фарқ қилади.

Жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят юридик факт сифатида ўрганилса, криминологияда ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ қилинади. Рецидив жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

- а) илгари жиноятнинг қасддан содир этилганлиги;
- б) илгари содир этилган жинояти учун шахснинг, албатта, судланганлиги;

в) кейинги жиноятнинг ҳам қасддан содир этилганлиги;

г) кейинги жиноятни, албатта, олдинги жиноят учун судланганидан кейин содир этилганлиги.

Қилмишда ана шу белгилардан биттасининг бўлмаслиги унинг рецидив жиноят эканлигини истисно қилади.

Рецидив жиноятнинг бир қанча жиноятларнинг бошқа шаклларида хавфлироқ эканлиги шундаки, олдинги қасддан қилинган жиноят учун жиноят ҳуқуқида назарда тутилган жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилганлиги билан ифодаланади. Шахснинг илгариги содир қилган жинояти учун жиноят қонунида назарда тутилган жиноий жазо деган мажбурлов чораси қўлланилганлигига қарамай, шахснинг ўз муаммоларини ҳал қилиш учун айнан жиноят йўлини танлаганлигидан далолат беради.

Рецидив жиноятнинг криминологик тушунчаси эса шахснинг қасддан қилган жинояти учун қонунларга мувофиқ ҳисобга олиш предмети сифатида рўйхатга олинганлигидан кейин қасддан янги жиноят содир қилишини назарда тутди. Криминология рецидив жиноятни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиб, рецидивист-ларнинг ахлоқий жиҳатдан анча тубанлашган, тарбиявий чораларни ўзига қабул қилиши анча қийин бўлган, уюшиб жиноят содир қилиши жиноят содир қилиш малакасининг анча пухта ва юқорилиги билан ифодаланади. Улар фақатгина судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир қилганлигининг ўзи билангина эмас, балки жамиятга хилоф бўлган **Ғайриқонуний** хулқни жамиятга сингдириб бориши, жиноий суб маданиятни жамиятда тарғиб қилиши, бу билан ахлоқий беқарор, маънавий қашшоқ шахсларга, айникса, ёшлар ичида рецидивистларга хос хулқни сингдириши билан ҳам юқори даражадаги ижтимоий хавфли кишилардир. Рецидив жиноят содир қилган шахс олдинги жинояти учун жазо тайинланиб, у жазо шахсга етарли даражада таъсир қилмай, яна жиноят йўлига ўтиб олади. Демак, унинг хулқининг ижтимоий хавфлилик даражаси ошиб кетган ва жамиятнинг бундай шахсларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлишини тақозо қилади ва янги қасддан содир қилган жинояти учун оғирроқ жазо чорасини қўллаш зарурати келиб чиқади. Рецидив жиноят содир қилган шахс, содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси билан диалектик боғлиқликда бўлади. Рецидив жиноят, албатта, илгариги жиноят учун судланганлик билан боғлиқ бўлиб, жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунга кўра, қайси ҳолларда қилмишни

рецидив жиноят деб ҳисоблаш масаласини тўғри аниқлаш кейинги жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда муҳимдир.

ЎзР ЖКнинг 34, 59, 60- ва бошқа бир қатор моддаларнинг мазмунидан келиб чиқиб қуйидаги ҳолларда рецидив жиноят содир этилган деб топилиши мумкин:

1) қасддан қилинган жиноят учун ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиш;

2) ҳукм қонуний кучга кириб, асосий ва қўшимча жазоларни ўтаб бўлмасдан қасддан янги жиноят содир этиш;

3) жазони ўтаб бўлганидан кейин судланганлик муддати ўтиб кетгунча ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир этиш;

4) шартли ҳукм қилиниб, синов муддати тугамасдан қасддан янги жиноят содир этиш;

5) жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахснинг жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этиш;

6) жазони енгилроғи билан алмаштирилган шахс енгилроқ жазони ўташ муддати мобайнида қасддан янги жиноят содир этиш;

7) шахсга нисбатан ҳукм чиқарилганидан кейин у ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб, ЖК 69-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса ва қасддан янги жиноят содир қилган тақдирда;

8) шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва амнистия акти орқали жазодан озод қилинган (агар амнистия актида жазодан озод қилиш билан бирга судланганлиги ҳам олиб ташланмаган бўлса) ва ЖК 78-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этиш;

9) шахс авф этиш асосида жазодан озод қилиниб, авф этиш билан бирга судланганлиги ҳам олиб ташланмаган бўлса ЖК 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этиш;

10) ЎзР ЖКнинг 70-моддасида шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш, 71-моддасида эса айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш назарда тутилган. Агарда шахс ана шу моддалар асосида жазодан озод қилинган бўлса ҳамда 69 ва 78-моддалар назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги

жиноят содир этилса, қилмиш рецидив жиноят деб ҳисобланадими? Бизнинг фикримизча, бундай ҳолда ҳам шахс судланган ҳисобланади ва қилмиш рецидив жиноят ҳисобланади. Чунки қонунда суд томонидан шахсни жазодан озод қилишнинг ўзи назарда тутилиб, жазодан озод қилиш билан бирга судланганлигини ҳам олиб ташлаш назарда тутилмаган, суд судланганликнинг олиб ташлаш масаласини фақат ЖКнинг 79-моддасида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолдагина ҳал қилади. Ана шу айтилганларга кўра, ЖКнинг 70 ва 71-моддалари асосида жазодан озод қилинган шахслар 78-моддада назарда тутилган муддатлар мобайнида қасддан янги жиноят содир қилган тақдирда ҳам рецидив жиноят содир қилинган деб топилади¹.

Судланганлик муддати давомида қасддан янги жиноят содир этилган қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш учун қандай турдаги жазога ҳукм қилинганининг аҳамияти йўқ. Аммо шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш масаласини ҳал қилишда суд фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганликни ҳисобга олади. Демак, судланганлик муддати шахснинг қандай турдаги жазога ҳукм қилингани билан боғлиқ бўлса, рецидив жиноят деб ҳисоблаш масаласи ЖК 43-моддасида назарда тутилган жазолардан бирига ҳукм қилиниб, шу жазони ўташ вақтида ва жазони ўтаб бўлганидан кейин ЖК 78- моддасида назарда тутилган муддатлар мобайнида қасддан янги жиноят содир қилишдан иборат.

Содир этилган жиноятни рецидив жиноят деб ҳисоблаш учун қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасининг ҳам аҳамияти йўқ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 34-моддасининг мазмунига кўра, қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблашда субъектнинг неча ёшдалигини, яъни вояга етган ёки етмаганлигининг ҳам аҳамияти йўқ. Лекин ўта хавфли рецидив жиноят содир қилинган деб топиш масаласи, шахснинг фақат ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилганлиги ва албатта, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлигини ҳисобга олиб, ҳал қилинади.

Жиноятни рецидив жиноят деб ҳисоблаш масаласи, албатта, судланганлик билан боғлиқ экан, шахсни қачондан бошлаб судланган, деб ҳисоблаш керак? ЎзР ЖК 77-моддаси иккинчи қисмида «Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган, деб ҳисобланади», дейилади. Агар

¹ Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. - Т. “Янги аср авлоди”. 2001, 24-бет.

ана шу қоидага асосланадиган бўлса, ҳукм чиққанидан то ҳукм қонуний кучга киргунча бўлган вақтда содир этилган жиноятни рецидив жиноят деб ҳисоблаш керакми ёки йўқми, деган ҳақли савол туғилади. Бу масалада ҳам юридик адабиётларда ягона бир фикр билдирилмаган. Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34 ва 60-моддаларининг мазмунини таҳлил қилишдан жиноятни такроран қилинган ёки жиноятлар жамидан иборат деб ҳисоблаш билан рецидив жиноят деб ҳисоблашнинг чегараси ҳукмни эълон қилиш вақти ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин. Чунки ЖК 60-моддасининг 1-қисмида «Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади», дейилади. Демак, шахснинг қасддан қилган жинояти учун жиноий жазо сифатидаги таъсир чораси қўлланилганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят ҳисобланар экан, қилмишни рецидив жиноят деб топиш масаласи аввалги жиноят учун ҳукм чиқарилганидан кейин содир этилган жиноятларга нисбатан, судланганликни ҳисоблаш масаласи эса ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Бундан ташқари, ЖК 34-моддасининг 1-қисмида қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш қасддан содир этилган жиноят учун ҳукм қонуний кучга кирган кундан эмас, балки судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этишни назарда тутлади.

Юқорида баён қилинганлар рецидив жиноятнинг умумий тушунчасига тегишли бўлган қоидалар бўлиб, ЎзР ЖКнинг 34-моддасида рецидив жиноятнинг учта тури назарда тутилган бўлиб, булар:

- 1) умумий рецидив жиноят;
- 2) хавфли рецидив жиноят;
- 3) ўта хавфли рецидив жиноят.

Умумий рецидив жиноят — шахс илгари содир қилган жинояти учун судланганидан кейин Махсус қисмнинг бошқа бир моддасида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этишидир. Умумий рецидив жиноятни ҳам ўз навбатида иккига бўлиш мумкин:

- 1) оддий рецидив жиноят;
- 2) мураккаб рецидив жиноят.

ЎзР ЖК 34-моддасининг 1-қисми ана шу рецидив жиноятнинг иккита ҳолатини назарда тутган.

Оддий рецидив жиноят — шахснинг олдинги биринчи марта қасддан содир этган жинояти учун у жиноятга ўхшаш бўлмаган бошқа моддада назарда тутилган жиноятнинг содир қилишидир. Масалан, баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини содир қилганлиги учун судланганидан кейин ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш жиноятини содир қилиши. Мураккаб рецидив жиноят эса шахснинг ҳар хил жинояти учун олдин камида икки марта судланганидан кейин олдингиларига ўхшамаган жиноятни қасддан содир қилишидир.

Умумий рецидив жиноятни ана шу иккита турга бўлишнинг амалий аҳамияти борми? Уларни квалификация қилишда (агар мураккаб рецидив жиноятни ўта хавфли рецидив жиноят деб топишга асослар бўлмаса) фарқ йўқ. Аммо суд жазо тайинлашда албатта, ҳисобга олиши керак.

Оддий ва мураккаб рецидив жиноятнинг хусусияти шундаки, олдинги қасддан қилган жинояти учун судланганлик, кейинги қасддан содир этилган жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди, фақат суд жазо тайинлашда ЎЗР ЖК 56-моддаси 1-қисмининг «н» бандига асосланган ҳолда жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Хавфли рецидив жиноят — ЖК 34-моддаси 2-қисмининг мазмунига кўра, хавфли рецидив жиноятни икки турга бўлиш мумкин:

- 1) илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир этиш;
- 2) Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши.

Илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир қилиш деган тушунча шундан иборатки, шахс илгари қасддан содир қилинган жинояти учун судланганидан кейин айнан ўша моддада ёки модданинг муайян қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этиш тушунилади.

Бундан олдинги ҳукм бўйича айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг айнан битта қисмида назарда тутилган жиноятнинг содир этилганлиги шарт эмас. Муҳими олдинги ҳукм бўйича жавобгарликка тортилган модданинг бирор қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги етарли. Масалан, шахснинг олдинги ҳукм бўйича содир қилган жинояти ЎЗР ЖК 169-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилинган бўлиб,

шахсининг кейинги жинояти ЖКнинг 169-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят эди. Демак, кейинги жинояти ЎзР ЖКнинг 169-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят бўлишига қарамай, содир этилган жиноят хавфли рецидив жиноят деб ҳисобланиб, **шахс яна 169-модданинг бирор қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилса** 169-моддасининг 3-қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Жиноят кодекси Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳукм қилинган шахсининг қасддан янги жиноят содир этишини хавфли рецидив жиноят, деб ҳисоблаш кераклиги тўғрисидаги норма Жиноят кодексининг бир қанча моддаларида назарда тутилган. Жумладан, 104-модда учинчи қисмининг «б» банди, 105-модданинг иккинчи қисмининг «к» банди, 118-модданинг иккинчи қисмининг «б» банди, 164-модданинг учинчи қисмининг «а» банди ва ҳоказолар.

Масалан, ЎзР ЖК 105-моддаси иккинчи қисмининг «к» бандида белгиланишига кўра, илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс ўша жиноятларнинг қайси бири билан олдин судланиб, судланганлик муддати ўтмасдан яна қасддан 105-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилса, бу жиноят хавфли рецидив жиноят деб ҳисобланиб, ЖК 105-моддасининг иккинчи қисми «к» банди билан жавобгар қилинади. Жазо тайинлаш масаласи эса ЖКнинг 60-моддаси қоидалари асосида ҳал қилинади.

Хавфли рецидив жиноят деб ҳисоблашнинг ушбу қоидаси фақат ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган бўлсагина қўлланади.

ЎзР ЖК 34-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра, қилмишни хавфли рецидив жиноят деб, шахсни эса хавфли рецидивист деб ҳисоблашда шахсининг вояга етган ёки вояга етмаганлигининг, шунингдек, қандай турдаги жазога ва қанча муддатга ҳукм қилинганлигининг аҳамияти йўқ. Муҳими, шахс қонунда белгиланган субъект ёшига етганлигининг ўзи етарлидир.

Шахсни хавфли рецидивист деб ҳисоблашда олдинги ҳукм бўйича қандай турдаги жазога ҳукм қилинганлигининг ҳам аҳамияти йўқ. Айтайлик, 14,5 ёшли вояга етмаган ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги учун муайян

миқдордаги жаримага ҳукм қилинган, жаримани тўлаган кундан бошлаб, бир йил ўтмасдан яна ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилса, бу қилмиш энди хавфли рецидив жиноят, шахс эса хавфли рецидивист деб ҳисобланади.

Шахсни хавфли рецидивист деб топишни суд ҳал қилмайди, балки қонуннинг ўзида белгилаб қўйилган асосларга кўра, шахс хавфли рецидивист деб ҳисобланади.

ЎзР ЖК 34-моддасининг учинчи қисмида белгиланишига кўра, «Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олинishi мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муддатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун ЎзР ЖК 34-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган асосларнинг мавжуд бўлишининг ўзи етарлидир.

Шахсни хавфли рецидивист деб ҳисоблаш масаласи қонунда белгилангани бўйича ҳал қилинаверса, ЎзР ЖК 34-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган асосларга биноан, ўта хавфли рецидивист деб топиш масаласини фақат суд ҳал қилади. Ўта хавфли рецидив жиноят содир қилинганлиги муносабати билан шахсни ўта хавфли

рецидивист деб топилганлиги унинг фуқаро сифатидаги мақоми (статуси)ни маълум даражада ўзгартиради.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун қонунда белгиланган қуйидаги шартларнинг бўлиши талаб қилинади:

а) содир қилинган оғир ва ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилишнинг миқдори билан белгиланганлиги;

б) содир қилинган ҳар бир жиноят учун ҳар сафар тайинланган озодликдан маҳрум қилиш муддатининг беш йилдан кам бўлмаслиги;

в) шахсни ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги уни ўта хавфли рецидивист деб топишда ҳисобга олинмайди.

г) олдинги оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетмасдан содир қилган оғир ёки ўта оғир жиноятигина шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишга асос бўлади.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш масаласини ҳал қилаётганда суд томонидан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиш керакми ёки жазонинг ҳақиқатда ўтаб бўлинган миқдордан келиб чиқиш керакми, деган савол туғилади. ЖК 34-моддасининг мазмунига кўра, суд шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш масаласини ҳал қилиш вақтида шахснинг оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган жазонинг ўталган қисмидан эмас, балки суд томонидан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқади. Масалан, айтайлик, суд шахсга нисбатан қасддан қилган оғир жинояти учун олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлаган ва шахс ЖК 73-моддаси асосларида муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиниб, жазонинг ўталган қисми беш йилдан кам бўлса, бундай ҳолда ҳам шахснинг бу жинояти учун суд тайинлаган озодликдан маҳрум қилишнинг муддатидан келиб чиқиши керак.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлат судларининг ҳукми бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олинади. Лекин бошқа давлатда содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлиши билан бирга, айбдор беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлиши керак.

ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида ўша жиноятни ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун

жавобгарликни белгиловчи норма билан квалификация қилиш учун шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлиши керак.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги унинг фуқаро сифатидаги мақоми (статуси)ни маълум даражада ўзгартиради. Буни қуйдагиларда кўрсатиш мумкин:

а) улар озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ кузатув (назорат) ўрнатилган махсус тартибли колонияда ўтайдилар;

б) озодликдан маҳрум қилишни ўташ мобайнида бундай жазони ўтаётган бошқа маҳкумларга хос бўлмаган, Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган махсус чеклашлар қўлланади;

в) ўта хавфли рецидивист эканлиги ва судланганлик муддати ўз-ўзидан бекор бўлмайди. Уларнинг ўта хавфли рецидивист эканлигини ва судланганлигини фақат ЎзР ЖКнинг 79-моддасида белгиланган тартибда суд олиб ташлаши мумкин.

Агарда шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишга тўла асослар бўлгани ҳолда айрим сабабларга кўра, (хатога йўл қўйилганлиги ёки бошқа сабаб туфайли), суд шахсни ўта хавфли рецидивист деб топмаган бўлса, ўта хавфли рецидивистга хос бўлган жиноят-ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқмайди.

12-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ.

1. Бир қанча жиноят содир этиш деганда нимани тушунасиз?
2. Амалдаги Жиноят кодексида бир қанча жиноятларнинг қандай турлари назарда тутилган?
3. Давомли ва узоққа чўзилган жиноятларнинг бир қанча жиноят содир этишдан қандай фарқлари бор?
4. Такроран жиноят содир этиш деб нимага айтилади ва қандай ҳолатлар такроран жиноят содир этиш деб топилади?
5. Жиноятлар мажмуи (жами) деб нимага айтилади?
6. Жиноятларнинг идеал жами ва реал жами нима? Уларнинг ҳуқуқий аҳамияти нимада?
7. Рецидив жиноят деб нимага айтилади?
8. Хавфли рецедив жиноят деб топишнинг шартларини айтинг?
9. Ўта хавфли рецидив жиноят деб топишнинг шартларини айтинг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА БУ БОБНИ ЧУҚУРРОҚ ЎРГАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. В.И.Ткаченко. Множественность преступлений. Уголовное право РФ. М: “Юристь”, 2001.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997. Т: 1997, 44-45- бетлар.
3. Жиянов М.Х. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик. Фарғона. 2002.
4. Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. Т: “Янги аср авлоди”, 2001.
5. Т.Чернова. В.Малков. Назначение наказания по совокупности приговоров. “Российская юстиция”, 2001. №8, ст.68.
6. А.Васецов. Неоднократность, судимость и совокупность при квалификации хищения. “Российская юстиция”, 2001. №9, ст.59.
7. Ю.И.Бытко. Учение о рецидиве преступлений в Российском уголовном праве. Саратов, 1998.
8. В.М.Рябцев. В.М.Ведяхин. Многофакторный регрессионный анализ причин территориальной дифференциации преступности. “Государство и право”. 2000. №7, ст-49.
9. Курс уголовного право. Под ред. Н.Ф.Кузнецова, И.М.Тяжкова. Т.1. М: “Зерцало”, 1999.

УЧИНЧИ БЎЛИМ.
**ХШ БОБ. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ
ИСТИСНОҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР**

**1-§. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган
ҳолатлар тушунчаси ва турлари**

Ижтимоий муносабатларни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш давлатнинг, жамоат ташкилотларининг ва барча фуқароларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш, бурчига садоқат, ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ тартиботни сақлашнинг, жамиятда осойишталикни таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган жиноий тажовузлардан, шунингдек, жиноят ҳисобланмаган, аммо жамият учун ижтимоий хавфли ҳисобланган (ақли норасолар, жиноят субъекти ёшига етмаганлар, табиий офатлар) тажовуздан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ўз хизмат вазифаси юзасидан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш топширилган шахслар (ички ишлар ходимлари, ҳарбий хизматчилар)нинг мажбурияти ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли ҳисобланмаган қилмишларда жиноят таркиби ҳам бўлмайди, ундай қилмишлардан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш зарурияти ҳам келиб чиқмайди.

Маълумки, содир этилаётган ва содир этилган оғир ва ўртача оғир жиноят ҳақида тегишли давлат идораларига хабар бериш ҳар бир фуқаронинг мажбурияти ҳисобланиб, шахс бу мажбуриятини бажармаса, унга нисбатан қонунда белгиланган тартибда санкция қўлланади (ЎзР ЖК 241-моддаси).

Ижтимоий муносабатлар хавф остида қолган ва бу ижтимоий муносабатни дарҳол ҳимоя қилиш зарурати келиб чиққан бўлса, ҳар бир фуқарога хавфни бартараф қилиш орқали ижтимоий муносабатни ҳимоя қилиш бурчи юклатилган. Муайян шахс ёки бошқа хавф манбаи томонидан ижтимоий муносабатга моддий ёки жисмоний зарар етказиш хавфи вужудга келтирилганда ушбу хавфни бартараф қилиши жараёнида шахсга ёки бошқа бир ижтимоий муносабатга зарар етказилиши мумкин. Ана шу етказилган моддий ёки жисмоний зарар ЎзР ЖК Махсус қисмининг бирор моддасида назарда

тутилмаган жиноятга формал жиҳатдан ўхшасада, аммо ижтимоий хавфли ҳисобланмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди.

Ижтимоий муносабатга зарар етказиш хавфи вужудга келганда, бундай хавфни бартараф қилиш жараёнида шахсга ёки ижтимоий муносабатга зарар етказиш фақат жиноят ҳисобланмай, балки ижтимоий фойдали, жамият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳамдир. Чунки бундай зарар давлат, жамоат ёки фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тажовузчига нисбатан хавф манбаини бартараф қилиш мақсадида қўлланилади.

Жиноятчиликка қарши кураш усулларида бири жиноят содир қилган шахсларни суд таъқиби орқали жиноий жавобгарликка тортишдир. Айнан ана шундай шахслар суд таъқибидан қочиб кетмоқчи ёки жиноий фаолиятини давом этирмоқчи бўлган тақдирда уларни ушлаш вақтида жисмоний ёки моддий зарар етказилиши мумкин. Тажовузчига бундай зарар етказиш уни ушлашнинг зарурий чораларидан бири бўлса, жиноят ҳисобланмайди.

Айрим ҳолларда енгиб бўлмайдиган жисмоний ёки руҳий зўрлик таъсирида шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир қилиб кўяди. Бундай ижтимоий хавфли қилмиш шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаганлиги туфайли бундай қилмишларда ҳам жиноят таркиби бўлмайди.

Ишлаб чиқаришнинг борган сари кенгайиб, йириклашиб, бораётганлиги, қудратли энергия манбаларининг яратилганлиги, фан-техника тарққиётини янада жадаллаштириш талаблари жиддий тажриба ва синовлар ўтказилишини талаб қилади. Бундай тажриба ва синовлар маълум даражада таваккалчилик қилишни тақозо қилади. Ана шундай тажрибалар, таваккал қилишлар муайян хавф манбаи ҳам бўлиши, ёки кўп миқдордаги моддий маблағларни сарф қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо бундай таваккалчилик кўзланган натижани бермаса, лекин таваккал қилиш ижтимоий фойдали мақсадга қаратилган бўлса, таваккалчилик асосли бўлса, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилган тақдирда ҳам жиноят ҳисобланмайди.

Юридик адабиётларда қандай қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига кириши кераклиги ҳақида олимлар турли-туман фикрларни билдирганлар.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексига қилмишнинг жиноий-лигини

истисно қиладиган ҳолатларнинг турлари аниқ белгилаб кўйилиб, бундай тортишувларга чек қўйди.

ЎзР ЖКнинг 35-моддаси биринчи қисмида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси биринчи марта берилди. Унда «Қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, **Ғайриқонуний** ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади».

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг барчаси учун бу тушунча умумий бўлиб, қилмиш:

А **Ғайриқонуний** бўлмаслиги; б) ижтимоий хавфли бўлмаслиги; в) қилмишда шахснинг айби бўлмаслиги керак. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб топиш учун ана шу белгиларнинг барчаси бир вақтда бўлиши шарт бўлмай, ушбу белгилардан бирининг мавжудлигининг ўзи етарлидир.

ЎзР ЖК 35-моддасининг 2-қисмида қуйидаги ҳолатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб кўрсатилган; а) кам аҳамиятли қилмишлар; б) зарурий мудофаа; в) охири зарурат; г) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; д) буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; е) касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик.

Ушбу қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилиш уларнинг юридик табиатидадир. Улар фақатгина қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазоворлигини истисно қилибгина қолмасдан, қилмишда жиноят таркиби ҳам бўлмайди. Демак, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар бевосита жиноят таркиби билан боғлиқдир. Яъни ё қилмишда шахснинг айби бўлмайди. Айб жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгисидир. **Ёки** қилмиш ижтимоий хавфли бўлмайди. Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг энг муҳим белгиларидан биридир. **Ёхуд** истисно қиладиган қилмишлар қонунга хилоф бўлмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди.

Ана шу айтилганларга кўра, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар жиноят таркибининг бирор томони (элементи) ёки белгисининг бўлмаслиги туфайли истисно қиладиган ҳолат ҳисобланади. Шунга кўра, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг юридик табиатини аниқлаш, ушбу институтнинг жиноят ҳуқуқи тизимидаги аҳамияти ва ўрнини

белгилаш имконини беради. Ҳар бир фуқарога ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради. Чунки ижтимоий манфаатлар фақатгина бир ёки бир неча кишининг манфаатлари бўлмасдан, бутун жамият манфаатларидир.

2-§. Кам аҳамиятли қилмишлар

ЎзР ЖКнинг 36-моддасига кўра, «Гарчи Жиноят кодексида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди.

1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексида кам аҳамиятли қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тизимида берилмай, ўша Кодекснинг жиноятнинг тушунчаси берилган моддасида (7-моддаси 2-қисмида) кам аҳамиятли қилмишларнинг жиноят ҳисобланмаслиги тўғрисида айтилган эди. Амалдаги Жиноят кодексида кам аҳамиятли қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тизимида берилди.

Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, кам аҳамиятли қилмишларни жиноят деб ҳисоблаш учун етарли даражада ижтимоий хавфлиликка эга бўлмайди. Айнан ана шу етарли даражада ижтимоий хавфлиликка эга бўлмаслиги унинг жиноийлигини истисно қилади. Кам аҳамиятли қилмишларнинг қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг бошқа турларидан фарқи шундаки, қилмишда жиноят таркибининг айблилиги ва ҳуқуққа хилофлиги белгилари мавжуд бўлади. Аммо айбнинг мазмуни қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш хусусиятига эга бўлмаганлиги ёки етказилган зарар оз миқдорда эканлиги билан ифодаланади.

Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги қилмишнинг хусусияти, содир этиш шароити, зарарли оқибатнинг жабрланувчи ҳаётида деярли аҳамиятга эга эмаслиги, субъектнинг мақсади жабрланувчига жиддий зарар етказиш мақсадининг йўқлиги ва ҳоказоларни аниқлаш орқали белгиланади. Демак, қилмишнинг кам аҳамиятлилиги индивидуал равишда аниқланади. Масалан, ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасида оз миқдордаги мулкни мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкни ўғрилик, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан

оз миқдорда талон-торож қилинган бўлса, қилмиш жиноят ҳисобланмай, айбдор маъмурий жавобгарликка тортилади. Талон-торож қилинган мулкнинг қиймати белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдорда қилинган деб топилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ушбу қоида жисмоний шахсларнинг, тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахсларнинг мулкни талон-торож қилишга нисбатан қўлланмайди.

Жабрланувчига етказилган зарарнинг оз миқдорда деб ҳисоблаш учун зарарнинг жабрланувчи учун аҳамиятини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Масалан, боғдан бир ёки икки кило мева ўғрилаш ҳаракатларида, ўғрилик жиноят таркибининг барча белгилари бўлсада, жабрланувчига етказилган зарарнинг миқдори оз бўлганлиги учун қилмишни кам аҳамиятли деб топиш мумкин.

Қилмишни кам аҳамиятли деб топишда шахснинг мақсади ҳам ҳисобга олинади. Масалан, шахс анча миқдордаги мулкни талон-торож қилишни мақсад қилган, аммо ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, етказилган зарар оз миқдорни ташкил қилса, кам аҳамиятли қилмиш ҳисобланмай Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Қилмишни кам аҳамияти деб топиш масаласи ҳал қилинаётган вақтда жиноят содир қилиш усули, мотиви ва мақсади айби даражаси ҳисобга олинади. Аммо айбдорнинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарни ўз ихтиёри билан қоплаганлиги, турмуш тарзи, оилавий аҳволи ва ҳоказо ҳолатлар қилмишни кам аҳамиятли деб топиш вақтида қилмишни жиноят деб ёки кам аҳамиятли деб топишда ҳисобга олинмайди. Кам аҳамиятли қилмиш туфайли етказилган зарарни қоплаш учун кўп куч ва харажатлар талаб қилинмайди.

3-§. Зарурий мудофаа

ЎзР ЖКнинг 37-моддасига мувофиқ зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш

чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

ЎзР ЖКнинг 2-моддасида белгиланишига кўра, жиноят қонунининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриқлашдан иборатдир. Уларни ҳар қандай тажовузлардан кўриқлаш эса ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир.

ЎзР Конституциясининг 47-моддасида «Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар» дейилади. Зарурий мудофаа ҳолатида қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга қилинган тажовузлардан уларни ҳимоя қилиш фуқароларнинг бурчидир. Шунингдек, Конституциянинг 27-моддасида ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади. Шунга кўра, мудофааланув-чининг ёки бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини зарурий мудофаа ҳолатида ҳимоя қилиш чоғида тажовузчига зарар етказилса, агар мудофааланувчи зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган бўлса жиноят ҳисобланмайди.

Инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлигига қарши қилинган жиноий тажовузлардан ҳимояланиш инсоннинг бевосита ҳуқуқи ҳисобланади. Шунга кўра, шундай тажовузлардан зарурий мудофаа ҳолатида ҳимояланиш туфайли тажовузчига зарар етказиш ижтимоий хавфли ҳисобланмайди. Аксинча, юқорида таъкидлаганимиздек конституциявий бурчи ҳисобланади.

Зарурий мудофаанинг қонуний ҳаракат эканлиги фуқаролар-нинг жиноятчиликка қарши фаол кураш олиб боришнинг самарали усулидан бири ҳисобланади.

Айтиш керакки, айрим ҳолларда жиноятчига жинояти учун жазоланишга нисбатан зарурий мудофаа ҳолатида унга зарар етказиш хавфлироқдир. Чунки жабрланувчига (мудофааланувчига) ҳеч қандай зарар етказилмагани ҳолда жиноятчига нисбатан оғир оқибатли зарар (масалан, баданига оғир шикаст) етказилиши мумкин. Жиноий тажовуз қилиш вақтида ўлдириб қўйиш ёки баданига оғир шикаст етказиш унинг учун кўрқинчлироқдир.

Шахсларда зарурий мудофаа ҳуқуқининг мавжудлиги, фуқароларда ҳар қандай жиноий тажовузларга муросасизлик, ўзининг фуқаровий бурчини бажараётганлигини ҳис қилиш, эзгулик учун

ҳаракат қилаётганлигидан фахрланиш каби сифатларнинг турғун ҳолда киши шахсида шаклланишининг муҳим омили ҳамдир.

Демак, зарурий мудофаа ҳолатида ҳаракат қилаётган шахс ўзининг ижтимоий бурчини бажараётган ҳисобланади.

Маълумки, жинойт қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар қонун ҳимояси остида бўлади. Тажовузчига нисбатан зарурий мудофаа акти қўлланган вақтда (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаган бўлса) унинг ҳаёти, соғлиги, мулки қонун ҳимоясидан чиқарилади. Тажовуз вақтида унга етказилган зарар **Ғайриқонуний** ҳисобланмайди, қонун билан кўриқланадиган объектлар доирасидан чиқарилади.

Қонун мазмунига кўра, зарурий мудофаа фаол ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Қонунда белгиланишига кўра, бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда (масалан, қочиб кетиш орқали) қутилиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, зарурий мудофаа актини қўллаш мудофааланувчига тегишли ҳуқуқдир. Ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, зарурий мудофаа актини қўлламаган кишининг ҳаракатларини жамият ҳам, кишилар ҳам маъқулламайди. Аммо зарурий мудофаа актини қўлламаганлик учун жавобгарлик белгиланмаган ва белгилаш ҳам мумкин эмас. Чунки зарурий мудофаа актини қўллаш мудофааланувчининг ҳаёти ёки соғлигини жиддий хавф остига қолдириб таваккал қилиш билан боғлиқдир. Зарурий мудофаа фаол ҳаракатлар билан тажовузни бартараф қилишга қаратилган.

Зарурий мудофаа ҳуқуқи барчага бирдай тегишлидир. Ҳар бир шахс у ким бўлиши, қандай вазифани бажариши, қандай мансабни эгаллаб турганлигидан қатъи назар, ўзини, бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан зарурий мудофаа актини қўллаб ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир. Шунга кўра, зарурий мудофаа ҳуқуқи милиция ходимларига, жазони ижро этиш муассасаларининг ходимларига, ҳарбий хизматчиларга ва бошқа махсус вазифаларни бажарувчи шахсларга ҳам тегишлидир. Улар жиддий тажовузлардан қурол ишлатиш орқали зарурий мудофаа актини қўллашлари ҳам мумкин.

Кўпчилик фуқаролар учун зарурий мудофаа актини қўллаш уларнинг шахсий ҳуқуқлари ҳисобланади. Бундай ҳуқуқдан фойдаланишни рад қилиш ёки фойдаланишдан воз кечиш ахлоқан қораланишга сабаб бўлади ҳолос. Хизмати ёки бажараётган вазифаси

туфайли зарурий мудофаа актини қўллаш мажбурияти юклатилган шахслар бундай мажбуриятларини бажармасалар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Зарурий мудофаани қўллашнинг асослари қуйидагиларда ифодаланади:

1) зарурий мудофаа актини қўллаш учун тажовуз ижтимоий хавфли бўлиши керак;

2) тажовуз мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларига, давлат ёки жамият манфаатларига қарши қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 37-моддаси-нинг мазмунига кўра, тажовуз шахсга, яъни мудофааланувчининг ўзига ёки бошқа шахсларга, уларнинг ҳуқуқларига қарши ёки жамият ёхуд давлат манфаатларига қарши қаратилган бўлиши мумкин. Шахсларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҮII бобида баён қилинган. Конституциянинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», дейилади. 25-моддасида эса «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» дейилади. Демак, ана шу Конституциявий ҳуқуқлардан зарурий мудофаа ҳолатида ҳимояланиш ҳуқуқи ҳар бир кишига тегишлидир.

Ижтимоий хавфли тажовуз жиноий ҳаракат бўлиши ёки жиноят ҳисобланмаган ижтимоий хавфли қилмиш бўлиши мумкин. Ақли норасо ёки жиноят субъекти ёшига етмаган шахсларнинг тажовузи ижтимоий хавфли ҳисобланади, аммо жиноят ҳисобланмайди. Уларнинг ижтимоий хавфли қилмишларига ҳам зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин.

Фақат қасддан қилинадиган қилмишларгагина зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин. Аммо ҳар қандай қасддан қилинадиган қилмишларга нисбатан зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин бўлмайди. Масалан, қасддан қилинадиган товламачилик билан пора олиш, контрабанда, ёлғон кўрсатув бериш ва ҳоказо жиноятларга нисбатан зарурий мудофаа актини қўллашнинг иложи бўлмайди. Зарурий мудофаа фаол ҳаракатлар билан тажовуз қилинаётган қилмишларга, масалан, одам ўлдириш, баданига шикаст етказиш, номусга тегиш ва ҳоказо зўрлик ишлатиш билан содир этиладиган жиноятларга нисбатан қўлланиши мумкин. Фақат ҳаракат билан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишгагина зарурий мудофаа

қўлланиши мумкин. Ҳаракатсизликдан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан зарурий мудофаа акти қўлланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарорининг биринчи бандида, «...судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уни содир этган шахснинг жавобгарликка тортилганлиги ёки руҳий касаллик туфайли, жиноий жавобгарлик ёшига тўлмаганлиги сабабли ва бошқа асосларга кўра жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 37-моддаси доирасида ҳимояланишига асос берувчи ижтимоий хавфли тажовуз деб ҳисобланади», дейилади¹.

Ижтимоий хавфлиликка кўра, кам аҳамиятли ҳисобланган қилмишларга нисбатан зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин эмас. Масалан, полздан бир ёки икки дона қовун, боғдан оз миқдорда олма ўғирлагани учун жабрланувчининг баданига шикаст етказиш зарурий мудофаа ҳисобланмай, умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Аммо жиноят ҳисобланмай маъмурий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган қилмишга нисбатан зарурий мудофаа актини қўлласа бўлади. Масалан, жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ бўлган қилмишга нисбатан зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин.

Эр-хотин А. ва С.лар хиёбонда кетаётганларида Б. исмли маст ҳолдаги шахс А.нинг хотини С. га тегажқлик қила бошлайди, турли таклифлар қилиб аёлни қўлидан ушлаб торта бошлайди. Шунда А.Б.нинг кўкрагидан итариб юборади. Б. мувозанатини йўқотиб йиқилади ва бир қўл суяги синади. Суд А. зарурий мудофаа ҳолатида бўлган деб топади ва А.га нисбатан қўзғатилган ишни бекор қилади.

Зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шарт (белги)лари қуйидагилардир:

- 1) зарурий мудофаа фақат ҳаракат орқали содир этилади;
- 2) зарар фақат тажовузнинг ўзигагина етказилади;
- 3) жиноятга суиқасд қилиш вақтида охирига етказилмаган вақт ичидагина зарурий мудофаа қўлланиши мумкин;
- 4) зарурий мудофаанинг мақсади тажовузни бартараф қилишга қаратилган бўлади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1997 Т., «Шарқ», 1996, 69- бет.

5) хужум ва мудофаанинг характери бир-бирига мувофиқ бўлиши керак.

Зарурий мудофаа фақат ҳаракат орқали содир қилинади. Ҳаракатсизликдан зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин бўлмайди. Ўз мазмунига кўра, зарурий мудофаа туфайли тажовузчига жисмоний ва мулкӣ зарар етказилиши мумкин. Жисмоний зарар тажовузчининг баданига шикаст етказишда, мулкӣ зарар эса тажовузчининг мулкига зарар етказиш ёки мулкни нобуд қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Автобус бекати яқинида яшовчи С. маст ҳолда автобус бекатида безорилик ҳаракатларини содир қила бошлайди. Милиция ходими Б. С. дан безорилик ҳаракатларини тўхтатишни талаб қилади. Бунга жавобан С. милиция ходимини сўқиб, ҳақорат қилади ва уйига кириб қопоғон итини қўйиб юборади. Милицияга ташланган итни ўзига биркитилган тўппончадан отиб ташлайди. Б. зарурий мудофаа ҳолатида С. нинг мулкни (ити) нобуд қилади.

Зарар фақат тажовузчининг ўзигагина етказилади. Зарурий мудофаа актини қўллаш вақтида учинчи шахсга нисбатан зарар етказилмайди. Агар зарурий мудофаа актини қўллаш вақтида учинчи шахсларга зарар етказилса жавобгарлик умумий асосларга биноан, айбининг хусусиятига қараб ҳал қилинади.

Мудофаа тажовуз бошланганидан жиноят охирига етказилмасдан қўлланилган бўлса, қонуний ҳисобланади. Тажовуз тугаганидан кейин мудофаани давом эттиришни зарурий мудофаа деб топилмайди. Яъни зарурий мудофаани фақат жиноий ҳаракат бошланган вақтдан охирига етказилгунча бўлган вақт мобайнидагина қўллаш мумкин. Жиноятга тайёргарлик кўриш вақтида зарурий мудофаа актини қўллашнинг мумкин эмаслиги, аввало жиноий ҳаракат ҳали бошланмаган ва бу босқичда жиноий қилмишни зарурий мудофаа актини қўллашда бошқа чоралар орқали жиноятнинг олдини олиш учун тўла имкониятлар бор. Зарурий мудофаа эса қонуний ҳаракат ҳисоблансада тажовузчига жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилиши мумкин. Шунингдек, жиноят охирига етказилган тақдирда ҳам зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин бўлмайди. Чунки бу вақтда жиноий ҳаракат охирига етказилган, жиноий оқибат юз берган бўлади. Тугаган тажовузга нисбатан зарурий мудофаани қўллаш мумкин бўлмайди. Тугаган тажовузга нисбатан зарурий мудофаани қўллаш зарурий мудофаа деб эмас, балки жиноят учун қасд олиш деб ҳисобланади.

Зарурий мудофаа қасддан қилинадиган ҳаракат бўлсада, тажовузни бартараф қилишга қаратилган, мудофааланувчининг мақсади ҳам ўзининг ёки бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлади. Зарурий мудофаанинг айнан ана шу мақсади унинг жиноийлигини истисно қилади.

Агар зарурий мудофаа қасд олиш мақсадида қилинган бўлса зарурий мудофаа ҳисобланмайди.

А. ва К.лар ўртасида кўпдан бери низо мавжуд эди. А. К.дан қасд олиш учун вазият вужудга келишини кутар эди. Аммо қулай вазият вужудга келавермагач шундай вазиятни унинг ўзи пайдо қилади. А. 55 см келадиган темир бўлагини олиб К. ишлайдиган корхонага боради ва темир бўлагини ўша ердаги буталар орасига яшириб қўяди. Сўнгра К. ишлайдиган хонага кириб уни ҳақорат қила бошлайди, юзларига тарсаки уради. Натижада К. нинг жаҳли чиқиб А. га ташланади. А. эса қочиб, темир бўлаги яшириб қўйилган буталар олдига келади. К. уни қувиб шу ерга келганида темир бўлагини олиб К. нинг бошига уриб, баданига оғир шикаст етказди. А. мен зарурий мудофаа ҳолатида бўлганман деб ўзини оқламоқчи бўлади. Аммо терговчининг дастлабки тергов ҳаракатларини пухта олиб борганлиги туфайли суд А.нинг ҳаракатида зарурий мудофаанинг белгилари йўқ. А. қасд олиш мақсадида жабрланувчининг баданига қасддан шикаст етказган деб топади.

Тажовуз ва мудофаанинг характери бир-бирига мувофиқ келиши керак. ЎзР Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида» ги қарорининг бешинчи бандида «Судлар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан ташқари, тажовузчи томонидан ҳимояланувчига туғдирилган хавфнинг характери, ҳимоянинг кучи ва тажовузни қайтариш имкониятлари, шунингдек, ҳужум ва ҳимояланувчининг куч нисбатларига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатларини (ҳужум қилувчи ва ҳимояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, қуроли, жой, вақт ва бошқалар) ҳисобга олишлари зарур. Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг

характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли ҳимоя чораларини кўришга ҳақли», дейилади.¹

Тажовуз ва мудофаанинг характери бир-бирига мувофиқ келиши керак деганда, тажовузчи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарар билан мудофааланувчи томонидан тажовузчига келтирган зарарнинг мувофиқлиги ҳақида эмас, балки тажовузчи ва мудофааланувчи куч ва воситаларнинг мувофиқлиги тўғрисида гап кетади.

Одам ўлдиришга тажовуз қилган шахс мудофааланувчи томонидан (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмай) ўлдирилса, зарурий мудофаа асосли ҳисобланади. Баданга шикаст етказиш, босқинчилик, номусга тегиш ва шунга ўхшаш зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларга нисбатан зарурий мудофаа ҳолатида тажовузчининг баданига ҳар қандай шикаст етказилса зарурий мудофаа асосли деб топилади.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш. ЎЗР ЖК 37-моддасининг иккинчи қисмида «Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади», дейилади.

Юқорида баён қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида «Тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ҳимояланувчи ҳамма вақт ҳам юз берган хавфнинг характерини аниқ англаб олмаслиги ва ҳимоянинг тажовузга нисбатан мувофиқ усулини танлай олмаслигини судлар эътиборда тутишлари керак». Агар тажовуз қилувчига ҳимояланувчи томонидан етказилган зарар, тажовуз қилувчининг етказган зараридан кўп бўлса ва тажовуз оқибатида етказилган зарарни тўла қопласа ҳамда ҳимояланиш тажовузнинг характери ва хавфлилик даражасига нисбатан бутунлай номувофиқ бўлишига йўл қўйилмаган бўлса, бундай ҳолда ҳимояланувчининг ҳаракатларини зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган деб ҳисоблаш мумкин эмас», дейилади².

ЎЗР ЖК 55-моддасининг 1-қисми «ё» бандига кўра, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991-2006, “Адолат” 1-том, 76-бет.

² Ўша Пленум қарори, 78-бет.

ЎзР ЖКнинг 100-моддасида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдириш, 107-моддасида эса зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик белгиланган. ЎзР Олий суди Пленумининг юқорида баён қилинган қарориди таъкидланишича, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш тажовузчининг ўлимига олиб келса, ҳимояланувчининг айби тажовузчининг ўлимига нисбатан эҳтиётсизлик оқибатида юз берган бўлса, ЖКнинг 107-моддаси (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш) билан квалификация қилиш кераклиги тўғрисида тушунтириш берилган. Шунингдек, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдириш (ЎзЖКнинг 98-моддаси), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЎзР ЖКнинг 106-моддаси) назарда тутилган жиноятни ташкил қилади. Аммо тўсатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш (физиологик аффект) ҳолати ўз мазмунига кўра, кўрқув, ғазаб, нафрат, мушкул аҳвол бўлиши мумкин. Кўрқув аффекти ўзини-ўзи ҳимоя қилиш воситаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат шахсининг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилинганда юз бериши мумкин. Мудофааланувчи юз берган тажовузни тўғри баҳолай олмаслиги ва тажовузчини анча хавфли тасаввур қилиши мумкин. Бундай ҳолда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш қасддан ҳисобланмайди. Агар тажовуз туфайли ғазаб аффектини кўзгатган ёки нафрат аффектини кўзгатган ва унинг таъсирида мудофаа акти қўлланиб, зарурий мудофаа чегарасидан чиқилган бўлиши мумкин.

Тажовуз ижтимоий муносабатга зарар етказишга қаратилган тажовуз бўлса, зарурий мудофаа тажовузга зарар етказишда ифодаланади. Шунга кўра, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш келтирилиши мумкин бўлган зарар билан бартараф қилинган ва етказилган зарар ўртасидаги номувофиқликдир. Ана шундай номувофиқликни аниқлаш учун тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиқ даражаси олинади.

Тажовузнинг хусусияти — тажовузнинг сифат кўрсаткичидир. Ана шу кўрсаткични баҳолаш орқали мудофаанинг қонунга асосланганлиги аниқланади. Агар тажовуз мудофааланувчининг ҳаётига қарши қаратилган бўлса, ҳар қандай мудофааланиш усулини қўллаш мумкин. Мудофааланишнинг миқёси тажовузчининг тажовуз миқёси, келтириладиган зарарнинг миқёсига мувофиқ келиши керак.

Айнан ана шу тажовуз ва мудофаанинг хусусияти бутунлай мувофиқ келмаслиги, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган деб ҳисоблашнинг шарти ҳисобланади. Айнан ана шу номувофиқлик биринчи навбатда мудофааланувчига тегишли бўлиши керак.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, масалан, анча миқдордаги мулкни ўғрилаш учун тажовуз қилган шахсни ўлдириш, безорилик ҳаракатлари қилаётган шахсни, агар безори кишиларнинг соғлиғи ёки ҳаёти учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш билан қилинганда жабрланувчини ўлдириш ва ҳоказолар. Шахснинг баданига енгил шикаст етказишга қаратилган ҳаракатга нисбатан мудофааланиб тажовузчининг баданига оғир шикаст етказиш ҳам зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Мудофаа чегарасидан четга чиққан ёки чиқмаганлик масаласи ҳар бир ишда индивидуал ҳал қилинади. Бунда тажовузчи ва мудофааланувчининг жиноят содир этиш ва мудофааланиш воситалари, ҳар бирининг имкониятлари, жисмоний сифатларини характерловчи белгилари, уларнинг кучи ва ҳоказолар солиштирилади. Шунингдек, мудофааланиш вақти (тажовуз бошланмасдан ёки тажовуз тугаганидан кейин мудофаа қўлланганлиги ва ҳоказолар) ҳисобга олинади. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ҳимояланишнинг чегарасидан четга чиқишдир. Шунга кўра, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фақат тажовузни қайтариш ёки уни бартараф қилиш вақтидагина бўлиши мумкин. Тажовуз ҳали бошланмаган ёки тамом бўлган жойда зарурий мудофаа ҳам йўқ. Зарурий мудофаа йўқ жойда ундан четга чиқиш ҳам йўқ. Реал тажовуз йўқ жойда ҳаёлий мудофаа ҳам йўқ, зарурий мудофаа йўқ жойда унинг зарурий чегарасидан чиқиш ҳам йўқ.

ЎзР ЖКнинг 100-моддасида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш, 107-моддасида эса зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бу жиноятлар қасдан одам ўлдиришнинг енгиллаштирувчи турлари бўлиб, улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар турига киритилган.

ЖК Махсус қисмининг моддасида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш муайян модданинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган бўлса, ЖКнинг 55-моддаси (жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар) нинг қоидалари

қўлланилмайди. Агар жиноят зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб содир қилинган ва ўша моддада зарурий белги сифатида кўрсатилмаган бўлса ЖК 55-моддаси қоидалари тадбиқ қилинади.

Хаёлий мудофаа. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, муайян бир вазиятда шахс ўзига нисбатан хужум қилинди деб, аслида бўлмаган тажовузга нисбатан мудофаа актини қўллайди. Жиноят ҳуқуқи назариясида бундай ҳолатни хаёлий мудофаа деб айтилади. Судлар фаолиятида ҳам шундай ишлар учраб туради. Шунинг учун зарурий мудофаадан хаёлий мудофаанинг фарқини ҳар бир судья, ҳар бир терговчи яхши билиши керак.

Хаёлий мудофаа масаласи жиноят қонунида назарда тутилмаган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавфли тажовуз-лардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарорининг 10-бандида «Судлар зарурий мудофаа ҳолатини аниқ ижтимоий хавфли тажовуз юз бермасида, шахсинг янглишиб шундай тажовуз қилиши мумкин деган тахминий ҳолатларидан фарқлашлари керак. Агар ходиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглибганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланиши керак», дейилади¹. Аммо шахс тажовузнинг аслида бўлмаганлигини билган ёки билиши мумкин бўла туриб, бировга зарар етказса, унинг ҳаракатларида зарурий мудофаа ҳолати мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолда қилмиш иш ҳолатларига қараб Жиноят кодексининг эҳтиётсизликдан зарар етказганлик учун жавобгар-ликни назарда тутувчи моддаси билан жавобгар қилинади.

Хаёлий мудофаада тажовуз ҳақиқатда аниқ мавжуд бўлмай, «мудофааланувчининг» онгида мавжуд бўлади. Хаёлий мудофаа жабрланувчи ҳаракатининг ижтимоий аҳамиятини мудофааланувчи томонидан баҳолашдан иборат. Бундай ҳолда жабрланувчининг қандайдир ҳаракатлари ижтимоий муносабатларга аниқ хавф туғдирмайди. Мудофааланувчи субъектив хатога йўл қўйиб ижтимоий хавфли тажовуз қилинмоқда деб хаёл қилади.

Юридик адабиётларда хаёлий мудофаани учта гуруҳга бўладилар². Биринчи гуруҳга мудофааланувчи хатога йўл қўйиб,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991-2006 том-1 “Адолат”, 2006-йил 79-бет.

² Яковлев А.М. Совокупность преступлений по советскому уголовному праву –М: 1960,

жабрланувчининг ҳаақатларига нотўғри баҳо беради ва ижтимоий хавфли деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, қилмиш ижтимоий хавфли бўлмайди. Ёки ҳатто ҳуқуқий ҳаракат бўлиши ҳам мумкин.

Бир гуруҳ ички ишлар ходимлари жазони ўташ колониясидан қочиб кетган шахсларнинг кетиши мумкин бўлган йўналишни тахмин қилиб, қоронғи кечаси уларни қидириб борар эдилар. Дарахтзор ичидан ўқ овози эшитилади. Таъқиб қилувчилардан бири ўқ овози чиққан жойга қарата тўппончадан бир неча марта ўқ узади ва дарахтзор ичида одамнинг вой-войлаган овози эшитилади. Овоз келган томонга дарҳол бориб кўришса А. ва К. исмли вояга етмаганлар шу ерга келиб, ўзлари ясаган тўппончани синаб кўраётган экан. Таъқиб қилувчилар томонидан отилган ўқ вояга етмаганлардан бири К.га тегиб, баданига ўртача оғир шикаст етказилган эди.

Бундай хаёлий мудофаа ижтимоий хавфли ҳисобланмайди. Чунки қоронғилик ва шу вақтдаги вазиятда таъқиб қилувчилар колониядан қочганлар шу ерга беркинган деган фикрга келадилар ва бошқача хаёл қилишнинг иложи ҳам йўқ эди.

Иккинчи гуруҳга кишининг шахсига нисбатан хато қилувчи хаёлий мудофаани киритиш мумкин.

Бунда тажовуз қилмаган кишининг ҳаракатини тажовуз қилмоқда деган хаёл билан унга зарар етказилади.

А. бир гуруҳ шахслар билан жанжаллашиб қолади. Рақиблари уни ўртага олиб ура бошлайдилар. Шунда А. ёнидан ўзбек пичоғини чиқариб қуршовни ёриб чиқиб қочиб кета бошлайди. Қаршисидан ўз синфдоши Б. чиқиб қолиб, қаерга шошаяпсан, деб кўллари билан унинг йўлини тўсади. А. ўз синфдошини қоронғида танимай, уни урганлардан бири деб хаёл қилиб, Б. нинг қорнига пичоқ санчади. Сўнг синфдошини таниб қолиб уни касалхонага олиб боради.

Учинчи гуруҳга тажовузнинг тамом бўлиш вақтига нисбатан хато қилиб мудофааланишдир. Бундай мудофаа кеч қолган мудофаа ҳисобланиб, тажовуз тамом бўлганидан кейин мудофаа актини қўллашдир.

А. ва И. бир-бири билан кўшни яшайдилар, ҳар иккаласи маст ҳолда жанжаллашиб қолади ва А. ерда ётган болтани олиб, И. га ташланади. И. болтани А. дан тортиб олиб, четроққа қочади. Аммо А. нинг кўзойнаги ерга тушиб кетади ва у кўзойнагини олмоқчи бўлганда ерда ётган ғиштларни олиб, ҳужумни давом эттирмоқчи деб ҳисоблаб И., А.нинг елкасига болтанинг ўтмас томони билан уради ва баданига шикаст етказади.

Хаёлий мудофаа тажовуз қилмаган бошқа шахсга нисбатан қўлланиши ҳам мумкин. Шунга кўра, хаёлий мудофаа ҳолатида зарар етказиш ижтимоий хавфли ҳисобланади. Шу муносабат билан уларнинг жавобгарлик масаласи ҳам пайдо бўлади.

Аммо хаёлий мудофааланувчи жабрланувчига нисбатан ўз ҳаракатларининг ижтимоий аҳамиятини билмаса, ўзининг тасавури хато эканлигини англамаса ва англаши мумкин ҳам бўлмаса, хаёлий мудофааланувчининг айби бўлмайди.

Бундай ҳолда хаёлий мудофаани зарурий мудофаа деб топилади.

А. кечаси маст ҳолда уйига кетаётиб ўз таниши Г. нинг деразаси очиклигини кўриб, деразадан танишиникига кира бошлайди. Бегона одамнинг уйига кираётганини кўрган А. уй эгаси ўғри кирмоқда деб А. нинг баданига шикаст етказди. А. кирган уй танишининг қўшнисининг уйи бўлиб чиқади. Уй эгаси шу вазиятда уйга ўғри кираяпти деб ўйлайди ва ўғрини уради. У деразадан кираётган кишининг мақсадини, ким эканлигини билмас ва ўғри деб ўйлаши табиий эди.

Хаёлий мудофаа жиноят ҳуқуқий категория эмас. Чунки жиноят қонунида бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Шунга кўра, бу тушунча илмий тушунча бўлиб, ҳисобланади. Агар шу вақтдаги вазият мудофааланувчига ўз ўзининг мудофаага қартилган ҳаракатларнинг хатолигини англаш имкониятларини берса, бундай ҳолда зарурий мудофаа акти шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундай турдаги хаёлий мудофаада зарурий мудофаанинг белгилари бўлмайди ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Хаёлий мудофаага юридик баҳо беришда шуни эсда тутмоқ керакки, бу фактик хато бўлиб, ундай ҳолда зарар етказилишини эҳтиётсизликдан қилинган жиноят деб топилади.

Зарар етказилишига сабаб бўладиган хаёлий мудофаада –шахс жабрланувчига эҳтиётсизликдан зарар етказган ҳисобланади.

Агар шахс онгли равишда зарар етказган бўлса қилмиш қасддан қилинган ҳисобланади ва келиб чиққан оқибатга қараб, шахс жавобгар қилинади.

4-§. Охирги зарурат

ЎзР ЖКнинг 38-моддасида белгиланишича охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи

хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди. Демак, охириги заруратга ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилса, жиноят ҳисобланмайди.

Айрим юридик адабиётларда охириги заруратга ижтимоий баҳо берилар экан, у ижтимоий хавфли эмас деб ҳисобланади. Аммо айтиш керакки охириги заруратда иккита қонун билан қўриқланадиган муносабатлар тўқнашади. Ана шу тўқнашув натижасида камроқ зарар етказадиган муносабатга имтиёз берилади. Айнан имтиёз бериладиган муносабат инсон ҳаёти бўлиши мумкин. Охириги заруратда ҳар иккала муносабат ҳам қонун билан қўриқланар экан, кўпроқ аҳамиятга эга бўлган муносабатни хавфдан сақлаб қолиш учун камроқ аҳамиятга эга бўлган муносабатга зарар етказилади ва шу йўл билан кўпроқ аҳамиятга эга бўлган муносабат сақлаб қолинади.

Қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш барча фуқароларнинг вазифасидир. Айрим хизмат қисмларида (масалан, милиция ходимлари, ўт ўчириш хизмати ходимлари, қутқарув хизмати ходимлари ва ҳоказолар учун) ижтимоий муносабатни ҳар қандай тажовуздан ёки хавфдан ҳимоя қилиш уларнинг мажбурияти ҳисобланади ва ўзларига юклатилган хизмат мажбуриятини бажармаган тақдирда ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келади.

Охириги заруратда мудофааланувчи аниқ содир бўлган хавфни бартараф қилиш учун қонун билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатга зарар еткази.

Масалан, кўп қаватли уйнинг хоналаридан бирида ёнғин содир бўлиб, ушбу ёнғинни ўчириш учун қўшни оиланинг балконидаги деразани синдириб кириб ўчириш имконияти бўлганлиги учун, ўт ўчирувчилар ёнғин содир бўлган оиланинг қўшнисининг балкони деразасини синдириб кирадилар ва ёнғиннинг бошқа хоналарга ҳам тарқалиб кетишининг олди олинади. Бундай ҳолда зарар ёнғин содир бўлган оилага эмас, балки қўшнисининг мулкига зарар етказилди, яъни учинчи шахснинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилди.

Охириги заруратни қўллаш асослари. Ҳар қандай хавф, табиий офат (ёнғин, сел, ер қимирлаш), ишлаб турган машина ва

механизмлар, турли қурилмалар, қисқаси ҳар қандай хавф манбаи, инсонлар ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқларига, жамият ва давлат манфаатларига хавф туғдириб туради. Ана шундай хавф аниқ юз беганда, бу хавфни бартараф қилиш учун зарурий чора сифатида охирги зарурат чораси қўлланиши мумкин. Хавф манбаи очлик, ташналик, қаттиқ совуқ, оғир касаллик ва ҳоказолар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ўз уйини таъмирлаётган Б. девор устидан йиқилиб, ҳаёти учун хавфли бўлган жароҳат олади. Унинг қўшниси А. шу жойда қисқа вақтга қолдирилган бировнинг автомашинасига эгасидан сўрамай, Б. ни юклаб, шифохонага етказди. Кўрсатилган тез тиббий ёрдам туфайли Б. нинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Хавф манбаи одамларнинг ижтимоий хавфли ҳаракатлари ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, С. исмли шахс кеч соат 22.00. ларда ишдан уйига кетаётаётганида икки босқинчи унга ҳужум қилади. Чорасиз қолган С. шу ердаги ўзи танийдиган К. нинг дўконининг деразасига ғишт билан уриб синдиради, сигнализация ишлаб кетади. Тезда милициянинг келиб қолишидан кўрққан босқинчилар қочиб кетадилар. С.нинг ҳаракати ЎЗР ЖК 173-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил қилмайди. Суд С.ни охирги зарурат ҳолатида бўлган деб топади ва ишни бекор қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, инсонларнинг ҳаракати хавф манбаи бўлиб қолганда, у ҳаракатни жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назарда баҳоланганда фақат жиноий қилмиш бўлиши керак. Шу жиноий қилмиш хавфдан сақланишнинг охирги чораси сифатида қилинганлиги туфайли охирги зарурат деб топилиб, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайдилар.

Агарда хавф маъмурий тартибда жавобгар қилинадиган ҳаракат туфайли юзага келган бўлса, ундай ҳаракатга нисбатан охирги зарурат чорасини қўллаш мумкин бўлмайди. Чунки биринчидан, хавф манбаи кишилар ҳаракати бўлса, у жиноий хусусиятга эга бўлиши керак;

иккинчидан, бундай ҳолда хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан охирги зарурат чораси сифатидаги ҳаракат туфайли келтирилган зарар кўп бўлиб қолади. Аммо охирги зарурат чораси туфайли келтирилган зарар ҳам, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан ҳал қилинадиган бўлса, шахс жавобгар қилинмайди.

Хавф манбаи кишиларнинг қасддан қилган ёки эҳтиётсизлик-дан қилган ҳаракатлари туфайли ҳам вужудга келиши мумкин. Шунингдек, кишиларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизликлари туфайли ҳам вужудга келиши мумкин.

Охирги заруратнинг белгилари қуйидагиларда ифодаланади:

Биринчи белгиси охирги зарурат туфайли қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилади. Бундай зарар хавфни келтириб чиқарган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга етказилиши мумкин. Масалан, ўз уйида газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги туфайли келиб чиққан ёнғин қўшни уйларга ҳам ўтиб кетишининг олдини олиш учун ёнаётган уйнинг қўшни билан туташ бўлган том қисмини олиб ташлаш, фермер хўжалигининг чорва молларини ёнғиндан сақлаб қолиш мақсадида молхонанинг деворини йиқитиб, молларни олиб чиқиш ва ҳоказолар.

Охирги зарурат туфайли фақатгина кишилар ҳаёти, соғлиғигагина эмас, балки фуқароларнинг мулкига, ҳар қандай мулкга, табиий муҳитга, қишлоқ хўжалигига ва ҳоказоларга зарар етказилиши мумкин. Масалан, буғдой даласида юз берган ёнғин тарқалиб кетмаслиги учун ҳимоя чизиғи сифатида буғдойзорларни ҳайдаш (шудгор қилиш).

Иккинчи белгиси охирги зарурат фақат хавф бошланган ва тамом бўлмаган вақт мобайнидагина қўлланади. Ҳали бошланмаган ва тугаб бўлган хавфга нисбатан охирги зарурат чорасини қўллаш мумкин эмас.

Учинчи белгиси вужудга келган хавфни бошқа бирор чора орқали бартараф қилишнинг иложи бўлмаган бўлиши ва қўлланган чора хавфни бартараф қилишнинг охирги чораси бўлиши керак.

Йўлга бирданига югуриб чиқиб қолган болани босиб кетмаслик учун ҳайдовчи машинани йўлнинг ўнг томонига буриб юборади. Натижада йўлкада (тротуарда) кетаётган аёлни уриб юбориб, баданига оғир шикаст етказди. Худди шу вазиятда автомобилни йўлнинг чап томонига буриб юбориш имконияти бор эди деб ҳайдовчининг ҳаракати охирги зарурат деб топилмайди.

Тўртинчи белгиси, хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан, охирги зарурат туфайли келтирилган зарар камроқ бўлиши керак. Уларнинг аҳамияти ёки миқдорини солиштириш орқали зарарнинг кўп ёки камлиги аниқланади.

Бешинчи белгиси охирги зарурат чегарасидан четга чиқмаган бўлиш керак. Хавфнинг хусусияти ва хавфлилилик даражасига мувофиқ келмайдиган усул ва воситалар билан бартараф қилиш туфайли, хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарар билан хавфни бартараф қилиш туфайли келтирилган зарарнинг тенг келиб қолиши ёки ортиб кетиши охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Қуйидаги ҳолларда охирги зарурат чегарасидан четга чиққан деб топилади:

а) хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан охирги зарурат туфайли келтирилган зарарнинг тенг ёки кўпроқ бўлиб, қолиши;

б) кўрилган чора, хавфни бартараф қилишнинг ягона ва охирги чораси бўлмай, бошқа чоралар билан хавфнинг олдини олиш мумкин бўлганлиги.

Масалан, А. исмли юк машинасининг ҳайдовчиси автобусни чап томонидан айланиб ўтиш учун йўлнинг қарши ҳаракатланувчи томонига ўтиб ҳаракатлана бошлади. А. қарши томондан келаётган автобус билан тўқнашиб кетмаслик учун машинани йўлнинг ўнг томонига буриб юборди ва машина пиёдалар юрадиган йўлгага (тротуарга) чиқиб кетиб икки кишини уриб юборди. Натижада, йўловчиларнинг бирининг баданига оғир шикаст етказилади, иккинчиси вафот этади. Суд ҳайдовчининг машина тезлигини камайтириш ва тормоз қилиш орқали ҳалокатнинг олдини олиш имконияти бор эди деб ҳисоблаб, ҳайдовчини охирги зарурат чегарасидан четга чиққан деб ҳисоблайди.

Шахсни охирги зарурат чегарасидан четга чиқишдаги айбини ҳисобга олишда, жуда қисқа вақтда ва жуда тез юз берган вазият ҳисобга олинади. Айниқса, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазиятларда ҳайдовчининг тўғри қарор қабул қилиши жуда қийин бўлади.

Шунга кўра, охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олдиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатдан мавжудлиги, юз бериш вақти, охирги зарурат чорасини қўллаётган шахснинг имкониятлари, вужудга келган вазият ва шундай вазиятдаги руҳий ва ишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади.

Агар шахс вужудга келган вазиятни тўғри баҳолаш имкониятига эга бўлмаса, эҳтиётсизлик оқибатида охирги зарурат чегарасидан

четга чиққан ҳисобланади ва бундай ҳолда жиноий жавобгарлик вужудга келмайди.

Охирги зарурат ва зарурий мудофаа ижтимоий аҳамияти жиҳатидан бир-бирига ўхшасада, аммо бир-биридан фарқ қилади ва бу фарқлар куйидагиларда ифодаланади:

а) зарурий мудофаада хавф манбаи инсонлар ҳаракати бўлса, охирги заруратда фақат инсон ҳаракатларининг ўзигина бўлмасдан тарбий офат кучлари, турли машина, механизмларнинг ҳаракати, ҳайвонларнинг ҳужуми ва ҳоказолар бўлиши мумкин;

б) зарурий мудофаада зарар фақат тажовузчининг ўзига етказилса, охирги заруратда хавфни келтириб чиқарган манбага эмас, балки учинчи шахснинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилади;

в) зарурий мудофаада тажовузчи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан мудофааланувчи келтирган зарар кам, тенг ёки кўп бўлиши мумкин. Охирги заруратда эса охирги зарурат туфайли келтирилган зарар хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан камроқ бўлиши керак;

г) зарурий мудофаада тажовузчига зарар етказилиши ёки етказилмаслиги ҳам мумкин. Охирги заруратда, албатта, учинчи шахсга зарар етказилади. Агар етказилмаса, охирги зарурат деб топилмайди.

5-§. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказиш

ЎЗР ЖКнинг 39-моддасида белгиланишига кўра, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир қилган шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказиш ишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида биринчи марта ўз ифодасини топди. Тўғри, 1959 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида (13-модданинг учинчи қисмида) жиноятчини ушлаш зарурий мудофаанинг бир тури сифатида назарда тутилган эди. Жиноятчини ушлаш вақтида унга зарар етказиш қонунда ўз ечимини топмаган эди.

Жиноятчини ушлаш ва ушлаш вақтида унга зарар етказиш жиноий тажовуз тамом бўлганидан кейин жиноятчини ушлашни зарурий мудофаага киритиш тўғри бўлмайди. Чунки зарурий мудофаа тажовуз бошланиб ҳали охирига етказилмасдан қўлланса, жиноятчини ушлаш вақтида унга зарар етказиш тажовуз тамом бўлганидан кейин юз беради. Агар тажовуз давом этаётган ва ҳали тамом бўлмасдан тажовузчига зарар етказилса зарурий мудофаа ҳисобланади.

ЎзР ЖКнинг 39-моддасида ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказишни тартибга солувчи норма баён қилинган. Жиноятчини ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни (шу жумладан, ақли норасони, жиноят субъекти ёшига етмаган) ушлаш вақтида тажовуз қилувчига ҳеч қандай зарар етказилмаса ушбу норма билан тартибга солинадиган муносабат вужудга келадими ёки йўқми?

Аслида шахсга унинг ҳаёти, соғлиғига, қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилса, жиноят ҳисобланади. ЖК 39-моддасида худди ана шундай зарар ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни тегишли давлат органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказилса, бундай қилмиш жиноят ҳисобланмаслиги тўғрисида гап боради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга», дейилади. Демак, жиноят қонуни шахсининг Конституциявий ҳуқуқини қўриқлайди. Ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахс шундай қилмишни содир қилиш пайтида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат доирасидан чиқарилади ва тажовузчига зарар етказиш жиноят ҳисобланмайди. ЎзР ЖКнинг 138-моддасида шахсни зўрлик ишлатиб **Ғайриқонуний** равишда озодликдан маҳрум қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир қилиш ёки содир қилганидан кейин жиноий фаолиятни давом эттириш ёки қочиб кетиш хавфи бўлса, эркинлик ва шахсий дахлсизликдан фойдаланувчилар доирасидан чиқади ва уни тегишли давлат органларига топшириш мақсадида ушлаш мумкин бўлади. Бунда, албатта, ушлашнинг зарур бўлган чоралари чегарасидан четга чиқмаган бўлиши керак.

Шу айтилганларга кўра, ижтимоий қилмиш содир қилган шахсга ҳеч қандай зарар етказилмасдан ушлаш ҳам ЖКнинг 39-моддаси доирасига киради.

Бунда, албатта, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни жиноят-ҳуқуқий ушлашдан жиноят-процессуал ҳуқуқий ушлашни фарқ қилиш керак.

Жиноят процессуал-ҳуқуқий ушлаш жиноят содир қилишда гумон қилинувчини суриштирув ва тергов органлари ходимлари томонидан ушлаш назарда тутилади.

Жиноят-ҳуқуқий ушлашда эса ҳар қандай фуқаро томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни тегишли давлат органига топшириш мақсадида ушланади. Ана шундай ушлаш вақтида тажовузчига зарар етказилган тақдирда ҳам бундай қилмиш қонуний эканлиги, ана шундай ҳаракатларни қонун маъқуллаганлиги ва жиноят ҳисобланмаслиги назарда тутилади.

Жиноятчини ушлашнинг ижтимоий аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади:

а) жиноятчининг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш;

б) жиноят натижасида етказилган зарарни қоплатиш;

в) талон-торож қилинган мулкни қайтариб олиш;

г) одил судлов олдида қилмиши учун жавоб беришни ташкил қилиш.

Ана шу айтилганлардан кўриниб турибдики, жиноятчини ушлаш ва ушлаш вақтида унга зарар етказишнинг жиноят ҳисобланмаслиги, қонунда ана шундай институтнинг назарда тутилганлиги асослидир.

Жиноятчини ушлаш ҳуқуқи барча фуқароларга тегишлидир. Барча фуқаролар учун жиноятчини ушлаш уларнинг бурчи бўлса, милиция ходимларининг мажбурияти ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган шахсни ушлаш асослари. Ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни ушлашнинг энг муҳим ва биринчи асоси унинг жиноят, айниқса оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилганлигидир.

Жиноятчини ушлаш учун уни ушлашга ҳаракат қилган шахс жиноят содир қилинганлигини кўрган, билган бўлиши керак.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни ушлаш, ушлаш вақтида зарар етказиш жиноят содир қилган шахсга нисбатан ҳам, жиноят субъекти ёшига етмаган шахсга нисбатан, ҳам, ақли норасо шахсларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Жиноятчини ушлаш вақтида қурол ёки қурол сифатида ишлатиш мумкин бўлган ҳар қандай нарсалардан фойдаланиш мумкин. Лекин ижтимоий хавфли

қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чегарасидан четга чиқилмаган бўлиши керак.

Жиноятчини ушлашнинг иккинчи асоси жиноят содир қилган шахснинг қочиб кетиш ҳаракатларининг бўлганлиги, тегишли давлат органларига топширишнинг зарурлиги, тегишли давлат органига бориши зарурлиги тўғрисидаги қатъий талабларни бажаришни истамаганлигидир.

Агарда жиноятчи ушлашга ҳаракат қилаётган шахсга қаршилик кўрсатиб (масалан, безорилик ҳаракатларини содир қилаётган, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимининг талабини бажармай катта тезликда одамлар ҳаётини хавф остига қолдириб машинани бошқариб бораётган ҳайдовчини тўхтатиш мақсадида) тажовузчига зарар етказиш орқали ушлашга зарурий мудофаа қоидалари қўлланади.

Жиноятчини ушлаш вақтида ушловчининг ҳаракатларига тегишли бўлган белгилар:

Биринчи белгиси — фақат жиноят содир қилган шахснинг ўзинигина ушланади. Агар шахс жиноят содир қилмаган бўлса, унга нисбатан зўрлик ишлатиб тегишли давлат органига келтириш мумкин эмас.

Агар шахс ҳеч қандай ҳуқуқ бузиш содир этмаган бўлса, унга нисбатан зўрлик ишлатиб тегишли давлат органига келтиришга қилинган ҳаракатларга нисбатан шахс зарурий мудофаа актини қўллаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Агарда шахс хатога йўл қўйиб, жиноятчини эмас, бошқа шахсни ушлаб, унга зарар етказган бўлса, иш ҳолатлари батафсил текшириб кўрилади. Яъни ўша вазиятда шундай хатога йўл қўйишнинг сабаблари аниқланади. Агар хатога йўл қўйишда ушловчининг айби бўлса жавобгарликка тортилади.

Иккинчи белгиси — жиноятчига жисмоний ёки моддий зарар етказилиши мумкин. Жисмоний зарар жиноятчининг баданига у ёки бу даражада шикаст етказишда, моддий зарар эса жиноятчига мулкӣ зарар етказишда (масалан, кийимини йиртиш, транспорт воситасига зарар етказишда (агар транспортдан фойдаланиб қочиб кетмоқчи бўлса) ифодаланади. Жиноятчини ушлаш уни одил судлов органларига топшириш мақсадида қилинганлиги туфайли жиноятчини ўлдириш мумкин эмас. Аммо милиция ходимларига, чегара қўшинлари ходимларига, ҳарбий хизматчиларга, божхона ходимларига, агар бунга зарурат туғилса, қурол ишлатиш ҳуқуқи берилган.

Учинчи белгиси — жиноятчини унга зарар етказиш орқали ушлаш ягона ва охирги чора сифатида қўлланган бўлиши керак.

Тўртинчи белгиси — жиноятчини ушлаш вақтида унга етказилган зарар жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятчининг ҳаракатларига мувофиқ келиши керак.

Жиноятчининг қонун билан қўриқланадиган объектга етказган зараридан уни ушлашга ҳаракат қилган шахснинг жиноятчига етказган зарари ошиб кетмаслиги керак. Аммо иш ҳолатларига кўра, жиноятчи етказган зарардан ошиб кетиб, ушланмаса етказиши мумкин бўлган зарар даражасида бўлса ҳам ушлашнинг зарурий чегарасидан чиқилмаган деб топилиши мумкин.

Бешинчи белгиси — ушлаш тегишли давлат органларига топшириш мақсадида қилинганлиги туфайли, ушлаш вақтида унга зарар етказиш, жиноят учун қасд олиш мақсадида, оломон қилиш мақсадида қилинмаган бўлиши керак. Бундай ушлаш ва унга зарар етказиш умумий асосларда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жиноятчини ушлаш вақтида унга етказилган зарар жиноятнинг хусусиятига, ижтимоий хавфлилик даражасига, ушлашнинг талабларига бутунлай мувофиқ келмаган бўлса, ушлашнинг зарурий чегарасидан четга чиқилган деб топилади.

ЎзР ЖК 39-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Жиноятчини ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан чиққанликни аниқлаш ва белгилаш анча мураккаб ишдир. Чунки бунда ҳар икки томоннинг ҳаракатларини баҳолаш категориясига асосланган ҳолда солиштирилади.

Жиноятчини ушлаш вақтида унга зарар етказилади. Ана шу зарар жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасига, ушлашнинг шароитига бутунлай мос келмаса ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқилган деб топилади. Жиноятчининг ижтимоий

хавфлилик даражаси келтирилган зарарнинг миқдори билан белгиланади. Ушлаш вақтида етказилган зарар жиноят натижасида етказилган зарардан ошиб кетса, ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Бундай номувофиклик жиддий, аниқ кўриниб турган бўлиши керак. Жиноятчига ушлаш вақтида етказилган зарар, жиноятчи томонидан етказилган зарарга жиддий мувофик келмасагина, аниқ кўриниб турган бўлсагина ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Жиноятчи жиноий фаолиятини давом эттирмаётган, қочиб кетишга ҳаракат қилмаётган бўлса, унга нисбатан ушлашнинг зарурий чоралари қўлланиб, унга зарар етказилиши мумкин эмас. Жиноятчи таъқибдан қочаётиб қоқилиб кетиб йиқилса, унга нисбатан ушлаш чоралари қўлланиб, зарар етказилиши мумкин эмас. Бунга зарурат бўлмагани ҳолда жиноятчига зарар етказиш ҳам ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Балиқчилик хўжалигининг икки ходими **Ғайриқонуний** балиқ тутаётган икки кишини кўриб қоладилар. Уларнинг бири ўзини назоратчилар қўлига топширади. Иккинчиси эса қочиб кета бошлайди. Шунда назоратчилардан бири ўқ отар қуролдан отиб қочиб кетаётган шахсни ярадор қилади. Бундай ҳолда жиноятчини ушлаш чоралари, ушлашнинг чораларига мувофик келмаганлиги боис жиноятчини ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Демак, жиноятчини ушлаш вақтида унга зарар етказиш, ушлашнинг ягона ва охириги чораси бўлиши керак.

6-§. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш

ЎзР ЖКнинг 40-моддасига кўра, шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Қонуний берилган буйруқни бажариш натижасида қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилган тақдирда жиноят ҳисобланмайди.

Буйруқни бажариш қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилган тақдирда ҳам жиноят ҳисобланмаслиги, яъни қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида жиноят қонунда назарда тутилишининг ижтимоий аҳамияти ва мақсадга мувофиқлиги раҳбар ва унга бўйсунувчилар

ўртасидаги хизмат муносабатлари, корхона, муассасанинг нормал фаолият олиб боришини таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланган меҳнат интизомини таъминлашдан иборатдир. Ушбу институтни жорий қилиниши раҳбарнинг обрўини оширади, уларнинг буйруқ ёки фармойишларини бажарилишини таъминлайди, буйруқ ёки фармойишларни бажарувчиларнинг ҳимоя қилинишини кучайтиради. Буйруқ ёки фармойишининг шубҳа остида қолдиришга барҳам беради.

Буйруқ ва фармойиш бир-бирининг синоними бўлсада, фармойиш буйруққа нисбатан кенгроқ тушунчадир. Фармойиш кўрсатма, йўл-йўриқлар кўрсатиш каби умумий тушунчадир.

Буйруқ эса бошлиқнинг хизмат юзасидан унга бўйсунувчи бўлган шахсларга хизмати юзасидан муайян ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик талабида ифодаланган топшириқдир.

Буйруқ ёзма ёки оғзаки бўлиб, аниқ бир ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ҳақидаги бажарилиши шарт бўлган топшириқдир. Муайян вазифани бажарувчи шахслар (ҳарбий хизматчилар, ички ишлар идоралари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун) буйруқ ва фармойиш мажбурий хусусиятга эгадир. Буйруқ бериш ваколати корхона, муассаса, ташкилот раҳбари номидан чиқарилади.

Буйруқ ва фармойиш фақат бунга ваколатли раҳбарлар томонидан чиқарилиб, унинг шакли ҳар хил бўлиши мумкин.

Буйруқ қонуний ва мансабдор шахсга берилган ваколат доирасида чиқарилади ва уни бажарувчилари учун мажбурий хусусиятга эга.

Буйруқни ижро этишнинг ҳуқуқийлиги қуйидаги белгиларда ифодаланади:

1) буйруқни ижро этувчи шахс, шу буйруқни чиқарган мансабдор шахсга хизмати ёки мансаб ваколати юзасидан бўйсунувчи бўлиши;

2) буйруқни ижро этувчи буйруқнинг мазмуни ва шаклига қараб, бўйсунушга мажбур бўлиши;

3) буйруқ муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бажаришдан тийилиб турадиган ҳаракатсизликдан иборат бўлиши мумкин;

4) буйруқни бажариш қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиши мумкин.

Буйруқ туфайли қонун билан қўриқланадиган турли манфаатларга (табiiй муҳитга, мулкка, фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларига) зарар етказиши мумкин. Масалан, чиқинди ва тозаланмаган ифлос сувларни сув ҳавзаларига оқизиш тўғрисидаги,

бузуқ механизмдан фойдаланиш тўғрисидаги, қурилиш ишларида ортиқча сарф-харажатлар тўғрисида ва ҳоказолар ҳақида бўлиши мумкин.

Буйруқни бажараётган шахс аслида ҳуқуққа хилоф буйруқни бажарган бўлади. Аммо буйруқни бажарувчи ЖКнинг 40-моддасига биноан жавобгарликка тортилмайди. Бундай буйруқ ёки фармойиш учун уни чиқарган мансабдор шахснинг ўзи жавобгар бўлади.

Буйруқ ёки фармойишнинг жиноийлиги бажарувчига олдиндан аён бўлган ва уни бажарган бўлса, шахс ЎЗР ЖК 40-моддасининг 2-қисмига биноан жавобгарликка тортилади. Аммо бажарувчи буйруқнинг жиноий эканлигини билиб, уни бажармаса хизматига тегишли бўлган қонунга хилоф буйруқ ёки фармойишни бажармаганда, хизмат вазифасини бузилишига сабаб бўладиган буйруқ ёки фармойишни бажармаганда, бундай буйруқ ёки фармойишни бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Буйруқ ёки фармойишнинг жиноийлиги унинг мазмунидан, қонун билан қўриқланадиган манфаатларга мувофиқ келмаслиги билан белгиланади. Буйруқнинг жиноийлигини уни бажарувчи шахс англаб етмасдан, уни бажариш натижасида, жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилса, буйруқ ёки фармойишни чиқарган мансабдор шахснинг ўзи жавобгар бўлади.

Буйруқнинг жиноийлигини англаган бажарувчи олдида иккита йўл туради: биринчиси, жиноий буйруқ ёки фармойишни бажармай келиб чиқиши мумкин бўлган зарарли оқибатнинг (одамлар ўлиши, касалланиши, атроф табиий муҳитга жиддий зарар етказилиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши, транспорт ёки ишлаб чиқариш ҳалокат (авария)лари содир бўлиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлиши ва ҳоказоларни) олдини олади, ёки иккинчи йўл, жиноий буйруқни бажариб, жиноят содир қилди.

Буйруқнинг жиноийлигини шу буйруқни чиқарган мансабдор шахс билимининг етишмаслиги, ҳақиқий аҳволни билмаслиги, сохта маълумотлар бериб, обрўга эга бўлиш истаги, ўз ваколат доирасидагина буйруқ ёки фармойиш чиқариш мумкинлиги, паст ниятлар, ғаразгўйлик ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Буйруқ ёки фармойишни бажарувчи шахс унинг ана шундай жиноий эканлигини била туриб, бажармаса келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг олди олинганлиги учун жавобгарликка тортилмайди.

Ана шу юқорида айтилганларга кўра, **Ғайриқонуний** буйруқ ёки фармойишни бажарган ёки бажармаганлиги учун иккита ҳолда жавобгарликдан озод қилинади.

Биринчидан, буйруқ ёки фармойишнинг жиноийлигини англамай уни бажарган бўлса;

Иккинчидан, буйруқ ёки фармойишнинг жиноийлигини англаб, уни онгли равишда бажармаганлигидир.

Тергов ҳибсхонасининг бошлиғи маҳкумларни жазони ўташ жойига бунинг талабига жавоб бермайдиган транспорт воситасида жўнатиш ҳақида буйруқ беради. Соқчилар бошлиғи шундай транспорт воситасида маҳкумларни ташиш мумкин эмаслигини билгани ҳолда, маҳкумларни шу транспорт воситасида жазони ўташ жойига олиб кетади. Транспорт воситасидаги камчиликлардан фойдаланган маҳкумлар йўлда транспортдан тушиб қочиб кетадилар. Бундай ҳолда буйруқни берувчи ҳам, унинг ижрочиси ҳам умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

7-§. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик

ЎзР ЖКнинг 41-моддасига кўра, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди.

Ишлаб чиқариш, фаннинг турли тармоқлари, ишлаб чиқариш техникаси ва мосламалари тинимсиз равишда ривожланиб, мукаммаллашиб бормоқда. Фаннинг янги қирраларини очиш, янги машина-механизмларни яратиш, янги тажрибалар, синовлар ўтказиш билан боғлиқдир. Янгилик яратиш кўп ҳолларда таваккал қилиш билан боғлиқдир. Таваккалчилик таваккал қилиб ҳаракат қилишлар билан боғлиқ бўлиб, кўзланган натижага эришиш, муваффақият қозониш ёки муваффақиятсизликка учрашлар билан боғлиқдир.

Таваккал қилинганда ҳар доим ҳам юз фоиз муваффақиятга эришишга ишонч бўлмайди. Таваккал қилганда ҳатто зарар етказилиши ёки кўзланган натижага эришмаслик ҳам мумкин. Бундай таваккал қилишлар тажриба ва синовлар ўтказишлар кўп миқдордаги маблағларнинг сарф-харажати билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ана шундай таваккал қилиш натижасида кўзланган мақсадга эришилмаган, аммо таваккал асосли бўлиб, таваккалчи келиб чиқиши

мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрган бўлса, қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) туфайли зарарли оқибат келиб чиққан тақдирда ҳам жиноят деб топилмайди. Бундай қилмишнинг жиноят деб ҳисобланмаслигининг асоси ижтимоий фойдали мақсадга қаратилганлигидир.

Аммо таваккал қилиш одамларнинг ҳаёти ёки соғлиғини хавф остида қолдирадиган, атроф табиий муҳитни экологик ҳалокат хавфи остида қолдирадиган, ижтимоий ҳалокатга сабаб бўладиган бўлса асосли ҳисобланмайди.

Бунда кишилар ўлимига сабаб бўлганлиги ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққанлиги эмас, балки шундай оқибат келиб чиқиш хавфи мавжудлиги таваккалчиликни асосли эмас деб топишга асос бўлади.

Таваккал қилиш фақат бунга ваколатли бўлган шахслар томонидан амалга оширилиб, ЎзР ЖКнинг 41-моддасининг 2-қисмига биноан, агар содир этилган ҳаракат замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган, қўйилган мақсадга эса таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаган ҳамда шахс ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади.

Агарда таваккал қилмасдан ҳам кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлса, таваккалчилик асосли деб топилмайди. Шунингдек, таваккал қилувчи таваккал қилиниши муносабати билан жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун хавфсизлик чоралари кўрилмаган бўлса ҳам таваккалчилик асосли ҳисобланмайди.

Асосланмаган таваккалчилик натижасида эҳтиётсизликдан одам ўлдириш, эҳтиётсизликдан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш экология соҳасидаги ва бошқа қатор жиноятлар содир бўлиши мумкин.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ таваккалчилик маълум даражада охирги заруратга ўхшаб кетади. Уларнинг ҳар иккаласининг ижтимоий моҳияти қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказишда ифодаланади. Аммо бу институтлар бир-биридан жиддий фарқ қилувчи белгиларга эга.

Охирги заруратда хавф манбаи табиий офат кучлари, одамларнинг ижтимоий хавфли ҳаракатлари бўлса, асосли таваккалчилик бундай хавф билан боғлиқ бўлмайди. Чунки асосли таваккалчиликда барча

хавфсизлик чоралари кўрилиб, инсонлар, меҳнати кўплаб маблағларни сарф қилинишига сабаб бўлади, аммо кўзланган натижани бермайди.

Охирги заруратда ҳаракат ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишининг олдини олишга қаратилса, асосли таваккалчиликда янгилик яратиш, мавжудларини ривожлантиришга қаратилган ижобий ҳаракатлардан иборатдир.

Охирги заруратда зарар учинчи шахсга ёки хавф манбаини келтириб чиқарган шахснинг ўзига етказилса, асосли таваккалчиликда зарар фақат учинчи шахсгагина етказилади.

Охирги заруратда хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан бу хавфни бартараф қилиш учун охирги зарурат чорасини кўриш натижасида қонун билан кўрикланадиган манфаатга етказилган зарар камроқ бўлиши керак. Асосли таваккалчиликда зарарнинг миқдори кўзда тутилмайди. ЎзР ЖК 41-моддасининг учинчи қисмида касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олинishi мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмаслиги тўғрисида айtilган.

Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиши хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкин-лигини била туриб хавфсизлик чоралари кўрилмай қилинган тақдирда ҳам асосли ҳисобланмайди.

13-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турларини қандай тушунасиз?
2. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турларини айтинг?
3. Кам аҳамиятли қилмишларга қандай қилмишлар киради?
4. Зарурий мудофаа деб нимага айтилади?
5. Зарурий мудофаани қўллаш асосларини айтинг?

6. Зарурий мудофанинг ҳуқуқий шартларини айтинг?
7. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб ҳисоблашнинг шартларини айтинг?
8. Хаёлий мудофа нима?
9. Охирги зарурат ва унинг ҳуқуқий шартларини айтинг?
10. Зарурий мудофаа билан охирги заруратнинг фарқларини айтинг?
11. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарни жиноят деб ҳисобламасликнинг шартларини айтинг?
12. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишни жиноят деб ҳисобламасликнинг шартларини айтинг?

Фойдаланилган адабиётлар ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Курбонов Р. Зарурий мудофаа. Т: “Адолат”, 1999.
2. Механизм преступного поведения. Ред. колл. В. Н. Кудрявцев и др. М: “Наука”, 1981.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т: “Адолат”, 1997 65-75-бетлар.
4. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М: “Норма-инфра”, 36-42-бетлар.
5. И.И.Слуцкий. Обстоятельства, исключают уголовную ответственность. МГУ. 1956.
6. И.А.Гельфанд. Н.Т. Куц. Необходимая оборона по советскому уголовному праву. Киев. 1962.
7. Н.Ф.Криченко. Основные вопросы учения о необходимой обороне в советском праве. Ан СССР. 1948.
8. И.С.Тишкевич. Условия и пределы необходимой обороны. М: “Юридической литература”, 1969.
9. М.И.Якубович. Вопросы теории и практики необходимой обороны. М: “Высшей школы МВД”, 1961.
10. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М:, “Юристь”, 2001. ст.214-310.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ

XIV БОБ. Жазо тушунчаси ва мақсади

1-§. Жиноий жазо тушунчаси ва белгилари

Жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазо тўғрисида олимлар, амалиёт ходимлари ўртасида доимо тортишувлар бўлиб келган, турли фикрлар билдирилган, кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва кўплаб китоблар ёзилган. Жиноий жазо ҳақида турли фикрлар билдирилган бўлишига қарамай бу масалада иккита муаммо марказий масала ҳисобланади:

1) нима учун жазолаш керак?

2) қандай жазолаш керак? Жазонинг миқдори нимага боғлиқ бўлиши керак?

Айтиш керакки, жавобгарликнинг ягона асоси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. (ЎЗР ЖК 16-моддасининг 2-қисми). Шунга кўра, жиноят қонунчилигининг ривожланиши маълум даражада жиноятлар таркибининг ва санкциялардаги ўзгаришлар билан боғлиқдир. Жиноят таркиблари ва санкциялардаги ўзгаришлар эса жамиятдаги жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлганидан кейин бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш, кучли давлатдан кучли фуқаровий жамиятга ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш дастурини қабул қилди. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ўн йиллигида жиноят-чиликка қарши кураш масаласи кескин қўйилганлиги сабабли судларда оғирроқ жазо чораларини қўллашга мойиллик кучли бўлди.

Ўзбекистон ислохотларни амалга ошириш йўлида жиддий муваффақиятларга эришганлиги муносабати билан 2000 йил июн ойида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури қабул қилинган эди. Ана шу Дастурга мувофиқ 2001 йил 29 августда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масаласи муҳокама қилинди ва тегишли қонун қабул қилинди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунга биноан Жиноят кодекси Махсус қисмидаги бир қанча жиноятларнинг таркиби ва санкцияси ўзгартирилди. Ана шу ўзгатириш ва қўшимчалар киритилганидан кейин ЎЗР ЖКнинг 12,2 фоиз моддаларида ўта оғир жиноятлар қолди. Оғир жиноятлар эса 15,5 фоиз моддаларидагина қолди. Қолган барча жиноятлар ижтимоий хавфли катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни ташкил қилади.

Бир қатор ўта оғир жиноятларнинг санкциялари ўзгартирилиб, ўта оғир жиноятлар туркумидан оғир жиноятлар туркумига, оғир жиноятлар туркумидан унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига ўтказилди. Шунингдек, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтлари янада кенгайтирилиб, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда) институти жорий қилинди.

Бундан ташқари, бир қанча моддаларга етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилишни қўлламаслик тўғрисидаги нормалар киритилди. **Ўлим жазоси жиноят қонунидан бутунлай чиқариб ташланиб ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди.** Жиноят кодексига киритилган бу ўзгартиришлар ва қўшимчалар натижасида жиноий жазолар тайинлашга жиддий ўзгартиришлар киритилди. Бундай ҳолат жиноий жазоларнинг амалда қўлланиши ва аҳамиятида жиддий ўзгаришлар юз беришига ижобий таъсир кўрсатди.

Жиноий жазо жиноят ҳуқуқининг функциясини амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Фақат жиноят ҳуқуқининг ўзигагина хос бўлган энг муҳим функцияси жазолаш билан огоҳлантириб ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ва жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо қўллаш функциясидир. Жиноий жазо жиноятчилик-нинг умумий ва махсус олдини олиш функциясини бажаради.

Жиноят ҳуқуқида жиноий жазо муаммолари батафсил ишлаб чиқилган ва жиноят ҳуқуқи дарсликларида анча кенг баён қилинган.

Жиноий жазо жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтлари-дан бўлиб, жиноят ҳуқуқи функциясини ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий

воситаси ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқининг самарадорлиги кўп жиҳатдан жиноий жазонинг самарадорлиги ва унинг мақсади билан боғлиқдир.

Жазо огоҳлантириб туриш орқали маълум даражада жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишда ягона ва ҳал қилувчи чора эмас.

А. Кетле ўз вақтида жиноятчиликка қарши курашда субъектларга ва жамиятга таъсир қилиш орқали жиноятчиликни муайян миқдорга камайтириш мумкин. Аммо жазодан у бера олмайдиган натижани кутиш мумкин эмас. Жазо муайян ижтимоий шароитларда пайдо бўлган жиноятчиликни тамоман тугата олмайди. Аммо муайян шароитларда жиноятчиликка таъсир қилиш орқали унинг ўсишига қаршилик кўрсатади, жиноятчиликнинг камайишига таъсир қилади деб ёзган эди XIX асрнинг ўрталарида. Демак, жазо жиноятчиликка қарши курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмасда, унинг олдини олиш ва камайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг 1926 ва 1959 йилларда қабул қилинган ЖК ларда жазо тушунчаси берилмаган эди. Фақат 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида жазонинг қонундаги тушунчаси берилди. Бунгача жазо тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясида ишлаб чиқилган эди, ҳолос.

ЎзР ЖК 42-моддасига кўра «Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат бўлган мажбурлов чорасидир».

Демак, жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб, фақат жиноят содир қилган шахсларга қўлланади. Давлатнинг мажбурлов чораси турли-туман бўлиб, жиноий жазо сифатида қўлланадиган мажбурлов чораси фақат жиноят қонунида кўрсатилади. Жиноят қонунида кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа мажбурлов чоралари жиноий жазо ҳисобланмайди.

Италиялик маърифатпарвар олим, криминология фанининг асосчиларидан бири, Чезаре Беккария (1738-1794) ўзининг «Жиноятлар ва жазолар ҳақида»ги тузукларида «Жиноят учун жазо фақат қонунда белгиланади ва уни чиқариш ҳуқуқи фақат қонун чиқарувчи органга тегишлидир. Ҳеч қандай судья, адолатлиликни бузмасдан жамиятнинг бошқа аъзолари учун бошқача жазо белгилай олмайди. Қонун ташқарисидаги ва қонун билан белгиланмаган жазо

адолатсиздир. Мухими жазонинг қаттиқлигида эмас, балки унинг муқаррарлигидадир», деб ёзган эди¹. И.И. Карпец эса, «Жиноят қонуни ва жазо жамиятнинг турмуш тарзига, давлатнинг молиявий ва иқтисодий аҳволига, жамиятнинг ижтимоий муносабатларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий тузумига ва шу асосда шаклланган этник ва ҳуқуқий қадриятларига мувофиқ бўлиши керак», — деб ёзган эди².

Шунга мувофиқ равишда 1959 йили 21 майда қабул қилиниб, 1960 йилнинг 1 январидан амалга киритилган Жиноят кодексида жиноий жазо чораси сифатида қўлланадиган мажбурлов чоралари тизимида, сургун, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаш, жамоат иззаси, тарбия-меҳнат профилакториясига юбориш, мол-мулкни мусодара қилиш жазолари ҳам назарда тутилган эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин ижтимоий тузум ўзгариб, бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни барпо қилиш сари ривожланаётганлиги туфайли 1994 йили қабул қилинган Жиноят кодексига бундай мажбурлов чоралари жиноий жазо сифатида киритилмади. Чунки янги тузумда бу жазолар ижобий натижалар бериш ўрнига салбий оқибатлар келтириб чиқариши ҳам мумкин бўлиб қолди.

ЎзР ЖКнинг 42-моддасида белгиланишига кўра, жиноий жазо фақат жиноят қонунида кўрсатилади ва давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга жиноий жазо суд томонидан тайинлансада, аслида давлат номидан тайинланади.

Жиноий жазо фақат жиноят содир қилган шахсларгагина тайинланади. Жиноятдан бошқа ҳуқуқбузишлар содир қилган шахсларга нисбатан эса мажбурлов чораси сифатида жиноий жазо тайинланиши мумкин эмас.

Жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади. Суддан бошқа бирорта мансабдор шахс жиноий жазо тайинлашга ҳақли эмас.

Жиноий жазо қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборатдир.

Жиноий жазо маҳкумнинг айрим ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиб ёки уларни чеклаб, маҳкумга маълум даражада жафо

¹ Беккария Ч. О преступлениях и наказаниях. М., 1939, с.373.

² Карпец И.И. Наказание. Социальные правовые и криминологические проблемы. М., «Юридическая литература», 1973, с.11.

келтирсада, аммо жисмоний азоб бериш ёки инсоний кадр-қимматини камситишга йўл қўйилмайди.

Жазонинг турига боғлиқ ҳолда маҳкумларнинг ҳуқуқий чеклаш доираси ҳар хил бўлади.

ЎзР ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди, деб таъкидланади.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги айтилган.

Жиноий жазонинг давлат номидан фақат суд томонидан тайинланиши Конституциявий қоида бўлиб, ЎзР Конституция-сининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», — дейилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят -процессуал кодексининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади», дейилади.

Жиноий жазо фақат жиноий жавобгарликка тортилган шахсларгагина тайинланади. Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан ё жазо тайинланади, ёки жавобгарликдан озод қилинади. Шунга кўра, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни ҳам, ёхуд жазо тайинлашни ҳам суд ҳал қилади(бундан кечириб, амнистия ва авф этиш мустасно, чунки жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг бу турлари фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва унинг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати ваколатига киради). Жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга тегишли масалалар ушбу китобнинг бешинчи бўлимида батафсил берилган.

Жиноий жазога тортилган шахс судланган ҳисобланиб, судланганлик умумий ва жиноят ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари шахс судланганлик муддати мобайнида яна жиноят содир қилса, рецидив жиноят содир этилган деб топилади. ЎзР ЖКнинг 77-моддасида белгиланишига кўра, жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Судланганлик муддати мобайнида шахс янги жиноят содир қилса, унинг судланганлиги янги

содир қилган жиноятининг квалификациясига ва шунга мувофиқ жазосига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Жиноят учун тайинланадиган жазо содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқдир. ЎзР ЖКнинг 15-моддасида жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш назарда тутилган бўлиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қанча юқори бўлса, жазо шунга мувофиқ каттиқроқ бўлиб боради.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиб, айтиш мумкинки, жиноий жазо қуйидаги белгилар билан ифодаланади ва ана шу белгилари орқали давлатнинг бошқа мажбурлов чораларидан фарқини ажратиб туради:

1) жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жазо давлат номидан тайинланади;

2) жиноий жазонинг шахсга нисбатан жафо келтириш даражаси анча юқори ва шахснинг муайян ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки чеклаш доираси анча юқори бўлади;

3) жиноий жазо фақат жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан тайинланади;

4) жиноий жазо фақат суднинг ҳукми билангина тайинланади;

5) жиноий жазо шахсни муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиб ёки чеклаб, ЖК 42-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган мақсадларда тайинланади;

6) жиноий жазо судланганликни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, жиноий жазо жиноятчиликка қарши курашнинг асосий воситаси бўла олмайди, аммо шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини алоҳида шахсларнинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг тажовузидан ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси бўлиб, қолаверади.

2-§. Жазонинг мақсади

Жиноий жазо фақат давлат номидан суд томонидан тайинланади. Жиноят содир қилган шахсга нисбатан жазо тайинлашдан мақсад нима? Жинояти учун шахсдан қасд олишми? Жинояти билан фуқароларга келтирилган жабри учун унга ҳам шундай даражада жабр келтиришми? Жамиятга келтирилган моддий ёки маънавий зарарни қоплатишми? Бу масалада ҳуқуқшунос олимлар ўртасида

жиддий мунозаралар бўлиб келган. Шунга кўра, жазонинг мақсади жиноят ҳуқуқининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жисмоний жазо давлатни алоҳида мажбурлов шакли бўлиб, юридик адабиётларда унга ҳуқуқий категория сифатида қаралади. Аммо жиноий жазо ўзининг мазмуни жиҳатидан, функциялари, хусусияти ва таъсир қилиш объекти жиҳатидан жазо та-йинлаш, жазони ижро этиш ва жазодан озод қилишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар анча кенгдир. Жиноий жазо ҳақида гап кетганда жиноий жазонинг жиноятчининг шахсига таъсирини, жамиятнинг жиноят содир қилмаган аъзоларининг шахсига ва умуман жамиятга таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Мукамал ишлаб чиқилган жиноий жазо давлатга жазо сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят ижроя қонунчилигини ривожлантириш имконини беради. Жиноий жазо ғоят муҳим ижтимоий функцияни ҳам бажаради. Бу ижтимоий функция жазонинг мақсади билан узвий боғлиқдир.

Ўз Р ЖК 42-моддасининг 2-қисмида, “Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”, дейилади. Демак, жиноий жазонинг мақсадини алоҳида-алоҳида элементларга ажратиб ифодаланса, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) маҳкумни ахлоқан тузатиш;
- 2) маҳкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш;
- 3) маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш;
- 4) бошқа шахслар томонидан жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланади.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириши муносабати билан жиноий жазонинг тарбиялаш элементлари кучайиб боради. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг олтинчи сессиясида «Адолат — қонун устуворлигида» мавзусида қилган маърузасида «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устиворлигини

таъминлайди», деган эди¹. Жамиятда барқарорлик қанчалик таъминланган бўлса, жазонинг тарбиялаш элементларига эҳтиёж кучаяди. Айниқса, жазони ўташ жойларида маҳкумларни тарбиялашда жазонинг тарбиявий функциясини ошириш зарурати келиб чиқади.

Жиноий жазо жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш нуқтаи назарда олганда ҳам ижтимоий назорат қилиш функциясини ҳам бажаради. Жиноий жазонинг ижтимоий назорат воситаси сифатидаги ҳамда жиноятчиликка қарши кураш ишидаги самарадорлиги кўп жиҳатдан жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ўзгаришларни ўз вақтида ҳисобга олиб бориш ва уларни қонунларда акс эттириш ҳамда амалда қўлланишини илмий асосда, мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш билан ҳам боғлиқдир.

Ч. Беккария «Жазонинг мақсади содир бўлган жиноятни, яъни содир қилинган қилмиш учун инсонни қийнаш ва унга азоб бериш эмас, балки жазонинг мақсади айбдорни жамиятга яна зарар етказишига тўсқинлик қилиш ва бошқаларни ҳам худди шундай қилмишларнинг содир этишини олдини олишдир», деб ёзган эди.²

Жазонинг мақсади жазонинг мавжуд бўлишига таъсир қилади ва унинг йўналишини белгилайди. Қонун чиқарувчи орган жазонинг мақсадини белгилар экан, жиноятчиликка қарши курашда қўлланиш амалиётининг натижаларига алоҳида аҳамият беради. Жиноий жазонинг яна бир хусусияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятининг самарадорлигини ҳам кўрсатиб туради.

Жазонинг мақсади ҳеч қачон фақат жазолаш бўла олмайди. Шахсга нисбатан жинояти учун жазолаш қўлланар экан, унинг мақсади ЖК 42-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган.

Аммо юридик адабиётларда жазонинг мақсади жиноят содир қилган шахсни жазолашдан иборат деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Н.А.Беляев жазолаш деганда жазонинг мақсади сифатида ҳуқуқ бузувчининг содир қилган жинояти учун уни муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиб унга жафо келтиришдан иборатдир деб ёзади³.

Бундай деб таъкидлаш қонунга тўғри келмайди. Жазонинг вазифаси бор ва жазолаш орқали қандай натижаларга эришиш

¹ Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида, Халқ сўзи, 2001 йил, 29 август.

² Беккария Ч. О преступлениях и наказаниях. М., 1939, с.373

³ Беляев Н. А. Цели наказания и средства их достижения. Л. 1963, с.25.

мумкинлиги мақсад қилинади. Бу мақсадлар **ЎзР 48-моддасининг** 2-қисмида баён қилинган.

Жазонинг мақсадларидан бири маҳкумни ахлоқан тузатишдир. Маҳкумга нисбатан айрим ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклаш орқали бу чеклашлар унинг ўзи содир қилган жиноятининг оқибати эканлиги кўрсатилиб, жазони ўташ орқали товба қилиш ва гуноҳини ювиш имконияти берилади. Оддий фуқароларнинг ўз фаолиятини жамиятнинг тўлақонли фуқароси сифатида ўз хоҳиш иродаси ва эрки билан амалга ошириши, жазога ҳукм қилинганларнинг жиноят ҳисобланадиган ҳаракат қила олмаслиги, ўз жиноий яқин ўтмишини баҳолаш ва ундан тегишли хулоса чиқариш имконияти яратилади. Маҳкумнинг ўз жиноий ўтмиш хулқидан воз кечишга аҳд қилганлиги унинг тарбияланганлигидир.

Жазо мақсадининг иккинчи элементи жиноятчининг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш бўлиб, шахс муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиниб, ёки ҳуқуқларини чеклаш орқали жиноий фаолиятини давом эттириш имкониятидан маҳрум қилинади. Айниқса, озодликдан маҳрум қилиш, қамок, интизомий қисмга юбориш жазосига ҳукм қилинган шахслар устидан назорат ўрнатилиб, эркинлиги чекланади ва жиноий фаолиятни давом этириш имкониятларидан маҳрум қилинади ва янги жиноят содир этилишининг олди олинади. Шахсга нисбатан тайинланган жазо жиноятнинг маҳсус ва умумий олдини олиш вазифасини ҳам бажаради. Жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, сайёр суд процессларини ташкил қилиш, жиноят ишларини кўриш бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. ЎзР ЖПК нинг 19-моддасида жиноят ишларини судда ошкора кўриш ҳақида баён қилинган.

Жиноий жазо шахснинг шаъни, кадр-қимматини камситиш, унга жисмоний азоб беришни мақсад қилмасида, аммо жиноий жазога ҳукм қилинган шахснинг ҳуқуқини чеклаш орқали маълум маънода жафо келтирилади. Жафо келтирмайдиган жазонинг ўзи бўлмайди. Айнан ана шу жафо келтириш билан кўрқитиб, фуқаролар томонидан жиноят содир этилишининг олди олинади. Шунга кўра, енгилроқ жазо тури шахсга етарли таъсир қилмай, янги жиноят содир қилса, оғирроқ жазо чораси тайинланади. Шунинг учун ҳам хавфли ёки ўта хавфли рецидив жиноят учун оғирроқ жазо чорасини тайинлаш назарда тутилади.

14-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жиноий жазо нима?
2. Жиноий жазонинг белгиларини айтинг?
3. Жиноий жазонинг мақсади нима?
4. Жиноий жазони бошқа мажбурлов чораларидан фарқи нимада ифодаланади?
5. Жиноий жазоланганликнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиринг?

Фойдаланилган адабиётлар ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Лесниевский-Костарева. Дифференциация в уголовном ответственности. М.: “Норма”, 2000.
2. Л.В.Багри-Шахматов. Уголовное ответственность и наказание. Минск. 1976.
3. В.Путин. Не ужесточить наказания и обеспечить его неотвратимость. “Российская юстиция”, 2002. №3, ст. 1.
4. Что такое пожизненное лишение свобода? Международные стандарты. “Российская юстиция”, 2002. №4, ст.20-24.
5. П.Бульков. Лишает ли свободы колония поселения? “Российская юстиция”, 2001. №6, ст. 56.
6. С.В.Бородин. Еще раз о смертной казни за убийство. “Государство и право”. 2001. ст.56.
7. А.С.Никифоров. О смертной казни. “Государство и право”. 2001. ст. 64.
8. Л.В.Иногамова-Хегай. Конкуренция уголовно-правовых норм о назначении наказания. “Государство и право”. 2001. №5, ст. 61.
9. И.И.Карпец. Наказание, социальные, правовые и криминологические проблемы. М.: “Юридическая литература”, 1973.
10. Н.А.Беляев. Цели наказания и ее достижения. М: 1969.

XV БОБ. ЖАЗО ТИЗИМИ ВА ЖАЗО ТУРЛАРИ

1-§. Жазо тизими ва турлари

ЎзР ЖКнинг 43-моддасида жиноят қонунида назарда тутилган жазолар муайян тартибда жойлаштирилган бўлиб, жазо тизимини ташкил қилади.

Жиноят кодексида назарда тутилган жазо турларининг уларнинг оғирлик даражасига қараб муайян тартибда жойлаштирилган қатъий рўйхати жазо тизими деб айтилади.

Жазо тизими жиноят ҳуқуқининг умумий принципларига асосланиб, бу принциплар: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

ЎзР ЖКнинг 43-моддасида берилган жазо тизими расмий бўлиб, ўрни, номланишини эркин равишда ўзгартирилиши мумкин эмас. 43-моддадаги жазо тизимида ҳар бир жазонинг номи тартиб рақами, муайян тартибда жойлаштирилган ўрни бор. Уларнинг жойлашган ўрни, номини ўзгартириш фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қабул қилган тегишли қонуни билангина амалга оширилади.

Жамият ва давлатда юз берган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар жазо тизими, уларнинг жойлашиш тартиби, ўз аҳамиятини йўқотганларни бу тизимдан чиқариб ташлаш ёки янги жазо турини киритилишига таъсир қилиши мумкин.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексининг 43-моддасида жазо тизими қуйидаги тартибда қабул қилинган:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамоқ;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) **Умрбод озодликдан маҳрум қилиш.**

Ушбу жазолардан фақат муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида ҳам, қўшимча жазо сифатида ҳам тайинланиши

мумкин. Қолган барча жазолар фақат асосий жазо сифатидагина тайинланади.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Бу жазоларнинг ҳар бирининг тушунчаси, тайинлаш шартлари ЎзР ЖКнинг 44-53-моддаларида алоҳида-алоҳида берилган.

Жазо тизимининг ижтимоий аҳамияти нимада?

Биринчидан, жазоларнинг жиноят қонунида белгиланган ягона тизимидан иборат эканлигини ва бу тизимнинг расмий эканлигини билдиради.

Иккинчидан, жиноий жазонинг бу рўйхати қатъий бўлиб, 43-моддада назарда тутилганидан бошқа мажбурлов чораларини қўлланиши мумкин эмаслигини билдиради.

Учинчидан, жазо тизими ҳар қандай жазолар мажмуидан иборат бўлмай, ҳар бир жазонинг оғирлигига қараб, муайян тартибда энг энгилидан энг оғирига қараб жойлаштирилган жазолар тизимидан иборатдир. Жазоларнинг энг энгилидан энг оғирига қараб жойлаштирилганлиги жазо тизимининг битта элементи ҳисобланади.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, жазонинг энгилроғини тайинлайди. Жазонинг энгилроғини тайинлаш имкониятлари бўлмасагина оғирроқ жазо турини тайинлашга ўтилади. Ана шундай қоидага ЖК Махсус қисми моддаларининг санкцияларида ҳам риоя этилган.

Юқорида баён қилганимиздек, жамият ва давлатда ижтимоий сиёсий ўзгаришлар юз бериши жазо тизими ва турларига бевоста таъсир қилади.

1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида жазолар энг оғиридан энг энгилига қараб жойлаштирилган эди. Бундай жойлаштириш ўша даврдаги жазо тайинлаш сиёсатига ҳам мувофиқ келмас эди.

Амалдаги Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазолар энгилидан оғирига қараб тўғри жойлаштирилган бўлиб, муайян бир жазонинг ўзидан юқорироқда жойлаштирилган тури энгилроқ жазо бўлса, олдинги кодексда муайян жазо туридан олдинда турган жазо оғирроқ жазо ҳисобланган. Жазоларни бундай тарзда жойлаштирилиши жазоларнинг энгилроғи ёки оғирроғини аниқлаш масаласини ҳал қилишда ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Олдинги кодексда эса жазонинг энгилроғини аниқлаш анча қийин ва оғирлиги жиҳатидан бир хил бўлган жазолар турли ўринларда жойлаштирилган эди. Жазонинг энгилроғини танлаш учун жазо тизимидаги энг охирги жазодан бошлаб ҳисоблаш керак бўлар эди.

Жамиятдаги жиддий ўзгаришлар туфайли 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексда назарда тутилган олтига жазо тури, янги Жиноят кодексда жиноий жазо сифатида назарда тутилмади. Булар: сургун, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаш, жамоат иззаси, тарбия-меҳнат профилакториясига юбориш. Бозор иқтисодиёти тизими шакланаётган ҳозирги даврда бу жазолар салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан бирга амалдаги янги Жиноят кодексига олдинги Кодексга маълум бўлмаган хизмат бўйича чеклаш ва қамоқ жиноий жазонинг мустақил тури сифатида Кодексга киритилди. Мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазо амалдаги Жиноят кодекси қабул қилинган вақтда Жиноят кодексда назарда тутилган бўлсада, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан Кодексдан чиқарилди¹.

ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жиноий жазолар икки гуруҳга бўлиниб, булар асосий ва қўшимча жазолардир.

Жазо тизимидаги муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо тариқасида ҳам, қўшимча жазо тариқасида ҳам тайинланиши мумкин. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги жазо фақат қўшимча жазо тариқасида тайинланади.

ЖК 43-моддасида назарда тутилган жазолар ижро этиш усулига қараб икки гуруҳга бўлинади:

1) алоҳида акт билан ижро этиладиган жазолар;

2) суд ҳукмида белгиланган муддат мобайнида жараён сифатида ўтиладиган жазолар.

Алоҳида акт билан ижро этиладиган турларига жарима, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ва **умрбод озодликдан маҳрум қилиш** киради. Қолган барча жазолар суд ҳукмида белгиланган муддат мобайнида жараён сифатида ўтиладиган жазо турларига киради. Бу жазолардан қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган шахслар жамиятдан ажратилиб, уларнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда.

Хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш жазолари фақат ҳарбий хизматчиларгагина тайинланади.

Қуйида ҳар бир жазо турини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

2-§. Жарима

ЎзР ЖКнинг 44-моддасига мувофиқ, жарима айбдордан давлат даромадига Жиноят кодексида белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Жарима жиноий жазолар ичида энг енгил жазо бўлиб, жазо тизимида биринчи ўринда жойлаштирилган.

Жарима алоҳида акт билан ижро этиладиган жазо тури бўлиб, ҳукм қонуний кучга кириши билан жариманинг суд ҳукмида тайинланган миқдори давлат даромади ҳисобига тўланади ва жазо ижро этиб бўлинган ҳисобланади.

Жариманинг жазолаш элементлари маҳкумнинг моддий манфаатларига қаратилган мажбурлов чорасида ифодаланади.

ЎзР ЖК 44-моддасининг мазмунига кўра, жарима фақат асосий жазо сифатида тайинланади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи давлатлар Жиноят кодексларида жаримани асосий жазо сифатида ёки қўшимча жазо сифатида ҳам тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган (РФ ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми).

Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда тайинланиши мумкин. Вояга етмаганларга нисбатан жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Маълумки, минимал ойлик иш ҳақининг миқдори ўзгарувчандир. Минимал ойлик иш ҳақининг миқдори жиноят содир этиш вақтида бошқа миқдорни, ҳукм чиқариш вақтда бошқа миқдорни ташкил қилиши мумкин. Бундай ҳолда жариманинг миқдори қайси бири ҳисобидан тайинланади деган ҳақли савол туғилади. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006-йил 3-февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиётида”ги Пленум қарорининг 16-бандида** Судлар шуни назарда тутишлари керакки, жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган пул бирлигида ифодаланган жами суммаси ҳам кўрсатилиши лозим-деб тушунтириш берилган.

Суд жарима жазосига ҳукм қилганда шахснинг содир қилган жиноятининг хусусияти, моддий аҳволини ҳисобга олади.

Тайинланган жаримани маҳкумнинг дарҳол тўлаш имкониятлари бўлмаса, ЎзР ЖК нинг 533-моддасига кўра, суд жарима тўлашни олти ойгача кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб, тўлашни белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасида белгиланишига кўра, жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт.

Маҳкум жаримани тўлашдан бўйин товлаган тақдирда ЎзР ЖКнинг 44 ва 82-моддаларида назарда тутилаган тартибда ва доирада бошқа жазо билан алмаштирилишига сабаб бўлади.

Тайинланган жаримани тўлаш масаласида айрим муаммолар юз берганлиги туфайли ЎзР ЖК нинг 44-моддасининг учунчи қисми 2008-йил 10-апрелдаги қонун билан янги тахрирда қабул қилиниб Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг иложи бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кийин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бўзилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштириб, уч йилдан кўп муддатга қамоқнинг ҳар ойи эса энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. (ЎзР 10.04.2008-йил ЎзР Қ 151-сонли Қонун тахририда).

ЎзР 82-моддасида белгиланишига кўра, вояга етмаган маҳкум жаримани тўлашдан олти ой муддат мобайнида бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштиради. Бунда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жарима ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштириб ҳисобланади.

3-§. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш

ЎзР ЖК 45-моддасида белгиланишича шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинланган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки мансабни эгаллашни, ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни тақиқлашдан иборат.

Қонуннинг ушбу мазмунига кўра, қонун чиқарувчи орган бир-бири билан жуда яқин, ўхшаш бўлган муайян мансабни эгаллаш ва муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишни бирлаштириб, битта нормада берган.

Муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш фақат давлат идораларида ишлаётган мансабдор шахсларга нисбатан тайинланади. Шунингдек, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахсларига нисбатан ҳам тайинланиши мумкин.

У ёки бу фаолият билан шуғулланиш ҳар қандай асосий даромад манбаи ҳисобланган фаолият билан шуғулланишдан ёхуд асосий даромад манбаи ҳисобланган муайян касб билан доимий равишда шуғулланишдан маҳрум қилиш назарда тутилади.

Хизмат вазифаси ёки касб ёхуд мансаби билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишни тайинлаш мумкинми деган савол туғилади. Бу масала қонунда ўз ифодасини топмаган.

Бундай жазо одатда содир этилган жиноят субъектининг мансаби, касби, доимий бажараётган иши билан боғлиқ бўлса тайинланади.

Суд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни тайинлар экан, ҳукмда айнан қандай мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилганини ёки айнан қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганини ҳукмда аниқ кўрсатади. Масалан, транспорт ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятни содир қилган транспорт воситасини ҳайдовчиси транспорт воситасини суд ҳукмида кўрсатилган муддатда бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Демак, қандай мансаб ёки фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги кўрсатилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этилганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан беш йилгача

муддатга, кўшимча жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш шахсга асосий жазо тариқасида тайинланган бўлса, шундай жазони яна кўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин эмас. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўшимча жазо тариқасида ҳар қандай асосий жазога кўшиб тайинланиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига кўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари, суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Масалан, шахсга ЎзР ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва кўшимча жазо тариқасида уч йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги кўшимча жазо бутун озодликдан маҳрум қилиш муддатига ҳам жорий қилинади. Суд ҳукмида белгиланган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш кўшимча жазосини ижроси озодликдан маҳрум этиш жойидан шахс озод қилинган кундан бошлаб ижро қилинади.

Қонунга кўра, (ЖКнинг 50-моддаси) эҳтиётсизликдан жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар бу жазони манзил-колониясида ўтайдилар. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан кўшимча жазо тариқасида маҳрум қилинган шахсларни манзил колониясида жазони ўташ вақтида транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйилмайди. Чунки бундай кўшимча жазо озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ жазосига кўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, ана шу жазоларни ўташдан озод қилинган кундан бошлансада, асосий жазони ўташ муддатига ҳам жорий қилинади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ва қамоқ жазоларидан бошқа турдаги жазоларга ҳукм қилинганда ҳукм қонуний кучга кириши билан асосий жазо билан бир вақтда ижро этилади. Шунингдек, шартли ҳукм қилинганда синов муддати бошланган кундан эмас, балки ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда синов муддати эса ҳукм чиқарилган кундан бошланади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жиноий жазо

бўлганлиги туфайли фақат ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ижро этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш ва интизомий қисмга жўнатиш жазоларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган тақдирда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасида қўшимча жазо шартли равишда озод қилинган кундан бошлаб ижро этилади. Бу жазолар ЖК 74-моддаси тартибида бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилган бўлса, енгилроқ жазо билан алмаштирилган кундан бошлаб ижро этилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш Ўзбекистон Республика-сининг Жиноят ижроия кодексининг 21-моддасида белгиланишича маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо тариқасида шундай жазолардан бошқа турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинлаш ЖК Махсус қисми моддасида мажбурий тарзда назарда тутилган бўлса ва суд иш ҳолатларига кўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни лозим топмаса, фақат ЎзР ЖКнинг 57-моддаси (енгилроқ жазо тайинлаш) қоидаларини қўллаган ҳолда бу қўшимча жазони тайинламаслиги мумкин. Аммо бу жазо асосий жазо тариқасида тайинланган бўлса, қўшимча жазо тариқасида тайинламаганда 57-моддага мурожаат қилинмайди.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этиш тартиби Жиноят-ижроия кодексининг 6-бобида батафсил баён қилинган.

4-§. Ахлоқ тузатиш ишлари

Ахлоқ тузатиш ишлари жиноят қонунидаги жазо тизимида ҳар доим асосий жазо сифатида муҳим ўрин тутган. Амалдаги Жиноят кодексининг 131-моддаси санкциясида асосий жазо сифатида ахлоқ тузатиш ишларининг назарда тутилгани ҳам буни исботи ҳисобланади. Бу жазо тури собиқ Совет Иттифоқи, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг жазо тизимида ҳам муҳим ўрин тутган. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят Кодексининг 46-моддасида «Ахлоқ тузатиш ишлари» номи билан асосий жазо сифатида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари шахсининг иш ҳақининг ўн фоиздан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига

ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборатдир.

Ахлоқ тузатиш ишининг бу таърифидан кўриниб турибдики, бу жазо турига ҳукм қилинган шахс фақат мажбуран меҳнатга жалб қилинади ва иш ҳақининг суд ҳукмида кўрсатилган қисми давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинади.

Жазони ўтаётган шахсларнинг яшаш тарзи эса бошқа фуқароларнинг турмуш тарзидан фарқ қилмайди. Уларнинг иш ҳақидан суд ҳукмида кўрсатилган қисмини ушлаб қолиш билан, маҳкумга маълум даражада моддий жафо келтириш ва шу йўл билан қилган гуноҳини ювиш имконияти яратилади. Ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётган шахсга нисбатан фақат моддий маънодаги чеклаш қўллангани учун ҳам юридик адабиётларда бу жазонинг мазмуни ва моҳияти юзисидан ҳам ҳар хил фикрлар билдирилган эди. Жумладан бу жазо дастлабки амалда қўлланилган вақтда йирик рус олимлари С.В.Познишев, М.М.Исаевлар бу жазони фақат мулкӣ жафо келтиради ва шунинг учун ниқобланган жарима жазосидан бошқа нарса эмас, деб ёзган эдилар. Кейинчалик В.Д.Меньшакин ҳам ниқобланган, аммо кечиктирилган жарима, деб ёзган эди.¹

Бундай фикрларнинг берилиши ўша давр учун табиий ҳол эди. Чунки бу жазо тури янги жорий қилинган ва ҳали амалиётда етарли даражада синовдан ўтмаган ҳамда унинг назарий қоидалари юридик адабиётларда батафсил ишлаб чиқилмаган эди. Ҳатто В.Д.Меньшагин бу жазо тури жарима жазосига нисбатан енгилроқдир. Чунки жарима бир вақтнинг ўзида тўланса, бу жазога ҳукм қилинган шахс жаримани бўлиб-бўлиб тўлайди, деб ёзган эди.²

Ҳозирги кунда ахлоқ тузатиш ишларининг назарий қоидалари анча батафсил ишлаб чиқилган бўлиб, уни жарима жазоси билан бир хил деган фикрлар олимлар ўртасида деярли учрамайди. Аммо амалиётда ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсни иш билан таъминлаш ёки иш ҳақи тўланмай турган корхоналарда жазони ўтаётган маҳкумлардан энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридаги пул суммасини тўлаб қўйишини талаб қилинмоқда. Бундай ҳолат эса, жиноят ҳуқуқи ва қонунларга тамоман зид бўлиб, ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахс албатта мажбурий равишда меҳнатга жалб қилиниши ва ҳар ойда оладиган иш ҳақининг суд ҳукмида кўрсатилган миқдори давлат даромадига ўтказиб берилиши керак.

¹ Курс советского уголовного права в 6 томах. Т. 3, М.: “Наука”, 1970, — с. 90.

² Ўша жойда.

Ахлоқ тузатиш ишлари маҳкумга нисбатан фақат моддий жафо келтиради, деб ҳисобланса, унинг жарима билан фарқи нималарда? Бизнинг фикримизча, бу фарқлар қуйидагилардан иборат:

1. Жарима жиноий жазо сифатида алоҳида акт билан ижро этиладиган жазо ҳисобланса, ахлоқ тузатиш ишлари жараён сифатида, суд ҳукмида кўрсатилган муддат мобайнида (олти ойдан уч йилгача) ўталади.

2. Жарима маҳкумнинг ўз мулкига нисбатан (ёки даромадидан ундириш) тайинланса, ахлоқ тузатиш ишларида маҳкумнинг ҳар ойда оладиган ойлик иш ҳақига нисбатан муайян фоиз ушлаб қолинади.

3. Жарима жазоси алоҳида акт билан ижро этиладиган жазо бўлгани учун, маҳкум билан мажбурий ҳарактерга эга бўлган тарбиявий ишлар олиб борилмаса, ахлоқ тузатиш ишлари жараён сифатида ўталганлиги туфайли, бу жазони ўтаётган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида назарда тутилган маҳкумларни ахлоқ тузатишнинг асосий воситалари ҳисобланган жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими) ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, тарбиявий ишлар, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири чоралари қўлланади.

4. Жарима жазосида шахс суд ҳукмида белгиланган жарима миқдорини тўлаганидан кейин шахснинг статусини чеклайдиган бирон-бир чеклаш жорий этилмайди. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахс жазони ўташ муддати мобайнида ЎЗР Жиноят-ижроия кодексининг 29-моддасида белгиланишига кўра, ҳукм талабларини бажаришга, жазоларни ижро этиш инспекциясига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилишга, чақирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлишга мажбур.

Ана шу юқорида айтилган хусусиятларга кўра, ахлоқ тузатиш ишлари жарима жазосига мутлақо ўхшаш эмас. Ахлоқ тузатиш ишлари Жиноят кодексига назарда тутилган жазолар ичида жиноят қонунининг инсонпарварлик принципи яққол намоён бўлган жазо туридир.

Чунки ЎЗР ЖК 42-моддасининг 2-қисмида жазонинг мақсади кўрсатилиб, маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум томонидан янги жиноят содир этишнинг олдини олиш бўлса, ахлоқ тузатиш ишларига

ҳукм қилинганлар жамиятдан ажратилмай оддий турмуш ва иш шароитида бу мақсад амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексининг 26-моддасида ахлоқ тузатиш ишларининг муддати 1 ойдан 2 йилгача белгиланган эди. Аммо суд фаолиятида жазо турини асосан бир йилдан кам бўлмаган муддатга тайинлаб келинган. Албатта ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан олганда ахлоқ тузатиш ишларини 6 ойдан кам бўлган муддатга тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки бу қисқа вақт ичида маҳкумга нисбатан Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида назарда тутилган маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаларини тўла қўллаш ва жазонинг мақсадига эришиши амалий жиҳатдан мумкин бўлмайди.

Жиноят кодексидан махсус кўрсатилмаган бўлса-да, жазони қонунда ёзилмаган яна бир мақсади, маҳкумга жазони ўташ муддати мобайнида ўз айбини ювиш имкониятини ҳам беришдир. Агар ахлоқ тузатиш ишлари 6 ойдан кам муддатга тайинланса, шахсга бундай имконият тўла яратилмайди. Бундан ташқари, ҳозирги бозор иқтисодиёти тизимида қилинган меҳнатни муайян қийматларда белгиланадиган бўлса, жиноят юзасидан суриштирув, тергов олиб бориш ишлари ҳамда судда кўриш жараёнини ҳисоб-китоб қилинса, давлат анча катта пулга тушади.

Ахлоқ тузатиш ишини 6 ойдан кам муддатга тайинланганда айбдорнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган пул миқдори юқорида айтилган процессуал ҳаракатлар учун кетган харажатни қопламайди ҳам. Умуман ҳозирги кунда бу масалалар давлат томонидан ҳисоб-китоб қилинмаса-да, бутун дунё тажрибаси шуни ҳам эътиборга олишни тақозо қилмоқда.

Ана шуларни эътиборга олган ҳолда амалдаги Жиноят кодексининг 46-моддасида ахлоқ тузатиш ишларининг муддати 6 ойдан 3 йилгача белгиланди. Нима сабадан олдинги Жиноят кодексидан бу жазо турининг энг кўп муддати 2 йил, янги Кодексда 3 йил белгиланди, деган ҳақли савол туғилади.

Бу масалада, энг аввало, янги Жиноят кодексининг олдингисига нисбатан гуманлашганидан далолат беради. Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларини таҳлил қилиш ва солиштиришдан шундай ҳолат аниқландики, бу Кодекс Махсус қисмининг 131-моддасининг санкцияларида ахлоқ тузатиш ишлари асосий жазо сифатида назарда тутилган. Кўплаб моддаларнинг биринчи қисми санкцияларида энг

оғир жазо сифатида ахлоқ тузатиш ишлари ёки қамоқ назарда тутилган.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда умуман озодликдан маҳрум қилиш белгиланмаган ёки қасддан қилинган жиноятлар учун қонунда 3 йилгача, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноят учун 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар киритилган. Жиноят кодекси Махсус қисмининг жуда кўп унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддаларида ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан альтернатив жазо сифатида кўзда тутилди.

Шу муносабат билан кўплаб жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишни эмас, балки ахлоқ тузатиш ишини тайинлаш имконияти вужудга келди. Шундай қилиб, ахлоқ тузатиш ишларининг муддатини 3 йил белгиланиши, жазонинг кучайгани эмас, балки умуман жазолар ҳамда жазо сиёсатининг гуманитарлашганидир.

Ушбу жазо турига ҳукм қилинганлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиниб, уларни тарбиялашда маҳкум жазони ўтаётган корхона маъмурияти ва меҳнат жамоалари қатнашадилар. Агар маҳкум жазони ўташ учун ўз иш жойида қолдирилган бўлса, оила аъзолари ҳам уни тарбиялашда бевосита қатнашади.

Бу жазонинг ғоят муҳим томони шундаки, маҳкум жазони ўташ учун ўз иш жойида қолдирилган бўлса, касбини ўзгартиришга ва янги касбни ўрганишга тўғри келмайди. Бу билан у касби билан боғлиқ бўлган билим ва маҳоратини эсидан чиқариб қўймайди, балки янада ривожлантиради.

Бундан ташқари, шахс жазони ўташ вақтида ўзининг доимий яшаш жойида яшашни давом эттирганлиги учун, бу жазонинг биринчи турини ўтаётганлар учун жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар умуман яшаш жойи билан таъминлаш ташвишидан ҳолидирлар. ЎзР ЖКнинг 83-моддасига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари вояга етмаган меҳнатга лаёқатли шахсларга нисбатан бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

ЎзРнинг амалдаги ЖК қабул қилинган вақтда 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш мумкин эмас эди.

Шу муносабат билан суд амалиётида бу ёшдагиларга нисбатан жазо тайинлашда айрим камчиликлар пайдо бўла бошлади. Жумладан бир хил оғирликдаги ва бир хил жиноятни содир қилган 16 ёшга тўлмаган шахсга ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш мумкин

бўлмагани учун суд уларга фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини, шундай жиноятни содир қилган 16 ёшга тўлган шахсга эса ахлоқ тузатиш ишини тайинлаши мумкин эди. Натижада кичик ёшдаги енгилроқ жиноятни содир қилган вояга етмаганлар катта ёшдаги оғирроқ жиноят содир қилган вояга етмаганларга нисбатан оғирроқ шароитга тушиб қолди. Ана шу муаммони бартараф қилиш мақсадида 1996 йил 27 декабрь қонуни билан ЖКга бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, ЎзР ЖКнинг 83-моддасидаги 16 ёшга тўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш мумкин бўлмаган чеклаш чиқариб ташланди.¹

Бизнинг фикримизча, қонунга бундай ўзгартириш киритилиб тўғри қилинди. Аммо бунда бошқа бир муаммо ҳам келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига кўра, 16 ёшга тўлган шахсларнигина ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Бундай ҳолда 16 ёшга тўлмаган шахсларни ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганда уларни иш билан таъминлаш масаласи қандай ҳал қилинади? Меҳнат кодексининг 77-моддасида 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг розилиги билан ишга қабул қилинади, дейилган.

Бизнинг фикримизча, 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган тақдирда ҳам Меҳнат кодексининг бу қонундаси тадбиқ этилади. Чунки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинганларнинг меҳнати меҳнат тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

Ахлоқ тузатиш ишларининг турлари. ЎзР ЖКнинг 46-моддасида «жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади», дейилади.

Демак, бу моддада ахлоқ тузатиш ишларининг иккита тури, яъни:

1. Маҳкумнинг жазони ўз иш жойида ўташ тури.
2. Ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташ тури кўзда тутилган.

Булардан қайси бири қандай ҳолларда тайинланади, деган асосли савол тутилади. Қайси турини тайинлаш масаласини суд жиноят иши ҳолатларига қараб ҳал қилади, яъни суд ахлоқ тузатиш ишларининг қайси турига ҳукм қилинганлигининг шартларини ҳукмнинг ўзида кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда.

Маҳкумнинг жазони ўз иш жойида ўташ тури. Қонунга кўра, ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар икки турини ўташ масаласида, жазонинг муддати, улар меҳнатини тартибга солиниши жиҳатидан ва уларни ўташдан бош тортганликнинг ҳуқуқий оқибатлари жиҳатидан фарқ қилмайди. Уларнинг фарқи жазони ўташ жойлари бўйича фарқ қилади, холос.

Субъектнинг содир этган жинояти унинг иш фаолияти, бажараётган иши ёки мансаби билан боғлиқ бўлмаса ёки қўшимча жазо сифатида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тайинланмаган бўлса жазони ўз иш жойида ўташ турини тайинланиши мумкин. Юридик адабиётларда ахлоқ тузатиш ишининг ўз иш жойида ўташ турига нисбатан бошқа жойларда ўташ тури оғирроқ жазо деган фикрлар ҳам мавжуд.¹

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолат 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган ЖКнинг 27-моддасида кўрсатилган қоидалар учун тўғри эди. Унда «ахлоқ тузатиш ишига ўз ишлаш жойида ўташ шarti билан ҳукм этилган шахс жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд, ички ишлар органининг тақдимномаси ёхуд жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоатининг илтимосномаси билан мазкур шахсни ахлоқ тузатиш ишини ўташни назорат қилишни таъминловчи органлар томонидан белгиланадиган бошқа жойларда, лекин маҳкум яшайдиган районда жазони ўташ учун юборилиши мумкин», дейилган эди.

Амалдаги Жиноят кодексида уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил бўлиб, қонунда юқорида айtilган қоидалар назарда тутилмаган. Демак, суд ахлоқ тузатиш ишини тайинлаганда фақатгина жазо муддатигина эмас, балки ахлоқ тузатишнинг турини ҳам ҳукмда кўрсатади.

Ахлоқ тузатиш жазосини ўташни қайси вақтдан бошлаб ҳисоблаш керак, деган ҳақли савол туғилади. Чунки Ўзбекистон судларида жазони ўташ муддатининг бошланиш вақти ҳукмларда ҳар хил кўрсатилган. Масалан, Наманган вилоятининг айрим туман судларида, жазони ўташ муддати, жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин, дейилган бўлса, бошқа туман судларида маҳкум рўйхатга олиниб, меҳнатга жалб қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин, дейилган. Бизнинг фикримизча, ҳукмда ахлоқ тузатиш иши жазосини бошланиш вақтини тўғри белгиланиши, жазо муддатини тўғри

¹ Курс советского уголовного право в 6 томах. Т.3. М.: “Наука”, 1970, с. 95.

ҳисоблаш ва қонун бузилишига йўл қўймасликнинг муҳим шарти ҳисобланади.

ЎзР Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасида ахлоқ тузатиш жазосининг муддатини ҳисоблаш тартиби белгиланган бўлиб, шундай дейилади: ахлоқ тузатиш ишлари муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар ахлоқ тузатиш ишини маҳкумнинг ўз иш жойида ўташ белгиланган бўлса, жазо муддатининг бошланишини тўғри белгилаш ғоят муҳимдир.

ЎзР Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддаси мазмунига кўра, маҳкумнинг жазони ўз иш жойида ўташи тайинланган бўлса жазонинг бошланиш вақти маҳкумнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш бошланган кундан ҳисобланади. Бу борада юридик адабиётларда ҳам олимлар аниқ фикр билдирганлар. Жумладан, Н.А.Стручков жазони ўташнинг бошланишини маҳкумнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблаш керак, деб ёзади. Биз бу фикрга қўшиламыз ва бу муаммони бундай тушунтириш амалдаги ЎзР ЖК ва Жиноят-ижроия кодекси қоидаларига мос келади. ЎзР Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасида маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишламаган кунларини жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш учун ушбу Кодекста белгилаб қўйилган асослар бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган иш кунлари миқдорини тўлиқ ишлаб бергунга қадар давом этади, дейилади.

Ана шу айтганларга кўра, маҳкумга нисбатан тайинланган жазо муддати йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади.

Бунда шундай ҳолат муҳимки, маҳкумнинг жазони ўташ вақтидаги ишлаган кунлари шу корхонада ишлайдиган бошқа ишчиларнинг ишлаган кунлари билан тенг бўлиши керак. Агар у ёки бу сабабга кўра, маҳкум ишга чиқмаган бўлса, бу кунлар жазо муддатига қўшилмайди. Шунга кўра ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати даврида ишламаган қандай кунларни жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш керак ёки қўшиб ҳисобламаслик масалалари маҳкум ишлаётган корхона бухгалтерияси орқали ҳисоблаб борилади.

ЎзР Жиноят ижроия кодекси 30-моддасининг 5-қисмида ёзилишича, жазони ўташ муддатига қуйидагилар қўшиб ҳисобланмайди:

қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;

қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони ўташ вақти;

бошқа жиноят содир қилгани муносабати билан қамоқда сақланган вақт.

Қонунда жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган мана шу юқорида айтилган учта ҳолат айтилган ҳолос.

Аммо амалда маҳкумнинг ишламайдиган бошқа кунлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, бирор ўқув юртида маҳкум сиртдан ўқиётган бўлса, (бу жазони ўтаётганлар меҳнатга мажбуран жалб қилинган туфайли кундузги ўқиш шаклида ўқий олмайдилар) сессияга, диплом ҳимоясига, давлат имтиҳонлари топширишга кетган вақт, бирор объектив сабабга кўра, ишга чиқмаган (масалан, яқин қариндошининг вафоти, тўй ёки шунга ўхшаш ҳодиса туфайли) кунларни жазо муддатига қўшиш керакми ёки йўқми, деган савол туғилади.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг ахлоқ тузатиш ишларини қўллаш бўйича берилган тушунтиришларда ҳам аниқ бир тавсия берилмаган. Фақат шу Пленум қарорининг 4.2. бандида «Ахлоқ тузатиш ишига судланган шахсга ушбу жазони ўташ даврида берилган маъмурий жазо ҳукмда белгиланган ахлоқ тузатиш ишини ўташ муддатига кирмайди», дейилган ҳолос. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленуми ўз қарорида бу масала юзасидан батафсилроқ тушунтириш берса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу жазо тури озодликдан маҳрум қилиш ва жаримадан кейин ҳозирги кунда кўп қўлланадиган жазо турларидан бири ҳисобланади. Демак, **Жиноят-ижроия** кодексининг 30-моддасида кўрсатилганларидан ташқари яна қайси кунларни жазо муддатига ҳисобламаслик масаласи ҳал қилиниши керак. Бизнинг фикримизча, шу моддада кўрсатилганидан ташқари яна қуйидаги ишламаган кунларни ҳам жазо муддатига қўшиб ҳисобламаслик керак:

- сабабсиз ишга чиқмаган кунлар;

- ўз ҳисобидан қисқа муддатга ишдан рухсат олинган кунлар (без содержания).

ЎзР ЖКнинг 46-моддасига мувофиқ, агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатини жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Ўндан бир қисмидан камроқ бўлсачи, бундай ҳолда маҳкумга интизомий жазо қўлланиб, ишга чиқмаган кунлар жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Одатда, ахлоқ тузатиш ишини ўтаётган шахсларга меҳнат таътили берилмайди. Аммо улар ўз ҳисобидан қисқа муддатга иш жойларидан (албатта жазонинг ижросини назорат қилувчи орган розилигини олиб) рухсат олишлари мумкин. Масалан, тасаввур қилайлик, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган шахснинг Наманган шаҳрида яшовчи отаси ёки онаси ёхуд бошқа яқин қариндоши вафот қилса, бир неча кунга рухсат олиб бориб келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолда ишланмаган кунлари жазо муддатига қўшилмайди.

Қонунга мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланадиган касаллик вақти, ўқув юртларида сиртдан ўқиётган бўлса, сессия топшириш вақти, диплом ёзиш ва химоя қилиш ва давлат имтиҳонлари топшириш вақти жазо муддатига қўшиб ҳисобланиши керак. Чунки бундай ишламаган кунлар учун муайян миқдорда ҳақ тўланади ва шу тўланган пулнинг суд ҳукмида кўрсатилган қисми ушлаб қолиниб, давлат даромадига ўтказилади. Шунингдек, маҳкум ишлаётган корхонада хом ашё йўқлиги ёки бошқа бир сабабга кўра, шахс вақтинча ишламаётган бўлса, ишламаган кунлари ҳам ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланиши керак.

Маълумки, ишчи-хизматчиларнинг ишлаш вақти меҳнат қонунлари билан тартибга солинади ва уларнинг иш кунларини ҳисоблаш унча қийин эмас. Аммо дала меҳнаткашлари (яъни жамоа хўжалигининг ёки деҳқон хўжалигининг аъзолари) ҳам ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниши мумкин.

Қишда бир неча ой дала ишлари тўхтайдди, ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахс қиш мавсумида дала ишлари тўхтагани туфайли ишламайди. Ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган далада ишлайдиган шахснинг ана шу ишламаган кунларини жазо муддатига қўшиб

ҳисоблаш керакми ёки йўқми, деган савол туғилади. Бу муаммо на Ўзбекистон Республикасининг юқорида айтилган Пленум қарорида, на дарсликларда ва на қонунда ўз ечимини топган. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми бу масалада ҳам аниқ бир тушунтириш бериши керак.

Бу масалада профессор И.А.Сперанский шундай ёзади: «Ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган жамоа хўжалиги аъзосининг қиш мавсумида, дала ишлари тўхтаган вақтда ишламаган кунларини агар жамоа хўжалиги Низомида белгиланган меҳнат минимумини бажарган бўлса, жазо муддатига киритиш керак» деб ёзади.¹

Бизнинг фикримизча, И. А. Сперанскийнинг фикри тўғри ва бизнинг ҳозирги кунимизга тадбиқ қилса бўлади. Жамоа хўжалиги ёки деҳқон хўжалиги аъзосининг қишда ишламаган кунларини жазо муддатига қўшиш ёки қўшмаслик масаласини ҳал қилиш учун уларнинг Низоми олинади, унда белгиланган меҳнат минимуми аниқланади ва ахлоқ тузатиш ишини ўтаётган шахс ана шу меҳнат минимумини бажарган бўлса, қиш мавсумида ишламаган кунлари жазо муддатига қўшилади.

Агар меҳнат минимумини бажармаган бўлса, жамоа хўжалигининг бухгалтерияси ҳисоб-китоб қилиб, дала ишлари бошланганда яна қанча ишлаши кераклигини аниқлаб беради. Кишининг соғлиғи учун зарарли бўлган ишларда ишлаётган ишчилар ҳам содир қилган жиноятлари учун ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниши мумкин. Ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган бундай шахсларнинг жазони ўташ муддати масаласида муаммолар вужудга келиши мумкин. Бу муаммолар, масалан, зарарли ишда ишлаганлиги учун ёшига қараб эмас, зарарли ишларда ишлаган ииллар ҳисобга олиниб, пенсияга чиқиш, уларга нисбатан узайтирилган меҳнат таътили бериш ва бошқа бир қатор имтиёзлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 137-моддасида белгиланишича, корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касб ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубияти асосида белгиланади, дейилади.

¹ Советское исправительно - трудовое право. М.: «Юридическая литература», 1983, с.263.

Маълумки, ахлоқ тузатиш ишлари узлуксиз равишда ўталади ва маҳкумга жазони ўташ муддати мобайнида меҳнат таътили берилмайди. Агар меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишда ишлаётган шахс ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган бўлса, бизнинг фикримизча, умумий асосларда бериладиган 15 кундан кам бўлмаган меҳнат таътили берилмай, қонунда белгиланган қўшимча таътил берилиши ва бу таътил муддати жазо муддатига қўшиб ҳисобланиши керак.

Зарарли ишларда ишлаётган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс жазони ўтаётган вақтда ёшига кўра эмас, балки зарарли ишларда ишлаган йилларига кўра, пенсияга чиқиб, енгил ишга ўтказилган бўлса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан озод қилинадими ёки йўқми, деган савол туғилади.

ЎзР ЖК 46-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшга етганларга нисбатан қўлланмайди, дейилади. Бунда пенсия ёши аниқ кўрсатилмаган. Шунга кўра зарарли ишларда ишлаган йиллар асосида пенсияга чиққанлар ҳам пенсия ёшидагилар ҳисобланади. Бундай шахслар пенсияга чиқса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан озод қилиниши керак. Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, ахлоқ тузатиш ишларининг жазо муддатини ҳисоблашда муаммолар кўп.

Жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташ тури. ЎзР ЖК 46-моддасида ахлоқ тузатиш ишларининг иккита тури назарда тутилгани ва булар маҳкумнинг ўзи ишлаб турган жойида ҳамда жазо ижросини белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташ тури ҳақида айтиб, олдинги параграфда унинг биринчи тури ҳақида батафсил тўхталиб ўтдик. Энди унинг иккинчи тури шахснинг жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда жазони ўташ турининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ахлоқ тузатиш ишларининг бу турини тайинлашнинг шартлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- маҳкумнинг содир қилган жинояти унинг эгаллаб турган мансаби, бажараётган иши ёки касби билан боғлиқ бўлса;
- маҳкум ҳукм чиқариш пайтигача ҳеч қаерда ишламаган бўлса;
- ҳукм чиқариш пайтигача шахс ишлаб турган бўлса-да, у ишлайдиган корхона муассасада қолдиришни суд иш ҳолатларига кўра лозим топмаса. (Масалан, маҳкум диний ташкилотда ёки чет эл корхонасида ишлаётган бўлса);

- маҳкум вояга етмаган бўлиб, ҳали ҳеч қаерда ишламаётган бўлса.

Бу айтилганлар умумий қоида бўлиб, жазони ўташ учун ўз иш жойида қолдириш ёки бошқа жойларга юбориш масаласини иш ҳолатларига қараб фақат суд ҳал қилади. Поп тумани судида кўрилган Абдурахмонов А.А.нинг жиноят иши характерлидир. Абдурахмонов А.А. 1999 йилнинг 12 май куни Тошкент — Ўш йўлида «Тико» русумли машинасида кетаётиб, Қамчиқ довонидан ўтганидан сўнг 191 км да қарши томонидан келаётган автомашина билан тўқнашиб кетади. Натижада жабрланувчи Ҳайдаров Усмонжоннинг баданига ўртача оғир, Абдурахмонов А.нинг баданига енгил шикаст етказилади. Поп тумани суди Абдурахмоновнинг жиноятини ЎзР ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиб, маҳкумнинг иш ҳақидан 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш ва жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташни тайинлайди. Суд Абдурахмоновга тайинланган ахлоқ тузатиш ишини жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташни белгилашга қўйидагиларни асос қилиб олган:

- Абдурахмонов яқка тартибдаги иш фаолияти билан шуғулланган.

- маҳкумнинг доимий яшаш жойи Тошкент шаҳри бўлиб, жиноят Наманган вилоят ҳудуди Поп туманида содир этилганлигини эътиборга олиб суд Абдурахмоновни ўзининг иш фаолияти билан шуғулланишда қолдиришни лозим топмаган.

Бизнинг фикримизча, Поп тумани суди ахлоқ тузатиш ишининг бу турини Абдурахмоновга нисбатан тўғри танлаган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хусусийлаштириш амалга оширилаётган бир шароитда жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни хусусий корхоналарга ишга юбориши мумкинми, деган савол туғилади. Республикамизда хусусийлаштириш анча кенг амалга оширилганига қарамасдан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар хусусий корхоналарда ишлашлари ёки шундай корхоналарга ишлашга юбориш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласида аниқ бир кўрсатма берилмаган. Шунини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ушбу масала юзасидан тушунтириш берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнинг фикримизча, агар ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсни давлат корхонасига ишга юборишнинг иложи бўлмаса, жазони ижро этишни назорат қилувчи органлар хусусий корхона эгалари билан шартнома тузиб ёки улар билан келишган ҳолда ишга юбориши мумкин.

Лекин бундай ҳолда маҳкумнинг бу жазони ўташи учун уни тарбиялаш, иш ҳақини кафолатланган даражада муфассал тўлаб турадиган ҳамда қонунга мувофиқ равишда ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш учун тўла шароит борлиги ҳисобга олиниши керак. Бундан олдинги параграфда таъкидлаганимиздек, ахлоқ тузатиш ишларини ўз иш жойида ўташ тайинланган маҳкумнинг жазо муддати унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш бошланган кундан ҳисобланади.

Жазони бошқа корхоналарда ўташ тайинланган шахсларнинг жазо муддати ишга юборилган корхонада ишни бошлаган кундан бошлаб ҳисобланади. Амалдаги ЖКнинг 46-моддасига биноан, жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойлардан бошқа жойларда ўташ тури маҳкумнинг ўзи яшаб турган жойдан бошқа жойдаги корхоналарга юборилади. Олдинги, яъни 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган ЖКнинг 26-моддасида маҳкумнинг ўзи яшайдиган жойдаги бошқа корхоналарга юбориш назарда тутилган эди. Амалдаги ЖКда эса, маҳкумнинг яшаш жойидан бошқа яшаш жойларидаги корхоналарга юборилади деб белгиланиши бизнинг фикримизча, тўғри.

Чунки олдинги кодексда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган, аммо маҳкумни мажбуран меҳнатга жалб қилинадиган бир неча жиной жазо турлари, масалан, сургун, бадарға, тарбия меҳнат профилакторийсига юбориш ҳамда озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш кўзда тутилган эди. Албатта, бу жазолар ҳозирги давр талабига жавоб бермайди. Аммо ўша даврда давлат томонидан қурилаётган йирик иншоотларни қуришга кўплаб ишчи кучи жалб қилинар эди.

Ҳозирги кунда бунга эҳтиёж қолмади. Бунинг устига ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган бир неча кишининг меҳнати билан бирон бир корхона ишини яхшилаш ёки йирик иншоотни қуриш ақлга тўғри келмайдиган ҳолат. Аммо иш ҳолатларига кўра, маҳкумни ўз иш жойида қолдириш мумкин бўлмаган ҳолда бошқа корхонага юборишнинг иложи бўлмаслиги мумкин, яъни ҳозирги бозор иқтисодиёти тизими шароитида маҳкумнинг ўзи яшаб турган жойда у ишлаётган корхонадан бошқа корхона бўлмаслиги мумкин.

Шунинг учун ҳам қонунда маҳкумнинг яшаш жойидан бошқа жойлардаги корхоналарга юбориш давр тақозоси ҳисобланади ва қонунда бу масала тўғри белгиланди.

Ахлоқ тузатиш ишлари вояга етмаганларга нисбатан ҳам ўзи ишлаб турган жойда ўташ ёки жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшаш жойларида ўташ тайинланади. Вояга етмаганларга нисбатан жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ тури фақат маҳкумнинг яшаш жойидаги корхонада бўлиши керак, яъни маҳкум ҳар куни ўз уйдан бориб ишлаб келадиган корхонага ишга юборилади, аммо қонунда белгиланишича, ахлоқ тузатиш ишининг бу тури вояга етмаган ҳеч қаерда ишламасагина тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг ахлоқ тузатиш ишларини қўллаш бўйича 4.1. бандида берилган тушунтиришга кўра, “Айбдорларга ахлоқ тузатиш иши тайинлаш чоғида судлар унинг муддати ва иш ҳақидан чегириш миқдори масаласини жазо тайинлашда алоҳида ёндашиш зарурлиги тўғрисидаги қонун талабига риоя этган ҳолда белгилашлари керак. Жумладан, судланувчиларнинг, айниқса корхоналар, муассасалар, давлат ва жамоа хўжаликларида ишловчи вояга етмаган шахсларнинг моддий шароитларини чуқур текширишлари лозим”, дейилади.¹

Ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар икки турида маҳкумнинг жазо муддатларини ҳисоблаш, иш ҳақидан ушлаб қолиш, маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати каби масалаларда деярли фарқ йўқ. Жазо муддатини ҳисоблаш масалаларида бундан олдинги параграфда батафсил тўхталдик. У ердан берилган муаммолар ахлоқ тузатиш ишининг бу тури учун ҳам тегишлидир.

ЎзР ЖКнинг 46-моддасига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишининг ҳар иккала турида ҳам шахс иш ҳақининг 10 фоизидан 30 фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинади. Жиноят содир қилиш пайтида вояга етмаган бўлиб, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиниши керак бўлган фоиз миқдори ЎзР ЖКнинг 83-моддасида кўрсатилмаган. Демак, уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган миқдор умумий

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1997. Тошкент, “Шарқ”, 1997 й., 19-бет.

тартибда иш ҳақининг 10 фоизидан 30 фоизигача миқдорда ушлаб қолинади.

Ушлаб қолиниши керак бўлган фоиз миқдори фақат суд ҳукмида белгиланади. Агар айбдор 2 та жинояти учун жиноятлар жами тариқасида ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинса, жазо тайинлаш тартиби қандай бўлади, деган асосли савол туғилади. Бу саволга жавоб ЎзР ЖКнинг 60-моддаси 3-қисмида аниқ кўрсатиб қўйилган, яъни бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари кўшилади, дейилган. Бизнинг фикримизча, буни қуйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Айтайлик, субъектнинг биринчи жинояти учун 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши ва иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолиш тайинланган.

Иккинчи жинояти учун эса, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, иш ҳақининг 30 фоизини ушлаб қолиши тайинланган ва айбдорга ЖКнинг 60-моддаси қоидаларини қўллаб, жазо тайинланадиган бўлса, муддатларини кўшиш қоидаси татбиқ қилиниб, 3 йил муддатга қатъий ахлоқ тузатиш жазоси тайинланади, фоизлари эса, алоҳида-алоҳида ижро этилади. Яъни 1 йил мобайнида иш ҳақининг 20 %, қолган 2 йил мобайнида эса 30 % ушлаб қолинади. Демак, фоизларга нисбатан қисман ёки тўла қўшиш қоидалари қўлланмай, улар алоҳида-алоҳида ижро этилади.

Аммо бу масалада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорининг бу борадаги тушунтириши ЎзР ЖКнинг 60-моддаси қоидаларига тўғри келмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг ахлоқ тузатиш ишини қўллаш бўйича 4.1. бандида шундай тушунтириш берилади. «Ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлашда унинг муддати, ушлаб қолинадиган миқдор фоизи олдин ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида, сўнгра уларнинг мажмуи бўйича кўрсатилади», дейилади.¹

Ушбу Пленум қарорида жазони иш жойида ўтаётган шахсни жазони ўташнинг режим қоидаларини бузганлик учун унинг иккинчи турига ўтказиш тўғрисида батафсил тушунтириш берилади. Ваҳоланки, амалдаги жиноят қонуни бўйича биринчи туридан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1997. Тошкент, «Шарк» 1997 й, —49 бет.

иккинчи турига ўтказишга йўл қўйилмайди. Чунки қонунда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмайди.

Маълумки, ЎзР ЖКнинг 59-моддасида бир неча жиноят содир этганлик учун, 60-моддасида эса, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш назарда тутилган. ЖК 60-моддасининг 3-қисмида, бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади, дейилади. Бундай қоида ЖКнинг 59-моддасида назарда тутилмаган. Демак, бир неча жиноятлари учун 59-модда қоидалари бўйича ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган шахснинг аҳволи бир неча ҳукмлар бўйича ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинганларнинг аҳволидан оғирроқ бўлиб қолмоқда. Чунки 60-модда бўйича ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахснинг биринчи ҳукм бўйича тайинланган иш ҳақидан ушлаб қолиш фоиз миқдори 15%, иккинчи ҳукм бўйича эса 20% бўлса, қисман ёки тўла қўшилган ҳукмларнинг миқдorigа қараб фоизлар аввал 15 кейин 20 фоиз ушлаб қолинади. 59-модда қоидалари асосида жазо тайинлашда бундай қоидалар назарда тутилмагани сабабли тўла ёки қисман қўшиш жазонинг муддатига ҳам, фоизига ҳам тадбиқ қилинишига тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, бир неча жиноят учун жазо тайинланган шахснинг аҳволига нисбатан рецидив жинояти учун ахлоқ тузатиш иши тайинланган шахснинг аҳволи енгилроқ бўлиб қолмоқда. Ана шундай номутаносибликни бартараф қилиш мақсадида бизнинг фикримизча, 60-модданинг 3-қисмида назарда тутилган қоида 59 -моддада ҳам назарда тутилиши керак.

ЎзР Жиноят-ижроия кодексининг 31-моддасида кўрсати-лишича, ҳукмда кўрсатилган чегирма маҳкумнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг барча туридан, ҳар бир ишлаган ой учун маош тўлаш чоғида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда иш вақтидан ортиқча ишлагани учун тўланадиган барча турдаги мукофот пуллари, уларнинг манбаларидан қатъи назар, барча ойлик иш ҳақи қўшиб ҳисобланади ва умумий иш ҳақининг миқдоридан суд ҳукмида кўрсатилган фоиз ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 164-моддасида белгиланишича, иш ҳақининг ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

Ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётган шахсларга нисбатан бу қонун тадбиқ этиладими ёки йўқми, деган савол тутилади. Бу борада ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тегишли тушунтириш берса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу масалада И. А. Сперанский ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қонуннинг бундай қонидаси тадбиқ этилмаслиги ҳақида ёзади.¹ Биз ҳам профессор И. А. Сперанскийнинг фикрига қўшилаемиз. Ҳақиқатдан ҳам Меҳнат кодексининг юқорида айтилган моддасини ахлоқ тузатиш иши жазосини ўтаётган шахсга нисбатан тадбиқ этиладиган бўлса, айрим маҳкумларнинг иш ҳақидан суд ҳукмида кўрсатилган фоизни ушлаб қолишнинг иложи бўлмайди.

Бунинг сабаби маҳкумнинг жинояти учун етказилган зарарни ундириш учун тўловлар, болалари ёки қари онаси ёхуд ногирон бўлиб қолган хотини учун тўланадиган тўловлар ҳам бўлиши мумкин. Маҳкумнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳар ойнинг охирида тўланадиган ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади. Шунинг учун бухгалтерия ахлоқ тузатиш ишини ўтаётган шахсга аванс тариқасидаги иш ҳақини тўлаётганида унинг миқдорини белгилашда барча тўловларни эътиборга олиши керак.

Юридик адабиётларда ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта тўловлари сифатида оладиган пуллардан, шунингдек, иш ҳақи доирасига кирмайдиган бир марта тўланадиган тўловлардан суд ҳукмида кўрсатилган фоиз ушланмайди, дейилади.

Биз ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда командировка билан боғлиқ бўлган компенсация пулларида ҳам ушланмайди, деб ҳисоблаймиз. Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан суд ҳукмида кўрсатилган фоизни ушлаб қолишда муаммолар деярли йўқ, Аммо дала меҳнаткашларига иш ҳақи йилнинг охирида ҳисоб-китоб қилинади.

Бундан ташқари, уларга иш ҳақи пул шаклида ёки натура шаклида тўланади. Шунинг учун ҳам уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолишда айрим муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, дала меҳнатчисининг ҳар ойда оладиган иш ҳақидан суд ҳукмида кўрсатилган фоиз ушлаб қолинади, сўнгра йилнинг охирида олган иш ҳақи ишлаган ойларга бўлиб чиқилиб, ушлаб қолинган фоизлар ҳам ҳисобланиб шунга қараб йилнинг охирида оладиган иш ҳақининг тегишли қисмини хўжаликнинг ўзида ушлаб қолиб, унинг суммасини давлатга ўтказилади.

¹ Советского исправительно-трудовое право. М. “Юридическая литература”, 1983. с. 265.

Ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинганларга ўриндошлик билан ишлашга рухсат берилади. Бундай ҳолда ҳар икки жойда ишлаётган иш ҳақидан тегишли фоиз ушлаб қолинади. Бунда ҳар бир иш ҳақидан суд ҳукмида белгиланган фоиз эмас, балки ҳар иккала корхонадан оладиган иш ҳақлари қўшилиб, 100% деб олинади. Унинг суд ҳукми билан белгиланган фоизи чиқарилади. Сўнг оладиган иш ҳақининг миқдориға қараб, ҳар бир корхонада оладиган иш ҳақининг тегишли миқдори ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 29-моддасида, агар ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахснинг жазони ўз иш жойида ўташи белгиланган бўлса, маҳкумнинг «яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилишга мажбур», дейилади. Аммо «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар»нинг муаллифлари «Ахлоқ тузатиш ишлари муддатини ўташ давомида мазкур жазо турини ўташни амалга оширадиган идораларнинг рухсатсиз маҳкумни ўз аризасига кўра ишдан бўшатиш тақиқланади», дейилади.¹

Қонунда эса бошқачароқ белгиланган, яъни маҳкум яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса, бу ҳақда инспекцияни хабардор қилишга мажбур. Бизнинг фикримизча, ЖК шарҳларининг муаллифлари ахлоқ тузатиш ишларининг иккинчи тури учунгина гўғридир.

Чунки Жиноят-ижроия кодекси 29-моддасининг иккинчи қисмида “Ахлоқ тузатиш ишларини ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда жазони ўташ муддати мобайнида инспекциянинг ёзма рухсатсиз меҳнат шартномасини маҳкумнинг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади. Инспекция рухсатнома беришни рад қилган тақдирда юқори мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиш мумкин”, дейилади.

Демак, ахлоқ тузатиш ишининг биринчи турида маҳкум ўз аризасига кўра, ишдан бўшаб бошқа ишга ўтиши ва бу ҳақда инспекцияни хабардор қилиши мумкин. Иккинчи турида эса, инспекциянинг розилигисиз ишдан бўшатиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 545-моддасига мувофиқ маҳкумнинг жазони ўташ вақтида ишлаган вақтни унинг умумий иш стажига киритилиши мумкин. Бу моддада белгиланишига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент. “Адолат”, 1997. 81-бет.

махкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала жамоат бирлашмаси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, унинг илтимосномаси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан судья чиқарган ажрим устидан юқори судга шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Ахлоқ тузатиш ишлари, одатда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилган шахсларга нисбатан, агар суд маҳкумни озодликдан маҳрум қилмасдан ҳам тарбиялаш мумкин, деган қатъий хулосага келса, тайинлайди.

Жиноят қонунининг инсонпарварлик принципи асосида ишлаб чиқилган бу жазо турини ўташдан бош тортилса, жиноят-ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади. Ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаганлик учун ЖКнинг Махсус қисмида жавобгарлик белгиланмаган, балки ЎЗР ЖК 46-моддасининг 4-қисмида бу жазони ўташдан бош тортганликнинг жиноят- ҳуқуқий оқибатлари кўзда тутилган.

Бунда “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради”, дейилади.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс бу жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда ахлоқ тузатиш ишининг бир кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисоблаб алмаштиради, Бунда маҳкумнинг жинояти квалификация қилинган модданинг санкциясида ахлоқ тузатиш ишларининг муддати қанча белгиланганлиги ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган ёки тутилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Аммо бу ерда шундай савол туғилади.

Агар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахс бу жазо миқдорининг 6 ойдан камроғи қолганда, ана шу қолган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкинми, деган савол туғилади. Чунки озодликдан маҳрум қилишнинг муддати 6 ойдан 20 йилгача белгиланган. Судлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаганда 6 ойдан кам муддатга тайинлай олмайди,

шунингдек, қонунда кўрсатилганидан ҳам камроқ жазо тайинлаш тариқасида тайинланганида ҳам олти ойдан кам муддатга тайинлай олмайди.

Чунки қонун бўйича 6 ойдан кам бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўзи йўқ. Бизнинг фикримизча, 6 ойдан камроқ бўлган ахлоқ тузатиш ишининг қолган қисмини судлар шу муддатга алмаштириши мумкин. Масалан, ахлоқ тузатиш ишини ўташдан бош тортиш натижасида қолган 5 ойини озодликдан маҳрум қилишнинг 5 ойига алмаштираверади. Чунки бундай ҳолда суд маҳкумга ҳукм билан озодликдан маҳрум қилишни тайинламай, ажрим орқали ахлоқ тузатиш ишларини озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида ўташ билан алмаштиради.

Шунинг учун ҳам шахс ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, муайян қисмини ўташдан бош тортганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган бўлса, қасдан янги жиноят содир қилганлиги учун шахсга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланса, олдинги ахлоқ тузатиш жазосини қолган қисмини озодликдан маҳрум қилиш жойида ўтагани, қаттиқ режимли жазони ўташ колониясини тайинлашга асос бўла олмайди. Чунки бундай ҳолда шахс олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан ҳисобланмайди. Демак, шунга қиёс қиладиган бўлсак, ахлоқ тузатиш ишининг қолган қисми қанча бўлишидан қатъи назар, уни ўташдан бўйин товлаганда шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштираверади.

Собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1971 йил 19 октябрдаги, «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш меҳнат муассасалари режими турини тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 6-бандида берилган тушунтиришга кўра, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, уни ўташдан бош тортганлиги учун ЖКнинг 27-моддаси асосида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган бўлса, олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан ҳисобланмайди, дейилади.¹

Агарда ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахс ҳукмгача эҳтиёт чораси сифатида дастлабки қамоқда сақланган бўлса, ЎЗР ЖКнинг 62-моддасига кўра, қамоқда сақланган вақтнинг бир куни ахлоқ тузатиш ишининг 3 кунига ҳисобланади. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс янги жиноят содир этиб, янги жинояти учун

¹ Сборник постановлений Пленума Верховного суда СССР 1924—1986. М. 1987,-с. 511.

озодликдан маҳрум қилиш тайинланган тақдирда ҳам ахлоқ тузатиш ишининг қолган қисмини ҳар 3 куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисобланади.

Демак, ахлоқ тузатиш ишларининг қолган қисмини ўташдан бош тортишнинг бир кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига алмаштириш нафақат маҳкумни оғирроқ шароитга ўтказиб қўйиш, балки жазони ўташдан бош тортганлиги учун жазо ҳам ҳисобланади. Қонунда агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб, ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласагина, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради, дейилади. Агар бош тортилган муддат жазонинг ўндан бир қисмидан камроқ бўлса-чи? Бундай ҳолда нима бўлади?

Бизнинг фикримизча, бундай шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўлланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг ахлоқ тузатиш ишларининг қўлланиши бўйича берган тушунтиришининг 4.2. бандида шундай деб тушунтириш берилади:

«Ахлоқ тузатиш ишига судланган шахсга ушбу жазони ўташ даврида берилган маъмурий жазо ҳукмда белгиланган ахлоқ тузатиш муддатига кирмайди. Бинобарин, маъмурий тартибдаги қамокни ўтаётган шахсга жинояти учун ахлоқ тузатиш иши тайинлашда, бу ҳукм алоҳида, маъмурий жазо ўтаб бўлганидан сўнг ижро этилишини ҳам судлар назарда тутишлари лозим», дейилади.¹

Маълумки, 1959 йили қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган ЖКнинг 27-моддасида ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бош тортганлик учун алоҳида қодалар белгиланган эди, яъни ўша модданинг 1-қисмида, ахлоқ тузатиш ишига уни ўзи ишлаш жойида ўташ шарти билан ҳукм этилган шахс жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ички ишлар органининг тақдимномаси ёхуд жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоасининг илтимосномаси билан мазкур шахсни ахлоқ тузатиш иши ижросини таъминловчи органлар томонидан белгиланадиган бошқа жойларда, лекин маҳкум яшайдиган районда жазони ўташ учун юбориш мумкин, дейилган эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами, 1991-1997. Тошкент, "Шарк", 1997, 49-бет.

Демак, ахлоқ тузатиш ишининг жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ тури оғирроқ ҳисобланган. Аммо ҳар иккала туридан ҳам ахлоқ тузатиш ишини ўташдан қасддан бўйин товласа, суд бу жазонинг қолган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирган. Амалдаги ЖКнинг 46-моддасида бундай қоидалар назарда тутилмаган бўлиб, ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар иккала турини ўтаётган шахслар жазони ўташдан бўйин товласа, суд озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштираверади. Олдинги ЖКда ахлоқ тузатиш ишларини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш учун жазони ўташдан қасддан бўйин товлаши талаб қилинар эди.

Амалдаги ЖКнинг 46-моддасида эса, «қасддан» деган сўз ишлатилмай, «бўйин товлаш» дейилган ҳолос. Бизнинг фикримизча, бўйин товлаш ҳам қасддан қилинадиган ҳаракат бўлиб, яна алоҳида «қасддан қилинса» деган сўзни ишлатишга ҳожат йўқ. Демак, «бўйин товлаш», деган атаманинг ўзи, бу қилмишни қасддан қилиниши мумкинлигини билдириб туради. Агар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахс узрли сабаблари туфайли ишга чиқмаган бўлса (масалан, рухсат олиб бошқа вилоятга кетган ва айрим узрли сабабларга кўра белгиланган вақтга етиб келмаган бўлса), бизнинг фикримизча, жазони қолган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиришга асос бўлмайди.

ЎзР ЖК 46-моддасининг мазмунига кўра, ҳар қандай ҳолда ҳам ахлоқ тузатиш ишининг биринчи туридан иккинчи турига ўтказилмайди.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг ахлоқ тузатиш ишларини қўллаш бўйича 4.4. бандида шундай тушунтириш берилган: «Маҳкумнинг қуйидаги ҳаракатлари иш жойида ўталадиган ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан бўйин товлаш деб ҳисобланиб, суд томонидан уни ахлоқ тузатиш иши қўлланилишини таъминловчи органлар белгилайдиган бошқа жойларга жазони ўташ учун юборишга асос бўлади:

рўйхатга олинган ёки аввалги иш жойини қолдирган кундан бошлаб 15 кун узрсиз сабабларга кўра ишга кирмаслик; янги яшаш жойига кўчиб келганидан сўнг 15 кун ичида узрсиз сабабларга кўра ахлоқ тузатиш иши қўлланилишини таъминловчи органларга учрамаслик;

тайинланган жазо муддати давомида муттасил тарзда узрсиз сабаб билан ишга чиқмаслик (прогул) ёки иш жойида маст ҳолда бўлиш”.¹

Ваҳоланки, қонунда, яъни ЎзР ЖКнинг 46-моддасида ахлоқ тузатиш ишининг бир туридан иккинчи турига ўтказиш ҳақида бирон-бир кўрсатма йўқ. Бундан ташқари, бу Пленум қарорида «Маҳкумнинг жазони қолган қисмини қамоқ жойларда ўташ учун юбориш масаласини ҳал қилишда» дейилади.²

ЎзР ЖКнинг 46-моддасида эса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаганлик учун қолган қисмини қамоқ жазоси билан алмаштириш мумкинлиги умуман назарда тутилмаган. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ушбу қарорини ишлаб чиқишда амалдаги ЖКнинг 46-моддаси мазмунини ва амалда қўлланишини батафсил таҳлил қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги, одатда, енгилроқ жазони оғирроқ жазо билан алмаштиришга йўл қўймайди. Шунга мувофиқ, ахлоқ тузатиш жазосига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш анча оғир жазо бўлгани учун ахлоқ тузатиш ишини оғирроқ жазо ҳисобланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш мумкин эмас.

Аммо жиноят қонунчилигининг инсонпарварлик принциpidан келиб чиққан ҳолда жиноят содир қилган шахсга жуда енгил жазо ҳисобланган ахлоқ тузатиш жазоси қўлланилганда маҳкум шунга ҳам риоя қилмасдан ахлоқ тузатиш жазосининг ўташ тартибини бузаверса, унга нисбатан самарали таъсир қилоладиган чора қўлланишини тақозо қилади. Шунинг учун ҳам ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бош тортганлик учун озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзини оқлайди.

ЎзР ЖКнинг 78-моддасига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахс жазони ўтаб бўлган кундан бошлаб 1 йил муддатгача судланган ҳисобланади. Агар шахс ахлоқ тузатиш жазосини қолган қисмини ўташдан бош тортганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган вақтда унинг судланганлик муддатини ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан (судланганлик муддати 1 йил) олиш

¹ Ўша Пленум қарори, 50-бет.

² Ўша жойда.

керакми ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосидан (судланганлик муддати 4 йил) олиш керакми, деган савол туғилади. Бу қоидалар на қонунларда, на Олий суднинг Пленум қарорларида ва на юридик адабиётларда ўз ечимини топган. Аммо ЎзР ЖКнинг 80-моддасида «Агар ушбу Кодекснинг 44, 46-моддалари асосида ҳукм бўйича тайинланган жазони суд бошқа жазо билан алмаштирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро этилган қисмидан ҳисобланади», дейилади. Демак, ушбу меъёрга асосланадиган бўлсак, ахлоқ тузатиш ишининг қолган қисмини ўташдан бош тортганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати ахлоқ тузатиш иши жазоси ҳисобидан олиниши керак.

Бунга қуйидагилар асос бўлади:

1. Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганликдан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатдир. Биз таҳлил қилаётган ҳолда шахс ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган.

2. Шахс ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган бўлиб, озодликдан маҳрум этишга ҳукм орқали эмас, суд ажрими билан алмаштирилган.

3. Ўзбекистон жиноят қонунида тайинланган жазони оғирроқ турдаги жазо билан алмаштиришга йўл қўйилмагани туфайли бу ерда ҳам енгилроқ турдаги жазога ҳукм қилиниб, судланганлик оғирроқ жазо тури ҳисобланмайди.

4. Ва ниҳоят, қонунда ҳукм бўйича тайинланган жазони суд бошқа жазо билан алмаштирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро этилган қисмидан ҳисобланади, дейилган.

Лекин бу қоида ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм этилганларга нисбатан татбиқ этилмайди. Чунки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб у судланган ҳисобланади. Бунда шахснинг ҳукмда кўрсатилган жазонинг қанча қисмини ўтаб бўлганлигининг аҳамияти йўқ. ЎзР ЖКнинг 78-моддасида кўрсатилишича, ахлоқ тузатиш ишларининг тайинланган муддатидан қатъи назар, судланганлик муддати 1 йил.

Бундай ҳолда судланганлик муддати енгилроқ жазо билан алмаштирилган жазонинг ўталган қисмидан эмас, балки ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг ҳақиқатда ўтаб бўлган

қисмидан олинади. Чунки бундай ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари ажрим билан алмаштирилган.

ЎзР ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб, ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради”, дейилади.

Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишини ўташдан бўйин товланган муддат жазо муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроқни ташкил қилиб, бу муддат узлуксиз бўлиши керакми ёки олдин ҳам бош тортган кунларини ҳам қўшиб ҳисоблаш керакми, деган савол туғилади.

Биз ЖК нормаларини таҳлил қилиб жазони ўташдан бўйин товланишнинг ўндан бир қисми узлуксиз бўлмай, ўртада ишлаган, яна бўйин товланган ва ана шу бўйин товланган кунларни жами қўшилиб, суд томонидан жазо муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ташкил қилса, қолган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш мумкин бўлмаган шахслар. Ахлоқ тузатиш ишлари мажбуран меҳнатга жалб қилинадиган жазо тури бўлиб, айнан меҳнат орқали маҳкумни ҳалол меҳнат йўлига қайтариш ва уни тарбиялаш назарда тутилади, жазонинг бу турида маҳкум умумий қоидага кўра жамиятдан ажратилмаган ҳолда меҳнат жамоаси ёрдамида тарбияланади, деган. Б.Ж.Аҳроровнинг фикрига биз тўла қўшилаемиз.¹

Шунга кўра бу жазо тури айрим туркумдаги жиноят қилган шахсларга нисбатан қўлланмайди. Чунки бу туркумдаги шахслар жисмоний аҳволи ёки бошқа объектив сабабларга кўра меҳнатга жалб қилиниши мумкин эмас. ЎзР ЖКнинг 46-моддасида белгиланишича, буларга қуйидаги шахслар киради:

- 1) пенсия ёшига етган шахслар;
- 2) меҳнатга қобилиятсизлар;
- 3) ҳомиладор аёллар;
- 4) ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёллар;
- 5) ҳарбий хизматчилар.

Демак, қонунда ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш мумкин бўлмаган шахсларнинг рўйхати қатъий бўлиб, буларга нисбатан суд

¹ Жиноят ҳукуқи, Умумий қисми. Тошкент, “Адолат”, 1998. 190-бет.

ҳар қандай ҳолда ҳам ахлоқ тузатиш ишларини тайинлай олмайди. Бундай ҳолатни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таҳлил қилганда маълум даражадаги муаммоларни келтириб чиқаради.

Бу муаммолар шундан иборатки, айрим ҳолларда юқорида келтирилган шахсларнинг айримлари жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принциpidан фойдаланишдан маҳрум қилинганлар. ЖК 46-моддасининг 3-қисмида кўрсатилмаган, соғлом, аммо оғирроқ жиноятни содир қилганлар қонуннинг бу принциpidан фойдаланадилар.

Тасаввур қилайлик, ЖК Махсус қисми моддасининг санкциясида альтернатив жазо сифатида фақат ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган, аммо иш ҳолатларига кўра, айбдорга жарима тайинлашнинг иложи йўқ, ахлоқ тузатиш ишини тайинлаш эса, қонун билан тақиқланади. Суд учун фақат битта йўл қолади, фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш.

Ана энди мулоҳаза қилиб кўрсак, 46-модданинг 3-қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишини тайинлаш қонун билан тақиқланади, 46-модданинг 3-қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан жаримани ҳам, ахлоқ тузатишни ҳам қўллаш мумкин, аммо аҳволи анча оғир ва қандайдир сабабларга кўра, жиноят қилиб қўйган шахсларга нисбатан эса бу жазо қўлланмайди.

Биз ана шу юқоридаги фикримиз билан 46-модданинг 3-қисмида назарда тутилган шахсларга ҳам ахлоқ тузатиш ишлари қўлланиши керак, деган фикрдан йироқмиз. Биз шуни таъкидламоқчимизки, судлар жазо тайинлаш вақтида жуда ҳам адолатлилик билан ёндашишлари керак. Афсуски, ҳозирги кунда бу борада ҳам камчиликлар йўқ эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1994 йил 7 январдаги 3-сонли қарорида «Жиноят учун жазо тайинлаш вақтида энг аввало жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш асослари бор ёки йўқлигини текшириб кўришлари керак, бунга асослар бўлмаса қилмиш квалификация қилинган модданинг санкциясида назарда тутилган жазоларнинг энгилроғини тайинлашлари, энгилроқ жазо тайинлашга асослар йўқ деган қатъий хулосага келсаларгина оғирроқ жазо тайинлашлари керак» деган мазмунда тушунтириш берилган эди. Афсуски, Олий суд Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида бундай тушунтириш берилмади. Аммо

ушбу Пленум қарорининг 1.1.бандида «Одил жазо тайинлаш республикада қонунийликни, фуқароларнинг хавфсизлигини ва Конституциявий ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоялашни таъминлашнинг жуда муҳим негизи бўлиб, у жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мажмуи ҳамда айбдорнинг шахсиятини эътиборга олган ва фақат алоҳида ёндашув, инсонпарварлик ва адолат қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда белгиланиши зарур», деб тушунтириш берилган.¹

Судларнинг жазо тайинлаш ишлари юзасидан Пленум қарорининг бу кўрсатмаси принцип бўлиб қолиши ва бунга қатъий риоя қилиниши керак. Юқорида айтилган Пленум қарорининг 1.2. бандида, “Қолаверса, қонунда турли жазолар назарда тутилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш масаласини муҳокама қилиш судлар учун мажбурий ҳисобланади”² дейилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан қараганда пенсия ёшига етганларга кимлар киради? Меҳнат кодексининг 289-моддасига биноан 60 ёшга етган эркаклар пенсия ёшидагилар ҳисобланади. 60 ёшга тўлган ва 55 ёшга тўлган аёллар ҳали жисмонан бақувват, аммо ҳали пенсияга чиқмай ишлаётган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиши мумкинми, деган савол туғилади.

ЎЗР ЖКнинг 46-моддаси 3-қисмида пенсияга чиққан шахслар ҳақида эмас, балки пенсия ёшига етганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари қўлланмаслиги ҳақида айтилади. Шунга кўра, ахлоқ тузатиш ишлари пенсияга чиқмаган, аммо пенсия ёшига етганларга нисбатан қўлланмайди. Ишнинг алоҳида тусга эга эканлиги, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ходимларнинг пенсияга чиқиш ёши уларнинг муайян ёшга етганлиги билан эмас, балки шундай меҳнат шароитида ишлаган йиллар миқдори билан белгиланадиган ходимлар пенсияга чиқиб, енгилроқ ишга ўтказилган бўлса, улар жиноят содир қилган тақдирда ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиши мумкин. Бизнинг фикримизча, бундай шахсларга нисбатан ҳам ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиши мумкин эмас. Чунки улар ҳам ўз иш шароитига кўра, пенсиядаги шахслар ҳисобланади,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991-1997, “Шарқ”, 1-жилд, 41-бет.

² Ўша жойда. 42-бет.

Меҳнатга қобилиятсизларга кимлар киради? Бизнинг фикримизча, тиббий кўриқдан ўтказилиб, тиббий комиссия хулосаси билан меҳнатга қобилиятсиз деб топилган шахслар, яъни I, II, III гуруҳ ногиронлари ҳисобланади.

Бунда шахснинг неча ёшдалигининг аҳамияти йўқ. Олдин соғлиқ учун зарарли бўлган ёки ўта оғир ишда ишлаган шахс пенсияга чиқиб эмас, балки соғлигига тўғри келмагани туфайли у ишдан бўшаб, бошқа ишда ишлаётган бўлса, ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиши мумкин. Олдин меҳнатга қобилиятсиз бўлган, лекин кейинчалик меҳнат қобилияти тўла тикланган шахсларга нисбатан ҳам агар улар пенсия ёшига етмаган бўлсалар, ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, ҳукм чиқариш пайтида меҳнатга қобилиятсизларга ахлоқ тузатиш ишлари тайинланмайди. Вақтинча бетоб бўлиб, даволанаётган шахслар бундан мустасно. Шунинг учун ҳам ахлоқ тузатиш ишини ўтаётган шахслар қисқа вақтга касал бўлиб қолиб, даволанаётган бўлса, улар бу жазони ўташдан озод қилинмайдилар. Жазони ўташ вақтида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолсалар улар жазодан озод қилинадилар. Қонунда ҳомиладор аёлларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини қўллаш мумкин эмаслиги белгиланган.

Бунда ҳомиладорлик муддатининг аҳамияти йўқ. Ҳукм чиқариш пайтида аёлнинг ҳомиладор эканлиги ҳақидаги ҳужжатнинг мавжудлиги унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишини тайинланиши учун тўсиқ бўлади.

Қонундаги ана шу инсонпарварлик принциpidан айрим аёллар фойдаланиши ҳам мумкин. Яъни ҳукм чиқаришгача ҳомиладор бўлмай, ҳукм чиқарганидан кейин ҳар қандай йўл билан бўлса-да, жазодан озод бўлиш мақсадида ҳомиладор бўлиб олади. Ҳомиладорлиги ҳақидаги ҳужжатни судга тақдим этиб, жазодан озод қилинишига эришади. Жазодан озод бўлганидан кейин эса, ҳомиласини олдириб ташлайди. Шунинг учун суд аёлларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишини тайинлашда ишнинг барча ҳолатларини текшириб кўриши керак. Агарда ҳомиладор аёлга нисбатан жазо тайинлашда унинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, иш ҳолатларига кўра, жарима тайинлашнинг иложи бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш

қонун йўли билан тақиқланган бўлса, бундай ҳолда битта йўл, бу ҳам бўлса озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш қолади.

Демак, худди шундай жинойт содир қилган ҳомиладор аёлнинг жазоланиши, тақдири ҳомиладор бўлмаган аёлнинг тақдирига нисбатан оғирроқ бўлиб қолади. Бундай ҳолда ҳомиладор аёлга ҳатто 57-модданинг (енгилроқ жазо тайинлаш) қоидаларини қўллашнинг ҳам иложи йўқ.

Шунинг учун бундай аёлларга нисбатан иш ҳолатларига қараб, ЎЗР ЖКнинг 66-моддаси (айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ёки ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш) қоидаларини қўллаб, жавобгарликдан озод қилиш мумкин. Ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга нисбатан ҳам қонунда ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш тақиқланган. Бунда аёлнинг боласи неча ёшда бўлиши мумкин, деган асосли савол туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддасида белгиланишича, аёлнинг боласи 2 ёшга тўлгунча фарзандини парваришлаш учун таътил берилади. Қонунда белгиланган тартибда нафақа берилади. Аммо аёлнинг ўз хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда боласи 3 ёшга тўлгунча парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган таътил ҳам берилади. Демак, агар аёл 2 йиллик таътилдан фойдаланиб, сўнг ишга чиқиб кетган бўлса, унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш мумкин. Боласи 2 ёшга тўлганидан кейин яна бир йилга боласини тарбиялаш учун таътилда бўлса, ана шу қўшимча таътил ҳам тугамагунча унга ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш мумкин эмас.

Бунда нафақат ўз боласини парваришлаш учун, балки янги туғилган чақалоқни фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахслар ҳам болани парваришлаш учун таътилда бўлса, уларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш мумкин бўлмайди.

Қонунда ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ахлоқ тузатиш ишининг қўлланмаслиги ҳақида айтилади. Шундай ҳолат ҳам бўлиши мумкинки, аёл умуман ишламайди, уй бекаси, лекин еш боласи бор, у ҳеч қандай таътилда эмас.

Бундай аёлларга нисбатан ахлоқ тузатиш иши қўлланиши мумкинми? Қонунда таътилда бўлган аёллар деб маълум даражада

чегаралаб кўйилган. Бизнинг фикримизча, қонунда бундай чеклаш бўлмаслиги керак. Шунинг учун 46-модданинг 3-қисмидаги «ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган», деган сўзлар ўрнига «ёш болали аёлларга боласи 3 ёшга тўлгунча» деган сўзлар билан алмаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини амалда тайинлашнинг иложи бўлмагани учун ҳам қонунда уларга ахлоқ тузатиш ишини тайинлаш тақиқланган. Бу жазо ўрнига уларга хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинланади. Муддатли ҳарбий хизматчиларга эса, интизомий қисмга жўнатиш тайинланади.

5-§. Хизмат бўйича чеклаш

ЎзР ЖКнинг 47-моддасига кўра, хизмат бўйича чеклаш офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи, прапоршчик, мичман ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Бу жазо тури жиноят қонунда умуман жиноят ҳуқуқида янғидир. Хизмат бўйича чеклаш фақат асосий жазо сифатида ҳарбий хизматчиларга (муддатли ҳарбий хизматчилар бундан мустасно) нисбатан тайинланади.

Хизмат бўйича чеклаш жазоси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим мамлакатларнинг Жиноят кодексларида (Масалан, Россия Федерацияси ЖКнинг 51-моддасида фақат контракт бўйича хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан фақат ҳарбий хизматни ўташ вақтида жиноят содир қилган шахсларгагина қўлланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 47-моддасининг мазмунига кўра, бу жазо тури офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларга, прапоршчик, мичман ва контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларга нисбатан тайинланади. Аммо қонунда бу жазо фақат ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланиши тўғрисида аниқ айтилмаган. Шунга кўра, бу жазо тури ЖК 47-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки оғир оқибатларга олиб келмаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятни ҳарбий хизматни ўташ вақтида содир қилган

тақдирда тайинланиши мумкин. Бунда содир этилган ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган бошқа жиноят содир этилганлигининг аҳамияти йўқ. Чунки ЖК 47-моддасининг мазмунидан ана шундай хулоса келиб чиқади.

Хизмат бўйича чеклаш ЖК 47-моддасининг иккинчи қисмига биноан икки ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, қамок ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаш мумкин.

Хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилинганларга нисбатан ЖКнинг 47-моддасида белгиланишига кўра, маҳкумнинг пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан ташқари қуйидаги ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум қилинади:

а) хизмат бўйича чеклаш жазосини ўташ муддати мобайнида ҳарбий унвони оширилмайди

б) хизмат бўйича чеклаш жазоси муддати навбатдаги ҳарбий унвон бериш ҳамда пенсия тайинлаш учун унинг хизмат муддатига қўшиб ҳисобланмайди;

в) суд ҳукмида белгиланган пул таъминотидан чегирма унинг лавозими ва ҳарбий унвонига доир умумий маошидан ҳисоблаб чиқарилади.

Хизмат бўйича чеклаш жазосини ижро этишни ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган ҳарбий қисмнинг қўмондонлиги (командири) томонидан амалга оширилади. Қўмондонлик ҳукмнинг нусхаси ва жазони ижро этиш тўғрисида суд фармойишини олгандан кейин уч кун ичида шахсга нисбатан қўлланадиган чеклашларни кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради. Жазо муддати ана шу кундан бошланади.

Агарда ҳарбий хизматчи ушбу жазони ўташ муддати мобайнида бошқа ҳарбий қисмда хизматни давом эттириш учун ўтказилса фақат шу лавозими ва унвонига тенг бўлган хизмат вазифасига ўтказилади.

Хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилинган шахс ҳукмда белгиланган жазо муддати тугагунига қадар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда (контракт муддатининг тугаганлиги, касаллик ёки соғлиги ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса (ЎзР ЖК 75-моддаси асосида) қўмондонлик (командир) жазо муддатининг

ўталмай қолган қисмини бошқа жазо билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни судга тақдим этади.

Хизмат бўйича чеклаш жазосини ўтаётган шахс жазони ўташ муддати мобайнида янги жиноят содир қилса, унга нисбатан ЎЗР ЖКнинг 60-моддаси қоидалари асосида жазо тайинланади. Бунда хизмат бўйича чеклашнинг ўталмай қолган қисмининг ҳар уч куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисоблаб жазо тайинланади.

Хизмат бўйича чеклаш жазосини ўташ вақтида янги жиноят содир қилганлиги учун ҳибсда ушлаб турилган вақт хизмат бўйича чеклаш жазо муддатига қўшилмайди. Бундай ҳолда бу муддат янги жинояти учун тайинланадиган жазо муддатига қўшиб ҳисобланади.

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати унинг кўп йил ишлаганлик навбатидаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

6-§.Қамок

ЎЗР ЖКнинг 49-моддасида белгиланишига кўра, қамок-шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади. ЖКнинг 84-моддасида белгиланишича, вояга етмаганларга нисбатан эса бир ойдан уч ойгача муддатга тайинланади.

Ўтган XX асрда криминалист олимларнинг айримлари қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси етарли даражада самарали натижа бермаётганлигини, қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар кўпроқ рецидив жиноят содир қилаётганларини таъкидлаб, унинг ўрнига кўрқитиш хусусияти кучлироқ бўлган жазо турини жорий қилишни таклиф қилиб келар эдилар. И.Карпец «Қонунда жазонинг мавжуд бўлишининг ўзи ахлоқий жиҳатдан беқарор бўлган шахсларга нисбатан руҳий таъсир қилади. Жиноий жазо шахсни жиноят содир қилиш имкониятларидан маҳрум қилади. Шу туфайли жазонинг жиноятчиликни олдини олиш кучи ошади деб ёзган эди.¹ Инсонларда бошига мусибат тушиши мумкинлигидан кўрқиб хусусияти қонун талабларига риоя этишини таъминлашнинг муҳим шартидир. Инсоннинг айнан ана шу

¹ Карпец И.И. Наказание. Социальные, правовые и криминологические проблемы. — М.: «Юридическая литература», 1973, с. 112.

инстинктив хусусиятлардан фойдаланиб жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш ўрнига кўрқитиш хусусияти кучлироқ бўлган жазонинг муайян турини олимлар кўп йиллардан бери таклиф қилиб келган бўлсаларда, аммо бу таклифлар жиноят қонунларида ўз ифодасини топмади.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексига олимларнинг бу таклифлари амалда ўз ифодасини топди.

Қамоқ жазоси озодликдан маҳрум қилишнинг бир тури бўлмай, мустақил жазо тури бўлиб, жазолаш элементлари анча кучайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг қамоқни қўллаш бўйича 7:1 бандида берилган тушунтиришга кўра, «Қамоқ... судланганни қайта тарбиялашга, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда эришиш мумкин бўлмаган ҳоллардагина қўлланиши мумкин», дейилади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар жамиятдан батамом ажратилган ҳолда икки кишилик, тўрт кишилик ёки умумий камераларда сақланадилар. Уларни сақлаш шароити ЎзР Жиноят ижроия кодексининг 35-моддасида баён қилинган.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар, одатда, ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида (камераларда) сақланадилар.

Қамоқ жазосига биринчи марта ҳукм қилинган шахслар олдин қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққан шахслардан алоҳида сақланадилар.

Қамоқ жазосини ўтаётган маҳкумларга учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, посилкалар олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга рухсат этилмайди.

Аммо қамоқ жазосини ўтаётган вояга етмаганларга яқин қариндошлари билан ҳар ойда бир марта муддати уч соатгача бўлган қисқа муддатли учрашув имконияти берилиши мумкин. Шунингдек, ҳомиладор аёллар ва ёнида ёш боласи бор аёлларга шифокорнинг берган хулосасига кўра, даволанишига ва кучли овқат билан таъминланишига муҳтож деб топилган беморларга, тиббий хулосада белгилаб берилган миқдорда посилкалар ва йўқловлар олишларига рухсат этилади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар меҳнатга жалб қилинмайди. Аммо ЎзР Жиноят-ижроия кодексининг 42-моддасида белгиланишига кўра, қамоқ уйининг хўжалик хизматига оид ишларга ҳафтасига тўрт соатгача бўлган муддатга ҳақ тўламаган ҳолда жалб этилиши мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим мамлакатларнинг ЖК да (масалан, Россия Федерацияси ЖКнинг 54-моддаси) қамоқ жазоси ҳукм чиқарилгунча ўн олти ёшга тўлмаганларга, ҳомиладор аёллар ҳамда саккиз ёшгача боласи бор аёлларга нисбатан тайинланмаслиги белгиланган. ЎзР Жиноят кодексига эса бундай чеклашлар йўқ. Иш ҳолатларига кўра, суд қамоқни ҳар қандай шахсга нисбатан тайинлаши мумкин.

Қамоқ жиноят содир қилган шахсларга нисбатан суд ҳукми билан тайинланиши; жарима жазосини тўлашдан бўйин товлаган тақдирда жаримани қамоқ билан алмаштирилиши мумкин.

ЎзР ЖКнинг 74-моддаси асосларида озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилганда қамоқ билан алмаштирилмайди. Чунки ахлоқ тузатиш ишлари қамоққа нисбатан анча енгил жазо ҳисобланади. Қамоқ жазосини ўтаётган шахс жазосининг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкинлиги қонунда белгиланмаганлиги боис бу жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилмайди.

Озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисмини ЖКнинг 74-моддаси асосида қамоқ билан алмаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Чунки қамоқ озодликдан маҳрум қилишга нисбатан анча енгил жазо бўлсада, маҳкумни сақлаш шароити анча оғирдир.

7-§. Интизомий қисмга жўнатиш

ЎзР ЖКнинг 49-моддасида белгиланишига кўра, интизомий қисмга жўнатиш — муддатли ҳарбий хизматчиларни суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Қонун мазмунига кўра, интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо фақат муддатли ҳарбий хизматчиларга тайинланади. Интизомий қисмга жўнатиш фақат ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача

муддатга тайинланади. Демак, интизомий қисмга жўнатиш ЖК Махсус қисмининг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши содир қилинган жиноят учун тайинланади. Ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган жиноят содир қилганлиги учун ҳам интизомий қисмга жўнатиш жазосини тайинлаш мумкинми? (Масалан, безорилик, ўғрилик ва бошқа жиноятлар)

ЎЗР ЖК 49-моддасининг иккинчи қисмида «Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин», дейилади.

Қонуннинг бу мазмунидан кўриниб турибдики, муддатли ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган (масалан, ҳарбий қисмдан ташқарига чиқишга рухсат берилганда жамоат тартибини бузиб безорилик жинояти содир этилса ёки фуқаролар билан жанжаллашиб жабрланувчининг баданига ўртача оғир ёки енгил шикаст етказиш жинояти) жиноят содир этилса ва айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган қонун нормасининг санкциясида интизомий қисмга жўнатиш жазоси назарда тутилмаган ва айбдорга уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланадиган бўлса, суд бу жазо ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 160-моддасига кўра, интизомий қисмда маҳкумларнинг жазони ўташ вақти ҳарбий хизмат вақтига қўшилмайди. Демак, ҳарбий хизматчи интизомий қисмга жўнатиш жазосига ҳукм қилиш вақтида ҳарбий хизматнинг ўталмай қолган қисмини бу жазони ўтиб бўлганидан кейин ҳарбий хизматнинг қолган қисмини ўташни давом эттиради.

Агар шахс интизомий қисмда жазони ўташ вақтида ўзининг намунавий хулқи, жазони ўташнинг талабларига сидқидилдан муносабатда бўлганлигини ҳисобга олиб, интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 546-моддасига мувофиқ кўриб чиқилади. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала гарнизон ҳарбий судининг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач қўмондонликнинг илтимосига биноан ЎЗР ЖПКнинг 545-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Интизомий қисмда

жазони ўташ вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала судья томонидан кўриб чиқиладиган пайтда, илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, илтимос қўзғатган ҳарбий қисм вакили қатнашиши шарт.

Жазони интизомий қисмда ўтаётганлар бундай жазога ҳукм қилингунча қандай унвонга эга эканлиги, қандай лавозимда хизмат қилганлигидан, бошқа хусусиятидан қатъи назар, оддий аскар (матрос) ҳолатида бўладилар ҳамда белгиланган кўринишдаги кийимда юрадилар ва махсус тафовут белгиларини тақадилар.

Интизомий қисмда жазони ўташ узлуксиз бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган таътиллар берилмайди. Аммо бу жазони ўтаётган шахсга алоҳида ҳолларда (яқин қариндошининг вафоти ёки ҳаёти хавф остида қолган оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг оиласига жиддий моддий зарар (ёнғин ёки бошқа табиий офатлар туфайли етказган зарар) муносабати билан бориш келиш учун кетадиган вақтни ҳисобга олмаган ҳолда интизомий қисм доирасидан чиқадиган ҳуқуқни берувчи қисқа муддатли (етти суткагача) таътил берилиши мумкин. Маҳкумнинг таътилда бўлиш вақти жазони ўташ муддатига қўшилади.

Интизомий қисмга жўнатиш жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан ЖКнинг 72-моддаси асосида шартли ҳукм қилишни 73-моддаси асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўлланиши мумкин.

Интизомий қисмга жўнатиш жазосидан турли асосларга кўра, озод қилинган шахслар жазодан озод қилинган кундан бошлаб судланмаган деб топилади.

8-§. Озодликдан маҳрум қилиш

Озодликдан маҳрум қилиш жиноий жазолар ичида нисбатан оғир жазо чораси бўлиб, ЎзР ЖКнинг 50-моддасида белгиланганига кўра, озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир. Озодликдан маҳрум қилиш бошқа турдаги жазо турларига қараганда энг кўп ҳуқуқий чеклашларга эга бўлган жазо туридир. Шунга кўра, жазолаш элементлари энг юқори бўлган жазо тури бўлиб, маҳкумлар махсус тартиб ва қаттиқ назорат ўрнатилган муассасаларда сақланадилар. Шунинг учун ҳам қонунда озодликдан маҳрум

қилишни алоҳида ҳоллардагина тайинланиши лозимлигига аҳамият берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **2006 йил 3 февралдан 1-сонли судлар томонидан**“Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш бўйича **20** бандида берилган тушунтиришда озодликдан маҳрум этиш жазоси оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, айрим ҳолларда эса, бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тузатиш мумкин бўлмаса, ўртача оғирликдаги жиноят содир этганларга нисбатан жиноят учун жазо тури сифатида қўлланиши зарур деб кўрсатилган. Ушбу Пленум қарорида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тайинланганда ҳукмда нима сабабдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги асослантриши зарурлиги айтиб ўтилган.

И. А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Адолат–қонун устуворлигида» мавзусида қилган маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштирилиши муносабати билан «Энг аввало, жазонинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминланишимиз зарур», деб таъкидлаган эди.¹ Озодликдан маҳрум этилганлар жамиятдан ажратилиб, уларнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатилганлигининг ўзи билан ифодаланмай, озодликдан маҳрум қилишни ўташдан келиб чиқадиган оқибатларига кўра, ўз ҳуқуқларидан тўла фойдалана олмайдилар.

Озодликдан маҳрум қилинганлар узоқ муддатга оила муҳитидан, меҳнат жамоасидан, умуман жамиятдан ажратилганлиги, уларнинг руҳий ҳолатига таъсир қилмай қолмайди. Жазони ўташ вақтида ўз мутахассислиги бўйича билими, касби ва бошқа яшаш учун даромад манбаи бўла оладиган ҳунарини эсдан чиқаради. Бундан ташқари, улар доимий равишда назорат остида бўлганлиги боис, узоқ муддат мобайнида ана шундай шароитда сақланиши маҳкумнинг руҳий ҳолатига таъсир қилмай қолмайди. Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазосини ижро этиш давлатга катта миқдордаги маблағларни сарфлашни талаб қилади. Шунинг учун ҳам судлар бу жазо турини тайинлашга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошишлари керак.

¹ Халқ сўзи. 2001 йил 30 август.

Маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилишдан бошқа жазони қўллаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келингандагина бу жазо тайинлар экан, жазонинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш орқалигина тарбиялаш мумкин деган қатъий фикрга келинсагина бу жазо тайинланади. «Ашаддий жиноятчиларни жамиятдан ажратиб, улар устидан қаттиқ назорат ўрнатишдан бошқа самарали таъсир чораси йўқ», деб ёзганда Н.А. Стручков юз карра ҳақдир¹.

Озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан йигирма йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш ЎзР ЖКнинг 60-моддаси тартибида бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Жиноят содир қилиш пайтида вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилишнинг муддатлари айбдорнинг ёши ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб қонунда табақалаштириб муддатлар назарда тутилган, яъни:

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) оғир жиноят учун олти йилгача;
- б) ўта оғир жиноят учун ўн йилгача муддатга тайинланади.

Жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) оғир жиноят учун етти йилгача;
- б) ўта оғир жиноят учун ўн йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди. Масалан, ўн саккиз ёшга тўлмаган она ўз чақалоғини қасддан ўлдирса, бу модданинг санкциясида озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазо назарда тутилмаган бўлишига қарамай, суд ЖКнинг Умумий қисмининг 82-83-моддаларида назарда тутилган жазолардан бирини тайинлайди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан қонунда белгиланган муддат қисқартирилган бўлиб, ЖК Махсус қисмининг тегишли

¹ Курс советского уголовного права в 6 томах, Т. 3,-М.: “Наука”, 1970, с. 68.

моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан кўп бўлмаслиги керак.

Озодликдан маҳрум қилиш шундай жазони ижро этиш учун махсус ташкил этилган муассасаларда ўталади ва бу муассасалар манзил колониялари, жазони ўташ колониялари ва турмалардир.

Меҳнат-манзил колониялари:

а) қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганларга;

б) эҳтиётсизликдан содир этилиб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан;

в) эҳтиётсизликдан содир этилган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган шахсларга нисбатан тайинланади.

Жазони ўташ колониялари жазони ўташ тартибига қараб, умумий тартибли, каттиқ тартибли ва махсус тартибли колонияларга бўлинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга:

а) қасддан оғир ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан умумий тартибли жазони ўташ колонияси;

б) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқиб, қасддан янги жиноят содир этилганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга каттиқ тартибли жазони ўташ колонияси;

в) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Авф этилиб, **умрбод** озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахсларга ҳам махсус тартибли жазони ўташ колонияси тайинланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этган жиноят учун ҳамда қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм

қилинаётганларга, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсия чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил колониясида ўташ тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазосининг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабр қонунига биноан вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган тарбия колонияларини умумий ва кучайтирилган турларга бўлиш бекор қилиниб, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган баъзи вояга етмаганлар ва жазони тарбия колониясида ўташ тайинланади.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмай, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган альтернатив жазолардан бири тайинланади.

1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексига биноан шахснинг олдинги жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, судланганлик муддати ўтиб кетган ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар, янги жиноят содир этилса, қандай жиноят содир этилганлигидан қатъи назар, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган тақдирда қаттиқ тартибли жазони ўташ колонияси тайинланар эди.

1994 йили қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексига бундай қоида назарда тутилмаган.

ЎзР ЖКнинг 77-моддасининг учинчи қисмида «Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ва судланганликни олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади», дейилади. Шунга кўра, олдинги жинояти учун шахснинг

¹ 2003 йил 12 декабр қонуни. Халқ сўзи, 2004 йил 13 феврал сони.

судланганлик муддати ўтиб кетган ва янги жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланса, жазони ўташ колониясининг тури умумий тартибда тайинланади.

1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексида содир этилган жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига ва ишнинг бошқа ҳолатларига қараб, суд томонидан қабул қилинган ва асослангилган қарорига мувофиқ, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган шахсларга нисбатан манзил колониялари ва махсус тартибли колониялардан бошқа қонунда кўрсатилган тартибли колония ўрнига бошқа тартибли колония тури тайинланиши мумкин эди. 1994 йили қабул қилинган амалдаги ЖК да эса бундай қоида назарда тутилмаган ва судлар фақат қонунда назарда тутилган тартибли колония турини тайинлайди.

Амалдаги ЖКнинг 50-моддасида жиноят содир қилишда айбланиб озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан колония турлари аниқ кўрсатиб қўйилган. Аммо ЖК 50-моддасининг бешинчи қисми «б» бандида биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан умумий тартибли колония тури, «в» бандида эса илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазони ўтаб чиққанларга нисбатан янги қасддан қилинган жиноят учун озодликдан маҳрум этилаётганларга қаттиқ тартибли колония турини тайинлаш кўрсатилган. Қонунда бундай белгиланиши тўғри ва мақсадга мувофиқдир. Аммо амалда биринчи марта ёки олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан деб ҳисоблаш масаласида хатога йўл қўйишлар учрайди.

Қуйидаги ҳолларда шахс олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан деб ҳисобланмайди:

а) ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, маҳкум бу жазони ўташдан бош тортганлиги учун ЎзР ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига биноан ахлоқ тузатиш ишининг ўталмай қолган қисми озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар. Чунки озодликдан маҳрум қилиш ҳукм билан тайинланмай, суднинг ажрими билан ахлоқ тузатиш ишлари Ўз ЖПК нинг 539-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади;

б) озодликдан маҳрум қилинган, аммо ЎзР ЖК 72-моддаси асосида шартли ҳукм қилиниб, синов муддати давомида қасддан янги жиноят содир этилган тақдирда;

в) суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазоси қўлланилган бўлса;

г) озодликдан маҳрум қилиниб, жазони ўташ колониясида сақланаётган шахснинг иши назорат тартибида кўрилиб, қонунга мувофиқ равишда шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазо тайинланган бўлса;

д) озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб жазо ҳали ижро этилмай руҳий ёки бошқа оғир касалликка чалиниб қолганлиги туфайли жазони ўташдан озод қилинган бўлса;

е) озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, аммо жазо ижро этилмай, шахс амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилинган бўлса;

з) агар иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланиб, озодликдан маҳрум қилиш ЎзР ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган бўлса;

ж) олдинги озодликдан маҳрум қилингани учун судланганлик муддати ўтиб кетган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса;

и) шахсга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ушлаб туриш ёки эҳтиёт чораси сифатида ҳибсда ушлаб турилган вақтга тенг келиб қолганлиги туфайли ЎзР ЖПК нинг 529-моддаси асосида озод қилинган тақдирда шахс олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан деб ҳисобланмайди.

Шахс олдин озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққан деб ҳисоблаш учун олдин суд ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ҳамма муддатини ёки ҳеч бўлмаганда бир қисмини тарбия колониясида ёки жазони ўташ колониясида ёхуд турмада ўтаб чиққан бўлиши керак. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахслар олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан деб ҳисобланадилар.

ЎзР ЖК 50-моддаси бешинчи қисмининг «а» бандида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларида ўташ белгиланган. Ушбу норманинг мазмунига кўра, олдин озодликдан

махрум қилишни манзил-колониясида ўтаб чиққан шахслар, яна ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик орқасида содир қилган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда жазони манзил-колониясида ўташ тайинланади.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, озодликдан маҳрум қилишнинг энг оғир тури бўлиб, у фақат алоҳида ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

ЎзР ЖК 50-моддаси олтинчи қисмига биноан турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган мудатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

9-§. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қабул қилинган вақтда жиноят кодексининг 13 моддаси санкциясида ўлим жазоси назарда тутилган эди. Ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилиши туфайли жиноят қонунининг инсонпарварлик принципи ҳам ривожланиб кенгайиб борди. Шу жумладан Жиноят кодекси санкцияларида назарда тутилган ўлим жазоси ҳам босқичма-босқич камайтириб борилди. 1998 йил 29 август қонуни билан ўлим жазоси назарда тутилган нормалар қисқартирилиб 8 та моддада бу жазо қолдирилди. 2001 йил 29 август қонуни билан ўлим жазоси янада қисқартирилиб фақат тўртта моддада қолдирилди. 2003 йил 14 декабр қонуни билан ўзим жазоси фақат иккита нормада қолдирилди холос (97- модданинг 2 қисмида ва 155-модданинг 3 қисмида).

Хозирги даврда бир қатор давлатларнинг Жиноят қонунларида ўлим жазоси жинойий жазо тариқасида назарда тутилмаган. Жиноят қонунининг инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолад ҳамда суд хатоларин олдини олиш мақсадида 2007 йил 11 июль Қонуни билан Ўзбекистон Жиноят қонунидан ўлим жазоси бутунлай чиқариб ташланди ва унинг ўрнига жиноят кодексига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди.

Ўлим жазосини Жиноят қонунидан бутунлай чиқариб ташланиши тўғри бўлдими? Бизнинг фикримизчп тўғри бўлди ва буни қуйидагилар билан асослаш мумкин.

Биринчидан- Жиноят Қонунида ўлим жазосининг борлиги жиноятчиликнинг динамикасига деярли таъсир қилмас экан, яъни жиноятчиликнинг камайишига таъсир қилмас экан.

Иккинчидан- асоссиз равишда бундай жазога лойиқ бўлмаган шахсларга нисбатан мазкур жазони тайинлаб нотўғри ўлимга ҳукм қилишларни олид олинар экан.

Учинчидан- ЎЗР ЖКнинг 42-моддасида жазонинг мақсади қўйилган бўлиб, 42- модданинг мазмунин очиб беришда баён қилинган.

Ўлим жазосига ҳукм қилинганда ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмидаги назарда тутилган жазонинг мақсадига мутлақо хилофдир. Чунки, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг мақсади қўйилмасдан жисмонан йўқ қилиш мақсади қўйилади. Шунга кўра Жиноят Қонунида назарда тутилган ўлим жазоси жинойий жазо сифатида жазонинг мақсадига хилофдир.

Тўртинчидан- айрим ташкилотларга қонунда ўлим жазоси назарда тутилган давлатлар у ташкилотга аъзо бўлмайди. Ўзбекистон Жиноят Қонунидан ўлим жазосини чиқариб ташлаши бу халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш имкониятини яратади.

Ўлим жазосини бекор қилиб, ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазони Жиноят кодексига киритиши Жиноят Қонунини янада ривожлантириш бўлди.

ЎЗР ЖК 51-моддасида белгиланишича умрборд озодликдан маҳрум қилиш ғавқулотда жазо чораси бўлиб, маҳкумни маҳсус тартибли жазони ижро этиш калонниясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Ушбу жазо турини тайинлаш Қонунда ғоят даражада чекланган бўлиб, фақат Жиноят кодексининг иккита моддасида назарда тутилган, яъни фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97 – модданинг 2 қисми) ва жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда терроризм (155 – моддасининг 3 қисми) учун тайинланиши мумкин.

Одатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси йигирма йилгача, бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланганда йигирма беш йилгача тайинланиши мумкин. Аммо умрбод озодликдан маҳрум қилиш озодликдан маҳрум қилишнинг бир тури бўлмасдан, ЖК 43 – моддасининг 1 қисми “з” – бандида мустақил жазо тури сифатида кўрсатилган.

Бу жазо ЖК 97 – моддасининг 2 – қисми ва 155 – модданинг 3 – қисмида назарда тутилганидан бошқа ҳар қандай жиноят учун тайинланиши мумкин эмас.

ЖК 155 – моддасида назарда тутилган терроризм жинояти тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар туркумига киритилганлиги учун бу жиноятларни содир қилганларга нрисбатан ЖКнинг 64 – моддасида назарда тутилган “жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш, шунингдек, ЖКнинг 69 – моддасида назарда тутилган жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш мутлақо қўлланмайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 73 – моддасининг мазмунига кўра жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни ҳам қўлланиши мумкин эмас. Аммо ЖК 76 – моддасининг мазмунига кўра” Авф этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибини бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин.

ЎЗР ЖКнинг 78, 79 – моддаларининг мазмунига кўра умрбод озодликдан маҳрум қилиниб қонунда белгиланган тартибда авф этиш орқали жазодан озод қилинган шахсларни судланганлиги автоматик равишда бекор бўлмайди. Бундай шахснинг судланганлигини авф этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти олиб ташлаши ёки жазодан озод бўлган кундан бошлаб, агар шахс 15 – йил мобайнида янги жиноят содир қилмаган бўлса, Суд унинг судланганини олиб ташлаши мумкин.

10-§. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш фақат қўшимча жазо тариқасида тайинланадиган жазо туридир. Бу жазо тури ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган тақдирда, содир этилган жиноятнинг хусусиятига қараб, асосий жазога қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин.

ЎзР ЖК 52-моддасининг биринчи қисмида ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган, оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинган шахс суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Ушбу жазо тури содир этилган жиноятнинг оғирлиги ва жиноят содир қилишда айбланаётган кишининг шахсини ҳисобга олган ҳолда, суд ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилишни лозим топса тайинланиши мумкин. Шундай унвон шахсининг олдин эгаллаб турган мансаби, касби юзасидан ҳамда муайян соҳалардаги хизматлари учун тақдирланган бўлиши мумкин. Суд маҳкумни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилар экан, ҳукмда шахс оғир ёки ўта оғир жиноятни содир қилиб ўз обрўйини тўкканлигини ва бундай унвонга эга бўлишга лойиқ эмаслигини ва ундан маҳрум қилиниши зарурлигини кўрсатади.

Шахс ҳарбий ва махсус унвондан маҳрум қилинар экан, шу унвонга эга бўлганлиги билан боғлиқ бўлган барча имтиёزلардан ҳам маҳрум қилинади.

ЎзР ЖК 52-моддасининг иккинчи қисмида олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукми асосида киритиладиган тақдимномага биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкинлиги баён қилинган.

Демак, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳарбий ёки махсус унвондан суднинг ўзи маҳрум қилиб, маҳрум қилинганлигини ҳукмда кўрсатади ва шу ҳарбий ёки махсус унвонни берган идорага маълум қилади.

Олий ҳарбий ёки олий махсус унвон ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотидан суднинг ўзи тўғридан-тўғри маҳрум қилмай суднинг ҳукми асосида шундай ҳарбий ёки махсус унвон ёхуд давлат мукофотини берган давлат органига тақдимнома киритади. Суднинг ана шу тақдимномасига биноан шундай олий унвон ёки давлат мукофотини берган давлат органи шахсни олий унвон ёки махсус унвон ёхуд давлат мукофотидан маҳрум қилади.

Ҳарбий унвон — Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучларида ўрнатилган унвонлардир. ЎзР ЖКнинг 52-моддасида офицерларни ҳарбий унвондан маҳрум қилиш ҳақида гап кетади.

Олий ҳарбий унвон давлат томонидан бериладиган олий унвон бўлиб, бундай олий унвондан маҳрум қилиш ҳақида суд фақат тақдимнома киритади.

Махсус унвон деганда профессор, фан номзоди, фан доктори, мансаб поғонаси бўйича прокуратура ходимларига бериладиган махсус класслар ва ҳоказоларни тушуниш мумкин.

Фахрий унвонлар — масалан, «Республикада хизмат кўрсатган артист» «Ўзбекистон халқ артисти», «Хизмат кўрсатган юрист», «Хизмат кўрсатган қурувчи» ва ҳоказолар ҳам давлат томонидан берилган фахрий унвон ҳисобланади. Бундай фахрий унвонлардан маҳрум қилиш масаласини қонунга биноан, уни берган давлат органи ҳал қилади.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш учун иккита асоснинг ишда бўлиши талаб қилинади:

1) содир этилган жиноятнинг оғир ёки ўта оғир жиноят эканлиги;

2) айбдорнинг шахси: жиноий жавобгарликка тортилгунча ёмон хулқ-атвори, алкоголизм ёки гиёҳвандлик билан шуғулланганлиги, айбдорнинг оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишида ўта раҳмсизлик қилганлиги, қисқаси шундай унвонга эга бўла туриб, нолайик ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилганлигидир. Бундан ташқари, ана шундай унвон ва у туфайли берилган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда жиноий фаолият билан шуғулланганлиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш Жиноят-ижроия кодекси (161-моддаси) билан тартибга солинади.

Маҳкумни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилишга ҳукм қилган суд, шундай унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукмнинг нусхасини ана шу унвонни берган органга юборади. Захирадаги ҳарбий хизматчига нисбатан шундай қўшимча жазо тайинланган бўлса, ҳукмнинг нусхаси унинг яшаш жойидаги мудоффа ишлари бўлимига юборади.

Унвон берган органнинг мансабдор шахси маҳкумни унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги ёзувни белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларга киритади, бу унвон билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва имтиёزلарни тугатиш чораларини кўради ҳамда ҳукм чиқарган судга ҳукмнинг нусхасини олган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида унинг ижро этилганлиги ҳақида хабар қилади.

15-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жазо тизими нима?
2. Жиноий жазонинг турларини муайян тартибда санаб беринг?
3. Жазо тизимининг ҳуқуқий аҳамияти нимада?
4. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш шартлари (муддатлари) қандай?
5. Ахлоқ тузатиш жазоси тайнланиши мумкин бўлмаган шахслар доирасини айтинг?
6. Ахлоқ тузатиш жазосининг жаримадан фарқлари қандай?
7. Хизмат бўйича чеклаш жазоси ва уни тайинлаш шартларини айтинг?
8. Интизомий қисмга жўнатишни тайинлаш шартлари ва муддатлари қандай?
9. Озодликдан маҳрум қилиш деб нимага айтилади? Унинг муддатлари қандай?
10. Вояга етмаганлар учун тайинланадиган озодликдан маҳрум қилишнинг муддатларини айтинг?
11. Меҳнат манзил колониялари нима?
12. Қаттиқ тартибли жазо ўташ колонияси кимларга нисбатан тайинланади?
13. Кўшимча жазо сифатида тайинланадиган жазолар ва уларни тайинлаш шартларини айтинг?
- 13^а. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш қандай жазо.

Фойдаланилган ва ушбу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар.Т: “Адолат”, 1997. 76-86-бетлар.
2. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М: 2001, ст. 42-60.
3. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М: “Юристъ”, ст.334-365.
4. С.И. Дементьев. Лишение свободы уголовно-правовая и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1981.
5. И.С.Ной. Вопросы теории наказания в Советском уголовном праве. Саратов, 1962.

6. Н.А.Беляев. Уголовно правовая политика и пути её реализации. М: 1986
7. М.Д.Шаргородский. Наказание, его цели и эффективность. М: 1973.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. Т.: “Адолат”, 2006 йил
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 28 декабрь, 1999 йил 30 апрель ва 1999 йил 4 майдаги қарорлари. Т: 1999.
10. Курс уголовного права. Т.1,2. под ред. Н.Ф.Кузнецова, И.М.Тяжкова. М.: “Зерцало”, 1998.
11. В. С. Комиссарова. Р. Х. Якупова. Уголовное наказания: вопросы и ответы. М.: “Зерцало”, 1998.
12. Л.В.Иногамова-Хегай. Конкуренция уголовно-правовых норм о наказание. «Государство и право». 2001.
13. Усмоналиев М. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари. Т.: ТДЮИ. 2003.
14. А.Л.Цветинович. Дополнительные наказания. Саратов. 1989.
15. Н.Кристи. Пределы наказания. Перевод с английского В.М.Когана. М.: “Прогресс”, 1985.

XVI БОБ. ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

1-§. Жазо тайинлашнинг умумий асослари

Инсоният тарихида жиноят деган салбий ижтимоий ҳодисага қарши доимо курашиб келинган. Бу масала мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳам муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Ғоят мураккаб бўлган ўтиш даврида кўрилган кескин чоралар туфайли мамлакатимизда жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга, айрим турдаги жиноятларнинг содир этилишини камайтиришга эришилди.

Бу — мустақил ёш давлатимизнинг беқиёс катта ютуғидир. Аммо айрим турдаги жиноятларнинг, масалан, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш, айрим турдаги оғир жиноятларнинг камаймаётганлиги ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жараёнида жиноятчиликка қарши кураш ишини бир дамга ҳам сусайтирилиши мумкин эмаслигини тақозо этмоқда.

“Қанчалик қайғули туюлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ, ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиной қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислохотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айти шу ҳол ислохотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлиши лозим. Қайта тақсимлашнинг моҳияти шундадир деб ёзади Президентимиз И.А. Каримов¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир, — дейилади (24-модда). Шунингдек, Конституциямизнинг 26-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади”, деб кўрсатилган.

Жиноятчиликка қарши курашда фақат қаттиқ жазо чоралари орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. И.А. Каримов ХХI асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 86-бет.

стратегияси, ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берар экан, ана шу устувор йўналишлардан бири — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш¹, деб кўрсатиб ўтди. Эркинлаштириш бевосита жазо сиёсатига ҳам тегишлидир.

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш иши бутун бир дастур асосида кенг доирадаги ижтимоий-ҳуқуқий чораларни қўллаш асосида олиб борилмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш асосан икки йўналишда - ижтимоий чоралар (аҳолини моддий, маданий, маънавий турмушини ривожлантириб бориш), ҳамда ҳуқуқий чоралар орқали олиб борилмоқда. Ҳуқуқий чоралардан энг муҳими жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ҳисобланади.

Маълумки, жиноят учун жазо тайинлаш фақат судга тегишлидир. Шунга кўра жазо тайинлаш суд фаолиятининг энг масъулиятли қисми ҳисобланади. Айнан ана шу жазо тайинлаш босқичида кўп масала ҳал бўлади. Чунки ана шу вақтда жиноят қонунининг адолатлилик принципи амалда намоён бўлади, одил судловнинг қай даражада амалга оширилганлигининг бош мезони ҳисобланади. Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг шахсини, содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини, жиноят туфайли келтирилган зарарнинг миқдорини ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олган ҳолда адолатли жазо тайинлаш, жиноят содир қилган шахснинг ўз қилмишига яраша жазосини олганлик ҳиссини ҳам уйғотади. Ана шундай ҳиснинг пайдо бўлиши жазо мақсадининг дастлабки, аммо энг муҳим ютуғи ҳисобланади.

Шунинг учун жиноий жазо ва унинг самарадорлигини тадқиқ қилган барча криминалист олимлар жиноятчиликка қарши курашда, муҳими жазонинг қаттиқлигида эмас, балки битта ҳам жиноят содир қилган шахс жавобгарликка тортилмай қолмаслигидадир, деб тўғри таъкидлаганлар. Аммо адолатсиз тайинланган ҳар бир жазо шахсни тезроқ тўғри йўлга ўтиб олишига ёрдам бериш ўрнига, салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Қаттиқ жазо чораси фақат жазоланувчиларнигина эмас, балки жазоловчиларнинг ҳам ахлоқий ва ҳаёт тарзини қўполлаштириб юборади, қаттиқ жазо чоралари орқали жиноятчиликка қарши курашнинг фойдасизлигини барча илғор фикр

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда — Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 15-бет.

қилувчилар доимо тушуниб келганлар, — деганда И.И. Карпец икки карра ҳақдир.¹

Айниқса, жиноий жазолар ичида озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят содир қилган шахс учун ҳам, жамият учун ҳам ғоят оғир оқибатлар келтириб чиқаради. Озодликдан маҳрум қилишнинг ёмон оқибатлари ҳақида тасаввур қилганда унинг оғир оқибатларини қуйидагиларда кўриш мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазо муддати мобайнида оиласидан, ишлаётган меҳнат жамоасидан, доимий яшаётган муҳитдан тамоман ажратилади.

Жазони ўташ муддати мобайнида, ўзининг касби, билими, мутахассислиги бўйича ишламаганлиги туфайли кўп йиллар мобайнида ўрганган билими, касби бўйича ишлашни эсидан чиқаради.

Жазони ўташ муддати мобайнида жамиятдан ажратилгани учун шахс ўз малакасини, билимини ошириш, янги мутахассис-ликни ўзлаштириш, жамият ижтимоий ишлаб чиқаришида катнашиш имкониятидан тамоман маҳрум бўлади ва ҳоказолар.

Биз озодликдан маҳрум қилишнинг айрим салбий оқибат-ларини айтар эканмиз, озодликдан маҳрум қилиш жазосидан воз кечиш керак, ёки уни тайинламаслик керак, деган фикрдан тамоман йироқмиз. Буларни кўрсатиш билан судлар жазо тайинлаш вақтида ғоят адолатли бўлишлари, айб ва жазонинг мослигини эътиборга олишлари лозимлигини таъкидламоқчимиз ҳолос.

Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 14 майдаги 11-сонли “Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида”ги қарорининг 3-бандида “Шахсни озодликдан маҳрум қилиш масаласи жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда суд ҳукмида ҳар томонлама ва батафсил асослантирилмоғи лозим. Жиноят қонуни санкциясида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турлари ҳам назарда тутилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қандай ҳолатларни инобатга олган ҳолда қўлланилганлиги ҳукмда албатта кўрсатилиши шарт², дейилади.

¹ Карпец И.И. Наказание. Социальное, правовые и криминологические проблемы. —М.: “Юридическая литература”, 1973, с. 15.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. Т., 1999. 2-сон, 23-бет.

Судлар жиноят учун жазо тайинлашдан олдин қилмишнинг тўғри квалификация қилинганига биринчи даражали аҳамият беришлари керак. Қилмишни қонун талабларига мувофиқ равишда квалификация қилиниши, одил судловни амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Судларнинг жазо тайинлаш вақтида хатога йўл қўйиши жиноят таркибига кирувчи квалификация қилишнинг белгиларига тегишли аҳамият берилмаслиги туфайли бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида, жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди, — дейилади.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари, энг аввало, жиноят қонунининг принциплари билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси ЖК 10-моддасида “Қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт”, дейилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 4-10-моддаларида жиноят қонунининг етти принципи ва уларнинг тушунчалари берилган бўлиб, жазо тайинлаш ана шу принципларнинг ҳар бири ва барчаси билан бевосита боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида одиллик принципининг тушунчаси берилган бўлиб, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак, дейилади. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадига эришишни назарда туттади.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари суднинг Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаши бир қатор масалаларни эътиборга олинишини тақозо қилади.

Жиноят кодексининг Махсус қисмининг санкцияси доирасида жазо тайинланади, деганда нимани тушуниш керак?

Маълумки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларидаги санкциялар альтернатив санкция тариқасида берилган бўлиб, суд жазо тайинлашда фақат ана шу санкцияда кўрсатилган жазолардан бирини асосий жазо сифатида тайинлайди. Бунда суд тайинлаш учун танлаган жазо турининг миқдори ва муддати шу санкцияда кўрсатилган доирадан ташқарига чиқмаган бўлиши керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 173-моддасининг 2-қисмида мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида, атрофдагилар учун хавфли усулда, кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бароваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, дейилади. Демак, бу санкцияда учта асосий жазо кўрсатилган бўлиб, суд ишдаги ҳолатлар ва айбдорнинг шахсини эътиборга олиб, шу жазолардан бирини танлаб тайинлайди. Агар жаримани тайинласа, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан кам ва юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тайинлайди. Ахлоқ тузатиш ишларини тайинласа, бу жазонинг муддатини икки йилдан кам, уч йилдан кўп тайинлай олмайди. Озодликдан маҳрум қилишни эса уч йилдан кўп бўлган муддатга тайинлай олмайди. Аммо суд жазони тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган моддий зарарни уч карра миқдорда ўз ихтиёри билан қоплаганлигини ҳисобга олиб санкцияда кўрсатилган озодликдан маҳрум қилишни тайинламай, санкциядаги енгилроқ жазони тайинлаши мумкин. Агарда шахс ушбу жиноятни биринчи марта содир этган бўлиб, ўз айбига иқроп бўлган ва жабрланувчи билан ярашса ҳамда етказилган зарарни бартараф этса, суд уни ЎЗР ЖК нинг 66¹-моддаси қоидалари асосида жавобгарликдан озод қилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Оий суди Пленум қарорлари тўплами, Тм-2 Тошкент “Адолат” 2006 йил, 226 бет.

Жазо тайинлаш масаласига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “ Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида, Қонун тайинладиган жазо тури ва меёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва иштимой омиллар билан боғлиқ қилиб қўйилганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлаш шарт.

Объектив ҳолатларга хусусан айбдорнинг ёши жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга Судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳуққ атвори, машғулоти давлат ёки ижтимоий мавқеи ва х.к. киради”- дейилади.

“Жазонинг самарадорлигини оширишни таъминловчи объектив шароитлар бузилар экан, ҳар қандай жазо тизими кўзланган натижаларга олиб келмайди”, деб М.Д. Шаргородский жуда тўғри таъкидлайди.¹ Демак, суд жиноят учун жазо тайинлаганда, энг аввало, шу жазо субъектнинг айби даражасига мослиги ва айбдорни тарбиялашдаги самарадорлигини ўйлаши керак. Аммо шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, жиной жазо қанчалик инсонпарвар бўлмасин, айбдорга жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаган-лигига (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддаси) қарамай, қўрқитиш хусусияти бўлиши керак. Шахсга содир қилган жиноят-тига яраша моддий, маънавий, ҳуқуқий чеклашларни келтириб чиқариши керак. Акс ҳолда жиной жазонинг жамият нуқтаи назаридан қараганда ҳеч қандай аҳамияти қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йил 14 майда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми мажлисида судлар кўп ҳолларда асоссиз равишда, айниқса, вояга етмаганларга ва аёлларга оғир жазо чораларини қўллаётганликлари таъкидланиб, шундай дейилган эди: “Жазо турини танлашда, судьяга ўз нуқтаи назарини чуқур ва ҳар томонлама асослаб бериш мажбуриятини юқловчи қонун талаблари ҳам кўпинча бузилмоқда. Аксарият шу сабабга кўра, асосий жазо тури сифатида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ каби жазолар деярли қўлланилмайди. Масалан, ўтган йилда (1998 йил назарда тутилмоқда) умумий судланганлардан фақат 8,3 фоиз шахсга нисбатан жарима, 3,3 фоиз шахсга нисбатан қамоқ жазоси

¹ Шаргородский М.Д. Наказания, его цели и эффективности. ЛГУ, 1973 год

тайинланган”¹. Айтиш керакки, иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (2001 йил 29 августда бўлиб ўтган) олтинчи сессияси жазо сиёсатида туб бурилиш ясади. Бу сессияда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тизимига очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлида жиддий ютуқларга эришилганлиги таъкидланди. Маълумки, 2000 йил июн ойида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳадаги ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури қабул қилинган эди. Бу дастур жамиятимизнинг ҳамма жабҳаларини либераллаштиришни қамраб олган. Дастур суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштиришга ҳам бевосита тааллуқлидир. “Судлар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилинганлиги, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жиддий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида жиддий кадам бўлди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексига мустақилликка эришилган дастлабки йилларда жиноятчиликка қарши кураш ғоят кескин қўйилганлиги сабабли кўпроқ оғирроқ жазо турлари тайинланишига мойиллик кучли бўлди. Натижада судлар кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган эдилар. Энди жамиятимиз тараққиёти янги босқичга кўтарилдики, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш зарурлигини келтириб чиқарди.

Президентимиз И.А.Каримов иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида “Адолат—қонун устуворлигида”² деб номланган маърузасида “Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур”, деб таъкидлаган эди.

Президентимизнинг ана шу сессияда қилган маърузалари, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида аниқ таклифлар асосида ЎЗР ЖК га бир қанча ўзгартириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. Т., 1999, 2-сон, 19-20-бетлар.

² Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида. Халқ сўзи, 2001 йил 31 август.

киритилди. Жиноят кодексига ана шу ўзгарти-риш ва қўшимчалар киритилгунча судлар унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб келган бўлсалар, энди биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш мумкин бўлди.

Айтиш керакки, жиноятларни таснифлашнинг янги қабул қилинган таҳрири жазо тайинлашда либерализация қилишнинг имкониятларини кенгайтириб юборди. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹- модда)нинг ЖКга киритилиши жавобгарликдан озод қилиш институтини янада кенгайтди, кўплаб моддаларда етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда ёки етказилган моддий зарар уч карра қопланган тақдирда қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўлланмасликнинг назарда тутилганлиги, Ўзбекистонда жиноят учун жазолаш сиёсатининг янги босқичга кўтарилганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида Жиноят кодекси Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинла-ниши кўрсатилган. Умумий қисми қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаш деганда нималарни тушуниш керак?

Маълумки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари амалга тадбиқ қилишнинг барча қоидалари Умумий қисмда кўрсатилган. Махсус қисм нормаларини қўллашда Умумий қисм нормалари йўналтирувчи ва тартибга солувчи нормалардир. Демак, Умумий қисмнинг нормалари Махсус қисмининг калити ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмида бирорта модда йўқки, Умумий қисми моддаларига тегишли бўлмасин. Масалан, ЖКнинг Махсус қисми моддаларида жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бўлса, Умумий қисмда Жиноят тушунчаси (14-моддаси) берилган, Махсус қисмда кўрсатилган жиноятлар фақат жисмоний шахслар томонидан содир этилса, Умумий қисмнинг 17-моддасида жисмоний шахс, 18-моддасида ақли расолик тушунчалари берилган. Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпчилик моддаларида жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан қилинса, дейилган, иштирокчилик тушунчалари эса, 27-30 моддаларида берилган. Махсус қисм моддаларида жиноят такроран, хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилса, дейилади, уларнинг тушунчалари эса Умумий қисмнинг 32, 33, 34-моддаларида берилган.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари санкцияларида муайян доирада тайинланадиган жазо турлари назарда тутилган, жазо тайинлаш қоидалари эса Умумий қисмининг 57-63-моддаларида кўрсатилган ва ҳоказолар. Бундан ташқари, Махсус қисм моддаларида назарда тутилмаган, аммо жазо тайинлашда эътиборга олиниши шарт бўлган бир қанча жиноят қонуни институтлари борки, бу институтлар шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши жиноят деб топилиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси билан жавобгарликка тортиладиган бўлса, Умумий қисмда назарда тутилган қоидаларнинг қўлланилишининг ўзи етарлидир. Масалан, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш кўзда тутилган моддалар, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, судланганлик ва уни ҳисоблаш қоидалари фақат Умумий қисмда кўрсатилган. Тўғри, ЖК Махсус қисмининг айрим моддаларида ҳам жавобгарлик ва жазони озод қилиш (масалан, 211-модданинг 4-қисми, 212-модданинг 4-қисми, 248-модданинг 4-қисми ва ҳоказолар) кўзда тутилган. Аммо жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг бу турдаги нормалари фақат ўша модданинг ўзи учунгина тегишли, холос.

Умумий қисмдаги жавобгарлик ва жазодан озод қилишни назарда тутувчи моддалари умуман, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларига тегишлидир.

Маълумки, суд жиноят учун жазо тайинлашда айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида кўрсатилган жазо турлари ва муддати доирасидан четга чиқа олмайди. Аммо иш ҳолатларига кўра, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модда санкцияси доирасида жазо тайинланса, жазо адолатсиз бўлиб қолиши мумкин бўлган ҳоллар ҳам бўлади. Шунда суд, ЖК Умумий қисмининг 57-моддасида кўзда тутилган енгилроқ жазо тайинлаш қоидаларини қўллаб, қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаши мумкин.

Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги масаласига қонунда алоҳида аҳамият берилиб, Жиноят кодексининг Умумий қисмида алоҳида бобда ажратиб кўрсатилган. Махсус қисми моддаларида кўрсатилган жиноятларни вояга етмаганлар томонидан содир этганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаган. Ҳатто, Махсус қисми моддасининг санкциясида ҳам вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо тури ва муддати алоҳида ажратилиб кўрсатилмаган. Шунга мувофиқ вояга етмаганларнинг жинояти ҳам ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси билан квалификация

қилинади. Аммо жазо тайинлашда вояга етмаганларнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида назарда тутилган жазо миқдори ва муддат доирасида тайинланмай, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 82-85- моддаларида кўрсатилган жазо турининг миқдори ва муддати доирасида тайинланади. Бунда ЖКнинг 57-моддаси (енгилроқ жазо тайинлаш) қонунларига муурожаат қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1.7 бандида “Вояга етмаганларга жазо тайинлашда жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ каби жазоларнинг самарадорлигига эътибор бериш лозим. Шу билан бирга оғир жиноят содир этишда айбланган, муқаддам судланган, ҳуқуқни бузганлиги учун ички ишлар органларида ҳисобда турган вояга етмаганларга жазо тайинлашда қатъиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди”, дейилади.¹

М.А. Скрябин вояга етмаганларга нисбатан тайинланган жазоларни қуйидаги хусусиятлар билан ифодалайди:

1. Вояга етмаганларга нисбатан жиноят қонунинда назарда тутилган барча жазо чора қўлланилмайди

2. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш энг оғир жазо сифатида ўзига хос хусусиятларга эга.

3. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятни суд жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди (ЖК 55-моддасининг «ж» банди).²

М.А. Скрябиннинг бу ёзганлари бизнинг ҳозирги амалдаги жиноят қонунчилигимизга ҳам тўла мос келади. Яъни, шу уч ҳолатнинг биринчисини оладиган бўлсак, Жиноят кодексининг 43-моддасида саккиз турдаги асосий жазо ва фақат иккита қўшимча жазолар назарда тутилган бўлса, 81-моддасида эса вояга етмаганларга тайинланадиган тўртта жазо тури кўрсатилган.

Булар: жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш.

Демак, вояга етмаганларга нисбатан ана шу жазолардан бошқа мажбурлов чоралари жиноий жазо сифатида тайинланмайди. Вояга етмаганларга нисбатан қўшимча жазо умуман тайинланмайди. Вояга

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорлари тўплами: 1991-1997;—Т.: “Шарқ”, 1997, 43-бет.

² Скрябин М.А. Общие начала назначение наказания и их применение с несовершеннолетними. Издательство Казанского Университета, 1988, стр. 26-29.

етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилишнинг муддати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 85-моддасида кўрсатилган муддатлар доирасида тайинланади.

Жазо тайинлашда ҳисобга олиниши керак бўлган ҳолатлар. Ҳар қандай жиноят учун жазо тайинланар экан, жазо ўз қилмишининг оқибати эканлигини шахс англаши керак. Асоссиз равишда жуда енгил жазо тайинлаш айбдорда етарли даражада жазоланмай қолганлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни болаб алдаганлиги ҳиссини пайдо қилса, бошқа шахсларда эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ишидан норозилик ҳиссини келтириб чиқаради. Чунки “Ижтимоий адолат юз бермаганлиги” ни кўриб норози бўладилар. Бундан ташқари, бундай ҳолатда ижтимоий адолатни тиклаш юз бермаган ҳисобланади.

Асоссиз равишда оғир жазо чорасини тайинлаш эса субъектда адолатсизликдан норозилик, адолат ва қонунга ишончсизлик ҳиссини вужудга келтиради. Бундай ҳолат ҳам жазонинг мақсадига эришишга тўсиқ бўлиб қолади. Энг ёмони, Жиноят кодексининг 8-моддасида назарда тутилган одиллик принципи бузилади. Шунинг учун ҳам суд жазо тайинлаётган вақтда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олади. Жазо тайинлашда бундай ҳолатларни эътиборга олинмаслиги одил судлов принципларининг бузилишига сабаб бўлади. Қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхтаб ўтамиз.

а) жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасининг ҳисобга олиниши.

Содир этилган жиноятнинг хусусияти, энг аввало, тажовуз қилинган объект орқали аниқланади. Содир этилган жиноятнинг хусусияти унинг сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Жиноий тажовуз орқали қандай ижтимоий муносабатга тажовуз қилинганлиги жиноятнинг хусусиятини ифодалайди.

Маълумки, Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятларни таснифлашнинг иккита тури қабул қилинган бўлиб, булар: жиноятларни объектига қараб таснифлаш ва ижтимоий хавфлиликка қараб таснифлашдир.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш масаласига кейинроқ тўхталамиз. Жиноятларни объектига қараб

таснифлаш Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида жавобгарлик белгиланган жиноятларни махсус ва бевосита объектларига қараб жойлаштирилганлиги жиноят қонунининг нормаларини муайян тизимда жойлаштириш ва бунда махсус бўлим ва бобларнинг аҳамиятини расмий белгилашдан иборатдир.

Жиноят **қодексимизнинг** Махсус қисми биринчи бобида шахснинг ҳаётига тажовуз қилиш жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, шахснинг ҳаёти энг муҳим объект сифатида белгиланган. Шунинг учун ҳам жазони оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти учун қонунда 15-20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки **умурбод озодликдан маҳрум қилиш** жазоси назарда тутилган.

Демак, суд жазо тайинлаётганда тажовуз объектнинг аҳамиятини ҳам эътиборга олади. Масалан, безорилик жинояти уриш, дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш, анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, айбдор энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланиш назарда тутилган бўлса, безорилик баданга ўртача оғир шикаст етказиб, содир этилса (227-модда 2-қисмининг “а” банди), айбдорга нисбатан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Чунки бу жиноят туфайли фақат жамоат тартиби бузилибгина қолмасдан шахснинг соғлиғига ҳам тажовуз қилинмоқда.

Демак, жиноятнинг хусусияти деганда квалификация қилиш учун зарурий белги ҳисобланган ва жиноят таркиби доирасига кирувчи хусусиятлари назарда тутилади.

Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазо тайинлаш деганда, нималарни тушуниш керак?

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасида жиноят-ларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш берилган бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг барча моддаларида жавобгарлик белгиланган жиноятлар тўртта туркумга бўлинади.

Булар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлардир.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда

тутилган жиноятлар ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 1-қисмида солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бош тортганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланиш кўрсатилган. Демак, бу жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Аммо асосий жазо сифатида тайинлаш мумкин бўлган учта жазо турлари, яъни жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва қамоқ кўрсатилган бўлиб, ана шу жазолардан қайси бирини тайинлаш масаласини ҳал қилишда суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олади ва шу учта жазо туридан энг енгилини ёки энг оғирини тайинлаш масаласини ҳал қилишда 55 ва 56-моддаларда назарда тутилган энгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олади.

1999 йил 3 сентябр куни Қўқон шаҳар судида Урунов Шукурвали Расуловични Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми билан айблаш тўғрисида жиноят иши кўрилган.

Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, 1998 йилнинг 17 **октябрининг** уйида Ш. Урунов ва яна 65 ёшли киши учовлари биргаликда спиртли ичимликлар ичадилар. Улар биргаликда тўрт шиша вино ичганларидан кейин Ш. Урунов ва 65 ёшли қария ўртасида гап қочиб, оғзаки уришадилар. Аммо, Урунов қарияни мушт билан дўппослайди ва кўкрак ва қорин томонига кетма-кет бир неча марта қаттиқ тепади. Натижада қариянинг қовурғалари синади, ички органларидан талоқ мажақланади. Қарияни Урунов ташқарига чиқариб ташлайди. Ички қон кетиши натижасида қария шу жойнинг ўзида вафот этади. Терговчи ишни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб, судга чиқаради. Суд Уруновни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан айблаб, 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди. Суд ҳукмда Урунов томонидан содир этилган жиноят маст ҳолда қилинганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасининг “о” бандига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат эканлигини, шунинг билан бирга Урунов ўз айбини бўйнига олиб қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу эса Ўзбекистон

Республикаси ЖК 55-моддасининг “а” бандига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолат эканлигини эътиборга олиб жазо тайинланганлигини ҳукмда кўрсатган.

Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, агар айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида альтернатив жазолар назарда тутилган бўлса, айбдорнинг айбига яраша бўлган муайян жазо турини ва шу турнинг муддатлари доирасида жазо тайинланади. Агарда жиноят оғир ёки ўта оғир жиноятлар туркумига кириб санкциясида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар шу санкцияда белгиланган муддат доирасида ҳисобга олинади. Агар иш ҳолатларига кўра шахс ёки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ деб ҳисобланса санкциядаги жазонинг минимал муддатига яқинроқ, ижтимоий хавфлилиги юқорироқ деб ҳисобланса, энг кўп муддатга яқинроқ бўлган жазо муддати тайинланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси, энг аввало, унинг миқдор кўрсаткичларидир. Одатда, ҳар бир жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, шу жиноят учун жавобгарликни белгиловчи модданинг санкциясидаги жазо тури ва миқдори билан белгиланади. Бу ўз навбатида турли жиноятларнинг санкциясидаги жазонинг муддатига қараб уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси солиштирилади ва аниқланади. Масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказганлик (104-модданинг 1-қисми) учун уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўрсатилган бўлса, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-моддасининг 1-қисми) учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб тавсифлашнинг яна бир мезони айб шаклидир. Жумладан, баданга оғир шикаст етказиш қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Масалан, эҳтиётсизликдан баданга ўртача ёки оғир шикаст етказганлик (ЖКнинг 111-моддасининг 1-қисми) учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари назарда тутилади.

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб тавсифлашнинг яна бир мезони айб шаклидир. Жумладан, баданга оғир шикаст етказиш қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Масалан, қасддан баданга шикаст етказганлик (ЖКнинг 104-

моддаси 1-қисми) учун уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган бўлса, эҳтиётсизлик орқасидан баданга оғир шикаст етказганлик (111-моддасининг 2-қисми) учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ жазоси билан жазоланиш кўрсатилган. Амалдаги Жиноят кодексида белгиланишига кўра, оғир ва ўта оғир жиноятлар фақат қасддан содир этилади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасида белгиланишига кўра эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Бунда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш муддатининг аҳамияти йўқ. 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексида эҳтиётсизликдан қилинадиган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишнинг муддати 15 йилгача белгиланган эди (масалан, 208-модданинг 3-қисмида). Амалдаги Жиноят кодексида эса, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноят учун энг кўпи билан озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ўн йил белгиланган (масалан ЖК 266-моддасининг 3-қисми).

б) жазо тайинлашда қилмишнинг сабабини эътиборга олиш.

Маълумки, жиноятчилик ва алоҳида жиноятларнинг сабабларини криминология фани ўрганади. Аммо суд жазо тайинлашда ҳар бир жиноятнинг сабабини аниқлаши шарт ва жазо тайинлаш вақтида жиноят содир қилишнинг сабабини эътиборга олади. Чунки Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида жазо тайинлашда эътиборга олиниши шарт бўлган ҳолатлардан бири сифатида жиноят содир қилишнинг сабаби кўрсатилган. Ҳар бир қилмишнинг жиноят эканлигини аниқлаш, жиноят қонуни меъёрлари асосида баҳолаш учун унинг сабабларини аниқлаш орқалигина уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш мумкин.

Маълумки, алоҳида жиноятларнинг сабаби турли-туман бўлиб, бу масала ҳозирги кунда ҳам ғоят мураккаб муаммо бўлиб қолмоқда. Жиноятларнинг сабаблари шунчалик кўп ва хилма-хилки, масалан юзта бир хил (ўғрилиқ) жиноят олиб ўрганил-ганда, улардан иккитасининг сабаблари айнан бир хил бўлмайди. Чунки жиноят содир қилган шахс бирданига жиноятчи бўлиб қолмайди. Жиноят содир этишга журъат қилиш даражасига етгунча унда муайян

жиноятни содир этиш сифатлари шаклланган бўлиши керак. Ҳатто эҳтиётсизликдан жиноят содир этилган тақдирда ҳам субъектнинг шахсида ўзига ишониш ва бепарволик хусусиятлари бўлиши керак. Шунга кўра ҳали содир этилмаган жиноятнинг, агар у содир этилса, сабабларини айнан ана шу деб топишнинг иложи йўқ. Шунга кўра суд ҳар бир жиноят ишини кўришда албатта унинг сабабини аниқлаши шарт ва жазо тайинлашда уни эътиборга олади. Шунга кўра жиноятларнинг сабаблари индивидуал тарзда аниқланади.

Тасаввур қилайлик, икки киши ўзлари алоҳида-алоҳида ўғрилиқ жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3 - қисмининг “б” банди билан айбланган. Улардан бири оиладаги оғир аҳвол туфайли, иккинчиси эса гиёҳванд воситаси сотиб олиш учун ёхуд қиморда ютқазиб қўйган пулини тўлаш учун ўғрилиқ қилган. Бундай ҳолда суд ҳар иккала жиноятчига ҳам бир хил жазо тайинламайди. Чунки, бировининг шундай жиноятни содир қилишга объектив сабаб олиб келган бўлса, иккинчиси эса субъектив сабаблар туфайли ўғрилиқ қилган.

Кўп ҳолларда жиноят содир этилишига жабрланувчининг ўзи ҳам сабаб бўлиб қолиши мумкин. Бунини криминологияда виктимология дейилади.

Бунга 1999 йил 10 ноябр куни Қўқон шаҳар судида кўрилган **А. А нинг** жиноят ишини мисол қилиб келтириш мумкин. 1999 йилнинг 30 июль куни **А. А** Қўқон шаҳрининг Қосимов кўчасида таниши, шу жиноят иши бўйича жабрлануви **А. Ахуновни** учратиб қолади ва ундан қарзга олган икки қоп унни қайтариб беришни талаб қилади. Ахунов икки қоп ун қарзини ҳозирда қайтариб бера олмаслигини айтади ва бунга умуман имконияти йўқлигини билдиради. Шунда **А. Ахуновни** уриб баданига енгил шикаст етказади.

Суд **А нинг** жиноятини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси билан квалификация қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолиш шarti билан бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилади. Ушбу модданинг 2-қисмида ахлоқ тузатиш ишининг муддати икки йилгача белгиланган бўлсада, суд жиноят содир бўлиш сабабини эътиборга олиб, бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаган ва бизнинг фикримизча, тўғри ҳукм қилган.

Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида жиноят содир қилишнинг сабаби жиноят таркиби доирасига киритилиб, қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган. Масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш

(ЖКнинг 98-моддаси) ва кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш(ЖКнинг 106-моддаси), зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 100-моддаси), ёки шундай ҳолда қасддан баданга оғир ёки ўртача шикаст етказиш (ЖКнинг 107-моддаси), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (ЖКнинг 115-моддаси) ва ҳоказолар.

Демак, жиноят содир этишнинг сабаби, жиноят таркиби доирасидаги квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида киритилган бўлса, суд жазо тайинлаш масаласини умумий тартибда ҳал қилаверади. Жиноят таркиби доирасига кирмайдиган сабаблар бўлса, жазо тайинлашда эътиборга олиниши мумкин. Жиноят содир қилиш сабаби иш ҳолатларига қараб жазони енгиллаштириши ҳам, оғирлаштириши ҳам мумкин, лекин суд жиноят содир этиш сабаби туфайли оғирроқ жазо тайинлаётган вақтда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига (оғирлаштирувчи ҳолатлар) мурожаат қилмайди.

в) етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини ҳисобга олиш.

Жазо тайинлаш вақтида суд томонидан эътиборга олиниши керак бўлган ҳолатлардан бири, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдоридир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасининг “б” бандида “Етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш” жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, 56-моддасининг “з” бандида эса “жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги” жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган бўлиб, оғир оқибатнинг келиб чиқиши маълум маънода етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорига тегишли бўлган Жиноят кодексининг 55 ва 56-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар жиноят таркибидан ташқарида бўлган белгилар ҳисобланиб, қилмишни квалификация қилиш учун таъсир қилмайди, балки суд жазо тайинлашда эътиборга олади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўплаб моддаларида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори ўша моддада назарда тутилгани жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланиб, жиноятни квалификация қилишга бевосита таъсир қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 180-моддасида сохта банкротлик,

яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши креди-торларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, дейилган. Демак, бу моддада кўрсатилган зарар миқдори қилмишнинг шу модда билан квалификация қилиш учун зарурий белги сифатида қатнашмоқда, яъни етказилган зарар кўп миқдорни ташкил қилсагина жиноят шу модда билан квалификация қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” бўлимида кўрсатилишича, кўп миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилиши керак. Демак, етказилган зарарнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор экан, суд жазо тайинлашда эътиборга олиш керак, деган ҳаққоний миқдор қанча бўлиши керак деган савол туғилади. Бизнинг фикримизча, келтирилган кўп миқдордаги зарар қонунда белгиланган энг кам қисмига яқинлашиб келса, суд жазонинг енгилроғини (агар бошқа оғирлаштирувчи белгилари бўлмаса) ёки санкцияда белгиланган жазонинг энг кам қисмига яқинроқ қисмини, агар етказилган зарар қонунда белгиланган энг кўп қисмига яқинроқ келса жазонинг оғирроғини ёки санкцияда белгиланган жазонинг энг кўп қисмига яқинроқ бўлган жазони тайинлайди.

Қонун чиқарувчи орган ҳар бир жиноят тури учун жазонинг энг кам ва энг кўп қисмини белгилар экан, жиноятларни солиштирилганда ҳар бир жиноятнинг жамият учун хавфлилик даражасини, шу даврда шу турдаги жиноятларга қарши курашишнинг қай даражада кескинлиги, жазони енгиллаш-тирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олар экан, шундай жиноят туфайли жабрланувчига ижтимоий ташкилот ёки давлат манфаатларига етказилган зарарнинг хусусиятини, шу зарарнинг жабрланувчи учун қанчалик даражада салбий оқибат келтириши мумкинлигини эътиборга олади. Қонун санкциясининг бундай тарзда белгиланиши судга иш ҳолатларига қараб жазо тайинлаш имкониятини яратади.¹

1999 йил 29 апрел куни Қўқон шаҳар судида ўуломов **Б** нинг жиноят иши кўрилган. Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, 1999 йил 14 апрел куни Б Қўқон деҳқон бозори олдида ўзининг чўнтагида

¹ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари Т.: “Адолат”, 2001, 12-бет.

бўлган калитларнинг бири билан шу ерда турган машиналардан бирининг эшигини очиб, машина саломидаги куртканинг чўнтагидан нархи 5000 сўмлик “Электроника” соатни олади ва кетаётганида милиция ходимлари томонидан ушланади. Уни ушлашга шу ерда турган йигитлар **Ғнинг** ҳаракатларидан шубҳаланиб милиция чақирадилар ва ушлашга ёрдам берадилар. Терговчи унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиб судга чиқаради.

Суд **Ғга** нисбатан ҳукм чиқаришда ишнинг барча ҳолатларини, шунингдек, ўғирланган соатнинг жабрланувчи учун аҳамиятини ва унинг суммаси катта эмаслигини эътиборга олиб, айбдорни олти ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмининг санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Ҳукм чиқариш вақтида амалда бўлган қонун нормаси демак, бу санкцияда тўртта жазо тури асосий жазо сифатида кўрсатилган. Суд, **Ғга** нисбатан олти ой қамоқ жазосини тайинлаганда нималарни эътиборга олган?

Суд буни қуйидагича асослантирган. Судланувчи **Ғга** жазо тайинлашда унинг муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказган зарар катта эмаслигини ва эгасига қайтарилганлигини, шунинг билан бирга ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб қамоқ жазосини тайинлаш лозимлигини ҳукмда кўрсатган. Бизнинг фикримизча, суд **Ғга** жазо тайинлашда ишдаги барча ҳолатлар билан бирга жабрланувчига нисбатан етказилган зарарнинг миқдорини эътиборга олиб тўғри жазо тайинлаган.

г) жазо тайинлашда айбдорнинг шахсини эътиборга олиш.

Ҳар бир киши шахс сифатида ижтимоий бўлиш билан бирга онги жиҳатдан индивидуалдир. Ҳар бир шахсни фақат унинг ўзига хос бўлган қарашлари, эътиқоди, одатлари, оилага бўлган муносабати, иш жойига, ўзини ўраб турган муҳитга ва бошқа ҳаётий кадриятларга бўлган муносабати бўлади. Ҳар бир кишида унинг ҳаёт йўли муайян босқичлар тизимидан иборат ўзига хосдир ва ана шу ўзига хослик унинг шаклланишида бошқаларга хос бўлмаган индивидуал сифатларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Тарбиялаш, ўз моҳиятига кўра, худди ўзига хос пиллапоядек инсон шахсида ҳаётий қадриятларни тахлаб-тахлаб шакллантириб боиш жараёнидан иборатдир.¹ Демак, ҳар бир индивидда ўзининг яшаётган муҳити билан боғлиқ ҳолда яхши ва ёмон сифатлар ривожланиб боради. Ҳатто жиноят содир қилган шахсларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари бўлади. Масалан, безори ҳеч қачон ўғрилиқ, талончилик ёки босқинчилик жиноятини содир этмаслиги мумкин. Ҳатто ўғри одамлар билан ғоят хушмуомала, юриш-туриши жуда маданиятли бўлиши мумкин. Ўғриларнинг бир тоифаси чўнтак ўғрилигига (киссавурлик)га, бошқа бирлари кулфларни очишга уста бўлиб, уйларга кириб, ўғрилиқ қилишга ихтисослашган бўлиши мумкин. Лекин буларнинг барчаси шахснинг ўз мақсад ва истакларини, эҳтиёж ва талабларини қандай усулда қондириш учун танлаган йўлига бориб тақалади. Ўз эҳтиёжи ва талабларини ўзининг ҳалол меҳнати ва хулқи билан қондирадими ёки бошқаларнинг меҳнати ҳисобига **Ғайриқонуний** равишда қондирадими? Ундаги ўзини бошқалардан устун қўйиш, “Мен, фақат мен” тушунчаси қандай даражада шаклланган? Ахлоқий бузуқлик ва хулқий тубанлик қанчалик даражада чуқурлашган. Жиноий хулқ қанчалик турғун бўлиб қолган ва ҳоказолар.

Суд жиноят учун жазо тайинлаш вақтида нафақат содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, балки жиноят содир этган шахсдаги юқорида айтилган хусусиятларни ҳам эътиборга олиши керак бўлади. Чунки ҳар қандай турдаги жазо тайинлашдан мақсад Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасида кўрсатилишича, маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишини ва бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишдир.

Суд жиноят содир қилган шахсга нисбатан у ёки бу турдаги жазо турини танлар экан, маҳкумга унинг айбига яраша қонунда белгилаб қўйилган чеклашлар орқали юқорида айтилган мақсадга эришиш учун шароит ярата оладиган жазо турини тайинлайди. Аммо ҳозирги кунда Республикмиздаги барча судларда ҳам жазо тайинлашда юқорида айтилган ҳолатларни эътиборга олмақдалар деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Олий суднинг 1999 йил 14 майда навбатдан ташқари бўлиб ўтган Пленумида

¹ Кладков А. Н. Назначение наказания. в кн. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть, — М., “Юристь”, 2001, с. 397.

“Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида”ги маърузасида “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг кўпчилиги бўйича айбдорларни озодликдан маҳрум қилиш жойларига юбормасдан, уларга жарима жазосини кўпроқ қўллаб, улардан етказилган зарарни ундириш чорасини кўриш ҳақида асосли хулосага келинган эди... Аммо Пленум қарорлари талаб даражасида бажарилаётгани йўқ”¹, деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида жиноят содир этган кишининг шахсини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўйилган. Масалан, ЖКнинг 55-моддаси 1-қисмининг “ж” бандида вояга етмаганнинг жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган. Агарда бу белгилар Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий элементи ва квалификация қилиш белгиси сифатида киритилган бўлса, суд ўша санкция доирасида жазо тайинлайверади, агар зарурий белги сифатида кўрсатилмаган бўлса суд жазо тайинлашда эътиборга олади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида жазоларни оғирлаштирувчи ҳолатлар кўрсатилган. Масалан, шу модда биринчи қисмининг “и” бандида илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан жиноят содир этиши, “о” бандида мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсирида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган. Агар булар ЖК Махсус қисмининг моддасида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлса суд жазо тайинлашда 56-моддага ҳавола қилмайди. Агар кўрсатилмаган бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1.2 бандида “Судлар оғир жиноят содир этган шахсларга, уюшган гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига, муқаддам судланганларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллашлари лозим. Бунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига тажовуз қилиш, порахўрлик, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва қуроллар тарқатиш каби, шунингдек, Республика иқтисодиётига зарар етказувчи жиноятлар алоҳида хавф туғдиришини назарда тутиш керак. Бундай шахсларга нисбатан ён

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. Т., 1999, 2-сон, 20-бет.

босишнинг ҳар қандай кўринишлари қонунийликни жиддий бузиш деб баҳоланиши керак”, дейилади¹.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпчилик моддаларида жиноятни хавфли рецидивист томонидан содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисмининг “б” бандида қасддан баданга оғир шикаст етказиш хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Бу ерда жиноятчининг шахсини ифодаловчи белги, яъни шахснинг ижтимоий хавфлилигини ифодаловчи жиноят ҳуқуқий белги (хавфли рецидивист эканлиги) қилмишни квалификация қилиш учун зарурий белги сифатида назарда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг бир қанча моддаларида, масалан 104-модда 3-қисмининг “б”, “в” бандларида 105-модда 2-қисмининг “к”, “л” бандларида хавф-ли рецидивист ва ўта хавфли рецидивистларнинг жавобгарлиги ўша моддаларнинг битта қисмида берилган ва фақат бандлар билан ажратилган, ҳолос. Маълумки, ҳар бир жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси қисмлар билан ажратиб кўрсатилган, бандлар эса фақат ўша қисми доирасида ижтимоий хавфли ҳисобланган жиноятнинг квалификация қилиш белгилари, ҳолос. Юқорида айтилган моддаларда эса хавфли ва ўта хавфли рецидивистлик даражаси бир хил даражада кўйилган. Бизнинг фикримизча, хавфли ва ўта хавфли рецидивистларнинг хавфлилиқ даражасини бир хил даражага кўйилиши мақсадга мувофиқ эмас. Буни қуйидагилар билан асослаш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддасининг 2-қисмида хавфли рецидивист тушунчаси берилган бўлиб, унда шундай дейилади: “Илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади”. Демак, хавфли рецидив жиноят содир этган деб топиш учун шахснинг олдинги жинояти учун бирон- бир жиноий жазога ҳукм қилиниб, судланганлик муддати ўтмасдан яна олдинги жиноятга ўхшаш жиноятни содир этишининг ўзи кифоя. Бунда олдинги жиноят учун қандай турдаги жазога ҳукм қилинган ва жазо муддатининг,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорларининг тўплами, 1991-1997,-Т.: “Шарк”,1997, 50 бет.

шунингдек, айбдор жиноятни вояга етмаган даврда содир қилганлигининг аҳамияти йўқ.

Қўқон шаҳар судида 1999 йил 10 ноябрда А. Мирзааҳмедов-нинг жиноят иши кўрилди. 17 ёшли А. Мирзааҳмедов олдин (1998 йил 23 ноябр куни) Қўқон шаҳридаги бозорда ўғрилик қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг биринчи қисми билан айбланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдориди жарима жазосига ҳукм қилинган эди (1998 йил 29 декабрда). У 1999 йил 5 октябр куни велосипед ўғирлаган. Шундай қилиб, Мирзааҳмедов олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтмасдан яна ўғрилик қилган. Кейинги қилган ўғрилик жинояти ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмига тўғри келсада, терговчи унинг қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, яъни хавфли рецидивист томонидан содир қилинса, деган банди билан айблаб, судга чиқарган. Суд эса қилмишни тўғри квалификация қилинган деб, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ҳукм қилган. Чунки қонун бўйича шахсни хавфли рецидивист деб, қилмишни эса хавфли рецидив жиноят деб ҳисоблаш учун жиноят вояга етган ёки вояга етмаган даврда содир қилинганлигининг аҳамияти йўқ.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасининг 3-қисмида ўта хавфли рецидивист тушунчаси берилган бўлиб, ўта хавфли рецидивистлар оғир ёки ўта оғир жиноятни содир қилганлиги учун бир неча марта озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслардир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасида белгиланишига кўра “Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлик инобатга олинмайди”.

Юқорида айтилганлардан кўришиб турибдики, хавфли рецидивист билан ўта хавфли рецидивистни бир хил даражага кўйиб бўлмайди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 3-қисмидан хавфли рецидивист учун жавобгар-ликни белгиловчи меъёрни, яъни, 3-қисми “б” бандидан шу модданинг 2-қисмига ўтказилиши керак. Худди шундай ҳолат белгиланган Махсус қисм моддаларини ҳам, бизнинг фикри-мизча, кўриб чиқиш ва муайян ўзгартиришни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўта хавфли

рецидивистлар жамият учун ғоят хавфли шахслар бўлиб, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этиш йўлига ўтиб олган шахслардир.

1999 йил 29 июлда Қўқон шаҳар судида ҳолматов Содиқнинг жиноят иши кўрилган. С. ҳолматов муқаддам уч марта судланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб келган бўлишига қарамай, 1998 йил 25 май куни Қўқон бозоридан жами 13.665 сўмлик товарларни ўғирлаб кетади. Кейинчалик бу товарларни қайта сотаётганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинади. Суд унинг қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисми билан ҳукм қилиб, уни ўта хавфли рецидивист деб топади. Бизнинг фикримизча суд бу ишни тўғри ҳал қилган.

2-§. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш

Жазо тайинлашда жазони индивидуаллаштиришнинг энг муҳим шарти жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олишдир. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар маълум даражада қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи мезон ҳисобланади.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида, оғирлаштирувчи ҳолатлар эса 56-моддасида берилган. Қуйида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни жазо тайинлашда эътиборга олиниши ҳақида тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг, бир томондан, реал ҳаётда кўпроқ тарқалган турлари ҳамда турли-туман жиноятлар содир қилиш учун типик бўлган ҳолатлар олинган бўлса, иккинчи томондан, қонун чиқарувчи орган жиноят содир этиш ва жиноятчи шахсига жиддий таъсир қиладиган ҳолатларнигина жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхатига киритган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг роли ҳақида ягона фикр йўқ. Айрим муаллифлар енгиллаштирувчи ҳолатлар айб даражасига таъсир қилади¹ деса, бошқа бирлари суд томонидан тайинланадиган жазони енгиллаштиради деб ҳисоблайдилар². Яна бошқалари эса енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар қилмишнинг ижтимоий

¹ Советское уголовное право. Общая часть—М.: Госюриздат 1952, с. 370.

² Кузнецова Н.Ф, Куринов Б.А. Применение наказания по советскому уголовному праву. М. Издательство МГУ, 1958 г.

хавфлилик даражасини белгилайди, деб ҳисоблайдилар.¹ Г.Л. Кригер эса жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар фақат айб даражасига, жазо миқдори ёки содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасигагина таъсир қилмасдан, балки жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг муҳим шартлари ҳам бўлиб қолади, деб ёзади².

М.А. Скрябин³ эса жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноят таркибидан ташқаридаги ҳолатлар бўлиб, содир этилган жиноятга ёки жиноят содир этган кишининг шахсига бевосита ёки билвосита тегишли бўлиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтиради, (енгиллаштирувчи ҳолатлар) ёки оширади, (оғирлаштирувчи ҳолатлар) ва жавобгарлик ва жазога таъсир қилади, деб ёзади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, енгиллаш-тирувчи ҳолатларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти ҳақида юридик адабиётларда турли фикрлар билдирилган. Уларнинг барчаси енгиллаштирувчи ҳолатларни қилмиш ва айбдорнинг шахси билан боғлаб тушунтирганлар.

Енгиллаштирувчи ҳолатларни тавсифлаш масаласига ҳам муаллифлар турлича ёндашганлар. М.А. Скрябин “Қонун жазо тайинлашда ҳуқуққа хилоф қилмиш ва жиноятчи шахсини характерловчи ҳолатларга аҳамият беради. Оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни қуйидагича ифодалашни таклиф қилади: 1. Фақат жиноятнинг ўзига тегишли ҳолатлар; 2. Фақат айбдорнинг шахсига тегишли ҳолатлар; 3. Айбдорнинг шахсига ва жиноятга тегишли ҳолатлар.⁴ Бизнинг назаримизда, енгиллаш-тирувчи ҳолатларни бундай таснифлаш амалдаги Жиноят кодексидаги 55-моддада кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатларга ҳам тўғри келади. Масалан, вояга етмаганларнинг жиноят содир этиши (“ж” банди) ва ҳомиладор аёлларнинг жиноят содир этиши (“з” банди) фақат шахсга тегишли бўлган енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланса, мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят қилиш фақат жиноятга тегишли бўлган енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланса, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам

¹ Карпец И.И. Отягчающие и смягчающие обстоятельство в уголовное праве.—М.: Госюриздат. 1959, с. 27.

² Курс советского уголовного права в 6 томах. Т-3, 1970 г. “Наука”, с. 139—137.

³ Скрябин М.А. Общее начало назначения наказания и их применение несовершеннолетним. Изд -во Казанского Университета, 1988. с. 76.

⁴ Скрябин М. А. Ўша асар, 76-бет.

бериш ҳам жиноятга, ҳам шахсга тегишли бўлган енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар фақатгина жазони енгиллаштиришнинг ўзи учун асос бўлмасдан, балки жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш учун асос бўлиши ҳам мумкин. Жумладан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66-моддаси жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши мумкин. Аммо содир этилган жиноят-нинг ижтимоий хавфи катта бўлмаслиги ёки жиноят оғир ёки ўта оғир бўлса ва 55-модданинг “а” бандидаги ҳолат мавжуд бўлса, суд енгиллаштирувчи ҳолат деб жазо тайинлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатлар барчаси учун қуйидаги ҳолатлар ҳосдир.

1. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар ЖКнинг Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг жиноят таркиби-дан ташқарида бўлиб, қилмишни квалификация қилиш учун таъсир қилмайди, квалификацияни ўзгартирмайди.

2. Бу моддада кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ЖКнинг Махсус қисми моддасининг квалификация қилиш учун зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, жазо тайинлаш вақтида яна 55-моддага мурожаат қилинмай ўша модданинг санкцияси доирасида жазо тайинланади. Чунки қонун чиқарувчи орган 55-моддада назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатни ЖК Махсус қисмида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатиб, шунга мувофиқ равишда санкциясини ҳам енгиллаштирган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси “д” бандида “Жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача **Ғайриқонуний** ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш” енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг 98-моддасида эса жабрланувчи томонидан қилинган **Ғайриқонуний** зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа **Ғайриқонуний** ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш - беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, дейилади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддасида қасддан одам ўлдириш учун шу модданинг 1-қисмида 15 йилгача муддатга, 2-қисмида 20 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим

жазоси билан жазоланиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 98-моддасида ҳам қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарлик белгиланган, лекин кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиш бу жиноятнинг жиноят таркиби доирасига зарурий белги сифатида киритилганлиги учун енгиллаштирувчи ҳолат шу модданинг ўзида ҳисобга олинган.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолат Махсус қисмнинг, барча моддаларида кўрсатилган жиноятлар учун, Махсус қисмнинг муайян бир моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолат фақат шу модданинг ўзи учунгина аҳамиятли ҳолос.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати қатъий бўлмай, суд жазо тайинлаш вақтида бу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам ишдаги ҳолатларга қараб енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин. Масалан, давлат олдидаги катта хизматлари, ақлий ривожланишининг жисмоний ривожланишига нисбатан орқада қолиб кетганлиги ва ҳоказолар.

С.Г. Закутский ва М.Х. Рустамбоев ишда енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, жазо тайинлашда қуйидагиларга асос бўлади деб ёзадилар:

а) альтернатив санкцияда белгиланган жазо турларидан енгилроғини тайинлаш

б) санкцияда кўрсатилган энг оз қисмига яқинроқ муддатни ёки қисмини тайинлаш

в) қўшимча жазони қўлланмаслиги

г) шартли ҳукми қўллаши мумкин.¹

Бизнинг назаримизда, бунга қўшимча равишда яна айтиш мумкинки, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги яна қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш, ЖКнинг 66²-моддаси тартибида жавобгарликдан озод қилиш учун маълум даражада асос бўлиши ҳам мумкин.

3-§. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш

Судлар жазо тайинлаш вақтида фақат айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкцияси доирасидагина жазо

¹ Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм, Тошкент, “Адолат”, 1988, 213-214-бетлар.

тайинлайдилар. Ҳар қандай ҳолда ҳам санкция доирасидан чиқиб оғирроқ жазо чорасини тайинлашга йўл қўйилмайди. Аммо жиноят қонунида суд томонидан тайинланган жазони оғирроқ жазо билан алмаштиришга йўл қўйиладиган ҳолатлар бор. Лекин бу дегани жазо тайинлашда санкцияда белгиланганидан четга чиқиб оғирроқ жазо тайинлаш бўлмасдан, айбдорнинг суд томонидан тайинланган жазони ўташдан бош тортганлигининг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади. Жумладан, маҳкум суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишининг умумий муддатини ундан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа суд жазонинг қолган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиради. Бу жазони оғирлаштириш бўлмасдан, суд томонидан тайинланган жазони ўташдан қасддан бош тортишликнинг оқибати сифатида жазони алмаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар берилган бўлиб, бу ҳолатлар ҳеч қачон субъектнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкцияси доирасидан ташқарига чиқиб, оғирроқ жазо чорасини тайинлашга асос бўла олмайди ва жиноят қонунида бунга умуман йўл қўйилмайди. 56-моддада кўрсатилган ҳолатлар айбдорнинг жинояти квалификация қилинган модданинг санкцияси доирасидагина оғирроқ жазони тайинлашни назарда тутаяди. Судлар жазо тайинлаш вақтида енгилроқ жазо орқали жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди деган қатъий фикрга келса, санкциядаги оғирроқ жазо турини тайинлайди. Бу масалага Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февральдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3 бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-Ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятларнинг ҳусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик ҳусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат ҳавсизлиги ва х.к), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади”-дейилади¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 2-Том Тошкент-“Адолат“-2006 йил, 225,226 бетлар

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам юридик адабиётларда анча батафсил тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда эса жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни АхрорҚодиров тадқиқ қилган ва бу мавзу бўйича юридик фанлар номзодлиги диссертациясини ёқлаган¹.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасининг ўн учта бандида оғирлаштирувчи ҳолатларнинг қатъий рўйхати берилган. Бу ҳолатлар Жиноят кодексининг юқорида айtilган моддасида қатъий тизимда берилган. Шунинг учун ушбу рўйхатни бу ерда келтиришни лозим топмадик ва бунга ҳожат ҳам йўқ деб ҳисобладик.

Юридик адабиётларда жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни таснифлаш масаласига ҳар хил ёндошилган. Шулардан АхрорҚодиров оғирлаштирувчи ҳолатларни қуйидагича таснифлашни таклиф қилади.

1. Жиноятнинг объекти белгиларини ифодаловчи оғирлаш-тирувчи ҳолатлар:

а) жиноятнинг объектив белгилари ва жабрланувчига тааллуқли ҳолатлар;

б) қилмиш ва унинг оқибатига тааллуқли ҳолатлар.

2. Жиноятнинг субъектив томонини ифодаловчи ҳолатлар:

а) жиноятнинг мотиви ва мақсадига тааллуқли ҳолатлар;

б) субъектни ифодаловчи ҳолатлар.

Жиноятнинг объектив белгилари ва жабрланувчига тааллуқли оғирлаштирувчи ҳолатларга, масалан, ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан, ёш бола, қария, ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда жиноят содир қилишни айтиш мумкин. Қилмиш ва унинг оқибатига тааллуқли оғирлаштирувчи ҳолатларга жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлигини айтиш мумкин.

Жиноятнинг мотиви ва мақсадига тааллуқли оғирлаштирувчи ҳолатларга ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят қилиш, ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида жиноят қилиш каби оғирлаштирувчи ҳолатларни айтиш мумкин.

Субъектни ифодаловчи оғирлаштирувчи ҳолатларга бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиний уюшма томонидан жиноят қилиш, илгари қасддан жиноят содир қилган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши, мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари,

¹ Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. Тошкент, “Адолат”, 1998, 23-бет.

психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этишни айтиш мумкин.

Қонуннинг айбдор шахсини эътиборга олиб жазони индивидуаллаштириш тўғрисидаги талаби жиноят содир қилган шахсга ҳуқуқий, ижтимоий-руҳий ва руҳий-жисмоний жиҳатдан баҳо беришни назарда тутади.¹

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган турларининг барчаси учун умумий бўлган қуйидаги хусусиятларни айтиш мумкин:

1. Агарда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида жиноят таркибига кирган ва квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, суд жазо тайинлаш вақтида 56-моддага мурожаат қилмай, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкцияси доирасида жазо тайинлайди. Масалан, 56-модданинг “г” бандида айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан жиноят қилиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган. Жиноят кодекси Махсус қисмининг 103-моддасида айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини-ўзи ўлдириш ёки ўзини-ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш - беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади ёки бошқа бир мисол: ЖК 56-моддасининг “м” бандида жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жинорий уюшма томонидан содир этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Жиноят кодексининг Махсус қисмида ўзганинг мулкини талон-торож қилиш жиноятлари учун жавобгарликни белгиловчи барча моддаларда бу белгилар жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида ўша жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи тури сифатида кўзда тутилган. Демак, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатлар Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилмаган бўлсагина, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида

¹ Джекебаев У. С., Судакова Р.Н. и др. Криминологические и уголовно-правовые проблемы. Алма-Ата, 1983. с. 103.

кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати қатъий бўлиб, суд жазо тайинлаш вақтида бу моддада кўрсатилганидан бошқа ҳолатларни жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиш мумкин эмас. Лекин суд жиной қилмишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлса-да, иш ҳолатларига қараб, оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланмаслиги мумкин. Лекин нима сабабдан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланмаганлигини батафсил баён қилиб бериши керак. Шундай қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар:

а) айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модда-нинг санкциясида альтернатив санкция назарда тутилган бўлса, оғирроқ жазони тайинлаш;

б) айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модда-нинг санкцияси нисбий муайян санкция шаклида бўлса-да, унинг энг кўп қисмига яқинроқ бўлган қисмини тайинлаш;

в) альтернатив қўшимча жазо сифатида назарда тутилган бўлса, қўшимча жазо тайинлаш;

г) шунингдек, жинойят қонунида назарда тутилган айрим имтиёзли меъёрларни, масалан, жавобгарлик ёки жазодан озод қилишни қўлланишига тўсиқ бўлиб қолиши мумкин.

Айбдор бир неча жинойятларни содир этиб, улардан бирида енгиллаштирувчи, иккинчисида оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиш қандай ҳал қилинади деган ҳақли савол туғилади.

Оғирлаштирувчи ҳолат субъектнинг жинойятлари учун қатъий жазо тайинланганидан кейин эмас, балки ҳар бир жинойят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олинади. Шунга кўра айбдор бир неча модда билан айбланиб битта жинойтда енгиллаштирувчи ҳолатлар, иккинчисида оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлса, ҳар бир жинойят учун алоҳида-алоҳида енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб жазо тайинлайди. Ягона жазо тайинлашда эса, бу ҳолатлар ҳисобга олинмай, умумий тартибда қоплаш, қисман қўшиш ёки тўла қўшиш тартибидан фойдаланиш орқали жазо тайинланади.

4-§. Бир неча жинойят учун жазо тайинлаш

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси мазмунига кўра, шахс икки ёки ундан ортиқ жинойятни содир қилиб, уларнинг

бирортаси учун ҳам ҳали судланган бўлмаса, суд шахсининг ҳар бир жинояти учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра жазоларни енгилини оғирроғи билан қоплаш, қисман қўшиш ёки тўла қўшиш қоидаларини қўллаган ҳолда қатъий жазо тайинлайди.

Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш муаммоларини тадқиқ қилган муаллифлар содир этилган жиноятларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида, сўнгра қатъий жазо тайинлаш тартибини тўғри деб ҳисоблаш билан бирга, қуйидаги учта ҳолат билан боғлаб тушунтирадилар.

Биринчидан — содир этилган ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаш, шахсни ахлоқан тузатиш мақсадига эришиш ва тузатиш ҳамда жиноятларнинг умумий ва махсус олдини олиш, шунинг билан бирга ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципига мос келади.

Иккинчидан — жазо тайинлашнинг бундай тартиби ҳукми апелляция, кассация ва назорат тартибида текшириб кўриш, айниқса бу инстанцияда ҳукми ўзгартирганда ёки бекор қилганда ёхуд жиноятларнинг бирининг қисми бўйича ҳукми ўзгартирганда ёки бекор қилганда ёхуд жиноятларнинг бирининг қисми бўйича ҳукми ўзгартиришни тақозо қилганда қўл келади.

Учинчидан — ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳолда амнистия актини қўллаш имконини беради.¹

Суд ҳар бир жиноят учун жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида белгиланган жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига асосланади ва жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Юридик адабиётларда бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда ҳар бир жиноят учун бир-биридан мустақил ҳолда жазо тайинлаш керакми ёки уларни бир-бири билан боғлиқ бўлган жиноят ҳодисалари сифатида жазо тайинлаш керакми, деган масалада ҳар хил фикрлар мавжуд.

Жумладан, Г.А. Кригер “Суд бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда аввал жиноятлар жами тушунчасидан чекиниб, ҳар бир жиноятни бир-биридан алоҳида ҳолда, ҳар бир жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда алоҳида-алоҳида жазо тайинлайди”, деб ёзади. Н.А.Беляков эса, “Суд жиноятлар жамига кирувчи ҳар бир жиноят учун жазо тайинлашда ҳар бир жиноятни бир-биридан алоҳида ҳолда жиноят ҳодисасининг

¹ Горелика А.С. Назначение наказания по совокупности. Красноярск. 1975. с.

ўзи деб қарамаслиги керак. Бундан ташқари, суд бир неча жиноят содир этилганлигини эсдан чиқармаслиги керак. Жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра жазо тайинлашда фақат жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасигина эмас, балки айбдорнинг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам ҳисобга олади. Бундан ташқари, иккинчи ва ундан олдин содир этилган ҳар бир жиноят учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатни ҳисобга олиши, яъни илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми “н” банди) деб ҳисоблаб жазо тайинлаши керак”, деб ёзади.¹

Ҳар бир жиноятни бир-биридан алоҳида мустақил ҳолда кўриш керак, деб ёзган муаллифлар жазони индивидуал-лаштириш принципига риоя қилиш ва ҳар бир жиноятга мувофиқ бўлган жазо тайинлаш кераклигига асосланадилар. Бунда жазони сунъий равишда кучайтиришга йўл қўйиб бўлмаслигига ҳавола қиладилар. Бизнинг фикримизча, амалдаги жиноят қонуни бўйича оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жазоларни қоплаш усули қўлланилмаслиги, бир неча жиноят содир этилган, ҳатто жиноятларнинг идеал жами ёки реал жами ёхуд рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари борки, суд уларнинг ҳар бири учун жазо тайинлашда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Масалан, жиноят такроран содир қилинган бўлса, ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинмайди. Чунки қонун чиқарувчи орган такроран содир этилган жиноятни ЖК Махсус қисмда қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутиб оғир жазо чоралари қўллашни назарда тутган. Жиноятларнинг идеал жамида эса қилмиш бир вақтнинг ўзида содир этилганлиги учун унда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлиши мумкин. Жиноятларнинг реал жами тариқасида жазо тайинлаш вақтида суд ҳар бир жиноятни бир-биридан мустақил равишда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда ҳисобга олади. Суд жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаш вақтида ишдаги барча енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатларни жиноятлар жами эканлигидан қатъи назар, жазо тайинлагандан кейин эмас, балки ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлашда ҳисобга олади.

¹ Курс советского уголовного права в 5 томах. Т.2 ЛГУ. 1970, с. 352.

2000 йил 16 август куни Фарғона шаҳар судида **Н ва** бошқаларнинг жиноят ишлари кўрилган.

Н нинг қилмиши жиноятларнинг реал жами тариқасида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди ва 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан квалификация қилиниб ҳукм чиқарилган. Суд 169-моддасининг 3-қисми “а” банди билан беш йил муддатга, 276-моддасининг 2-қисми билан тўрт йил муддатга алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, жазоларни қисман кўшиш орқали олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлайди.

Суд **Нга** биринчи жинояти учун 169-моддасининг 3-қисми билан беш йил муддат белгилар экан, бу норманинг ўша вақтда амалда бўлган санкцияси даражасидаги беш йилдан саккиз йилгача бўлган доирада бу жазонинг энг кам қисмини, яъни беш йилини тайинлар экан, санкциядаги энг кам миқдорни тайинлайди. Бунда суд жиноятнинг биринчи марта содир қилинганлигини ҳисобга олган. ЖКнинг 276- моддасининг 2-қисми санкциясида эса озодликдан маҳрум қилишнинг муддати уч йилдан беш йилгача белгиланган. Суд Назимовга нисбатан кейинги содир қилган жинояти учун санкцияда кўрсатилган жазо муддатининг энг кўп қисмига яқинроқ бўлган (тўрт йил) муддатни белгилар экан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасининг 1-қисми “н” бандига асосланган. Жиноятларнинг реал жами тариқасида жазо тайинланган тақдирда биринчи жиноятда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, иккинчи жиноятда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми “н” моддасида илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топилиши тўғрисида айтилган бўлса, шу модданинг 2-қисмида суд содир бўлган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топилмаслиги мумкин деган нормасига кўра, агар кейин содир этилган жиноятда жиддий енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, бундай ҳолатни ҳисобга олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг мазму-нига кўра, бир неча жиноятлар юзасидан жазо тайинланганда ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра уларни қоплаш, қисман ёки тўла кўшиш йўли билан қатъий жазо тайинланади. Жазоларни қоплаш орқали ягона жазо тайинлаш қондаси Ўзбекистон Республикаси ЖКда ҳам назарда тутилган. Лекин содир этилган

жиноятларнинг барчаси ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган бўлиши керак. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг Жиноят кодексларида ҳам жазонинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаб қатъий жазо тайинлашга йўл қўйилади. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 69-моддаси 2-қисмида “Агар жиноятлар жами тариқасида содир этилган жиноятлар унча оғир бўлмаган бўлса, енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаб ёхуд қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинланади”, дейилади. Шу модданинг учинчи қисмида агар содир этилган жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси ўртача оғир, оғир ёки ўта оғир бўлган бўлса, фақат қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан фақат қатъий жазо тайинланиши белгиланган. Бундай қоида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи кўпчилик давлатларнинг Жиноят кодексларида ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Қонуни билан ЎзР ЖКга бир қатор қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Ана шундай қўшимча ва ўзгартиришлардан бири ЖКнинг 59-моддасини янги таҳрирда берилганлигидир. 59-модданинг биринчи қисмида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш тушунчаси берилиб, унда «Шахс Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди», дейилади.

Қонун мазмунига кўра жазоларнинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш усули содир этилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бўлсагина қўлланади (59-модданинг 2-қисми). Ушбу нормадаги муҳим янгилик шундан иборатки, қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан узил-кесил тайинланган жазо муддати ёки миқдори айбдорнинг қилмишлари квалификация қилинган моддалар (нормалар)нинг қайси бири санкциясида энг оғир жазо турининг энг кўп муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Агар жиноятлар жамини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, айбдорнинг қилмиши

квалификация қилинган норма санкцияси доирасида эмас, балки ЖК Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг VIII бобида бир қанча жиноятларнинг шакллари берилган бўлиб, булар такроран, давомли, жиноятлар жами ва рецидив жиноятлар содир қилиш тушунчаларидир. Булар бир қанча жиноятлар тизимига кирувчи турлар бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос жазо тайинлаш йўллари бўлиб, бир-бирига ўхшамайди. Аммо Жиноят кодексида фақат бир неча жиноятлар (59-модда) ва бир неча ҳукмлар (60-модда) юзасидан жазо тайинлаш қоидалари назарда тутилган, ҳолос. Шундай экан, такроран содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш тартиби қандай, унинг бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашдан фарқи нимада? Қуйида ушбу муаммони таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашни такроран жиноят содир этишдан фарқи ва ўхшашлиги. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси мазмунига кўра, ЖКнинг битта моддасида ёки битта моддасининг битта қисмида ёхуд қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиб, шахс уларнинг бирортаси учун ҳам ҳали судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Бир неча жиноят содир этилган деб ҳисоблаш учун ҳам, такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблаш учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасида ёхуд битта моддасининг турли қисмларида ёхуд битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиб, шахс улардан бирортаси учун ҳам ҳали судланган бўлмаслиги керак. Шундай экан, уларнинг фарқи нимада? Уларнинг фарқи қуйидагиларда ифодаланади:

1. Такроран жиноят содир этиш деб, фақат ЖК Махсус қисмининг битта моддасида ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ турли вақтларда содир этилган жиноятлар тушунилса, бир неча жиноятлар содир этиш деганда, ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиш назарда тутилади.

2. Такроран жиноят содир этиш деганда, содир этилган ҳар бир жиноят турли вақтларда содир этилиб, шахс уларнинг бирортаси учун ҳам ҳали судланган бўлмаслиги керак. Бир неча жиноят содир этишда эса, агар жиноятларнинг идеал жами тариқасида содир этилган бўлса, ҳар бир жиноятни турли вақтларда эмас, балки бир вақтда ва бир жиной ҳаракат билан ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилади.

3. Такроран жиноят содир этишда ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг битта қисмидаги икки ёки ундан ортиқ жиноятлар фақат турли вақтларда содир этилса, бир неча жиноятларнинг идеал жамида битта модданинг турли қисмларидаги жиноятлар бир вақтда содир этилмайди. Битта модданинг турли қисмларидаги жиноятлар фақат жиноятларнинг реал жамида содир этилиши мумкин, ҳолос.

4. Такроран жиноят содир этиш Жинойт кодекси Махсус қисмининг моддаларида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлиб, айнан олдинги жинойтга ўхшаш содир этилган жинойт ўша модданинг такроран содир этилганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормаси билан квалификация қилинади.

Бир неча жинойт содир этиш эса, ЖК Махсус қисми моддаларида қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди, балки Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми “н” бандига кўра жазони оғирлаш-тирувчи ҳолат ҳисобланади.

5. Такроран жинойт содир этилганда икки ёки ундан ортиқ мустақил таркибга эга бўлган жинойтлар содир этилган бўлсада, қилмишлар ЖК Махсус қисмининг такроран қилинганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормасининг санкциясида назарда тутилган санкция доирасида битта жазо тури тайинланади.

Қўқон шаҳар судида кўрилган **Онинг** жинойт ишини мисол тариқасида келтириш мумкин:

О 2000 йил 5 май куни Қўқон шаҳар товар бозорида С.нинг сумкасидаги мулкни ўғирлаганлиги ва бир неча кундан кейин худди шундай жинойтни бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб содир қилганлиги учун ҳукм қилинган. **Онинг** биринчи жиной қилмиши ЎзР ЖКнинг 169-моддасининг 2-қисми “а” банди, иккинчи жинойти эса 169-модданинг 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жинойтларни ташкил қилган. Суд **Онинг** жиной қилмишларини ЎзР ЖК 169-моддасининг 3-қисми “а” банди билан, жинойт такроран содир этилган деб тўғри квалификация қилиб, ҳукм

чиқарган ва шу модданинг 3-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган. Бунда суд **Онинг** жиноятларини квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг барча қоидаларига риоя қилган.

Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаганда эса, аввало ҳар бир жиноий қилмиш ўзининг алоҳида-алоҳида белгиларига қараб мустақил равишда квалификация қилинади. Содир қилинган жиноятларнинг ҳар бири учун ЖКнинг 54-моддасининг қоидалари асосида жазо тайинланиб, сўнгра ЖК 59-моддасининг қоидаларини қўллаб, жазоларнинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш, қисман ёки тўла қўшиш йўли билан ягона жазо тайинланади. Бунда қўшиш мумкин бўлган жазолар қўшилади, қўшиш мумкин бўлмаган жазолар алоҳида-алоҳида тайинланади.

Бунга 2000 йил 14 январ куни Тошкент шаҳар Чилонзор туман судида кўрилган **Рнинг** жиноят ишини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Р 2000 йил 4 март куни қўшниси **Р нинг** уйига ўғрилиқ қилиш мақсадида кириб “Самсунг” маркали 200.000 сўм турадиган телевизорни ўғирлаб кетади. Телевизорни сотиб, пулини ишлатиб юборади. 2000 йилнинг 15 июнь куни қўшниси Алексеев А.нинг уйига телевизор кўриш баҳонасида киради. Алексеевнинг ўғли Демидов А.нинг қўлида 5000 сўм турадиган соатни кўриб қолади ва боланинг онаси бошқа хонада уй ишлари билан бандлигидан фойдаланиб, боланинг қўлидан соатни ечиб кўрсатишни сўрайди. Соатни ўз қўлига тақиб олиб, кейинроқ бераман деб чиқиб кетади ва соатни сотиб, пулини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Суд унинг қилмишларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди ва 166-модданинг 3-қисми “б” банди билан квалификация қилиб, ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра озодликдан маҳрум қилиш тариқасида ягона жазони **тайинлаган** Суд квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг барча қоидаларига риоя қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси мазмунига кўра, Қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этган тақдирда жиноятни такроран содир этилган деб ҳисоблаш кераклиги назарда тутилган. Бундай қоидалар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104, 105, 118, 119, 164 ва ҳоказо моддаларида назарда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “к” бандида”... илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу Кодекснинг 97- моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш” дейилган. Демак, илгари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддасида ёки 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиб, бу жиноят учун шахс ҳали судланмасдан 105-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган бўлса, айбдорнинг бу қилмиши такроран қилинган деб ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан квалификация қилиниб, жазо тайинланади. Қонунда белгиланишига кўра, жиноят такроран содир этилган деб топилган тақдирда фақат битта норма билан яъни, “такроран қилинган” деган бандининг ўзи билан жавобгар қилинади. Қонунда белгиланган алоҳида ҳолларда-чи? Ваҳоланки, олдин содир қилинган жиноят ўта оғир ҳисобланади. Шунга кўра, бундай ҳолда кейин содир этилган жиноятга нисбатан такроран қилинса деган қоида татбиқ этилади. Яъни, 97 ёки 104 ва 105-моддаларга нисбатан жиноятларнинг жами қоидалари татбиқ қилинади. Яъни, 97-модданинг тегишли қисми ёки 104-модданинг тегишли қисми ҳамда 105-модда билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниб жазо тайинланади.

Агарда баданга ўртача оғир шикаст етказиш юқорида айтилган жиноятлар учун судланганидан кейин содир этилган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолда рецидив жиноят ёки хавфли рецидив жиноят ёхуд ўта хавфли рецидив жиноят содир этилган деб топилади. Агар бунга асослар мавжуд бўлса, шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шу муносабат билан шундай савол туғилади: қилмишлар қайси ҳолларда жиноятлар жами деб ва қайси ҳолларда рецидив жиноят содир этилган деб топилади? Бу масалада юридик адабиётларда ягона фикр йўқ. Қонунда эса (34-модданинг 1- қисми) шахснинг илгари қасддан содир этилган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят содир этиш деб топилади, дейилган.

Жиноятни такроран содир этилган деб ёхуд жиноятлар жами деб ёки рецидив жиноят деб ҳисоблаш учун уларнинг аниқ чегарасини билиб олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу чегарани тўғри

аниқламаслик қилмишни нотўғри квалификация қилинишига ва натижада қонун бузилган ҳолда адолатсиз жазо тайинланишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 77-моддаси 2-қисмида “жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб, шахс судланган деб ҳисобланади”, — дейилади. Агар ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин шахс судланган деб ҳисобланадиган бўлса, шахсга нисбатан ҳукм чиққанидан кейин ҳукм қонуний кучга киргунча содир этилган жиноятни бир қанча жиноятларнинг қайси шаклига киритиш керак, деган ҳақли савол туғилади.

Айрим муаллифлар шахс айблов ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб судланган деб ҳисобланади деб ёзади.¹ Агарда умуман шахсни судланганлик муддатини ҳисоблаш керак бўлса, бу фикр тўғри. Аммо қилмишни рецидив жиноят деб қачондан ҳисоблаш керак. Бошқа гуруҳ муаллифлар айблов ҳукми эълон қилиниши билан судланганлик ҳолати бошланади деб ҳисоблайдилар.²

Ушбу масалага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасини таҳлил қилиш орқали жавоб топиш мумкин. Бу моддада “Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади”, - дейилади. Демак, ҳукм қонуний кучга кирганидан бошлаб қонунда белгиланган судланганлик муддатини ҳисоблаш бошлансада, ҳукм чиқарилганидан кейин содир этилган жиноят рецидив жиноят ҳисобланади.

Ана шу юқорида айтилганларга кўра қилмишларни жиноятлар жами ёки рецидив жиноят деб ҳисоблашнинг чегараси ҳукм эълон қилиш вақти ҳисобланади. Шахснинг жиноятлари учун ҳукм эълон қилингунча содир қилган жиноятлари жиноятлар жами, ҳукм эълон қилингандан кейин содир қилган жиноят рецидив жиноят деб топилади.

Қонунда бир хил жазо турлари назарда тутилган жиноятлар учун жазо тайинлаш. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасида асосий жазо тариқасида тайинланиши мумкин бўлган

¹ Ераксин В.В. Погашение и снятие судимости в Советском уголовном праве. М. 1963. с. 5.

² Гришанин П.Ф. Ответственность преступников рецидивистов по сов. уг. праву. М. 1974, с.27.

саккизта жазо турлари назарда тутилган бўлиб, ЖКнинг Махсус қисми моддаларининг санкцияларида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазо тури, миқдори ёки муддатлари белгиланган. ЖКнинг Махсус қисми моддаларида назарда тутилган санкциялар содир этилган жинояти учун айбдорга нисбатан тайинланган жиноий жазо бўлса, иккинчи томондан жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи мезон ҳам ҳисобланади.

ЖКнинг Махсус қисми моддаларининг асосий кўпчилик қисмида жазолар альтернатив жазолар тариқасида назарда тутилган. Суд жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан жиноятнинг характери, ижтимоий хавфлилик даражаси ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда санкцияда назарда тутилган асосий жазолардан бирини тайинлайди.

Суд амалиётида бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмоқда. Аммо озодликдан маҳрум қилиш жазоси оғир ва ўта оғир жиноят содир этилгандагина қўлланиши зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорларида такрор-такрор таъкидланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги “Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорида “Айбдорга тайинланган жазо чораси адолатли ва унинг ахлоқан тузалиши, янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлиши керак”, деб тушунтириш берилган.¹

Озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси, фақат оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ёки ЖКнинг 56-моддасида санаб ўтилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, шунингдек, жазо тизимидаги бошқа енгилроқ чораларни қўллаш имконияти бўлмаган ҳоллардагина тайинланиши мақсадга мувофиқдир, дейилади.

Жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддаларнинг санкциясида альтернатив жазо тариқасида назарда тутилган жиноятлардан суд ишдаги ҳолатларга қараб бирини танлаб тайинлайди. Агарда ҳар бир жиноят учун тайинланган жазолар бир хил бўлса, Жиноят кодексининг 59-моддасида белгиланган тартибда бу жазоларни қисман қўшиш ёки тўла қўшиш орқали ягона жазо тайинланади. Суд

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги қарорлари. Т.; 2000, 14-бет.

амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича, судлар кўпроқ қисман қўшиш усулидан фойдаланмоқдалар.

Бир хил турдаги жазоларни қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинланганда агар содир этилган жиноятлардан ҳеч бўлмаганда биттаси оғир ёки ўта оғир бўлса, тайинланган қатъий жазо миқдори ўша жазо тури учун ЖКнинг Умумий қисми моддаларида белгиланган муддат доирасида тайинланади. Масалан, озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати йигирма йилдан кўп бўлмаслиги (ЖКнинг 50-моддаси); қамоқ олти ойдан ошмаслиги, (48-модда); интизомий қисмга жўнатиш (49-модда) бир йилдан ошмаслиги, озодликдан маҳрум қилишнинг ўрнига тайинланган тақдирда уч йилдан ошмаслиги; ахлоқ тузатиш ишлари (46-модда) ва хизмат бўйича чеклаш (47-модда)нинг муддати уч йилдан ошмаслиги; муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (ЖКнинг 45-моддаси) беш йилдан ошмаслиги; жарима эса энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваридан ошмаслиги керак.

Олдинги бобда таъкидлаганимиздек, бир неча жиноятлар жиноятларнинг идеал жами тариқасида содир этилган ва бу жиноятлар биринчи марта содир этилган бўлса, шахснинг аҳволини жиддий енгиллаштирувчи нормаларни, агарда бунга асослар мавжуд бўлса, қўлланиши мумкин. Буларга масалан жавобгарликдан (65-68-моддалар) ва жазодан озод қилиш (70-76-моддалар)ни айтиш мумкин.

Шу муносабат билан шундай савол туғилади. Агар қилмишлар учун жиноятларнинг идеал жами тариқасида жазо тайинланганда, жазони енгилроғи билан алмаштириш, шартли ҳукм қилишни қўллаш ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида тайинланадими ёки қатъий жазо тайинланганидан кейин қўлланадими, деган савол туғилади.

Ушбу масала бўйича собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1979 йил 29 июндаги “Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисида”ги қарорининг 8-бандида “Бир неча жиноятларни содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлашда ҳар бир жиноят учун жазо тайинлаш вақтида жазоларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида тайинланган жазолардан бирига нисбатан қўлланиши, сўнгра қатъий жазо тайинланиши мумкин”, деб тушунтириш берилган эди. Демак, бир неча жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштириш жиноятлар жами тариқасида жазо тайинланганда эмас, балки ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаш вақтида қўлланилади.

Ушбу масала шартли ҳукм қилишда қандай ҳал қилинади? Бу собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1981 йил 31 июлдаги “Бир неча жиноятлар ва бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида бир неча жиноятлар учун жазо тайинланганда шартли ҳукм қилиш фақат қатъий жазо тайинланганидан кейингина қўлланиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берилган.¹ Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 2.3 бандида берилган тушунтиришга кўра, “Бир неча жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор фақат уларга нисбатан қатъий жазо белгиланганидан сўнг жазонинг тури ва миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳукмда кўрсатилиши лозимлигини судлар инобатга олишлари керак”, дейилади.² Демак, шартли ҳукм қилиш бир неча жиноятлар юзасидан қатъий жазо тайинланганидан кейин қўлланилади.

Жиноятлар жами юзасидан ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу жазолардан бошқалари тайинланган тақдирда қонунда белгиланган муддат ёки миқдор доирасида тайинланади. Ахлоқ тузатиш ишлари ва хизмат бўйича чеклаш жазолари ҳам муддат, ҳам миқдор доирасида тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг 10% идан 30% гача миқдорда давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиб, олти ойдан уч йилгача муддатга, хизмат бўйича чеклаш иш ҳақининг 10% идан 30%игача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиб, икки ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида (Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш) “Бир неча ҳукм юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари кўшилади” дейилади. Бу норманинг мазмунига кўра, шахс биринчи ҳукм бўйича ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилиниб, иш ҳақидан 15%ини ушлаб қолиш белгиланган бўлса, иккинчи ҳукм бўйича иш ҳақининг

¹ Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР. 1924-1986. М. 1987, 563-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997, Т., «Шарқ», 1997, 51-бет.

20%ини ушлаб қолиш тайинланган тақдирда кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига олдинги ҳукм бўйича жазонинг қолган қисмининг кейинги жазога қисман ёки тўла қўшиб тайинланади. Бунда биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазо учун белгиланган 15% ўша жазонинг қанча қисми кейинги ҳукмга қўшилган бўлса шунча муддат мобайнида маҳкумнинг иш ҳақининг 15%и, кейинги ҳукм бўйича эса 20% ушлаб қилинади. Қисқа қилиб айтганда, ахлоқ тузатиш ишларининг муддатлари қисман қўшилади, фоизлари эса алоҳида-алоҳида ижро этилади. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳам худди шундай қоидалар татбиқ этилади.

Судлар ЖКнинг 59-моддаси тартибида ахлоқ тузатиш ишлари юзасидан жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаганда эса бу жазонинг муддатларига ҳам, фоизларга ҳам қисман қўшиш қоидаларини қўлламоқдалар. Чунки 59-моддада муддатларни қўшиш ва фоизларини алоҳида-алоҳида ижро этиш назарда тутилмаган. Шундан бўлса керак, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида, (20-банди) **Жиноят кодексининг биринчи моддаси бўйича ахлоқ тузатиш ишлари тайинланаётганда жазо муддати ва иш ҳақидан чегирма мукдори ҳар бир модда бўйича алоҳида, сўнгра эса уларнинг мажмуи бўйича белгиланади. Бунда жазонинг узил-кесил муддати чегирма мукдори ЖК-46-моддасида белгиланган чегарадан ошиши мумкин эмас”- дейилади.**¹ Айтилганларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси “Бир неча жиноятлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки таъминотидан ушлаб қолишнинг муддатлари ушбу Кодекснинг 1-қисми қоидаларига амал қилган ҳолда фоизлари эса алоҳида-алоҳида ушлаб қолинади”, деган қисм билан тўлдиришни таклиф қиламиз.

Амалдаги қонунда бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш энгилроқ бўлиб қолмоқда.

Қонунда ҳар хил жазо турлари назарда тутилган жиноятлар учун жазо тайинлаш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991—1997. Т.: 1997, 1-жилд, 48-бет.

даражасига қараб таснифлаш назарда тутилган бўлиб, барча жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинган.

Айбдор томонидан содир этилган жиноятларнинг барчаси фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки фақат унча оғир ёхуд ўта оғир бўлмаслиги мумкин. Айбдор томонидан содир этилган жиноятларнинг бири ижтимоий хавфи катта бўлмаган, иккинчиси оғир ёки ўта оғир бўлиши мумкин. Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари санкциясидаги жазо тури ва муддати жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб белгиланган.

Айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган жиноят-ларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳар хил бўлиши ва шунга муво-фиқ равишда жазолар ҳам ҳар хил белгиланган. Масалан, агарда айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми ва 105-моддаси билан квалификация қилинган бўлса, 109-модданинг 2-қисми санкциясида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва энг оғир жазо сифатида қамоқ жазолари, 105-модданинг 2-қисмида эса фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Жиноят кодексига айрим қўшимча ва ўзгарти-ришлар киритиш тўғрисидаги Қонуни билан ЖКнинг бир қатор моддаларига (масалан, 180, 181, 184, 185 ва ҳоказо моддалар) “Етказилган моддий зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди”, деган қисм билан тўлдирилди.¹

Шунингдек, “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят - процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги Қонуни билан Жиноят кодексининг анчагина моддаларига (масалан, 167, 168, 170 ва ҳоказо моддалар) етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш ва қамоқ жазосининг қўлланилмаслиги тўғрисидаги қисм билан тўлдирилди.² Шу муносабат билан айбдорнинг бир неча жиноятлари учун жазо тайинлашда айрим муаммолар пайдо бўлди. Қуйида ушбу масалаларга қисқача тўхталиб ўтамыз.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда.

² Халқ сўзи. 2001 йил 18 октябрь.

Жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг қилмишлари ЖК Маҳсуе қисмининг турли моддалари ёки битта моддасининг турли қисмлари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган ва жиноятлар учун ҳар хил турдаги асосий жазолар назарда тутилган бўлса, бундай жиноятлар учун жазоларни қўшишнинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизимидаги жазоларни бир неча жиноятлар учун тайинлаш усулига қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин, булар:

- 1) бир-бири билан қўшиш мумкин бўлган жазолар;
- 2) қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазолар.

Қўшиш мумкин бўлган жазоларга ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамок, интизомий қисмга жўнатиш киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу жазолар бир-бири билан қўшилмай, ЖКнинг 61-моддасида белгиланган қоидаларга кўра фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига қўшилади. Агар тайинланган жазолар бир хил бўлса, олдинги параграфда айтганимиздек, қоплаш, қисман ёки тўла қўшиш орқали ягона жазо тайинланаверади. Бу ерда гап фақат тайинланган жазолар ҳар хил бўлса, ягона жазо тайинлаш устида кетмоқда.

Озодликдан маҳрум қилишга қўшилмай алоҳида ижро этиладиган асосий жазоларга жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар киради ва улар бошқа турдаги жазоларга қўшилмай, алоҳида-алоҳида тайинланади. Масалан, жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган жиноятларнинг бири учун ахлоқ тузатиш ишлари, иккинчиси учун жарима тайинланган бўлса, уларнинг ҳар иккаласи асосий жазо сифатида алоҳида-алоҳида тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддаси мазмунига кўра, ҳар хил турдаги жазолар қўшилганда, фақат озодликдан маҳрум қилишга, қамок, интизомий қисмга жўнатиш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосини қўшиш мумкин. Қамок ва интизомий қисмга жўнатиш ёки қамокни ахлоқ тузатиш ишлари билан қўшиш мумкинми? ЖКнинг 61-моддаси мазмунига кўра мумкин эмас, улар фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига қўшилади. Қонунда озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларнинг бир-бири билан қўшиб ягона жазо тайинлаш тартиби назарда тутилмаган.

ЖКнинг Махсус қисми бир қанча моддаларида етказилган моддий зарар уч қарра миқдорда қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди деган ҳамда моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди, деган қисм билан тўлдирилганлиги муносабати билан озодликдан маҳрум қилишни тайинлашнинг қонунда чекланганлиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, айтайлик, қилмиши 167-модданинг 2-қисми (ўзлаштириш ва растрата қилиш) ва 228-модда (хужжатларни қалбакилаштириш)нинг 1-қисми билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган бўлиб, жиноятларнинг бири учун озодликдан маҳрум қилишдан бошқа, яъни ахлоқ тузатиш ишлари, иккинчиси учун қамоқ ёки бошқа бир жазо тури тайинланган бўлса, ягона жазо тайинлаш тартиби қандай бўлади? Бизнингча, ЖК Махсус қисми моддалари санкциясида назарда тутилган алоҳида ижро этиш мумкин бўлган жазо турларини назарда тутувчи санкцияларни янада кенгайтириш керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасида жазоларни қўшишнинг қуйидаги тартиби белгиланган.

Ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

а) қамоқ ёки интизомий қисмга жўнатишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига ҳисоблаб бу жазолар озодликдан маҳрум қилиш туридаги қатъий жазо тайинланади.

Агар айбдорнинг қилмишлари жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган бўлиб, жиноятлардан бири учун етказилган моддий зарарни қоплаганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш қўлланмай, жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бошқа бир жазо тайинланган бўлса, жавобгарликка тортилаётган модданинг бошқасида бундай қоидани қўллаш мумкин бўлмай озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлса, қатъий жазо тайинлаш масаласи қандай ҳал қилинади деган савол туғилади. Бундай ҳолда ҳам ЖКнинг 59 ва 61- моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида жазо тайинланади. Яъни қўшиш мумкин бўлган жазоларни аввал 61-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилишга айлантирилади, сўнгра тўла ёки қисман қўшиш орқали озодликдан маҳрум қилишни тайинлайди. Қўшиш мумкин бўлмаган жазолар эса алоҳида-алоҳида тайинланади.

Иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланган тақдирда жазо тайинлаш. Суд амалиётида шундай ҳодисалар бўладики, шахс бир неча жиноятларни содир қилади, дастлабки тергов органларига, шу жумладан судга содир этилган жиноятларнинг фақат биттаси ёки иккитаси маълум бўлиб, бошқалари маълум бўлмайди. Суд эса маълум бўлган ва тўла исботланган жиноят учун ҳукм чиқаради, маълум бўлмаган жиноят латент жиноят сифатида қолади. Айбдор содир қилган жиноятларнинг бир қисми учун ҳукм чиққанидан кейин шу ҳукмгача яна бошқа жиноятлар содир этганлиги аниқланса, жазо бир неча жиноятлар юзасидан тайинланадими ёки бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланадими, деган савол туғилади.

Ушбу масала қонунда аниқ белгилаб қўйилиб, уни ҳар хил талқин қилинишига чек қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисмида бу қуйидагича ифодаланган: “Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда (ЖКнинг 59-моддаси 1-қисми тартибида) тайинланади”, дейилади.

Демак, бу ерда шахс бир неча жиноятларни содир қилган бўлиб, улардан фақат судга маълум бўлган ва тўла исботланган жиноят учун ҳукм эълон қилинган вақтгача содир қилган жиноятлари назарда тутилмоқда. Бунда биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазо (асосий ва қўшимча)ни ўтаб бўлгунча шу ҳукмгача содир этилиб, лекин ҳукмдан кейин аниқланган жиноятлар тўғрисида айтилмоқда.

Қўқон шаҳар судида кўрилган А.нинг жиноят ишини мисол тариқасида келтириш мумкин. А. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасининг 2-қисми “а” бандида назарда тутилган (анча миқдордаги мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш) жиноятни содир қилганликда айбланиб уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинади. Жазонинг бир йил у икки ойини ўтаб бўлганидан кейин шу ҳукмгача яна ЖКнинг 169-моддасининг 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги аниқланади.

Суд А.нинг содир қилган жиноятини 169-модданинг 2-қисми “б” банди билан тўрт йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, олдинги ҳукм бўйича тайинланган ахлоқ тузатиш ишини 61-

модданинг қоидаларига асосланиб ҳар уч кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисоблаб бир йил озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиради ва 59-модданинг қоидаларини қўллаган ҳолда тўла қўшиш орқали беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлайди. А.нинг бир йил-у икки ой ахлоқ тузатиш ишини ўталган қисмини тўрт ой олти кун ҳисоблаб озодликдан маҳрум қилишнинг тўрт ой олти кун қисмини ўтаган ҳисоблансин, деб ҳукмда кўрсатилган.

Бизнинг фикримизча, суд А.га нисбатан жазо тайинлашнинг 59 ва 61-моддаларида белгиланган барча қоидаларига риоя қилган. Лекин суд ушбу масалани амалда тўғри ҳал қилган бўлсада, қонунда ноаниқлик мавжуд. Бу камчилик қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисмининг охири жумласида “Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи тариқасида суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади”, дейилади.

Албатта ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан, ҳам жазонинг ўталган қисмининг ўзини янги ҳукм бўйича тайинлашда жазога қўшиш ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Бу ерда ушбу модданинг таҳририни ишлаб чиқишда ёки нашр қилишда йўл кўйилган хато бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, “жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми ҳам қўшилади”, деган мазмунда берилиши керак.

Таҳлил этилаётган қоида бўйича жазо тайинлаш биринчи ҳукм юзасидан тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни ўтаб бўлгунча қўлланилади. Агарда шахс биринчи ҳукм бўйича тайинланган асосий жазони ўтаб бўлса ва фақат қўшимча жазоси ўталмай қолган бўлса, бундай ҳолда ҳам 59-модданинг 3-қисми қоидалари асосида жазо тайинланади ва кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазога биринчи ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг қолган қўшимча жазо қисмини қўшиб тайинлайди.

Агар биринчи ҳукм юзасидан тайинланган жазо тўла ўтаб бўлинганидан кейин жиноят аниқланган бўлса, ундай ҳолда 59-модданинг учинчи қисми тартибида жазо тайинлашга ҳожат қолмайди. Бунда агар ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан аниқланган бўлса, ўша жиноятнинг ўзи учун жавобгар қилинади. Агар бу жиноят биринчи ҳукмдан олдин содир этилган бўлса, умумий асосларда жазо тайинланаверади. Агарда биринчи ҳукм бўйича содир этилган жиноятдан кейин содир этилган

бўлса, суд 56-модданинг 1-қисми “н” бандига асосан оғирлаштирувчи ҳолат деб жазо тайинлаши мумкин.

Бир неча жиноятлар юзасидан қўшимча жазо тайинлаш. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасида жиноий жазо тизими назарда тутилган бўлиб, бу жазолар, асосий жазоларга, асосий ёки қўшимча жазо сифатида тайинланадиган жазоларга ва фақат қўшимча жазо сифатида тайинланадиган жазоларга бўлинади.

Жазо тизимидаги жазолардан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий жазо сифатида (беш йилгача муддатга), қўшимча жазо сифатида (уч йилгача муддатга) тайинланадиган жазо тури ҳисобланади. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси фақат қўшимча жазо тариқасида тайинланадиган жазо тури ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қабул қилинган вақтда мол-мулкни мусодара қилиш тариқа-сидаги қўшимча жазо ҳам назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2001 йил 29 августда қабул қилинган Қонунига биноан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси ЖКнинг 43-моддасидан ва ЖК Махсус қисмининг барча моддалари санкциясидан чиқариб ташланди.¹

Жиноят учун асосий жазодан ташқари яна қўшимча жазо ҳам тайинлашдан мақсад нима? Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмида жазонинг мақсади белгиланган бўлиб, бизнинг фикримизча, асосий жазога ҳам, қўшимча жазога ҳам бирдек тегишлидир.

Юридик адабиётларда қўшимча жазолар ва уларни тайинлаш шартлари ҳақида бир қатор олимлар тадқиқот ишлари олиб борган бўлсаларда, у тадқиқотлар 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган ЖКда назарда тутилган қўшимча жазолар юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилган эди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси бўйича қўшимча жазолар ва уларни тайинлаш шартлари тўғрисида монография даражасида деярли тадқиқот олиб борилмади. Бизнинг ушбу ишимиз қўшимча жазоларни тадқиқ қилиш эмас, бу мавзу алоҳида тадқиқотнинг

¹ “Халқ сўзи”, 2001 йил 18 октябрь.

объекти ҳисобланади. Аммо биз таҳлил қилаётган мавзу бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш бўлгани боис, шубҳасиз бир неча жиноятлар юзасидан қўшимча жазо тайинлаш ҳам бўлади. Шунини ҳисобга олиб бир неча жиноятлар юзасидан жазо тайинлаш вақтида қўшимча жазо тайинлаш масаласини ҳам қисқача баён қилишни лозим топдик.

Юридик адабиётларда асосий ва қўшимча жазолар ҳар хил бўлсада, уларни битта жиноят учун бир вақтда тайинланиши улар мақсадининг ягоналигини билдиради деб таъкидланади. И.М.Гальперин, Ю.Б. Мельниковалар асосий жазога қўшимча жазони ҳам қўшиб тайинланиши жазони индивидуал-лаштиришнинг кенг имкониятларини бериш билан бирга, жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан кенг даражадаги таъсир қилиш чораларини танлаш ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий жавобгарлик даражасини, айбдорнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаш имкониятини беради”, деб ёзадилар¹. Биз ҳам уларнинг фикрларига қўшилаемиз ва маълум даражада жазони кучайтиради деб ҳисоблаймиз. Бу масалада А.Л. Цветинович “қўшимча жазонинг бош функцияси — жазони индивидуаллаштиришни таъминлашни қўшимча ҳуқуқий чеклашни қўллаш орқали кучайтиришдан иборатдир”, деб ёзади.²

Шундай қилиб, қўшимча жазо — қонунда назарда тутилган жиноий жавобгарликни индивидуаллаштириш имконини берувчи ёрдамчи чора бўлиб, суд томонидан асосий жазога қўшимча сифатида тайинланадиган, маҳкумни ахлоқ тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш, маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тайинланадиган, шахснинг алоҳида хусусиятларига таъсир этувчи давлатнинг мажбурлов чорасидир.

Қўшимча жазо тайинлашнинг алоҳида шартлари борки ана шу шартлар мавжуд бўлсагина қўшимча жазо тайинланиши мумкин. Булар қуйидагилар:

¹ Қаранг: Гальперин И.М., Мельников Ю.Б. Дополнительные наказания. М. “Юрид-лет”, 1981 Дюнов В.К. Система дополнительных наказаний. Из-во АН. Киргиз. ССР. 1982. С. 1670. Дюнов В.К., Цветинович А. Дополнительные наказания: теория и практика. Фрунзе, “ИЛИМ” 1986. Каграмонов А.Г. О цели дополнительных наказаний по советскому уголовному праву. “Общественные науки в Узбекистане. 1982, № 7, с. 41—43. ва бошқалар”.

² Цветинович А.Л. Дополнительные наказания. Изд-во Саратовского Университета. 1989. с. 17.

1. Қўшимча жазо асосий жазодан оғир бўлмаслиги керак. Масалан, икки йил ахлоқ тузатиш иши жазосига қўшимча жазо сифатида тайинланган икки йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси енгилроқ ҳисобланади. Бундан ташқари, ЖКнинг 43-моддасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш “б” бандида ахлоқ тузатиш иши эса оғирроқ жазо сифатда “в” бандида жойланган.

2. Асосий жазо билан қўшимча жазо бир хил бўлмаслиги керак. Масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланган бўлса, бу жазо айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида қўшимча жазо сифатида тайинлаш мажбурий тарзда кўрсатилган тақдирда ҳам қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин эмас. Айтиш керакки, жазонинг қайси тури оғир ёки енгиллиги қонунда белгиланган муддатлар билан эмас, балки маҳкумга нисбатан унинг ҳуқуқини чекланиш даражасига боғлиқ. Масалан, жарима жазоси ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган энг енгил жазо тури бўлсада, бу жазо муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишга нисбатан шахсга кўпроқ мусибат келтира олади.

Жиноят кодексига назарда тутилган жазоларнинг фақат муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоларига қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин.

Агар шахснинг қилмиши ЖК Махсус қисмининг битта моддаси билан квалификация қилинган бўлса, шахсга нисбатан битта асосий жазо ва агар тайинлаш зарур бўлса, битта қўшимча жазо тайинланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланганда шу жазодан бошқа ҳар қандай жазога қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш фақат оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилинган бўлсагина ва жинояти бўйича ушбу унвондан маҳрум қилишни суд лозим топсагина қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Айбдорнинг қилмиши ЖК Махсус қисмининг бир неча моддаси билан жавобгар қилинган бўлса, унинг бир ёки бир неча жиноятлари учун асосий ва қўшимча жазолар тайинланиши мумкин. Шахс бир неча жиноятлар учун жавобгар қилинаётган бўлса, қўшимча жазони ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида тайинлаш вақтида тайинлаш керакми ёки қатъий жазо тайинланганидан кейин тайинлаш керакми деган савол туғилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш

амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 9.6-бандида «Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида кўзда тутилган бир нечта жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсга қўшимча жазо асосийси сингари, даставвал ҳар бир ҳаракат учун алоҳида-алоҳида, сўнгра жиноятлар жами учун тайинланиши керак», деб тушунтириш берилган.¹ Демак, айбдорнинг қилмиши бир неча модда билан квалификация қилинган бўлса, унинг жиноятларининг қайси бирига қўшимча жазо тайинлаш масаласи, қонунга мувофиқ равишда иш ҳолатларига қараб ҳал қилинади.

Бир неча жиноятлар учун асосий жазо тайинлашда 61-модданинг қоидаларига амал қилинган ҳолда қўшиш мумкин бўлган жазолар қисман ёки тўла қўшиш орқали қатъий жазо тайинланади, қўшиш мумкин бўлмаган жазолар алоҳида-алоҳида тайинланади. Бу қоида қўшимча жазолар тайинлашга ҳам татбиқ қилинади. Битта жиноят учун биттадан асосий ва қўшимча жазо тайинланиши мумкин. Масалан, шахс қилмишларининг бири учун жарима, иккинчиси учун ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган бўлса, қатъий жазо сифатида ҳам ҳар иккаласи қўшилмасдан алоҳида-алоҳида тайинланади. Шахс қилмишларининг бири учун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, иккинчи жинояти учун аниқ бир вазифа билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тайинланган бўлса, бу қўшимча жазоларга нисбатан тўла ёки қисман қўшиш қоидалари қўлла-нилмайди ва улар алоҳида-алоҳида тайинланади. Бунда ҳар иккала қўшимча жазонинг муддати уч йилдан кўп бўлиши мумкин эмас. Чунки қонунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазо тариқасида фақат уч йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Агарда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазолари айнан бир хил бўлса, бу масала қандай ҳал қилинади деган савол туғилади. Бу масалада юқорида номи зикр этилган Пленум қарорининг 9.6-бандининг 2-қисмида “Агар жиноятлар жамига кирувчи икки ва ундан кўп жиноятлар учун айнан бир турдаги қўшимча жазо тайинланган бўлса, унинг қатъий миқдори кўпроқ қўшимча жазо муддатини кўзда тутувчи модда санкцияси доирасида уларни тўла ёки қисман қўшиш орқали, жиноят қонуни моддасида муддат белгиланмаган ёки қўшимча жазо Жиноят кодекси Умумий қисмининг қоидалари асосида қўлланилган ҳолларда эса ушбу жазо тури ёки белгиланган энг кўп муддат доирасида белгиланади”,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997,- Тошкент, “Шарк”, 1997, 54-бет.

дейилади. Демак, тайинланган қўшимча жазолар айнан бир хил бўлса, алоҳида-алоҳида ижро этилмай, тўла ёки қисман қўшиш орқали қатъий қўшимча жазо тайинланади. Масалан, айтайлик, айбдорнинг битта жинояти учун икки йил, иккинчи жинояти учун ҳам икки йил транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазолари тайинланган бўлса, қисман қўшиш орқали уч йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг қатъий муддати тайинланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига жорий қилиниб, суд ҳукми билан тайинланган муддатни ҳисоблаш эса асосий жазони ўтаб бўлганидан кейин бошланади. Бошқа турдаги жазоларга қўшимча жазо тарикасида тайинланган бўлса ёки шартли ҳукм қилинган бўлса, қўшимча жазо ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ижро этилади.

Ушбу бобда бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш натижасида айрим фикр ва мулоҳазаларимиз пайдо бўладики, хулоса қилиб уларни қисқа баён қиламиз.

1. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида бир неча жиноятларнинг тушунчаси ва назарий асослари, 59-моддасида эса бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари назарда тутилган. Ана шу иккита модданинг мазмунини таҳлил қилиш ва солиштириш орқали, бир-бирига тўла мос келмайдиган жиҳатларини кўриш мумкин. Жумладан, ЖКнинг 33-моддасида “Ушбу кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки ундан ортиқ бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади”, дейилади. Демак, фақат турли моддаларда назарда тутилган, балки битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир қилиш ҳам жиноятлар жамини ташкил этади. Лекин Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасида эса фақат Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятлар содир этилган бўлсагина бир неча жиноят учун жазо тайинлаш қоидаларини қўллаб жазо тайинлаш лозимлиги ҳақида ёзилган. Натижада судлар битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жазо тайинлашда айрим ҳолларда хатога

йўл қўймоқдалар. Ана шундай хатоларга йўл қўйилишининг олдини олиш ва 33-ва 59-моддаларнинг мазмунан бир-бирига мос келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг 1-қисмини “Махсус қисмнинг турли моддаларига” деган сўзлардан кейин “битта моддасининг турли қисмларида” деган сўзлар билан тўлдириш таклиф қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси 3-қисмида “Бир неча жиноятлар ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазолар-нинг фақат муддатлари қўшилади”, дейилган. Буни қўйидагича тушуниш мумкин: айбдорнинг битта жинояти учун икки йил ахлоқ тузатиш иши ва иш ҳақининг 15%ини, иккинчи жинояти учун икки йил ахлоқ тузатиш ишлари ва иш ҳақининг 20%ини ушлаб қолиб, жиноятлар жами тариқасида қисман қўшиш орқали уч йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинланса, жазонинг бир йили мобайнида 15%и, қолган икки йили мобайнида 20%и ушлаб қолинади деганидир. ЖКнинг 59-моддасида эса бундай қоида назарда тутилмаганлиги сабабли судлар ахлоқ тузатиш ишлари-нинг муддати ва фоизини ҳам қўшмоқдалар. Демак, бир неча жиноятлари учун ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг аҳволи бир неча ҳукм юзасидан ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинганларнинг аҳволидан оғир бўлиб қолмоқда. Аслида бунинг акси бўлиши керак. Чунки бир неча жиноятлар юзасидан жазо тайинлашга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш оғирроқ бўлиши керак. Шуларни назарда тутиб, 60-моддада назарда тутилган юқорида айтилган қоидани ЖКнинг 59-моддасида ҳам назарда тутиш таклиф қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисмининг охириги жумласида “жиноятлар мажмуи тариқасида суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади”, дейилади. Амалда ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки 59-модда бўйича жазо тайинланганда фақат ўталган қисми қўшилмай ҳар икки ҳукм юзасидан тайинланган жазолар биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг қанчаси ўтаб бўлинганидан қатъи назар тўла ёки қисман қўшиш орқали қатъий жазо тайинланади. Ушбу нормани бошқа таҳрирда қабул қилиб ўтирмай “...биринчи ҳукм бўйича жазонинг ўталган қисми ҳам қўшилади”, деб қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Жиноятларни такроран содир қилинган ва жиноятлар жами деб ҳисоблаш билан рецидив жиноятлар ўртасидаги аниқ чегара қаерда ётади? Қайси ҳолда қилмишларни жиноятлар жами деб, қайси ҳолда рецидив жиноят деб квалификация қилиниши керак? Ушбу масаланинг назарий ва амалий томонларини ўрганиб, Жиноят кодексининг 32, 33, 34, 59 ва 60-моддаларининг мазмунини таҳлил қилиб, улар ўртасидаги чегара ҳукми эълон қилиш вақти деган хулосага келдик. Яъни ҳукм эълон қилингунча содир этилган барча жиноятлар ёки такроран содир этилган деб ёхуд жиноятлар жами деб, ҳукм эълон қилингандан кейин содир этилган жиноятларни эса рецидив жиноят деб квалификация қилиш керак деган хулосага келдик.

Бизнингча, ушбу фикр, мулоҳаза ва таклифларимизни Жиноят кодексида эътиборга олиниши бир неча жиноятлар юзасидан жазо тайинлашда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни бартараф қилиш имконини бериш билан бирга жиноят ҳуқуқини янада ривожлантиришнинг омилларидан бири бўлади.

5-§. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш

Жазо масаласи жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам, жиноят қонунчилигида ҳам муҳим ўринда туради. Шунингдек, жазо ҳуқуқий чоралар ичида жиноятчиликка қарши кураш масаласида муҳим чора сифатида фойдаланилади.

Кўпчилик олимларнинг фикрларига кўра жиноий жазо суд томонидан давлат номидан жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноятларнинг умумий ва махсус олдини олиш мақсадида қўлланадиган давлатнинг махсус мажбурлов чорасидир¹.

1. Бошқа бир муаллифлар жазо жиноятчини, унга тегишли бўлган у ёки бу манфатлардан маҳрум қилиб, жиноятчини ва унинг жиноий фаолиятига давлат томонидан салбий баҳо беришдир².

2. С.И. Деменьтевнинг фикрига кўра, жазо жиноят содир қилишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жафо

¹ Наташев А.Е., Стручков Н.А. Основ теории исправительно-трудового права. 1967, с. 37; Ной И.С. Вопросы теории наказания в советском уголовном праве. Саратов. 1962. с. 155. Беляев Н.А. Уголовно-правовая политика и пути её реализации. Л. 1986, с.14.

² Шаргородский М.Д. Наказание, его цели и эффективность. Л. 1973. стр. 112-113.

келтириши ва муайян ҳуқуқлардан маҳрум бўлишига дучор бўладиган махсус мажбурлов чорасидир¹.

Ўз Р ЖКнинг 42-моддасига кўра” Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Жазо ҳақида Норбўтаев Э. Х. эса шундай деб ёзади: “Жазо оммага намуна этиш хусусиятига эга бўлган чорадир. Жазо давлатнинг шахс, жамият ва давлат ҳуқуқлари ва манфатларини ҳимоялаш учун қабул қилган қонунидаги белгиланган тақиқларни бузиш йўл-йўриқларини бажармасликдан иборат муайян шахснинг жиноий ахлоқига мажбуран жавоб чорасидир.”²

Жиноий жазоларга берилган ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, жиноий жазо тушунчаси масаласида ягона фикр йўқ. Ана шу берилган таърифлар ичида бизнинг фикримизча Ўз Р ЖКнинг 42-моддасида берилган таъриф унинг мазмун ва моҳиятига тўғри келади. Биз таҳлил қилаётган мавзу бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш бўлсада, ана шу тайинланадиган жиноий жазоларнинг тушунчасига қисқача тўхталиб ўтдик.

Чунки ҳар қандай жиноят учун тайинланадиган жазода уни тайинлашнинг мақсади ётади.

Ўз Р ЖКнинг 43-моддасида жиноий жазоларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, бу жазолар Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг санкциясида назарда тутилган. Суд жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жазо тайинлашда фақат айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг ёки моддалар санкциясида назарда тутилган жазони тайинлаш-нинг иложи бўлмаса суд Ўз Р ЖКнинг 57-моддасига мурожаат қилиб қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш қоидаларига амал қилган ҳолда Ўз Р ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган енгилроқ турдаги жазолардан бирини тайинлайди.

3. Жазо тайинлаш масаласи суд фаолиятининг ғоят муҳим қисми бўлиб, тайинланган жазо унинг мақсадига мувофиқ келиши керак.

Яъни ЎзР ЖКнинг 42-моддасида белгиланганига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум томонидан янги жиноят

¹ Дементьев С.И. Лишение свободы. Уголовно-правовая и исправительно-трудовые аспекты. Ростов. 1981. с. 45.

² Норбутаев Э.Х. Уголовный закон и его эффективность. Т., “Меҳнат”, 1991.

содир этилишини ва бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Агарда жиноят содир этишда айбдор бўлган шахснинг қилмиши Жиноят кодексининг битта моддаси билан квалификация қилинган бўлса, жазо тайинлаш масаласида бирон - бир муҳим муаммо келиб чиқмайди. Яъни, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида назарда тутилган жазолардан бирини тайинлайверади. Аммо айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир неча моддаси билан айбланаётган бўлса, ёки бир жиноят учун ҳукм чиқарилганидан кейин яна янги жиноят содир қилган тақдирда, яъни бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш масаласи қандай ҳал қилинади деган савол туғилади. Шунинг назарда тутиб Жиноят кодексининг 59-моддасида бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш, 60-моддасида эса бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидалари ишлаб чиқилган. Ушбу бобда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

ЎзР ЖКнинг 60-моддасида белгиланишига кўра, ”Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади”

Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг бу қоидаси ЎзР ЖКнинг 34-моддасида назарда тутилган рецидив жиноят тушунчасига мувофиқ келади. ЎзР ЖК нинг 34-моддасида белгиланишича, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб айтилади. Аммо ЖКнинг 34-моддасидаги рецидив жиноят билан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган тушунчаларни солиштириб таҳлил қилинса, 34-моддадаги рецидив жиноят тушунчаси фақат қасддан қилинган жиноят учун судланганидан кейин яна қасддан жиноят содир этганликни назарда тутаяди. ЖКнинг 60-моддасидаги бир неча ҳукмлар тушунчаси эса маҳкумга нисбатан ҳар қандай жинояти учун (қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганидан қатъи назар) жазо тайинлашни назарда тутаяди. Демак, рецидив жиноят учун жазо тайинлаш тушунчасига нисбатан бир неча ҳукмлар тушунчаси анча кенгроқ ҳисобланади. Лекин шунга қарамадан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш тушунчаси ҳам бир қанча жиноятлар содир қилиш доирасига киради.

Бундан ташқари, жазо тайинлаш масаласида рецидив жиноят учун ҳамда бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг ўзига хос қоидалари бор.

Шуни эътиборга олиб Россия Федерациясининг ЖКда (68-модда) рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг қоидалари алоҳида моддада назарда тутилган. Шунга мувофиқ равишда Россия Федерациясининг жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг назарий қоидалар ишлаб чиқилган¹.

Бизнинг назаримизда, Ўз Р ЖКнинг 34-моддасида рецидив жиноят тушунчаси берилган экан, рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг қоидалари ишлаб чиқилиб, алоҳида моддада берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жиноят кодексининг 59-моддасида бир неча жиноят содир этганлик учун, 60-моддасида эса бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари кўрсатилган экан, уларни ажратиб турадиган чегара қаерда? Шахсга нисбатан айб эълон қилингандан кейин содир этилгандами деган савол туғилади. Юридик адабиётларда бу масалада аниқ бир чегара ҳақида айтилмаган бўлсада, бу масала Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасининг ўзида аниқ айтиб қўйилган. Бу моддада шундай дейилади: “Агар маҳкум ҳукм чиқарилгандан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади”.

Қонун нормасининг ушбу мазмунидан кўришиб турибдики, ҳукм чиқарилгунча, яъни ҳукм ўқилгунча содир этилган жиноят учун ЖКнинг 59-моддаси тартибида, ҳукм эълон қилингандан кейин содир этилса, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари қўлланилади.

Масалан, айтайлик, бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этилиб, иш судда кўрилаётган вақтда гуруҳ аъзоларидан бири суднинг саволларига берган жавобида гуруҳнинг бошқа аъзоси норози бўлиб, шеригини зарб билан уриб, баданга енгил шикаст етказиш жиноятини содир этса, жиноятлар жами деб ёки бир неча ҳукмлар деб ҳисоблаш масаласидаги чегарани аниқлаш зарур бўлиб қолади. Бу чегара тўғри аниқланмас экан, қилмишни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда хатога йўл қўйиш мумкин.

¹ Қаранг: Курс советского уголовного праве в 6 томах Т-3, М. “Наука”, 1970. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. — М. “Юристь”, 1999. с.395.

Қандай ҳолларда бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидалари қўлланилади?

Бизнинг фикримизча, қуйидаги ҳолларда бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидалари қўлланилади:

1. Маҳкумга нисбатан ҳукм чиқарилгандан кейин янги жиноят содир этилса.

2. Биринчи ҳукм бўйича асосий ва қўшимча жазоларни тўла ўтаб бўлгунча янги жиноят содир этилса.

3. Шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилиб, синов муддати мобайнида янги жиноят содир этилса.

4. Шахс жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, шартли муддат тамом бўлмасдан янги жиноят содир этилса.

5. Озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазосининг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришни қўллаган ва енгилроқ жазони ўташ вақтида янги жиноят содир этилган тақдирда.

6. Ўз Р ЖКнинг 76-моддаси асосида амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилинган шахс, жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этилган (агар эҳтиётсизликдан жиноят содир этилса фақат эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятнинг ўзи учунгина жавобгар бўлади)

7. ЎзР ЖКнинг 69-моддасида назарда тутилган жазони ижро этиш муддати ўтиб кетмасдан шахс қасддан янги жиноят содир этса, (эҳтиётсизликдан жиноят содир этса муддатларнинг ўтиши алоҳида-алоҳида ҳисобланади) бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланади.

ЎзР ЖКнинг 87-моддасига мувофиқ вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилинган тақдирда, мажбурлов чораси қўлланган вақт мобайнида вояга етмаган янги жиноят содир этса 60-модда қоидаларини қўллаб жазо тайинлаш керакми ёки йўқми деган савол туғилади. Бу ҳақда на қонунда ва на жиноят ҳуқуқида аниқ бир фикр йўқ. Шунингдек, бу борада Олий суд Пленуми қарорларида ҳам аниқ бир тушунтириш берилмаган. Собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1976 йил 3 декабрдаги “Вояга етмаганлар ишлари юзасидан судлар томонидан қонунларни қўллаш ва вояга етмаганларни жиноятга ва бошқа ижтимоий хилоф фаолиятга жалб қилиш ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида ҳам бу ҳақда аниқ тушунтириш берилмаган эди.

Бизнинг фикримизча, мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилишда, вояга етмаган умуман жазодан озод қилинади. Шунга кўра мажбурлов чораси қўлланилган вақтда янги жиноят содир этилган тақдирда жазо 60-модда тартибида тайинланмай, кейинги содир этилган жиноятнинг ўзи учун жавобгар бўлиши керак.

Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш, жазо тайинлашнинг махсус тартиби бўлиб, шахсга нисбатан муайян жиноят учун ҳукм чиқарилганидан бошлаб то асосий ва қўшимча жазоларни ўтаб бўлгунча ёки юқорида айтилган асосларга кўра шахс янги жиноят содир қилган тақдирда суд айбдорга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидаларини қўллаган ҳолда жазо тайинлайди.

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туман судида А. исмли шахснинг жинояти иши кўрилиб озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган. Иш ҳолатларининг мазмунига кўра А. икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб иш ҳақининг 20 фоизи давлат ҳисобига ўтказиш ва жазони ўз иш жойида ўташ тайинланган. Ахлоқ тузатиш ишининг бир йилу олти ойини ўтаб бўлганидан кейин у ЎЗР ЖКнинг 266-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган. Суд бу жинояти учун айбдорни беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилиб, ахлоқ тузатиш ишининг қолган олти ой муддатини ЎЗР ЖКнинг 61-моддасида белгиланган қоидаларига асосланиб, ахлоқ тузатиш ишининг ҳар уч кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисоблаб, озодликдан маҳрум қилишга алмаштириб, ЎЗР ЖКнинг 60-моддасида белгиланган қоидаларига асосланиб, жазоларни тўла қўшиш йўли билан айбдорга беш йилу икки ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган.

Бизнинг фикримизча, суд А. га нисбатан жазо тайинлаш-нинг барча қоидаларга риоя қилган ҳолда жазо тайинлаган.

Суд А. га нисбатан озодликдан маҳрум қилишнинг манзил колонияси турини тайинлаган. Ваҳоланки, А. нинг дастлабки ахлоқ тузатиш иши қасддан қилинган жиноят, яъни ЎЗР ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят бўлган. Бизнинг фикримизча, суд манзил колониясини тўғри белгилаган. Чунки А. дастлабки қасддан қилган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилмай, ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган. Ахлоқ тузатиш ишини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш эса ҳукм билан эмас, балки ЎЗР ЖКнинг 61-моддаси қоидалари асосида ахлоқ тузатиш ишини озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўташга

айлантирган. Манзил колонияси озодликдан маҳрум қилишнинг бир тури бўлганлиги учун ахлоқ тузатиш ишини озодликдан маҳрум қилишга айлантириб айнан манзил колонияси турига қўшган.

Бундай қилинганлиги ЎЗР ЖКнинг 60-моддасига ҳам тўла мос келади. Ушбу моддада белгиланишича шахсга нисбатан ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб маҳкум янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўтолмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади дейилади.

Ана шу юқоридагиларга асосан суд А. га нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг барча қоидаларига риоя қилган. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида номи келтирилган 2001 йил 29 августда жинойий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексига бир қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритилди. ЎЗР ЖКнинг 50-моддасига эса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум этилганларга нисбатан жазони манзил колониясида ўташ белгиланди. Шунга мувофиқ ҳақли равишда савол туғилади. Ахлоқ тузатиш ишини ўташ вақтида шахс:

1) янги ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этса;

2) эҳтиётсизликдан унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилса;

3) ахлоқ тузатиш ишини ўташдан бўйин товлагани учун озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган вақтда озодликдан маҳрум қилишнинг манзил колонияси турини тайинланиши керакми ёки жазони ўташ колонияси турини тайинлаш керакми?

ЎЗР ЖКнинг 15 ва 50-моддаларининг мазмунини таҳлил қилиб юқорида келтирилган ҳолларда озодликдан маҳрум қилишнинг манзил колонияси тури тайинланади.

Бу ерда яна янги савол туғилади. Унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноят учун ЖКнинг 57-моддаси қоидаларини қўллаб (қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш) ахлоқ тузатиш иши тайинланган ва юқорида айtilган асосларга кўра ахлоқ тузатиш иши озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган тақдирда озодликдан маҳрум қилишнинг манзил колонияси тури тайинланиши

керакми? Бу муаммо устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорида тушунтириш берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг фикримизча, янги содир қилинган жиноят учун манзил колонияси тайинланадиган бўлса, жазони ўташ колониясини тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир неча ҳукмлар юзасидан турли хилдаги жазоларни тайинлаш тартиби. Олдин жиноят содир этганлиги учун муайян турдаги жазога ҳукм қилинган шахснинг жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этиши унинг шахсининг ижтимоий хавфлилик даражаси-нинг юқорилигини ва унга нисбатан оғирроқ жазо чорасини тайинлаш нуқтаи назаридан ёндашиш кераклигини кўпчилик криминалист олимлар ва амалиёт ходимлари таъкидлайдилар.¹ Шунинг учун ҳам ЎзР ЖКнинг 50-моддасида озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати 20 йил белгиланган бўлсада, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати 25 йилгача тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Амалдаги Жиноят кодексининг 60-моддасида бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг қондаси қуйидагича баён қилинади: “Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинлаган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади”, дейилади. Демак, бир неча ҳукмлар бўйича ҳукмларни жамлашнинг иккита усулидан фойдаланилади. Булар жазоларни тўла қўшиш ва қисман қўшишдир.

ЎзРнинг 1959 йилда қабул қилинган ЖК сида ҳам бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганда тўла қўшиш ва қисман қўшиш усулларида фойдаланилар эди.

Шунингдек, зарур ҳолларда енгилроқ турдаги жазони оғирроғи билан қоплаш усулидан ҳам фойдаланилар эди.

Амалдаги жиноят Кодексининг 60-моддасида эса фақат тўла қўшиш ва қисман қўшиш усулларида фойдаланилади. Жазоларнинг енгиллиги оғири билан қоплашга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолат айрим ҳолларда судларнинг жазо тайинлашларида қийинчилик туғдириши мумкин. Масалан, айтайлик шахсга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан озодликдан маҳрум қилишнинг ёки ахлоқ тузатиш ишининг энг кўп муддати тайинланган. Аммо ҳукм чиқарилгандан

¹ Қаранг: Курс советского уголовного праве в 6 томах Т.3, М. “Наука”, 1970. Уголовное право. Российской Федерации. Общая часть—М. “Юристъ”, 1999. с.395.

кейин шахс яна жиноят содир қилса кейинги содир қилган жинояти учун тайинланган жазога олдинги жинояти учун тайинланган жазонинг муддати ўша жазонинг максимал муддатидан иборат бўлганлиги туфайли ҳатто олдинги ҳукмнинг бир қисмини олиб кейингисига қўшганда ҳам тайинланган жазонинг энг кўп муддати ўзгаришсиз қолаверади. Ваҳоланки, бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганда қатъий тайинланган жазо муддати олдинги тайинланган жазо муддатидан ёки кейинги тайинланган жазо муддатидан кўп бўлиши керак.

Бу масала ЎзР Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 2.8 бандида “Судлар шунини ҳисобга олишлари зарурки, ҳукмлар жами бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазо муддатидан ҳам илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши керак”, дейилади¹.

Бунда озодликдан маҳрум қилиш туридаги энг кўп жазо муддати 25 йилдан, 18 ёшга қадар янги жиноят содир этган шахсга нисбатан эса 15 йилдан ошмаслиги лозим.

ЎзР ЖКнинг 60-моддасида янги бир неча ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиш назарда тутилади. Нима сабабдан аксинча эмас, яъни олдинги ҳукм бўйича тайинланган жазога кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазо тўла ёки қисман қўшилади дейилмайди? Ваҳоланки, биринчи ҳукм аввал тайинланган. Бизнинг фикримизча, қонунда кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазога олдинги ҳукм бўйича тайинланган жазонинг қолган қисмини тўла ёки қисман қўшилишини қонунда белгилаб тўғри қилинган. Бундай ҳолатни қуйдагилар билан асослаш мумкин.

Шахсга нисбатан муайян жиноят учун ҳукм чиқарилганидан кейин яна жиноят содир этиши айбдорнинг шахси жамият учун хавфлилик даражасини янада ошганлигини кўрсатади ва суд кейинги жинояти учун жазо тайинлашда ЎзР ЖК 56-моддасида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, жазо тайинлайди. Шунга кўра кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазо нисбатан оғирроқ бўлади. Жиноят ҳуқуқида эса ҳар доим оғирроқ жазога енгилроқ жазо қўшилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. I жилд. 1997, Т., “Шарқ”, 46-бет.

Бундан ташқари, суд муайян кейинги жиноят учун жазо тайинлашда қатъий тайинланган жазонинг қонунда назарда тутилган энг кўп қисмидан ошиб кетмаслиги ва бундан олдинги ҳукм бўйича ўталмай қолган жазонинг қанча қисмини қўшиш мумкинлигини ҳисобга олиш имконияти яратилади. Б. исмли шахс ЎзР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, бу жазони умумий тартибли жазони ўташ колониясида ўтар эди. Жазо муддатининг 2 йилу 3 ойини ўтаб бўлганидан кейин К. исмли маҳкумнинг баданига оғир шикаст етказишда айбланиб, ЎзР ЖКнинг 104-моддасининг 1-қисми билан ҳукм қилинади. Суд Б. га нисбатан бу жинояти учун 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди. ЎзР ЖКнинг 60-моддаси қоидаларини қўллаган ҳолда олдинги ҳукм бўйича тайинланган жазонинг қолган 1 йилу 9 ойининг бир қисмини, яъни 1 йилини олиб қисман қўшиш усули орқали 8 йил муддатга қатъий жазо белгилайди. Бу ишда суд бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлашнинг барча қоидаларига амал қилган.

Агарда бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш вақтида айбдор томонидан содир этилган жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси оғир жиноят бўлмаса ёки айбдор ўта хавфли рецедивист деб топилмаган бўлса, ҳукмлар жами юзасидан тайинланган озод-ликдан маҳрум қилишнинг муддати қанча бўлишидан қатъий назар жазонинг бир қисмини турмада ўташни тайинлаши мумкин эмас.

Агарда бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланаётган бўлса, қатъий тайинланган жазо муддати шу жазо тури учун қонунда белгиланган миқдор ва муддатидан ошиб кетмаслиги керак. Яъни:

жарима — энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бароваридан, вояга етмаганларга нисбатан йигирма бароваридан ошиб кетмаслиги;

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланганда беш йилдан ошиб кетмаслиги, қўшимча жазо сифатида тайинланганда уч йилдан ошиб кетмаслиги;

ахлоқ тузатиш ишлари уч йилдан ошиб кетмаслиги;

вояга етмаганларга нисбатан эса бир йилдан кўп бўлмаслиги;

хизмат бўйича чеклаш уч йилдан кўп бўлмаслиги;

қамоқ олти ойдан ошмаслиги, вояга етмаганларга нисбатан эса уч ойдан ошмаслиги;

интизомий қисмга жўнатиш бир йилгача, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига тайинланганда эса уч йилдан кўп бўлмаган муддатга;

озодликдан маҳрум қилиш тайинланганда йигирма беш йилгача, вояга етмаганларга нисбатан тайинланганда эса ўн беш йилдан ошиб кетмаслиги керак.

Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашнинг қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятлари бор. Жумладан Ўз Р ЖКнинг 60-моддаси 3-қисмида белгиланишига кўра, “Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган 4олларда бу жазоларнинг фақат муддатлари кўшилади”, дейилади. Демак, қонуннинг бу нормаси мазмунига кўра ҳукмлар жами бўйича ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинланганда фақат бу жазоларнинг муддатларига нисбатан қисман ёки тўла кўшиш қоидалари татбиқ этилиб, иш ҳақидан ушлаб қолинадиган фоизлар алоҳида-алоҳида ижро этилади. Масалан, айтайлик, маҳкумнинг биринчи жинояти учун 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолиб давлат даромадига ўтказиш белгиланган эди. Бу жазонинг муайян қисмини, масалан 1 йилини ўтаганидан кейин янги содир қилган жиноят учун икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, иш ҳақининг 30 фоизини ушлаб қолиб, давлат даромадига ўтказиш белгиланган бўлса, суд Ўз Р ЖКнинг 60-моддасининг 3-қисми қоидаларига асосланиб тўла кўшиш усули орқали олдинги жиноят учун тайинланган ахлоқ тузатиш ишининг қолган бир йилини кейинги жинояти учун тайинланган икки йилга кўшиб 3 йил қатъий муддат белгилаши, фоизларни эса алоҳида-алоҳида ижро этилишини, яъни олдинги жиноятдан қолган бир йил муддат икки йилга кўшилганлиги туфайли бир йил муддат мобайнида айбдор иш ҳақининг 20-фоизи, қолган икки йил мобайнида иш ҳақининг 30 фоизини ушлаб қолиб давлат даромади ҳисобига ўтказилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Пленуми қарорининг 4.1-бандида қуйидагича тушунтиришлар берилган:

“Ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлашда унинг муддати, ушлаб қолинадиган миқдор фоизи олдин ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида, сўнгра уларнинг мажмуи бўйича кўрсатилади.”¹ Пленум қарорининг бу берган тушунтириши аввало яхши ёзилмаган. Бундан

¹ Ўша Пленум қарорлари тўплами, 49- бет.

ташқари, Жиноят кодексининг 60-моддаси қоидаларига ҳилофдир. Қонунда ахлоқ тузатиш ишларининг муддатлари қисман қўшиш ёки тўла қўшиш орқали жамланишини, фоизлари алоҳида-алоҳида ижро этилиши кераклиги ҳақида баён қилинади. Пленум қарорида эса ахлоқ тузатиш ишлари муддатларининг ҳамда фоизларини ҳам жамлаш кераклиги ҳақида тушунтириш берилади.

Бундан ташқари, бу Пленум қарорида ахлоқ тузатиш ишини ўташдан бўйин товлашнинг оқибатлари ҳақида нотўғри тушунти-риш берилган. Жумладан, қарорнинг 4.4-бандида шундай дейилади:

“Маҳкумнинг қуйидаги ҳаракатлари иш жойида ўталадиган ахлоқ тузатиш иш жазосини ўташдан бўйин товлаш деб ҳисоб-ланиб, суд томонидан уни ахлоқ тузатиш иши қўлланилишини таъминловчи органларга белгиладиган бошқа жойларга жазони ўташ учун юборишга асос бўлади:

рўйхатга олинган ёки аввалги иш жойини қолдирган кундан бошлаб 15 кун ичида узрсиз сабабларга кўра ахлоқ тузатиш ишига кирмаслик; янги яшаш жойига кўчиб келгандан сўнг 15 кун ичида узрсиз сабабларига кўра ахлоқ тузатиш иши қўлланишини таъминловчи органларга учрамаслик;

тайинланган жазо муддати давомида мутассил тарзда узрсиз сабаб билан ишга чиқмаслик (прогул) ёки иш жойида маст ҳолда бўлиш».¹

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг бу тушунтиришлари амалдаги жиноят қонунига тўғри келмайди.

ЎЗР ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб, ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазони ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди дейилади.

Қонуннинг бу мазмунидан кўриниб турибдики, ахлоқ тузатиш ишининг биринчи турини ўташдан бўйин товлаганда иккинчи турига ўтказиш ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Амалдаги қонуннинг мазмунига кўра ахлоқ тузатиш ишлари-нинг ҳар иккала турини ўташдан жами бўлиб, суд томонидан тайинланган муддатнинг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади. Пленум қарорининг юқорида айтилган бу тушунтиришлари ЎЗР ЖКнинг 1959

¹ Ўша жойда.

йилда қабул қилинган Жиноят кодексидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллашни бузиб тушунтирган, ҳолос.

Бундан ташқари, ушбу Пленум қарорида иш жойида маст ҳолда бўлишни ҳам ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бош тортиши деб ҳисоблаш кераклиги ҳақида тушунтириш берилади. Бизнингча, Пленум қарорининг бу тушунтириши ҳам тўғри эмас. Чунки қонунда (46-модданинг 4-қисмида) иш жойида маст ҳолда бўлганликни эмас, умуман ишга чиқмай ахлоқ тузатиш ишини ўташдан бўйин товлаганлик учун озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириши ҳақида гапирилади.

Иш жойида маст ҳолда бўлганлик учун эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 181-моддасида жавобгарлик белгиланган бўлиб, шахс жарима тариқасидаги маъмурий жазога тортилиши мумкин.

Ана шу юқорида айтилганларга кўра, Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қароридаги ахлоқ тузатиш ишларини қўллаш бўйича берилган тушунтириши талабга жавоб бермайди. Аксинча, судларни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллаш амалиётида уларнинг қўпол хатоларга йўл қўйишларига сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра бу Пленум қарорини қайта ишлаб чиқиб, **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3-февралдаги “судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори қабул қилинди ва бу камчиликлар маълум даражада бартараф қилинди.**

Муайян жиноятни содир этиб, бирон бир жазони ўтаётган шахс яна бир жиноятни содир этиб янги жинояти учун ЎзР ЖКнинг 57-моддасини қўллаб энгилроқ жазо тайинлаш мумкин-ми деган асосли савол туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддаси-нинг мазмунига кўра шахсга нисбатан қонунда кўрсатилганидан ҳам энгилроқ жазо тайинлашни чекловчи бирон бир ҳолат назарда тутилмаган.

Суд содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин, — дейилади.

Аммо ЎзР ЖКнинг 56-моддаси “н” бандида илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Агар шунга асосланадиган бўлса, суд бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаган вақтда 57-модданинг қоидаларини қўлламайди. Аммо шу модданинг ўзида “Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, шу моддада назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин”, дейилади. Шунга кўра, суд бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш вақтида 57-модданинг қоидаларини татбиқ қилиб қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаши мумкин. Аммо бундай жазо тайинлаш ҳар иккала ҳукмлар бўйича қатъий жазо тайинлаш вақтида эмас, балки ҳар бир ҳукм юзасидан жазо тайинлаш вақтида ҳал қилинади.

Суд ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш жазосини тайинлаганда худди ахлоқ тузатиш ишларини жамлашдек қоидаларга риоя қилиб, хизмат бўйича чеклашнинг муддатларини жамлайди, пул таъминотидан ушлаб қолинадиган фоизларни алоҳида-алоҳида ижро этади.

Ахлоқ тузатиш ишлари юзасидан тайинланган жазоларни жамлаш қоидаларига батафсил тўхталганимиз учун, бу ерда унга яна қайтиб тушунтириб ўтирмадик.

Суд амалиётини ўрганишимиз шуни кўрсатдики, бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганда энг кўп қўлланилаётган жазо тури озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлмоқда. Жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони тўла ўтамай туриб янги жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш тайинланган тақдирда кейинги жинояти учун тайинланган жазо муддатига олдинги ҳукм юзасидан жазони қолган қисмини қисман ёки тўла қўшилади. Бунда қўшилган жазоларнинг умумий миқдори йигирма беш йилдан ошмаслиги керак.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим давлат-ларда бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ўттиз (30) йилгача тайинланиши мумкин. (РФ ЖКнинг 70-моддаси). Бундан ташқари, РФ ЖКнинг 57-моддасида шахснинг ҳаётига тажовуз қилувчи ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан ўлим жазоси альтернатив жазо сифатида назарда тутилган бўлса ва айбдорга бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганда содир этилган жиноятлардан бири

шахсга қарши ўта оғир жиноят бўлса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин.

Агар суд озодликдан маҳрум қилиш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор хулқини назорат қилиш орқали тузатиши мумкин деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қилишни қўллаши мумкин. Бунда шахсга нисбатан бир йилдан уч йилгача муддатга синов муддати белгиланади. Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида қасдан ёки эҳтиётсизликдан жиноят содир этиб бу жинояти учун ҳам озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилса, ЎзР ЖКнинг 60-моддаси қоидалари асосида кейинги жинояти юзасидан тайинланган озодликдан маҳрум қилишга олдинги жинояти учун тайинланган озодликдан маҳрум қилиш-нинг муддати тўла ёки қисман қўшилиб, қатъий жазо тайинланади. Бунда синов муддатининг қанчаси ўтганлигининг аҳамияти йўқ. Бунга О. нинг жиноят ишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Фарғона вилояти Ўзбекистон туман судида О. нинг содир қилган жинояти кўриб чиқилди ва унинг қилмиши ЎзР ЖКнинг 207-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиниб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилди, суд О. нинг қарамоғида қари ота-онаси ва ёш болалари борлигини эътиборга олиб, ЖКнинг 72-моддасини қўллаб шартли ҳукм қилган ва уч йил синов муддати белгилаган. Синов муддатининг 2,5 йили ўтганидан сўнг О. ЎзР ЖКнинг 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Суд О. га нисбатан 266-модданинг 2-қисмидаги санкция доирасида беш (5) йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлаб, олдинги ҳукм бўйича тайинланган (3 йил) озодликдан маҳрум қилишнинг бир қисмини 1,5 йилини кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазога қўшиб, жами 6,5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган.

Муддатидан илгари шартли равишда жазони ўташдан озод қилинган шахслар шартли озод қилинган муддат мобайнида янги жиноят содир қилган тақдирда ҳам жазо ЎзР ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланади.

Ўз Р ЖКнинг 73-моддасига кўра, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўлланиши мумкин. Агар ана шу жазолардан

муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс фақат қасддан жиноят содир қилсагина ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинланади. Шартли озод қилинган шахс эҳтиётсизликдан жиноят қилса, жазо тайинлаш тартиби қандай бўлади, деган ҳақли савол туғилади.

Бундай ҳолда эҳтиётсизликдан содир этилган жиноят учун айбдорга нисбатан қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида назарда тутилган жазолардан бири тайинланади. Шартли муддат эса эҳтиётсизликдан қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўташ муддати ичида давом этаверади.

Озодликдан маҳрум қилишдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс қасддан янги жиноят содир қилиб, яна озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинса, олдинги ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган қисми кейинги ҳукм бўйича тайинланса, жазога тўла ёки қисман қўшилиб қатъий жазо тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс шартли муддат ичида қасддан жиноят содир этса ва яна ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинса муддатларини қисман қўшиш ёки тўла қўшиш орқали қатъий жазо тайинланади, фоизлари эса алоҳида-алоҳида ушлаб қолинади. Бу масалага олдинги бобда батафсил тўхталганимиз учун бу ерда яна тўхталиб ўтирмаймиз.

Ахлоқ тузатиш ишини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс қасддан қилинган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган бўлса, ахлоқ тузатиш ишининг ўталмай қолган қисмининг ҳар уч кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига айлантириб, ана шу озодликдан маҳрум қилишнинг бир қисмини ёки ҳаммасини кейинги ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилишга қўшиб қатъий жазо тайинланади.

Ўзбекистон туман суди томонидан С. 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган эди. Жазонинг 1 йилу 10 ойини ўтагандан кейин ЎзР ЖКнинг 73-моддаси асосида муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинади. Шартли муддатнинг 8 ойи ўтганда ЎзР ЖКнинг 105-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилади. Суд С. нинг қилмишини ЎзР ЖК нинг 105-моддаси 1-қисми билан ҳукм қилиб 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилади. Олдинги ҳукм бўйича ахлоқ тузатиш ишининг қолган 6 ойини 2 ой озодликдан маҳрум қилишга айлантириб жазоларни тўла қўшиш орқали 2 йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм

қилади. Бизнинг фикримизча, суд бу ишда бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайин-лашнинг барча қоидаларига риоя қилган.

Хизмат бўйича чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинган шахс қасддан янги жиноят содир этса бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш масаласи худди ахлоқ тузатиш ишлари юзасидан жазо тайинлаш қоидаларидек ҳал қилинади.

Интизомий қисмга жўнатишдан муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинган шахс қасддан қилинган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, интизомий қисмга жўнатишнинг бир куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисобланиб қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинланади.

Бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлашда тайинланган жазолар бир хил бўлса, юқорида таъкидлаганимиздек, уларни қисман ёки тўла қўшиш орқали жазо тайинланаверади, аммо жазолар ҳар хил бўлганда қатъий жазо тайинлаш масаласи қандай ҳал қилинади, деган савол туғилади. Бу масаланинг ечими ЎзР ЖКнинг 61-моддасида ҳал қилинган. Ушбу моддада айтилишича, ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

а) қамоқ ёки интизомий қисмга жўнатишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тўғри келади.

Қўқон шаҳар судида кўрилган В. исмли шахснинг жиноят иши характерлидир. В. спиртли ичимлик истеъмол қилгани ҳолда қўшниси А. нинг баданига енгил шикаст етказишда айбланиб ЎзР ЖК 109-моддасининг иккинчи қисми билан жавобгар қилинган. Суд иш ҳолатларининг барча томонларини эътиборга олиб В. ни тўрт ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилган. В. қамоқ жазосини ўтаётиб, ЎзР ЖКнинг 219 моддасининг 2-қисмида (ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш) назарда тутилган жиноятни содир қилган. Суд унинг содир қилган жинояти учун уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган.

Олдинги ҳукм бўйича тайинланган қамоқ жазосининг қолган қисмини (3 ой), кейинги ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилишга тўла қўшиш йўли билан 3 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлаб, қатъий жазо белгиланган. Бизнинг фикримизча, суд бу ишда ҳар хил турдаги жазоларни қўшишнинг барча қоидаларига риоя қилган ҳолда жазо тайинланган.

ЎзР Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 2.7-бандида “Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо чораси белгилашда судлар ҳукмнинг кириш қисмида илгариги ҳукм юзасидан белгиланган жазонинг тури ва ўталмаган қисмини аниқ кўрсатмоғи ва уни Жиноят кодексининг 60-моддасига кўра, янги ҳукм бўйича тайинланган жазога тўла ёки қисман қўшмоғи лозим” дейилади.¹

Қонунда озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига қамоқ ва интизомий қисмга жўнатишнинг бир куни, ахлоқ тузатиш ишлари ва хизмат бўйича чеклашнинг уч куни тўғри келади дейилади.

Аммо қамоқ билан ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазоларини қўшганда қандай ҳисоблаш кераклиги ҳақида айтилмайди.

Ўз Р ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизимига кўра қамоқ жазоси ахлоқ тузатиш ишлари ва хизмат бўйича чеклашга нисбатан оғирроқ жазо тури ҳисобланади. Айтайлик, иш ҳолатларига кўра ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётган шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган янги жиноятни содир қилган тақдирда, унинг санкцияда қамоқ энг оғир жазо сифатида кўрсатилган бўлса, қўшиш масаласи қандай ҳал қилинади?

Қонуннинг мазмунига (61-моддага) кўра озодликдан маҳрум қилиш қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш жазоларини қўшганда бир куни бир кунга ҳисобланади. Демак, қамоқ ва интизомий қисмга жўнатиш жазоларининг бир куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирилади. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда яна бир муаммо борки, бу ҳам бўлса, ЎзР ЖКнинг 74-моддаси тартибида енгилроқ жазо билан алмаштирган шахс, алмаштирилган енгилроқ жазони ўташ вақтида янги жиноят содир қилса, жазоларни жамлаш масаласи қандай ҳал қилинади?

Жиноят кодексининг 74-моддасида белгиланишига кўра, жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазони ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди, дейилади. Бу ерда иккита муҳим савол туғилади:

1. Шахс янги жиноят содир қилган тақдирда кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазога олдинги ҳукмни алмаштириш вақтида қолган қисмини қўшадими, ёки алмаштирилган жазонинг қолган қисмини қўшадими?

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, “Шарқ”, 1-жилд, 46-бет.

2. Қонунда енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди, дейилади. Эҳтиётсизликдан янги жиноят содир қилса-чи? Яъни озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган шахс эҳтиётсизликдан жиноят содир этса, янги жиноят учун жазо тайинлашнинг муносабати билан олдинги жинояти учун тайинланган жазодан автоматик равишда озод бўлиб кетаверадими?

Бизнинг фикримизча, қонунда бу камчилик бартараф қилиниши ва Жиноят кодексининг 74-моддаси еттинчи қисми-даги “қасддан” деган сўзлар бу моддадан чиқариб ташланиши керак. Ана шундай амалиёт билан қонун бир-бирига мос бўлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми-нинг юқорида айтилган қароридан берилган тушунтиришда янги содир этилган жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинишига аҳамият берилмайди. Шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 74-моддаси асосида енгилроқ жазо билан алмаштирилган бўлиб, алмаштирилган жазони ўташ вақтида янги жиноят содир этса, бизнинг фикримизча, дастлабки тайинланган жазонинг қолган қисмини эмас, балки алмаштирилган енгилроқ турдаги жазонинг қолган қисми — янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига тўла ёки қисман қўшиб, қатъий жазо тайинланади.

Бу борада юқорида айтилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 2.7-бандининг тўртинчи қисмида қуйидагича тушунтириш берилади¹:

“Афв тўғрисидаги ҳужжатга кўра ёки Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан ўталмаган жазо қисми бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсга янги жиноят содир этганлиги учун жазо тайинлаш пайтида, янги жиноят учун тайинланган жазога ўша енгил жазонинг ўтолмаган қисми тўла ёки қисман қўшилади”, дейилади.

Бир хил турдаги жазолар қўшилганда ҳам, ҳар хил жазолар қўшилганда ҳам жазоларни қисман қўшиш ёки тўла қўшиш билан татбиқ этилганда ҳам қатъий белгиланган жазо ўша жазо турининг энг кўп муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Қўшиш мумкин бўлмаган жазоларни тайинлаганда қатъий жазо тайинлаш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси-нинг 61-моддасида белгиланганига кўра жарима ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, I-жилд, 1997, “Шарқ”, 46-бет.

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари билан қўшилганда ҳар қайси жазо алоҳида ижро этилади.

Демак, бу модданинг мазмунига кўра жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари тайинланганда улар бошқа жазо турига қўшилмай алоҳида-алоҳида ижро этилади.

Қўшиш ва қоплаш мумкин бўлмаган жазоларни алоҳида- алоҳида ижро этиш масаласи собиқ иттифоқ давридаги жиноят ҳуқуқида ҳам мавжуд эди. Аммо судлар жазо тайинлашда бундай қоидадан деярли фойдаланмас эдилар.

Собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1981 йил 31 июлдаги “Бир неча жиноятлар содир қилганлик ва бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида бир неча жиноятлар юзасидан ҳукмлар жами юзасидан ҳар хил турдаги жазо тайинланган бўлса ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунларида бошқача белгиланмаган бўлса ҳамда суд бу жазоларни қўшиш ёки қоплашни лозим топмасалар, бу жазолар алоҳида-алоҳида ижро этилади”, деб тушунтириш берилган эди. Аммо жиноят қонунида жазоларни алоҳида-алоҳида ижро этиш масаласи фақат Ўзбекистон Республикасининг 1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексига 1993 йил 7 майида Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан ЖКга киритилган ва 41¹- моддасида ўз ифодасини топган эди. Ўша Жиноят кодекси 41¹-модда билан тўлдирилмагунча қўшиш мумкин бўлмаган жазоларни қоплаш усули орқали тайинлаб катъий жазо белгиланиб келинди.

Амалдаги Жиноят кодексимизда бу масалалар аниқ кўрсатиб қўйилди. Бу масалалар Россия Федерациясининг амалдаги Жиноят кодексига ҳам (71-модда) аниқ кўрсатиб қўйилган. РФ ЖКда жиний жазоларнинг турлари анча кенгрок назарда тутилгани сабабли бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганда алоҳида-алоҳида ижро этиладиган жазоларнинг турлари ҳам кенгрок назарда тутилиб қабул қилинган.

ЎЗРнинг амалдаги Жиноят кодекси 61-моддасига кўра, асосий жазо сифатида тайинладиган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларигина бошқа жазо турларига қўшилмай алоҳида-алоҳида ижро этилади. Айтайлик, шахс биринчи ҳукми бўйича ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган эди, кейинги ҳукм бўйича эса жарима

жазосига ҳукм қилинса, ахлоқ тузатиш жазосини ўтайверади, кейинги ҳукм бўйича тайинланган ҳукм қонуний кучга кириши билан жарима ҳам ижро этилади. Ёки бошқа бир мисолни айтايлик, шахсга биринчи ҳукм бўйича жарима жазоси тайинланган дейлик. Ҳукм ҳали қонуний кучга кирмасдан ёки ҳали жаримани тўлашга улгурмасдан янги содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинса, биринчи ҳукм юзасидан тайинланган жарима ва кейинги ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш алоҳида-алоҳида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида ҳукмнинг ижросини кечиктириш шартлари кўрсатилган. Ушбу моддада белгиланганига кўра суд фақат озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазоларини ушбу моддада назарда тутилган асослар мавжуд бўлсагина ҳукмнинг ижросини кечиктиради. Аммо жарима жазосини кўпи билан олти ой муддатга кечиктиради. ЎЗР ЖПК 533-моддаси асосида ҳукмнинг ижроси кечиктирилган шахс, кечиктирилган муддат ичида янги жиноят содир қилган тақдирда ҳам жазо ЎЗР ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланади.

Бунда биринчи ҳукм юзасидан тайинланган жазо билан кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазоларни қўшиш мумкин бўлса, қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинланади. Агар бу жазоларни қўшиш мумкин бўлмаса, алоҳида-алоҳида ижро этилади.

ЎЗР ЖК 44-моддасида белгиланишига кўра **Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир оyi энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир оyi эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп**

бўлмаган муддатга тайинланади. (ЎзР 10.04.2008 й. ЎРҚ-151-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Суд ана шу алмаштирилган жазони кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазога тўла ёки қисман қўшиб, қатъий жазо тайинлайди. Бунда кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазо озодликдан маҳрум қилиш, олдинги ҳукм бўйича тайинланган жазо эса ахлоқ тузатиш ишлари бўлса, ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисоблаб тўла қўшиш ёки қисман қўшиш орқали қатъий жазо тайинланади.

Агар жарима қамоқ билан алмаштирилган бўлса, кейинги ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилишга қамоқнинг бир кунини бир кунга ҳисоблаб тўла қўшиш орқали қатъий жазо тайинлайди.

Суд бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлашда шахснинг дастлабки қамоқда ўталган муддатини ҳам ҳисобга олади.

Бунда қамоқда сақланган муддатнинг бир куни қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисобланади. Ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига ҳисоблаб қатъий жазо тайинланади. Суд жазо тайинлашда ЎзР ЖКнинг 60-моддасининг талабларига тўла риоя қилган ҳолда жазо тайинлайди.

Бир неча ҳукмлар бўйича қўшимча жазо тайинлаш шартлари ва тартиби. Жазо тайинлашда адолат ва одиллик принципини амалга оширишнинг муҳим шарти жиноят содир этган шахсга нисбатан асосий жазога яна жиноят қонунида назарда тутилган жазолардан бирини қўшимча жазо сифатида тайинлашдир.

ЎзР ЖКнинг 8-моддасида жиноят қонунининг одиллик принципи ўз ифодасини топган бўлиб жиноят, содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир- енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даража-сига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, дейилади.

Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган шундай жиноятлар борки, бу жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан унинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида фақат асосий жазонинг ўзини тайинлаши жиноят-ҳуқуқий адолатни амалга

ошириш учун асосий жазодан ташқари яна қўшимча жазо тайинлаш зарурати ҳам келиб чиқади.

Ўз Р ЖКнинг 8-моддасида кўрсатилганидек ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбланаётган шахсга асосий жазо билан бирга қўшимча жазо тайинлаш битта жиноят учун иккита жазо қўллаш ёки икки марта жавобгарлика тортиш бўлмай, адолатни амалга ошириш мақсадида жазони кучайтиришдир. Қўшимча жазо тайинлаш масаласини содир этилган жиноятнинг хусусияти тақозо этади.

Қўшимча жазо тайинлаш масаласи суд томонидан жиноят ишидаги ҳолатларни эътиборга олган ҳолда фақат қонунда назарда тутилган бўлсагина тайинланади. Судлар қонун бўйича қўшимча жазо тайинлаши мумкин бўлмаган жиноятни содир қилган шахсларга нисбатан ўзларича қўшимча жазо тайинлашлари мумкин эмас.

Қўшимча жазо шахсни жазолашдан қўйилган мақсадга эришишнинг қўшимча таъсир чораси сифатида тайинланади. Қўшимча жазолар, одатда, содир этилган жиноят муайян мақсадларда содир этилган бўлса, айбдорнинг эгаллаб турган мансаби, бажараётган вазифаси, касби билан боғлиқ бўлган бўлса, тайинланиши мумкин. Қонун чиқарувчи орган Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган айрим жиноятлар учун қўшимча жазо тайинлаш ёки тайинламаслик масаласини иш ҳолатларига қараб ҳал қилинишини суднинг ўзига ҳавола қилган.

Жиноят кодексининг айрим нормаларида эса қўшимча жазо тайинлаш судлар учун мажбурий бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида қўлланиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги мумкин. Лекин суд буни ҳукмда асослантириши керак. Бу борада ЎзР ЖКнинг 57-моддаси иккинчи қисмида “Суд шу асосларни эътиборга олиб, ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги мумкин”, дейилади.

ЎзР ЖКнинг 43-моддасидаги жазо тизимида назарда тутилган жазолардан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий ёки қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш фақат асосий жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин. Ушбу моддада назарда тутилган бошқа жазо турларини асосий жазога қўшимча жазо сифатида тайинлаш мумкинлиги қонунда кўрсатилмаган. Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли “Жиноят

учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг қўшимча жазоларини қўллаш бўйича қисмининг 9.2-бандида жарима жазосини қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берилади.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” бу Пленум қарорини қайтадан қабул қилиб бу хато бартараф қилинди¹.

ЎзР ЖКнинг 45-моддасига мувофиқ муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан беш йилгача муддатга белгиланади.

Бир неча ҳукм юзасидан қўшимча жазолар тайинлаш тартиби қандай ҳал қилиниши керак? Бу масала амалдаги ЎзР. ЖКда ўз ифодасини топмаган. Фақат Ўз Р ЖКнинг 60-моддасининг 4-қисмида “Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади”, дейилади. Олдинги ва кейинги ҳукм бўйича қўшимча жазони қатъий белгилаш мумкинми? Яъни 60-модда қоидаларини қўллаб қўшимча жазо тайинлаш мумкинми?

Бизнинг назаримизда, бу борада Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 70-моддаси 5-бандида белгиланган бир неча ҳукмлар бўйича қўшимча жазолар тайинлаш тартиби анча мақсадга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Бунда бир неча ҳукмлар бўйича қўшимча жазо тайинлаш масаласининг РФ ЖК 69-моддасининг тўртинчи қисми (ЎзР ЖКнинг 59-моддаси тўртинчи қисми) қоидаларига мувофиқ ҳал қилиниши кўрсатилган.

Қўшимча жазолар тайинлашнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш қўшимча жазо тайинлашнинг ушбу тартиби анча қулай ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Шундай бир мисол келтирайлик: шахс дастлабки ҳукм бўйича уч йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, уч йил ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган. Ахлоқ тузатиш ишларининг бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин ЎзР ЖКнинг 266-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиб асосий жазо сифатида тайинланган озодликдан маҳрум қилишга, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиш қўшимча жазосини тайинлайди. Биринчи ҳукм бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006 йиллар 2-том. Тошкент “Адолат” 2006 йил 225 бет.

тайинланган асосий ва қўшимча жазоларнинг бир қисми ўтаб бўлинган. Бундай ҳолда асосий жазоларни қўшиш 60-модда тартибида амалга оширилади. Қўшимча жазоларни эса агар улар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинишининг ҳар хил турлари бўлса, 60-модда тартибида ҳам, 59-модда тартибида ҳам қисман ёки тўла қўшиш мумкин бўлади. Бундай ҳолда асосий жазолар қисман ёки тўла қўшилиб, қўшимча жазонинг олдинги ҳукм бўйича қолган қисми ва кейинги ҳукм бўйича тайинланган қўшимча жазо асосий жазони ўтаб бўлганидан кейин ижро этилади. Бунда ҳар иккала ҳукм бўйича тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси уч йилдан кўп бўлиши мумкин эмас. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасида ҳар иккала ҳукм бўйича тайинланган қўшимча жазолар ҳар хил бўлганлиги учун ҳам (масалан, биринчи ҳукм бўйича моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан, иккинчи ҳукм бўйича транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тайинланган бўлса) уларни қисман ёки тўла қўшиш йўли билан қатъий қўшимча жазо тайинлаш мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири суд ҳукмида кўрсатилган муддатда алоҳида-алоҳида ижро этилади.

Ўзбекистон олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 46-бандида “Биринчи жиноят содир этилганда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўшимча жазо тури ва миқдори асосий жазо сингари ҳар бир жиноят учун алоҳида, сўнгра эса жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил тайинланиши лозим. Агар қўшимча жазо жиноятлар мажмуига кирувчи бирорта ҳам жиноят учун тайинланмаган бўлса, у жиноятлар мажмуи бўйича қўлланилишимумкин эмас,”-дейлади.¹ Олий суд Пленумининг берган бу тушунтириши фақат битта ҳолда тўғри бўлиши мумкин. Яъни, шахсга нисбатан ҳар иккала ҳукм бўйича айнан бир хил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тайинланган бўлса (масалан, биринчи ҳукм бўйича транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш). Аммо амалда бундай ҳолат деярли учрамайди. Чунки биринчи ҳукм бўйича транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсни, аввало транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйилмайди, иккинчидан, маҳрум қилинган ҳуқуқдан яна қайта маҳрум қилинмайди. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарори қайта кўриб чиқилиши керак. Бу тушунтиришлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006 йиллар 2-том. Тошкент “Адолат” 2006 йил 237-238 бетлар.

қайси ҳолда тўғри? Қачонки, юқорида таъкидлаганимиздек, фақат бир хил бўлган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинлагандагина тўғри бўлади. Масалан, шундай жиноятлар содир этилиб, биринчи ҳукм бўйича ҳам, иккинчи ҳукм бўйича ҳам аниқ бир мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тайинланган бўлса, қисман ёки тўла қўшиш қўлланиши мумкин. Аммо суд қўшимча жазони бирини ҳеч қачон уч йил белгилай олмайди. Чунки амалдаги жиноят қонунида 60-модда бўйича енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш усулидан фойдаланилмайди.

Бизнинг фикримизча, амалдаги жиноят қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб асосий жазоларни ҳам, қўшимча жазоларни ҳам тўла ёки қисман қўшишнинг иложи бўлмаган тақдирда, қоплаш усулидан ҳам фойдаланишга судларга рухсат берилиши керак.

Бир неча ҳукмлар бўйича қўшимча жазо, қатъий тайинланган асосий жазодан кейин эмас, балки ҳар бир жиноят учун ҳукм чиқариш вақтида алоҳида-алоҳида тайинланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни қўшимча жазо сифатида тайинлаш мажбурий тарзда айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида кўрсатилмаган бўлса, суд бу қўшимча жазони тайинлаш мумкинми деган савол туғилади. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқоридаги қарори 9.4-бандида тушунтириш берилган бўлиб, унда шундай дейилади:

“Агар қонун моддасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилмаган бўлса, бу жазо Жиноят кодекси Умумий қисми қоидаларига асосан қўлланилади ва у Жиноят кодекси 45-моддасида белгиланган доирада тайинланади”,¹ дейилади. Шунга кўра, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўрсатилмаган, аммо иш ҳолатларига кўра тайинлаш зарур бўлса, бу жазони тайинлаши мумкин.

Қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин бўлган жазолардан яна бири, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилишдир.

ЎзР ЖКнинг 52-моддасида белгиланишича, ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1997, “Шарқ”, 1-жилд, 53-бет.

қилинганда суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Агар оғир ёки ўта оғир жинояти учун шахс биринчи ҳукм юзасидан жазо тайинлаш вақтида ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилинган бўлса, иккинчи ҳукм юзасидан жазо тайинлаш вақтида яна шундай унвондан маҳрум қилишни тайинлашга ҳожат қолмайди. Бундай ҳолда асосий жазолар ЖКнинг 60-моддаси тартибида қўшилади. Қўшимча жазо эса биринчи ҳукм қонуний кучга кириши билан ижро этилган бўлади.

Агар кейинги жиноят учун тайинланган ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ҳали ижро этилмаган бўлса, ҳар иккала ҳукм юзасидан қатъий тайинланган жазо қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Қонуннинг мазмунига кўра бу қўшимча жазо фақат оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган шахсларгагина қўлланилади.

Агар шахснинг биринчи ҳукм бўйича содир қилган жинояти унча оғир бўлмаган, иккинчи ҳукм бўйича содир қилган жинояти оғир бўлса, суд бу қўшимча жазони тайинламаслиги мумкинми деган савол туғилади.

ЎзР ЖКнинг 52-моддаси 1-қисмининг мазмунини таҳлил қилишдан маълум бўладики, агар содир этилган жиноятнинг хусусияти, мотиви ва айбдорнинг шахсига кўра, суд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни лозим топмаса, бу қўшимча жазони тайинламаслиги мумкин.

ЎзР ЖК 52-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш масаласини суднинг ўзи тайинлаб, ҳал қилаверса, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганда суднинг ҳукми асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

Демак, ЖК 52-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳарбий ёки махсус унвондан суднинг ўзи маҳрум қилиб, ушбу ҳарбий ёки махсус унвонни берган органга маълум қилса, олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республика-сининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган тақдирда ушбу олий ҳарбий ёки махсус унвонни берган давлат органига юборилган тақдимнома билан чиқади. Сўнгра шу

тақдимномага биноан шахс олий ҳарбий ёки махсус унвондан ёхуд давлат мукофотидан маҳрум қилиниши мумкин.

Суд шахсга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш вақтида биринчи жинояти юзасидан чиқарган ҳукмда ушбу олий унвон ёки давлат мукофотидан маҳрум қилиниши кўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, иккинчи жинояти учун ҳукм чиқариш вақтида яна шундай олий мукофотдан маҳрум қилиш тўғрисида тақдимнома билан чиқиб ўтирмайди. Агар шундай мукофотдан биринчи ҳукм юзасидан жазо тайинлаш вақтида маҳрум қилинмаган бўлса, иккинчи ҳукм юзасидан жазо тайинлаш вақтида, агар бунга асослар мавжуд бўлса, маҳрум қилиш тўғрисида тақдимнома билан чиқади. Асосий жазолар эса, ЎзР ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланади.

Демак, олий ҳарбий, олий махсус унвон ёки давлат мукофотидан маҳрум қилиш тўғрисидаги тақдимнома билан чиқиш масаласи 60-модда тартибида қатъий жазо тайинланганидан кейин эмас, балки ҳар бир жиноят учун ҳукм чиқариш вақтида тақдимнома билан тегишли давлат органига чиқилади.

Бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлашнинг бир неча жиноятлар юзасидан жазо тайинлашдан фарқи. Олдинги бобда таъкидланганидек, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман кўшиб қатъий жазо тайинлайди. Лекин суд амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича судда кўрилаётган жиноят ишларининг кўпчилигида айбдорнинг қилмиши Жиноят кодексининг бир неча моддаси билан квалификация қилинган бўлади. Бундай ҳолда жазо тайинлаш масаласи қандай ҳал қилиниши керак деган ҳақли савол туғилади. Шунини эътиборга олиб Жиноят кодексининг 59-моддасида бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари ишлаб чиқилган. Шундай экан, бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш, бир неча жиноят содир этилганлик учун жазо тайинлашдан қандай белгиларига кўра фарқ қилади.

Иккала ҳолатда ҳам бир неча жиноят содир этилади. Улар бир неча жиноят содир этишнинг турлари ҳисобланади. Аммо жазо тайинлашда ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

ЖКнинг 59 ва 60-моддаларида назарда тутилган бир неча жиноятлар ва бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг фарқи қуйидагиларда ифодаланади:

1. Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда шахс икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиб улардан бирортаси учун ҳам ҳали судланмаган бўлади. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда эса, шахс дастлабки жинояти учун ҳукм чиқарилганидан кейин, то жазо муддати тамом бўлмасдан янги жиноят содир этганлиги учун жазо тайинланади.

2. Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда шахсга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати йигирма йилгача, бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланганда эса йигирма беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

3. ЖК 59-моддаси тартибида жазо тайинлаганда содир этилган жиноятлар фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлардан иборат бўлса, жазони енгилроғини оғирроғи билан қоплаш усули қўлланилади. ЖКнинг 60-моддаси бўйича жазо тайинланганда эса бундай қоида қўлланилмайди.

4. ЖК 59-моддаси тартибида жазо тайинлаганда содир этилган жиноятлар фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлардан иборат бўлса, узил-кесил тайинланган жазо айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг энг оғирида назарда тутилган жазо муддатидан ошиб кетмаслиги керак. 60-модда тартибида жазо тайинланганда эса бундай қоида тадбиқ этилмай, ўша жазо турининг ЖК Умумий қисмида назарда тутилган муддат доирасида тайинланади.

Бир неча жиноятлар содир этилганда шахс рецидивист, хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист деб топилмайди. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда шахсга нисбатан хавфли рецидивист сифатида жавобгарликка тортилиб ҳукм қилиниши ёки суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

5. Агар жиноятлар жами, жиноятларнинг идеал жами шаклида бўлса айбдорга жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмаслиги мумкин. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда эса ЖК 56-моддаси биринчи қисмининг “н” бандига кўра оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланиб, жазо тайинланади.

6. Агар бир неча жиноятлар жиноятнинг идеал жами шаклида бўлса, жиноят қонунида назарда тутилган жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш қўлланиши мумкин. Бир неча ҳукмлар бўйича

жазо тайинланганда эса, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш қўлланилмайди.

Юридик адабиётларда бир неча жиноятлар ёки бир неча ҳукмлар деб ҳисоблаш масаласида ҳам турли фикрлар билдирилган.

Бизнинг фикримизча, биринчи ҳукмгача содир этилган барча жиноятлар жиноятларнинг жами тариқасида, биринчи ҳукм ўқилгандан кейин жиноят содир этилган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидаларидан фойдаланиш керак бўлади.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилгандан сўнг маҳкумнинг биринчи иши бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса, жазо бир неча жиноятлар юзасидан тайинланиши керакми ёки бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланиши керакми деган савол туғилади. Бу саволга ЎзР ЖКнинг 59-моддасида жавоб берилган. Бунда “Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша (яъни 59-моддада белгиланган) тартибда тайинланади”, дейилади. Шундай экан, бу ерда ҳар иккала жиноятларнинг ҳам биринчи ҳукмгача содир этганлиги эътиборга олинган.

Агар биринчи ҳукмдан кейин шахс икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиб, уларнинг бирортаси учун ҳам ҳали судланмаган бўлса, жазо тайинлаш тартиби қандай ҳал қилинади деган савол туғилади.

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолда аввал биринчи ҳукмдан кейин содир этилган жиноятлар учун 59-модда қоидаларини қўллаб, бир неча жиноятлар учун қатъий жазо тайинлангандан кейин, олдинги ҳукм бўйича жазонинг ўталмай қолган қисмини кейинги ҳукм бўйича бир неча жиноятлар юзасидан тайинланган қатъий жазога қисман ёки тўла қўшиш орқали қатъий жазо тайинланади.

Шундай қилиб, бир неча жиноятлар ва бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш юқорида айтилган белгиларга кўра бир-биридан фарқ қилади.

6-§. Қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш

ЎзР ЖКнинг 57-моддасида суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун

белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкинлиги белгиланган.

Одатда, судлар жиноят содир этишда айбланаётган шахсга унинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазолардан бирини иш ҳолатларига қараб тайинлайди. Суд ҳар қандай ҳолда ҳам санкцияда кўрсатилганидан бошқа турдаги жазони, шунингдек, санкциясида назарда тутилган жазо муддати чегарасидан четга чиқиб энгилроқ ёки оғирроқ жазо чорасини тайинлай олмайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг мазмунига кўра, ҳар қандай ҳолда ҳам қилмишда қанчалик оғирлаштирувчи ҳолатлари бўлмасин, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида кўрсатилган энг оғир жазонинг энг кўп муддатидан кўп бўлмаслиги керак. Демак, қонунда кўрсатилганидан ҳам оғирроқ жазо тайинланишига умуман йўл қўйилмайди. Аммо ЎзР ЖКнинг 57-моддасига кўра, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган нормада назарда тутилган энг кам жазо муддатидан ҳам камроқ ёки энгилроқ жазо тайинлашга рухсат этилади. Бундай ҳолат жиноят қонунининг инсонпарварлик принципига тўла мос келади.

ЎзР ЖК 57-моддасининг мазмунига кўра, энгилроқ жазо тайинлашнинг иккита вариантыдан фойдаланилади.

1. ЖК Махсус қисмининг нормасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаш;

2. ЖК Махсус қисмининг нормасида назарда тутилмаган бошқа энгилроқ турдаги жазо тайинлаш.

ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаш учун қуйидаги талаблар қўйилади.

1. Жиноят содир қилиш мотиви ва мақсади жиноятни амалга оширишда қатнашганлик даражаси, жиноят содир қилиш вақтидаги ва жиноят содир этилгандан кейинги хулқи, жиноятни очилишига фаол ёрдам берганлиги ҳисобга олинади. Ана шу ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб топилиши керак.

Қонунда кўрсатилганидан ҳам энгилроқ жазо тайинлаш учун айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг

санкциясида альтернатив жазо тариқасида енгилроқ жазо турлари назарда тутилган бўлмаслиги керак.

Масалан, қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни белгиловчи моддаларнинг (97-101-моддалари) санкцияларида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Айтайлик, қасддан одам ўлдириш (97-модданинг 1-қисми) жинояти ҳақида жиддий кўрқитилганлиги туфайли кўп болали аёл хабар бермаслик ҳақида ваъда берса, қасддан одам ўлдиришда иштирокчи деб квалификация қилинади.

Суд бундай иштирокчилик учун ўн йилдан кам бўлган озодликдан маҳрум қилишни тайинлай олмайди. Чунки 97-модданинг 1-қисми санкциясида ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Агар қилмишда 57-модда қоидаларини қўллаш асослари бўлса, суд бу модда қоидаларини қўллаб айбдорга нисбатан санкцияда кўрсатилган энг кам муддатидан ҳам камроқ, аммо олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлаши мумкин.

ЖК Махсус қисмида назарда тутилган моддаларнинг асосий кўпчилик қисми жиноятларнинг мураккаб турлари ва жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари учун асосан нисбий муайян санкция тариқасида озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Агар иш ҳолатларига кўра, жазонинг енгилроғини тайинлаш зарурати келиб чиқса, суд ЖК 57-моддасининг қоидаларини қўллаши мумкин.

ЖК 57-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган енгилроқ жазо тайинлашда айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилмаган, аммо ЖК Умумий қисмида кўрсатилган енгилроқ турдаги жазони тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Енгилроқ жазо тайинлашнинг бу тури енгиллаштиришнинг алоҳида ҳолатлари ёки бир вақтда бир неча енгиллаштиришга асос бўладиган ҳолатлар мавжуд бўлса, қўлланади.

Қонунда айнан қандай енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкинлиги кўрсатилмаган. Суд иш ҳолатларига қараб ЖК 43-моддасида назарда тутилган жазолардан бирини тайинлаши мумкин. Ана шу жазоларнинг қайси бирининг енгилроқ жазо эканлиги ЖК 43-моддаси тартибида жойлаштирилган жазо турининг ундан юқорида жойлашган жазо енгилроқ ҳисобланади. Чунки 43-моддада назарда тутилган жазолар энг енгилдан энг оғирга қараб жойлаштирилган.

Суд бошқа турдаги енгилроқ жазони тайинлашда, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинланган тақдирда ҳам адолатсизлик бўлади деган хулосага келса, бошқа енгилроқ жазони тайинлайди. Аммо суд енгилроқ жазо тайинлаганда шу жазо турининг энг кам қисмидан камроқни тайинлаб олмайди. Масалан, жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан кам, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш бир йилдан кам, ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан кам бўлмаслиги керак.

Агарда айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида асосий жазо билан бирга қўшимча жазони тайинлаш мажбурий тарзда назарда тутилган бўлса ва суд қўшимча жазони иш ҳолатларини ҳисобга олиб, тайинлашни лозим топмаса, суд ЎЗР ЖКнинг 57-моддаси қоидаларини қўллаб, қўшимча жазони тайинламасликлари мумкин.

Маълумки, ЖК Махсус қисми моддаларида вояга етмаганлар учун жазо тури ва муддати алоҳида белгиланмаган. Вояга етмаганнинг қилмиши квалификация қилинган норма билан жазо тайинлашда ўша норманинг санкциясида кўрсатилган жазо тури эмас, балки ЖК Умумий қисмининг 82-85-моддаларида назарда тутилган жазоларнинг муддатлари доирасида тайинланади. Вояга етмаганларга бундай тартибда жазо тайинлашда ЖК нинг 57-моддаси қоидаларига мурожаат қилинмайди ва тўғридан-тўғри 82-85-моддаларда назарда тутилган жазо тури муддати доирасида тайинланади.

ЎЗР ЖК 50-моддасининг тўртинчи қисмида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган. Озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас дейилади. Бундай шахслар учун белгиланган ўша норма санкциясида назарда тутилган энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмига тенгдир.

Қонун мазмунига кўра, енгилроқ жазони тайинлаш чекланмаган. Ҳар қандай жиноят содир этган ва ҳар қандай шахсларга нисбатан агар иш ҳолатлари буни тақозо қилса, қўлланиши мумкин.

Маълумки, иштирокчиликда содир этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилишда айбланаётган шахсларга нисбатан ҳам умумий асосларда жазо тайинланади. Агар иш ҳолатлари тақозо

қилса, бундай шахсларга нисбатан 57-модда қоидалари асосида енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

7-§. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш

ЖК Махсус қисми моддаларида тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаган. Бундай жиноятларни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган бўлсада, уларга жазо тайинлашда ҳисобга олиш қоидалари қонунда назарда тутилмаган.

ЎзР ЖКнинг 25-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, жиноят содир этиш учун ёки уни яшириш учун олдиндан шарт-шароит яратувчи қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади ва бундай ҳаракатлар жиноятга тайёргарлик кўриш жиноятининг жиноят таркибини ташкил қилади. Аммо қонунда жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида тўхтатилганлиги учун алоҳида жавобгарлик белгиланмай, ЖК Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи норма доирасида жавобгарлик белгиланиб, муайян жазо тури доирасида жазо тайинланади.

Қонунда жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жазо тури ва муддатини белгилаш масаласи судга ҳавола қилинган. Суд жиноятга тайёргарлик кўришда муайян жиноят таркиби объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар ҳали бошланмаганлиги, қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга бевосита тажовуз бошланмаганлиги ва бу ижтимоий муносабатга ҳам зарар етказилмаганлигини ҳисобга олиб, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясидаги энг енгил жазо турини тайинлаши, ёки ЖК 57-моддасининг қоидаларини қўлланган ҳолда енгилроқ жазо турини қўллаши мумкин. Жиноятга тайёргарлик кўришни ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятга суиқасд қилиш ёки тамом бўлган жиноятга нисбатан анча кам бўлганлиги, муайян моддасининг санкциясида назарда тутилган энг енгил жазони тайинлашга ёки ЖК 57-моддасининг қоидаларини қўллаган ҳолда қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Жиноятга суиқасд қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятга тайёргарлик кўришга нисбатан оғирроқ, тамом бўлган жиноятга нисбатан енгилроқдир.

ЎзР ЖК 25-моддаси иккинчи қисмида айтилишига кўра, жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд қилиш деб топилади. Қилмишда жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга тажовуз қилиш бошланиб, тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат зарар етказилиши хавфи остида қолдирилиши ёки маълум даражада зарар етказилиши мумкин, аммо қонунда назарда тутилган ижтимоий хавfli оқибат келиб чиқмайди. Шунга кўра, тамом бўлган жиноятга нисбатан жиноятга суиқасд қилишнинг ижтимоий хавfliлик даражаси камроқ бўлади. Суд жиноятга суиқасд қилганлик учун жазо тайинлашда ана шундай ҳолатни ҳисобга олиб, муайян модданинг санкциясида назарда тутилган жазо тури ва муддати доирасида тайинланадиган жазога нисбатан камроқ бўлган муддат ёки миқдорини тайинлайди.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг моҳияти ва мазмуни бошқачароқдир.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг шакллари ЖКнинг 29-моддасида назарда тутилган ва ЖК Махсус қисми моддаларида иштирокчиликнинг оддий, мураккаб турлари уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан содир қилинганлиги учун жавобгарлик белгиланиб, шунга мувофиқ равишда жазо муддати ҳам белгиланган. Суд жазо тайинлашда бир гуруҳ шахслар иштирокчиликнинг қандай шаклида содир этилганлигига қараб жазо тайинлайверади. Агарда бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан содир этилганлиги қилмишнинг жиноят таркиби доирасига киритилмаган ва квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилмаган бўлса, суд бундай шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ЎзР ЖК 56-моддаси биринчи қисмининг «м» бандига асосланиб жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисоблаб, айбдорларнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган оғирроқ жазони ёки жазонинг энг кўп муддатига ёки миқдorigа яқин бўлган қисмини тайинлайди.

Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашдаги муаммо шундаки, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни икки гуруҳга бўлиб, биринчи гуруҳга жиноятни бевосита бажарувчиси сифатида қатнашган шахсларга, иккинчи гуруҳга жиноят объектив томонини бажаришда умуман қатнашмаган, аммо жиноятда иштирокчи сифатида квалификация қилинган шахсларни киритилади.

ЖК Махсус қисми моддаларида эса фақат бир гуруҳ шахслар томонидан, яъни бажарувчи сифатида қатнашган шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилади. Шундай экан, муайян жиноятни амалга оширишда бевосита қатнашмаган, аммо иштирокчи сифатида жавобгарликка тортилган шахсларнинг жавобгарлиги ва уларга нисбатан жазо тайинлаш масаласи қандай ҳал қилиниши керак? ЎзР ЖКнинг 28-моддасида белгиланишига кўра, жиноятнинг ташкилотчиси, далолатчиси ва ёрдамчилари жиноят иштирокчилари ҳисобланади. Улар жиноятнинг бажарувчилари амалга ошираётган жиноятда бевосита қатнашмайди, яъни муайян жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларда умуман қатнашмайди. ЖК Махсус қисми моддаларида ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар эса йўқ.

Аммо ЎзР ЖКнинг 30-моддасида ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчисини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортилади, дейилади. Демак, ушбу қонун нормасининг мазмунига кўра, жиноятнинг бажарувчиси ЖК Махсус қисмининг қайси нормаси билан квалификация қилинган бўлса, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилари ҳам ўша норма билан квалификация қилинади ва жазо ҳам ўша норма санкцияси доирасида тайинланади.

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар жиноятни амалга оширишда, бевосита қатнашмаганлиги туфайли уларга бажарувчисига нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш мумкинми деган савол туғилади. Назарий жиҳатдан олганда уларга бажарувчига нисбатан енгилроқ жазо тайинланиши керак. Аммо бундай қоида қатъий белгиланган қоида бўлмасдан, суд буларга жазо тайинлашда ишнинг барча ҳолатларини, яъни жиноятда иштирок этишнинг мотиви ва мақсади ташкилотчилик, далолатчилик, ёрдамчилик даражаси ва жиноятни амалга оширишда улар иштирокчиликнинг аҳамияти, жиноятда иштирок этаётган кишининг шахси ва ҳоказо ҳолатлар ҳисобга олинади. Амалда шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкинки, бажарувчига нисбатан ташкилотчига ёки далолатчига ёхуд ёрдамчига улар қилмиши квалификация қилинган санкция доирасида оғирроқ жазо чораси тайинланиши мумкин.

Айтайлик, далолатчи олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан, жиноят содир этишда тажрибага эга бўлмаган бажарувчиси эса вояга етмаган ва биринчи марта жиноят содир қилган бўлиши мумкин.

Амалда умумий қоидага кўра, жиноят ташкилотчиси ва далолатчисига нисбатан ёрдамчиларга енгилроқ жазо тайинланади. Аммо қонунда албатта, жазони енгиллаштириш ёки оғирлаштириш назарда тутилмаган.

Демак, иштирокчиларнинг қайси бирига енгилроқ, қайси бирига оғирроқ жазо тайинлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилмаган.

Қайси бирига оғирроқ жазо тайинлашда суд иш ҳолатларига қараб, иштирок этишининг мотиви ва мақсади, характери, қатнашиш даражаси, улар иштирокининг жиноятни амалга оширишга таъсири, жиноят натижасида келтирилган зарарда унинг таъсири, қурол ва воситалар билан таъминлаши ва ҳоказолар ҳисобга олиниб жазо тайинланади.

Жазо тайинлашда ҳар бир иштирокчининг ўзига тегишли енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

16-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жазо тайинлашнинг умумий асослари деганда нимани тушунасиз?
2. Суд жазо тайинлашда нималарни ҳисобга олиши керак?
3. Жиноятларнинг хусусияти деганда нималарни тушунасиз?
4. Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги деганда нимани тушунасиз?
5. Жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти деганда нимани тушунасиз?
6. Жиноят туфайли етказилган зарарнинг миқдорларини айтинг?
7. Айбдорнинг шахси деганда нималарни тушунасиз?
8. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деганда нимани тушунасиз?
9. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг ҳуқуқий аҳамияти нималарда ифодаланади?
10. Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби қандай?
11. Бир неча жиноятлар юзасидан қўшимча жазоларни тайинлаш тартиби қандай?
12. Бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш тартиби қандай?

Фойдаланилган ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар.Т: “Адолат”, 1997. 76-86-бетлар.
2. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М: 2001, ст.42-60.
3. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М: “Юристъ”, ст.334-365.
4. С.И. Дементьев. Лишение свободы. Уголовно-правовая и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1981.
5. И.С.Ной. Вопросы теории наказания в Советском уголовном праве. Саратов, 1962.
6. Н.А.Беляев. Уголовно правовая политика и пути её реализации. М: 1986.
7. М.Д.Шаргородский. Наказание, его цели и эффективность. М: 1973.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1997.Т.: 1997.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 28 декабрь, 1999 йил 30 апрель ва 1999 йил 4 майдаги қарорлари. Т: 1999.
10. Курс уголовного права. Т-1,2. под ред. Н.Ф.Кузнецова, И.М.Тяжкова. М.: “Зерцало”, 1998.
11. В.С.Комиссарова. Р.Х.Якупова. Уголовное наказания: Вопросы и ответы. М.: “Зерцало”, 1998.
12. Л.В.Иногамова-Хегай. Конкуренция уголовно-правовым норм о наказание. «Государство и право». 2001.
13. Усмоналиев М. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари. Т.: ТДЮИ. 2003.
14. А.Л.Цветинович. Дополнительные наказания. Саратов. 1989.
15. Н.Кристи. Пределы наказания. Перевод с английского В.М.Когана. М.: “Прогресс”, 1985.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОДҚИЛИШ

ХҲП БОБ. ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОДҚИЛИШ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

1-§. Жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси ва турлари

Умумий қоидага кўра, жиноят содир қилишда айбланаётган шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, Жиноят кодексида белгиланган асосларда жиноий жазо тайинланади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг ҳаракатида (ҳаракатсизлигида) Жиноят кодекси Махсус қисмининг у ёки бу моддасида назарда тутилган жиноятнинг барча белгилари ва тергов материаллари орқали жиноят тўла аниқланган бўлиши керак. Ана шундагина шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Бундай талаб Конституциявий талаб бўлиб, Конституциянинг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», дейилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг инсонпарвар-лик принципларидан энг муҳими, жиноят содир этишда айбланаётган барча шахсларни жиноий жавобгарликка тортавермай, жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлган бир қатор жавобгарликдан озод қилишнинг назарда тутилганлигидир.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий институтлар, жавобгарликдан озод қилишнинг бошқа турларидан, яъни қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар: кам аҳамиятли қилмишлар (36-модда), зарурий мудофаа (37-модда), охирги зарурат (38-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (39-модда), буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш (40-модда), касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (41-модда) дан фарқ қилади.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турларида жиноят таркибининг бирорта белгиси этишмаслиги туфайли (масалан, айбнинг йўқлиги) қилмиш жиноят ҳисобланмайди.

Таҳлил этилаётган жавобгарликдан озод қилишда эса ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноят содир этилган, тергов ҳужжатлари орқали жиноят тўла исботланган бўлади. Шунингдек, жиноят ҳисобланмаган бошқа ҳуқуқ бузишларга нисбатан жиноят қонунида назарда тутилган нормаларни қўллаб жавобгарликдан озод қилиш ҳам мумкин эмас. Чунки бу ерда фақат жинойий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида гап боради.

Шунингдек, қилмиш нотўғри квалификация қилиниб, жинойий жавобгарликка тортилган шахсни жавобгарликдан озод қилиш ҳам жавобгарликдан озод қилишга кирмайди. Бундай ҳолда жавобгарликдан озод қилиш эмас, балки реабилитация қилиш ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят кодексида жавобгарликдан озод қилишнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

1) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (64-модда);

2) қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда);

3) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда);

4) ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда);

5) касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда);

6) амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турлари вояга етган ва вояга етмаганларга нисбатан бирдай қўлланилиши мумкин.

Булардан ташқари, вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилишни (87-модда) қўлланилиши ҳам мумкин.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳга суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган турлари;

иккинчи гуруҳга фақат суд томонидан жавобгарликдан озод қилинадиган турларини киритиш мумкин.

Биринчи гуруҳга жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш ва амнистия акти асосида суриштирувчи, терговчи ёки

прокурор ҳам ушбу амнистия актини қўллаш ҳуқуқи берилган амнистия актлари орқали жавобгарликдан озод қилиш киради.

ЎзР ЖПК нинг 84-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, шунинг тугатилиш тўғрисида айтилади.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бошқа барча турлари фақат суд томонидан қўлланади. Аммо Жиноят кодексидаги жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлган моддаларнинг бирортасида жавобгарликдан озод қилишни фақат суд томонидан қўлланилиши тўғрисида айтилмаган. Аммо жазодан озод қилишни назарда тутувчи моддаларнинг деярли барчасида жазодан фақат суд озод қилиши мумкинлиги қайд қилинган. Шунга кўра, жавобгарликдан суд ёки бошқа жиноят процесси иштирокчиси томонидан озод қилиниши қонунда аниқ кўрсатиб қўйилиши керак.

Жавобгарликдан озод қилишни қўлланиши мумкин бўлган шахсларнинг содир қилган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъи назар, жавобгарликдан озод қилишни қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар.

Буларга:

1) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (64-модда);

2) касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда);

3) амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (68-модда).

Иккинчи гуруҳга фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жавобгарликдан озод қилиш.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) қилмиш ёки шахс махсус ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда);

2) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда);

3) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда).

Жавобгарликдан озод қилишнинг ҳар бирини қўллаш учун уларнинг ҳар бири учун умумий бўлган шартлар содир этилган жиноятнинг ижтимоий ўзига хос шартлари бўлсада, уларнинг барчаси учун умумий бўлган шартлар содир этилган жиноятнинг хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят эканлиги ва жиноятнинг биринчи марта содир этилганлигидир.

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан, касаллик туфайли, амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш суднинг мажбурияти бўлса, қолган барча ҳолатларда иш ҳолатлари ва озод қилишнинг асослари бор ёки йўқ эканлигига аҳамият берилади. Бунда жиноятнинг ижтимоий хавфининг катта бўлмаслиги ва жиноят биринчи марта содир этилганлигидан ташқари содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва жиноят содир қилган киши шахсини ифодаловчи ҳолатлар мажмуи ҳам ҳисобга олинади.

Агарда шахс муайян жиноят содир этилишида ўзининг айби йўқ эканлигини айтиб жавобгарликдан озод қилишни талаб қилаётган бўлса, ЖКнинг жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи моддалари асосида озод қилиш қўлланмай унинг муайян жиноятда айби йўқ эканлигини исботлашга қаратилган процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак.

Жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисобланадилар.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш қуйидаги белгиларига кўра, жиноий жазодан озод қилишдан фарқ қилади:

1) жавобгарликдан озод қилиш асосан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги билан боғлиқ бўлса, жиноий жазодан озод қилиш эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси билан барча ҳолда ҳам боғлиқ эмас;

2) жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг айрим турлари суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан (масалан, амнистия актини қўллаш) қўлланса, жазодан озод қилиш фақат суд томонидан қўлланади;

3) жиноий жавобгарликдан озод қилиш гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўлланса, жазодан озод қилиш эса, муайян жиноий жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланади;

4) жавобгарликдан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисоблансалар, жазодан озод қилинган шахслар эса судланган ҳисобланадилар.

Айтиш керакки, жавобгарликдан озод қилиш шахсни айбсиз деб топиш бўлмасдан, балки жавобгарликдан озод қилишдир. Жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахс фуқаровий- ҳуқуқий мажбуриятлардан озод қилинмайди. Масалан, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашдан ва бошқа тўловлардан озод қилинмайди.

2-§. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

Жиноят содир этилган пайтдан бошлаб жиноят қонунида белгиланган муддатларнинг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаган муддатлар жиноий жавобгарликдан озод қилиш муддатлари деб айтилади.

Жиноят қонуни ўзининг инсонпарварлик принципларига асосланиб, жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини белгилаган. Бу муддатларнинг қонунда белгиланиши шахсни умрининг охиригача жиноий жавобгарликка тортилиш таҳликаси остида яшаш ташвишидан қутқаради. Иккинчи томондан, шундай муддатларнинг белгиланмаслиги жиноят учун қасд олиш мақсадининг сақланиб қолиши ва ЖКнинг 42-моддаси иккинчи қисмидаги жазонинг мақсади ўз аҳамиятини йўқотган бўлар эди.

Ушбу муддатларнинг белгиланишининг аҳамияти яна шундаки, агар жиноят содир этган шахс жиноят қонунида белгиланган муддатлар ичида янги жиноят содир этмаса, унинг жамият учун ижтимоий хавфлилигини йўқотган ёки унча хавф туғдирмайди деган хулосага келинади. Бундан ташқари, жиноят содир этилган пайтдан бошлаб қонунда белгиланган муддатлар ўтиб кетганидан кейин кишилар онгидаги шу қилмишга муносабат ҳам аста-секин ўзгариб боради. Шунга кўра, кўп йиллар ўтиб кетганлигига қарамай, ўтмишда содир этилган жиноятни яна қўзғатиш, кишилар ҳаётида алғов-далғовликлар вужудга келтириш фуқаровий-ҳуқуқий онг нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Бундан ташқари, йиллар ўтиши билан жиноят тўғрисидаги ахборот, яъни исботлаш асослари бўлган ашёвий ва бошқа далиллар эскиради, бузилади, йўқолади, тергов қилиш ҳужжатлари ҳам

эскиради. Аммо бу айтилганлар жиноят-процессуал ва криминалистика фанига тегишли бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга дахли йўқ. ЎзР ЖКнинг 64-моддасида белгиланишига кўра, жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб—уч йил;

б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб—беш йил;

в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн йил;

г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно) ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади. Жавобгарликка тортиш муддатларига дастлабки тергов вақти, жиноят иши прокурорда айблов хулосаси учун бўлган вақт, суд таркиби томонидан ҳукмга қўл қўйилган ва ҳукмни эълон қилиш вақти, кассация шикоятни туфайли кассация судида кўрилган вақт ва ҳукм кассация судида ўзгаришсиз қолдирилган вақтлар кирди.

Моддий ва давомли жиноятларда жиноят содир этилган вақтни ҳисоблаш масаласи биров мураккаброқ. Моддий жиноятлар содир этилган вақти ЎзР ЖКнинг 13-моддасига мувофиқ аниқланади. Узоққа чўзилган жиноятларда жиноий қилмиш тўхтатилган вақт жиноят содир этиш вақти деб олинади. Давомли жиноятларда охириги жиноий ҳаракат содир қилинган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Муддатларни ҳисоблашда жиноят содир қилинган соатдаги кундан эмас, ўша кун тамом бўлиб, сутканинг 24.00 дан кейинги вақтидан бошлаб ҳисобланади.

ЎзР ЖК 64-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтишининг қонунда белгиланган шартлари борки, ана шу шартлар бўлсагина бу муддатлар ҳисобланади. Бу шартлар қуйидагича:

1) агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс терговдан ёки суддан яширинса, муддатининг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатининг ўтиши қайтадан тикланади. Бунда олдин тергов ёки суддан яширингунча қанча вақт ўтганлигининг аҳамияти

йўқ, яъни 64-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддат қайтадан бошланади;

2) агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатининг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари олдинги жинояти учун ҳам янги жиноят содир этган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлмаса, янги қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар муддатлари ўтишини узмайди ва муддатларнинг ўтиши алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (ўлим жазоси тайинлаш назарда тутилган жиноят ёки тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахслар бундан мустасно).

Содир этилган жиноят учун ЖК Махсус қисмининг моддасида **умирбод озодликдан маҳрум қилиш** жазоси тайинлаш назарда тутилган бўлса, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, **умирбод озодликдан маҳрум қилиш** жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

ЖК 64-моддасида назарда тутилган муддатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланмайди.

Жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш масаласи дастлабки тергов босқичида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят иши бекор қилинади. Ишни судда кўриш вақтида жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетса, суд томонидан агар муайян жиноятни содир этишда шахс ўзининг айби йўқ эканлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни талаб қилса, ЖК 64-моддаси қоидалари асосида озод қилинмайди, унинг айби бор ёки йўқлиги аниқланади. Бундай ҳолда жиноят иши бекор қилинмай, умумий тартибда давом эттирилади ва айби йўқ эканлиги исботланса, иш бекор қилинади.

3-§. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

ЎзР ЖКнинг 65-моддасида жавобгарликдан озод қилишнинг иккита бир-бирига яқин бўлган турлари назарда тутилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Иккинчи қисмида эса ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топилса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг биринчи турида объектив равишда юз берган ўзгаришлар туфайли, содир этиш пайтида ижтимоий хавфли ҳисобланган қилмиш шароит ўзгарганлиги учун ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги туфайли шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг ҳожати қолмайди.

А. нинг ҳовлиси маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўл бўйида жойлашган бўлиб, йўл четига экилган катта дарахтлар ҳовлига соя солиб турар, натижада у ҳовлисидан ҳосил ололмас, зах туфайли уйига ҳам зарар етган, оила аъзолари тез-тез касалланиб турганлигидан шикоят қилиб, ушбу дарахтларни кесиб ташлаш, ўрнига пастрок ўсадиган дарахтларни экишни сўраб туман ҳокимиятига бир неча марта мурожаат қилади. Аммо унинг илтимоси қондирилмас, оилавий аҳвол ёмонлашиб борар эди. Шундан кейин ҳовлисига соя солиб турадиган дарахтларни кесиб ташлайди. Унинг қилмиши учун ЎзР ЖКнинг 198-моддаси билан жиноят иши кўзғатилади. Аммо кўп ўтмасдан шу кўча ўрнига катта давлат аҳамиятига эга бўлган йўл ўтиши туфайли йўл четидаги дарахтлар олиб ташлана бошлайди. Шароит ўзгарганлиги учун содир этилган қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб суд А.ни ЎзР ЖКнинг 65-моддаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилади.

Қилмиш содир этилган вақтида жиноят бўлиб, шароит ўзгарганлиги туфайли маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортиладиган қилмиш бўлиб қолиши мумкин.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турида жиноят қонунида ўзгариш юз берганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни назарда тутмайди, балки жиноят содир этилган вақтдагига нисбатан ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида объектив

равишда қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги назарда тутилади.

ЖК 65-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтидагина шароит ўзгарганлиги туфайли қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни назарда тутлади. Ҳукм қонуний кучга кириб шахс жазони ўташ вақтида шароит ўзгариб қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган бўлса, ЖКнинг 65-моддаси асосида шахсни жавобгарликдан озод қилиш мумкинми, деган савол туғилади. Қонун мазмунига кўра, фақат ишни тергов қилиш ва судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайлигина жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилади. Ҳукм чиққанидан кейин ёки жазони ўташ вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотган тақдирда ЎзР ЖКнинг 65-моддаси қоидаларини қўллаб жавобгарликдан озод қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолда жазодан озод қилишни назарда тутувчи бошқа нормалар қўлланиб жазодан озод қилиш мумкин.

ЎзР ЖКнинг 65-моддасида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилишнинг иккинчи тури ҳам жиноят содир этилган вақтидаги шароитга нисбатан, ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароитнинг ўзгарганлиги билан боғланади. Аммо шароитнинг ўзгарганлиги туфайли шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган, деб топилиши керак. Бунда умуман шароитнинг ўзгарганлиги эмас, балки шахснинг атрофини ўраб турган муҳитда ўзгаришлар юз берганлиги назарда тутилади. Яъни шахснинг атрофини ўраб турган муҳитда юз берган ўзгаришлар шахснинг руҳий ҳолатига таъсир қилиши унинг шахсини ижтимоий хавфлигини йўқотишига сабаб бўлган бўлиши керак.

Б. пахта даласи бригадири ва сувчи С. катта майдондаги ғўзаларга сув тараб қўйган эдилар. Куннинг исиб кетганлигидан шикоят қилиб, Б.нинг таклифи билан икковлари пиво ичиб келиш учун далани қаровсиз қолдириб, туман марказига кетадилар. Улар туман марказига кетганларидан кейин сув кўп миқдорда келиб, энди очилиш олдида турган анча майдондаги ғўзани сув босади. Б.нинг устидан ЎзР ЖКнинг 207-моддаси билан жиноят иши кўзғатилади. Б. барча танишлари ва қариндошлари илтимос қилгани учун улар ер майдонида кўл бўлиб ётган сувни тезлик билан зовурларга оқизиб, ғўзаларга ишлов беришга ёрдам бердилар. Қилинган ишлар туфайли ғўзалар сақланиб қолинади ва биринчи теримдаёқ пахта топшириш

давлат режаси 105 фоизга бажарилади. Б. шахси шу қилмишни содир қилиш вақтида ижтимоий хавфли бўлган бўлса, ишни судда кўриш вақтида Б.нинг шахси ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб ЎЗР ЖКнинг 65-моддаси иккинчи қисми асосида жавобгарликдан озод қилинади.

Суд амалиётида жиноят содир қилган шахснинг ҳарбий хизматга чақирилиши, болаларига нафақа (алимент) тўлашдан бош тортиб юрган шахснинг ўз оиласига қайтиши, бахтсиз ходиса туфайли шахснинг ногирон бўлиб қолганлиги, жиноят содир қилган шахснинг қахрамонлик намуналарини кўрсатганлиги ва хоказоларни айтиш мумкин. Демак, шароитнинг ўзгарганлиги деганда умуман шароитнинг ўзгарганлиги тушунилмайди, аниқ бир шахсга тегишли шароитнинг ўзгарганлиги назарда тутилади.

Шароитнинг ўзгариши ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида қилмиши ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги дастлабки тергов ҳаракатлари энди бошланганда, ишни судда муҳокама қилиш вақтида ёки ишни судда кўришнинг кейинги босқичларида юз бериши мумкин.

Жавобгарликдан озод қилиш, бу ҳақда қонунда аниқ кўрсатилган бўлмасада фақат суд томонидан амалга оширилади.

Агар шахс ўзини ЎЗР ЖКнинг 65-моддаси асосида жавобгарликдан озод қилинишига норози бўлса, у жавобгарликдан озод қилинмай, жиноят ишини тергов қилиш ёки судда кўриш давом эттирилади ва оқлов ҳукми ёки айблов ҳукми чиқарилади.

Шахс ЎЗР ЖКнинг 65-моддаси асосида жавобгарликдан озод қилинар экан, озод қилинганга нисбатан қонунда белгиланган бирон бир шарт ёки чеклаш қўлланилмайди.

4-§. Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

ЎЗР ЖКнинг 66-моддасида белгиланишича, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир қилинганидан кейин жиноят туфайли келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу тури жиноят қонунида янги институт бўлиб, 1959 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига маълум эмас эди.

ЎЗР ЖКнинг 66-моддасида шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг шартлари назарда тутилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этилганлиги;

б) жиноят туфайли келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилинганлиги;

в) айбини бўйнига олиб, жиноий қилмиши тўғрисида ҳокимият идораларига ёхуд расмий шахсларга ихтиёрий равишда мурожаат қилинганлиги ва чин кўнгилдан қилмишига пушаймон бўлганлиги.

Шахсни ЖКнинг 66-моддаси асосида жавобгарликдан озод қилиш учун ана шу юқорида келтирилган шартларнинг барчаси бўлиши керак. Агар қилмишда ана шу кўрсатилган шартлардан фақат биттаси мавжуд бўлса, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланиши мумкин, аммо жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўла олмайди. Бу шартларнинг барчаси мавжуд бўлсагина шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тушунчаси ЎЗР ЖКнинг 15-моддасида берилган. Шундай жиноятни биринчи марта содир этганлик ёки олдин шундай жиноятни содир қилган бўлиб, ўша жиноят учун ЖК 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, қўлланиши мумкинлиги назарда тутилади.

Келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш деганда жиноят натижасида етказилган моддий зарар, қасддан ёки эҳтиётсизликдан нобуд қилинган мулкнинг натура ёки пул шаклида, ёки меҳнати билан тўлаш тушунилади. Келтирилган зарарни тўлаб, чин кўнгилдан қилмишига пушаймон бўлишнинг белгилари қуйидагилардир:

1) жиноят натижасида етказилган зарарни ўз ихтиёри билан тўлаш ёки талон-торож қилинган мулкни ўз ихтиёри билан эгасига қайтариш ёки тергов органларига топшириш;

2) етказилган моддий зарарни ўз ихтиёри билан пул билан тўлаб қоплаш;

3) жабрланувчига жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни айбдор ўз кучлари ёки маблағлари билан тиклаш.

Етказилган маънавий зарар жабрланувчидан кечирим сўраш орқали амалга оширилади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш ва қилмишига пушаймон бўлиш деганда айбдорнинг ўз ихтиёри билан ҳеч қандай мажбурлашларсиз хабар қилганлиги ёки тегишли давлат идораларига келганлиги тушунилади. Бунда шахснинг хоҳишига қарши тегишли давлат идораларига келишга мажбур қилинган бўлмаслиги керак. Лекин, шу идораларга боришга илтимос қилинган бўлиши мумкин. Шахснинг тегишли давлат идораларига бориб, қилмиши ҳақида арз қилиш учун муайян тўсиқлар бўлганлиги туфайли ўзи шахсан боришининг иложи бўлмаса, телефон орқали ёки бирор киши орқали хабар бериши ва сўнг ўзини тегишли давлат органи ходимлари қўлига топшириб, ЖКнинг 66-моддасида кўрсатилган шартларни бажариши мумкин.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб, чин кўнгилдан қилмишига пушаймон бўлиш, тегишли давлат органларига ҳали маълум бўлмаган ва жиноят иши қўзғатилмаган, шунингдек, давлат идораларига маълум бўлган ва жиноят иши қўзғатилган жиноят юзасидан қилинган бўлиши мумкин. Аммо бу жиноят тегишли давлат органларига маълум бўлсада, ҳали тўла очилган бўлмаслиги керак.

Шахс терговдан ёки суддан қочиб унга нисбатан қидирув эълон қилингандан сўнг қандайдир сабабларга кўра, ўз ихтиёри билан тегишли давлат органига ўзини топширса, бу жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўла олмайди.

Жиноятни очишга фаол ёрдам берганлик деганда тергов органларига жиноят ҳақидаги ҳақиқий ҳолатларни аниқлашга, жиноят иштирокчилиқда содир этилган бўлса, иштирокчиларни фош қилишга, жиноят қуроллари ва воситаларни аниқлаш ва олишга, жабрланувчига тегишли талон-торож натижасида қўлга киритилган мулкни аниқлаш ва ҳоказоларга фаол ёрдам берганлик назарда тутилади.

Қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлишни қуйидаги ҳаракатлари билан исботлаш мумкин:

содир этган жиноятини тан олиб айбини бўйнига олиш, сўроқ қилиш ва юзлаштириш вақтларида жиноят ҳақида аниқ ва тўғри кўрсатмалар бериш, тергов органлари учун муҳим бўлган маълумотларни бериб, муҳим процессуал қарорлар қабул қилинишида ҳамда тергов ҳаракатларининг тўғри йўналишда олиб борилишига ёрдам бериш каби ҳаракатлари орқали;

милиция ёки бошқа суриштирув органи ходимлари билан тезкор-қидирув аъзоларининг яширинган жойларини аниқлаш ва уларни қўлга олишда ёрдам бериш ҳаракатларида ифодаланади.

Жиноят натижасида етказилган маънавий зарар жабрланув-чидан кечирим сўраш орқали қопланиши мумкин.

Кечирим сўраш расмий равишда жамоатчилик йиғилишида жабрланувчи иштирокида ёки оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши мумкин. Айниқса, ҳақорат қилиш ёки тухмат қилиш жиноятлари содир этилганда бундай шаклда кечирим сўраш яхши натижаларга олиб келиши мумкин.

Эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда эҳтиётсизлик натижасида етказилган зарарни қоплаш, жабрланувчининг тиббий даволаниш харажатларига оила аъзоларига моддий ёрдам бериш каби ҳаракатлар етказилган зарарни қоплаши мумкин.

Қонун мазмунига кўра, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати жавобгарликдан озод қилиш фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган шахсларга нисбатан қўлланади.

ЎзР ЖКнинг 15-моддаси мазмунига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазолар назарда тутилган ва қасддан қилинадиган жиноят учун қонунда уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноят учун қонунда беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киритилган.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳамда эҳтиётсизликдан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киритилган.

ЖК Махсус қисмининг айрим моддаларининг ўзида жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган. Жумладан, 155-модданинг (терроризм) тўртинчи қисми, 157-модданинг (давлатга хоинлик қилиш) иккинчи қисми, 160-модданинг (жосуслик) иккинчи қисми, 211-модданинг (пора бериш) тўртинчи қисми ва ҳоказолар.

ЎзР ЖКнинг 66-моддасида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилиш ЖК Махсус қисмида назарда тутилган барча ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга нисбатан тадбиқ этилса, Махсус қисми моддасида кўрсатилган жавобгарликдан озод

қилиш фақат ўша модданинг ўзида кўрсатилган жиноятларнинг ўзи учун, агар бунга ўша моддада назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, қўлланиши мумкин.

5-§. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти жиноят ҳуқуқида янги ҳисобланади. Жавобгарликдан озод қилишнинг бундай тури 1959 йилда қабул қилинган ЖК да ҳамда амалдаги 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексининг дастлабки таҳририда назарда тутилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ олтинчи сессияси суд-ҳуқук тизимини либераллаштиришда муҳим босқич бўлди. Бу сессияда «Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят- процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилиниб, ана шу қонунга мувофиқ ЎЗР ЖК 66¹ -моддаси билан тўлдирилди»¹.

ЎЗР ЖК 66¹ -моддасида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган. Ушбу моддада кўрсатилганидан бошқа жиноятлар юзасидан жабрланувчи ва жиноят ўртасида келишув юз берган тақдирда 66¹ -модда қоидалари асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинмай, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бошқа моддаларда назарда тутилган (Масалан, 65 ёки 66-моддаларида) асослар бор ёки йўқлиги текшириб кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақида»ги 25-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон 165-модда.

сонли қарорининг 6-бандида «Жиноят кодексининг 66¹-моддасида рўйхати келтирилган жиноятлардан бошқа ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир қилган шахслар билан шу ишлар юзасидан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили деб топилганлар ўртасида ярашувга эришилган тақдирда жиноят содир этган шахсни Жиноят кодексининг 65 ва 66-моддаларига асосан жиноий жазодан озод қилиш ёки шу Кодекснинг 70 ва 71-моддаларига асосан жазодан озод қилиш масаласи муҳокама этилиши шарт»¹, деб тушунтириш берилган.

Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти 2001 йил 29 август Қонуни² билан Жиноят кодексига киритилган бўлиб, унинг дастлабки тахриридан 66¹-моддада кўрсатилган жиноятларни биринчи марта содир қилганлик учун қўлланиши мумкинлиги белгиланган эди. 2004 йил 27 август қонуни билан ушбу институт янада ривожлантирилиб, “биринчи марта”, деган сўзлар бу моддадан чиқариб ташланди ва ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўлланиши мумкин бўлган жиноятларнинг доираси янада кенгайтирилди³.

Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни қўллаш учун ЖК 66¹-моддасининг мазмунига кўра, ушбу рўйхатга киритилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроф бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бу ерда энг муҳими айбдор билан жабрланувчининг ярашганлигидир. Ярашиш тўғрисидаги ташаббус айбдор ёки жабрланувчи томонидан бўлганлигининг аҳамияти йўқ. Аммо ЎзР ЖПК нинг 582-моддасининг мазмунига кўра, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан берилиши кераклиги кўрсатилган.

Қонунда ярашиш тўғрисидаги аризани айнан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) томонида берилиши мумкинлигининг белгиланиши, ярашувнинг ҳар икки томоннинг ўзаро келишуви туфайли, бирон бир тазйиқ, зўрлик ёки кўрқитиш ишлатмасдан қилинганлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. Т. 2002, 1-2-сон, 14-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил 9-10-сон. 115-модда.

³ Халқ сўзи, 2004 йил 18 сентябр

Ярашув тўғрисидаги ариза ишни суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида ёхуд суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонасига киришдан олдин берилиши мумкин.

Ариза ишни суриштирув босқичида берилган бўлса, суриштирув органи ходимида дастлабки тергов босқичида терговчига, суд муҳокамаси босқичида судга берилиши мумкин. Аммо ЖК 66¹-моддаси қоидалари асосида жавобгарликдан озод қилиш масаласини фақат суд ҳал қилади.

ЎзР ЖКнинг 583-моддасининг мазмунига кўра, суд ярашувни тасдиқласа, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш мумкин бўлмайди. Албатта, янги очилган ҳолатларга кўра, ярашувга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар бундан мустасно.

Суриштирувчи, терговчи ёки судья ярашиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш вақтида жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига, агар суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиради.

Агарда ярашув ихтиёрий бўлмай, зўрлик ишлатиш ёки бошқача қўрқитиш каби тазйиқ ўтказишлар билан жабрланув-чининг мажбур қилинганлиги аниқланса, ярашувга йўл қўйилмайди.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчилар бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни кўриш мумкин. Айбдорлар бир нечта бўлган тақдирда эса айбдорларнинг ҳаммаси билан ёки алоҳида биттаси билан ярашувни амалга ошириш мумкин.

ЎзР ЖК 66¹-моддаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади.

6-§. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш

ЎзР ЖКнинг 67-моддасида белгиланишича, жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Жиноят содир этган шахснинг жиноят содир этиш вақтида ақли расо бўлиб, ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалиниб, ақли норасо бўлиб қолган тақдирда уни жиноий жавобгарликдан озод

қилиниши жиноят қонунининг инсонпар-варлик принципларидан бири ҳисобланади.

ЎзР ЖКнинг 67-моддаси фақат жиноят содир этиш пайтида ақли расо бўлиб, ушбу жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов олиб бориш ёки ишни судда кўриш вақтида ақли норасо бўлган шахсларга нисбатангина тадбиқ этилади. Ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш вақтида ақли норасо бўлган шахснинг қилмиши жиноят ҳисобланмаганлиги туфайли уларга нисбатан ЖК 67-моддасининг қоидаларини қўллаб жиноий жавобгарликдан озод қилиш қоидалари қўлланмайди, балки ЖК 18-моддасининг учинчи қисми қоидалари асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 181-моддасида назарда тутилган қоидалари асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланади.

Демак, ЎзР ЖКнинг 67-моддаси фақат жиноят содир қилиш пайтида ақли расо бўлиб, ушбу жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва ишни судда кўриш, яъни ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатангина қўлланади. Қонунда руҳий касалликлардан бошқа турдаги касалликка чалинган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилмаган.

Агарда жиноят содир қилган шахс руҳий касалликдан бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи қўлланмайди. Бундай ҳолда ЎзР ЖПК нинг 366-моддасида назарда тутилган айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда мазкур иш юзасидан иш юритиш тўхтатилади. Даволанганидан кейингина унга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (агар бунга асослар мавжуд бўлса, ЖК 65, 66, 66¹-моддалари асосида) ёки жиноий жазо тайинлаш масалалари қўйилиши мумкин.

Жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалиниб қолган тақдирда унга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллайди. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари ва уларни тайинлаш ЎзР ЖКнинг еттинчи бўлимида берилган.

ЎзР ЖК 67-моддасининг мазмунига кўра, руҳий касалликка чалиниб қолган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш вақтида бундай шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўлланиши мумкин. Агарда бундай шахслар ЖК 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Қонунда белгиланган умумий қоидага кўра, жиноят қонуни нормалари қўлланиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахс шароитининг ўзгарганлиги ёки айбдорнинг шахси ўзгарганлиги муносабати билан уни яна жиноий жавобгарликка тортиш қоидалари назарда тутилмаган. Тўғри, агар ЎзР ЖПК нормалари асосида жиноят иши тўхтатилиб, ЖПК 61-бобида назарда тутилган қоидалари қўлланилган бўлса, жиноят ишини юритиш тикланади. Агар ЖК 64-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш суднинг ҳуқуқи эмас, балки мажбуриятidir. Аммо 67-моддасининг 3-қисмида «Бундай шахс ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жавобгарликка тортилади», дейилади. Юқорида таъкидлаганимиздек иш ЖПК қоидалари асосида тўхтатилган бўлса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланган шахс тузалса, иш яна тикланиб ЖПК қоидалари асосидаги ҳаракатлар қилинади. ЖК қоидалари асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар агар янги ҳолатлар аниқланмаган бўлса, яна жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак.

ЎзР ЖКнинг 64-моддасига кўра, жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир этилган кундан бошланади. Аммо ЖК 67-моддаси асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади. Бундай ҳолат бошқа худди шундай жиноят содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади. Бундай ҳолат бошқа худди шундай жиноят содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланган шахснинг аҳволини маълум даражада оғирлаштиради. Чунки жавобагарликка тортиш муддатларини 67-моддада белгиланган тартибда ҳисоблаш, аввало, ЖК 64-моддаси талабларига

хилоф бўлса, иккинчи томондан, жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини сунъий равишда узайтириб юборади.

Агар шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш тўғрисидаги қароргача унинг руҳий касалликка чалинганлиги тўғрисидаги хулоса нотўғри деб топилган тақдирда жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

7-§. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш

ЎзР ЖКнинг 68-моддасида жиноят содир қилган шахснинг амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади.

Жиноят содир қилишда айбланаётган шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилиш ваколати фақат судга ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенатига берилган. Суд жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларни жавобгарликдан озод қилишда фақат жиноят қонуни нормаларини қўллайди.

Амнистия акти Ўзбекистондаги муҳим саналар (Ўзбекистон мустақиллиги куни ва ҳоказолар) муносабати билан жиноят содир қилишда айбланаётган жазони ўтаётган кенг доирадаги шахсларнинг гуноҳидан кечиш орқали жиноий жавобгарликдан ёки жиноий жазодан озод қилишдан иборатдир.

Амнистия акти муайян жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгиловчи жиноят қонуни нормаларини бекор қилмаган ҳолда муайян туркумдаги шахсларнинг ёки муайян туркумдаги жиноят содир қилган шахсларнинг гуноҳидан кечиб, жавобгарлик ёки жазодан озод қилишдан иборатдир.

Амнистия акти орқали жиноий жавобгарликдан, жиноий жазодан озод қилиш жазони енгилроғи билан алмаштириш ёки жиноят иши қўзғатишни бекор қилиш тарзида бўлиши мумкин. Ўзбекистонда авф этиш тўғрисида махсус қонун қабул қилинган. Аммо амнистия акти тўғрисидаги қонун қабул қилинмаган ва шундай қонуннинг қабул қилинмаганлиги тўғри ва асослидир. Ҳар сафар амнистия акти қабул

қилинганида ўша актнинг ўзида амнистия қилиш тартиби, кимларга нисбатан қўлланиши мумкинлиги кўрсатилади.

Амнистия акти орқали жавобгарликдан озод қилиш асосан иккита ҳолатни қамраб олади:

биринчидан, жиноят иши ҳали судда кўрилмаган, ҳали шахснинг жиноятда айбли эканлиги кўриб чиқилмаган;

иккинчидан, ҳали жазо тайинлаш масаласи ҳал қилинмаган бўлса, амнистия акти орқали жавобгарликдан озод қилиш масаласи қўйилади (ЖКнинг 68-моддаси). Жазо тайинланганидан кейин эса амнистия акти асосида жазодан озод қилиш (76-модда) қўлланади.

Амнистия акти орқали жавобгарликдан озод қилиш авф этиш орқали жазодан озод қилишдан фарқ қилиб, бу фарқ кейинги бобда батафсил баён қилинади. Амнистия акти кенг доирадаги жиноят содир қилишда айбланаётган ёки жазони ўтаётган муайян туркумдаги кенг доирадаги шахсларга нисбатан чиқарилади. Амнистия акти кенг доирадаги шахсларга нисбатан чиқарилсада, амалда эса ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида-алоҳида қўлланади. Демак, амнистия акти норматив хусусиятга эга бўлиб, амнистия қилинадиган шахсларнинг исми шарифи кўрсатилмай, муайян туркумда жиноят содир қилган гуруҳдаги шахсларга ёки жиноят содир қилган гуруҳдаги шахсларга ёки ижтимоий хавфлилиги ҳисобга олинган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан чиқарилганлиги амнистия актида кўрсатилади.

Амнистия акти мамлакат миқёсидаги муҳим воқеа, қўлга киритилган ютуқ ёки жиддий ўзгаришлар муносабати билан чиқарилар экан, ҳар бир амнистия актининг мазмуни қандай воқеа ёки нима муносабати билан чиқарилганлиги ҳам боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришилганидан кейин йилларни муайян номлар билан ифодалаш анъанага айланиб қолди. Масалан, болалар йили, аёллар йили, қарияларни эъзозлаш йили, обод маҳалла йили ва ҳоказолар. Болалар йили деб эълон қилинган йилда вояга етмаган жиноят содир қилганларни амнистия қилиш, аёллар ва болаларни эъзозлаш йилида оналарни амнистия қилиш орқали жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида амнистия акти чиқарилган эди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида аёллар, вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар, ногиронлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта

бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тўхтатилиши кўрсатиб, жавобгарликдан озод қилиш белгиланган эди.

Умумий қоидага кўра, амнистия акти чиққан кунгача содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланади ёки амнистия актида кўрсатилган вақтгача содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Амнистия акти умумий тарзда чиқарилиб, амалда алоҳида-алоҳида қўлланганлиги туфайли амнистия актигача жиноят содир қилиб, терговдан, суддан ёки жазони ўташдан қочиб кетган бўлсалар, амнистия актигача қилмишига пушаймон бўлиб, келсалар, амнистия актини қўллаб жавобгарликдан озод қилиш мумкин.

Давомли ёки узоққа чўзилган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан амнистия актини қўллашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, давомли жиноятларда амнистия акти чиққан кунгача ёки амнистия актида кўрсатилган кунгача жиноий ҳаракатини тўхтаган бўлиши керак. Узоққа чўзилган жиноятни содир қилган шахслар эса жиноий фаолиятини тўхтатган бўлиши керак.

Шундай қилиб, амнистия акти орқали жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсининг жиноятини бекор қилиш ёки оқлаш орқали жиноий жавобгарликдан озод қилиш бўлмай, айбдорни давлат томонидан гуноҳидан кечиб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилишдан иборат.

Агар шахс ўзининг амнистия акти орқали жавобгарликдан озод қилинишига норозилик билдирса унга нисбатан амнистия акти қўлланмайди. Бундай ҳолда жиноят ишини юритиш процессуал қонунларда белгиланган тартибда давом эттирилади. Бу дегани, терговчи тергов ҳаракатларини давом эттиради ва айблов хулосасигача етказиб, прокурор орқали судга оширади. Суд эса бу ишни кўришга мажбурдир. Ана шундай йўл билан жиноят содир этишда гумон қилинувчига шахс ўзининг расмий равишда оқланишига эришиш имкони берилади. Агар суд бу шахсни жиноят содир этишда айбли деб топса, айблов ҳукмини чиқариб, сўнг амнистия актини қўллаб жавобгарликдан озод қилиши мумкин.

17-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жавобгарликдан озод қилиш деганда нималарни тушунасиш?

2. Жавобгарликдан озод қилишнинг турларини айтинг?
3. Жавобгарликка тортиш муддатлари қонунда қандай белгиланган?
4. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш деганда нимани тушунасиз?
5. Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш деганда нимани тушунасиз ва уни жинойтдан ихтиёрий қайтишдан фарқи нима?
6. Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш деганда нималарни тушунасиз?
7. Қандай касалликлар шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлади?
8. Амнистия асосида жавобгарликдан озод қилиш нима?

Фойдаланилган ва ушбу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т.: “Адолат”, 1997. 95-101-бетлар.
2. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М.: “Норма-инфра”, 2001. ст.156-164.
3. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М.: “Юристь”, 2001. ст.400-417.
4. Курс уголовного право. Под ред. Н.Ф.Кузнецова, И.М.Тяжкова. Т. 1,2. М.: “Зерцало”, 1999.
5. Мирзажонов Қ. Амнистия и помилование в советском уголовном праве.
6. Д.Ж.Флетчер, А.В.Наумов. Основные концепции современного уголовного право. М.: “Юристь”, 1998.
7. И.Л.Марогулова. Амнистия и помилования в российском законодательстве. М.: 1998.
8. Х.Д.Алиакперов. Освобождение от уголовной ответственности. М.: 2001.
9. Х.Д.Алиакперов, К.Ш.Курбанова. Уголовное кодекс РФ и некоторые проблемы освобождения от уголовного ответственности. «Государство и право», 2000. №2, ст.54-60.
10. Л.В.Головков. Освобождение от уголовного ответственности и освобождение от уголовного преследования: отношения понятий. М.: “Государство и право”, 2000. №6, ст. 41-51.

11. А.Сумин. Освобождение от уголовной ответственности в связи с деятельным раскаянием. М.: “Российская юстиция”, 2001. ст. 61.

XVIII БОБ. ЖАЗОДАН ОЗОДҚИЛИШ

1-§. Жазодан озод қилиш тушунчаси ва турлари

Жиноят содир этишда айбланаётган шахсга жазо тайинлашда суд ЎзР ЖКнинг 54-моддасида белгиланган умумий асосларга риоя этган ҳолда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади. Шундай экан, ана шу юқорида айтилган ҳолатларни ҳисобга олиб жазо тайинланар экан, яна шу жазодан озод қилиш 54-модданинг қоидаларига, қонунда белгиланган жазонинг мақсадига ҳамда маҳкумни тўғри йўлга ўтиб олишига имкон бериш ва жазоланиш орқали гуноҳини ювиш талабларига зид бўлиб қолмайдими, деган ҳақли савол туғилади.

Суд жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга жазо тайинлашда ЖКнинг 54-моддаси талабларига қанчалиқ даражада адолат, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳисобга олиш принципларига риоя қилмасин, уларни идеал равишда ҳисобга ола олмайди. Бундан ташқари, суд жазо тайинлар экан, тайинланган жазонинг маҳкумга таъсири, келажакда бу жазо унинг руҳий ҳолатига қандай таъсир қилиши мумкинлигини, жазонинг мақсадига эришишда тайинланган жазо турининг аҳамияти, шахснинг ҳалол турмуш тарзига ўтиб олиши учун қанча вақт кераклигини олдиндан била олмайди.

Иккинчи томондан суд томонидан тайинланган жазо муддатининг муайян қисми ўталганидан кейин, шахснинг жамият учун ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини йўқотганлиги муносабати билан жазонинг мақсадига эртароқ эришилганлиги туфайли жазони ўташни давом эттириши мақсадга мувофиқ бўлмай қолади.

Жазодан озод қилишнинг ҳозирги кунда яна бир муҳим учинчи томони ҳам борки, ҳар бир маҳкумнинг жазосини ижро этиш давлат томонидан катта миқдордаги маблағ ва жазони ижро этиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларга олиб келади.

Ва ниҳоят, жазодан озод қилишнинг энг муҳим тўртинчи томони борки, жиноят қонунида жазодан озод қилишнинг ҳар хил турлари назарда тутилиб, маҳкумни ҳалол турмуш тарзи йўлига тезроқ ўтиб олиш учун рағбантлантиради.

Ана шу юқорида айтилганларга кўра, Жиноят кодексида жазодан озод қилишнинг ҳар хил турларини назарда тутилганлиги асосли ва жиноят қонунининг инсонпарварлик принципига (7-модда) тўла мувофиқ келади.

Жиноий жазодан озод қилиш деганда, жиноят содир этишда айбланиб, суд томонидан муайян жазо турига ҳукм қилинган шахсни жазодан озод қилиш тушунилади.

Амалдаги Жиноят кодекси Умумий қисмининг XIII бобида жазодан озод қилишнинг турлари назарда тутилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

1) жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш; (ЎзР ЖКнинг 69-моддаси);

2) шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (70-модда);

3) айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (71-модда);

4) шартли ҳукм қилиш (72-модда)

5) жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (73-модда);

6) жазони енгилроғи билан алмаштириш (74-модда);

7) касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (75-модда);

8) амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш (76-модда).

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноят содир этишда айбланаётган шахсни жиноий жавобгарликка тортиб, жазо тайинламасдан жиноий жавобгарликдан озод қилишдан иборатдир. Жазодан озод қилиш эса жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан жазо тайинлаб, сўнг жазодан озод қилиш ёки жазонинг муайян қисми ўтаб бўлинганидан кейин жазодан озод қилишдан иборатдир.

Жиноий жазодан озод қилиш оқлов ҳукми чиқаришдан бутунлай фарқ қилиб, шахснинг жиноят содир этишда айби йўқлиги аниқланса, суд томонидан оқлов ҳукми чиқарилса, жазодан озод қилишда эса, жиноят ҳодисаси содир этилган, тегишли тергов ҳужжатлари орқали жиноят тўла исботланган ва жиноят содир этишда айбланган шахс ўз жиноятини тан олган шахсларга нисбатан қўлланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жиноий жазодан озод қилиш бир хил тушунчалар бўлмай, ўз қўлланиш асосларига,

мазмунига кўра, озод қилиш қўлланаётган субъектга кўра, фарқ қилади. Уларни озод қилишнинг мақсади ҳам бир хил бўлсада, аммо жавобгарликдан озод қилишда жиноят содир этишда айбланаётган шахсни жамият учун жиддий хавф туғдирмаслигини ҳисобга олиб, уни жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келинса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Жазодан озод қилишда эса, суд томонидан тайинланган жазони маҳкум ҳақиқатда ўтамасдан туриб ҳам тарбиялаш мумкин деган ёки жазонинг қолган қисмини ўташи мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келинса, жиноий жазодан озод қилинади.

Жиноий жазодан озод қилишни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳга жиноий жазони ўташдан тўла озод қилиш турлари киради. Буларга:

1) жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (69-модда);

2) шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (70-модда);

3) айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (71-модда);

4) шартли ҳукм қилиш (72-модда).

Жазодан озод қилишнинг бу турларида суд айблов ҳукми чиқаради. Яъни жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган жазони ижро этиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, жазони ижро этмасликка доир қарор чиқаради.

Жазодан озод қилишнинг иккинчи гуруҳига суд томонидан тайинланган жазонинг қолган қисмидан озод қилиш мумкин бўлган турларини киритиш мумкин. Буларга:

1) жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (73-модда);

2) жазони енгилроғи билан алмаштириш (74-модда);

3) касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (75-модда);

4) авф этиш асосида жазодан озод қилиш (76-модда);

5) амнистия акти орқали жавобгарликдан ҳам, жазодан ҳам озод қилиши мумкин.

Маълумки, жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади. Шунга мувофиқ равишда жазодан озод қилиш ҳам фақат суд томонидан амалга оширилади. (Бундан амнистия ва авф этиш орқали жазодан озод қилиш мустасно) Авф этиш ва амнистия орқали

жазодан озод қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенати ваколатига киради.

ЖК Умумий қисмида назарда тутилган жазодан озод қилишнинг бу турлари, ЖК Махсус қисмида назарда тутилган (жазодан озод қилиш мумкин бўлган) барча жиноятлар учун бирдек қўлланиши мумкин. Булардан ташқари, ЖК Махсус қисмининг бир қатор моддаларида жазодан озод қилиш назарда тутилган. Жумладан, 157-модданинг (давлатга хоинлик қилиш) учинчи қисми; 159-модданинг (Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига тажовуз қилиш) бешинчи қисми; 160-модданинг (жосуслик) учинчи қисми ва ҳоказолар. ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жазодан озод қилиш, агар ўша нормада назарда тутилган шартлар мавжуд бўлса, фақат ўша моддада кўрсатилган жиноят учун тайинланган жазодан озод қилиниши мумкин, холос.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштирилиши муносабати билан ЖК Махсус қисмининг анчагина моддалари янги мазмун билан тўлдирилиб, унда етказилган моддий зарар уч карра микдорида қопланганда озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ тариқасидаги жазо тайинланмаслиги белгиланади. Масалан, 132-модданинг (тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш) тўртинчи қисми; 173-модданинг (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) тўртинчи қисми ва ҳоказолар. Шунингдек, бир қатор моддалар «Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»-деган қисм билан тўлдирилди.

Жиноят кодексига киритилган бундай тўлдиришларни жазодан озод қилиш деб ҳисоблаш мумкинми?

Ушбу ЖК га киритилган тўлдиришларни жавобгарликдан озод қилиш деб ҳам, жазодан озод қилиш деб ҳам ҳисобланмай жазо тайинлашнинг янги усули деб айтиш мумкин. Чунки жиноят содир этишда айбланаётган шахс қонунда белгиланган муайян шартларни бажарса, суд оғирроқ жазо тайинламай, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишни тайинламай, **санкциядаги** бошқа енгилроқ жазо турини тайинлайди.

2-§. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш

Умумий қоидага кўра, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин суд томонидан тайинланган жиноий жазо ижро этилади. Айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра, жазо қонунда белгиланган муддатда ижро этилмай қолиши мумкин. Агар жиноий жазо ўз вақтида ижро этилмаса, у аста-секин ўзининг тарбиялаш ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини йўқотиб боради. Жазони қонунда белгиланган муддатда ижро этилмай қолишининг сабаблари турлитуман бўлиши мумкин. Масалан, маҳкумнинг оғир касал бўлиб қолиши, табиий офат, «ер қимирлаш, сел босиши», ёнғин туфайли ҳужжатларнинг нобуд бўлиши, ҳужжатларни йўқотиб қўйиш, айрим хизматчиларнинг ўз хизмат вазифасига лоқайдлик билан муносабатда бўлиши ва ҳоказолар.

Ҳукм ижро этилмаса вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотади ва жазони ижро этиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолади. Бундай муддатни қонун чиқарувчи орган тайинланган жазо тури ва муддати билан боғлаб белгилаган. Бу муддатлар ЎзР ЖКнинг 69-моддасида белгиланган бўлиб, қуйидагича:

а) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда—уч йил;

б) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда—беш йил;

в) ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда—ўн йил;

г) ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, жазо ижро этилмай маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади.

Ушбу муддатлар ўтишининг қонунда белгиланган шартлари бўлиб, шахс жазони ўташдан бўйин товламаган ёки янги жиноят содир этмаган бўлиши керак. Агар маҳкум ушбу моддада назарда тутилган муддат ичида жазони ўташдан бўйин товласа (яширинса, қочиб кетса), жазони ижро этиш муддати икки баравар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан бошлаб ҳисобланади, лекин йигирма беш йилдан ошмаслиги керак.

Агар шахс ЖК 69-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтишини ҳисоблаш янги жиноят содир этилган пайтдан қайтадан бошланади. Қонун мазмунига кўра, фақат қасддан янги жиноят содир этилган тақдирдагина

муддатнинг ўтиши бекор бўлади. Шу муддат ичида эҳтиётсизликдан жиноят содир этилса-чи? Олдинги жинояти қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганидан қатъи назар, муддатларининг ўтиши алоҳида-алоҳида ҳар бир жиноят учун жазо тайинланган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Масалан, шахс қасддан қилган жинояти учун тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган бўлса жазони ижро этиш муддати беш йил эмас, балки муддатнинг ўтиши икки баравар кўпайиб, ўн йил бўлади. Ана шу ўн йиллик муддат жазони ўташдан бўйин товлаган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар шахс жазони ижро этиш муддати давомида эҳтиётсизликдан жиноят содир қилса, муддатнинг ўтиши узилмайди. Ҳар икки муддат алоҳида-алоҳида ўтаверади.

Агар жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги туфайли ижро этилмайди. Бундай қоида **умирбод озодликдан маҳрум қилиш** жазосига ҳукм қилинган ҳамда тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жорий этилмайди.

Умирбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан муддатларни ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд муддатлар ўтишини лозим топмаса, **бу** жазони озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади. Одатда, **умирбод озодликдан маҳрум қилиш** жазоси афв этиш асосида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш масаласи Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан ҳал қилинади. Бундай ҳолда маҳкумнинг ўзи афв сўраб мурожат қилади.

ЎзР ЖК 69-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган **умирбод озодликдан маҳрум қилиш** жазосини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш суд томонидан амалга оширилади. Бунда маҳкумнинг жиноят содир этишдан олдинги ҳаёт тарзи, жиноятни содир этиш вақтида ва жиноят содир этилганидан кейинги ҳуқуқи ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олди.

ЎзР ЖК Махсус қисмининг VIII бобида тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ана шу жиноятларнинг қайси бирини содир этилганлиги учун ҳукм қилинганлигидан қатъи назар, уларга нисбатан жазони ижро этиш муддатлари қўлланилмайди.

ЎзР ЖК 69-моддасининг мазмунига кўра, содир этилган жиноятнинг қайси туркумдаги жиноятлар гуруҳига киришидан қатъи назар, суд томонидан тайинланган жазо тури ва жазо муддати ҳисобга олиниб муддатлар белгиланган. Бунда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, такроран содир этилганлиги, рецидив жиноят эканлиги ҳисобга олинади.

Масалан, биринчи марта уч йилдан сал кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва такроран жиноят содир қилганлиги учун беш йилдан камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар учун жазони ижро этиш муддати — беш йил. Ўқи ўта оғир жиноят содир қилишда иштирок этганлиги учун ЖК 57-моддаси қоидаларини қўллаб, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганга нисбатан ҳам, биринчи марта жиноят содир этиб ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганнинг ҳам жазо ижро этиш муддати — уч йил. Бундай ҳолатда жиноий жазони ижро этиш муддатлари суд томонидан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиб белгиланган.

ЖК 69-моддасида муддатларининг узилиши белгиланмаган. Яъни шахс жазони ўташдан бўйин товлаган (қочиб кетган ёки яширинган) тақдирда ҳам муддатлар узилиб, тўхтаб қолмасдан, бу муддат икки барабар кўпайиб, бўйин товлаган кундан бошлаб ҳисобланади. Демак, қонуннинг бу мазмунига кўра, маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаб, қочиб юрган вақтда ҳам муддатини ўтиши давом этаверади.

ЎзР ЖКнинг 69-моддасида белгиланишича, жавобгарликка тортиш муддатлари ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Аммо ЎзР ЖПКнинг 533-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, яъни:

1) маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганлиги;

2) ҳукми ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб, қолганлиги;

3) **маҳкуманинг** ёш боласи бўлса, уч ёшга тўлгунча;

4) жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг ягона меҳнатга яроқли аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйилганлиги муносабати билан ҳукмнинг ижроси кечиктирилган тақдирда жазони ижро этиш муддатини қайси пайтдан бошлаб ҳисоблаш керак деган савол туғилади. Бундай ҳолда ҳам

қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаганлиги туфайли жазони ижро этиш муддатлари ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар маҳкумга нисбатан ЎзР ЖПК нинг 533-моддаси асосида жазонинг ижроси кечиктирилиб, кечиктирилган муддат мобайнида шахс жазони ўташдан бош тортса (қочиб кетса, яширинса), ЎзР ЖК 69-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганига кўра, жазони ижро этиш муддати бўйин товлаган кундан бошлаб ҳисобланади.

Жазони ижро этиш муддатлари қонунда белгиланган муддатнинг охириги куни кеч соат 24-00 да тугайди.

Жазони ўташдан бўйин товлаш шахснинг очикда бўлганлиги ёки ҳибсда сақланган вақтда қилинганлигининг аҳамияти йўқ. Агар шахс ҳибсда сақланган жойидан қочса, у қасддан янги жиноят содир қилган ҳисобланиб, ЎзР ЖКнинг 222-моддаси билан ҳам жавобгар қилиниб, муддатнинг ўтиши ҳибсдан қочган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар шахсга нисбатан ЎзР ЖПК нинг 237-моддасида назарда тутилган; муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафилик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафилиги, гаров тариқасидаги эҳтиёт чораларидан бири қўлланиб, шахс жазони ўташдан бўйин товлаган бўлса, ЖК 69-моддаси иккинчи қисмида белгиланганига кўра, жазони ижро этиш муддати икки баравар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товлаган кундан бошлаб ҳисобланади.

Жазони ўташдан бўйин товлаш, суд томонидан жазонинг ўташ учун белгиланган жойга келмаслик, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган бўлса, ишга келмаслик ва жазони ўташдан бўйин товлаш деб топилиши мумкин.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида, ҳарбий қисм қўмондонлигининг кузатуви ўрнатилган бўлиши ҳам мумкин, ана шу кузатувдан бўйин товлаш ҳам жазонинг ижроси муддатларининг икки баровар кўпайишига сабаб бўлади ва бўйин товлаган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

3-§. Шахсни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш

ЎзР ЖК 70-моддасида белгиланганига кўра, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини

кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотади деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Бундан олдинги бобда қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда) баён қилинган эди. Унда шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида баён қилинган эди.

ЖКнинг 70-моддасида эса, шахсга жазо тайинлаб, сўнг жиноий жазодан озод қилиш назарда тутилади. Шахснинг ижтимоий хавфлилилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш биринчи марта 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида ўз ифодасини топди.

ЖК 70-моддасининг мазмунига кўра, ушбу моддани қўллаб шахсни жазодан озод қилиш учун қуйидаги шартларнинг бўлиши талаб этилади:

а) иш судда кўрилаётган вақтгача шароитнинг ўзгарганлиги;

б) шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлганлиги билан ўзини кўрсатганлиги муносабати билан суд шахснинг ижтимоий хавфлилилик хусусиятини йўқотган деб, жазодан озод қилиши мумкин. Демак, қонун шахснинг ижтимоий хавфлилилик хусусиятини йўқотган деб топиш учун ана шу иккита ҳолатдан бирининг мавжуд бўлиши етарлидир.

Иш судда кўрилаётган вақтгача шароитнинг ўзгарганлиги деганда, жиноят иши юзасидан суриштирув олиб бориш, тергов қилиш ва судда кўриш босқичларида шароит ўзгарганлиги туфайли судда кўриш босқичларида шароит ўзгарганлиги туфайли шахс ижтимоий хавфлилилик хусусиятини йўқотди деб топилиши керак.

Жазодан озод қилишнинг бу тури фақат содир этилган жиноят тўла очилган, тегишли тергов материаллари орқали тўла иботланган бўлсагина қўлланиши керак. Шароитнинг ўзгарганлиги тушунчаси ЎзР ЖКнинг 65-моддасида берилган. Шунга кўра, бу ерда яна қайтариб баён қилишни лозим топмадик.

Шахснинг жиноят содир этганидан кейинги хулқи деганда шахснинг ўзи содир қилган жиноятга нисбатан муносабати, шунингдек, шахснинг ҳуқуқ нормаларидаги ва жамиятдаги умум эътироф этган барча қоидалари ва талабларига тўла риоя этганлигидир. Меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати деганда шахснинг асосий иш жойида ёки ўқиш жойида унга юклатилган

вазифаларни аниқ ташаббускорлик билан самарали бажариши тушунилади.

Жазодан озод қилишнинг бу турини кимларга нисбатан қўлланиши ёки қўлланмаслиги қонунда кўрсатилмаган, яъни бирон-бир чеклаш назарда тутилмаган. Шунга кўра, жазодан озод қилишнинг бу тури вояга етганларга ҳам вояга етмаганларга ҳам қўлланиши мумкин. Аммо такроран жиноят содир этилган, рецидив жиноят содир этилган тақдирда жазодан озод қилишнинг бу турини қўллаш-қўлланмаслик масаласини кўриш вақтида суд ЎзР ЖКнинг 56-модданинг 1-қисми «н» бандидаги оғирлаштирувчи ҳолатга аҳамият бериши керак.

Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб ҳисоблашда, суд шароитнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳолатлардан ташқари шахс хусусиятларига тегишли барча тафсилотларни ҳисобга олади.

ЖКнинг 70-моддасининг қоидалари асосида жазодан озод қилишда, айбдорга жиноят қонунида назарда тутилган жиноий жазолардан бири тайинланиб, сўнгра жазодан озод қилинади. Шунга кўра, ушбу модда асосида жазодан озод қилинган шахслар судланган ҳисобланадими ёки йўқми, деган савол туғилади. Жиноий жазодан озод қилиш назарда тутилган барча моддаларда фақат жазодан озод қилиш тўғрисида гап боради. Жазодан озод қилиш билан бирга судланганликни олиб ташлаш масаласи қонунда назарда тутилмаган. ЎзР 79-моддасининг биринчи қисмида суд Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейингина унинг судланганлигини олиб ташлаш мумкинлиги тўғрисида баён қилинади. Аммо ЖК 77-моддасида (судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти) жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланиши, суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланиши баён қилинган.

ЎзР ЖК 70-моддаси қоидалари асосида жазодан озод қилинган шахслар ҳукм ҳали қонуний кучга кирмасдан жазодан озод қилинганлигини ҳисобга олинмаган бўлса ЖК 70-моддаси асосида жазодан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисобланадилар. Шу муносабат билан яна бир қатор муаммолар вужудга келади. Яъни 70-модда асосида жазодан озод қилинган шахс, жазодан озод қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир қилса, қандай квалификация қилиниши керак?

Шахс олдинги жинояти учун (77-модданинг 2-қисмига биноан) судланмаган деб ҳисобланганлиги сабабли, янги содир этилган жиноят биринчи марта содир этилган ҳисобланади ва қилмиш рецидив жиноят ҳисобланмайди. Аслида суд фақат жазодан озод қилади. Судланганлигини олиб ташлай олмайди.

4-§. Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш

ЎзР ЖКнинг 71-моддасида белгиланганига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир этганидан кейин етказилган зарарни бартараф этиб, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Бундан олдинги бобда айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш кўриб чиқилган эди. Жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг бу ҳар икки турида шахсни озод қилиш учун деярли қонунда бир хил асослар назарда тутилган. Жавобгарликдан озод қилишда шахсга нисбатан жиноий жазо тайинланмасдан жавобгарликдан озод қилинса, 71-моддада назарда тутилган жазодан озод қилишда эса жиноят учун жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан жиноий жазо тайинланиб сўнгра жазодан озод қилинади.

Шахсни ЎзР ЖКнинг 71-моддаси асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қуйидаги асослар бўлиши:

- 1) содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят бўлиши;
- 2) шахс жиноий қилмишни биринчи марта содир қилган бўлиши;
- 3) жиноят натижасида етказилган зарарни ўз ихтиёри билан бартараф қилган бўлиши;
- 4) ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган бўлиши керак. Ана шу шартларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлсагина шахсни чин кўнгилдан қилмишига пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиниши мумкин.

Ана шу шартларнинг барчасининг мазмуни ЖК 66-моддасининг мазмунини очиб беришда бундан олдинги бобда батафсил баён қилинганлиги боис бу ерда яна тўхталиб ўтириш лозим топилмади.

ЎзР ЖК 66-моддасида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилишдан 71-моддасида назарда тутилган жазодан озод қилишнинг муҳим жиҳати шундаки, жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган шахслар доирасига нисбатан, жазодан озод қилишни қўлланиши мумкин бўлган шахслар доираси анча кенгайтирилган.

71-модданинг иккинчи қисмида белгиланишича, бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёки жиной уюшма аъзоси бўлган шахс, башарти, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, шахснинг ўзи ёки унинг вакили ҳокимият органига ўз ихтиёри билан келиб қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган бўлса ва жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд гуруҳнинг бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам берган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

ЖК 71-моддасининг иккинчи қисмининг мазмунидан кўриниб турибдики, бу нормада иштирокчиликнинг учта шакли бўйича жиноят содир этишда айбланаётган шахсларни жинойий жазодан озод қилиш мумкинлиги назарда тутилади. Яъни мураккаб иштирокчиликда иштирокчи сифатида қатнашган (ёрдамчи, далолатчи, ташкилотчи) шахслар, уюшган гуруҳ ва жинойий уюшма аъзоси тўғрисида гап кетади.

ЎзР ЖКнинг 28-29-моддаларининг мазмунига кўра, жиноятда бажарувчидан ташқари ёрдамчи ёки далолатчи ёки ташкилотчи қатнашган иштирокчилик мураккаб иштирокчилик бўлиб, унда ёрдамчи, ташкилотчи ёки далолатчилар жиноятни бевосита амалга оширишда қатнашмайдилар, балки ўз ҳаракатлари билан жиноятни содир этилишига шароит яратадилар. Агар улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятда иштирокчи сифатида (ёрдамчи, далолатчи, ташкилотчи) қатнашиб, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган бўлса ЖК 71-моддаси 1-қисми асосида жазодан озод қилиниши мумкин. Бундай арз қилиш жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида қилинган бўлиб, жиноятнинг олди олинган ёки ҳеч бўлмаганда жинойий оқибат юз бермаган бўлиши керак. Агарда жинойий оқибат юз берганидан кейин арз қилинган бўлса ёхуд арз қилишга тўла имконият бўла туриб, кечроқ арз қилингани туфайли жиноятнинг олдини олиш имкониятлари қолмаган бўлса, арз қилиш суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятда иштирокчи сифатида қатнашган (ёрдамчи, далолатчи, ташкилотчи) шахслар агар ўзи ёки унинг вакили унинг топшириғи билан келиб арз қилса, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёхуд бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам берган бўлса, ЖК 71-моддасининг иккинчи қисми асосида жазодан озод қилиниши мумкин. Бунда ана шу арз қилган шахснинг ҳаракатлари жиноятнинг олдини олиш ва очишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.

ЖК 71-моддаси иккинчи қисми асосида жазодан озод қилиниши мумкин бўлган шахсларнинг иккинчи туркуми уюшган гуруҳ аъзосидир. Бу ерда жиноятнинг ёрдамчи, далолатчи ёки ёрдамчилар тўғрисида эмас, балки бевосита уюшган гуруҳ аъзоси ҳақида айтилади. Агар уюшган гуруҳ аъзоси бўла туриб, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмай, шахсан ўзи ёки унинг топшириғи билан унинг вакили ҳокимият органига ўз ихтиёри билан келиб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон эканлигини билдириб, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчилари ёхуд бошқа иштирокчиларининг фош қилишга ёрдам берса, суд уни ЎЗР ЖК 71-моддаси иккинчи қисми қоидалари асосида жазодан озод қилиши мумкин. Бунда албатта, жиноятнинг олди олинган ёки ҳеч бўлмаганда жиноий оқибат юз бермаган бўлиши керак.

ЖК 71-моддаси иккинчи қисми асосида жазодан озод қилиниши мумкин бўлган шахсларнинг учинчи туркуми жиноий уюшма аъзосидир. Жиноий уюшма аъзосининг олдинги иккита туркумдаги жазодан озод қилиниши мумкин бўлган шахслардан фарқи шундаки, улар ҳали жиноятни содир этмаган ёки ҳеч бўлмаганда жиноятга суиқасд қилиш босқичида арз қиладилар. Жиноий уюшма аъзоси эса, жиноий уюшмага аъзо бўлганлиги-нинг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланиб, ўзи аъзо бўлган жиноий уюшма тўғрисида ёки жиноий уюшма томонидан содир этилиши мўлжалланган жиноят ҳақида арз қилинади. Демак, бу ерда жиноий уюшмага аъзо бўлишнинг ўзи тамом бўлган жиноят ҳисобланиб, жиноят охирига етказилганидан кейин арз қилиниши ҳам мумкин.

ЖК 71-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра, жиноий жазодан озод қилишни қўлланиши мумкин бўлган жиноят иштирокчисига (ёрдамчи, далолатчи, ташкилотчи), уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзосига бир хил талаб қўйилади. Булар:

а) оғир ёки ўта оғир жиноятни амалга оширишда бевосита қатнашмаганлиги;

б) шахсан ўзи ёки унинг топшириғи билан унинг вакили ҳокимият органига ўз ихтиёри билан келиб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги;

в) ўз ҳаракатлари билан жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ҳамда бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам берганлигидир. Ушбу талаблардан фақат биттаси ёки дастлабки иккитасини бажаришнинг ўзи шахсни жиноий жазодан озод қилиш учун асос бўлмайди, балки суд енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин.

Шахсни жазодан озод қилиш учун ушбу юқорида айтилган талаблар бажарилган бўлиши керак.

Яъни жиноятнинг олди олинган ёки ҳеч бўлмаганда жиноий оқибат юз бермаган бўлиши керак. Агар жиноят ташкилотчилари ёки бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам берган бўлсада, аммо бунга масъул бўлган шахсларнинг лоқайдлиги ёки тажрибасизлиги туфайли уларни кўлга олишнинг иложи бўлмаган тақдирда ҳам суд жазодан озод қилишни қўллаши мумкин. Муҳими жиноятнинг олди олинган ёки жиноий оқибатнинг келиб чиқишига йўл қўйилмаган бўлиши керак.

Жазодан озод қилишнинг ушбу тури жиноят ҳуқуқида янги бўлиб, 1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексида бундай норма назарда тутилмаган эди.

Қонуннинг ўзида оғир ёки ўта оғир жиноятни содир қилишда айбланаётган шахсни жиноий жазодан озод қилишни назарда тутилганлиги, аввало жиноят ҳуқуқининг муҳим инсонпарварлик принципи бўлса, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятларни очиш ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда ғоят муҳим аҳамияга эгадир.

Бундан олдинги параграфда баён қилганимиздек шахсни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилинганлар судланмаган ҳисобланганлиги туфайли ЖК 71-моддаси асосида жазодан озод қилинганлар судланмаган деб ҳисобланишлари керак. Бу ҳақда ЖК 77-моддаси иккинчи қисмида баён қилинган. Аслида эса суд жазодан озод қилиш билан бирга судланганлиги ҳам олиб ташлай олмайди.

5-§. Шартли ҳукм қилиш

Шартли ҳукм қилиш жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан жиноят қонуни нормалари асосида суд томонидан қўлланадиган, шахсга нисбатан суд томонидан белгиланган шартларни тўла бажарган тақдирда жазодан озод қилишдан иборат бўлган ҳукм қилишдир.

Шартли ҳукм қилиш суд амалиётида кенг доирада қўлланадиган институт бўлиб, унда жиноят ҳуқуқининг энг муҳим принциплари тўла маънода мужассамлашган.

ЎзР ЖКнинг 72-моддасида белгиланишига кўра, «Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли жазо белгилаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради».

Шартли ҳукм қилиш институти собиқ Совет иттифоқининг дастлабки жиноят қонунларидаёқ назарда тутилган эди. 1918 йил 7 мартда қабул қилинган суд ҳақидаги иккинчи декретда биринчи марта шартли ҳукм қилиш назарда тутилган эди. 1919 йилда қабул қилинган Асосий қўлланма, сўнгра 1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят кодексида ҳам шартли ҳукм қилиш назарда тутилган эди.

Туркистон Автоном Республикаси деб аталган собиқҚўқон хонлиги ҳудуди РСФСР таркибига кирганлиги боис суд ҳақидаги биринчи ва иккинчи Декретлар, Асосий қўлланма ва 1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят кодекси Туркистон АССР ҳудудида ҳам амал қилиб келинди. 1920 йилда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги совет давлатига қўшиб олинганидан кейин бу ҳудудларда ҳам юқорида келтирилган қонунлар жорий қилинган эди.

СССР ташкил топиши муносабати билан 1924 йилда Умумиттифоқ қонуни ҳисобланган «Асосий қоидалар» қабул қилиниб, СССР таркибига кирувчи барча иттифоқдош республикалар ўзларининг Жиноят кодексларини «Асосий қоидалар» га мувофиқ равишда ишлаб чиқара бошладилар. 1926 йилда Ўзбекистоннинг биринчи

Жиноят кодекси қабул қилинди. Ушбу Кодекснинг 34-моддасида шартли ҳукм қилиш назарда тутилган бўлиб, бундан олдинги жиноят қонунларидаги шартли ҳукм қилишда шартли ҳукм қилинганларга нисбатан қўшимча жазо тайинлаш ёки тайинламаслик назарда тутилмаган эди. Ўзбекистоннинг 1926 йили қабул қилинган ЖКнинг 34-моддасида шахсни шартли ҳукм қилиш билан бирга ҳар қандай қўшимча жазони тайинлаш мумкин эди. Синов муддати эса бир йилдан ўн йилгача белгиланиши мумкин эди.

1958 йилда қабул қилинган ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари Асослари қабул қилинди. Барча иттифоқдош республикалар ўзларининг жиноят қонунларини ишлаб чиқа бошладилар. Жумладан, 1959 йил 21 майда Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси қабул қилинди, 1960 йил 1 январдан амалга киритилди. Ушбу Кодекснинг 43-моддасида шартли ҳукм қилиш назарда тутилган эди. Ушбу моддага биноан фақат озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларга нисбатангина шартли ҳукм қилишни қўллаш мумкин бўлди. Синов муддати эса бир йилдан уч йилгача муддатга тайинланадиган бўлди.

Шартли ҳукм қилиш суд амалиётида ҳар доим кенг қўлланилган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлганидан кейин шартли ҳукмни қўлланиш имкониятлари янада кенгайтирилди. Агар 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексининг 43-моддасида фақат озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларга нисбатан шартли ҳукмни қўлланиши мумкин бўлган бўлса 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексининг 72 -моддасига биноан озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга юбориш, хизмат бўйича чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан агар бунга қонунда белгиланган асослар ишда мавжуд бўлса шартли ҳукмни қўллаш мумкин бўлди. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш даври бошланганидан кейин шахсларни жиноят қонунида белгиланган асосларга кўра, жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни кенг доирада қўллай бошланди.

Жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг шартли ҳукм қилишдан бошқа турларини қўллаш (масалан, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш — 66¹-модда) кенг равишда амалга оширалаётганлиги муносабати билан, шартли

ҳукмни қўллаш ҳолларининг биров қисқарганлиги кузатилмоқда. Чунки шартли ҳукм қилишга нисбатан ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш анча енгилдир. Шартли ҳукм қилишда муайян шартлар қўйилиб, шахс бу шартларни ўз вақтида бажармаса шартли ҳукм бекор қилиниб, жазо ижро этилиши мумкин. Бундан ташқари, синов муддати мобайнида судланган ҳисобланса, ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда, шахсга нисбатан бирон-бир шарт қўйилмай озод қилинади ва шахс судланмаган ҳисобланади. Юридик адабиётларда шартли ҳукм қилиш жиноят ҳуқуқининг бир институти сифатида унинг моҳияти ва мазмуни нимада деган масалада олимлар ўртасида жиддий тортишувлар мавжуд. Чунки ана шу саволга тўғри жавоб бериш фақат назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан аҳамиятлидир. Бу саволга тўғри жавоб берилиши, ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш, жазони бошқа турдаги жазо билан алмаштиришда, бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш масаласини ҳал қилишда муҳимдир.

1922 йили қабул қилинган РСФСР Жиноят кодексига шартли ҳукм қилиш жазо сифатида назарда тутилган эди. Шунинг учун ҳам ўша даврда ушбу мавзунини тадқиқ қилган олимлар унга жазо чораси сифатида қараганлар.¹

Улар шартли озодликдан маҳрум қилишни ахлоқ тузатиш ишлардан ҳам оғирроқ жазо деб ҳисоблаганлар. Айрим муаллифлар шартли ҳукм қилиниши ҳукмнинг ижросини кечиктиришдир деб ҳисоблайдилар. Жумладан, М.Д. Шаргародский ва Ю.М. Ткачевскийлар шартли ҳукм қилиш ҳукми ижро этишнинг махсус тартиби бўлиб, шартли ҳукм қилинган суд томонидан тайинланган жазони шартли равишда ўтамайди деб ёзган эдилар.² Худди шундай нуқтаи назарни Н.Ф. Саввин ҳам баён қилган эди. Аммо Н.Ф.Саввин Ю.М.Ткачевскийдан биров фарқ қиладиган фикрни билдириб, ҳукми ижро этишнинг бундай тури шартли равишда тайинланган жазони шартли равишда ўташ бўлмасдан, жазони ўташдан озод қилишдан иборатдир деб ҳисоблаган.³

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, у даврда кўпчилик муаллифлар шартли ҳукм қилишни жазони ижро этишнинг

¹ Якубович М.М. О правовой природе условное осуждение. “Советского государство и право”. 1946, № 11—12, с.59.

² Ткачевский Ю.М. Условное осуждения. Применение наказания по. сов. Уг.праву. МГУ, 1958, с. 256.

³ РСФСР Жиноят кодексига шарҳлар. Свердловск, 1964, 107-бет.

алоҳида тури бўлмай, жазодан озод қилишнинг бир тури деб ҳисобласалар, бошқа бирлари жазони ижро этишнинг алоҳида тури деб ҳисоблаганлар. Ана шундай бу борада ҳар хил фикрларнинг баён қилинишига у даврда шартли ҳукм қилиш институтининг етарли даражада мукамал ишлаб чиқилмаганлиги ва қонуннинг ўзида эса шартли ҳукм қилишни жазо тизимида берилганлиги ҳам бу институт тўғрисида ҳар хил фикрларни баён қилинишига сабаб бўлган. Агарда бу институтни шартли жазо тайинлаш дейдиган бўлсак, жазо шартли равишда эмас, балки ҳақиқатдан ҳам тайинланган. Айрим муаллифлар шартли ҳукм қилиш жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби деб ҳисобласалар,¹ бошқа бир гуруҳлари жазодан озод қилишнинг алоҳида тури деб ҳисоблайдилар.² М.И.Ковалёв ҳам шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилишнинг алоҳида тури деб ҳисоблайди³. У агар шартли ҳукмни ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазо чоралари ўртасида турувчи чора деб ҳисобласак, жиноят ҳуқуқининг энг муҳим принципи бўлган битта жиноят учун битта жазо тайинланади деган принцип бузилган бўлади. Агарда 1958 йилгача, яъни ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари Асослари қабул қилингунча шартли ҳукмни жазо тизимида берилган бўлса, Асосларда энди жазо тайинлаш ва жазодан озод қилиш бобида берилган деб ҳисоблайди. М.И.Ковалёв шартли ҳукм қилиш тайинланган жазони ижросини кечиктириш деб ҳам бўлмайди, чунки кечиктирилган жазо муайян вақт ўтганидан кейин шахс ё жазони ўташдан озод қилинади ёки тайинланган жазо ижро этилади деб ёзади. Проф. О.Х.Расулов шартли ҳукм қилиш жазонинг ижросини кечиктириш ҳам эмас, бундай ҳукмга мувофиқ маҳкум синов муддати мобайнида қўйилган шартларни бажарса жазони ўтамайди. Амалдаги жиноят қонунига мувофиқ шартли ҳукм ўз юридик табиати бўйича айбдорни суд томонидан тайинланган жазони реал ўташдан шартли озод қилишдир, деб ёзади. Бизнинг назаримизда проф. О.Х.Расуловнинг фикрига қўшилса бўлади ва шартли ҳукмнинг юридик табиатига анча тўғри баҳо берилган⁴. Келина С.Т. шартли ҳукмнинг юридик табиати ҳақида ўзининг фикрини баён қилар экан, шартли ҳукм қилиш жазо тури ҳам эмас, шартли жазо тайинлаш ҳам эмас, жазонинг ижросини

¹ Уголовное право. Общая часть. -М., "Госюриздат", 1959, с. 331.

² Кадари Х.Х. Условное осуждение. Советское государство и право, 1956, №1. с. 76; Кригер Г.А. Условное осуждение и роль общественности в его применении. М., МГУ. 1969. с. 9.

³ Курс советского уголовного право в 6 томах, Т., 3, -М., "Наука", 1970, с. 236.

⁴ Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент, "Ўқитувчи", 1969, 320-бет.

кечиктириш ҳам эмас, балки жазони ижро этишдан озод қилишнинг бир туридир деб ҳисоблайди.¹ Амалдаги ЎзР ЖКнинг 72-моддасида бу институт шартли ҳукм қилиш деб номланган бўлсада, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳларнинг муаллифлари шартли ҳукм қилишни «шартли жазо белгилаш» деб ифодалаганлар.² Бизнинг фикримизча, бу институтни шартли жазо белгилаш деб аталишининг ўзи тўғри бўлмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасида «шартли жазони белгилаш» эмас, балки шартли ҳукм қилиш деб номланган. Бундан ташқари, ЖКнинг 72-моддасининг биринчи қисмида агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатғий фикрга келса, шартли ҳукмни қўллаши мумкин, дейилади. ЖК 72-моддасининг бу мазмунидан кўришиб турибдики, шартли ҳукм қилиш шартли жазо тайинлаш эмас, чунки шу моддада назарда тутилган жазога ҳукм қилинганларга нисбатан суд аввал жазо тайинлайди, сўнгра шартли ҳукм қилишни қўллайди. Демак суд жазони шартли равишда эмас, балки ҳақиқатдан тайинлайди. Шунга кўра, шартли ҳукм қилишни шартли жазо тайинлаш дейилса тўғри бўлмайди. Балки жазонинг ижроси шартли равишда бўлади ва агар шахс суд белгилаган шартларни бажарса унга нисбатан тайинланган жазо ижро этилмай жазодан озод қилинади.³

Проф. Кладков А.В. «Шартли ҳукм қилиш тайинланган жазони шартли ижро этишдан иборат»деб ёзади.⁴ Кладков А.В.шундай фикрга келишига бизнинг назаримизда, шартли ҳукм қилишни Жиноят кодексининг жазо тайинлаш бобида берилганлиги бўлса керак. Проф. Игнатов А.Н. ҳам шартли ҳукм қилишни шартли жазо тайинлаш деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш бобида берилган.

¹ Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования. -М., “Наука”, 1987, с. 194.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Т., “Адолат”, 1997, 104-бет.

³ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации — М.: Изд-во “Норма-Инфра.М. 2001, с. 151.

⁴ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари, - Т., “Адолат”, 2001, 12-бет.

Ана шу юқорида баён қилинган шартли ҳукм қилишнинг юридик табиати юзасидан билдирилган фикрлар ичида Келина С.Г. нинг «Шартли ҳукм қилиш жазони ижро этишдан озод қилишнинг бир туридир, деган фикрига биз ҳам қўшилаемиз. Чунки ЎзР ЖКнинг 72-моддаси биринчи қисмида башарти белгиланган синов муддати давомида шартли ҳукмни бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида суд қарор чиқаради, демак, жазони ижро этишдан озод қилади. Лекин бунда шахсга нисбатан суд томонидан тайинлаган шартларни у ўз вақтида бажарган бўлиши керак.

Шартли ҳукм қилишни қўллашнинг шартлари. ЎзР ЖК 72-моддасининг 1-қисмида белгиланишича жазо тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукмни қўллаши мумкин.

Демак, шартли ҳукмни қўллаш учун қонунда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади:

- 1) жиноятнинг хусусияти;
- 2) жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси;
- 3) айбдорнинг шахси;
- 4) ишдаги бошқа ҳолатлар.

Содир этилган жиноятнинг хусусияти деганда нимани тушуниш керак?

Содир этилган жиноятнинг хусусияти, энг аввало, тажовуз орқали аниқланади. Жиноий тажовуз орқали қандай ижтимоий муносабатга тажовуз қилинганлиги жиноятнинг хусусиятини ифодалайди. Жиноятнинг хусусияти унинг сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

Маълумки, Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятларни таснифлашнинг жиноят ҳуқуқида иккита тури қабул қилинган бўлиб, булар жиноятларни объектига қараб таснифлаш ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлашдир. Жиноятларни объектига қараб таснифлаш Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида жавобгарлик белгиланган жиноятларни махсус ва бевосита объектларига қараб жойлаштирилганлиги жиноят қонунининг нормаларини муайян тизимида жойлаштириш ва бунда махсус бўлим ва бобларнинг ижтимоий аҳамиятини расмий белгилашдан иборатдир. Шундай экан, суд шахсга нисбатан жазо

тайинлашда жазодан озод қилишни, Жумладан, шартли ҳукмни қўллаганда тажовуз қилинган объектнинг аҳамиятини ҳам ҳисобга олади. Бундан ташқари, жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганлиги ҳам жиноятнинг хусусиятига киради. Жиноятнинг хусусияти деганда қилмишни квалификация қилиш учун зарурий белги ҳисобланган ва жиноят таркиби доирасига кирувчи хусусиятлари назарда тутилади.

2000 йил 22 июнь куни Фарғона вилояти Данғара туман судида А. нинг жиноят иши кўрилиб, унинг қилмиши ЎЗР ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми билан жавобгар қилинган. Суд унга нисбатан 3 йил озодликдан маҳрум қилишни тайинлаб жиноятнинг хусусияти ва ишдаги бошқа ҳолатларни (жиноятнинг эҳтиётсизликдан қилинганлигини) ҳисобга олиб шартли ҳукм қилинади ва икки йил синов муддати белгилайди.

Суд А. га нисбатан шартли ҳукмни қўллар экан, содир этилган жиноятнинг хусусиятини (эҳтиётсизликдан содир этилганлиги) айбдорнинг жазосини ҳақиқатдан ҳам ўтамасдан туриб тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келганлигини ҳисобга олиб шартли ҳукм қилишни қўллаганлик шартларини суд ҳукмнинг ўзида кўрсатган.

Шартли ҳукм қилишда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш. Шартли ҳукм қилишда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унинг миқдор кўрсаткичлари бўлиб, ҳар бир жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси муайян жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасида назарда тутилган жазо тури, унинг миқдори ва муддати билан белгиланади. Бу ўз навбатида турли жиноятлар учун жазо белгиловчи нормаларнинг санкцияларидаги жазо муддатларига қараб уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси солиштирилади ва аниқланади.

Шартли ҳукм қилинганларга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам тайинланиши мумкин. Тайинланган қўшимча жазога нисбатан шартли ҳукмни тадбиқ қилиниши мумкин эмас. Чунки ЖК 72-моддасининг 1-қисмида шартли ҳукм қўлланиши мумкин бўлган жазолар доираси қатъий белгиланган.

Шартли ҳукмни қўллашнинг шартларидан яна бири айбдорнинг шахсидир. Суд жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан шартли ҳукмни қўллашда унинг шахсини ифодаловчи хусусиятларини ҳам ҳисобга олади. Ҳар бир шахснинг фақат унинг

ўзига хос бўлган қарашлари, эътиқоди, одатлари, оилага, иш жойига, уни ўраб турган муҳитга ва бошқа ҳаётий қадриятларга бўлган муносабати бўлади. Ҳар бир кишида унинг ҳаёт йўли муайян босқичлари тизимидан иборат бўлиб, бошқаларга хос бўлмаган индивидуал сифатларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Шартли ҳукмни қўллашда шахснинг ўз эҳтиёж ва талабларини қондириш мақсадида айнан ана шу йўлни танлаганми? Ахлоқий бузуклик, хулқий тубанлик қанчалик даражада чуқурлашган, жиноий хулқ қанчалик турғун бўлиб, қолган. Уни тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам, хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкинми деган қатъий хулосага келинган бўлиши керак.

ЎзР ЖК 72-моддасининг 7-қисмида шартли ҳукмни илгари қасддан жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, дейилади. Демак, қонуннинг ушбу моддасининг 7-қисми мазмунига кўра, такроран жиноят содир қилганларга олдин ёки кейин содир этилганлигидан қатъи назар, бири қасддан, иккинчиси эҳтиётсизликдан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ёки олдин қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазога ҳукм қилиниб, яна қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган тақдирда ҳам агарда 72-модданинг 1-қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса шартли ҳукмни қўлланиши мумкин. Жиноятлар жами тариқасида жазо тайинланганда шартли ҳукм қўлланиш тартиби қандай бўлади? Бундай ҳолда шартли ҳукмни қўлланиши мумкинми? ЎзР ЖК 72-моддасининг мазмунига кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг шартли ҳукмни қўллаш бўйича берган тушунтиришга кўра, шахсга жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаганда ҳам агар айбдорнинг қилмишлари квалификация қилинган моддалар бўйича жиноятларининг барчаси ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлардан иборат бўлса ва шартли ҳукмни қўллаш учун асослар мавжуд бўлса, шартли ҳукмни қўлланиши мумкин. Юқорида баён қилинган Пленум қарорининг 5.1.бандида «Суднинг шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарори асослантирилган бўлиши ҳамда бу хулоса Жиноят-процесуал кодексининг 457-моддаси талабига кўра ҳукмнинг баёнот-асослантириш қисмида ёритилиб берилиши лозим. Ҳукмнинг қарор қисмида эса битта жиноят, жиноятлар жами ёки ҳукмлар жами

учун қатъий жазо белгилангандан сўнг, ушбу жазо Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли деб ҳисобланиши ва синов муддати белгиланиши керак», дейилади.¹

Демак, Пленум қарорининг ушбу тушунтиришига кўра, жиноятлар жами тариқасида жазо тайинланганда шартли ҳукм қилиш ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаш вақтида эмас, балки жинятлар жами учун қатъий жазо тайинланганидан кейин қўлланади.

Алкоголизм ва гиёҳвандлик касалига мубтало бўлиб қолган шахсларга нисбатан ҳам шартли ҳукмнинг қўлланиши на қонунда, на ЎЗР Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» ги қарорининг шартли ҳукм қилиш бўйича берган тушунтиришида кўрсатилган. Шундай экан, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай шахсга нисбатан, агар иш ҳолатлари тақозо қилса шартли ҳукмни қўлланиши мумкин. Албатта, алкоголизм ёки гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан шартли ҳукмни қўллаш вақтида суд бу масалага жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиши керак. Бундай ҳолда суд фақатгина шахс жазони ўтамасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келишидан ташқари шахсни алкоголизм ва гиёҳвандлик касалидан даволаниш имкониятларини ҳисобга олиши, шартли ҳукм қилиш билан бирга бу касаликлардан даволаниш мажбуриятларини ҳам юклатиш мумкин.

Проф. О.Х.Расулов шартли ҳукмни қўллашнинг объектив ва субъектив асосларини келтириб, объектив асосларга содир этилган жиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси (бу ҳақда юқорида батафсил баён қилдик), усули ҳамда оқибати бўйича оғир бўлмаслигидир. Субъектив асосларга — айбдорнинг шахсий хусусиятлари ва содир қилган жиноятни характерловчи субъектив хусусиятлари, яъни айбдорнинг унча ижтимоий хавфли даражада эмаслигини тасдиқловчи ҳолатлардан иборатдир. Шартли ҳукмни қўллаш учун юқорида келтирилган объектив ва субъектив асосларнинг ҳар иккаласи бир вақтда мавжуд бўлиши керак. Бу хил асослардан биттасинигина бўлиши шартли ҳукм чиқариш учун етарли эмас, деб ҳисоблаймиз².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997, Тошкент, “Шарқ”, 50-бет.

² Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм., Тошкент, “Ўқитувчи”, 1969, 322 бет.

Биз ҳам ана шу фикрга тўла қўшилаемиз. Суд айбдорнинг шахсини ҳисобга олиб шартли ҳукмни қўллашда, айбдорнинг фақат содир қилган жиноятининг ўзинигина эмас, балки иш жойидаги хулқи ва ишга муносабати, турмуш ва оилага муносабатини ҳам ҳисобга олади. Суд шахсни шартли ҳукм қилар экан, ўзининг турмуш тарзи, ўтмишига, жиноий фаолиятига муносабатига айбдорнинг ўзи қандай баҳо бераётганлигини ҳам ҳисобга олади. Шунга кўра, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиш шартли ҳукмни қўллашнинг муҳим асосларидан ҳисобланади.

Ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш. Шартли ҳукмни қўллашнинг бошқа асосларига ЖК 55-моддасида назарда тутилган энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги, қонунда махсус назарда тутилмаган, аммо суд энгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш мумкин. Буларга, масалан, айбдорнинг сурункали касаллиги, ногиронлиги, мамлакат олдидаги хизматлари ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ана шу юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, ЖК 72-моддасининг 1-қисмида шартли ҳукмни қўллашнинг умумий шартлари баён қилинган ҳолос. Қонунда шартли ҳукм қилиш мумкин бўлган ҳолатларнинг қатъий рўйхати берилмаган. Шунга кўра, судлар шартли ҳукмни қўллаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдорга тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукмни қўллаши мумкин.

ЖК Умумий қисмининг олтинчи бўлимида вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари ёзилган бўлсада, ушбу бўлимда вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо ва уларнинг турлари, вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш, жавобгарликдан озод қилиш ва уларнинг турлари кодексда алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Аммо вояга етмаганларга нисбатан шартли ҳукмни қўллаш асослари ва тартиби алоҳида ажратиб берилмасдан, ЖК нинг 72-моддасида жиноят содир қилган вояга етган ва вояга етмаганларга нисбатан шартли ҳукмни қўллаш асослари ва тартиби бирга берилган. Бизнинг назаримизда, вояга етмаганларни шартли ҳукм қилиш ҳам алоҳида ажратилиб, ЖКнинг олтинчи (вояга етмаганлар жавобгарлиги) бўлимида берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки 72-модданинг 4-қисмида белгиланишича шартли ҳукм

қилинганларнинг хулқи устидан фақат ички ишлар органлари назорат олиб бориши назарда тутилган. Бунга биноан шартли ҳукм қилинган вояга етмаган шахс «вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия назоратидан тамоман чиқиб кетади» Қонунда вояга етмаган ва вояга етган шартли ҳукм қилинганларга нисбатан синов муддати ва бошқа барча шартлари бир хил белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август қонуни билан ЖКнинг 85-моддасига қўшимча киритилиб, унда «Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоси тайинланмайди», деб кўрсатилди. ЎзР ЖКнинг 15-моддасида эса қасддан қилинган жиноят учун қонунда уч йилгача, эҳтиётсизликдан қилинган жиноят учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят туркумига киритилди. Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятларнинг асосий кўпчилик қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни ташкил этмоқда. Натижада вояга етмаганларнинг кўпчилиги озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазога (жарима ёки ахлоқ тузатиш ишига) ҳукм қилинади. Бундай ҳолда шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳуқуқий ҳолати жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш жазосига нисбатан оғирроқ бўлиб қолмоқда. Чунки шахс жаримани тўлаши билан судланганлигидан бошқа (1 йилгача) ҳеч қандай ҳуқуқий оқибати қолмайди. Ахлоқ тузатиш ишининг энг кўп муддати бир йил бўлганлиги учун суд ахлоқ тузатиш ишининг энг кўп муддатини ҳеч қачон тайинламайди. Шартли ҳукм қилинганларга нисбатан шахс вояга етмаган ёки етмаганлигидан қатъи назар, синов муддати уч йилгача белгиланиб, уларга нисбатан ЖКнинг 72-моддасида назарда тутилган барча чеклашлар тадбиқ этилади. Айниқса, шартли ҳукм қилинган вояга етмаганнинг ҳар ойда бир неча марта милиция идорасига бориб рўйхатдан ўтиб туриши, ўзи яшаётган жойнинг муайян жойларида бўлолмаслиги, муайян вақтда фақат яшаш жойининг ўзида бўлиши унинг эркинлик ҳуқуқини анча чеклаб қўяди.

Вояга етмаганларга нисбатан шартли ҳукмни қўллашнинг муаммоларидан яна бири шундаки, ЎзР ЖК 72-моддасининг еттинчи қисмида «шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан

қўлланилмайди. Ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтимиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно дейилади». Демак, вояга етмаганлар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган тақдирда ҳам уларга нисбатан агар иш ҳолатларига кўра, буни суд лозим топса, шартли ҳукмни қўллаши мумкин. Бундан шундай савол келиб чиқади. Жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаганлар назарда тутилмоқдами ёки шартли ҳукм қилиш ҳақидаги қарор чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаганлар назарда тутилмоқдами? Бу ҳақда қонунда аниқ айтилмаган, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорларида ҳам аниқ тушунтириш берилмаган.

ЎзР ЖКнинг 81-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланадиган жазолар назарда тутилади. Бу қонун нормасининг мазмунига кўра, шахс жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлиб, ҳукм қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлган тақдирда ҳам субъектга нисбатан ЖКнинг олтинчи бўлимида вояга етмаганларнинг жавобгарлиги назарда тутилган нормалар қўлланади. Агар ана шунга қиёс қиладиган бўлсак, жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган, аммо шартли ҳукм қилиш ҳақида қарор чиқариш вақтида ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга нисбатан ЖКнинг 72-моддаси еттинчи қисмини қўллаш мумкин бўлади. Яъни оғир ёки ўта жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган, аммо ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга нисбатан ҳам шартли ҳукмни қўлланиши мумкин.

Ана шу юқорида айтилганларга кўра, ЎзР ЖКнинг 72-моддаси еттинчи қисмидаги «ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар» деган сўзлар ўрнига «жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар» деган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шартли ҳукм қилишда синов муддати. Шартли ҳукм қилишнинг энг муҳим хусусияти шундай ҳукм қилинган шахсга нисбатан синов муддатининг белгиланишидир.

ЎзР ЖК 72-моддасининг икинчи қисмида белгиланишича шартли ҳукм қилинганга бир йилдан уч йилгача муддатга синов муддати белгиланади.

Синов муддати — шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд томонидан тайинланган шартли ҳукм қилинганлик тўғрисидаги қарорнинг тўғрилигини синаш ҳамда маҳкум жазони реал ўтамасдан туриб ҳам тузатиши ва тузалганлигини исботлаш, жазони реал

ўтамасдан туриб унга жазодан озод бўлиш имконини бериш муддатидир.

Проф. Расулов О.Х. «Синов муддатининг асосий моҳияти ва аҳамияти — маҳкумга жазони реал ўтамасдан тузалиши, ўзини жамоат олдида оқлаши учун вақт ва имконият беришдир.

Агар шу муддат ичида маҳкум ишончни оқласа, синов шартларини бажариб тузалганлигини исботласа, унга тайинланган жазони ўташдан озод бўлади ва судга тушмаган ҳисобланади»-деб ёзган эди.¹

Қонунда белгиланишича синов муддати бир йилдан кам, уч йилдан кўп бўлмаслиги керак. Синов муддати жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, айбдорга тайинланган жазо тури ва миқдorigа қараб белгиланади. М.И.Ковалев синов муддатининг қанча муддат белгиланиши тайинланган жазонинг оғирлик даражасига боғлиқ. Синов муддати, одатда, тайинланган жазо чораси муддатидан кам бўлмаслиги керак деб ёзган эди.² Биз, албатта, бу фикрга қўшилмадик. Чунки амалдаги жиноят қонунининг мазмунига кўра, жазо чораси муддати билан синов муддати ўртасидаги фарқнинг жазо чорасининг муддатига боғлаш жуда ҳам тўғри бўлмайди. Чунки қонун синов муддатини тайинланган жазо тури билан боғламаган. Албатта, тайинланган жазо тури оғирроқ бўлса шунга мувофиқ равишда синов муддати ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Суд шахсга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига таянади. Бунда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятчининг шахси ҳамда ишдаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади. Шунингдек, суд шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан синов муддатини белгилашда ишдаги барча ҳолатларни ҳисобга олади.

“Курс советского уголовного права” китобининг муаллифлари «Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан синов муддатини белгилашда, суд шартли ҳукм қилинган шахс билан тарбиявий ишларни олиб борадиган меҳнат жамоасининг уюшганлиги, тарбиялаш ишлардаги кучи ва ҳоказоларни ҳисобга олади» деб ёзадилар³.

ЎзР ЖПК нинг 459-моддасида «Шартли ҳукм қўлланилганда суд шартли ҳукм қилинган шахс устидан кузатув олиб боришни кимга юклатиш лозимлигини ҳал қилади.

¹ Расулов О.Х. Совет жиноят ҳукуқи, -Т.; Ўқитувчи, 1969, 323-бет.

² Курс советского уголовного права в 5 томах. Том 2, ЛГУ, 1970, с. 373.

³ Курс советского уголовного права в 5 томах. Том 2, ЛГУ, 1970, с. 373.

Шартли ҳукм қилиш тўғрисида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномаси бўлса, суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атворини кузатиш учун уни шу бирлашма ёки жамоага топшириши мумкин».

ЎзР ЖКнинг 72-моддасида белгиланганига кўра, фақат озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларгагина шартли ҳукмни қўлланиши мумкин. Шахс ана шу жазоларнинг қайси бирига ҳукм қилинганлигидан қатъи назар, унга нисбатан шартли ҳукм қўлланилганда синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш, хизмат бўйича чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларга нисбатан шартли ҳукм қилиш ва синов муддатини белгилашда жиддий муаммолар келиб чиқмаслиги мумкин. Чунки бу жазо турлари анча муддатли бўлиб, синов муддатини белгилашда ишнинг барча ҳолатларини, шунингдек, синов муддатларини иш ҳолатларига қараб белгиланаверади. Аммо интизомий қисмга жўнатиш жазосига ҳукм қилинганларга нисбатан жиддий муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Чунки интизомий қисмга жўнатиш фақат муддатли ҳарбий хизматчиларга тайинланади. Шартнома (контракт) асосида хизмат қилаётганларга нисбатан эса интизомий қисмга жўнатиш тайинланмайди. Ҳарбий хизмат тўғрисидаги янги қонунга биноан муддатли ҳарбий хизмат муддати бир йил (12 ой) белгиланмоқда. Синов муддатининг энг кам муддати бир йил белгиланган. Одатда, шартли ҳукм қилиш мумкин бўлган жиноятни содир қилган ҳарбий хизматчи ҳарбий хизмат муддатининг муайян қисмини ўтаб қўйган, хизматнинг қолган қисми бир йилдан анча кам бўлиб, бу муддатга синов муддатини белгилаб бўлмайди.

Тўғри, ЎзР ЖК 49-моддасининг иккинчи қисми мазмунига кўра, суд иш ҳолатлари ва маҳкум шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин. Агар суд ана шундай ҳарбий хизматчига нисбатан шартли ҳукмни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги» қарорининг шартли ҳукмни қўллаш бўйича 5.1 бандида берган тушунтиришига кўра, «Амалдаги қонунлар мазмунига кўра, тайинланган жазонинг фақат тўла муддатига нисбатангина шартли ҳукм қўлланиши мумкин. Шунинг учун ҳам

жазонинг ўталмаган қисмини шартлига алмаштириш ҳақидаги суд қарорлари қонунга хилоф ҳисобланади» дейилади.¹ Ана шу юқорида баён қилинганларга кўра, шартли ҳукм қилиш суд томонидан тайинланган жазо муддатининг барча қисмига нисбатан қўлланади. Жазонинг бир қисмига ёки шартли ҳукми қўлланиши мумкин бўлмаган жазо турига нисбатан қўлланмайди. Шунга мувофиқ равишда синов муддати ҳам ягона ва узлуксиз ҳисобланади. Шартли ҳукми қўллаб, муайян муддатга синов муддати белгиласа, белгиланган синов муддати ҳарбий хизматни ўташ муддатига кирадими ёки йўқми деган савол туғилади. Чунки интизомий қисмга жўнатиш жазосини ўташ муддати ҳарбий хизматни ўташ муддатига кирмаслиги ҳаммага аён. Бизнинг фикримизча, озодликдан маҳрум қилишнинг ўрнига интизомий қисмга жўнатиш тайинланган шахсларга нисбатан ҳам шартли ҳукми қўлланиши мумкин. Чунки бирорта қонунда бундай шахсларга нисбатан шартли ҳукми қўлланишини тақиқланиши назарда тутилмаган, шундай экан, озодликдан маҳрум қилиш ўрнига интизомий қисмга жўнатиш тайинланган шахсларга нисбатан ҳам шартли ҳукми қўлланиши мумкин. Чунки бундай ҳолда белгиланган синов муддати ҳарбий хизматни ўташ вақтида ўтаверади. Агар озодликдан маҳрум қилиш ўрнига уч йилгача муддатга интизомий қисмга жўнатиш тайинланган шахсга нисбатан шартли ҳукм қўлланилган ва синов муддати белгиланган бўлса, синов муддати ҳарбий хизматни ўташ муддатига кириши керак. Аммо ЎзР ЖК 72-моддасининг олтинчи қисми асосларига кўра, шартли ҳукм бекор қилинган бўлса, синов муддати жазо муддатига кирмаслиги ва шахсга нисбатан тайинланган жазо муддати ижро этилиши керак.

Ана шу юқорида айтилганларга кўра, интизомий қисмга жўнатиш уч ойдан бир йилгача муддатга тайинланган бўлса, шартли ҳукм қилишни қўллашнинг иложи бўлмайди. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазоси қўлланилган шахсларга нисбатан шартли ҳукми қўллаш ва синов муддатини белгиланиши мумкин. ЎзР ЖК 72-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланишича шартли ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар хулқи устидан ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1997, “Шарқ”, 1-жилд. 51-бет.

ЎзР ЖК 72-моддасининг мазмунига кўра, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, тайинланган жазо тури ва айбдор шахснинг бузилганлик даражасини ҳисобга олиб, синов муддатини белгилаш қонунда назарда тутилмаган. Суд ҳар бир шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб бир йилдан кам ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддат доирасида синов муддатини белгилайверади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг Жиноят кодексларидаги шартли ҳукм қилишни назарда тутувчи нормаларида синов муддати, жазо тури ва муддатига қараб табақалаштирилган ҳолда белгиланади. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисмида «Агар тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг муддати бир йилдан камроқ ёки озодликдан маҳрум қилишдан енгилроқ турдаги жазо тайинланган бўлса, синов муддати олти ойдан кам ва уч йилдан кўп бўлмаслиги керак, агарда тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг муддати бир йилдан ортиқ бўлса, синов муддати олти ойдан кам ва беш йилдан кўп бўлмаслиги керак», дейилган. Бундан ташқари, агар шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд томонидан синов муддати мобайнида бажариши керак бўлган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товласа, унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органнинг тақдимномасига биноан суд синов муддатини яна бир йилдан кўп бўлмаган муддатга узайтириши мумкинлиги назарда тутилган.

ЎзР жиноят қонунида синов муддатини бундай мураккаблаштириб белгиланмай тўғри қилинган. Суд ишдаги барча ҳолатларни ҳисобга олиб синов муддатини белгилайверади. Бизнинг назаримизда, синов муддатини бир йилдан кам бўлган муддатга тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан тайинланадиган мажбуриятлар. Суд фаолиятининг шартли ҳукмни қўллаш бўйича амалиёти-нинг ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, шартли ҳукмни қонунга мувофиқ равишда ишнинг барча ҳолатларини ва айбдорнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда қўлланиши маҳкумларни тарбиялаш ва уларнинг янги жиноят содир этишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шартли ҳукмни қўлланиши жиноят содир қилишда айбланаётган шахсни жазони амалда ижро этмасдан ҳам жамоатчиликнинг ва айбдорнинг яқин кишиларининг фаол иштироки орқали тарбиялаш имконини беради. Шартли ҳукм қилинганларнинг

асосий кўпчилик қисми янги ҳуқуқ бузишлар содир этмай турмуш ва ишда тўғри йўлни топиб олмақдалар.

ЎзР ЖПК нинг 459-моддасида шартли ҳукм қилиш тўғрисида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномаси бўлса, суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атворини кузатиш учун уни шу бирлашма ёки жамоага топшириши мумкин дейилади. Жиноят содир қилишда айбланаётган шахс суд томонидан шартли ҳукм қилинар экан, агар меҳнат жамоасининг бу ҳақда илтимосномаси бўлса демак, шартли ҳукм қилинган шахсни тарбиялаш масаласини ҳам бу жамоа ўз зиммасига олади.

Шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасанинг кўмондонлиги назорат олиб боради.

Суд жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан ЖК 72-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни юклайди. Бу мажбуриятлар ЎзР ЖК 72-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган бўлиб, улар муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Суд шартли ҳукм қилиш билан бирга ана шу мажбурият-ларнинг барчасини юклаши шартми? Бу мажбуриятлар нимага керак? Бизнинг фикримизча, шахсни жинойий жазодан озод қилиб, шартли ҳукм қилар экан, шартли ҳукм қилишнинг моҳият-мазмунини ҳам ана шу мажбуриятларда ифодаланади.

1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексида шартли равишда ҳукм қилиш (43-модда) тўғрисидаги моддасида бундай мажбуриятларни юклаш назарда тутилмаган эди. Судлар шартли ҳукмни тез-тез қўлласаларда бу институтнинг ривожланиши учун унча катта аҳамият берилмас эди. Ўша вақтда амалда бўлган Жиноят кодекси 43-моддасида шартли ҳукм қилинган шахслар устидан ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ равишда ички ишлар органлари, вояга етмаган шахслар ахлоқи устидан назоратни эса, шунингдек, халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советларининг

ижроия қўмиталари ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар амалга оширади дейилган бўлсада, суд шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш ҳақида қарор чиқариш ва синов муддати белгиланишининг ўзи билан кифояланиб қолар эдилар. Синов муддати тамом бўлганидан кейин шартли ҳукмни талаблари бажарилган ёки бажарилмаганлигини текшириб кўриш, жазони ижро этиш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун шартли ҳукм қилинган шахсни судга чақириб ҳам ўтирмас эдилар. Шартли ҳукм қилинган синов муддати мобайнида янги жиноят содир қилиб қўйсагина ЖКнинг 41-моддаси (бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш) тартибида жазо тайинлаш учунгина судга келтирилар эди. Ҳатто синов муддати тамом бўлганидан кейин шартли ҳукм қилинганни жазодан озод қилиш учун судга чақирилмас эди. Албатта, бундай қоида ўша давр талаби учун тўла жавоб берар эди. Одамларнинг хулқи умуман жамиятнинг турли давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан қаттиқ назорат остида бўлганлиги учун ҳам бу масалалар анча содда ва жўн ҳал қилинаверар эди.

Энди ҳозирги кунда замон ўзгарди, киши шахси давлат ва нодавлат ташкилотларининг назоратидан қутилди. Бозор иқтисодиёти тизими шароитида жамият аъзолари қонунларда белгиланган доирада тўла эркинликка эга бўлди. Бу жамиятда «Қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан энди шуғулланиш мумкин. Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан синов муддатини белгилаб қўйишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Бозор иқтисодиёти тизимида асосланган тузумда жамият аъзоларининг эркинлик доираси жуда кенг бўлсада, ҳаёт анча мураккаб, рақобатчилик кучли бўлган тизим бўлганлиги учун ҳам шартли ҳукмни янада ривожлантириш, шартли ҳукм қилинганар хулқи устидан назорат олиб бориш зарурати объектив равишда вужудга келди. Энди судлар шартли ҳукм қилиб, синов муддатини белгилаш билан чекланиб қолмасдан, шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан иш ҳолатларига қараб ЖК 72-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган мажбуриятлардан бир нечтасини юклаши мумкин.

ЖК 72-моддасининг 4-қисмига биноан шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги олиб боради дейилади. Демак, суд шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан чиқарилган қарорни, яъни ҳукмнинг нусхасини шахснинг доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар идорасига юборади. Ўзбекистон

Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 176-моддасида белгиланганига кўра, жазони ижро этиш инспекцияси шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ҳамда ҳукм қилинган шахсларни суд белгилаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбурият-ларни бажарилишини текшириб боради». Демак, жазони ижро этиш инспекцияси шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан шахсий дела очади ва рўйхатдан ўтиш варақаси очади. Чунки ЖК 72-моддасининг 3-қисмида шартли ҳукм қилинган шахснинг вақти-вақти билан ички ишлар органларига келиб рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятини юклаш ҳам назарда тутилган. Суд иш ҳолатларига қараб бир ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органларига келиб рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятини юклаши мумкин.

Жиноят-ижроия кодексининг 177-моддасида белгиланганига кўра, шартли ҳукм қилинган шахслар суд томонидан зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажариши, шунингдек, чақирувга биноан жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳозир бўлиши шарт. узрли сабабсиз ҳозир бўлмаган маҳкум белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин, дейилади.

Суд шартли ҳукм қилинган шахсга 72-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган мажбуриятлардан иш ҳолатларига қараб, бир нечтасини тайинлаши мумкин. Ички ишлар идоралари ҳукмда белгиланган шартли ҳукмда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиш муддатларини ва бажариш сифатини назорат қилиб боради.

Суд шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан муайян мажбуриятларни юқлар экан, ана шу мажбуриятларнинг бажарилиш муддати ва тартибини ҳукмнинг ўзида кўрсатади.

Суд ЖКнинг 72-моддаси 3-қисмида кўрсатилмаган мажбуриятларни ҳам шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан юклатиши мумкинми деган савол туғилади. ЖК 72-моддаси 3-қисмида шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан юклатила-диган мажбуриятлар рўйхати келтирилиб, охирида «ва бошқа мажбуриятларни ҳам юклаши мумкин» дейилмаган. Аммо қонунда бундай қоида назарда тутилмаган бўлсада иш ҳолатларини эътиборга олиб суд ЖК 72-моддасининг 3-қисмида кўрсатилмаган бошқа мажбуриятларни ҳам юклатилиши мумкин.

Юқорида баён қилганимиздек, шартли ҳукмнинг моҳияти ҳам ана шу шартларни шартли ҳукм қилинганларга нисбатан

юклатилишидир. Суд шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиб, синов муддатини белгилаш билан шахсга муайян мажбуриятларни юклаб, ана шу шартларни суд томонидан тайинланган муддат ва шаклда бажариши унинг тўғри йўлга тушиб олганлиги, тузалганлигини исботловчи шартлардир. Суд ушбу мажбуриятларни албатта, ҳукмда кўрсатиши керак. Бу мажбуриятларнинг айримлари маҳкумнинг ҳуқуқларини маълум даражада чекланиши билан боғлиқ бўлиб, улар шахснинг хулқини назорат қилиб туриш, турли ёмон хулқларидан шартли ҳукм қилинган шахсни ҳимоя қилиш ва шу йўл билан унинг тузалишига имкон беришдан иборатдир. Бундай чеклашларга: шартли ҳукм қилинганнинг иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш; вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда фақат яшаш жойида бўлишини айтиш мумкин.

Шартли ҳукм қилинганда суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажаришга у мажбур ҳисобланади. Аммо бу юқорида санаб кўрсатилган мажбуриятлар маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатини маълум даражада чеклайди. Агар шартли ҳукм қилинган шахс томонидан ана шу мажбуриятларни бажаришдан четга чиқиш зарурати келиб чиқса, масалан, муайян вақтда фақат яшаш жойида бўлиши керак бўлган вақтида объектив сабабларга кўра, яшаш жойини тарк этиш зарурати келиб чиқса, бу ҳақда унинг хулқини назорат қилувчи ички ишлар органига хабар бериши керак бўлади. Агар шартли ҳукм қилинган шахс унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёки рухсат олмай ҳеч қандай сабабсиз ҳуқуқий ҳолатини чеклайдиган мажбуриятларни бузса, унга нисбатан маъмурий жазо қўлланилиши мумкин. Агар бундай маъмурий жавобгарликка шартли ҳукм қилинган шахс икки марта тортилган бўлса, шартли ҳукмни бекор қилиб, жазони ижро этиш тўғрисида суд қарор чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан юклатилган мажбуриятларнинг аҳамияти шундаки, синов муддати тугаганидан кейин шахсга нисбатан тайинланган жазони ижро этиш ёки шахсни жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда айнан ана шу унга юклатилган мажбуриятларни қай даражада бажарган ёки бажармаганлиги асос бўлади. Демак, шахсга нисбатан ЖК 72-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жазоларни тайинлаб, сўнг шартли ҳукм қилишнинг ўзи ҳали шахсни жазодан озод қилиш

дегани эмас. Суд шахсни шартли ҳукм қилиб, синов муддатини белгилайди ва муайян шартларни шахс зиммасига юклайди.

Бу билан шахсга нисбатан тайинланган жазонинг ижросини синов муддати тугагунча кечиктиради. Агар шахс синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларни тўла бажарса, суднинг ишончини оқласа, шахс ана энди жазодан озод қилинади. ЖК 72-моддасининг 1-қисмининг мазмунидан худди ана шундай тартибда жазодан озод қилиш келиб чиқади. Унда шундай дейилади: «...Суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради».

Суд шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш тўғрисида қарор чиқарар экан, бу билан ҳали жазодан озод қилинди дегани эмаслигининг яна бир исботи шундаки, шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, шартли ҳукм қўлланган бўлса, суд озодликдан маҳрум қилишнинг муддатини белгилайди, аммо жазони ўташ колонияси турини белгиламайди. Одатда, шартли ҳукм қилиш мумкин бўлган шахсга озодликдан маҳрум қилиш тайинланган бўлса бу жазони манзил колониясида ёки умумий тартибли ахлоқ тузатиш колониясида ўташи керак бўлади. Суд жазони ўташ колонияси турини озодликдан маҳрум қилишни тайинланиши билан бир вақтда эмас, балки синов муддати тамом бўлганидан кейин, шахсга нисбатан юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги учун жазони ижро этиш вақтида белгилайди.

Суд шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш тўғрисида қарор чиқарар экан, шартли ҳукм қилинган шахсга шартли ҳукмнинг аҳамияти синов муддати ва синов муддатининг моҳияти, унга юклатилган мажбуриятлар, бу мажбуриятларнинг бажарган ва бажармаганларининг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиришга мажбурдир.

Шартли ҳукмнинг шартларини ўзгартириш. Шартли ҳукм қилишнинг муҳим вазифаси жиноят содир этишда айбланаётган шахсни тарбиялашда давлат ва жамоат таъсир чораларини кўшиб олиб бориш орқали шахсни тезроқ ҳалол меҳнат йўлига ёки тўғри йўлга ўтиб олишига ёрдам беришдан иборат. Судлар муайян турдаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан шартли ҳукм қилишни қўллар эканлар, айбдорнинг тайинланган жазони ҳақиқатдан ҳам ўтамасдан туриб, унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келсаларгина шартли ҳукмни қўллаб,

синов муддати белгилайдилар ва унга муайян мажбуриятларни юклайдилар. Бу мажбуриятлар юқорида баён қилганимиздек ЖК 72-моддасининг 3-қисмида баён қилинган.

Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан юклатилган ана шу мажбуриятлар синов муддати мобайнида ўзгармай қолаверадими ёки шахс хулқининг ўзгаришига қараб ўзгартириш мумкинми деган савол туғилади.

ЎзР ЖК 72-моддасининг 5-қисмида шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкинлиги баён қилинган. Шахс синов муддати давомида ўзига юклатилган мажбуриятларни тўла бажарса ўзининг намунавий хулқи билан тузалганлигини исботласа, унга суд томонидан юклатилган мажбуриятларни белгиланган вақтда ва шаклда бажарса ва бундан кейин бундай чеклашнинг аҳамияти қолмади, деган қатъий фикрга келинса шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан белгиланган мажбуриятларни суд олиб ташлаши мумкин. Олиб ташлашни шахс устидан назорат олиб боровчи органнинг тақдимномаси билан фақат суд ҳал қилади.

ЎзР Жиноят-ижроия кодексининг 176-моддасида белгиланишича ички ишлар органининг жазони ижро этиш инспекцияси шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгилаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини текшириб боради. Шу кодекснинг 177-моддасида белгиланишича, шартли ҳукм қилинган шахслар суд томонидан зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажариши, шунингдек, чақирувга биноан жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳозир бўлиши шарт. Узрли сабабсиз ҳозир бўлмаган маҳкум белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин. Шартли ҳукм қилинганларни назорат қилувчи инспекция шартли ҳукм қилинганни вақти-вақти билан чақириб у билан суҳбатлар ўтказиб туриши ва яшаш ёки ўқиш жойи бўйича қандай муаммолари борлигини сўраб туриши, зарур ҳолларда ана шу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари, шартли ҳукм қилинган шахс ишлаётган меҳнат жамоаси вакилини чақириб шартли ҳукм қилинган билан қандай тарбиявий ишлар олиб борилаётганлигини сўраши, шартли ҳукм қилинганнинг хулқи юзасидан тегишли фикрларни сўраши мумкин.

Чунки ана шу материаллар шартли ҳукм қилинган шахсга юклатилган мажбуриятларнинг бир қисмини синов муддати тамом бўлмасдан олдин олиб ташлаш ёки янги мажбуриятларни юклаш учун асос бўлади. Бунинг учун шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган судга тегишли тақдимнома билан муурожаат қилади ва суд бу ишни батафсил ўрганиб, ЎзР ЖПК нинг 541-моддасида белгиланган тартибда ҳал қилади.

Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан тайинланган синов муддатини суд қисқартириши мумкинми, деган савол туғилади. ЎзР ЖКнинг 72-моддасини, ЖПК нинг 535,541 ва бошқа моддаларини, шунингдек, Жиноят-ижроия кодексининг 176-180-моддаларини таҳлил қилиб кўрганимизда бу ҳақда аниқ бирон-бир қоида назарда тутилмаган. Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг шартли ҳукмни қўллаш бўйича берган тушунтиришининг 5.2. бандининг иккинчи қисмида шартли ҳукм қилишда ҳукм бўйича белгиланган синов муддатини қисқартириш масаласи Жиноят-процессуал кодексининг 541-моддасига мувофиқ ҳал этилиши керак» дейилган¹. ЎзР ЖПК 541-моддасининг учинчи қисмида «Озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш ёки шартли ҳукмни бекор қилиб, маҳкумни ҳукмда белгиланган жазони ўташ учун жўнатиш ҳақидаги, ҳукмнинг ижро этилиши кечиктирилган маҳкумни жазодан озод этиш, шунингдек ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ва маҳкумни озодликдан маҳрум этишни ўташ учун юбориш тўғрисидаги, судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги масалалар шу маҳкумнинг истиқомат жойидаги Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди судьяси томонидан ҳал қилинади», дейилади.

ЎзР ЖК 73-моддасида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш назарда тутилган бўлиб, бунда озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга юбориш, хизмат бўйича чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоларига ҳукм қилинган-ларгагина муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш назарда тутилган бўлиб, шартли ҳукм қилинганнинг синов муддатини қисқартириш ҳақида айтилмаган. Бизнинг фикримизча, қонуннинг бундай тузилганлиги тўғридир. Чунки, жазони ўташдан муддатидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1997. «Шарқ», 1-жилд, 51-бет.

илгари шартли озод қилиш фақат 13-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноий жазоларга ҳукм қилинганларга нисбатан қўлланиб шартли ҳукм қилиш жазони ижро этишдан озод қилиш ҳисобланади.

Синов муддатини қисқартириш масаласи собиқ Иттифоқ жиноят ҳуқуқида ҳам назарда тутилган эди. Собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1961 йил 4 мартдаги (1962 йил 3 мартдаги, 1969 йил 4 декабрдаги 1984 йил 26 апрелдаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) «Шартли ҳукмни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 8-бандида «Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан тайинланган синов муддатини қисқартириш масаласи иттифоқдош Республикаларнинг жиноят қонунлари тартибида ҳал қилинади. Бунда белгиланган синов муддатининг камида ярми ўтаб бўлганидан кейин содир этилган жиноятнинг оғирлиги, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан кузатув олиб бориш юклатилган жамоат ташкилотлари ёки меҳнат жамоасининг илтимосномасига биноан суд томонидан ҳал қилинади», дейилади¹. Демак, у вақтда амалда бўлган жиноят қонунига биноан, шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан тайинланган синов муддатини камида ярмини ўтаб бўлганидан кейин синов муддатининг қолган қисмини суд томонидан қисқартириш мумкин бўлган.

Юқорида баён қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида синов муддатини қисқартириш ҳақида тушунтириш берилган бўлсада, аммо белгиланган синов муддатини ярми ўтаб бўлганидан кейингина қисқартириш мумкинлиги ҳақида айтилмаган. Шунга қарамай бизнинг фикримизча собиқ СССР Олий суди Пленумининг шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарорига қиёс қилиб аналогия бўйича ҳозирги кунда ҳам суд томонидан белгиланган синов муддатининг камида ярми ўтаб бўлганидан кейингина синов муддатини қисқартириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги амалдаги жиноят ҳуқуқи нормаларига бинон шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан юклатилган мажбуриятларнинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиб ташлаш ёки янги мажбуриятлар юклаш, шунингдек, суд белгилаган синов муддатини қисқартириш ҳам мумкин.

Юқорида баён қилганимиздек, синов муддати узлуксиз бўлиб, шахс меҳнат таътилига чиққанда ҳам, командировкага кетганда ҳам, касал бўлиб қолган тақдирда, шифохонада даволанган вақтда ҳам,

¹ Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР, 1924—1986. М. 1987, с. 490-491.

армия хизматига чақирилганда ҳам тўхтатилмайди. Фақат шартли ҳукм қилинган шахс руҳий касалга чалиниб қолса синов муддати тўхтатилади. Чунки руҳий касал бўлиб қолган шахс унинг устидан назорат олиб борилаётганлиги, тарбиявий характердаги ишлар олиб борилаётганлигининг моҳиятини тушунмайди. Бундан ташқари, у руҳий касал бўлиб қолганлиги туфайли унга юклатилган мажбуриятларни бажариш қобилиятини йўқотади.

Юқорида баён қилганимиздек, синов муддати узлуксиз бўлиб, шахснинг яшаш, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, ёхуд унинг бўлиши тақиқланган жойга бориш зарурати келиб чиқса, уйда бўлиш вақтида яшаш жойидан чиқиш зарурати туғилса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериши, ҳарбий хизматга чақирилган вақтда Жиноят-ижроия кодексининг 176-моддаси иккинчи қисмида белгиланишига кўра, жазоларни ижро этиш инспекцияси суд ҳукми (ажрими) нусхасини ҳамда ҳарбий хизматни ўташ жойида унинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун керакли бошқа ҳужжатларни мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимга юборади. Ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонлиги ўн кунлик муддат ичида шартли ҳукм қилинганни рўйхатга олинганлиги тўғрисида, хизматни тугатганидан кейин эса, жўнаб кетганлиги тўғрисида жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиши шарт.

Шундай қилиб, суд шартли ҳукм қилинганларга нисбатан юклатилган мажбуриятларни қисқартириши, барчасини олиб ташлаши ҳамда синов муддатини қисқартириши мумкин. Аммо қонунда ҳар қандай ҳолда ҳам синов муддатини узайтириш ҳақида айтилмаган. Шунга кўра, суд шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиб, белгиланган синов муддатини шахснинг хулқи ёмонлашганлиги муносабати билан ёки синов муддати тугаган бўлишига қарамай шахс ҳали тўла ахлоқан тузалгани йўқ деган фикрга келинган тақдирда ҳам синов муддатини узайтириш ёки янги синов муддати белгилаш мумкин эмас. Аммо шартли ҳукмни бекор қилиб жазони ижро этиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Синов муддати давомида шахсга юклатилган мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари. Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан юклатилган мажбуриятлар мажбурий характерга эга бўлиб, суд бу мажбуриятларни юклаш вақтида юклатилган мажбуриятнинг ҳар бирининг бажарилиш шакли ва муддатларини аниқ кўрсатади. Бу

мажбуриятларни шахс суд белгилаган муддатда ва шаклда бажаришга мажбур.

Шартли ҳукм қилиниб, синов муддати белгиланган шахс устидан маъмурий назорат тўғрисидаги қонунга биноан бундай назорат ўрнатилмасда, суд томонидан шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан ЖК 72-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган мажбуриятлардан бир нечтасини унинг зиммасига юклайди ва шахс бу мажбуриятларни бажаришга мажбурдир. ЎзР ЖК 72-моддасининг 6-қисмида «Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан шартли ҳукмни бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин», дейилади. Чунки шартли ҳукм қилинган суд томонидан унга юклатилган мажбуриятларни бажарса, жазони ўташдан озод қилинади, бажармаса жазо ижро этилади.

Шартли ҳукмни бекор қилишга нималар асос бўлади?

1. Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаганлиги;

2. Жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун шартли ҳукм қилинган шахс маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилганлиги;

3. Шартли ҳукм қилинган шахснинг синов муддати давомида янги жиноят содир қилганлиги.

ЎзР ЖК 72-моддасининг 6-қисмида белгиланишига кўра, шартли ҳукм қилишни бекор қилишнинг шартларини икки гуруҳга кирувчи шартларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга кирувчи шартлар шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармасликдан иборат. Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан бир вақтда бир нечта мажбуриятлар юклатилиши мумкин. Булар: етказилган зарарни бартараф қилиш мажбурияти; яшаш жойи ёки иш жойи ёхуд ўқиш ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериш; вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриши, ёки 72-модданинг 3-қисмида назарда тутилган ёки бу қисмда назарда тутилмаган, аммо иш ҳолатларига кўра, юклаш зарур бўлган бошқа мажбуриятларни юклайди. Суд ҳар бир мажбуриятнинг бажарилиш

шакли ва муддатларини ҳукмда кўрсатади. Шахс унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини бажармаган тақдирда эмас, балки ушбу мажбуриятларнинг биттасини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Қонунда шартли ҳукмни бекор қилиш учун синов муддати мобайнида неча марта маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилганлиги асос бўлиши аниқ баён қилинмаган. Муҳими шартли ҳукм қилинганнинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномаси асосида шартли ҳукмни бекор қилиш мумкинлиги баён қилинган.

Бизнинг фикримизча, суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат қилувчи органнинг тақдимномасининг ўзигагина асосланиб, шартли ҳукмни бекор қилиб жазони ижро этиш тўғрисида қарор чиқариши тўғри бўлмайди. Суд бундай тақдимномани қабул қилар экан, энг аввало шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан қўлланилган маъмурий ва интизомий жазо тўғри қўлланилганми? Бундай чорани қўллаш қонунга асосланганми? Шартли ҳукм қилинганга юклатилган мажбуриятларни шахс объектив сабабларга ёки субъектив сабабларга кўра бажарганлиги, бажармаганлик сабаблари ва синов муддати мобайнидаги хулқини батафсил текшириб чиқиши ва шундан кейингина синов муддатини бекор қилиш ёки бекор қилмаслик тўғрисида хулосага келиши керак. Юқорида баён қилганимиздек, шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд ЖК 72-моддасининг 3-қисмида назарда тутилмаган бошқа ҳар қандай мажбуриятларни ҳам юклаши мумкин.

Бунда шундай савол туғилади. Шартли ҳукм қилишни бекор қилиб жазони ижро этиш учун фақат шартли ҳукм қилинган шахс зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги учун маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилганлиги асос бўладими ёки бошқа ҳар қандай ҳуқуқ бузиш содир этганлиги учун маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилганлиги асос бўлаверадими? ЎзР ЖК 72-моддаси 6-қисмининг мазмунига кўра, шартли ҳукм қилинганнинг зиммасига юклатилмаган ҳар қандай ҳуқуқ бузиш учун қўлланилган таъсир чораси асос бўлаверади. Ушбу модданинг 6-қисмида бу ҳақда аниқ баён қилиниб, унда шундай дейилади: «Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса» деб фақат унинг зиммасига суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги назарда тутган бўлса, «ёхуд жамоат тартиби ёки

меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса..» деб қонунда шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд томонидан юклатилмаган ҳар қандай бошқа ҳуқуқ бузишлар учун қўлланилган маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилганлиги назарда тутилмоқда. Демак, шартли ҳукмни бекор қилиш учун суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаганлигини ёки ҳар қандай жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилганлиги, шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома билан чиқиши мумкин.

Шартли ҳукмни бекор қилишга шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки жамоат тартиби ёхуд меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилганлигининг ўзи эмас, балки шундай таъсир чоралари қўлланилганлиги учун бундай шахслар хулқи устидан назорат олиб боровчи органнинг шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномаси асос бўлади.

Жиноят содир этганлиги муносабати билан шартли ҳукмни бекор қилиш. Суд шартли ҳукм қилишни тайинлаш мумкин бўлган жиноят содир этилган тақдирда ҳам ЎзР ЖК 54-моддасида назарда тутилган жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига амал қилган ҳолда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тайинлайди, сўнг шартли ҳукм қилиш тўғрисида қарор қилади.

ЎзР ЖК 72-моддасининг 8-қисмида шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди дейилади. Қонуннинг бу мазмунига кўра, жиноятнинг қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигининг аҳамияти йўқ. Бундан ташқари, янги содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят эканлигининг ҳам аҳамияти йўқ.

Амалдаги Жиноят кодексига шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати мобайнида қасдан ёки эҳтиётсизликдан жиноят содир қилганлигидан, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан,

жиноят содир этиш сабаблари ва бошқа ҳар қандай ҳолатларидан қатъи назар, суд шартли ҳукми бекор қилади ва ЖК 60-моддасида белгиланган тартибда жазо тайинлайди. Ваҳоланки, шартли ҳукм қилинган шахс эҳтиёткорлик чораларини қанчалик даражада кўрган бўлмасин, янги жиноят содир этишдан ўзини қанчалик сақлашга чоралар кўрган бўлмасин қандайдир сабабга кўра, жиноят содир қилиб қўйиши мумкин. Ҳатто ана шундай ҳолда ҳам суд шартли ҳукми сақлаб қололмайди. Амалдаги қонун мазмунига кўра, Жиноят кодекси Махсус қисмининг бирор моддаси билан квалификация қилиш мумкин бўлган қилмиш содир этилганлигининг ўзи шартли ҳукми бекор қилиш учун асос бўлаверди. Бундан ташқари, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати мобайнида янги қасддан жиноят содир қилса, ЎзР ЖК 56-моддаси биринчи қисмининг «н» бандида кўрсатилишича жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шунини ҳисобга олиб судлар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати мобайнида жиноят содир қилган деб асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайдилар. Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари ЎзР ЖКнинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга асосланиб суд ҳал қилади. Бунда синов муддатининг қанча қисмининг ўтганлигининг аҳамияти йўқ. Дастлабки ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ҳаммасини ёки бир қисмини кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазога қўшиб қатъий жазо тайинланади. Тайинланган жазо муддати ўша жазо турининг қонунда белгиланган энг кўп муддатидан ошмаслиги керак. Агар шахс ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, шартли ҳукм қўлланган ва синов муддати мобайнида янги содир қилган жинояти учун яна ахлоқ тузатиш иши тайинланса, шартли ҳукм бекор қилиниб, ЖКнинг 60-моддасида белгиланган қоидаларга асосланиб жазо тайинланади. Бунда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг иш ҳақидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган бўлса, улар алоҳида-алоҳида ушлаб қолинади. Масалан, айтайлик, биринчи ҳукм бўйича 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб иш ҳақидан 15 фоиз ушлаб қолиш белгиланган бўлиб, синов муддати мобайнида содир қилган жинояти учун 2,5 йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолиш тайинланган бўлса, биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан қанча қисми кейинги ҳукмга қўшилган бўлса, шунча муддат мобайнида иш ҳақининг 15 фоизи, кейинги ҳукм бўйича тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари юзасидан белгиланган иш ҳақидан ушлаб қолиш

фоизи, яъни 20 фоизи ушлаб қолинади. Энди шартли ҳукм қилишга тегишли бўлган айрим масалалар борки, уларни қисқача баёни қуйидагича: синов муддати қачондан бошлаб ҳисобланади деган ҳақли савол туғилади. Бу масала юзасидан ЎзР ЖК 72-моддасининг иккинчи қисмида «Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан ҳисобланади» деб кўрсатилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг шартли ҳукмни қўллаш бўйича берган тушунтиришига кўра, «Суд ҳукми бўйича тайинланган жазо апелляция, кассация ёки назорат босқичи суди томонидан шартлига алмаштирилиб, синов муддати белгиланса, бу ҳолда қонунга мувофиқ бу муддатнинг ўтиши ажрим (қарор) чиққан кундан эмас, балки ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисобланади», дейилади¹.

6-§. Жазони ўташда муддатидан илгари шартли озод қилиш

ЎзР ЖКнинг 73-моддасида белгиланишича озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланиши мумкин. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан озод қилиниши ҳам мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилишни жиноят қонунда назарда тутилганлиги жиноят қонунининг муҳим инсонпарварлик принципининг амалда қўлланишидир.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкумларни тезроқ ҳалол турмуш тарзига ўтиб олиши учун рағбантлантирувчи институт бўлиб, жазони ўташ вақтида жазони ўташ тартиб қоида ва талабларини бажариш, иш ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997. Т.: «Шарқ», 1997, 51-бет.

ЖК 73-моддасининг 1-қисми мазмунига кўра, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилиниб бу жазони қонунда кўрсатилган қисмини ўтаб бўлинганидан кейингина қўлланиши мумкин. Бошқа турдаги жазоларни ўтаётганларга нисбатан муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш қўлланилмайди ва қўлланиши мақсадга мувофиқ ҳам эмас.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш жиноят ҳуқуқидаги самарали институтлардан бири сифатида тан олинган. Ўзбекистон Республикасининг 1926 ва 1959 йилларда қабул қилинган Жиноят кодексларида ҳам жазодан озод қилишнинг бу тури назарда тутилган эди ва бу институт доимий равишда ривожлантириб келинди. 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида (50-модда) маҳкумни муддатидан илгари шартли озод қилиш учун маҳкум намунавий хулқи ва меҳнатга ҳалол муносабати билан ўзининг тузалганлигини исбот қилган бўлиши талаб қилинар эди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексининг 73-моддасида эса маҳкум ўзининг тузалганлигини исбот қилганлиги талаби қўйилмай, қонунда муайян шартлар назарда тутилганки, бу шартларнинг мавжудлигининг ўзи шахснинг жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун асос бўлади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун ЖК 73-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазо турларини ўташнинг ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги етарлидир.

ЎзР ЖК 73-моддасининг икинчи ва учинчи қисмларида белгиланганига кўра, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) 73-моддасининг **биринчи** қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарганлиги;

2) шу жазоларни ўташ вақтида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги;

3) жазонинг қонунда кўрсатилган қисмини ўтаб бўлганлиги.

Ушбу шартларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлишигина шахсни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун асос бўлади.

Ушбу шартларнинг бирортасининг бўлмаслиги жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни истисно қилади.

Жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун фақат озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётганларга нисбатан қўлланиб, уларни озод қилишнинг асослари сифатида юқорида кўрсатилганлардан ташқари яна ўқишга бўлган муносабати ҳам назарда тутилган.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби ЎзР ЖПК нинг 536-моддасида белгиланган бўлиб, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан судья томонидан қўлланилади. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликда берган тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг асосларидан бири суд томонидан тайинланган жазо муддатини қонунда кўрсатилган қисмининг ўтаб бўлганлигидир. ЖК 73-моддасининг учинчи қисмида белгиланишига кўра, маҳкум жазонинг қуйидаги қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлган бўлиши керак:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида ярмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этилганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатдан ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин.

Жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаганларга нисбатан эса жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш учун асос бўладиган жазонинг ўталган қисми жиддий қисқартирилган ва қуйидаги муддатлари белгиланган.

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғридаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунига билан Жиноят кодексининг 73- ва 89-моддаларига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Ушбу ўзгартиришлар киритилгунча жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга асос бўладиган жазонинг ўталмаган қисми анча муддатга кўп эди. Жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини, оғир жиноят учун, шунингдек, қасддан қилинган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан қилган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини, ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан уч қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейингина қўлланиши мумкин эди. Жиноят содир қилиш пайтида вояга етмаганларга нисбатан эса шунга мувофиқ равишда олдин учдан бир қисмини, ярмини, учдан икки қисмини ўтаб бўлганлиги талаб қилинар эди.

Жиноят кодексининг 73- ва 89-моддаларига киритилган ўзгартиришлар тузалиш йўлига ўтиб олган шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазони анча кам қисмини ўташи билан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш имконияти вужудга келди.

Амалдаги ЖКнинг 73-моддасида маҳкумнинг қатъий тузалганлиги талаб қилинмай ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмида назарда тутилган асосларнинг бўлиши етарлидир. Аммо жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш вақтида бу шахслар бирон-бир

мажбуриятлар юклатилиши ёки ҳуқуқий ҳолатини чекловчи бирон-бир мажбурият юклатилиши мумкинлиги ЖКда назарда тутилмаган.

Муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахслар агар янги жиноят содир қилмасалар, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлари учун умумий бошқа асосларда жавобгарликка тортилади (интизомий, маъмурий) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим мамлакатлар ЖКларида муддатидан илгари жазодан шартли равишда озод қилинган шахслар хулқини назорат қилувчи махсус органлар ташкил этилган. Муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш вақтида суд маҳкумга муайян мажбуриятларни юклайди. Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахс суд томонидан юклатилган бу мажбуриятларни бажармаса ёки жамоат тартибини бузганлик учун шартли ҳукм қилинганга маъмурий жазо қўлланилган бўлса, шартли озод қилинганни назорат қилиш юклатилган орган тақдимномаси билан суд шартли озод қилишни бекор қилиб, жазони ҳақиқатда ўташ учун юборилади.

Ўзбекистон Жиноят кодексида эса бундай қоидалар назарда тутилмаган. Ўзбекистон Жиноят кодексида ҳам ана шунга ўхшаш нормаларни назарда тутилиши фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Чунки, узоқ муддат озодликдан маҳрум бўлиш шароитида сақланган шахс ўзининг олдинги меҳнат жойидан, ҳатто айримлари оиласидан маҳрум бўлган, ўз хунарини ёки билимини эсдан чиқарган маҳкум жазони ўташи мобайнида жамиятда жиддий ўзгаришлар содир бўлган бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиёти тизими шароитида зиддиятларнинг чуқурлашганлиги, ишсизликнинг юқорилиги, судланган шахсларнинг иш топишидаги қийинчиликлар ва ҳоказолар муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинган шахслар олдига жиддий муаммоларни келтириб чиқариши, шахс эса бу муаммоларни ўзи мустақил равишда ҳал қила олмай қолиши, натижада яна жиноят йўлига ўтиб қолиши мумкин.

Собиқ иттифоқ даврида муддатидан илгари жазодан шартли озод қилинганлар юзасидан туман ижроия кўмиталари қошида ташкил этиладиган кузатув комиссиялари назорат олиб борар эди. Ҳозирги кунда бундай комиссия тамоман ўз фаолиятини тўхтатган. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг ишлари ҳам қониқарли эмас.

Амалдаги ЖКнинг 73-моддасидаги шахсни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш учун ўзининг тuzалганлигини исбот қилиши талаб этилмас экан, демак уни тарбиялаш жараёни жазодан

шартли равишда озод қилинган муддат мобайнида давом эттирилади. Аммо қонунда кимлар ёки қайси орган улар билан тарбиявий ишлар олиб бориши, ишда, ўқишда, турмушдаги муаммоларни ҳал қилишда ким ёрдам беради?

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс бирон-бир шарт қўйилмасдан жазонинг қолган қисмини ўташдан тўла озод қилинади. Бундан ташқари, шахсга нисбатан суд томонидан тайинланган қўшимча жазодан ҳам бутунлай озод қилиниши мумкин.

Суд шахсни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилишда, шахснинг жазодан озод этилганидан кейинги яшаш шароити, оилавий аҳволи, яқин қариндош-уруғларининг ёрдами ва муносабати, ишга жойлашиш имкониятларни ҳам ҳисобга олиши керак.

Судлар қонунда назарда тутилмаган асосларни сабаб қилиб, масалан, жазонинг енгиллиги, жазони ўталган қисми қонунда белгиланган муддат талабига тўғри келсада, унинг оз қисмини ўтаганлиги, жазони ўташ колониясида оз вақт бўлганлигини важ қилиб шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани қабул қилишни рад қилишга ҳақли эмас. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқишга мажбур. Шартли озод қилишга асослар етарли бўлмасагина, асослар етарли бўлгунча ишни қайтариш мумкин.

ЎзР Жиноят-ижроия кодексининг 164-моддасида белгиланишича маъмурият маҳкумни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга тақдим этишни рад қилса, маҳкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

Суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни рад этган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома такроран берилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш вақтида жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган жазодан шартли озод қилиш тўғрисида қонунни эмас, балки жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги ишни кўриш вақтида амалда бўлган қонун қўлланади.

Суд шахсни ЎзР ЖКнинг 73-моддаси асосида жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш вақтида жазонинг қолган қисмини шартли ҳукм қилиш, жазонинг қолган қисмини қисқартиришга ҳақли эмас. Суд ё жазодан муддатидан илгари

шартли озод қилади ёки бундай озод қилишни рад этади, фақат тегишли хужжатлар олингунча бу ишни кўришни кечиктириши мумкин. Муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилишда шахсга нисбатан синов муддати белгиламайди, жазонинг қолган қисмининг ўзи синов муддати ҳисобланади.

ЎзР ЖК 73-моддасининг бешинчи қисмида белгиланишига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс, жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ЎзР ЖКнинг 60-моддасида белгиланган тартибда жазо тайинлайди. Бунда кейинги қасддан қилган жинояти учун тайинланган жазо муддатига олдинги ҳукм бўйича жазонинг ўталмай қолган қисмини тўла ёки қисман кўшиб бир неча ҳукмлар юзасидан қатъий жазо тайинлайди. Бунда қонун мазмунига кўра, олдинги жинояти қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигининг аҳамияти йўқ. Аммо жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс эҳтиётсизликдан жиноят содир қилса, фақат эҳтиётсизликдан қилган жинояти учун тайинланган жазони ўтайверади. Олдинги жинояти учун муддатидан илгари озод қилинган шартли муддат эса эҳтиётсизликдан қилган жинояти учун тайинланган жазо ўташ муддати мобайнида давом этаверади.

Муддатидан илгари шартли озод қилиш учун жуда кенг доирадаги маҳкумларга қўлланади ва қўллаш мумкин бўлмаган шахслар доираси жуда чекланган.

ЎзР ЖКнинг 73-моддаси тўртинчи қисмида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўлланиши мумкин бўлмаган шахслар доираси берилган. Булар:

а) **умирбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш** жазоси авф этиш тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсга;

б) ўта хавfli рецидивистга;

в) уюшган гуруҳ ёки жинсий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчиларига;

г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар қасддан одам ўлдириш (97-моддасининг 2-қисми), ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш (118-моддасининг 4-қисми) ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжини Ғайритабиий усулда қондириш (119-моддасининг 4-қисми), Ўзбекистон Республикасига (157-163-моддалар), тинчлик ва инсоният хавфсизлигига (150-156-моддалар) қарши жиноят содир

этиш, жиноий уюшма ташкил этиш (242-модда), ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуроолларини (255-модда) ишлаб чиқариш, шундай қуроолларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни контрабанда қилиш (246-модда), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни контрабанда қилиш (246-модда), жинояти учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилмайди.

7-§. Жазони енгилроғи билан алмаштириш

ЎзР ЖКнинг 74-моддасидан озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкинлиги назарда тутилган.

ЎзР ЖКнинг 74-моддасида назарда тутилган жазони енгилроғи билан алмаштириш ЖКнинг 57-моддасида кўзда тутилган енгилроқ жазо тайинлашдан фарқ қилади. Енгилроқ жазо тайинлаш жазо тайинлашнинг бир тури бўлиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, суд айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилганига нисбатан енгилроқ жазо тайинлайди. ЖК 74-моддасида назарда тутилган жазони енгилроғи билан алмаштиришда эса, суднинг ҳукми билан тайинланган жазонинг қонунда белгиланган қисми ўтаб бўлинган ва ушбу моддада кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, маҳкум суд томонидан жазодан озод қилиниб, бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлайди.

ЖК 74-моддасида озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларини енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкинлиги кўрсатилган. Агар маҳкум озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган бўлса, қамоқ жазосидан бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиш мумкин. Қамоқ жазоси озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ бўлсада маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақлаш шароитига қараганда оғирроқ бўлганлиги туфайли озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисмини қамоқ билан алмаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Маҳкум ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган бўлса, бу жазонинг қолган қисмини ё муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки жарима билан алмаштирилиши мумкин. Жазоларнинг қайси бири енгилроқ эканлиги ЖКнинг 43-

моддасидаги жазо тизимида муайян тартибда жойлаштирилган жазоларнинг ҳар бирининг ўзидан юқорида тургани энгилроқ жазо ҳисобланади.

ЎЗР ЖК 74-моддасида белгиланганига кўра, жазони энгилроғи билан алмаштиришга қуйидагилар асос бўлади:

а) озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб келганлиги;

б) маҳкумнинг меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб келганлиги;

в) жазонинг қонунда кўрсатилган қисмини ўтаб бўлганлиги;

Маҳкум суд ҳукми билан тайинланган жазонинг қуйидаги қисмини ўтаб бўлган бўлиши керак:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

Ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан содир этган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин.

Суд жазонинг қолган қисмини энгилроғи билан алмаштиришни ҳал қилиш вақтида жазонинг мақсадига бошқа энгилроқ турдаги жазо орқали ҳам эришиш мумкин деган хулосага келган бўлиши керак.

Суд жазонинг қолган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштирар экан, маҳкумга нисбатан тайинланган қўшимча жазодан озод қилиши мумкинми, деган савол туғилади. Бу ҳақда ЖК 74 -моддасида аниқ айтилмаган. Аммо Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим давлатларнинг (Масалан, РФ ЖКнинг 80-моддаси) жиноят қонунларида суд энгилроқ жазо билан алмаштириш вақтида қўшимча жазодан қисман ёки тўла озод қилиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган. Ўзбекистон Жиноят кодекси 74-моддасида бундай қоида назарда тутилмаган.

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларини энгилроқ турдаги жазо

билан алмаштиришда суд фақат вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган ЖКнинг 81-моддасида назарда тутилган енгилроқ жазо тури билан алмаштириши мумкин.

Жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаганларга нисбатан жазони қолган қисмини енгилроғи билан алмаштиришнинг асослари жазонинг ўташ тартиб-қоидалар талабларини бажарганлиги, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигидан ташқари ўқишга бўлган ҳалол муносабатда бўлиб, келганлиги талаб қилинади. Жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаганларнинг жазосини енгилроғи билан алмаштириш учун асос бўладиган жазонинг ўталган қисми анча қисқартирилган, яъни:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисмини;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин қўлланиши мумкин.

ЎзР ЖПК нинг 536-моддасида белгиланишига кўра, жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан судья томонидан қўлланилади. Ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиясининг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан кўриб чиқилади.

Жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида тақдим этилган илтимосномалар рад этилган кундан бошлаб камида олти ой ўтгач қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилишнинг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, алмаштирилган жазонинг муддати шу жазо тури учун кўрсатилган муддатлар доирасида тайинланади. Яъни алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан кам, уч йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун тайинланган озодликдан маҳрум қилиш ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда эса, бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, алмаштирилган жазо муддати озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисмининг муддати билан тенг бўлиши керак.

ЎзР ЖК 74-моддасининг олтинчи қисмида жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар енгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин Жиноят кодексининг 73-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкинлиги баён қилинган. Бунда олдинги ҳукм бўйича ва алмаштирилган жазолар қўшиб ҳисобланганда 73-моддада назарда тутилган муддатлар назарда тутилмоқдами ёки фақат алмаштирилган енгилроқ турдаги жазонинг тегишли қисми ўтаб бўлганидан кейин жазодан муддатидан илгари жазодан озод қилиш мумкинми деган савол туғилади.

ЖК 74-моддаси олтинчи қисмининг мазмунига кўра, алмаштирилган енгилроқ турдаги жазонинг 73-моддасида белгиланган қисми ўтаб бўлганлиги муносабати билан муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилишни қўлланиши мумкин.

Масалан, айтилик, унча оғир бўлмаган жинояти учун тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс жазонинг тўртдан бир қисмини (яъни бир йилини) ўтаб бўлганидан кейин қолган уч йили уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган бўлса, ана шу алмаштирилган **уч** йил ахлоқ тузатиш ишларининг учдан бир қисмини (яъни **1 йилини**) ўтаб бўлганидан кейин жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўлланиши мумкин.

Жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ЖК 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди. Бунда кейинги жиноят учун тайинланган жазо муддатига алмаштирилган енгилроқ турдаги жазонинг ўталмай қолган қисми ЖК 61-моддаси қоидалари асосида қисман ёки тўла қўшилиб бир неча ҳукмлар юзасидан 60-модда қоидалари асосида қатъий жазо тайинланади.

Жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсларнинг судланганлик муддатини ҳисоблаш дастлабки ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг ҳақиқатда

ўталган қисмидан ЖК 78-моддасида кўрсатилган муддатларга қараб ҳисобланади. Аммо судланганлик муддати алмаштирилган енгилроқ турдаги жазони ўтаб бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш мумкин бўлмаган маҳкумлар рўйхати чекланган ва қонунда аниқ кўрсатиб қўйилган. Булар ЖК 74-моддасининг бешинчи қисмида баён қилинишича ЖК 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахслардир.

Жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган вақтда шахснинг хулқи қандай бўлишидан қатъи назар, қонунда шахснинг олдинги жазони ўташ жойига қайтариш назарда тутилмаган. Бундан ташқари, шахс алмаштирилган жазони ўташ муддати мобайнида эҳтиётсизликдан жиноят содир этса 60-модда тартибида жазо тайинланмай, фақат эҳтиётсизликдан қилган жинояти учун жазо тайинланади, алмаштирилган жазони ўташ муддати мобайнида қилган жиноят учун жазо тайинланиши муносабати билан алмаштирилган жазонинг қолган қисми ўталмай қолиб кетаверади. Қонундаги бундай номувофиқлик бартараф қилиниши керак.

8-§. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш

ЎзР ЖКнинг 75-моддасида шахс ҳукм чиқарилгандан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка, шунингдек, жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган.

ЎзР ЖКнинг 67-моддасида фақат руҳий касалликка чалинган шахсларни жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган бўлса, ЖКнинг 75-моддасида эса тўртта ҳолатда жазодан озод қилиш назарда тутилган булар:

а) ҳукм чиқарилгандан кейин ўз ҳаракатлари аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалинган;

б) жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалинган;

в) ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етиб қолсалар, бу турдаги жазони ўташ вақтида ҳомиладорлик ҳолатида бўлсалар;

г) интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиги ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар.

Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари ҳукм чиқарилган пайтдан бошлаб то жазо муддати тугагунча қўлланиши мумкин.

Ҳукм чиқарилганидан олдин шахс руҳий касалика чалиниб қолса жиноий жавобгарликдан озод қилинади. Бошқача оғир касалликка чалинганлар даволанишга юборилади. Ва тузалиши билан жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинади.

Ушбу айтилганлардан кўриниб турибдики, ЖК 75-моддасида назарда тутилган касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш ҳукм чиқарилган пайтдан то ҳукм қонуний кучга киргунча ва жазони ўташ вақтида қўлланиши мумкин.

Ҳукм чиқарилганидан кейин руҳий касаллика чалинган шахсларни жазодан озод қилиш суднинг ҳуқуқи бўлмай, балки мажбурияти ҳисобланади. Руҳий касалликка чалинган шахс ўз ҳаракатларини идора қила олмаслиги ва ҳаракати туфайли келиб чиққан оқибатнинг ижтимоий моҳиятини англамаслиги ушбу дарсликнинг IX бобида батафсил берилган.

Бошқача оғир касаллик туфайли жазони ўташдан озод қилиш суднинг ҳуқуқи бўлиб, суд жазодан озод қилиш ёки озод қилмаслик масаласини ҳал қилади. Бошқача оғир касалликнинг тури ёки қандай касалларни жазодан озод қилиш мумкин бўлган касалликлар рўйхати қонунда назарда тутилмаган. Бошқача оғир касаллик ҳар қандай оғир касаллик бўлиши мумкин ва бундай касаллик албатта, жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касаллик (масалан, ҳар иккала қўлнинг ишламай қолиши, инсон ички аъзоларидан бири фаолиятининг ишдан чиқиши ва ҳоказолар) бўлиши керак.

ЎзР ЖКнинг 46-моддасига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга нисбатан тайинланмайди. Шунга кўра, ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинган юқорида айтилган шахслар ҳукм қилинганидан кейин ёки жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар жазодан озод қилинадилар. Бундай шахсларда жазони ижро этиш муддати ёки жазони ўташ муддати тугамасдан меҳнат қобилияти тикланса

(ҳомиласи тушиши, ёш боланинг ўлиб қолиши ёки ёш боласининг қонунда белгиланган ёшга етиши муносабати билан ёхуд меҳнат қобилиятини йўқотганларида) меҳнат қобилияти тиклангани муносабати билан жазони ўташ тўғрисида ажрим чиқариш мумкинми, деган савол туғилади. Қонунда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Шунга кўра, уларга ҳеч қандай шарт қўйилмай жазодан бутунлай озод қилинади. Аммо руҳий касалликка чалиниб суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс ЎзР ЖКнинг 69-моддасида (жазони ижро этиш муддатлари) назарда тутилган муддатлар ўтмасдан ёки жазо муддати тугамасдан тузалсалар жазо ижро этилади. Бундай ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси муддати жазо муддатига қўшиб ҳисобланиши керак.

Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар уларнинг соғлиги ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Бунда озод қилинаётган ҳарбий хизматчининг ҳуқуқини чекловчи ёки мажбурият юкловчи чеклашларсиз жазодан тўла озод қилинади.

ЖКнинг 75-моддасига биноан жазодан озод қилишда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, содир этилган жиноятнинг тури, маҳкум шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш ёки олмаслик назарда тутилмаган.

Аммо ЎзР ЖК 534-моддасининг тўртинчи қисмида руҳий касалликка дучор бўлган шахслардан ташқари, оғир касалликка дучор бўлган шахсларни ўталмай қолган жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда судья содир этилган жиноятнинг оғирлиги, маҳкумнинг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади дейилган.

Маҳкумни ўталмай қолган жазодан касаллиги туфайли озод қилганда судья уни фақат асосий жазодан эмас, балки қўшимча жазо чорасидан ҳам озод қилишга ҳақли ва бу ҳақда ажримда кўрсатади.

Шахсининг I ёки II гуруҳ ногиронлигининг ўзи уни озодликдан маҳрум қилиш жазосидан озод қилиш учун асос бўла олмайди. Маҳкумнинг оғир касаллиги жазони ўташга тўсқинлик қиладиган даражада бўлиши керак. Бу масала тиббий комиссиянинг хулосасига асосланиб ҳал қилинади.

9-§. Амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш

Амнистия эълон қилиш муайян туркумдаги шахсларнинг гуноҳидан кечиб, жиноий жавобгарлик ёки жазодан тўла ёки қисман озод қилишдан иборатдир. Шунингдек, амнистия актида жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш судланганлигини олиб ташлаш ҳам кўрсатилиши мумкин.

Амнистия акти чиқариш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномаси билан Олий Мажлис Сенатига берилган. Амнистия акти орқали жавобгарликдан озод қилиш ушбу дарсликнинг XVII бобда берилганлиги сабабли бу бобда батафсил тўхталиб ўтирмай, амнистия акти орқали жазодан озод қилишнинг айрим муаммоларига тўхталиб ўтилди, холос.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин амнистия акти орқали жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги фармон тез-тез чиқарилмоқда. Бу жиноий жазо инсонпарварлик принципининг амалда қўлланишининг яққол намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган-лигининг ўн йиллиги муносабати билан чиқарилган амнистия тўғрисида фармонда қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин, дейилган эди:

1) а) аёллар; б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар; в) ногиронлар ва жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган шахслар; г) оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари 55 ёшдан ошган эркаклар ва чет фуқаролари;

2) олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

Бу амнистия актида жазонинг муайян қисмини ўтаб бўлганларни ҳам жазодан озод қилиш кўрсатилган эди. Булар:

3) саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахсларни жазодан озод қилиш;

4) ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган шахсларни жазодан озод қилиш;

5) ушбу фармон чиқарилган кунга қадар тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун уч йилдан кам муддат қолган маҳкумларни жазодан озод қилиш кўрсатилган эди.

Ушбу Фармонда жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми куйидагича қисқартирилиши кўрсатилган эди:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилганларга — ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга учдан бир қисмига қисқартириш кўрсатилган эди.

Булардан ташқари ушбу Фармоннинг биринчи моддасида назарда тутилган шахсларни жавобгарликдан озод қилиш ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тўхталиши назарда тутилган эди.

Амнистия тўғрисидаги ушбу Фармоннинг мазмунидан кўриниб турибдики, унда жиноят содир қилган шахслар устидан тергов ишлари ва судда кўрилган ишларни ҳаракатдан тўхтатиш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жазодан озод қилиш, жазони муайян қисми ўталган бўлса жазодан озод қилиш ҳамда амнистия акти орқали жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазосини қисқартириш назарда тутилган эди. Ўзбекистон Республикаси Мустақилиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан чиқарилган амнистия тўғрисидаги фармон жуда кенг доирада шахсларни қамраб олган эди. Шунингдек, бу амнистия акти тўғрисидаги фармонда амнистия актини қўлланиш мумкин бўлмаган шахслар доираси ҳам баён қилинган эди.

Давомли ва узоққа чўзилган жиноятларга нисбатан эса амнистия акти чиққан кунга қадар жиноят тўхтатилган бўлса, амнистия акти қўлланиши мумкин. Жиноят тўхтатилмай яна давом эттирилган бўлса, амнистия акти қўлланмайди.

Амнистия акти орқали жазодан озод қилинган шахслар судланган ҳисобланадилар. Агар жазодан озод қилиш тўғрисидаги амнистия акти жазодан озод қилиш билан бирга судланганлигини ҳам олиб ташлаш кўрсатилган бўлса, жазодан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисобланадилар.

Афв этиш асосида жазодан озод қилиш. Афв этиш асосида жазодан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг

93-моддаси 23-бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатига киради. Суд ҳукми билан жиноий жазога ҳукм қилинган шахсни афв этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Шунингдек, афв этиш асосида асосий жазодан озод қилиш билан бирга қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши, судланганлиги олиб ташланиши мумкин. Амнистия акти чиққунча содир этилган, суриштирув, тергов ва ишни судда кўриш ҳукми қонуний кучга киргунча ҳибсда сақланган ҳамда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан қўлланса (амнистия актида кўрсатилган шахслар доирасига), афв этиш эса фақат ҳукм қонуний кучга кирганидан кейингина қўлланилиши мумкин.

Афв этиш фақат қилмишига пушаймон бўлиб, гуноҳидан кечишни сўраб мурожаат қилингандагина қўлланилади. Агар шахс айби йўқ эканлигини таъкидлаб афв этишни сўраб мурожаат қилган бўлса, афв этилмай ишни охиригача кўриш давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 17 июлдаги фармони билан афв этишни амалга ошириш тўғрисидаги Низом қабул қилинган бўлиб, афв этиш:

- а) **умирбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш** жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш;
- б) асосий ёки қўшимча жазолардан қисман ёки тўла озод қилиш;
- в) жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;
- г) судланганлигини олиб ташлаш шаклида бўлиши мумкин.

Афв этиш Ўзбекистон судлари томонидан жиноий жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланади.

Афв этиш тўғрисидаги масала фақат ҳукм қонуний кучга кирганидан кейингина маҳкумнинг шахсан ўзи берган илтимосномасига биноан кўриб чиқилади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, маҳкумнинг шахси, унинг хулқи, меҳнатга муносабати, жазони ўташ жойларида ташаббускор ташкилотларда қатнашуви, келтирилган зарарни қопланганлиги ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади. Афв этиш

тўғрисидаги илтимосномага жазони ижро этиш муассасасининг тавсифномаси кўшиб берилади.

Афв этиш тўғрисидаги низомда афв этишни қўлланиши мумкин бўлмаган шахслар доираси кўрсатилмаган. Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва тайинланган жиноий жазо туридан қатъи назар, афв сўраб мурожат қилиши мумкин. Афв этишни амалга ошириш тўғрисидаги Низомнинг 6-моддасида белгиланишига кўра, ўта хавфли рецидивистлар, олдин амнистия акти асосида жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинганлар, жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар судланганлик муддати ўтиб кетмасдан қасддан янги жиноят содир қилган бўлсалар ҳамда тузалиш йўлига ўтиб олишни истамаётган маҳкумларга нисбатан афв этиш алоҳида ҳоллардагина қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 76-моддаси 2007 йил 11-июль Қонуни билан тўлдирилиб Бунга кўра Умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахслар тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин афв сўраб мурожат қилишлари мумкин. Бунинг учун маҳкум жазони ўташ даврида қатъий тузалиш йўлига қтган, белгиланган тартибни бузмаганлик учун интизомий жазо олмаган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этган ва жазони қонунда кўрсатилган муддатлари ўтаб бўлинган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қошида афв этиш тўғрисидаги Комиссия мавжуд. Ушбу Комиссиянинг афв этиш тўғрисидаги хулосаси Ўзбекистон Президенти томонидан тасдиқланса фармон чиқарилади, рад қилинса қарор чиқарилади.

Президент томонидан афв этилган шахслар юзасидан янги очилган ҳолатлар бўйича ҳукм бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, бу ҳақда Президентга маълум қилинади.

10-§. Судланганлик

Судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Жиноят содир қилинган пайтдан то судланганлик муддати тугагунча жиноят ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади.

Судланганлик эса, шахснинг содир қилган жинояти учун муайян жазо турига ҳукм этилганликдан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади. Судланганликнинг жиноят - ҳуқуқий оқибати шундан иборатки, Жиноят кодексининг 78-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтмасдан шахс янги жиноят содир этса, олдин судланган шахс томонидан жиноят содир этилган ҳисобланади ва бунда қонун мазмунига кўра, жиноят қасддан содир этилганлиги ёки эҳтиётсизликда содир этилганлигининг аҳамияти йўқ. Шахс ЖКнинг 78-моддасида кўрсатилган муддатлар мобайнида судланган ҳисобланади.

Жиноят қонунида судланганликнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, шахс содир қилган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб чиққанидан кейин уни яна жиноят йўлига ўтиб қолишининг олдини олиш мақсадида кузатиб туриш, жазони ўташ вақтида жазонинг мақсадига тўла эришилмаган бўлса, уларнинг устидан маъмурий назорат ўрнатиш орқали жазонинг мақсадига эришишни жазони ўтаб бўлганидан кейин давом эттиришдан иборат.

Муайян жиноятни содир этишда айбланиб ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши, унинг тузалиш йўлига ўтиб олишни истамаётганлигини кўрсатади ва шахсга нисбатан қаттиқроқ жиноят-ҳуқуқий чораларни қўлланишини тақозо қилади. Жиноят қонунида судланганлик институтини белгилаш ана шунинг учун ҳам муҳимдир.

Шахс судланганлик муддати мобайнида (78-моддада кўрсатилган муддатлар ўтмасдан) янги жиноят содир қилса бир қатор жиноят-ҳуқуқий оқибатлар вужудга келади ва булар қуйидагилардир:

1) судланганлик муддати мобайнида шахс қасддан янги жиноят содир этса, ЎзР ЖКнинг 56-моддаси биринчи қисмининг «н» бандида белгиланишига кўра, жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади;

2) қасддан қилган жиноят учун судланганлик муддати мобайнида ҳар қандай қасддан жиноят содир этиш рецидив жиноят деб топилади.

3) қасддан қилган жинояти учун судланган шахс яна ўша жиноятга ўхшаш жиноятни қасддан содир этса, хавфли рецидив жиноят, шахс эса хавфли рецидивист деб ҳисобланади;

4) ЖК 34-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин;

5) судланганлик муддати мобайнида янги жиноят содир этилса ЎзР ЖКнинг 65, 66, 66¹-моддаларида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилиш қўлланилмаслиги мумкин;

б) судланганлик муддати мобайнида шахс янги қасддан жиноят содир этса, ЎзР ЖКнинг 70,71-моддаларида назарда тутилган жазодан озод қилиш қўлланилмаслиги мумкин;

7) илгари қасддан жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, судланганлик муддати мобайнида қасддан янги жиноят содир қилган шахсларга нисбатан шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-моддасининг 7-қисми) қўлланилмайди;

8) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс қасддан янги жиноят содир этса жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (73-модда) ва жазони енгилроғи билан алмаштиришни (74-модда) қўллаш учун суд тайинланган жазонинг кўпроқ қисмини ўтаб бўлганлиги талаб қилинади ва қонунда белгиланган бошқа оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади. Аммо ЎзР ЖКнинг 78-моддасида белгиланган муддатлар асосий ва қўшимча жазоларни ўтаб бўлган ёки бу жазолардан озод қилинган кундан бошлаб судланганлик муддатини ҳисоблаш бошланади.

ЎзР ЖКнинг 78-моддасида белгиланишига кўра, қуйидаги муддатлар тугаса шахс судланмаган ҳисобланади:

а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан синов муддати тугаган кундан бошлаб;

б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларни ўтаб чиққач;

в) жарима жазоси ижро этилган кунда кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин – икки йил ўтгач;

д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин — етти йил ўтгач;

ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач.

Ушбу муддатлар ўтганидан кейин агар шахс янги жиноят содир қилмаган бўлса унинг судланганлиги автоматик равишда бекор бўлади.

Аммо ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ўз-ўзидан бекор бўлмай, фақат суд судланганликни олиб ташлайди. ЎзР ЖКнинг 79-моддаси иккинчи қисмида белгиланишича, ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу қонун нормасида қасддан ёки эҳтиётсизликдан жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб чиққанларга ажратилмайди. Шунингдек, ушбу ўн беш йил ва ундан ортиқ муддат яхлит жазо муддатини назарда тутмоқдами ёки ўртада узилишлар бўлиб, жами озодликдан маҳрум қилишнинг ўтаган вақтларини қўшганда ўн беш йил ва ундан кўп муддатни ташкил қилишнинг ўзи етарлими? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори орқали тушунтириш берса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, вояга етмаган даврда ўталган озодликдан маҳрум қилишни бу муддатга қўшиш керакми ёки керак эмасми?

ЎзР ЖКнинг 78-моддасида белгиланган муддатлар тугамасдан ҳам судланганликнинг бекор бўлиши мумкинми? Бу ҳақда қонунда аниқ кўрсатиб қўйилган бўлиб, ЖК 79-моддасининг биринчи қисмида агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини суд олиб ташлаши мумкин.

Ушбу қонун нормасининг мазмунига кўра, суд фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. Бошқа жазоларни ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлигини олиб ташлашга суд ҳақли эмас. Чунки бошқа турдаги жазоларнинг судланганлик муддати жуда қисқа бўлиб, бу

вақт ичида шахснинг олдинги жиноий фаолиятини тиклаган ёки тикламаганлигини, жиноий гуруҳдаги шериклари билан алоқани тикладими ёки йўқми деган масалаларни аниқлашнинг иложи бўлмайди. Шунга кўра, озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларнинг судланганлик муддати жуда қисқа белгиланганлиги туфайли уларнинг судланганлигини олиб ташлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, судланганлик бир қатор жиноят-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, унинг муддатларини тўғри ҳисоблаш янги содир қилинган жиноятни тўғри квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ҳамда ва одил судларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларни ўтаб чиққанларга нисбатан судланганлик муддатини ҳисоблашда деярли муаммо келиб чиқмайди. Чунки жазо турларининг қанча муддатини ўтаганлиги судланганлик муддати билан боғланмаган. Масалан, ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойини ёки олти ойини ёхуд ҳамма муддатини ўтаб чиққанлигидан қатъи назар, судланганлик муддати бир йил белгиланган. Қамоқ жазосини бир ой ёки тўрт ой ёхуд олти ой ўтаб чиққанлигидан қатъи назар, шахс икки йилгача судланган ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилишда эса бошқача ҳолат бўлиб, судланганлик муддати суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг ўталган қисми билан боғлаб белгиланган.

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган ёки жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган тақдирда шахснинг судланганлик муддатини ҳисоблаш тартиби қандай бўлади деган савол туғилади.

Бу борада ЎзР ЖК 80-моддасининг иккинчи қисмида шундай дейилади «Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади» дейилади. Демак, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган бўлса, судланганлик муддати суд ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг муддатидан эмас, балки жазони ҳақиқатдан ўтаб бўлинган қисмидан олиниши керак. Масалан, айтайлик, эҳтиётсизликдан содир этган жинояти учун суд

айбдорга олти йил муддат тайинласа, жазонинг ярмини, яъни уч йилини ўтаб бўлганидан кейин жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинса, унинг судланганлиги жазонинг ҳақиқий ўталган қисмидан олиниб тўрт йил бўлади. Агар суд ҳукми билан тайинланган муддатидан олинганида эди, судланганлик муддатини етти йил деб олишга тўғри келиб қолар эди.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинганда судланганликни ҳисоблашнинг бошланиши шартли равишда озод қилинган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Агар суд жазодан муддатидан илгари шартли равишда асосий жазодан озод қилиш вақтида қўшимча жазодан озод қилмаган бўлса, судланганлик муддати қўшимча жазони ҳам ўтаб бўлган кундан бошлаб ҳисобланди.

Агарда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддаси асосида енгилроқ жазо билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати озодликдан маҳрум қилишнинг ҳақиқий ўталган қисмидан олиниб, судланганлик муддати алмаштирилган енгилроқ жазони ўтаб бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик муддати тугамай яна янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охири содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек, содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса шахс судланмаган деб ҳисобланади. Жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар ва жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилинганлар ҳам агар улар ЖКнинг 69-моддасида назарда тутилган муддатлар мобайнида бошқа қасдан янги жиноят содир қилмаган бўлсалар судланмаган ҳисобланадилар.

Агарда шахс бир неча жиноятлар учун ёки бир неча ҳукмлар юзасидан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса,

жиноятнинг оғирроқ тури бўйича судланганлик муддати тугагунча у барча жиноятлари учун судланган ҳисобланади.

18-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Жазодан озод қилиш деганда нималарни тушунасиз?
2. Жазодан озод қилишнинг турларини айтинг?
3. Жазонинг ижро этиш муддатлари ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш деганда нималарни тушунасиз?
4. Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш деганда нималарни тушунасиз?
5. Шартли ҳукми бекор қилиб жазони ижро этишга нималар асос бўлади?
7. Шартли ҳукм қилинган шахсларга қандай шартлар қўйилиши мумкин?
8. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш деганда нималарни тушунасиз?
9. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг асослари қандай?
10. Жазони қолган қисмини енгилроғи билан алмаштириш деганда нималарни тушунасиз?
11. Меҳнат қобилиятини йўқотиш муносабати билан жазодан озод қилиш деганда нималарни тушунасиз?
12. Авф этиш орқали жазодан озод қилиш нима?
13. Судланганлик деганда нимани тушунасиз, унинг муддатлари қандай?

Фойдаланилган ва бу бобни чуқурроқ ўрганиш учун

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Усмоналиев М. Эрматов Қ. Шартли ҳукм қилиш. Т.: ТДЮИ. 2005.
2. И.Л.Марогулова. Амнистия и помилование по Российской законодательстве. М.: 1998.
3. К Мирзажанов. Амнистия и помилование в советском уголовном праве. Т.: ТашГУ, 1977.
4. Ф.Муҳитдинова. Одиллик одимлари. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2003 №4, 8-14-бетлар.

5. Г.В.Дровоиков. Условно-досрочное освобождения от наказание и замена наказания более мягким. М.:. 1979.

6. М.П.Евтеев. Погашение и снятие судимости. М.:. 1964.

7.Усмоналиев М. Судланганликни либераллаштиришнинг айрим муаммолари. Давлат ва жамиятнинг демократик янгиланиши босқичида суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТДЮИ, 2002, 151-155- бетлар.

8. С.И.Зельдов. Освобождение от наказание и от его отбывание. М.:. 1982.

9. Л.В.Иногамова-Хегай. Конкуренция норм об освобождении от наказания. “Государство и право”, 2000 №2, ст.54-64.

10.Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования. М.: “Наука”, 1987.

11 . Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги 1-сонли қарори.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991-2006 йиллар II–том Тошкент “Адолат”, 2006, 225 бет.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ХІХ БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ТАЙИНЛАНАДИГАН ЖАЗОЛАР ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ

1-§. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари

Вояга етмаганлар ўзларининг жисмоний ва ақлий жиҳатидан ҳали тўла етилмаганлиги, уларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва махсус ҳуқуқий ҳимоя қилишни талаб этади. Шунга кўра, жамият вояга етмаганларга нисбатан катта ёшдагиларга қўйиладиган талабларни қўя олмайди. Улар интенсив шаклланиш босқичини бошидан кечираётган бўлади. Уларда ҳали таъсирчанлик, тақлидчилик кучли бўлади. Шунга кўра, вояга етмасдан жиноят содир қилган шахслар учун жиноят қонунида алоҳида жавобгарликнинг белгиланиши ижтимоий нуқтаи назардан ҳам, инсонпарварлик нуқтаи назардан ҳам мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи томонидан эса вояга етмаганларнинг рухий хусусиятларини ҳисобга олиб, унча оғир бўлмаган жазо чораларини тайинлаш орқали ҳам жазонинг мақсадига эришиш имкониятини беради. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ёки биринчи марта жиноят содир қилган вояга етмаганларни тарбиялашда жинойий жазо ҳисобланмаган тарбиявий хусусиятдаги мажбурий чораларни қўллаш жазонинг мақсадига тарбиявий хусусиятдаги чоралар орқали эришиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида биринчи марта вояга етмаганларнинг жавобгарлиги алоҳида ажратилиб ЖКнинг олтинчи бўлимида берилди.

Жиноят содир қилиш пайтида ўн тўрт ёшга тўлган, аммо ўн саккиз ёшдан ошмаган шахслар вояга етмаган шахслар ҳисобланади. Юридик адабиётларда кўпинча вояга етмаганларни икки туркумга бўладилар. Ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларни кичик ёшдаги вояга етмаганлар, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганларни катта ёшдаги вояга етмаганлар деб ҳисоблайдилар.

Вояга етмаганларга тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш (85-модда) жазоси ана шу қоидага асосланиб белгиланган.

Жиноят субъекти ёши билан вояга етмаганлик ёши тушунчалари ҳар хил тушунча бўлиб, жиноят субъекти ёши муайян турдаги жиноят учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиш ёши бўлса, вояга етмаганлик ҳали тўла муомала лаёқатига эга бўлмаслик (масалан, сайловда қатнашмаслик, армия сафига чақирилмаслик, муайян мансабларни эгаллай олмаслик ва ҳоказолар)дан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида ўн олти ёшга тўлганлар жиноятнинг субъекти бўла оладилар. Аммо айрим қилмишларни ўн олти ёшга тўлмаганлар ҳам ижтимоий хавфли ва жиноят эканлигини англаганлари боис айрим жиноятлар учун ўн тўрт ёшга тўлганлар жиноят субъекти бўлиши мумкин. Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдиришнинг алоҳида хавфли эканлигини, ўн тўрт ёшга тўлмаганлар ҳам бундай қилмиш оғир жиноят эканлигини англаганлиги туфайли ўн уч ёшга тўлганлар ҳам бу жиноятнинг субъекти бўла олади. Демак, жиноят субъекти ёши жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг вояга етмаганлик муомала лаёқатига тўла эга бўла олмаслик ёшини англатади. Хориж давлатларнинг айримларининг жиноят қонунларида ўн тўрт ёшга тўлганлар жиноятнинг субъекти бўладилар (масалан, Россия, Австрия, Германия, Япония), Франция ЖК да ўн уч ёш, Нидерландия ва Португалия ЖК да ўн икки ёш, Ирландия ҳуқуқида етти ёш. Ҳозирги замон жиноят қонунлари ривожланиши вояга етмаганларга нисбатан асосан тарбиявий хусусиятдаги чораларни қўллашга алоҳида аҳамият берилаётганлиги туфайли жиноий жавобгарлик ва тарбиявий хусусидаги чоралар ўртасида деярли жуда кам фарқ қолаётганлиги туфайли жиноят субъекти ёши камайтирилганлигини маълум даражада оқлайди. Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги кўпроқ ҳуқуқий чеклашлар билан боғлиқ бўлмоқда.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлар кичик ёшдагилар ҳисобланиб, ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини, жиноят эканлигини (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш бундан мустасно) ҳали тўла англаб ета олмайди. Ўн тўрт ёшга тўлганлар эса айрим қилмишларнинг жиноят эканлигини англайди, ўз ҳаракатларини тўла бошқара олади. Шунинг учун ЖКнинг 17-моддасида ўн тўрт ёшдан жиноят субъекти бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг рўйхати берилган.

Ўн олти ёшга тўлганлар эса руҳий ҳолати жиҳатидан ўз ҳаракатларини тўла бошқара оладиган, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли келиб чиқадиган оқибатнинг ижтимоий аҳамиятини тўла англайди. Жиноят кодексида шундай жиноятлар назарда тутилганки, бу жиноятларни вояга етмаганлар ўзларининг ижтимоий ўрни туфайли содир қила олмайдилар (масалан, мансабдорлик, ҳарбий хизматни ўташ билан, сайлов билан боғлиқ ва ҳоказо жиноятлар). Бундай жиноятлар учун фақат ўн саккиз ёшга тўлганларгина субъект бўла оладилар.

Жисмоний ривожланишига нисбатан ақлий ривожланиши орқада қолиб кетган шахслар ЎзР ЖК 17-моддасининг мазмунига кўра, жиноятнинг субъекти бўла оладилар. Аммо суд бундай шахсларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг асослари бор ёки йўқлигини текшириб кўришлари шарт.

Шахс ўн саккиз ёшга тўлиши билан вояга етмаганлик ҳуқуқий мақомини йўқотади. Халқаро ҳуқуқ нормаларида, бошқа бир қанча мамлакатларда ўн саккиз ёшга тўлганлик вояга етганлик ҳисобланади.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган ҳуқуқий нормаларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳга жиноят содир қилиш пайтида вояга етмаган ёшда бўлганлар учун қўлланадиган нормалар;

Иккинчи гуруҳга муайян нормани қўллаш вақтида вояга етмаган ёшда бўлганлар учун қўлланадиган нормалар.

Биринчи гуруҳга жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаганларга нисбатан тадбиқ қиладиган нормаларга жиноятни квалификация қилиш, жазо тайинлаш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштиришни назарда тутувчи нормалар киради.

Иккинчи гуруҳга тарбия ёки жазони ўташ колониясини тайинлашга оид нормалар, мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутувчи нормалар киради. Ана шу юқорида айтилганларга кўра, шахснинг жиноий жавобгарлигини тўғри белгилаш учун шахснинг ёшини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятига эгадир. Суд вояга етмаганнинг жавобгарлигини ҳал қилишда уларнинг туғилган йили, оғи ва кунини тўғри аниқлаш чораларини кўришлари керак. Бу масалалар ушбу дарсликнинг жиноят субъекти бобида батафсил берилган.

Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо турлари ҳам алоҳида ажратилиб, ЖКнинг 81-моддасида унинг тизими берилган. ЎзР ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазолар ўн саккиз ёшга тўлганларга нисбатан тайинланса, ЖКнинг 81-моддасида назарда тутилган жазолар эса, жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан тайинланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазо тайинланиши мумкин эмас.

2-§. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазолар ва уларни тайинлаш

Вояга етмаганларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий, маънавий жиҳатидан баркамол, ижтимоий жиҳатдан соғлом ва нормал эркин ривожланиши учун жамият барча шароитларни яратиб бериши зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларида мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», дейилади. Ушбу Конституциянинг 45-моддасида эса, «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», дейилган.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг кенгроқ маънода олганда улар томонидан жиноят содир этилиши жамиятнинг вояга етмаганлар олдидаги мажбурятларни тўла бажармаслигининг натижасидир. Бу ўз навбатида жазонинг мақсади сифатида «ижтимоий адолатни тиклаш» тушунчасига ўз таъсирини кўрсатади.¹ Адолатни тиклаш эса вояга етмаганни ахлоқан тузатишда ифодаланади. Суд вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлар экан, жиноят содир қилган вояга етмаганинг бошқа тенгдошларига ўз таъсирини кўрсата олмаслик масалаларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Вояга етмаганларга нисбатан жазонинг ягона мақсади уларни ахлоқан тузатиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўлиб, уларни амалга ошириш бузилган ижтимоий адолатни тиклашнинг муҳим шартидир.

Жиноий жазо — жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан жуда қадимдан қўлланиб келаётган чорадир. Уни реализация қилишда эса жиноят сиёсатиға мувофиқ равишда янги

¹ Қаранг. Уголовное право Российской Федерации, Общая часть. —М: «Юристь», 2001, с. 449.

ғояларни мужассамлаш жинойт ҳуқуқининг институти ҳисобланади. Жиной жазо қадимда жинойт учун қасд олиш ва кўрқитиш воситаси сифатида қўлланиб келинган.

Шунинг учун ҳам вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган жазо ўз мазмуни жиҳатидан ахлоқ, одоб нормаларини шакллантиришга хизмат қиладиган мажбурлов чораси бўлиши керак. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жиной жазо ва бошқа тарбиявий бошқа мажбурлов чоралари улар томонидан содир этилган жинойтни ижтимоий тартибга солишнинг мақсадига эришиш учун махсус ишлаб чиқилган мажбурлов чораларидир.

Аммо жинойт қонунида оғир жинойт содир қилган шахсларга нисбатан оғирроқ жазо чораларини қўлланишини истисно қилинмайди. Оғир жинойт содир қилган шахсларга нисбатан оғирроқ жазо чораларни қўлламаслик вояга етмаганда жазоланмай қолганлик ҳиссини кўзғатиб, уларда қонунларни менсимаслик хусусиятини шаклланишига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Бундай асосиз равишда енгил тайинланган жазо чораси вояга етмаганни тарбияланиш ўрнига унинг бузилиши юз бериши мумкинлигини келтириб чиқариши мумкин.

Ҳар қандай жинойт содир қилган шахсга нисбатан жазо тайинланар экан бу билан жазонинг мақсадига эришишдан ташқари шахсга жазони ўташ муддати мобайнида ўз айбини (гуноҳини) ювиш имконияти ҳам берилади. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, вояга етмаганларнинг руҳий ҳолати, жинойт содир қилишнинг сабаблари ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб анча енгил жазо чораси қонунда назарда тутилган. ЎзР ЖК 55-моддасининг биринчи қисми «ж» бандида белгиланганига кўра, вояга етмаганнинг жинойт содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан ҳар қандай ўта оғир жинойт содир этган вояга етмаганларга нисбатан **Умирбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш** жазоси қўлланилмайди. Бундан ташқари, вояга етмасдан жинойт содир қилган шахсларга нисбатан тайинланадиган жазо муддатининг миқдори жиддий камайтирилган.

ЎзР ЖК 81-моддасида белгиланишича жинойт содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги жазо чоралари қўлланиши мумкин:

- а) жарима;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- в) қамок;

г) озодликдан маҳрум қилиш;

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2003 йил 12 декабрь Қонунига биноан вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади. Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш масалалари ҳам ушбу дарсликнинг XVI бобида вояга етганларга нисбатан жазо тайинлаш билан бирга баён қилинганлиги сабабли бу ерда яна такрорлаб ўтиришни лозим топмадик.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорининг 7-бандида «Судлар, вояга етмаганларга, аёларга, ногиронларга ва кексаларга нисбатан жазо тайинлашда, озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ташқари бошқа жазо турини қўллаш, шартли ҳукм қилиш масалаларини муҳокама қилишлари ва агарда, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас, деб топганларидагина озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашлари лозим»¹, дейилади.

Вояга етмаганни ахлоқан тузалиш йўлига ўтиб олишини таъминлай оладиган жазо адолатли жазо ҳисобланади. Вояга етмай туриб жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо унинг ёши, бошқа енгиллаштирувчи ҳолатлар билан бирга ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши керак. Вояга етмаган жиноят содир қилган шахсни ахлоқан тузатиши учун энг аввало комплекс равишдаги ижтимоий ва иқтисодий шароит яратилган бўлиши керак. Суд ҳар бир вояга етмаган шахсга жазо тайинлаш вақтида албатта, содир этилган жиноятнинг сабабларини аниқлашлари шарт.

3-§. Вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 29 декабрдаги қарорлари. Т., 2001, 16-бет.

Вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: жавобгарликдан озод қилишнинг умумий турлари ва вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг махсус турлари.

Вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг умумий турлари жиноят содир қилишда айбланаётган барча шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган турлари бўлиб, булар: жавобгарликка тортиш муддатининг ва жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш (ЖК 64, 69-моддалар); шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиш муносабати билан ва қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарлик ва жазодан озод қилиш (65,70-моддалар); айбдорнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарлик ва жазодан озод қилиш (66,71-моддалар); ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда); касаллик туфайли жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш (67, 75-моддалар); амнистия акти ва афв этиш асосида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш (68,76-моддалар). Шартли ҳукм қилиш (72-модда).

Жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг бу турлари ушбу дарсликнинг бешинчи бўлимида батафсил баён қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар кўпчилигининг жиноят қонунларида вояга етмаганлар жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилинганда жавобгарликка тортиш муддатлари (РФ ЖКнинг 78-моддаси) ва жазони ижро этиш муддатлари ярмига қисқартирилади, шунингдек, судланганлик муддатлари ҳам алоҳида моддада (95-модда) содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, алоҳида қисқартирилган муддатларда берилган. ЎзР ЖК да эса жавобгарликка тортиш муддатлари, жазони ижро этиш муддатлари, судланганлик муддатларида вояга етмаган ва вояга етганлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг махсус турлари мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш (87-модда), шунингдек жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш (89-модда) ва жазони енгилроғи билан алмаштириш (90-модда) алоҳида берилган.

ЎзР ЖКнинг 87-моддасида белгиланганига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Жиноят кодексининг ушбу нормаси бу нормани қўллаш вақтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан қўлланади. Бу нормани қўллаш учун содир этилган қилмиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва жиноят биринчи марта содир этилган бўлиши керак. Уни қўллашда суд вояга етмаганнинг жиноят содир этиш вақтидаги ва жиноят содир этилганидан кейинги ҳулқини ҳисобга олади ва уни жазо қўлламасдан ҳам тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келинган бўлиши керак.

Ушбу қонун нормасининг мазмунига кўра, суд вояга етмаганни жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан тарбиявий хусусиятдаги мажбурлов чораларини қўлламай, ишни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

ЎзР ЖК 87-моддасининг иккинчи қисмида эса суд вояга етмаганни жазодан озод қилиб, мажбурлов чораларини қўллаши назарда тутилган.

ЖК 87-моддасининг иккинчи қисмида уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган, унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, яъни содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олиб вояга етмаганга жазо қўлламасдан ҳам тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Бу норманинг мазмунига кўра, суд ишни кўришни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга топширмай унинг ўзи мажбурлов чораларини қўллайди.

ЎзР ЖКнинг 88-моддасида белгиланишича вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланади:

а) суд белгиладиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш. Суд узр сўрашнинг шаклини вояга етмаганни жазодан озод қилиш билан

бирга кўрсатади. Узр сўраш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ижроия кодексининг 195-моддасида белгиланганига кўра, оғзаки ёки ёзма равишда кўпчиликнинг олдида ёки яқка тартибда бўлиши мумкин.

Узр сўраш жой ва вақтини ва тартибини суд белгилайди. Узр сўраш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади;

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса, қўлланилади. Агар етказилган зарар ушбу миқдордан ошиб кетса, етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади. Етказилган зарарни қоплаш ёки бартараф этиш тартиби ва муддати суд томонидан белгиланади;

в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш. Бундай махсус ўқув-тарбия муассасалари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли бўлиб, вояга етмаган шахслар халқ таълим органларининг махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирига оид ишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Жиноят қонунида назарда тутилган бу мажбурлов чоралари (88-модда) жиноий жазо ҳисобланмайди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг бир туридир. Бу мажбурлов чоралари вояга етмаганни жиноий жазо қўллагандан ҳам тарбиялаш мақсадида қўлланади.

Ушбу мажбурлов чоралари тарбиявий хусусиятдаги чоралар ҳисобланиб вояга етганларга нисбатан тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди, демак, мажбурлов чораларини қўллаш вақтида шахс ҳам вояга етмаган бўлиши керак.

Вояга етганлик киши ҳаётининг муҳим босқичи бўлиб, шахс фуқаровий никоҳ-оила, сайлаш, армия сафида хизмат қилиш каби ҳуқуқларга тўла эга бўлади. Шунга кўра, мажбурлов чораларини қўллаш вақтида вояга етганларга нисбатан мазкур институтни

қўлланиши мақсадга мувофиқ эмас. Шунга кўра, суд мажбурлов чораларини қўллаш вақтида жиноят содир қилишда айбланаётган шахснинг ёшини ҳам ҳисобга олиши керак.

Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ва жазодан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисобланадилар. Қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаганлиги сабабли жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган вояга етмаган, қўлланилган мажбурлов чораси мобайнида янги жиноят содир қилса жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш масалалари умумий асосларда ҳал қилинади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим давлатларнинг (масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодекси 90-моддасининг тўртинчи қисми) жиноят қонунларида вояга етмаган мажбурий чора қўлланилган шахс мажбурий чора талабларини муттасил равишда бузаверган тақдирда махсус давлат органининг тақдимномаси билан мажбурий чора бекор қилиниб, жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилади. Ўзбекистон Жиноят қонунида эса бундай қоида назарда тутилмаган.

Шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш муддатлари қўлланадими ёки йўқми, деган савол туғилади. Бу ҳақда ЎЗР ЖКнинг 87-моддасида ҳам (мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилиш), умумий 64-моддасида ҳам (жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш), 69-моддасида ҳам (жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш) бирон-бир қоида назарда тутилмаган. Умумий қоидага кўра, қонунда назарда тутилмаган қоида амалда тадбиқ этилмайди. Шунга кўра, мажбурлов чораси қўлланган шахсларга нисбатан бу муддатлар қўлланилмайди. Агар бу муддатлар қўлланилганда эди, мажбурлов чора қўлланган шахс янги жиноят содир қилса, ё жиноятлар жами ёки бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашга тўғри келар эди. Мажбурлов чора қўлланиб жавобгарликдан ва жазодан озод қилинганлар судланмаган деб ҳисобланганлари туфайли муддатларни жорий қилиш мумкин бўлмайди.

Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиб, махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштиришнинг муддатини белгилаш қонунда назарда тутилмаган. Шунга кўра, ўқув-тарбия муассасасида бўлиш муддати

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли ўқув-тарбия муассасасининг хулосасига биноан ҳал қилинади.

Бундан олдинги параграфда жисмоний ривожланишга нисбатан ақлий ривожланиши орқада қолиб кетган вояга етмаганлар ҳам ўз ҳаракатларини идора қила олганлиги ва қилмиши туфайли келиб чиқадиган оқибатнинг ижтимоий хавфли эканлигини англаганлари туфайли жиноятнинг субъекти бўла олишлари тўғрисида айтилган эди. ЎзР ЖК 87-моддасининг учинчи қисмида вояга етмаган шахс ривожланишида ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этилган қилмишнинг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чорасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш шартлиги айтилади.

Махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилган вояга етмаган махсус касб-ҳунар билим юртига жойлаштирилади. Агарда вояга етмаган алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандлик билан касалланган бўлса, махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш билан бирга тиббий йўсиндаги даволаш чоралари ҳам қўлланиши мумкин.

Махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш вояга етмаганнинг хулқини муайян муддат мобайнида назорат қилиш орқали жинойий муҳитдан ажратиш ва уни жамиятдан қисман ажратиб тарбиялаш турли жинойий элементлар таъсиридан ажратиш мақсадини ҳам кўзлайди.

Вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштиришнинг муддати айбдор содир қилган жиноят учун тайинланадиган жазо муддатидан кўп бўлмаслиги керак. Аммо айрим ҳолларда ўқув-тарбия муассасасида ўқиш ёки ҳунар ўрганишни давом эттириш зарурати вужудга келса ҳунар-техника билим юртини тугатгунча қолдирилиши мумкин.

19-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Вояга етмаганлик нима?
2. Вояга етмаганлик тушунчасининг жиноят субъекти ёши тушунчасидан фарқи нима?
3. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо турлари ва уларга жазо тайинлашнинг хусусиятларини айтинг?

4. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилишнинг хусусиятлари нималарда ифодаланади?
5. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг хусусиятлари нималарда ифодаланади?
6. Вояга етмаганларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиб, уларга тарбиявий хусусиятдаги қандай чоралар қўлланиши мумкин?

Фойдаланилган ва ушбу бобни чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Саидазимов М., Ахроров Б., Таджибоев Қ., Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги. Т.: “Халқ мероси”, 2001.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Т.: “Адолат”, 1997, 115-123-бетлар.
3. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М.: “Норма”, 2001, ст.184-199.
4. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М.: “Юристъ”, 2001, ст.446-465.
5. Курс уголовного право. Под ред. Н.Ф.Кузнецова, И.М.Тяжкова. Т.1,2. М.: “Зерцало”, 1999.
6. В.Н.Кудрявцев. Социальные психологические аспекты антиобщественного поведения. Вопросы философии. М.: 1974. ст.109.
7. Усмоналиев М. Каракетов Й. Криминология. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001, 276-298-бетлар.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ

XX БОБ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ

1-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси, уларни тайинлаш асослари ва мақсади

ЎзР ЖК 18-моддаси иккинчи қисмида белгиланганига кўра, шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш пайтида ақли норасо бўлса, яъни руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган, ҳаракатларини бошқара олмайдиган ва ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган оқибатнинг ижтимоий аҳамиятини англай олмайдиган ҳолатда бўлган бўлса жавобгарликка тортилмайди. Шунингдек, ЎзР ЖКнинг 67-моддасида белгиланишига кўра, шахс ҳукм чиқарилгунга қадар, 75-моддасида эса ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолса, суд уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаши мумкин.

Бундай шахслар руҳий касаллик туфайли ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган, ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бера олмайдиган ҳолатда бўлади.

Бу айтилганлардан кўриниб турибдики, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган ва руҳий касалликка чалинган шахсларни қонун икки гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳга ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш пайтида ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган ва ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган оқибатни англамайдиган даражада руҳий касалликка чалинган шахслар. Буларнинг ижтимоий хавфли қилмиши жиноят ҳисобланмайди.

Иккинчи гуруҳга жиноят содир қилиш пайтида ақли расо бўлиб, иш судда кўрилиб ҳукм чиққунча руҳий касалга чалиниб қолганлар ва ҳукм чиққанидан кейин руҳий касалликка чалиниб қолган шахслар киради. Буларнинг қилмиши жиноят ҳисобланади. Жиноят содир қилиш пайтида ақли расо бўлиб, жиноят юзасидан суриштирув ишлари олиб бориш ёки тергов қилиш пайтида ёхуд судда кўриш пайтида ақли норасо бўлиб қолса, ўз ҳаракатларини бошқара

олмайдиган ва қилмишлари учун ҳисоб бера олмайдиган даражада бўлганлиги туфайли жиноят юзасидан суриштирув, тергов ҳаракатлари олиб бориш, судда кўриш тўхтатилади, ҳукм чиққанидан кейин шундай касалликка чалиниб қолса жазони ижро этиш тўхтатилади. Уларга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин. Бундай шахсларга нисбатан ЖКнинг 91-моддасида белгиланишича уларни даволаш ва янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишнинг олдини олиш мақсадида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўз табиатига кўра, давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади. Бундай мажбурлов чоралари фақат суд томонидан тайинланади ва қўлланади. Бунда ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахснинг хоҳиш-иродаси эътиборга олинмайди ва унга нисбатан бир қатор ҳуқуқий чеклашларни жорий қилинади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари ва доираси жиноят қонунида белгиланса, жиноят-процессуал қонунида эса бундай чоранинг тайинланиш тартиби, жиноят ижроия қонунида эса тиббий йўсиндаги чораларни ижро этиш тартиби белгиланади. Уларни даволаш эса тиббиёт органлари томонидан тартибга солинади.

ЎЗР ЖК 91-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсади берилган бўлиб, унда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо ҳисобланмайди ва унда жазолаш элементлари йўқ, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қилмишни давлат томонидан қоралаш ҳам эмас, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси судланганликни келтириб чиқармайди ҳам, балки руҳий касалликка чалинганларни даволаш ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг олдини олиш мақсадида қўлланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан тўрт тоифадаги шахсларга қўлланиши мумкин. Улар тоифасининг ҳар бири ўзига хос белгиларга эгадир.

Биринчи тоифадагилари — .Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган ва жиноят содир қилиш пайтида ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган ва оқибатини англамайдиган даражада руҳий касалликка чалинганлиги туфайли жазо тайинлаш ёки жазони ижро этиш мумкин бўлмаган шахслар. Бундай жиноят содир этиш пайтида ақли расо бўлган, жиноят содир этганидан кейин ақли норасо бўлган шахсларга нисбатан ўз ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бера олмаганлиги туфайли жиноий жавобгар қилиш ва жазо тайинлаш мумкин бўлмайди.

Иккинчи тоифадагилари — ақли норасолик ҳолатида Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган шахслардир. Бундай шахслар руҳий касаллиги туфайли ўз ҳаракатларининг ҳақиқий хусусиятини англамайди. Улар ўз ҳаракатлари билан (кечаси ҳамма ухлаб ётганда ўт кўйиш ва хоказо) у ёки бу қадриятларга зарар етказишга ҳаракат қилади. Бундай шахслар атрофдагилар учун доимо хавф туғдириб туради. Улар содир қилган ижтимоий хавфли қилмиш учун ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида жавобгарлик белгиланган бўлсада уларнинг қилмиши жиноят ҳисобланмайди. Бундай шахсларга нисбатан фақат суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин, холос.

Ана шу юқорида айтилган иккита тоифадаги шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлланиши учун учта шартнинг бўлиш талаб қилинади:

а) улар томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлиги;

б) бундай шахсларнинг ақли норасолиги туфайли ўз ҳаракатларини бошқара олмаслиги ва ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бера олмаслиги;

в) шахснинг руҳий аҳволи ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашнинг зарурлиги. Ана шу учта шартларнинг барчасининг мавжудлиги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тақозо этади.

Ақли норасо бўлиб, лекин ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир қилмаган шахсларга мажбурлов чораларини қўлланиши мумкин эмас.

Учинчи тоифадаги шахсларга — рухий ҳолати бузилган, аммо ўз ҳаракатларини идора қила оладиган ва ҳаракати туфайли келиб чиққан оқибатни англайдиган шахслар киради. Улар рухий касаллик юзасидан ҳисоб бериш қобилиятини сақлаб қолганлар. Уларнинг муайян жиноятни содир қилганлиги учун жиноий жавобгар қилиб, жазо тайинлаш билан бир вақтда тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораси ҳам қўлланиши мумкин.

Тўртинчи тоифадаги шахслар — акли расо ҳолатда жиноят содир қилган, аммо алкоголизм ёки гиёҳвандликка йўлиқиб қолган шахслар киради. Бундай шахслар содир қилган жинояти учун жавобгарликка тортилиб жиноий жазо тайинланади. Уларга нисбатан жиноий жазо тайинлаш билан бир вақтда тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари ҳам тайинланади.

Юқорида айтилган кейинги иккита тоифадаги шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони тайинлаган тақдирда мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва рухий касаллик мутахассисида даволаниш тарзидаги мажбурий чорани тайинлаши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш фақат суднинг ваколати ҳисобланади ва бундай чорани тайинлаш ва ижро этиш тартиби қонун билан тартибга солинади.

Рухий ҳолати бузилган, аммо ўз ҳаракатлари юзасидан ҳисоб берадиган ҳамда алкоголизм ва гиёҳвандлик касалига чалиниб қолган шахсларнинг содир қилган жинояти учун жазо тайинлаш вақтида тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораси қўлланилган шахслар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлсалар, жазони ўташ жойларида даволанадилар. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлар эса соғлиқни сақлаш муассасаларининг амбулатория рухий ёрдам бериш муассасаларида даволанадилар. Бундай шахсларнинг касаллиги зўриқиб рухий ҳолатида ўзгариш юз берса, суд ЎЗР ЖКнинг 95-моддасида белгиланган асосларга кўра, рухий касалликлар шифохонасида даволанишни белгилайди. Бундай ҳолда даволаш муассасасида даволанган вақт жазо муддатига киради. Шахс даволаниб рухий ҳолатида ўзгариш юз берса ва даволанишга эҳтиёж қолмаса, қонунда белгиланган тартибда мажбурлов чорасини бекор қилиш билан бир вақтда тиббий йўсиндаги мажбурий даволашдан озод қилинади. ЎЗР ЖКнинг 95-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш асослари

кўрсатилган бўлиб, шифокорлар комиссиясининг хулосасига асосланган ҳолда суд томонидан ҳал қилинади.

Тиббий йўсиндаги мажбурий чоралар қўлланган шахс ҳар олти ойда тиббий кўрикдан ўтиб туради ва шахснинг руҳий ҳолатида юз бераётган ўзгаришлар юзасидан хулоса бериб турадилар. Бу хулосалар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тиббий йўсиндаги мажбурлов даволаниш чорасидан озод қилинганидан кейин шахснинг руҳий касаллиги яна кўзгалса, яна тиббий йўсиндаги мажбурий чорани тиклаш ёки тайинлаш мумкин эмас. Бундай шахс ЖК Махсус қисми моддасида назарда тутилган янги ижтимоий хавfli қилмишни содир қилган тақдирдагина янгитдан белгиланиши мумкин.

Агар руҳий касалга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов даволаш чоралари қўллаш зарурати бўлмаса, шунингдек, бу чоралар бекор қилинган бўлса, суд уни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасаларига юбориш масаласини ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов даволаш чораси агарда шахс даволаш муассасасида сақланган бўлса, жазо муддатига қўшиб ҳисобланади. Бунда даволаш муассасасида бўлган вақтнинг бир куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига ҳисобланади.

2-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари

ЎЗР ЖКнинг 93-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қуйидаги турлари назарда тутилган:

а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;

б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида даволаниш;

г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш.

Тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш, яъни мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш ЖК 92-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда бундай шахсни руҳий касалликлар шифохонасида

даволаш зарурати бўлмаса қўлланади. Бундай турдаги тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш, даволанишнингмахсус шароитини талаб қилмайдиган, шахснинг ўзига ва бошқа шахсларга хавф туғдирмайдиган, доимий махсус муомала усуллари қўлланишни талаб қилмайдиган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин. Бундай шахсларни руҳиятшунос мутахассисга учрашиб, даволаниш муолажаларини олиб туришнинг ўзи етарли деган хулосага келинса тайинланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишнинг иккинчи тури, яъни умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш, агарда шахснинг руҳий ҳолатининг бузилганлик даражасига, даволанишнинг шароитига, уларни сақлаш ва кузатув олиб бориш шароитига кўра, руҳий касалликлар шифохонасида даволанишни талаб қилинсагина тайинланади.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ўзининг руҳий ҳолатига кўра, кузатув олиб бориш ва руҳий касалликлар шифохонасида даволаниш талаб қилинадиган ҳолдагина тайинланади.

Демак, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шахснинг содир этган жиноятининг хусусиятлари ва унинг руҳий ҳолатига кўра, шифохонада сақланган ҳолда мажбурий даволанишни талаб қиладиган шахсларга нисбатан тайинланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишнинг учинчи тури, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш тури бўлиб, шахснинг руҳий ҳолатига кўра, доимий равишда кузатув олиб боришни, даволанишнинг махсус чораларини қўлланишини талаб қиладиган ҳолатдаги руҳий касалларга нисбатан тайинланади. Бундай касаллар шахснинг ҳаёти учун хавфли бўлган жиноят содир қилмаганликлари ва ўзларининг руҳий ҳолатига кўра ўзлари ва бошқалар учун ҳеч қандай хавф туғдирмайдилар. Аммо шунга қарамай уларни шифохонада махсус даволаш усуллари қўллаган ҳолда даволаниши керак бўлган руҳий касаллардир.

Тиббий йўсиндаги даволанишнинг тўртинчи тури, кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида даволаниш руҳий ҳолатига кўра, ўзига ва бошқаларга нисбатан хавф туғдирадиган, доимий равишда муттасил назорат қилишни талаб қиладиган махсус руҳий касалликлар шифохонасида даволаниш талаб қиладиган шахсларга нисбатан тайинланади. Шундай қилиб, бу

қаттиқ назорат остида даволаш чораси, руҳий касал ўз ҳаракатлари билан ўзига ёки атрофдагиларга зарар етказиши мумкин бўлган (ўзининг баданига шикаст етказиши, бошқаларнинг баданига шикаст етказиши, ўлдириши мумкинлиги, ўт қўйиш хавфи ва ҳоказо ҳаракатлар содир қилиши мумкинлиги хавфи) ҳолларда қўлланиши мумкин. Бундай шахслар жуда оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкин бўлган ҳаракатларни қилиши мумкин. Уларни жуда қаттиқ назорат остида даволашга тўғри келади. Уларни сақлаш шароити шундай ташкил қилинадикки, касал ўзига даволовчи ходимларга ва бошқаларга жиддий зарар етказа олмайди.

Шундай қилиб, кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимида мажбурий даволаш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқига кўра, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шароитида даволанишнинг иложи бўлмаган руҳий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин. Кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси ёки бўлимида руҳий касаллар батамом ажратилган ҳолда сақланади ва қўриқланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш масалаларини руҳий касалликлар шифохонасидаги комиссиянинг хулосасига асосланган ҳолда суд ҳал қилади.

3-§. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги чораларни қўллаш

Алкоголизм алкогольли ичимликларни муттасил равишда истеъмол қилишнинг оқибатидир. Спиртли ичимликлар ичишни суиистеъмол қилиш алкоголизм касалига йўлиқишига сабаб бўлади. Алкоголли ичимликлар ичишни суиистеъмол қилиш фақатгина уни истеъмол қилган кишининг ўзигагина зарарли оқибат келтириб чиқармай, ижтимоий, иқтисодий, демографик ахлоқий ва бошқа салбий оқибатларнинг ҳам сабаби бўлиб қолмоқда. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида кишида мастлик заҳарланиши юз беради.

Мастлик — спиртли ичимликни истеъмол қилиш натижасида кишининг олий нерв тизими функцияси ва атрофдагиларга бўлган муносабатини бузилишига олиб келадиган алкоголь заҳарланишдир. Бундай заҳарланиш муттасил равишда давом этаверса, шахс муқаррар равишда алкоголизм касаллигига йўлиқади.

Жиноят қонунининг муҳим инсонпарварлик принципларидан бири алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахслар жиноят содир қилсалар, уларни давлат ҳисобидан даволайдилар. Гиёҳванд воситаларни истеъмол қилиш натижасида гиёҳвандлик касалига йўлиқиб жиноят содир қилган шахсларни ҳам худди шундай даволайдилар.

Руҳий касалликка чалинган шахслар ўз ҳаракатларини идора қила олмаганлиги ва ҳаракатларининг ижтимоий аҳамиятини англамаганликлари туфайли, уларда шундай касаллик аниқланган пайтдан бошлаб иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бориш ёки ишни судда кўриш ёхуд жазони ижро этиш тўхтатилади ва бундай касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўлланади.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан жиноят иши тўхтатилмай суриштирув ёки тергов ишлари ёхуд ишни судда кўриш ёки жазони ижро этиш давом этаверади. Бундай шахсларга нисбатан суд жазо тайинлаш билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораларини ҳам қўллайди.

ЎзР ЖКнинг 96-моддасида белгиланганига кўра, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга тиббий йўсиндаги чораларни ҳам тайинлаши мумкин.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касалига йўлиққан шахслар ўз ҳаракатларини бошқара оладилар ва ҳаракатларининг ижтимоий оқибатларини англайдилар. Алкоголли ичимликни ёки гиёҳванд воситани ёхуд заҳарванд моддани истеъмол қилишга уларда эҳтиёж кучайган вақтда ўз ҳаракатларини бошқариш ва ўз ҳаракатларининг ижтимоий оқибатларини англаш қобилияти бироз пасаяди. Бу касалликларни махсус даволаш муолажаларсиз даволашнинг иложи бўлмайди.

Ақли норасолиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораларини тайинлаш сингари алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораларини қўллаш суднинг ҳуқуқи ҳисобланади. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликдан мажбурий даволаш чорасини фақат суд тайинлайди.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги

жазоларга ҳукм қилинган бўлса, жазо ижро этилган жойдаги соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасаларида умумий асосларда даволанадилар. Улар жазони ўташ билан бирга суд томонидан тайинланган даволанишга мажбурдирлар.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахс, содир этган жинояти учун қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, уларни даволаш жазони ўтаётган жойда амалга оширилади. Жазони ўташ жойидан озод этилганидан сўнг даволанишни давом эттириш зарурати бўлганида эса соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда даволанадилар.

Шундай қилиб, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш чораси жазони ўташдан олдин ҳам, жазони ўтаганидан кейин ҳам даволаниш амалга оширилмай, жазони ўташ вақтида, жазони ўташ билан бир вақтда даволаниш муолажалари ҳам амалга оширилади.

20-БОБ БЎЙИЧА МАШҚ САВОЛЛАРИ

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари нима?
2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш асосларини айтинг?
3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси вақтидаги даволаниш муддати жазо муддатига кирадими?
4. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланган шахсни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишга нималар асос бўлади?
5. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ўзига хос хусусиятларини айтинг?

Фойдаланилган ва ушбу бобни ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Т.: “Адолат”, 1997, 124-128-бетлар.

2. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М.: “Норма-инфра”, 2001 ст.200-222.
3. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М.: “Юристъ”, 2001, ст. 466-474.
4. А.Г.Бестаева. Аффект как обстоятельство, смягчающий уголовной ответственности при умышленном убийстве. Т.: 2000.
5. Курс уголовного право. Т.1,2. под ред. Н.Ф.Кузнецова и И.М.Тяжкова. М.: “Зерцало”, 1999.
6. Курс советского уголовного права в 6 томах. Т.3. М.: “Наука”, 1970, ст. 330-337.

МУНДАРИЖА

Кириш..... 5

БИРИНЧИ БЎЛИМ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

I БОБ. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ва предмети, вазифалари ва принциплари

1-§. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ва предмети.....	7
2-§. Жиноят ҳуқуқининг вазифалари.....	14
3-§. Жиноят ҳуқуқи фани ва унинг манбалари.....	18
4-§. Жиноят ҳуқуқининг принциплари.....	23

II БОБ. Жиноят қонуни

1-§. Жиноят қонуни тушунчаси унинг хусусиятлари ва аҳамияти.....	33
2-§. Ўзбекистон жиноят қонунининг тузилиши, тизими ва нормаларининг тузилиши.....	38
3-§. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги тарихидан қисқача маълумот.....	47
4-§. Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши.....	54
5-§. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши.....	58
6-§. Жиноят қонунларини шарҳлаш.....	62

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЖИНОЙИЙ ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

III БОБ. Жиноят тушунчаси

1-§. Жиноят тушунчаси ва унинг белгилари.....	66
2-§. Жиноятларни таснифлаш.....	73
3-§. Жиноятни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқи.....	107
4-§. Жиноят ва жиноятчилик, унинг сабаблари.....	110

IV БОБ. Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари

- 1-§. Жиноий жавобгарлик тушунчаси.....115
2-§. Жиноий жавобгарликнинг асослари.....120

V БОБ. Жиноят таркиби

- 1-§. Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг аҳамияти.....125
2-§. Жиноят таркибининг белгилари ва
томонлари (элементлари).....130
3-§. Жиноят таркибининг зарурий ва
факультатив белгилари.....138
4-§. Жиноят таркибининг турлари.143
5-§. Жиноят таркибининг жиноятни квалификация
қилишдаги аҳамияти.....148

VI БОБ. Жиноятнинг объекти

- 1-§. Жиноятнинг объекти тушунчаси ва жиноят таркиби
томонлари (элементлари) тизимида ўрни.....151
2-§. Жиноят объектларини таснифлаш.....156
3-§. Жиноятнинг предмети.....160

VII БОБ. Жиноятнинг объектив томони

- 1-§. Жиноятнинг объектив томони тушунчаси
ва аҳамияти.....165
2-§. Ижтимоий хавfli қилмиш тушунчаси ва
унинг шакллари.....170
3-§. Ижтимоий хавfli оқибат тушунчаси
ва турлари.....177
4-§. Сабабий боғланиш ва унинг жиноят-ҳуқуқий
аҳамияти.....182
5-§. Жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, воситаси,
шароити ва бу белгиларнинг аҳамияти.....187

VIII БОБ. Жиноятнинг субъектив томони

1-§. Жиноятнинг субъектив томони тушунчаси ва аҳамияти.....	193
2-§. Айб тушунчаси ва унинг шакллари.....	195
3-§. Қасд тушунчаси ва унинг турлари.....	200
4-§. Эҳтиётсизлик тушунчаси ва унинг турлари.....	207
5-§. Мураккаб айбли жиноятлар.....	215
6-§. Жиноятларнинг мотив мақсади.....	217
7-§. Хато ва унинг жиноят-хуқуқий аҳамияти.....	220

IX БОБ. Жиноят субъекти

1-§. Жиноят субъекти тушунчаси.....	230
2-§. Ақли расолик ва ақли норасолик тушунчаси.....	233
3-§. Жиноят субъекти ёши.....	237
4-§. Жиноятнинг махсус субъекти.....	241
5-§. Жиноят субъекти ва жиноятчининг шахси.....	246

X БОБ Жиноят босқичлари

1-§. Жиноят босқичлари тушунчаси ва унинг турлари.....	250
2-§. Жиноятга тайёргарлик кўриш.....	253
3-§. Жиноятга суиқасд қилиш.....	257
4-§. Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш учун жавобгарликнинг асослари.....	263
5-§. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш.....	265

XI БОБ. Жиноятда иштирокчилик

1-§. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси, унинг белгилари ва аҳамияти.....	272
2-§. Жиноятда иштирокчиларнинг турлари.....	275
3-§. Иштирокчиликнинг шакллари.....	282
4-§. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликнинг доираси.....	291
5-§. Жиноятга дахлдорлик.....	297

XII БОБ. Бир қанча жиноят содир этиш

1-§. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва унинг	
---	--

алоҳида жиноят содир этишдан фарқи.....	304
2-§. Такроран жиноят содир этиш.....	310
3-§. Жиноятлар мажмуи (жами) тушунчаси.....	314
4-§. Рецидив жиноят.....	325

УЧИНЧИ БЎЛИМ. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНОҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР

ХIII БОБ. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар

1-§. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси ва турлари.....	337
2-§. Кам аҳамиятли қилмишлар.....	340
3-§. Зарурий муҳофаа.....	342
4-§. Охирги зарурат.....	354
5-§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказиш.....	358
6-§. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш.....	363
7-§. Касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик.....	366

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ

ХIV БОБ. Жазо тушунчаси ва мақсади

1-§. Жиноий жазо тушунчаси ва белгилари.....	370
2-§. Жазонинг мақсади.....	375

ХV БОБ. Жазо тизими ва жазо турлари

1-§. Жазо тизими ва турлари.....	380
2-§. Жарима.....	383
3-§. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш.....	384
4-§. Ахлоқ тузатиш ишлари.....	387
5-§. Хизмат бўйича чеклаш.....	417
6-§. Қамок.....	419
7-§. Интизомий қисмга жўнатиш.....	422
8-§. Озодликдан маҳрум қилиш.....	424

9-§. Ўлим жазоси.....	430
10-§. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш.....	433

XVI БОБ. Жазо тайинлаш

1-§. Жазо тайинлашнинг умумий асослари.....	437
2-§. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш.....	461
3-§. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш.....	464
4-§. Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш.....	468
5-§. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш.....	494
6-§. Қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш.....	524
7-§. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш.....	527

БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОДҚИЛИШ

XVII БОБ. Жавобгарликдан озод қилиш ва унинг турлари

1-§. Жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси ва турлари.....	532
2-§. Жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.....	536
3-§. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотмаганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.....	539
4-§. Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.....	541
5-§. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш.....	545
6-§. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш.....	547
7-§. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.....	550

XVIII БОБ. Жазодан озод қилиш

1-§. Жазодан озод қилиш тушунчаси ва турлари.....	554
2-§. Жазонинг ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.....	558

3-§. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш.....	561
4-§. Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.....	564
5-§. Шартли ҳукм қилиш.....	567
6-§. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш.....	598
7-§. Жазони енгилроғи билан алмаштириш.....	605
8-§. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш.....	609
9-§. Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш.....	611
10-§. Судланганлик.....	615

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ХІХ БОБ. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазолар ва уларни тайинлаш

1-§. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари.....	622
2-§. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазолар ва уларни тайинлаш.....	625
3-§. Вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш.....	627

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ

ХХ БОБ. Тиббий йўсиндаги чоралар ва уларни тайинлаш

1-§. Тиббий йўсиндаги чоралар тушунчаси, уларни тайинлаш асослари ва мақсади.....	634
2-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари.....	638
3-§. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги чораларни қўллаш.....	640

1.

Contents

Introduction.

The first section

General provisions of Criminal Law.

Chapter I. Notion, subject, tasks and principles of Criminal law.

1. Notion and subject of Criminal law.....7
2. The tasks of Criminal law.....14
3. The theory of Criminal law and its sources.....18
4. The principles of Criminal law.....23

Chapter II. The Criminal code.

1. The notion of the Criminal code, its peculiarities and significance.....33
2. Historical review of the Criminal legislation of Uzbekistan..38
3. The structure of the Criminal code of Uzbekistan, the system and the structure of norms.....47
4. The Criminal Code action concerning the territory.....54
5. The Criminal Code action concerning the time duration.....58
6. The interpretation of Criminal Code.....52

The second section

The grounds for the criminal liability.

Chapter III. The notion of the crime.

1. The notion of the crime and its characteristics.....66
2. The classification of crimes.....73
3. Distinction of crimes from other delicts.....107
4. The reasons of crimes and criminality.....110

Chapter IV. The grounds for criminal liability.

1. The notion of criminal liability.....115
2. The grounds for criminal liability.....120

Chapter V. The structure of crime (corpus delicty).

1. The notion and significance of the structure of crimes.....125

2. Characteristics attributes and elements of the structure of crime.....	130
3. Obligatory and nonobligatory attributes of the structure of crime.....	138
4. The types of the crime and the qualification of crime.....	143
5. The structure of the crime and the qualification of crime...	148

Chapter VI. The object of crime.

1. The notion and the significance of the object of crime.....	151
2. The classification of the object of crime.....	156

Chapter VII. The objective party of the crime.

1. The notion and significance of the objective party of crime.....	165
2. The notion and attributes of the social dangerous act.....	170
3. The social dangerous consequences and their types.....	177
4. The notion and criminal and legal significance of the cause connection.....	182
5. The place, the time, the way, the means and conditions of these attributes (characteristics).....	187

Chapter VIII. The subjective party of the crime.

1. The notion and the significance of the crime.....	193
2. The notion and the forms of the guilt.....	195
3. The deliberation and its types.....	200
4. The notion and types of carelessness.....	207
5. The crime with complicated guilt.....	215
6. The motive and the object of the crime.....	217
7. The error and its criminal legal significance.....	220

Chapter IX. The subject of the crime.

1. The notion of the subject of the crime.....	230
2. The notion of imputation and non-imputation.....	233
3. The age attributes of the crime.....	237
4. The special subject of the crime.....	241

5. The subject of the crime and the personality of the criminal.....	246
--	-----

Chapter X. The stages of the commitment of crime.

1. The notion of crime.....	250
2. The crime preparation.....	253
3. The crime encroachment.....	257
4. The grounds of criminal responsibility for the crime preparation and crime encroachment.....	263
5. The voluntary refusal from the crime commitment.....	265

Chapter XI. The complicity of the crime.

1. The notion and the meaning of the complicity of the crime.....	272
2. The forms of the crime participants.....	275
3. The forms of complicity.....	282
4. The liability limits for the crime complicity.....	291
5. The touch to the crime.....	297

Chapter XII. Plurality of crimes.

1. The notion of the plurality of crimes and its difference from single crimes.....	304
2. The reiteration of crimes.....	310
3. The totality of crimes.....	314
4. The recidivism of crimes.....	325

The third section.

The circumstances, excluding the criminal nature of the act.

Chapter XIII. The notion and forms of circumstances, excluding the criminal nature of the act.

1. The notion and forms of circumstances, excluding the criminal nature of the act.....	337
2. The insignificance of the act.....	340
3. The necessary defense.....	342
4. The extreme necessity.....	354

5. The infliction of injury when detaining a person who committed a social dangerous act.....358
6. The fulfillment of the order or the other statute.....363
7. The justified professional or commercial risk.....366

The fourth section.

The penalty and its infliction.

Chapter XIV. The notion and the aims of the penalty.

1. The notion and the aims of the penalty.....370
2. The notion and the attributes of criminal penalty.....375

Chapter XV. The system and forms of penalty.

1. The system and forms of penalty.....380
2. The fine (penalty).....383
3. The deprivation of certain rights.....384
4. The corrective labour measures.....387
5. The restriction of the service.....417
6. The arrest.....419
7. The direction to the disciplinary unit.....422
8. The imprisonment424
9. The capital punishment430
10. The deprivation of military or special rank.....433

Chapter XVI The inflictment of penalty

1. General principles of inflictment punishment.....437
2. The circumstances, mitigating punishment.....461
3. The circumstances, aggravating a punishment.....464
4. The fixing of punishment for several crime commitments.....468
5. The fixing a punishment concerning several sentences.....494
6. The fixing of milder punishment.524
7. The fixing a punishment for the incompleated crime and for the crime committed in the complicity.....527

The fifth section

The release from responsibility and punishment.

Chapter XVII. The forms of the release from responsibility.

1. The forms of the release from responsibility.....532
2. The release from the responsibility for the crime as the result of the expiration of the prescribed period of the inflictment for responsibility.....536
3. The release from the responsibility as a result of the loss of the social danger by the action or a person.....539
4. The release from responsibility in connection with the active repentance of the guilty.....541
5. The release from responsibility due to the disease.....545
6. The release from responsibility by the act of amnesty.....547

Chapter XVIII. The release from punishment.

1. The notion and forms of the release from punishment.....554
2. The release as a result of the prescribed term expiration of the execution of the punishment.....558
3. The release from the punishment as a result of the loss of the social danger by a person.....561
4. The release from the punishment as a result of an active repentance by the convicted person.....564
5. The conditional conviction.....567
6. The conditional ahead of time release from the service of sentence.....598
7. The substitution of punishment for a milder one.....605
8. The release from punishment due to disease or as a result of disability.....609
9. The release from punishment by the act of amnesty or mercy.....611
10. The conviction.....615

The sixth section

The special features of the responsibility for minors.

Chapter XIX. The punishment and its infliction minors.

1. The special features of responsibility for minors.....622

2. The punishment and its infliction in relation to minors.....625
3. The discharge from liability or punishment for minors....627

The seventh section

The compulsory measures of medical character and their infliction.

Chapter XX. The notion and the significance of medical character and their infliction.

1. The grounds and infliction of the compulsory measures of medical character.....634
2. The forms of compulsory measures of medical character....638
3. The application of the measures of medical character to persons suffered from alcoholism, drug-addiction or toxication.....640

ОГЛАВЛЕНИЕ

ВВЕДЕНИЕ.....5

РАЗДЕЛ ПЕРВЫЙ. ОБЩЕЕ ПОЛОЖЕНИЕ

УГОЛОВНОГО ПРАВА.....

ГЛАВА I. Понятие уголовного права, его предмет, задачи и принципы

§ 1. Понятие уголовного права и его предмет.....7

§ 2. Задачи уголовного права.....14

§ 3. Наука уголовного права и его источники.....18

§ 4. Принципы уголовного права.....23

ГЛАВА II. Уголовный закон

§ 1. Понятие уголовного законодательства Узбекистана.....33

§ 2. Краткий обзор история уголовного законодательства Узбекистана.....38

§ 3. Структура уголовного закона Узбекистана, система и структура норм.....47

§ 4. Действие уголовного закона в пространстве.....54

§ 5. Действие уголовного закона во времени.....58

§ 6. Толкование уголовного закона.....62

РАЗДЕЛ ВТОРОЙ. ОСНОВАНИЯ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

ГЛАВА III. Понятие преступления

§ 1. Понятие преступления и его признаки.....66

§ 2. Классификация преступления.....73

§ 3 Разграничение преступлений от иных правонарушений.....107

§ 4. Преступление и преступность, его причины.....110

ГЛАВА IV. Уголовная ответственность и его основание

§ 1. Понятие уголовной ответственности.....115

§ 2. Основание уголовной ответственности.....120 ...

ГЛАВА V. Состав преступления

§ 1. Понятие и значение состава преступления.....125

§ 2. Признаки и элементы состава преступления.....130

§ 3. Обязательные и факультативные признаки состава
преступления.....138

§ 4. Виды состава преступлений.....143

§ 5. Состав преступления и квалификация преступления..148 ..

ГЛАВА VI. Объект преступления

§ 1. Понятие и значение объекта преступления.....151

§ 2. Классификация объекта преступления.....156

§ 3. Предмет преступления.....160

ГЛАВА VII. Объективная сторона преступления

§ 1. Понятие и значение объективной стороны
преступления.....165

§ 2. Понятие общественно опасное деяние и его формы....170

§ 3. Общественно опасные последствия и его виды.....177

§ 4. Понятие причинной связи и ее уголовно-правовое
значение.....182

§ 5. Место, время, способ, средства, обстановка совершения
преступления и значение этих признаков.....187

ГЛАВА VIII. Субъективная сторона преступления

§ 1. Понятие и значение субъективной стороны
преступления.....193

§ 2. Понятие вины и ее формы.....195

§ 3. Умысел и его виды.....200

§ 4. Неосторожность, понятие и виды.....207

§ 5. Преступление со сложной виной.....215

§ 6. Мотив и цель преступления.....217

§ 7. Ошибка и его уголовно-правовое значение.....220

ГЛАВА IX. Субъект преступления

§ 1. Понятие субъекта преступления.....230

§ 2. Понятие вменяемости и невменяемости.....233

§ 3. Возрастные признаки субъекта.....237

§ 4. Специальный субъект преступления.....241

§ 5. Субъект преступления и личность преступника.....246 .

ГЛАВА X. Стадии совершения преступления

§ 1. Понятие стадий совершения преступления и их виды.....	250
§ 2. Приготовление к преступлению.....	253
§ 3. Покушение на преступление.....	257
§ 4. Основания уголовной ответственности за приготовление и покушение к преступлению.....	263
§ 5. Добровольный отказ от преступления.....	265

ГЛАВА XI. Соучастие в преступлении

§ 1. Понятие соучастие в преступлении и его признаки....	272
§ 2. Виды соучастников преступления.....	275
§ 3. Форма соучастия.....	282
§ 4. Передела ответственности за соучастие в преступлении.....	291
§ 5. Прикосновенность к преступлению.....	297

ГЛАВА XII. Множественность преступлений

§ 1. Понятие множественности преступлений и отличие от единичных преступлений.....	304
§ 2. Повторность преступлений.....	310
§ 3. Совокупность преступлений.....	314
§ 4. Рецидив преступлений.....	325.....

РАЗДЕЛ ТРЕТИЙ. ОБСТОЯТЕЛЬСТВА,

ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ....

ГЛАВА XIII. Понятие и виды обстоятельств исключающих преступность деяния

§ 1. Понятие и виды обстоятельств исключающих преступность деяния.....	337
§ 2. Малозначительность деяния.....	340
§ 3. Необходимая оборона.....	342
§ 4. Крайняя необходимость.....	354
§ 5. Причинение вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние.....	358
§ 6. Исполнение приказа или иной обязанности.....	363
§ 7. Оправданный профессиональный или хозяйственный риск.....	366.....

РАЗДЕЛ ЧЕТВЁРТЫЙ.

НАКАЗАНИЕ И ЕГО НАЗНАЧЕНИЕ

ГЛАВА XIV. Понятие наказания и его цели

- § 1. Понятие и признаки уголовных наказаний.....370
- § 2. Цели наказаний.....375

ГЛАВА XV. Система и виды наказаний

- § 1. Система и виды наказаний.....380
- § 2. Штраф.....383
- § 3. Лишение определённого права.....384
- § 4. Исправительные работы.....387
- § 5. Ограничение по службе.....417
- § 6. Арест.....419
- § 7. Направление в дисциплинарную часть.....422
- § 8. Лишение свободы.....424
- § 9. Смертная казнь.....430
- § 10. Лишение воинского или специального звания.....433 ...

ГЛАВА XVI. Назначение наказания

- § 1. Общие начала назначения наказания.....437
- § 2. Обстоятельства, смягчающие наказание.....461
- § 3. Обстоятельства, отягчающие наказание.....464
- § 4. Назначение наказания при совершении нескольких преступлений.....468
- § 5. Назначение наказания по нескольким приговорам....494
- § 6. Назначение более мягкого наказания.....524
- § 7. Назначение наказания за неоконченное преступление и за преступление, совершенное в соучастии.....527

РАЗДЕЛ ПЯТЫЙ. ОСВОБОЖДЕНИЕ ОТ ОТВЕТСТВЕННОСТИ И НАКАЗАНИЯ

ГЛАВА XVII. Освобождение от ответственности и наказания его виды

- § 1. Освобождение от ответственности и наказания его виды.....532
- § 2. Освобождение от ответственности за преступления вследствие истечения срока давности привлечения к ответственности.....536

§ 3. Освобождение от ответственности в силу утраты деянием или лицом общественной опасности.....	539
§ 4. Освобождение от ответственности в связи с деятельным раскаянием виновного.....	541
§ 5. Освобождение от ответственности в связи с примерением.....	545
§ 6. Освобождение от ответственности по болезни.....	547
§ 7. Освобождение от ответственности на основании акта амнистии.....	550

ГЛАВА XVIII. Освобождения от наказания

§ 1. Понятие и виды освобождения от наказания.....	554
§ 2. Освобождение вследствие истечения сроков давности исполнения наказания.....	558
§ 3. Освобождение от наказания в силу утраты лицом общественной опасности.....	561
§ 4. Освобождение от наказания в связи с деятельным раскаянием виновного.....	564
§ 5. Условное освобождение.....	567
§ 6. Условно-досрочное освобождения от отбывания наказания.....	598
§ 7. Замена наказания более мягким.....	605
§ 8. Освобождение от наказания по болезни или вследствие утраты трудоспособности.....	609
§ 9. Освобождение от наказания на основании акта амнистии и помилования.....	611
§ 10. Судимость.....	615

РАЗДЕЛ ШЕСТОЙ. ОСОБЕННОСТИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

ГЛАВА XIX. Наказание и его назначение несовершеннолетним

§ 1. Особенности ответственности несовершеннолетних.....	622
§ 2. Наказание и их назначения в отношении несовершеннолетним.....	625
§ 3. Особенности ответственности или наказания несовершеннолетних.....	627

РАЗДЕЛ СЕДЬМОЙ. Принудительные меры медицинского характера

ГЛАВА XX. Понятие принудительные медицинского характера и их назначение

- § 1. Понятие, основания и назначение принудительные медицинского характера.....634
- § 2. Виды принудительных мер медицинского характера...638
- § 3. Применение мер медицинского характера к лицам, страдающим алкоголизмом, наркоманией или токсикоманией.....640

Фикр ва мулоҳазалар учун

Муҳаммаджон Усмоналиев

Жиноят ҳукуқи
(Умумий қисм)

ИБ № 3708

Мусаввир: Ш. Одилов
Оригинал макетни тайёрловчи: Л. Соатова
Босмахонага топширилди 12.04.05. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
Офсет босма. Шартли босма табағи 41.5. Адади 3000
Буюртма № 37. Нархи шартнома асосида.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази,
Тошкент, Чилонзор, Қатортол кўчаси 60-уй

ЎзР ФААК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: И.Мўминов кўчаси 13-уй.